***1. Качества и способности выпускника***

Качества выпускника в центре планирования процесса обучения. Качества выпускника – это долгосрочные цели образовательной деятельности. Мы должны задумываться о том, какой тип человека будет сформирован в результате реализации нашей программы - о его нравственных и гражданских качествах, ответственности, социализации в сегодняшнем и завтрашнем обществе. Преподаватель должен постоянно держать в фокусе, каким образом его обучение способствует развитию этих качеств. Необходимо особенно четко сформулировать, какими качествами должен обладать выпускник по окончании программы, т.е. по каким признакам мы поймем, что обучение успешно, и выпускник соответствует ожиданиям общества как лидер и человек, способный изменить мир вокруг.

Многие образовательные учреждения во всем мире работают над качествами выпускника и постоянно сверяют с ними образовательные программы. Интервью Аллана Каррингтона с профессором Джеффом Скоттом, опубликованное в блоге под названием "развивайте эти качества и вы будете востребованы!" стало своеобразным откровением для многих университетских преподавателей [2]. Речь идет о качествах и способностях, которые хотят видеть в выпускниках и ценят руководители и работодатели. Если у руководителей образовательных учреждений нет четкого представления о том, каким должен быть отличный выпускник, то как же педагоги смогут помочь своим ученикам стремиться к совершенствованию и стать лидерами в своей области?

Каждому учителю следует подходить к своему курсу и используемым методам, задаваясь вопросом "Как все, что я делаю, способствует формированию этих качеств? Каким способом я могу спроектировать содержание и виды деятельности, чтобы помочь ученикам добиться отличных результатов?"

***2. Мотивация***

Мотивация крайне важна для достижения наиболее эффективных образовательных результатов. Преподавателю полезно почаще задавать себе вопрос: "Для чего я это делаю?" Имеются в виду планирование образовательных результатов, отбор содержания, видов деятельности, например, написание текстов или создание видео. В центре колеса модель мотивации 21 века, которую выработала наука. Она блестяще представлена в TED выступлении Дэна Пинка "Загадка мотивации" [3].

Мышление в координатных плоскостях Самостоятельности, Мастерства и Цели, критическое осмысление всего, что педагог делает от идеи до оценки, существенно поможет ему обучать учеников на качественно новом уровне. Хорошие идеи, как применить принципы Дэна Пинка - самостоятельность-мастерство-цель в перевернутом классе можно найти в блоге Барби Ханникат Flipit Blog.

***3. Таксономия Блума***

Таксономия Блума – прекрасный инструмент для планирования образовательных целей по развитию навыков высокого мышления. Мы начинаем с запоминания и понимания, на этом уровне легче всего поставить цели, но он менее эффективен в достижении изменений. Рекомендуется педагогам ставить хотя бы по одной образовательной цели на каждом уровне, продвигаясь к уровню создания, где и происходит развитие навыков высокого мышления. Ход рассуждений таков: "К концу изучения темы (урока, семинара, мастерской) вы должны уметь....." Только после тщательного обдумывания образовательных результатов следует переходить к выбору технологий, расширяющих возможности.

***4. Использование технологий***

Использование технологий служит достижению педагогических целей. При отборе приложений или сервисов необходимо опираться на соответствующие критерии. Настоящая версия колеса представляет ряд приложений, актуальных для осуществления целей и видов деятельности на момент публикации. По мере появления новых приложений необходимо регулярное обновление колеса. Учитель всегда должен находиться в поиске новых инструментов, наилучшим образом отвечающих его педагогическим целям и расширяющих возможности для их достижения.

***5. Модель SAMR***

Модель, разработанная Рубеном Пуэнтедура – Подмена, Приращение, Перепроектирование, Переопределение (Substitution, Augmentation, Modification, Redefinition), описывающая степени применения технологий. С помощью этого инструмента учитель может оценить, насколько применение технологий способствует (или нет) повышению уровня обучения в отличие от того, если

б оно происходило без них. Модель SAMR будет крайне полезна при обдумывании, *как* вы планируете использовать отобранные технологии. Она широко используется в образовании, и вы найдете множество ресурсов онлайн, среди которых отличный сайт Кети Шрок. Очень полезен взгляд на эту модель глазами студентов, представленный в небольшом видеоролике.

Еще раз обратитесь к выбранным вами видам деятельности и подумайте, как вы будете использовать технологии для каждой задачи. Спросите себя: "Этот вид деятельности лишь является подменой (т.е. учащиеся могут легко справиться с задачей и без этой технологии) или я могу дополнить, модифицировать задачи, чтобы оптимизировать деятельность и повысить активность учащихся?" В итоге профильтруйте свои приемы и виды деятельности через "сито" Переопределения. Есть ли какие-то задачи, для решения которых можно построить такую деятельность, что без технологий не была бы возможна? [4].

В 2012 году во время семинара в Великобритании Аллан Каррингтону пришла в голову идея увязать приложения и сервисы вокруг колеса таксономии Блума в соответствии с уровнями познавательной деятельности. За основу была взята модификация модели Кратвола и Андерсона (2001), основанная на оригинальной таксономии Блума (1956), именно они объединили запоминание и понимание.

В первой версии Колеса уровни таксономии Блума находились в центре и учителя при использовании колеса начинали с выбора образовательных результатов в каждом уровне. Их целью было достижение результатов, способствующих развитию навыков мышления более высокого порядка на уровнях анализа и создания. Аллан Каррингтон отобрал 65 приложений, наиболее эффективных, с его точки зрения, для достижения лучших результатов, и расположил их по внешнему краю колеса. И когда после семинара последовали просьбы педагогов использовать эту инфографику в работе, он понял, что стоит на пороге рождения чего-то полезного.

Вернувшись в Австралию, Аллан Каррингтон много размышлял о том, *что* есть эффективное обучение и *что* в нем главное. В результате во второй версии были добавлены характеристики качеств выпускника, а затем мотивация и модель SAMR (П4) в третьей. Два года спустя, когда модель была скачана с его сайта 150000 раз, он добавил новые приложения и удвоил их число в каждой категории. И завершили модель критерии отбора приложений.

**Литература**

1. Аллан Каррингтон (2016) *The Padagogy Wheel – It's Not About The Apps, It's About The Pedagogy. www.teachthoought.com.* [Teach Thought].

2. https://designingoutcomes.com/if-you-exercise-these-capabilities-you-will-be-employed/ (2017) "Развивайте эти качества и вы будете востребованы!".

3. https://www.youtube.com/watch?feature=player_embedded&v=rrkrvAUbU9. (2009). TED выступлении Дэна Пинка "Загадка мотивации".

4. Г.Ж.Абылова (2006) Роль и место мультимедиа в образовании. [XXIII International scientific and practical conference "International scientific review of the problems and prospects of modern science and education"]. USA с 32-33.

**Шаҳло НУРУЛЛАЕВА**
Қарши давлат университети доценти,
педагогика фанлари номзоди

# ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ВА КОМПЕТЕНТЛИК: МАЗМУНИ, ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Мақолада бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни ва педагогик маҳоратни шакллантириш йўллари, касбий мослашувчанлик босқичлари, мустақил равишда ўз устида ишлаш методикаси таҳлил қилинган. Шунингдек, педагогик компетентлик ва маҳоратни шакллантиришга доир тренинглардан намуналар келтирилган.*

***Калит сўзлар****: педагог, касбий маҳорат, компетентлик, профессионал сифатлар, ўз устида ишлаш, тренинглар, микродарс, адаптация.*

*В статье анализируются пути формирования профессиональной компетентности и педагогического мастерства, этапы профессиональной адаптации, методы самостоятельной работы будущих педагогов. А также приведены примеры тренингов по формированию педагогической компетентности и навыков.*

***Ключевые слова:*** *педагог, профессиональное мастерство, компетентность, профессиональные качества, саморазвитие, обучение, микроурок, адаптация.*

*The article analyzes the ways of forming professional competence and pedagogical skills, stages of professional adaptation, methods of independent work of future teachers. And also give examples of trainings on the formation of pedagogical competence and skills.*

***Key words:*** *teacher, professional skill, competence, professional qualities, self-development, training, micro-lesson, adaptation.*

**Кириш.** Бўлажак ўқитувчиларни педагоглик касбига ижобий муносабатни тарбиялаш ва касбий мослаштиришга қўйиладиган замонавий талаблар, касбий мослашувчанликни, ижодий муносабатда бўлишни шакллантиришнинг педагогик-психологик аспектларини ўрганиш, шунингдек, олий таълим муассасаларининг мазкур жараёндаги имкониятлари диагностикаси хулосаларига таяниб, бўлажак ўқитувчиларни касбий мослаштириш жараёни қуйидаги босқичларда кечади:

I босқич – мотивацион босқич бўлиб, бу босқичда касбий фаолиятга мотивацион йўналтириш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, касбий тасаввурлар шакллантирилади, касбий билимлар ўзлаштирилади ва касбий фаолият талаблари англаниши амалга ошади.

II босқич – компетенцияларни шакллантириш босқичи. Бу босқичда қуйидагилар амалга оширилади: касбий фаолият талабларини ўзлаштириш; касбий компетенцияларни билиш, ўзлаштириш, мулоқотга киришиш, касбий ижодкорлик; фаолиятга инновацион ёндашувнинг қарор топиши (махсус фанлар, педагогик амалиёт, тўгараклар, ижодий ишлар, синфдан ташқари ишлар, мустақил таълим воситасида).

III босқич - касбий ўз-ўзини англаш ва мослашиш босқичи. Бу босқичда касбий кўникма ва малакаларнинг ривожланиши; педагогик қобилият ва касбий сифатлар шаклланишининг (умумкасбий ва махсус фанлар, ўқув амалиёти, мустақил таълим воситасида) ҳолатларини кузатиш мумкин.

Таълим тизимидаги ўзгаришлар ўқитувчи доимий равишда малакасини оширишни талаб этади. Яъни унинг касб-кор даражасини ёки касбий компетентлигини оширишни талаб этади. Ҳозирги жамиятнинг асосий вазифаси – шахснинг фаол ва перспективадаги жамият ва давлатнинг талабларига жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахсни тайёрлаш, жамиятнинг социал адаптацияга мос қобилиятга эга касбий фаолиятни бошлашга тайёр, ўзининг билим, кўникма ва малакасини оширишга қобилиятли кадрларни тайёрлашдан иборат.

Мустақил фикрлайдиган, фаолиятининг натижасини прогнозлай биладиган, маълумот мазмунини моделлаштира оладиган педагоггина олдига қўйилган мақсадини амалга ошира олади. Шунинг учун ҳозирги даврда мустақил, ижодий фикрлайдиган, рақобатбардош, ҳозирги тинимсиз ривожланиб бораётган талабларга жавоб берадиган шахсни тарбиялайдиган ўқитувчига талаб ошмоқда.

Юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда педагогнинг профессионал компетентлигини ривожлантиришнинг асосий йўлларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- педагогик таълим ёки касбий ривожлантириш (малака ошириш) жараёнида;
- илмий тадқиқотлар ўтказиш натижасида;

- семинар-тренинглар ёки услубий кенгашларда инновацион технологияларни ўрганиш натижасида;
- ўзаро тажриба-алмашиниш жараёнида;
- танловлардаги иштирок натижасида;
- ўз устида мустақил ишлаш жараёнида.

**Асосий қисм.** Агар педагог ўзининг шахсий касбий компетентлигини ошириш зарурлигини тушуниб етмаса юқоридаги кўрсатилган воситаларнинг бирортаси ҳам самара бермайди. Шунинг учун ҳам педагогик юксалиш мотиви ва унинг амалга оширилиши учун мос шароит яратиш зарурияти келиб чиқади. Шундай шароит яратилиши керакки, педагог ўзи мустақил ўзининг касбий сифатларини ошириш зарурлигини тушуниб етсин ва унга эҳтиёж туғилсин. Бунинг учун таълим муассасасида демократик муҳит яратилиши лозим. Ўқитувчининг ижодий ишлари қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши уни янги-янги ишларга қўл уришига, ижодий изланишига туртки бўлади.

Ўзининг шахсий педагогик тажрибасини таҳлил қилиш педагогнинг ўз-ўзининг касбий ривожланишини фаоллаштиради, бунинг натижасида тадқиқотчилик малакаси ривожланади ва бу педагогик фаолият билан интеграллашади. Педагог мактабни бошқариш жараёнига жалб этилиши унинг касбий ривожланишига ёрдам беради.

Шахсий профессионал сифатларнинг ривожланиши – бу динамик жараён бўлиб, касб соҳасидаги тажрибаларни ўзлаштириш ва модернизациялаш, узлуксиз ривожланиши ва ўз устида ишлаш жараёнидир.

Касбий компетентликни шакллантиришда ўз устида мустақил ишлаш қуйидаги уч босқичда амалга ошади:

- ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўзини англашнинг зарурлиги;
- ўз-ўзини ривожлантириш режасига эга бўлиш (мақсад, вазифа, уни амалга ошириш йўллари);
- ўзини кўрсатиш, таҳлил қилиш ва камчиликлари устида ишлаш.

Касбга оид компетентликнинг шаклланиши узлуксиз жараён. Педагогнинг касбий компетентлигининг шаклланиши ўз-ўзини англаган ва ўз касбий қобилиятини ривожлантириш дастурига эга бўлиб, ўз фаолиятини таҳлил қила оладиган, камчиликларини тугатиш устида тинимсиз изланадиган даврдан бошланади. Чунки педагогик фаолият жараёнида тинимсиз ўз касбий фаолияти устида ишлаш зарур бўлиб, бу жараёнда бажарган иш турлари баъзан такрорланади. Лекин бу такрорланиш айнан бўлмай педагогнинг ўз устида тинимсиз ишлаши натижасида янгича шаклда ўзгарган, сифат жиҳатидан янгиланган шаклда такрорланади. Педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши, онгли равишда ўз ҳаётини ташкил қилиши касбига оид фаолиятининг тараққиётига сабаб бўлади. Ўз устида тинимсиз изланиб, касби соҳасида камолот чўққиларини эгаллаган ўқитувчигина мамлакатимиз тараққиётинининг келажагини тарбиялаб етиштира олади, таълим жараёнини талабаларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтира олади. Талабаларда шаклланган компетециялар эса уларнинг ўз ҳаёт йўлларини тўғри танлашига асос бўлади.

Педагогик таълим жараёнида касбий компетанцияларни таркиб топтиришга қаратилган таълим – талабаларнинг эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш имкониятидир. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим талабаларда мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий компетентликни шакллантиради. Талаба ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши таянч бўлади. Шунинг учун ҳам ўзлаштириш жараёнида фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда фанга оид компетенциялар шакллантирилади.

Ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялаши учун, аввало, ўзини атрофлича чуқур ўрганиши, ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларни кўра олиши керак. Ўз-ўзини ўрганиш ва бошқа кишиларни англаш учун ҳам зарурдир. Бошқа ютуқларни ўрганмай, ўзини бошқалар билан қиёс қилмай туриб, ўзини шахс сифатида ўрганиш мумкин эмас. Ўзини англаш, ўзини баҳолаш хусусияти бошқа кишилар билан муносабат жараёнида, биргаликдаги фаолият вақтида таркиб топади.

Энг аввало ўқитувчи ўзида педагогик қобилиятнинг қандай хислатлари борлигини ўрганиши керак. Педагогик фаолиятга муҳаббат қўйган ўқитувчи ишга чин кўнгилдан берилиб ишлайди, ҳеч қандай формализмга йўл қўймайди. Ўз касбини севган ўқитувчи доимий равишда ғоявий-сиёсий

савиясини ошириш ва билим доирасини кенгайтиради, ўз предметини чуқур билиш устида қунт билан ишлайди.

Ўз-ўзини тарбиялаш ўз фаолиятини таҳлил қилишдан ва ўз шахсини такомиллаштиришдан бошланади. Ўқитувчи ўз устида ишлаш, ўз-ўзини тарбиялашда қуйидаги услублардан фойдаланади.

1. Ўз-ўзини билиш:

а) ўзини кузатиш;

б) ўз ҳаракатларини тахлил этиш;

в) ўз-ўзини синаш;

г) ўртоқларининг фикрини тушуна олиш.

2. Ўзига баҳо бериш:

а) ўз-ўзини танқид қилиш;

б) ўзига тавсиф бериш;

в) ўз-ўзини тақдирлаш.

Ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди. Ўз шахсий фазилатларини таҳлил қилишга, хатти-ҳаракатларини муҳокама қилишга ўргатади. Ўз-ўзини назорат қилиш учун ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий одатларининг ортиб бориши ва аксинча, салбий одатларининг камайиб боришини кузатиб боради. Ўз-ўзини баҳолаш ўқитувчига ўз имкониятларини баҳолашга, ўзидан қониқиш ҳосил қилишга ёрдам беради.

**Муҳокама ва натижалар.** Ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялаш билан бирга ўз устида тинмай ишлаб, ўзининг ғоявий-сиёсий онгини доимий равишда ўстириб, педагогик маҳоратини такомиллаштириб боради. Ўқитувчи ўзининг бутун куч-қуввати ва имкониятини ўзида бор ҳамма қимматбаҳо нарсаларни ўз талабаларига, халққа беради. Шу билан бирга, ўз билими, тажрибаси, имкониятлари ва савиясини тўлдириб бориши керак. Ўқитувчи, бир томондан, ўзида борини беради, иккинчи томондан, ўзига халқдан, ҳаётдан, фандан ҳамма яхши нарсаларни ўзлаштиради ва ўзлаштирган ҳамма яхши нарсаларни яна янгидан болаларга беради.

Ўқитувчилар учун амалга оширилаётган педагогик таълим ва малака ошириш машғулотларида ёки ўз устида ишлаш жараёнида қуйида намуна сифатида берилаётган тренинглар касбий компетентлигини оширишга ёрдам беради.

***Ўқитувчининг коммуникатив компетенцияларини шакллантиришга доир тренинглар:***

***1-машқ.*** Бу машқни икки киши бажаради: 1-талаба «ўқитувчи» вазифасини бажаради, 2-талаба топшириқни ўқиб туради. «Ўқитувчи» талаба топшириқ талабига биноан юз ифодасини ўзгартиради ва талабаларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилади.

1-*топшириқ:* сиз доскага ёзяпсиз. Талабалар сиз билан баравар дафтарга ёзишлари лозим. Тўсатдан шовқин кўтарилди. Сиз ўгириласиз ва муносабатингиз:

а) «Нима бўлди?»;

б) «Ким яна ҳунар кўрсатаяпти?»;

в) «Бас қилинг! Ёзишни давом этамиз!»;

г) «Тинчланишингизни кутяпман»;

д) «Секин! Ҳамма иш қилаётганда шовқин қилиш мумкин эмас».

2-*топшириқ:* Талаба доска олдида. Топшириқни бажарди. Сизнинг муносабатингиз:

а) сокинсиз - «ҳаммаси тўғри»;

б) хурсандсиз - «яша!»;

в) муҳокама қиласиз - «ҳаммаси тўғри эканлигига ишончинг комилми?»;

г) хафа бўласиз - «бутунлай хато»;

д) қаттиқ огоҳлантирасиз – «яна нотўғри»;

е) кутилмаган ютуқ - «ажойиб!».

***4-машқ. Педагогик масала.***

*1-вазият.* Ўқитувчи дарс якунида талабаларнинг балларини эълон қилди. Талабаларнинг 3 нафари «аъло», 4 нафари «яхши» ва 2 нафари «қониқарли» баҳоланди. Шунда «қониқарли» баҳоланган Алибекнинг кайфияти тушиб кетди. Чунки у доимо «аъло» баҳолар билан ўқир эди. Аксинча, доим «қониқарли» баҳо билан ўқиган Нодирбекнинг «аъло» баҳо олгани учун кайфияти жуда юқори. Шунда ўқитувчи Алибекнинг ёнидаги ўртоғига « Нодирбекнинг онаси ҳам ўқитувчи бўлганлиги учун устоз унга «аъло» баҳо қўйдилар» деган гапини эшитиб қолди.

*Топшириқ:*

а) вазиятни баҳоланг;

б) ўқитувчи қандай йўл тутиши кераклигини айтинг;

в) ўқитувчи қаерда хатога йўл қўйган?

г) жамоадаги муҳит ўзаро муносабатларни қандай баҳолайсиз?

***5-машқ*. Ўқитувчининг талабаларга таъсирини ўрганиш машқи.**

Бу машқда топшириқ мазмуни аудиторияга нотаниш бўлса ишлаш осон бўлади. Ўқитувчи топшириқларни алоҳида қоғозларга ёзиб тарқатади ва тайёрланиш учун вақт беради. Талабалар навбат билан топшириқларни бажарадилар. Бошқалар мимикани ўқийдилар.

1-*топшириқ.* Синфга кирдингиз. Талабаларнинг дарсга тайёргарлигидан хурсандсиз.

2- *топшириқ.* Синфга кирдингиз. Синф тартибсиз. Сиз ҳайратдасиз.

3- *топшириқ.*Синфга кирдингиз. Талабалар берилган топшириқни яхши бажарганлар. Сиз уларга шундай дейсиз…

4-*топшириқ* Синфга кирдингиз. Талабалар жуда ёмон иш қилганларидан хабардорсиз.

5-*топшириқ.* Сиз қатор оралаб юриб талабалар қандай ишлаётганларини кузатаяпсиз. Улар яхши ишлаяпти.

6-*топшириқ.* Қатор оралаб юрибсиз. Мақсадингиз талабалар қандай ишлаётганини назорат қилиш.

7- *топшириқ.* Қатор оралаб юрипсиз. Талабалардан бири бошқа кунга қараганда яхши ишлаяпти. Ўзи сезган ҳолда таъкидлаб ўтинг.

8-*топшириқ.* Қатор оралаб юрибсиз. Талабалар қийналяпти. Сиз безовтасиз. Ҳаммада шундай қийинчилик мавжуд, ҳайрат билан қарайсиз.

***Микродарс: Дарсни бошлаш ва ташкилий қисмни ўтказиш.***

Талабаларнинг 3-4 нафари мутахассислик бўйича бирор бир фан бўйича дарснинг ташкилий қисмини ўтказадилар. Бошқа талабалар талабалар вазифасида иштирок этадилар. Дарсни бошлаш ва ташкилий қисмни ўтказиш учун 3-4 минут вақт ажратилади. Тингловчи талабалар ва ўқитувчи эксперт сифатида бажарувчи талабаларнинг фаолиятларини баҳолайдилар ва қуйидаги мезонлар инобатга олинади:

- синфга кириш ва саломлашишнинг тўғри бажарилганлиги;
- талабалар диққатини жалб эта олиш;
- синф хонасининг дарсга тайёргарлиги;
- талабаларнинг дарсга тайёргарлик даражалари;
- сўров вақтида барча талабаларнинг диққатини жалб эта олиш;
- ташкилий қисмни ўтказишда сўровнинг об-ҳаво ва сана билан боғлиқлиги.

**Хулоса.** Илғор ўқитувчи ҳамма вақт педагогика соҳасидаги янгиликларни билишга интилади, бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларидан фойдаланишга ҳамда ўз шахсий тажрибаларидан фойдаланишга умумлаштиришга ҳаракат қилади. Агар шахс изланса, ўз қобилиятлари устида ишласа, ўзидаги яхши фазилатларни камол топтирса, унинг обрўси, мавқеи ҳам шу даражада юксалади, доимо эл назарида бўлади. Ўқитувчи ўзида кузатувчанликни, одилона талабчанликни, самимиятни, ғамхўрликни тарбиялаши лозим. Ўқитувчининг мустақил билим эгаллаши ва малакасиии ошириши зарурий шартлардандир.

## Адабиётлар

1. Викулина М.А. , Половинкина В.В. Педагогическое моделирование как продуктивный метод организации и исследования процесса дистанционного образования в вузе.\\ Ж. Успехи современного естествознания. – 2013. – № 3 – С. 109-112.

2. Нуруллаева Ш. “Педагогик маҳорат” курсидан амалий машғулотларни ташкил этиш технологияси. Қарши: Насаф, 2011. 80 б.

3. Нуруллаева Ш. Emotional stability as one of the professional qualities of teachers. Science and world. International scientific journal. № 7(47), 2017. Vol. II.

4. Nurullaeva Sh.,Aslanova O., Yuldashev S., Boymatova M. Modeling the Professional Training of Future Teachers. Psychology and education (2021) 58(2): 1411-1418.

**Жеткербай ОТЕПБЕРГЕНОВ**
Нукус давлат педагогика институти
информатика ўқитиш методикаси
кафедраси катта ўқитувчиси

# ТАЛАБАЛАРНИНГ МУРАККАБ ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ЧИЗМА-ТАСВИРИЙ МОДЕЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

*Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш муаммолари таҳлил этилган. Айниқса, ахборот таълим муҳитида мураккаб ва катта хажмдаги ўқув материалларини ўзлаштиришда чизма-тасвирий моделлардан фойдаланиш талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришда самара бериши ҳақидаги тавсиялар берилган.*

***Калит сўзлар**: касбий компетентлик, бўлажак ўқитувчилар, ахборот таълим муҳити, ўқув материали, билиш фаолияти, когнитив стратегиялар, таянч конспект, интеллект карта.*

*В данной статье проанализированы проблемы развития познавательной компетентности будущих педагогов. Даны рекомендации о том, что применение чертежно-конструктивных моделей при освоении сложных и больших объемов учебного материала, особенно в информационной образовательной среде, эффективно в развитии познавательной компетентности учащихся.*

***Ключевые слова:** профессиональная компетентность, будущие учителя, информационная образовательная среда, учебный материал, познавательная деятельность, когнитивные стратегии, базовый конспект, интеллект-карта.*

*This article analyzes the problems of developing the cognitive competence of future teachers. It is recommended that the use of graphic models in the development of complex and large-scale learning materials, especially in the information educational environment, be effective in the development of students' cognitive competence.*

***Key words:** professional competence, future teachers, information learning environment, teaching material, cognitive activity, cognitive strategies, basic synopsis, intelligence card.*

**Кириш**. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг кредит-модуль тизими компетенциявий ёндашув билан бевосита уйғун амалга оширилиб, модулли ўқитиш технологияларининг натижаси сифатида бўлажак мутахассисларда таркиб топтириладиган компетенциялар акс этади. Шундай компетенцияларнинг бири бўлажак мутахассисларда когнитив компетентликни ривожлантириш ҳисобланади. Когнитив компетентлик шахс қобилиятининг таянч турларидан бири бўлиб, замонавий шароитда уни ҳар бир мутахассис эгаллаши лозим.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепция олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларини кўзда тутади [1].

**Асосий қисм.** Когнитив компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш таълим олувчиларда касбий таълим ва эгалланаётган касбга мотивацион-қадриятли йўналганликни ривожлантириш, мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш технологиялари билан қуроллантириш, рефлексия ва ўз-ўзини объектив баҳолаш усуллари, ўқув-билиш фаолиятини эмоционал-иродавий бошқариш кўникмаларини шакллантириш сингари вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу каби вазифаларни бажаришда когнитив фаолиятнинг хилма-хил метод ва усулларидан мақсадли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда таълим мазмуни шахсий когнитив фаолият стратегияларини ўзлаштириш ҳисобига талабалар мураккаб ўқув материалларини ўзлаштириб боради.

Когнитив стратегиялар қуйидаги муайян қадамлар кетма-кетлиги, фаолият босқичларини ўз ичига олади:

- топшириқни ўқиш;
- муаммони шакллантириш;
- муаммони ҳал этиш вариантларини аниқлаштириш;
- қўшимча маълумотларни излаш;
- бевосита топшириқ (муаммолар, вазиятлар) ечимини топиш;
- натижаларни баён этиш ва тақдим этиш;
- ўзини ўзи таҳлил этиш, баҳолаш ва ҳ.к.

Талабаларда когнитив стратегияларни ривожлантириш уч босқичда амалга ошади: 1) билишга доир; 2) ассоциатив; 3) индивидуаллаштириш. Билишга доир босқичда когнитив стратегиялар аввал эгалланган билимларни аниқлаштиришга (муаммоли суҳбат) топшириқларни ўз ичига олади. Ассоциатив босқичда ўзлаштиришга (илмий-ўқув матнлари ва уларга мос топшириқлар) доир топшириқлар таклиф этилади. Индивидуаллаштириш босқичида когнитив стратегияларнинг ривожланганлигини назорат қилишга доир топшириқлар тақдим этилади.

Олим А.Пилигиннинг фикрича, когнитив стратегияларни ўзлаштириш жараёни қуйидаги кўринишга эга бўлади:

1) когнитив стратегиялар (фанга доир ва умумий)нинг талабаларнинг самарали таҳлил этиши;

2) мавжуд мақбул когнитив стратегиялар(фанга доир ва умумий)нинг самарали рефлексияси;

3) талабаларнинг индивидуал ва меъёрий когнитив стратегияларни таққослай олиши;

4) фанга доир ва умумий (шахсий-билиш тажрибаси) индивидуал когнитив стратегияларни мақсадли ва мустақил чуқурлаштириб боришни амалга ошириш [2]. А.А.Пилигиннинг фикрига қўшилган ҳолда когнитив фаолият билан боғлиқ билиш жараёнларини мажмуавий динамик ташкил этиш сифатида когнитив стратегияларнинг моҳиятини тушуниш қуйидаги кетма-кетликдан иборат:

- мақсад ва унга эришиш мезонларининг ўзаро мослиги;
- натижаларга эришиш бўйича ҳаракатлар;
- фаолият жараёнига тузатишлар киритиш;
- олинган натижаларни қайд этиш [3].

Ана шунга мувофиқ когнитив стратегияларнинг қуйидаги компонентларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мотивацион – муаммоларни англаш, фаолият мақсадини белгилаш;
- жараёнга доир – билиш фаолиятини бевосита лойиҳалаш ва амалга ошириш;
- рефлексив – фаолиятни баҳолаш, натижаларини қайд этиш.

Бироқ бизнингча, мазкур компонентлар сирасига коррекцион компонентни ҳам киритиш лозим:

- коррекцион – агар вазифага ечим топилмаган бўлса ёки нотўғри бажарилган бўлса, муаммоларни ҳал этиш усулларини аниқлаштириш.

Бўлажак педагогларнинг когнитив стратегияларни ўзлаштириши илмий ва меҳнат фаолиятининг турли соҳаларида ўзларининг билишга эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Билиш фаолияти жараёнида таҳлил ва умумлаштириш, танқидий фикрлаш, глобал ахборот муҳитида қарама-қаршилик ва муаммоларни ажратиш муҳим роль ўйнайдиган инсоннинг интеллектуал қобилияти ривожланади [4]. Билиш фаолиятида турли моделлар, семантик когнитив карта, чизма, график, жадвал, диаграммалардан фойдаланишга имкон беради. Шунинг учун таълимни ахборотлаштириш шароитида когнитив компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш жараёни доирасида ҳал этиш лозим бўлган вазифалардан бири талабаларнинг ахборот-коммуникация технологиялари воситасида моделлар, семантик когнитив карта, чизма, график, жадвал, диаграмма кабиларни яратишнинг турли усулларини ўзлаштиришдан иборат. Шунингдек, чизма-тасвирий моделлар билишнинг ҳиссий (сезги, ирода, диққат) ва рационал (фикрлаш фаолияти) даражаларини уйғунлаштириш имконини очиб берувчи, уларнинг потенциалига асосланган билиш фаолияти натижавийлигини ошириш воситаси сифатида талқин қилинди.

Ахборотларни тақдим этишнинг чизма-тасвирий модели – бу “ихчамлаштирилган” методик ва технологик усуллар йиғиндиси ва ўқув материалларини визуаллаштириш [5]. Ўқув жараёнида чизма-тасвирий моделлардан фойдаланиш амалиёти таҳлили улар орасида қуйидагилар кенг тарқалганлигини кўрсатади: ўқув элементларининг график мантиғи, метарежа ва Н.Эргановanинг таянч конспекти, М.Минскийнинг фрейм модели, продукцион модел, мантиқий модел, семантик тармоқлар модели, чизма конспект, ментал(интеллект) карта. Мазкур моделларининг баъзиларига тўхталиб ўтамиз. Н.Эрганова томонидан таклиф этилган ўқув элементларининг мантиққа асосланган графиги тушунчаларнинг умумий мазмунини очиб бериш асосида ўқув ахборотини тизимлаштириш ва унча муҳим бўлмаган, ортиқча юк бўладиган матндаги тушунча ва атамаларни истисно қилиш мақсадида қўлланилади. Бу эса, ахборотнинг ўрганилаётган блокининг таянч тушунчасини қўйиш орқали график кўринишида тармоқ тузилмасини яратишга имкон беради. Унинг мазмуни умумий моҳиятдан келиб чиққан ҳолда кетма-кетликда гуруҳлаштирилган тушунчаларни очиб беради [3].

Таълимни ахборотлаштириш шароитида когнитив компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш жараёни доирасида ҳал этиш лозим бўлган вазифалардан бири талабаларнинг ахборот-коммуникация технологиялари воситасида моделлар, семантик когнитив карта, чизма, график, жадвал, диаграмма кабиларни яратишнинг турли усулларини ўзлаштиришдан иборат.

Ахборотларни тақдим этишнинг чизма-тасвирий модели – бу “ихчамлаштирилган” методик ва технологик усуллар йиғиндиси ва ўқув материалларини визуаллаштириш ҳисобланади.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Ўқув жараёнида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришда чизма-тасвирий моделларнинг қуйидаги турларидан фойдаланиш самарали бўлишини тажриба-синов ишлари исботлади. Булар ўқув элементларининг график мантиғи, метарежалар, Н.Эргpraнованинг таянч конспекти, М.Минскийнинг фрейм модели, продукцион модел, мантиқий модел, семантик тармоқлар модели, чизма-конспект, ментал(интеллект) карта ва ҳ.к.

Масалан, ўқув материалининг асосий мазмунини кўргазмали тақдим этишда **таянч конспектдан** фойдаланилиш мумкин [6]. Ўқув элементларини кўргазмали шаклда тақдим этиш фаолиятни ташкил этиш учун йўналтирувчи асос яратади. Ижро ва назорат қилишга доир ҳаракатларни шакллантиради. Бу бир томондан ўрганилаётган объект ҳақида яхлит билимлар, бошқа томондан уларни шакллантиришга доир ўқув-билиш фаолиятининг умумий тизимини ҳосил қилади (1-расмга қаранг).




**1-расм. “Форс подшолиги” мавзусидаги таянч конспект**

Таянч конспектдан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш ахборотнинг алоҳида бирликларининг асосий алоқаларини танлаш ва эътибор қаратиш; асосий белги ва рамзларнинг ўзаро мослигини ҳисобга олиш асосида ўқув материали мазмунини аниқ тушуниш; индивидуал моҳият касб этувчи мантиқий алоқадорликлар билан мустақил ишлаш имкониятини тақдим этади.

**Интеллект-карта** – намойишларни ўтказиш, қарор қабул қилиш, ўз вақтини режалаштириш, катта миқдордаги маълумотларни эсда сақлаш, ақлий ҳужумларни ўтказиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, мураккаб лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мустақил таълим, ривожланиш ва шу каби вазифаларни ҳал этишда ажойиб восита бўлиб хизмат қилади. Интеллект-карталарни ўқитиш жараёнида қўллашга оид дастлабки тажрибалар Тони Бьюзен томонидан амалга оширилган.

Республикамиз олимларидан М.Уразова ва Б.Хўжаевлар педагогик фанлардан маъруза ва семинар машғулотларини ўтказиш жараёнида интеллект-карталардан фойдаланиш тажрибасини ёритиб беришган [7].

Интеллект-карта ўқув жараёнида қатор мақсадларга эришиш учун қўлланилади: китоблар, мақола, маърузаларни конспектлаштириш; реферат, мақола ва курс ишлари ёзиш; катта ҳажмдаги ахборотларни таҳлил этиш ва тизимлаштириш; ижодий топшириқларни бажариш; ахборотларни эслаб қолиш; тақдимот ва асосий масалаларга эътибор қаратиш. Интеллект-карталарни қоғозда ҳам чизиш мумкин. Одатда мазкур усул интеллект-карта кўринишида ахборотларни акс эттириш кўникмасини шакллантиришнинг дастлабки босқичида қўлланилади. Мазкур усул унча катта ҳажмга эга бўлмаган ахборотларни тасвирлаш учун қулай, бироқ қоғоз вариантда қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш қийин. Шунинг учун компьютер дастурлари ёрдамида интеллект-карталарни тасвирлашга ўтиш мақсадга мувофиқ. Компьютер дастурлари асосида тузилган интеллект-карталарни

таҳрир қилиш, кенгайтириш, янги ахборотларни қўшиш, карталар тизимини яратиш, ахборотни гиперматн кўринишида тақдим этиш, интеллект-картани ишлаб чиқиш бўйича жамоавий ижодий ишни ташкил этиш мумкин.

Ҳозирги вақтда интеллект-карталарни тузиш бўйича кўплаб компьютер дастурлари мавжуд ва уларни текинга юклаб олиш мумкин:

1) онлайн режимда интеллект-карта (mindmaps) тузиш учун Google корпорациясининг Coogle иловаси. Компьютерда карталарни pdf ва png форматда сақлаш имконини беради.

2) xmind (http://www.xmind.net/);

3) FreeMind (http://freemind.sourceforge.net/);

4) MindMeister (https://www.mindmeister.com/ru), интеллект-карталарни чизиш учун онлайн-хизмат, оффлайн режимда ҳам ишлаш имконияти мавжуд;

5) EDraw (https://www.edrawsoft .com/freemind.php).

“Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида мазкур компьютер дастурларидан фойдаланиш асосида интеллект-карталарни тузиш технологияси татбиқ этилди. Талабалар томонидан жамоавий ижодий иш асосида тузилган интеллект-карта намунаси 2-расмда келтириб ўтилган.




**2-расм. “Жамиятнинг сиёсий муҳити” мавзусидаги интеллект-карта**

**Хулоса**. Таълим мазмунини талабаларда индивидуал когнитив стратегияларни таркиб топтиришга хизмат қилувчи ва ахборотларни тақдим этишнинг чизма-тасвирий моделларига доир ўқув материаллари билан бойитиш бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантириш шартларидан бири сифатида хизмат қилади.

## Адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

2. Гафурова Н.В. Интегральная модель интеллектуально- личностного развития обучающихся в системе образования: Монография. – М.: МАКС Пресс, 2004.– 220с.;

3. Орешкова С.П. Осипова С.И. Учебная деятельность в контексте формирования умений обучающихся структурировать теоретический материал / С.П. Орешкова, С.И. Осипова // Современные проблемы науки и образования. – 2007. - №6. – С. 24-29/

4. Лаврентьев Г.В. Инновационные обучающие технологии в профессиональной подготовке специалистов. Часть 2. / Г.В. Лаврентьев, Н.Б. Лаврентьева, Н.А. Неудахина–Барнаул: АлтГУ, 2004. – 232 с. – С.160.

5. Пилигин А.А. Познавательные стратегии школьников: от индивидуализации – к личностно-ориентированному образованию: Монография / А.А. Пилигин. – М.: “Твои книги”, 2012. – 416 с. – С.27.)

6. Пилигин А.А. Познавательные стратегии школьников: от индивидуализации – к личностно-ориентированному образованию: Монография / А.А. Пилигин. – М.: “Твои книги”, 2012. – 416 с. – С.199

7. Эрганова Н.Е. Методика профессионального обучения: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: “Академия”, 2007. – 160 с.

8. Интеллект-карты как фактор развития профессиональной компетентности будущих учителей // Образование через всю жизнь: Непрерывное образование в интересах устойчивого развития: материалы 13-й междунар. конф.: в 2 ч. – Вып. 13. – СПб.: ЛГУ им. А. С. Пушкина, 2015. – Ч. I. − С. 137−139.

**Мурод ЭГАМНАЗАРОВ**
Жиззах давлат педагогика институти
махсус таълим кафедраси ўқитувчиси

# КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТ-ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

*Мазкур мақолада ўқитувчи педагогик қобилиятининг умумий назарий асослари таҳлил қилинади. Педагогик қобилиятнинг асосий таркибий қисми сифатида – коммуникатив қобилиятлар, коммуникатив компетентлик тушунчаларига алоҳида урғу берилиб, педагог маҳоратининг муҳим аҳамиятли касбий-йўналтирилган тавсифларидан бири сифатида уни ривожлантириш зарурати асослаб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *қобилият, ўқитувчининг педагогик қобилияти, коммуникатив қобилият, коммуникатив компетентлик, мулоқот.*

*В статье анализируются основные теоретические основы педагогических способностей учителя. Особое внимание уделяется коммуникативным навыкам и коммуникативной компетентности учителя как ключевого компонента педагогических способностей, обосновывается необходимость его развития как одной из важнейших профессионально-ориентированных характеристик педагогического мастерства.*

***Ключевые слова:*** *способности, педагогические способности учителя, коммуникативные способности, коммуникативная компетентность, общение.*

*The article analyzes the main theoretical foundations of a teacher's pedagogical abilities. Particular attention is paid for the communication skills and communicative competence of the teacher as a key component of pedagogical abilities, the necessity of its development is substantiated as one of the most important professionally oriented characteristics of pedagogical skills.*

***Key words:*** *abilities, pedagogical abilities of a teacher, communication skills, communicative competence, communication.*

**Кириш**. Ҳар қандай мураккаб замонавий ахборот коммуникация технологиялари, интеграциялар, фан соҳасидаги оламшумул янгиликлар, аввало, ўқитувчи томонидан ўзлаштирилиб, сўнгра унинг билими, дунёқараши, қобилияти эвазига талабалар онгига ва тафаккурига етказилади. Йилдан-йилга ўқитувчининг касбий фаолиятига нисбатан талаблар кучаймоқда. Бу - ҳозирги замон талаби. Демак, ўқитувчига нисбатан қўлланиладиган педагогик қобилият атамаси ҳеч қачон ўз мавқеини йўқотмайди, балки тобора такомиллашиб, бойиб ва замон талабларига мос ўзгариб бораверади.

**Асосий қисм.** Қобилият – одам психикасининг энг муҳим ҳусусиятларидан бири бўлиб, бу хусусиятларни ҳаддан ташқари кенг тўлдириш имкони оқибатида қандайдир бир қобилиятнинг нисбий заифлиги, ҳаттоки, шундай қобилият орқали ҳаммасидан кўра бир-бири билан чамбарчас боғлиқ фаолиятнинг мувафаққиятли бажариш имкони асло йўқ эмас [1].

Ўқитувчининг педагогик қобилияти тушунчасининг моҳиятли тавсифи қуйидаги жиҳатларда ўз аксини топган:

а) педагогик қобилият – касбий билим, кўникма ва малакаларнинг ўқитувчи томонидан мукаммал эгалланиши;

б) педагогик қобилият – педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширилишига ёрдам берувчи ўқитувчининг касбий хусусиятлари мажмуаси;

в) педагогик қобилият – ўқитувчи педагогик фаолиятининг мукаммал ва энг олий даражаси;

г) педагогик қобилият – ўқитувчининг касбкорликка йўналтирилган муҳим сезгирлик хислатлари мажмуи;

д) педагогик қобилият – таълим бериш жараёнида замонавий ахборот технологиялари ва техник воситаларни, ўқитишнинг турли методларини ўқитувчи томонидан ўзлаштирилиши, танлаб олиниши ва қўллай олиш лаёқати;

е) педагогик қобилият – педагогик ва методик билимларнинг барча тармоқларига кириб келаётган интеграция ва модернизацияни тез ўзлаштирилиши ва унга мослашиб педагогик фаолият олиб бориш;

ё) педагогик қобилият – ўқитувчи касбий фаолиятининг ҳозирги замон талаблари даражасида бошқарилишини таъминлайдиган, таълим ва тарбияда мувозанатни педагогик ва психологик жиҳатдан бир маромда сақлаб, тартибга солувчи жараён [2].

**Муҳокамалар ва натижалар.** Педагог олим И.П.Подласий педагогик қобилиятнинг тузилишини қуйидаги тарзда аниқлаштирган:

1) ташкилотчилик – таълим олувчиларни жипслаштириш, уларнинг фаолиятини режалаштириш, жамоавий ишга жалб этиш, якунларини чиқариш;

2) диагностик –ўқув материалини танлай олиш, ўқув материалини тушунарли, аниқ, образли, ишончли ва тизимли баён эта олиш; талабаларнинг билишга қизиқишлари ва интеллектини ривожлантиришни рағбатлаш, ўқув-билув фаоллигини ошириш ҳамда танқидий фикрлашни ривожлантириш ва ижодкорликка қобилиятлилик;

3) перцептив – таълим олувчиларнинг ички оламига таъсир кўрсатиш; уларнинг эмоционал ҳолатини холис баҳолаш, психикасидаги ўзига хосликларни аниқлай олиш кўникмаси;

4) коммуникатив – таълим олувчилар ва жамоа билан педагогик мақсадга қаратилган муносабатни ўрната олиш кўникмаси;

5) суггестив (суггестия – ишонтириш) – талабаларга эмоционал таъсир кўрсатиш;

6) тадқиқотчиликка доир – педагогик жараён ва вазиятларни англаш ҳамда объектив баҳолай олиш кўникмаси;

7) илмий-билишга доир – танланган ихтисосликка доир белгиланган ҳажмдаги илмий билимларни эгаллай олиш қобилияти;

8) гностик – объект, жараённи ва ўз фаолияти натижаларини тадқиқ этиш ҳамда олинган натижалар асосида уни корректсиялай олиш қобилияти [3].

Педагог олим Ф.Н.Гоноболин педагогик қобилиятларни қуйидаги турларга ажратишни таклиф этади: 1) дидактик қобилиятлар; 2) академик қобилиятлар; 3) перцептив қобилиятлар; 4) нутқ қобилиятлари; 5) ташкилотчилик қобилияти; 6) авторитар қобилиятлар; 7) коммуникатив қобилиятлар; 8) педагогик хаёлот; 9) диққатни тақсимлай олиш қобилияти [4].

Педагогик ва психологик адабиётлар шарҳи шуни кўрсатадики, бўлажак ўқитувчиларининг коммуникатив қобилиятлари мураккаб интегратив феномен сифатида ўқитувчининг таълим жараёни бошқа қатнашчилари билан алоқа ўрнатиши, уни давомий сақлаб туриши ва ривожлантиришини таъминловчи профессионал малакалари сифатида намоён бўлади. Умуман, инсоният эволюцион тараққиёти давомида бир қанча босқичларни босиб ўтган: “homo habilis” (тик юрувчи одам), “homo potentis” (уддабурон одам), “homo sapiens” (ақл-заковатли одам). Бизнинг давримизни эса кўп тадқиқотчилар “homo loguens” яъни сўзлашувчи одам деб номлашни таклиф қилишган. Чунки ҳар бир инсон маълумот узатиш ёки уни қабул қилиш жараёнидан четда эмас, бу эса ўз навбатида коммуникатив фаолият аҳамиятини янада оширади.

Масалан, В.А.Крутецкий томонидан ўқитувчининг коммуникатив қобилияти тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: *коммуникатив қобилият* – муомала ва мулоқот ўрната олиш, болаларга аралашиш қобилияти, талабаларга тўғри ёндашиш йўлини топа олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлиги.

Умуман ўқитувчининг коммуникатив қобилиятлари қуйидаги ўзига хос хусусиятлардан иборат:

1. Мулоқот амалга оширилиши мумкин бўлган коммуникатив вазият негизини ижтимоий-психологик прогнозлаштириш.

2. Мулоқот жараёнини, ўзини ижтимоий-психологик дастурлаш, бунда коммуникатив вазиятнинг ўзига хослигига алоҳида эътибор қаратилади.

3. Коммуникатив вазиятда мулоқот жараёнларини ижтимоий-психологик бошқарув хусусиятлари билан амалга ошириш [5, 224].

Коммуникатив қобилият “туғма қобилият бўлмай, инсон томонидан ижтимоий-коммуникатив тажрибани эгаллаш жараёнида шаклланувчи қобилиятдир. Коммуникатив-ижтимоий тажриба, аввало, муносабатларни ўзгартириш механизмини ўз ичига олиб, нутқни стилистик жиҳатдан турли вариантларда қўллашда намоён бўлади. Бундай ўзгаришнинг асосида мулоқот иштирокчилари ўртасидаги ролли мулоқотларнинг ўзгариши ётади” [6, 61].

Коммуникатив қобилиятнинг муҳим педагогик талаблари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

– ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро ҳурмат асосида қурилган ижодий алоқалар;

– таълим-тарбия жараёнини соғлом маънавий муҳит асосида ўзаро алоқа, ўзаро таъсир замирида ташкил этиш;

– илмий-назарий билим эгаллаш учун тил қоидаларига риоя этиш, ўқитувчи ва ўқувчининг муомала маданияти;

– таълим-тарбия жараёнининг ҳар иккала субъекти ўртасидаги дипломатик муносабат қоидаларига риоя этиш;

– тарбия методлари, усуллари ва уларнинг моҳиятини чуқур билиш ҳамда амал қилиш;

– ўқитувчи ҳамда ўқувчи ахлоқ-одоб қонун-қоидаларига зид ҳолатларнинг зарарли оқибатларини англаб етиш;

– актёрлик маҳоратига эга бўлиш, ўзига эргаштира олиш, жалб эта олиш маҳорати ва бошқалардан иборат.

Ўқитувчи коммуникатив қобилиятлари моҳияти ва тузилишини синчковлик билан ўрганиш бизга иккита, ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқада бўлган даражаларни ажратиш имконини берди: биринчи даража, бевосита, мулоқотнинг ўзида коммуникатив компетентлиликнинг намоён бўлишини белгилаб беради, яъни инсоннинг коммуникатив хулқ-атворида; иккинчиси, ўқитувчи касбий мотивациясининг ўзига хос хусусиятлари ва йўналтирилиши, унинг мулоқотга алоҳида эҳтиёжи орқали педагогик-коммуникатив қадриятларни киритиши керак.

Кўриб чиқилган компонентларнинг барчаси жамланганда коммуникатив қобилиятнинг мазмун-моҳияти аниқ намоён бўлади ва инсон шахсининг ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини тақозо қилган энг мураккаб сифатларини шакллантиради. Натижада коммуникатив қобилият педагог маҳоратининг муҳим аҳамиятли касбий-йўналтирилган тавсифларидан бири сифатида намоён бўлади, ушбу қобилиятнинг ривожланиши эса олий профессионал таълимда биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Жамият ривожланишининг замонавий босқичлари, таълимдаги янги парадигмалар – буларнинг барчаси коммуникатив қобилиятни ривожлантириш муаммосини янги мазмун билан тўлдиради.

**Хулоса.** Шу ўринда қуйидагиларни келтириш мумкин:

- педагогик фаолият билан шуғулланувчи ўқитувчи қобилият, коммуникатив қобилият, педагогик қобилият каби бир-бири билан боғлиқ шахсий хусусиятларни ўз устида доимий ишлаш орқали ривожлантириб бориши унинг маҳоратли касб эгаси бўлишида замин бўлиб хизмат қилади;
- ўқитувчининг коммуникатив қобилиятининг ўзига хос педагогик шарт-шароитлари, педагогик рефлекцияси, йўналишлари, маҳорат мезонлари, унинг касбий компетенциясини намоён этишда, шахсий қобилиятини чархлаб боришида муҳим омил ҳисобланади;
- ўқитувчиларнинг коммуникатив қобилиятини намоён этишда, маҳоратини ошириб боришда ўқув жараёнини технологик лойиҳалаштириш, алгоритмлаш, натижани олдиндан ташхислаш ва уни инновацион бошқариши муҳим аҳамият касб этади;
- коммуникатив қобилиятлар эмпатик ва рефлексив қобилиятлар билан уйғунлашган интеграцион компетенцияларнинг йиғиндиси сифатида талқин қилинади. Уни махсус тренинг машғулотлари ёрдамида ривожлантириш мумкин.
-

## Адабиётлар

1. Давлетшин М.Г. Қобилият ва унинг диагностикаси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997. – 134 б

2. Халиков А.А. Педагогик маҳорат. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2012.– 424 б.

3. Подласый В.П. Педагогика. Учебник. – М.: “Высшее образование”, 2006. –540 с.

4. Гоноболин Ф.Н. О некоторых психических качествах личности учителя // Ж. Вопросы психологии. – 1995. - №1. – С.100-111

5. Мардонов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари. // Пед. фанл. докт. ...дисс. – Тошкент, –2006. – 302 б.

6. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 29 б.

**Алишер ИБРАГИМОВ**
Бухоро давлат университети
жисмоний маданият
факультети ўқитувчиси

# ЎҚУВЧИЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

*Мақолада инсон саломатлиги айниқса, ўсиб келаётган авлод соғлигини асраш ва уларни жисмонан бақувват, фавқулодда рўй бериши мумкин бўлган ҳолатларга тайёрлаш масаласи кишилик жамиятининг ҳар бир босқичида ўша давр эҳтиёжига кўра ўзига хос тарзда ёндошилиб, асрлар давомида жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласи ўта долзарб ва абадий муаммо сифатида ўрганилиб келинган.*

***Калит сўзлар:*** *саломатлик, инсон, шахс, омил, соғлом турмуш тарзи, мақсад.*

*В статье здоровье человека в частности, вопрос сохранения здоровья подрастающего поколения и подготовки его к физически сильным, неординарным ситуациям рассматривается на каждом этапе человеческого общества по-своему в соответствии с потребностями того времени, на протяжении веков вопрос формирования здорового образа жизни в обществе рассматривался как чрезвычайно актуальная и вечная проблема.*

***Ключевые слова:*** *здоровье, человек, личность, фактор, здоровый образ жизни, цель.*

*In the article human health in particular, the issue of preserving the health of the younger generation and preparing it for physically strong, extraordinary situations is considered at each stage of human society in its own way in accordance with the needs of that time.For centuries, the issue of forming a healthy lifestyle in society was considered as an extremely relevant and eternal problem.*

***Keywords:*** *health, person, personality, factor, healthy lifestyle, goal.*

**Кириш.** Тарихий хронологик манбаларда қайд этилган мулоҳазаларга таяниб, қуйидаги тўхтамга келишимиз мумкин:

– кишилик жамиятининг барча даврларида инсон ҳаёти ва саломатлиги муҳофазасини таъминлаш долзарб ижтимоий масалалардан бири сифатида эътироф этиб келинган. Мавжуд манбаларда инсон ҳаёти ва саломатлигига жиддий хавф солувчи омиллар кўрсатиб берилган ҳамда аксарият ўринларда ушбу омилларни бартараф этиш йўллари хусусида ҳам маълумотлар келтирилган;

– муаммо доирасида яратилган манбаларда инсон ҳаёти ва саломатлигига зиён етказувчи омиллар сирасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– атроф-муҳитнинг ёмон санитария аҳволи, энг оддий гигиеник талабларга риоя қилмаслик, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, жисмоний меҳнат ёрдамида организмни чиниқтирмаслик, тўғри овқатланиш қоидаларига риоя қилмаслик ҳамда ўзаро номаҳром саналувчи эркак ва аёл ўртасида содир бўлган зино;

– мавжуд манбаларнинг барчасида кишилар томонидан юқорида келтирилган ҳолатларнинг содир этилиши ижтимоий муносабатлар мазмунига зиён етказувчи, инсон насли ва саломатлигига ҳавф солувчи турли касалликларни келтириб чиқарувчи, жамият равнақи йўлидаги тўсиқ бўлувчи ҳодиса эканлиги таъкидлаб ўтилади. Мутафаккирларнинг асарлари, шунингдек, муқаддас манбаларда бундай кўринишдаги ижтимоий ҳодисаларга қарши курашиш йўлида бирлашишга жамият аъзолари даъват этилади;

– «соғлом турмуш тарзини шакллантириш ғоясининг эволюцион ривожланиш хронологияси»да ифода этилган манбалар бугунги кунда ҳам жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш жараёнида қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсон ҳаёти учун ҳавф солувчи объектив ва субъектив омилларнинг юзага келиши ҳамда уларнинг сақланиб қолиши маълум даражада жамиятда носоғлом муҳитнинг қарор топганлигини ифодалайди. Носоғлом муҳитнинг қарор топиши натижасида қуйидаги ҳолатлар юзага келади: маънавий қадриятлар (хусусан, ер, ҳаво ва сувнинг муқаддаслиги, наслнинг соғлом бўлиши, жамиятда тинчликнинг барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш йўлида меҳнат қилиш, инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатнинг устувор бўлиши ва ҳоказолар)нинг аҳамиятлилик даражасининг пасайиши; кишилар ўртасида турли касалликларнинг кўпайиши, организм ишчанлик фаолиятининг сусайиши, руҳий зўриқишнинг тобора ортиб бориши ва бошқалар

шулар жумласидандир. Юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлар ўз-ўзидан жамиятнинг маданий ва иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

**Асосий қисм.** Жамиятда соғлом турмуш тарзининг қарор топиши мазкур жамият аъзоларининг соғлом турмуш тарзи борасидаги кўникмалари даражаси билан боғлиқ. Фуқароларни, айниқса, умумий ўрта таълим муассасаларида ушбу мавзу юзасидан таълим-тарбиявий ишларни олиб бориш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Чунончи, физиолог олим Б.Н.Чумаковнинг фикрича, ўқувчиларда қуйидаги кўникмаларни шакллантириш мақсадга мувофиқлигини қайд этган ҳолда, спорт билан шуғулланиш, тўғри овқатланиш қоидалари, кун тартиби ҳамда психогигиена талабларига риоя қилиш, зарарли одатларга берилмаслик ва тўғри дам олиш ҳақидаги тавсияларни ишлаб чиқадилар (165).

Ю.А.Афанасьев ва Ю.А.Куликовлар ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришда оқилона ва тўғри ишлаб чиқилган кун тартибини муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, кун тартибининг қуйидаги моделини тавсия этадилар: доимо бир вақтда уйқудан туриш, эрталабки чиниқиш ва сув муолажаларини ўтказиш, кунига уч маҳал ёки яхшиси, тўрт маҳал белгиланган вақтда овқатланиш, бир кунда камида икки соат тоза ҳавода бўлиш, доимо бир вақтда ўқув фанлари бўйича мустақил шуғулланиш, ҳар ҳафтада (камида икки марта) икки соатдан жисмоний машқлар ёки (қулай жисмоний юклама) спорт билан шуғулланиш, бир кунда камида саккиз соат ухлаш, ҳар куни бир вақтда уйқуга ётиш (13).

**Муҳокама ва натижалар.** Ҳозирги даврда турмуш тарзи одамдан ҳаддан ташқари фаол ҳаракатчанликни талаб қилмайди. Талабалар, мактаб ўқувчилари, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи мутахассислар ва енгил жисмоний меҳнатни талаб этувчи соҳа вакилларининг ҳаракатчанлик даражаси кескин даражада пасаймоқда. Аҳолининг аксарият қатлами аъзоларига хос бўлган кун тартиби моҳиятини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг жиддий жисмоний юкламага эга эмасликларининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, мактаб ўқувчилари ва талабаларида жуда оз жисмоний ҳаракат кузатилмоқдалар.

Г.Захарьин ва Г.Гед XIX асрнинг охирларидаёқ тери ички аъзолар билан бевосита боғлиқ эканлиги ва чиниқтирувчи муолажаларнинг асосан тери ва юқори нафас олиш йўлларига таъсир ўтказишини исботлаб, жисмоний машғулотлар ўтказганда организмда мушаклар ҳарорати ва уларнинг эластиклиги, артерияларда қон айланиш яхшиланиши ва қон босимининг ошиши; юрак қисқариш тезлигининг кўпайиши ва юрак зарби ҳажмининг камайиши; ўпка нафас йўлларига қон келишининг ортиши; нафас олишнинг тезлашуви ва чуқурлашуви; овқат ҳазм қилиниши ва унинг организмга сингишининг пасайиши, шунингдек, тери томирларининг кенгайиши мумкинлиги сингари физиологик ўзгаришларнинг содир бўлишини таъкидлайди[1].

Соғлом турмуш тарзининг асосий омилларидан бири тўғри ва сифатли овқатланиш ҳамда овқатланиш жараёнида гигиеник талабларга қатъий риоя қилиш муҳим эканлиги хусусида Ю.А.Афанасьев ва Ю.А.Куликовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда тавсиялар берилади.

А.А.Агафонов «Саломатлик ва гўзаллик сири» номли китобида рационал овқатланиш ва унинг инсон саломатлигини таъминлашдаги аҳамияти тўғрисида ўз қарашларини билдириб, олим «нотўғри рационал овқатланиш» ҳолатларини қуйидагилардан иборат деб изоҳлайди: овқатни исталган вақтда ейиш; овқатланишлар даври ўртасидаги муддат жуда узоқ бўлиши; овқатни кам ёки кўп ейиш; доимий равишда бир ҳил овқатланиш; озиқ-овқатлар таркибида витаминларнинг етишмаслиги; овқатни яхши чайнамасдан ютиш.

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда атроф-муҳитнинг софлиги ва уни муҳофаза қилишга эришиш лозимлигини ўқувчилар онгига сингдириш муҳим аҳамиятга эга.

Орол денгиз бўйи ҳудудларида юзага келган хавф аҳоли саломатлигига жиддий салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, экологик хавфнинг юзага келиши оқибатида республикада 1992 йили 493 нафар бола ўлик туғилган бўлса, 1993 йилда 1710 нафар бола нимжон ва 347 нафар чақалоқ биологик генетик нуқсонлар билан туғилган. Айниқса, юқумли касалликлар даражасининг ўсиши кишини таҳликага солади. Масалан, паратиф касаллиги бўйича 10000 кишига интенсив кўрсаткич – 2,8, ўткир ичак инфекциялари бўйича 129,9, бактериал дизентерия бўйича – 62,1, сариғ касаллиги бўйича 1993 йили 372,8 га тўғри келган(43 ).

Чунончи, ушбу ҳудудда гигиена талабларига тўла риоя қилинмаётганлиги шундан аёнки, санитария-эпидемиологик хизмати бўлимларининг 1994 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотларида кўрсатишича, чиқиндилар билан атроф-муҳитни ифлослантирувчи 79 объектни ҳисобга олган. Шундан, 31 объект атмосфера ҳавосини ифлослаган, 39 объект сув сақлагичлар ва тупроқни (16 объект оқава сувларини коллекторларга, 23 объект тўпроққа юборганлиги билан) ифлослаган.

Ушбу ҳолат шубҳасиз аҳолининг касалликка чалиниш кўрсаткичининг ўсишига олиб келади. Айниқса ўсиб келаётган ёшлар саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади. Шу боис, келиб чиқаётган экологик хавф республика аҳолисини касалликка чалиниш кўрсаткичининг ўсиши, ўз навбатида, педагогика соҳасидаги тадқиқотчилардан ўқувчиларда мавжуд соғлом турмуш тарзи ҳолатини асраш, мустаҳкамлаш ва шакллантиришда асос бўладиган назарий билимлар билан қуроллантиришни тақозо этади.

Республикамиз олимлари Э.О.Турдиқуловлар томонидан «Экологик таълим-тарбия Концепцияси» тақдим этилса, Ш.+урбонов ишида овқатланиш гигиенаси ҳамда соғлом турмуш тарзининг муҳим омили ҳисобланмиш психогигиена талабларининг бузилишидан келиб чиқадиган стресс ҳолатлари; Ш.Авазов томонидан олиб борилган тадқиқот ишида қишлоқ мактаблари юқори синф ўқувчиларини ўлкашунослик фаолияти жараёнида экологик тарбиялаш борасида илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Экологик таълим-тарбия тўғрисидаги яратилган ўқув қўлланмаларнинг ўқувчиларда бу борада кўникмалар хосил қилишида самараси юқоридир. Шу ўринда Б.Холлиев, А.Икромов ва бошқаларнинг номларини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Гарчи, бу борада салмоқли ишлар олиб борилган бўлсада, ўқувчиларнинг атроф-муҳит муҳофазасини йўлга қўйиш, атроф-муҳит ҳолатининг инсон саломатлиги, хусусан, турмуш тарзига кўрсатувчи таъсири ҳақидаги тушунчалари етарли эмаслиги сабабли сўз юритилаётган йўналишда илмий изланишларни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Аксарият тадқиқотларда соғлом турмуш тарзи асосларидан бири – шахсий гигиена ва унга риоя қилиш шартлари, ўсмирлар ўртасида ташкил этилувчи гигиеник тарбия моҳияти, ўсмир (ўспирин) қиз ва ўғил болаларнинг шахсий гигиенасини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари батафсил ўрганилган.

М.В.Антропова, М.Н.Исмоилов, Е.И.Кальченко, Д.В.Колесов, В.С.Лукьянов, С.Е.Мансурова, З.П.Матюхина, С.С.Солихўжаев, А.Г.Просецкая, Д.Ж.Шарипова ва А.Г.Хрипковалар олиб борган тадқиқот ишлар шулар жумласидандир.

Педагог олим Д.Ж.Шарипова томонидан олиб борилган тадқиқот ўқувчиларнинг гигиеник тарбиясини ташкил этиш муаммоларини ўрганишга йўналтирилган. Тадқиқот бу борадаги мавжуд муаммолар, муаммонинг долзарблик касб этишини асословчи далиллар, ўқувчилар ўртасида самарали равишда гигиеник тарбияни ташкил этиш йўлидаги изланишлар моҳиятининг очиб берилиши, шунингдек, гигиеник тарбияни яхлит тизим тарзида ташкил этиш борасидаги тажриба мазмунининг ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилган [2].

Ўсмирлик ва ўспиринлик ёши психологияси - ўзининг осон таъсирланиш, руҳан шикастланиш кучли бўлиши, йигит ва қизларнинг организми жисмоний вояга етиши билан баробарида унинг дунёқараши, атроф-муҳитни идрок этишининг ўзгариши, ўзининг мустақиллигини тасдиқлашга уриниши, тақлид қилишлар билан ҳаётда ўз йўлини топишга уринишларида кузатилади( 184).

Ушбу ёшдаги ўқувчилар онгида соғлом турмуш тарзини моҳирлик билан ижобий эмоцияларни шакллантириб бориш, китоб, санъат мусиқа каби турли машғулотлар ҳамда спортга нисбатан меҳрни юзага келтириш унинг келгусида жисмонан соғлом шахс бўлиб вояга етишига замин яратади.

Ўқувчи – ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ўқитувчи кадрларни мазкур жараёнга тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада педагог олим Т.Уматқулов малака ошириш жараёнида ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилишга тайёрлашнинг педагогик асослари юзасидан тадқиқот ишини олиб борган ҳамда унинг натижаларига кўра қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган:

- мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш;
- ота–оналар ўртасида тиббий–гигиеник маданиятни шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш;
- ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишни доимий назоратини ташкил этиш ва уларнинг жисмоний ҳамда руҳий ривожланишини кузатиб бориш ва ҳ.к.

Ўқитувчиларни ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга тайёрлаш муаммоси юзасидан мазкур тадқиқот иши дастлабки қадамдир.

М.Холматова «Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси» мавзусида олиб борган тадқиқот ишида соғлом авлодни вояга етказиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган объектив омиллар (шарт-шароитлар) билан бир қаторда субъектив омиллар, уларнинг моҳияти, ёш авлод таълим ва тарбиясига кўрсатадиган таъсир кучи, улардан педагогик фаолият жараёнида самарали фойдаланиш шартлари, шунингдек, шахснинг ҳар жиҳатдан камол топишида оила ўзига хос ўрин тутиши хусусидаги қарашларини баён қилади. Соғлом авлодни вояга етказишнинг субъектив омиллари мажмуида соғлом ижтимоий турмуш тарзи ўзига хос ва муҳим ўрин тутишига муаллиф

алоҳида урғу бериб ўтади. Дастлаб «соғлом турмуш тарзи» тушунчаси ижтимоий борлиқ, ижтимоий муносабатларнинг асосий белгилари, кишиларнинг моддий ва маънавий фаолияти, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ана шу турмуш фаолиятининг аниқ шароитлари билан мустаҳкам боғлиқ бўлган шаклларининг мужассамидир», дея таъриф берилади. Ушбу фикр давом эттирилар экан, соғлом турмуш тарзининг жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий–иқтисодий омилларга боғлиқ равишда ўзгариб боришига алоҳида тўхталади. Ва у «...соғлом турмуш тарзи инсон ҳаёт фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўз ичига олади. Бу кўрсаткичлар нисбий бўлиб тараққиётга, ижтимоий-иқтисодий омилларга кўра ўзгариб боради» .

Бизнинг назаримизда, «соғлом турмуш тарзи(СТТ)» тушунчасининг моҳиятини ифодалаш ҳамда соғлом турмуш тарзининг аҳамиятини очиб бериш жараёнида қуйидаги фикрларга ўз муносабатимизни билдиришни жоиз деб топдик:

– соғлом турмуш тарзи «ижтимоий ҳаётнинг ...конкрет шароитлари билан мустаҳкам боғлиқ бўлган шаклларнинг мажмуаси» дея шарҳланган. Маълумки, ижтимоий субъектларнинг дунёқараши, объектив борлиққа нисбатан ёндошуви ва фаолият мазмунига кўра, турмуш тарзи соғлом турмуш тарзи ёки носоғлом турмуш тарзи сифатида гуруҳланади. Уларнинг ҳар иккиси индивидуал равишда ягона шаклни ифодалайди. Шундай экан, соғлом турмуш тарзи «ижтимоий ҳаётнинг ...шакллари мажмуаси» бўла олмайди;

– соғлом турмуш тарзи «инсон ҳаёт фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўз ичига олиши» таъкидлаб ўтилади. Бизнинг фикримизча, нафақат соғлом турмуш тарзи балки носоғлом турмуш тарзи ҳам фақатгина инсон фаолиятининг ифодаси бўла олмайди. Муайян турмуш тарзининг қарор топишида ижтимоий онг шахснинг объектив борлиққа нисбатан субъектив муносабатининг етакчи усули сифатида намоён бўлади. Юксак даражада тараққий этган ўзида энг олий ахлоқий ғоялар («Авесто» талқинига кўра «эзгу ғоялар»)ни ифодаловчи онггина соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтирилган фаолиятнинг ташкил этилишига туртки беради;

–соғломлик хусусиятини ифода этувчи турмуш тарзи ўз моҳиятига кўра ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳам ўз хусусиятини сақлаб қолади. Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда шахсларнинг иродавий сифатларга эга бўлиши борасидаги талаб ушбу ўринда янада яққол намоён бўлади.

**Хулоса.** Соғлом турмуш кечириш учун албатта организмни атроф-муҳит шароитларига мувофиқ чиниқтириш лозим. Турмушда шундай воқеалар быладики, баъзи одамлар бир зумда касал былиб қоладилар. Саломатлик–одамнинг ижобий ҳолати ва ташқи муҳитдаги зарарли таъсуротларга қарши туриш қобилиятидир. Организмни чиниқтириш, қулай жисмоний машқлардан фойдаланиш, совуқ сувда чымилиш, қуёш нурида тобланиш каби чиниқтириш усуллари орқали ташқи муҳитга нисбатан организм қаршилигини ошириш омиллари ҳисобланади. Чиниқиш асосида организмни сув, қуёш ҳамда ҳаво таъсирига секин – аста мослаштириб бориш механизми туради.

## Адабиётлар

1. Муминова Ф. Ўқувчиларда соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини шакллантириш омиллари. // Ж.Мактаб ва ҳаёт 2002. №7. Б. 20-21
2. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. Т.: Ўқитувчи. 1999. – 199 б.
3. Нуралиева Г.К. Психолого-педагогические основы ценностного ориентирования личности.: Автореф. дис…. д.пед.наук. - Алма-Ата. 1993. – 42 с.

**Мухайя ДЖУМАНИЯЗОВА**
Урганч Давлат университети
педагогика ва психология
кафедраси катта ўқитувчиси

# ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШИ ВА МУЛОҚОТДАГИ ЙЎНАЛГАНЛИГИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Мазкур мақолада талаба ёшларнинг диний дунёқараши ва мулоқотдаги йўналганлиги ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг психологик хусусиятлари эмперик жиҳатдан таҳлил қилинган.*
***Калит сўзлар:*** *дин, диний дунёқараш, ижтимоий-психологик қадриятлар, маънавий-ахлоқий муҳит, установка, мулоқотнинг диалогиклик йўналганлиги, мулоқотнинг конформизм йўналганлиги.*

В данной статье рассматривается религиозное мировоззрение и взаимосвязь с психологическими собенностями с эмпирической точки зрения.
Ключевые слова: религия, религиозное мировоззрение, духовное восприятие, диалогическое общение, установка.
This article empirically analyzes the psychological features of the relationship between the religious worldview of students and their orientation in communication.
Key words: empirically analyzes, relationship, the religious worldview, orientation.

**Кириш.** Дунёда диний дунёқараш, диннинг ўзидан фарқли равишда унинг муайян конфессионал тушунишида, мураккаб, тизимли ва ўзгарувчан бўлган бир шароитда бутун жаҳон жамоатчилигини дин, диний дунёқараш тушунчаларининг моҳиятини ўрганувчи тадқиқотларга бўлган муайян эҳтиёж тобора кўпроқ сезилмоқда. Шундай эҳтиёжни тўлдириш учун диний дунёқарашни тўғри тушуниш, баҳолаш учун унинг илмий жиҳатдан асослантирилган тавсифларини, диний дунёқарашнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, уни мазмунан талқин қилинишини, ижтимоий-психологик қадриятлар ва устунликлар улушини инобатга олиш зарур.

Мамлакатимизда буюк аждодларимиздан қолган бой маънавий анъана – диний бағрикенглик янада кенг қулоч ёймоқда. Бугунги кунда жамоатчилик фикри диний дунёқарашни салбий феномен сифатида бир томонлама баҳолашдан фориғ бўлмоқда. Бугунги кунда диний бағрикенгликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари” 5-йўналишида белгилаб берилган вазифалар доирасидаги ишлар янги сифат босқичига кўтарилди [1]. Шу нуқтаи назардан, республикамизда дин, диний дунёқараш шаклланиши муҳим жараён эканлигига давлат аҳамияти даражасида эътибор қаратилмоқда. Унга мувофиқ равишда талабалар диний дунёқарашининг ижтимоий-психологик ўзига хослигини тадқиқ қилиш бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш, талабалар онгида маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

**Асосий қисм.** Ҳозирги кунда жамиятда рўй бераётган инсонпарварлашув жараёнлари шахс ролининг ортиши, қадриятлари ва ҳаётий маъноларида ифодасини топган унинг ички оламига мурожаат қилиш заруриятини ҳам кучайтирмоқда. Мазкур тушунчалар, ўз навбатида, инсонни унинг ўзига, одамга ва оламга бўлган муносабатлари талқини орқали тадқиқ этиш кераклигига ишора қилади [1].

Кўплаб олимлар томонидан ҳар бир одамнинг ички оламига тегишли мулоқот жараёни билан унинг дунёқараши ўртасидаги узвий алоқалар мавжудлиги эътироф этилади. Айнан улар мулоқотнинг наинки алоҳида олинган шахс, балки бутун гуруҳ учун касб этган аҳамиятини кашф этиш имконини беради. Диний-илмий дунёқарашга тааллуқли қадриятларга оид, бошқа одамларга бўлган муносабатлар, инсон томонидан у ёки бу даражада англаниладиган мазмуний установкалар мажмуи сифатида қараладиган, шахснинг барқарор хусусиятлари саналган, айнан мулоқотдаги йўналганлиги ёрдамида конкретлашади [2].

МДҲ давлатларида олиб борилган илмий тадқиқотларда шахс тузилмасидаги йўналганлик ҳамиша диққат марказида бўлган. У, одатда, ҳар бир одамга хос бўлган эътиқод, дунёқараш билан узвий равишда тадқиқ этилган (Ананьев Б.Г., Бодалев А.А., Леонтьев А.Н., Ломов Б.Ф., Мерлин В.С.,

Платонов К.К., Рубинштейн С.Л. ва ҳ.к.) [3]. Бироқ, мулоқот йўналганлиги детерминанти сифатидаги диний/илмий дунёқараш ўрни етарли даражада ўрганилмаганлигини таъкидлаш жоиз. Ваҳоланки, йўналганлик гуруҳнинг яхлит психологик тузилмасида ҳам ўзига хос тарзда ажралиб туради [4].

Демакки, мулоқот йўналганлиги детерминанти сифатидаги диний/илмий дунёқараш ўрнини тадқиқ этиш долзарб бўлган муаммолардан биридир.

Эмпирик тадқиқотимизнинг мақсади - диний/илмий дунёқараш кўриниши мулоқотдаги шахс йўналганлигида қай тарзда акс этишини ўрганишдир.

Биз ўз илмий тадқиқотимиз давомида респондентларни дастлабки - Д.О.Смирновнинг (МИРА) диний фаолликни ўлчаш - методикаси ёрдамида олинган натижаларга кўра, диний дунёқарашнинг икки илмий ва диний кўринишга эга, жинсий белгиларга асосланган гуруҳларга ажратдик: диний дунёқараши юқори даражада шаклланган аёллар сони 120 нафарни, эркаклар сони 119 нафарни, диний дунёқараши қуйи даражада шаклланган аёллар сони 18 нафарни, эркаклар эса 21 нафарни ташкил қилди. Сўнг мазкур гуруҳ респондентларини С.Л.Братченко томонидан таклиф этилган “Шахснинг мулоқотдаги йўналганлиги” тести орқали улар йўналганлигига кўра маълум тоифаларга ажратдик (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Шахснинг мулоқотдаги йўналганлик кўрсаткичлари жинслараро қиёси**

| **Мулоқотдаги йўналганлик кўриниши** | **жинс** | **N** | **M- ўртача арифметик** | **S- стандарт оғиш** | **t-мезон** | **p≤** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **диалогиклик** | аёл | 120 | 50,4652 | 9,32026 | 0.721 | 0.471 |
| | эркак | 119 | 49,5309 | 10,66065 | | |
| **авторитарлик** | аёл | 120 | 50,4868 | 10,14646 | 0.755 | 0.451 |
| | эркак | 119 | 49,5091 | 9,86852 | | |
| **манипулятивлик** | аёл | 120 | 49,6081 | 10,09136 | -0.608 | 0.544 |
| | эркак | 119 | 50,3952 | 9,93392 | | |
| **альтероцентризм** | аёл | 120 | 50,5444 | 9,97212 | 0.845 | 0.399 |
| | эркак | 119 | 49,4510 | 10,04010 | | |
| **конформизм** | аёл | 120 | 49,4795 | 9,70422 | -0.807 | 0.420 |
| | эркак | 119 | 50,5249 | 10,30396 | | |
| **индифферентлик** | аёл | 120 | 50,1477 | 10,12371 | 0.229 | 0.819 |
| | эркак | 119 | 49,8511 | 9,91425 | | |

Айтиш мумкинки, бизнинг тадқиқотда респондентларнинг мулоқот йўналганлиги параметрларининг жинслараро кесимида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар қайд этилмади: диалогиклик параметрлари аёлларда 50.46 ва эркакларда 49.53 ни ($p \leq 0.471$); авторитарлик: аёлларда 50.48 ва эркакларда 49.51 ни ($p \leq 0.451$); манипулятивлик: аёлларда 49.61 ва эркакларда 50.39 ни ($p \leq 0.544$); альтероцентризм: аёлларда 50.54 ва эркакларда 49.45 ни ($p \leq 0.399$); конформизм: аёлларда 49.48 ва эркакларда 50.52 ни ($p \leq 0.420$); индифферентлик: аёлларда 50.15 ва эркакларда 49.85 ни ($p \leq 0.819$) ташкил этди. Яъни, шахснинг мулоқотдаги йўналганлик шкалалари бўйича жинсий детерминантлари мавжуд эмас.

Шахснинг мулоқотдаги йўналганлигинг жинс билан боғлиқ детерминанти инкор этилгандан сўнг биз ушбу йўналганлик кўринишларини диний/илмий дунёқараш билан белгиланишини Стьюдентнинг t-мезони ёрдамида текширишга ҳаракат қилдик. Қиёсий натижалар қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топди:

**2-жадвал**

**Шахснинг мулоқотдаги йўналганлик кўрсаткичлари диний дунёқараш шаклига кўра қиёси (эркаклар)**

| **Мулоқотдаги йўналганлик кўриниши** | **Диний дунёқараш** | **N** | **M- ўртача арифметик** | **S- стандарт оғиш** | **t-мезон** | **p≤** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **диалогиклик** | Илмий | 21 | 45,1742 | 12,91971 | -2.093 | **0.039** |
| | Диний | 98 | 50,4645 | 9,94223 | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **авторитарлик** | Илмий | 21 | 48,3303 | 9,80090 | -0.62 | 0.549 |
| | Диний | 98 | 49,7617 | 9,91467 | | |
| **манипулятивлик** | Илмий | 21 | 51,0165 | 9,75621 | 0.315 | 0.754 |
| | Диний | 98 | 50,2620 | 10,01599 | | |
| **альтероцентризм** | Илмий | 21 | 47,7215 | 10,31403 | -0.869 | 0.387 |
| | Диний | 98 | 49,8216 | 9,99534 | | |
| **конформизм** | Илмий | 21 | 70,6960 | 1,32950 | 23.745 | **0.000** |
| | Диний | 98 | 46,2025 | 4,67234 | | |
| **индифферентлик** | Илмий | 21 | 50,6692 | 10,30779 | 0.415 | 0.679 |
| | Диний | 98 | 49,6758 | 9,87365 | | |

Шахснинг мулоқотдаги йўналганлик кўрсаткичларини диний дунёқараш шаклига кўра қиёси илмий ва диний дунёқарашга эга эркак респондентларда мулоқотдаги йўналганликнинг икки кўринишида Стьюдентнинг t-мезони бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда фарқланишини кўрсатди.

Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мулоқотнинг диалогиклик йўналганлиги диний дунёқарашга эга эркак респондентларда 50.46 ни ва илмий дунёқарашга эга эркак респондентларда 45.17 ни ($p \leq 0.039$) ҳамда мулоқотнинг конформизм йўналганлигидиний дунёқарашга эга эркак респондентларда 46.20 ни ва илмий дунёқарашга эга эркак респондентларда 70.697 ни ($p \leq 0.000$) ташкил қилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Яъни диний дунёқарашга эга эркак респондентларга тенг ҳуқуқлик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган шахслараро мулоқотдаги аҳлоқийликка; мулоқот давомида ўзаро тушуниш ва ўзаро самимийлик, коммуникатив ҳамкорликка; шахслараро мулоқотдаги ижодийликка интилишнинг маълум даражадаги юқорилиги хос.

Шу билан бирга, шахслараро мулоқот жараёнида ўз нуқтаи назаридан воз кечиш, кучга, авторитетга тобелик, ўзига нисбатан объект сифатида муносабат билдириш; нотанқидий “розилик”ка ҳозирлик, суҳбатдошини чуқур тушунишга интилмаслик; тақлидга мойиллик, ўз қарашларини вазият тақозосига кўра ўзгартиришга тайёрлик илмий дунёқарашга эга эркак респондентларда статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда юқори эканини кўришимиз мумкин.

Диний/дунёвий дунёқарашга эга аёллардан иборат гуруҳларнинг статистик қиёси қуйидаги манзарани очиб берди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Шахснинг мулоқотдаги йўналганлик кўрсаткичлари диний дунёқараш шаклига кўра қиёси (аёллар)**

| Мулоқотдаги йўналганлик кўриниши | Диний дунёқараш | N | M- ўртача арифметик | S- стандарт оғиш | t-мезон | p≤ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **диалогиклик** | Илмий | 18 | 51,9273 | 6,19174 | 0.720 | 0.473 |
| | Диний | 102 | 50,2072 | 9,76972 | | |
| **авторитарлик** | Илмий | 18 | 53,4856 | 10,93320 | 1.365 | 0.175 |
| | Диний | 102 | 49,9576 | 9,96460 | | |
| **манипулятивлик** | Илмий | 18 | 49,4027 | 10,46081 | -0.093 | 0.926 |
| | Диний | 102 | 49,6444 | 10,07754 | | |
| **альтероцентризм** | Илмий | 18 | 51,9115 | 11,12515 | 0.629 | 0.530 |
| | Диний | 102 | 50,3032 | 9,79497 | | |
| **конформизм** | Илмий | 18 | 69,3039 | 5,94799 | 18.453 | **0.000** |
| | Диний | 102 | 45,9811 | 4,75385 | | |
| **индифферентлик** | Илмий | 18 | 45,3250 | 9,82738 | -2.228 | **0.028** |
| | Диний | 102 | 50,9987 | 9,98112 | | |

Мулоқотдаги йўналганлик кўрсаткичлари Стьюдентнинг t-мезони бўйича қиёслаганда эркак-респондентларида кўзга ташланган конформизм шкаласи қийматларида ва ундан фарқли ҳолда мулоқотнинг индифферент йўналганлиги шкаласи қийматларида статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда фарқланишини кўрсатди.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мулоқотнинг индифферентлик йўналганлиги диний дунёқарашга эга аёл-респондентларда 50.998 ни ва илмий дунёқарашга эга аёл-респондентларда 45.32 ни ($p \leq 0.028$) ҳамда мулоқотнинг конформизм йўналганлиги диний дунёқарашга эга аёл-респондентларда 45.98 ни ва илмий дунёқарашга эга аёл-респондентларда 69.303 ни ($p \leq 0.000$) ташкил қилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Яъни, мулоқотдаги конформистик йўналганликнинг намоён бўлишинибирдай бевосита эркакларга ҳам, аёлларга ҳам ўз таъсирини ўтказадиган факторлардан экани аниқланди. Дунёвий дунёқарашга эга аёл-респондентларда нон конформистик йўналганлик илмий дунёқарашга эга аёл-респондентлардан кўра кучлироқ ифодаланган экан. Бундан ташқари, мулоқотдаги индифферентлик ҳам диний дунёқарашга эга аёл-респондентларда юқорилиги кузатилмоқда. С.Л.Братченко индифферентлик ортида авторитарлик яширин деган фаразни илгари суради. Фақат ошкора авторитарлик йўналганликдан фарқли равишда мулоқотнинг мазкур йўналганлигида биров ва унинг билан бўлган мулоқот шунчалар қадрсизлантириладики (репрессия психологик ҳимоя механизми таъсири), натижада инсон томонидан у билан боғлиқ жараёнлар ҳам онгдан онгсизлик қатламига сиқиб чиқарилади.

Хулоса қиладиган бўлсак:

Диний/илмий дунёқараш кўриниши мулоқотдаги шахс йўналганлигида қай тарзда акс этишини ўрганишга қаратилган эмпирик изланишимиз қуйидагиларни кўрсатди:

1. Шахснинг мулоқотдаги йўналганлик шкалалари бўйича жинсий детерминантлар мавжуд эмас;
2. Мулоқотнинг диалогиклик йўналганлиги диний дунёқарашга эга эркак респондентлардастатистик жиҳатдан аҳамиятли равишда юқорилиги ($p \leq 0.039$);
3. Мулоқотнинг конформизм йўналганлиги диний дунёқарашга эга эркак респондентларда статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда паст экани ($p \leq 0.000$);
4. Дунёвий дунёқарашга эга аёл-респондентларда нон конформистик йўналганлик илмий дунёқарашга эга аёл-респондентлар кўрсаткичларидан кучлироқ ифодаланганлиги ($p \leq 0.028$);
5. Мулоқотнинг индифферент йўналганлиги шкаласи қийматлари диний дунёқарашга эга аёл респондентларда илмий дунёқарашга эга аёл-респондентлари кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда юқорилиги ($p \leq 0.000$) аниқланди.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 6 (766)-сон, 2017. – Б. 2-5.
2. Братусь Б.С., Инина Н.В. Вера как общепсихологический феномен сознания человека // Вестник Московского университета. Сер. 14. Психология. - 2011. - № 1. - С. 25-38.
3. Братченко С.Л. Экзистенциальная психология глубинного общения. - М.: Смысл, 2001. - 197 с.
4. Чуфаровский Ю.В. Психология общения в становлении и формировании личности. - М.: Издательство «МЗ-Пресс», 2002. - 232 с.
5. Юркина Л. Формирование культуры общения студентов непедагогических ВУЗов. - М.: LAP Lambert Academic Publishing, 2011. - 212 с.

**Oybek ORTIQOV**
Buxoro davlat universiteti
pedagogika nazariyasi va tarixi
mutaxassisligi 2-bosqich magistri

# BO‘LAJAK O‘QITUVCHILARDA MAFKURAVIY IMMUNITETNI RIVOJLANTIRISH JARAYONLARINI TAKOMILLASHTIRISHDA UMUMINSONIY TARBIYANING O‘RNI

*Ushbu maqolada bugungi zamonda manfaatlar kurashi, raqobat tobora avj olib, xalqaro vaziyat keskinlashgan sharoitda mafkuraviy kurash va g‘oyaviy tahdidlar kuchayib borayotgan davrda, bo‘lajak o‘qituvchilarni mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirish ijtmoiy tarbiya va uning mazmun-mohiyati va yo‘nalishlari haqida so‘z boradi. Bundan tashqari, maqolada bo‘lajak o‘qituvchilarning oliy o‘quv yurtlarida egallayotgan tarbiya borasidagi bilimlarni zamonaviy metodlar va texnologiyalar asosida amaliyotga tatbiq etish muammolari yoritilgan.*

***Kalit so‘zlar**: mafkura, g‘oya, immunitet, tarix, rivojlanish, fan, metod, oila, ta’lim, tarbiya, ijtimoiy tarbiya, aqliy tarbiya, axloqiy tarbiya, jismoniy tarbiya, estetik tarbiya, mahalla, o‘qituvchi, pedagog.*

*В статье рассматривается значение социального образования и его содержание в совершенствовании процесса формирования идеологического иммунитета будущих учителей в современном стремительно меняющемся мире; где усиливаются борьба за интересы, конкуренция, идеологическая борьба, идеологические угрозы и направления. Кроме того, в статье рассматриваются проблемы применения знаний будущих учителей в высшей школе на практике на основе современных методов и технологий.*

***Ключевые слова:** идеология, идея, иммунитет, история, развитие, наука, метод, семья, образование, воспитание, социальное воспитание, умственное воспитание, нравственное воспитание, физическое воспитание, эстетическое воспитание, соседство, педагог.*

*This article discusses the importance of social education and its content in improving the process of developing ideological immunity of future teachers in today's rapidly changing world, in the context of growing conflicts of interest, ideological struggle and ideological threats. and directions. In addition, the article discusses the problems of applying the knowledge of future teachers in higher education in practice on the basis of modern methods and technologies.*

***Key words:** ideology, idea, immunity, history, development, science, method, family, education, upbringing, social upbringing, mental education, moral education, physical education, aesthetic education, neighborhood, teacher, pedagogue.*

**Kirish.** Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirishda pedagogik jarayon va uning tarkibiy qismlari muhim omil sifatida xizmat qiladi. Shu o‘rinda mafkuraviy immunitet atamasini sharhlaydigan bo‘lsak, mafkura o‘y-xayollar, fikrlar, g‘oyalar majmui bo‘lib, bunyodkor va vayronkor kabi turlarga bo‘linadi, immunitet esa mana shu fikrlar, g‘oyalarni inson ongi va tafakkurida to‘g‘ri va noto‘g‘ri, ijobiy va salbiy qismlarga ajrata olish va sharhlash uchun zarur bo‘lgan bilim, ko‘nikma va malakalarning yig‘indisidir. Immunitet inson organizmida kasallikka qarshi hosil bo‘lgan jarayon, pedagogikada esa bu dunyoviy va diniy bilimlar natijasida, voqea hodisalarga nisbatan to‘g‘ri fikr-mulohazani shakllantiradigan bilimlar tizimidir.

Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtrishda pedagogik jarayonning tarkibiy qismi bo‘lmish tarbiya jarayonining mazmuni, shakl, metod va vosita hamda uni tashkil etish muammolarini mukammal o‘zlashtirmoqlari zarur.

Bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyalashda diqqatimizni nimaga qaratmog‘imiz lozim? Bunday masalalarni hal etishda, avvalo, mamlakatimizda, siyosiy-ijtimoiy sohalarda yuz berayotgan islohotlar mohiyatini chuqur va atroflicha tushunib olishimizga to‘g‘ri keladi.

**Asosiy qism.** Ta’lim-tarbiya sharoitida tahsil oluvchi shaxsini faollashtirish, uni faol ta’lim-tarbiya subyektiga aylantirish bosh masala hisoblanadi. Shuning uchun o‘quv-tarbiya jarayonini texnologiyalashtirishning asosiy yo‘nalishi o‘quvchini, bo‘lajak mutaxassisni bilimga, kasbga qiziqish ehtiyojini shakllantirish muhim hisoblanadi [8, 6].

Chunki davr ham, yosh avlod tarbiyasi ham o‘zgarib bormoqda. Ayniqsa, XXI asr insoniyat tarixida axborot texnologiyalari davri bo‘ldi. Biroq, fan-texnika qanchalik jadal rivojlanib, jamiyat hayotida muhim o‘rin tutmasin, taraqqiyotga qanchalik samarali ta’sir etmasin, ijtimoiy tarbiya shaxsni komil inson etib tarbiyalash muhim ahamiyatga ega. Sharq mutafakkirlari, xalq pedagogikasi hamda jahon pedagogikasining ilg‘or fikrlariga tayangan holda bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyalash lozim.

Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirishda, avvalo, Markaziy Osiyo allomalarning bebaho ma’naviy merosi muhim ahamiyatiga ega. O‘zbek xalqi tarixan ta’lim-tarbiya sohasida o‘ziga xos dorulfunun yaratgan. Hatto hozirgi o‘zbek xalqi yashab turgan zaminda zardushtiylik dini keng yoyilgan davrda ham pedagogik mafkura hukm surgan [7, 3]. Ajdodlarimiz bo‘lmish Muhammad al-Xorazmiy, Abu Nasr Forobiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Ahmad al-Farg‘oniy, Imom Ismoil al-Buxoriy, Ahmad Yassaviy, Bahovuddin Naqshband, Amir Temur, Muhammad Tarag‘ay Ulug‘bek, Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Bobur singari olamga mashhur mutafakkirlarimizning ijtimoiy, siyosiy va falsafiy qarashlari barcha tarixiy davrlar uchun muhim o‘rniga ega. O‘z madaniy merosini chuqur o‘rganmagan va qadrlamagan, ajdodlari bosib o‘tgan tarixiy yo‘lni his etmagan, mustaqillik yo‘lida jon fido qilgan buyuk ajdodlar faoliyatidan xabardor bo‘lmagan inson kimligini hech qachon anglay olmaydi.

Ijtimoiy tarbiya muayyan, aniq maqsad hamda tarixiy tajriba asosida bo‘lajak o‘qituvchilarni har tomonlama rivojlantirish, ularning ongi, xulq-atvori va dunyoqarashini takomillashtirish jarayonidir.

Har bir davrda ijtimoiy tarbiya mohiyatan turlicha ifodalanib kelgan bo‘lib, uning mazmuni o‘sha davrning talablaridan kelib chiqib belgilangan. Odamning ijtimoiy mavjudot sifatida shaxsga aylanishi uchun ijtimoiy muhit sharoitlari va tarbiya kerak bo‘ladi [6, 44].

Tarbiyaning maqsadi ijtimoiy buyurtma asosida belgilanadi. Eng oddiy vazifadan tortib to keng ko‘lamli davlat dasturi asosida tashkil etiluvchi ta’lim-tarbiya jarayoni muayyan maqsadni ko‘zlagan bo‘ladi.

Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirishning maqsadi asosida uning mazmuni asoslanadi, maqsadni amalga oshirishga xizmat qiluvchi metod va usullar aniqlanadi. O‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirish muammosi pedagogikada ham dolzarb masalalaridan biri sanaladi.

Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlari umumiy va individual xarakterda bo‘lishi mumkin. O‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirish umumiy va individual maqsadlarning birgalik, uyg‘unligida namoyon bo‘ladi.

Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirishda obyektiv sabablar yetakchi rol o‘ynaydi. Insonning fiziologik yetilish qonuniyatlari, ruhiy rivojlanishi, falsafiy va pedagogik fikrlar yutug‘i, ijtimoiy madaniyat darajasi belgilangan maqsadga umumiy yo‘nalish beradi. Biroq asosiy omil doimo davlat mafkurasi va siyosati bo‘lib qolaveradi.

Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi (23.09.2020) Qonunini isloh qilinishi, ta’lim-tarbiya, sog‘liqni saqlash hamda umumiy tibbiyot muammolarini zamon talablari darajasida olib borilishiga e’tibor berilib, Prezidentmiz Shavkat Mirziyoyev 2021-yilga “Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili” deb nom berishi, “Yangi O‘zbekistonda erkin va farovon yashaylik!” [12] degan ezgu g‘oya asosida keng ko‘lamli ishlarni amalga oshirilishi rejalashtirilmoqda.

Jamiyat ma’naviyati va shaxs kamolotida muhim o‘rin tutuvchi ma’naviy va axloqiy poklik, iymon, insof, diyonat, or-nomus, mehr-oqibat, keksalarga hurmat singari insoniy fazilatlar o‘z-o‘zidan shakllanmaydi. Bularning barchasining zamirida uzluksiz ta’lim tizimida amalga oshirilayotgan ta’lim-tarbiya mazmuni, g‘oyaviy yo‘nalishi va samarasi yotadi.

Bo‘lajak o‘qituvchilarimizni zamon talablariga mos, barkamol inson bo‘lib rivojlanishlari uchun umuminsoniy tarbiyaning muhim tarkibiy qismlari - aqliy, ma’naviy-axloqiy, jismoniy, mehnat, estetik, huquqiy, ekologik, iqtisodiy hamda jinsiy tarbiyaga doir bilimlarni tashkil etish va ularga yondashishning samarali yo‘llarini yaratish alohida o‘ringa ega. Bu esa tarbiyadagi eng muhim vazifadir.

Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirishda umuminsoniy tarbiyaning tarkibiy qismi bo‘lmish aqliy tarbiya tabiat va jamiyat taraqqiyoti to‘g‘risidagi bilim asoslarini berish, uning aqliy (bilish) qobiliyati, tafakkurini shakllantirishga yo‘naltirilgan pedagogik faoliyat jarayoni bo‘lib, tabiat, jamiyat, shuningdek, inson tafakkuri haqidagi bilimlarni o‘zlashtirish, unda ilmiy dunyoqarashni rivojlantirish jarayonlarini shakllantiradi. Aqliy tarbiya yuksak ma’naviy va axloqiy sifatlarga ega bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyalashda yetakchi o‘rin tutadi.

Sharq donishmandlari aytganidek, “Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlikdir”. Shu sababli hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o‘zlashtirish, chinakam ma’rifat va yuksak madaniyat egasi bo‘lish uzluksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak [12].

Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetga oid bilimlar tizimini ongli ravishda o‘zlashtirishga mantiqiy fikrlash, xotira, diqqat, idrok etish, aqliy qobiliyat, moyillik va iqtidorni rivojlantirish kabi jarayonlar ko‘maklashadi.

Bo‘lajak o‘qituvchilar bola tarbiyasida Ibn Sino bobomiz aytganlaridek, ta’lim va tarbiya berishi uchun saxovatli, dono, iymonli, axloqiy va aqliy tarbiya usullarini yaxshi biladigan, irodasi kuchli muallim

va tarbiyali bo‘lishlari zarur. Muallim sog‘lom, pok, halol, xushmuomala kishi bo‘lmog‘i lozim. Barkamol inson qilib yetishtirish uchun tarbiyachi bolani o‘rni bilan rag‘batlantirishni ham, o‘rni bilan jazolashni ham bilsin.Vaqti-vaqti bilan bolani maqtab, yomon xulqini qoralab, yaxshi qiliqlarini o‘z vaqtida rag‘batlantirib ham turish kerak degan fikrlari ham mavjud.

Bo‘lajak o‘qituvchilarimiz o‘zlarida bunday xislatlarni shakllantrishlari uchun, albatta, mafkuraviy immunitet to‘liq oziqlangan bo‘lishi lozim.

- Bo’lajak o’qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirishda ijtimoiy tarbiyaning vazifalari
- Bilimlarni o‘zlashtirilish hajmini kengaytirish
- Bilishga bo’lgan qiziqishlarni yanada keltirish
- Ilmiy dunyoqarashni shakllantirish
- Qobiliyat va iqtidorni rivojlantirish
- Sog’lom turmush tarzini shakllantrish va rivojlantirish
- Mavjud bilimlarni muntazam ravishda boyitib borish, umumiy va maxsus kasbiy tayyorgarlik darajasini oshirish, estetik tarbiyani rivojlantirish

Bugungi zamonda nafaqat bo‘lajak o‘qituvchilar, balki butun jamiyatimiz a’zolarining bilimi, saviyasini oshirish uchun ilm-ma’rifat, yuksak ma’naviyat kerak. Ilm yo‘q joyda qoloqlik, jaholat, albatta, to‘g‘ri yo‘ldan adashish holatlari kuzatiladi. Payg‘ambarimiz Muhammad (s.a.v) o‘z hadislarida: “Ilmga ilm olmoq yo‘li bilan erishilgaydir. Ilm sahroda do‘st, hayot yo‘llarida tayanch, yolg‘iz damlarda yo‘ldosh, baxtsiz daqiqalarda rahbar, qayg‘uli onlarda madadkor, odamlar orasida zebu-ziynat, dushmanlarga qarshi kurashishda quroldir” deydi [11]. Shuningdek, Hadis shariflarda “Ilm olmoqqa intilish har bir muslim va muslima uchun farzdir” deydilar. Alisher Navoiy o‘zining “Farhod va Shirin” dostonida Farhodning aql-idrokli, bilimdon, hunarmand, kamtar, insonparvar, irodali va e’tiqodli bo‘lganligini tasvirlaydi.

Ijtimoiy tarbiyaning sohalaridan biri bo‘lmish jismoniy tarbiya fani bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirishda jismoniy va irodaviy sifatlarni, ularni aqliy va jismoniy jihatdan mehnat hamda vatan mudofaasiga tayyorlashga yo‘naltirilgan pedagogik jarayon bo‘lib, ijtimoiy tarbiyaning ajralmas tarkibiy qismi sifatida namoyon bo‘ladi.

Yuqori darajada rivojlangan ishlab chiqarishga asoslangan mavjud ijtimoiy sharoit jismonan baquvvat, ishlab chiqarish jarayonida yuqori unum bilan ishlashga qodir. Qiyinchiliklardan cho‘chimaydigan, shuningdek, vatan himoyasiga doimo tayyor bo‘lgan bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyalash zarurligini ko‘rsatmoqda.

Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantrishda ijtimoiy gumanitar fanlar va pedagogika turkumidagi fanlarning integratsiyalashuv natijasida mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlari takomillashadi.

O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni ham ta’lim va tarbiya kadrlarni o‘qitish va tarbiyalashga, ularni intellektual, ma’naviy-axloqiy, etik, estetik va jismoniy jihatdan rivojlantirishga qaratilganligi bilan muhimdir.

Auditoriya va auditoriyadan tashqarida olib boriladigan mashg‘ulotlar o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantiruvchi hamda samaradorligini ta’minlovchi qo‘shimcha tadbirlar hisoblanadi. Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirishda axloqiy tarbiya muayyan jamiyat tomonidan tan olingan va rioya qilinishi zarur bo‘lgan tartib, odob, o‘zaro munosabat, muloqot va xulq-atvor qoidalari, mezonlari bo‘lishi bilan birgalikda, bo‘lajak pedagoglar tafakkuri, hayoti, turmush tarziga singdirish maqsadida tashkil etilgan pedagogik jarayondir.

Axloqiy tarbiya ijtimoiy tarbiyaning tarkibiy qismlaridan biri hisoblanadi. Qur'oni Karim va Hadisi sharifdagi axloqqa oid ibratli maslahatlar, hikoyatlar asrlar davomida tarkib topgan milliy urf-odatlar, an'ana va qadriyatlar mazmunida oʻz ifodasiga ega. Imom Ismoil al-Buxoriy "Axloqning yaxshi boʻlishi, taomning pokizaligi, rostlik va omonatga xiyonat qilmaslik Olloh Taolo senga bergan boʻlsa, dunyoviy ishlardan chetda qolgan boʻlsang ham, zarari yoʻqdir", –degan fikrlari bejiz emas.

Amir Temur axloqi xusniya, ya'ni yaxshi xulqlar egasi boʻlgan. U oqil va tadbirli sarkarda sifatida nomzodlarni turli lavozimlarga tayinlash va vazifasidan ozod etishda ham shoshma-shosharlik va adolatsizlikka yoʻl qoʻymagan, balki yetti oʻlchab, bir kesgan [6, 58].

Jadid ma'rifatparvarlaridan Abdulla Avloniy axloqiy tarbiyaga izoh berar ekan, insonlarni yaxshilikka chaqiruvchi, yomonlikdan qaytaruvchi bir omil deydi. Fikrlarini davom ettirib, yaxshi xulqlarning yaxshiligi, yomon xulqlarning yomonligini dadil va misollar bilan bayon qiladurgʻon kitobdir deb, ta'riflaydi.

**Muhokamalar va natijalar.** Axloqiy tarbiyada boʻlajak oʻqituvchilar mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirishda yetakchi boʻgʻin, insoniy sifatlarni yaratuvchisi, shakllantiruvchi va mukammallikka erishtiruvchi vosita hisoblanadi. Axloq tarbiya kishilarning xulq-atvori, e'tiqod-iymoni, yurish-turishi, fikr-mulohazalari, mushohada va muloqotida namoyon boʻladi. Islom dining muqaddas kitobi Qur'on Karim Ra'd surasi 22-oyatida "Yomonlikni yaxshilik bilan qaytaringlar" deyiladi. Bundan koʻrinib turibdiki, axloqiy tarbiya doimo yoshlarni yaxshilikka chorlaydi.

Boʻlajak oʻqituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirishda ijtimoiy tarbiyaning yana bir muhim tarkibiy qismi mehnat tarbiyasidir. Mehnat tarbiyasi boʻlajak oʻqituvchilarda mehnatning mohiyatini chuqur anglatish, ularda mehnatga ongli munosabatda boʻlishga, shuningdek, muayyan ijtimoiy-foydali harakat yoki kasbiy koʻnikma va malakalarni rivojlantirishga yoʻlnaltirilgan pedagogik jarayondir. Har bir inson hayotining manbayi, umrining mazmuni mehnat tarbiyasi hisoblanadi. Mehnat tarbiyasidan koʻzlangan maqsad, avvalo, mehnatning mohiyati, mazmunini chuqur anglatishdir.

Xalqimiz tomonidan asrlar davomida tajribalari asosida yaralgan "Mehnat - mehnatning tagi rohat", "Bugungi ishni ertaga qoldirma", "Daryo suvini bahor toshirar, inson qadrini mehnat oshirar", "Ishlagan tishlaydi, ishlamagan kishnaydi", [9, 5] kabi maqollar inson hayotining mazmuni boʻlmish mehnat tarbiyasiga berilgan ta'rifdir. Buyuk alloma Bahouddin Naqshbandiyning "Dilba yoru, dast ba kor" degan hikmatli soʻzlari, bugungi kunda ham oʻz ahamiyatini yoʻqotmagan. Allomaning fikricha, "Agar kishi hunarli boʻlsa, u bilimini haqiqatga bagʻishlaydi, oʻz mehnati bilan kun kechiradi, bordi-yu kasbi boʻlmasa, bilimini kun kechirishga sarflaydi, halollikni unutadi, - deydi.

Ta'kidlash lozimki, mehnatsiz kelgan boylik inson ruhiyatini buzadi, har qanday muqaddas boʻlgan narsani qadrsizlantiradi. Mehnat tarbiyasi boʻlajak oʻqituvchilarda doʻstlik, birodarlik, jamoa boʻlib ishlash kabi barcha tarbiyaviy sifatlarni shakllantiradi va rivojlantiradi. Eng muhimi, mehnat muhtojlik, bekorchilik, axloqiy va ma'naviy buzuqlikdan saqlaydi. Mehnat tarbiyasi orqali inson oʻzining va oʻzgalarning qadrini biladi. Xuddi shu narsa davlatimiz va xalqimizning ravnaq topishida asosiy shartidir. Bu vazifalarni amalga oshirishda ota-ona, ustoz va murabbiy, keng jamoatchilik oʻz mehnatini ayamasliklari, ayniqsa, oliy oʻquv yurti talabalarida mehnatga va mehnat ahliga toʻgʻri munosabatni rivojlantirishdagi mas'uliyatni chuqur his qilishlari kerak. Nafosat tarbiyasi (estetik tarbiva: lot. "estezio" – "goʻzallikni his etaman" ma'nosini bildiradi) [6, 60] shaxsni ijtimoiy voqelik, tabiat va mehnat munosabatlari hamda turmush goʻzalliklarini anglash, idrok etish, toʻgʻri tushunishni oʻrgatish, ularning estetik didini oʻstirish, ularda goʻzallikka muhabbat uygʻotish, shuningdek, goʻzallikni yaratish qobiliyatlarini tarbiyalash jarayoni boʻlib, ijtimoiy tarbiyaning yana bir muhim tarkibiy qismi sanaladi.

Boʻlajak oʻqituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlanishida aqliy, axloqiy, mehnat tarbiyasi bilan birgalikda estetik tarbiyaning ham roli beqiyosdir. Estetik tarbiya faqat narsa va hodisalarning mohiyatini anglash, goʻzal jihatlarini koʻra bilishi emas, balki ichki goʻzallikni his qilish xislatini ham tarbiyalaydi. Insondagi xulqiy goʻzallikning qadriga yetishga undaydi [6, 61]. Boʻlajak oʻqituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojantirish jarayonlarini takomillashtirishda ijtimoiy voqelik, tabiat va mehnat munosabatlari hamda turmush goʻzalliklari va ularni anglash toʻgʻrisidagi bilimlarni rivojlantirish, ijtimoiy voqelik, tabiat va mehnat munosabatlari hamda turmush goʻzalliklarini anglash va idrok qilish qobiliyatini tarbiyalash, unda mavjud goʻzalliklarni qadrlash hissi hamda estetik didni shakllantirish, goʻzallikka muhabbat uygʻotish, goʻzallikni yaratish ehtiyojini qaror toptirish, bu boradagi qobiliyat va estetik madaniyatni rivojlantirishga xizmat qiladi.

Boʻlajak oʻqituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirishda estetik tarbiya axloqiy qiyofa, ijobiy xulq-atvor me'yorlarini tarkib toptirish, ularning ijodiy qobiliyatlarini taraqqiy ettirishga katta ta'sir koʻrsatadi. Boʻlajak oʻqituvchilarni estetik tarbiyashda xalqimizda "Oq boʻlmasin, pok boʻlsin", "Pokliging - sogʻligʻing", "Sogʻ yuray desang, ozoda boʻl", "Yaxshi libos tanga oroyish" [6, 61] kabi maqollardan foydalanishgan. Ularni tabiat va jamiyatdagi goʻzalliklarni koʻra bilishga, qadrlashga oʻrgatib kelishgan.

Bo‘lajak o‘qituvchilarda estetik tarbiya faqat narsa va hodisalarning mohiyatini anglash, go‘zal jihatlarini ko‘ra bilishnigina emas, balki ichki go‘zallikni his qilish xislatini ham tarbiyalaydi. Insondagi xulqiy go‘zallikning qadriga yetishga undaydi.

Bo‘lajak o‘qituvchilarda ijtimoiy tarbiya maqsadi va vazifalarini amalga oshirish uchun tarbiya jarayonining xususiyatlarini anglab olish muhim ahamiyatga ega. Tarbiya jarayoni o‘ziga xos xususiyatlarga ega. Uning muhim xususiyati aniq maqsadga yo‘naltirilganligidir.

Mafkuraviy immunitetni rivojlantirishda zamonaviy pedagogik talqinda tarbiya jarayoni aniq maqsadga yo‘naltirilgan samarali hamkorlik asosida tashkil etilgan jarayondir. Zero, tarbiya jarayonida professor va o‘qituvchilar va talabalar hamkorligida faoliyat tashkil etiladi, boshqariladi va nazorat qilinadi.

**Xulosa**. Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayonlarini takomillashtirishda ijtimoiy tarbiyaning tarkibiy qismlari muhim ahamiyat kasb etadi. Tarbiya jarayoni ko‘p qirrali jarayon bo‘lib, ular tarbiya mohiyatini yoritishga xizmat qiluvchi ichki va tashqi (subyektiv va obyektiv) omillar asosida tashkil etiladi [6, 62]. Subyektiv omillar shaxsning ichki ehtiyojlari, qiziqishlari, hayotiy munosabatlarini anglatish, obyektiv omillar esa shaxsning hayot kechirishi, shakllanishi, hayotiy muammolarini ijobiy hal etishi uchun sharoit yaratadi. Tarbiya maqsadi pedagogik faoliyat mazmuni, yo‘nalishi, shakli hamda obyektiv sharoitlar bilan qanchalik mutanosib kelsa, shaxsni shakllantirish borasida shunchalik muvaffaqiyatga erishiladi. Tarbiya jarayonining tashkil etilishi va boshqarilishida nafaqat bo‘lajak o‘qituvchi faoliyati, balki yosh va psixologik xususiyatlari, o‘y-fikrlari, hayotiy qarashlari ham muhim o‘rin tutadi.

Tarbiya jarayonining yana bir xususiyati uning uzoq muddat davom etishidir. Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlanganligi tez sur’atda yaqqol ko‘zga tashlanmaydi. Bo‘lajak o‘qituvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish jarayoni uzoq muddatli davrni talab etadi. Chunki yosh o‘qituvchilarda tarbiya tizimi yuqori darajada ta’sirchan hamda beqaror bo‘ladi. Shu bois, ijtimoiy tarbiyani bo‘lajak o‘qituvchilarda talabalik yillaridanoq singdirish lozim. Tarbiya jarayonining yana bir muhim xususiyati uning uzluksizigidadir. Ijtimoiy tarbiya ham davlat mafkurasiga bog‘liq holda taraqqiy etadi va o‘zgarib boradi.

## Adabiyotlar


1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. “2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to’g’risida. https://lex.uz/docs/-3107036
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. -T.: “O‘zbekiston”, 2020. www.xalq so‘zi.uz
3. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. -T.: “O‘zbekiston”, 2017.
4. Karimov I. A. Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch. -T.: “Ma’naviyat”, 2008.
5. Asqarova O‘ M. Xayitboyev M. Nishonov M.S. Pedagogika. -T.: “Talqin”, 2008. -290 bet.
6. Karomatova K.M., Karomatov H.S. Maqollar. -T.: “Mehnat”, 2000. – 400 b.
7. Olimov Sh.Sh., Durdiyev D.Q. Pedagogik texnologiya. -T., 2019. -187 b.
8. Toxtaxodjayeva M.X. Pedagogika. -Toshkent: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati”, 2010. -400 b
9. Hoshimov K., Nishonova S., Inomova M. va boshq. Pedagogika tarixi. -T.: “O‘qituvchi”, 1996. -488 b.

**Shaxlo XALILOVA**
Buxoro davlat universiteti
pedagogika fakulteti
1-bosqich magistri

# JAHON PEDAGOGIKASIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK MULOQOT VA MILLIY PEDAGOGIK MULOQOT USLUBLARIGA TRANSFORMATSIYASI

*Maqolada jahon pedagogikasining klassik muloqot uslublari, zamonaviy pedagogik qarashlari bilan bir qatorda sharqona muloqot uslublarining o‘ziga xosligi bayon qilingan. Didaktik qarashlardan bugungi ta’lim jarayonining zamonaviy pedagogik jihatlari o‘rin olgan. Jahon pedagogikasida zamonaviy pedagogik muloqot uslublari va uning milliy pedagogik muloqot uslublariga transformatsiyasi va rivojlanish istiqbollari ko‘rsatilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *muloqot, muloqot uslublari, jahon pedagogikasi, zamonaviy pedagogika, milliy pedagogik muloqot, pedagogik ta’lim-tarbiya.*

*В статье рассматриваются классические методы общения в мировой педагогике, современные педагогические взгляды, а также особенности восточных методов общения. Дидактические взгляды включают современные педагогические аспекты современного образовательного процесса. Мировая педагогика показывает современные методы педагогической коммуникации и ее трансформацию в национальные педагогические методы коммуникации и перспективы развития.*

***Ключевые слова:*** *общение, коммуникативные методы, мировая педагогика, современная педагогика, национальная педагогическая коммуникация, педагогическое образование.*

*The article deal with the classical methods of communication in world pedagogy, as well as modern pedagogical views, as well as the peculiarities of oriental communication methods. Didactic views include modern pedagogical aspects of today's educational process. World pedagogy shows modern pedagogical communication methods and its transformation into national pedagogical communication methods and prospects for development.*

***Key words:*** *communication, communication methods, world pedagogy, modern pedagogy, national pedagogical communication, pedagogical education.*

**Kirish qism.** Har qanday jamiyatning taraqqiyoti ta’lim-tarbiya va pedagoglarning amalga oshiradigan muloqot uslubiga bevosita bog‘liq. Bugungi kunda butun dunyo bo‘ylab har tomonlama rivojlanish jarayoni amalga oshmoqda. Madaniy-ma’rifiy, siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy sohalar singari ta’lim tizimida ham islohotlar olib borilmoqda. Ushbu islohotlar zamirida yosh avlod tarbiyasida muloqotchanlik qobiliyati, uni, ma’nan yetuk va intellektual rivojlangan kadrlar bo‘lib yetishi ta’lim-tarbiyaning eng ustuvor vazifalardan biri sifatida belgilangan. Buning yorqin misolini Prezidentimiz Sh. M. Mirziyoyevning “Bizni o‘ylantirib keladigan yana bir muhim masala - bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so‘z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog‘liq. Bugun zamon shiddat bilan o‘zgaryapti. Bu o‘zgarishlarni hammadan ko‘proq his etadigan kim – yoshlar. Yoshlar o‘z davrining talablari bilan uyg‘un bo‘lishsin. Lekin ayni paytda o‘zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug‘ zotlarning avlodimiz, degan da’vat ularning qalbida aks sado berib, o‘zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan” [1] - degan fikrlaridan anglashimiz mumkin. Ta’lim tizimida faoliyat ko‘rsatayotgan pedagog xodimlarning muloqot uslubini rivojlantirish ta’lim sifati va ta’lim jarayonini takomillashtirish uchun xizmat qiladi. Muloqot - ta’lim oluvchi psixologik va ijtimoiy rivojining muhim omillaridan biri bo‘lib, birgalikdagi faoliyatda umumiy natijalarga erishish, shaxslararo munosabatlarni yo‘lga qo‘yish va qo‘llab-quvvatlash maqsadida ikki yoki undan ortiq kishilarning o‘zaro harakati tushuniladi [2].

**Asosiy qism.** Rivojlangan davlatlar ta’lim tizimidagi xalqaro tajriba hamda ta’lim tizimiga qo‘yilgan bugungi davr talablarini inobatga olgan holda o‘qituvchi pedagogik muloqot uslublarini chuqur tadqiq etish va bu borada kerakli tavsiyalar ishlab chiqish bugungi kunda dolzarb ahamiyat kasb etadi. Ta’lim-tarbiya tizimini tarkibiy tahlil qilar ekanmiz, uning tub ildizi kishilik jamiyati paydo bo‘lgan davrdan mavjudligiga diqqat qaratmog‘imiz lozim. Jahon pedagogikasida zamonaviy pedagogik muloqot uslublari rivojlanish istiqboliga hissa qo‘shgan Rim pedagoglarining eng mashhuri hisoblangan Mark Fabin Kvintilianning (eramizning 42-118-yillari) “Notiq tarbiyalash to‘g‘risida” nomli asari orqali bizga yetib kelgan. Ammo bu asarning saqlanib qolgan qismlarida “Bola maktabda tarbiyalanmog‘i lozim. O‘qituvchi o‘zi tarbiyalayotgan har bir bolaga ehtiyotkorlik bilan muomala qilishi kerak. O‘qituvchining o‘zi o‘qimishli bo‘lishi, bolalarni

sevishi, o‘zini yaxshi tuta bilishi, bolalarni bo‘lar bo‘lmasga mukofotlamasligi yoki jazolamasligi lozim [3]”,- degan fikrni bildiradi. Shu nuqtayi nazardan Sokrat axloq suhbatlarida, tinglovchilarni savol-javoblar yo‘li bilan erkin fikr yuritib, o‘ylab topishga undagan. Uning fikricha pedagogik muloqot jarayonida tarbiyadan maqsad buyumlarning fizik holatini o‘rganish emas, balki odamlar o‘zlarining bilish, axloqini kamol toptirishi lozim deb hisoblagan. Suhbatning bu metodi o‘sha paytda “Sokrat metodi” deb yuritilgan. Keyingi davrlar metodikasida esa “fikr qo‘zg‘ovchi savollar metodi” o‘tkazila boshlandi. Sokratning shogirdi qadimgi Yunonistonning mashhur faylasufi, “Obyektiv idealizm” nazariyasi asoschisi Platon fikricha ezgulik g‘oyasi, asosan, tarbiya yo‘li bilan ro‘yobga chiqishini ta’kidlaydi. Tarbiyani o‘quvchilar ongiga singdirish uchun esa pedagoglarning muloqotchanlik qobiliyati yaxshi rivojlangan bo‘lishi kerak. Muloqotga kirishish jarayonida pedagogik muloqotga yondashish uslubini to‘g‘ri tanlay olishi zarur. Jahon pedagogikasida zamonaviy pedagogik muloqot uslublarining rivojlanishidan kelib chiqib pedagogik muloqot ta’rifiga bir qator yondashuvlar aks etgan. L.M.Mitina pedagogik aloqani o‘qituvchi ishining ko‘p o‘lchovli makonining bir-biri bilan o‘zaro bog‘liq bo‘lgan uch qismdan: o‘qituvchining shaxsiyati, pedagogik faoliyati va pedagogik aloqasidan iborat jihatlaridan biri deb hisoblaydi. Ushbu uch yo‘nalish, talaba shaxsini rivojlantirishning global vazifasi bilan birlashtirilgan [4]. Muloqot uslublarining rivojlanish istiqbollariga o‘zining hissasini qo‘shgan L.M. Mitina fikricha pedagog kadrlarda o‘qituvchilik qobiliyati, nazokati va mahorati bo‘lsa, darslar jarayonida yuzaga keladigan holatlarga nisbatan kreativ yondashish bo‘lsa talabalar jamoasiga kirishish osonlashadi. Bu esa beriladigan ma’lumotlarni talabalar o‘zlashtirishi anchayin sezilarli natija beradi. A.A.Leontevning ta’rifidagi pedagogik muloqot “...o‘quvchining motivatsiyasi va ta’lim faoliyatining ijodiy xarakterini rivojlantirish, o‘quvchining shaxsini to‘g‘ri shakllantirish uchun eng yaxshi sharoitlarni yaratadigan o‘qituvchi (kengroq ma’noda - o‘qituvchilar jamoasi) o‘quv jarayonida maktab o‘quvchilari bilan aloqador. O‘rganish uchun qulay hissiy iqlimni ta’minlaydi (xususan, “psixologik to‘siq” paydo bo‘lishining oldini oladi). Bolalar jamoasidagi ijtimoiy-psixologik jarayonlarni boshqarishni ta’minlaydi va ta’lim jarayonida o‘qituvchining shaxsiy xususiyatlaridan maksimal darajada foydalanishga imkon beradi” [5]. V.A. Slastenin pedagogik faoliyatda muloqotni ta’lim muammolarini hal qilish vositasi deb hisoblaydi; ta’lim jarayonini ijtimoiy va psixologik qo‘llab-quvvatlash; o‘qitish va ta’limning muvaffaqiyatini belgilaydigan o‘qituvchi va bolalar o‘rtasidagi munosabatlarni tashkil etish usuli. Shunga muvofiq, kasbiy va pedagogik muloqot mazmuni quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

- ma’lumot almashish;
- ta’lim ta’sirini ta’minlash;
- kommunikativ vositalar yordamida munosabatlarni tashkil etish [6].

Zamonaviy pedagogik muloqot uslublarining rivojlanishida ma’lumot almashish muloqot jarayonining asosi hisoblanadi. Pedagogik muloqot tushunchasiga shunday ta’rif beradi.

Pedagogik muloqot - bu o’qituvchining o‘quvchilar bilan darsda va darsdan tashqari faoliyatda o‘zi uchun qulay bo‘lgan psixologik muhitni vujudga keltirib, ijobiy-ruhiy iqlimni yaratishi uchun imkoniyat beruvchi kasbiy munosabatidir [2]. Pedagogik muloqotning mazmuni va shakllari nisbatan qat’iy tartibga solingan va ishtirokchilarining roli pozitsiyalari aniq belgilangan. V.A.Kan-Kalik pedagogik muloqotni “pedagogik faoliyatning maqsad va vazifalarini amalga oshirishni ta’minlaydigan va o‘qituvchi va o‘quvchilar o‘rtasidagi ijtimoiy-psixologik o‘zaro aloqalarni tashkil etuvchi, boshqaradigan texnika va usullar tizimi [7]” deb ta’riflaydi. Pedagogik muloqot jarayonida A.A.Leontev, birinchidan, o‘qituvchi shaxsini belgilaydigan tarkibiy tuzuvchi tarkibiy qismlarni, ikkinchidan, optimal pedagogik muloqotni amalga oshirishga ta’sir qiluvchi tarkibiy tuzuvchi uning qismlarini ajratib turadi. Komponentlarning birinchi guruhiga u o‘qituvchi va talabalar o‘rtasidagi muloqotning “pedagogik sezgi” va “subyektivligini” asosiy deb biladi. “Pedagogik sezgi” tug‘ma emas. Har qanday sezgi singari bu ham shaxsning tarkibiy qismiga aylanadigan ichki faoliyat natijasidir. “Ilgari qoidalar shaklida amalga oshirilgan narsa ichki, ong osti qismiga aylanadi [5]”, - deya ta’riflaydi.

Insonlararo muloqot jarayoni shaxs kamolotining zaruriyati va milliy xususiyatlarining asosi hisoblanadi. Shuningdek, chiroyli muomalaning axloqiy fazilat sifatida shaxs kamolotiga ta’siri, uning milliy va umuminsoniy qadriyatlar tizimida tutgan o‘rni, shakllanish tarixi hamda muomala madaniyatining etiket va taqdimot marosimi bilan bog‘liq zamonaviy ko‘rinishlarining nazariy va amaliy jihatlari ilmiy tahlil qilish lozim. Sharqona qarashlarda inson barcha yaratilganlar orasida ajib va latif bir tabiat bilan ajralib turishi aytiladi. Milliylik sharqona qarashlarning o‘ziga xos xususiyati hisoblanib, ota-ona va farzand o‘rtasidagi munosabatlardan boshlanib, diniy va tasavvufiy qarashlar negizida vujudga kelgan. Inson ma’naviy kamolotida muomala madaniyati bilan bog‘liq barcha diniy muammolarga e’tibor qaratilishi barobarida umumbashariy muammolarga ham katta o‘rin beriladi. Islom manbalariga nazar soladigan bo‘lsak, unda insonlararo chiroyli muomala madaniyati bilan ajralib turadi. O‘zgalarga yaxshilik qilish, insoniy burch, yuksak adolat, iymon va e’tidoq singari odob va axloq tushunchalari bilan uyg‘un holda olib qaraladi. Ota-

ona bilan farzand o‘rtasidagi munosabat, ularning o‘zaro muomalada go‘zallikka intilish masalalariga Islom dini juda katta e’tibor qaratadi. Bu borda Abu Hurayra (r.a.)dan rivoyat qilingan mana bu hadis tarbiyaviy jihatdan ahamiyatga molik: “Bir odam Rasululloh salollohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib: “Yo Rasululloh, mening yaxshi muomala qilmog‘imga kim haqliroqdir?” - deb so‘raganida Payg‘ambarimiz (s.a.v.) uch martasida ham “Onang!”, so‘ngra esa “Otang!” - deb javob beradilar. Ota-onani haqorat qilish, ularga yomon muomalada bo‘lishni “odam qiladirgan gunohi azimlardan biri” deb aytadilar [8]. Kaykovus (XI asr) “Qobusnoma”da bolalarga hunar o‘rgatmoq to‘g‘risida to‘xtalib, farzandiga qilgan nasihatida ota-onaning va muallimlarning bolaga muomala madaniyati masalasida ham to‘xtaladi. Chunonchi, u ota-ona o‘z bolasiga ilm va axloqiy fazilatlarni singdirish uchun bolaga muallim orqali ta’sir o‘tkazish mumkinligini uqtirib shunday deydi.[9]: “... Har ilmni o‘rgatuvchi muallimlar ta’lim uchun (bolani) ursalar, sen (ota) shavqat ko‘rgazgil, mayli ursunlar, nedinkim yosh o‘g‘lon ilm va adabni tayoq bilan o‘rganur va o‘z ixtiyori bilan o‘rganmas. Ammo farzand beadab bo‘lsa va sening ul sababdin qahring kelsa, o‘z qo‘ling birla urmagil, muallimlarning tayog‘i bila qo‘rqitgil. Bolalarga muallimlar adab bersunlar, toki sendan o‘g‘lingning ko‘nglida gina qolmasun [10].

Milliy pedagogik muloqot uslubini tahlil qilish chog‘ida e’tibor qaratishimiz lozim bo‘lgan jihati, sharqona xususiyati, pedagog shaxsidagi ochiq ko‘ngillik, dilkashlik, xushmuomalalik va fikrni yaxlit ifodalashdir. Pedagog shaxsi muloqot jarayonini to‘g‘ri tashkil eta olishi uchun, avvalo, fikr tarbiyasiga e’tibor qaratishi lozim. Inson mustaqil tarzda sog‘lom fikrlay olsa, suhbatga kirishish jarayonida fikrini ochiq namoyon eta oladi. Muloqotga kirishish uchun avvalo fikrlar tarbiyalangan bo‘lishi kerak. Abdulla Avloniy fikr tarbiyasi haqida bunday degan edi:

Fikr, agar yaxshi tarbiya topsa,
Xanjar, olmosdan bo‘lur o‘tkir.
Fikrning oynasi olursa zang,
Ruhi ravshan zamir o‘lur benur [11].

Keltirilgan ta’rif bugungi ta’lim tizimini takomillashtirishda, ta’lim oluvchilarning bilimini yanada oshirishda o‘z isbotini topmoqda. Shuni tushunish mumkinki, ta’lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar chambarchas holatda bir-birini to‘ldirib bormoqda. O‘qituvchilarda pedagogik muloqot uslublarni takomillashtirish, ta’lim tizimida tarbiyaviy va ta’limga oid jarayonlarga ta’sir ko‘rsatish, talabalar motivatsiyalarini shakllantirishda muhim omil ekanligi, shuningdek, ta’lim muassasalarida o‘quv jarayonlarini samarali tashkil etish, salohiyatni ko‘tarish, talabalarning bilim va ko‘nikmalarini oshirish nuqtayi nazaridan o‘rganadi. Qattiqlik va toshbag‘irlikni, rasmiy ma’muriyatchilikni o‘zining talabalar bilan munosabati normasiga aylantirgan kishilar haqiqiy pedagog bo‘lolmaydilar. Bizning sharoitimizda faqat pedagoglar bilan talabalar o‘rtasidagi o‘rtoqlarcha munosabatlarni rivojlantirishga va mustahkamlashga qaratilgan yo‘lgina pedagogik ta’sir ko‘rsatishning asosi bo‘lishi mumkin. Binobarin, u yoki bu usullarni qo‘llash har holda talabalarning faoliyatida faqat juz’iy o‘zgarishlarga olib kelmay, shu bilan birga, hamisha pedagoglar bilan tarbiyalanuvchilar o‘rtasidagi munosabatlarning rivojlanishiga faol xizmat qiladi.

Pedagogik ta’sir ko‘rsatish usulini qo‘llashning ikkinchi umumiy qoidasi shundan iboratki, bu qoida oqilona tayyorlangan bo‘lishi lozim. Uni qo‘llash esa amalga oshirish uchun shart-sharoitning mavjudligini nazarda tutadi. Talabalarning real imkoniyatlari, ularning tarbiyachi rag‘batlantiradigan ishlarni bajarish qobiliyatini hisobga olish pedagogik ta’sir ko‘rsatish vositalaridan foydalanishdagi shaxsiy yondashuvning mohiyatini tashkil etadi. Ba’zan, u yoki bu pedagogik ta’sir natijasiz qoladi, chunki pedagog uning amalga oshirilishi uchun zarur moddiy vositalarning mavjud bo‘lishini oldindan ta’minlamagan bo‘ladi. Masalan, barcha talabalar ham ishga zarur bo‘ladigan asboblar bilan ta’minlangan emas, o‘qituvchi esa ularga navbatdagi topshiriqni bajarishni taklif qiladi. Pedagogik ta’sir ko‘rsatishni amalga oshirishda talabalarning yoshi va individual xususiyatlarini hisobga olish kabi umumiy tamoyillarni izchillik bilan o‘tkazish ham muhim ahamiyatga egadir. Yuqorida aytib o‘tilganidek, ta’lim-tarbiya jarayonining u yoki bu usulini to‘g‘ri tanlash va uni qo‘llanishining muvaffaqiyati pedagogdan pedagogik vaziyatni bilish va hisobga olishni talab qiladi. Pedagogik vaziyat pedagogik ta’sir ko‘rsatish usullari uchun o‘ziga xos xususiyatlarga egadir. Pedagogik ta’sir ko‘rsatish usullarini muvaffaqiyatli qo‘llash uchun zarur bo‘lgan hal qiluvchi shart-sharoitlarni aytib o‘tamiz. Bu, avvalo, tarbiyalanuvchi bilan pedagogning munosabatlaridir. Bu munosabatlar doimiy bo‘lib qolmaydi, ular o‘zaro muomala jarayonida birgalikdagi faoliyatda rivojlanadi va boyib boradi. Shu narsa mutlaqo ravshanki, o‘rtoqlarcha munosabatlarda ta’sir ko‘rsatish usullaridan biri ta’sirchan bo‘ladi, betaraf yoki salbiy munosabatlarda (bunday munosabatlar ham bo‘lishi mumkin) boshqa usul, boshqa shakl kerak bo‘ladi.

So‘ngra tarbiyalanuvchilarning pedagog taklif qilgan faoliyatga munosabati muhim shartlardan biri hisoblanadi. Ma’lumki, talabani oson va yechimli ish bilan shug‘ullanishga majbur qilish - boshqa gap, uning jiddiy, odatdan tashqari mehnatni bajarishiga erishish esa, butunlay boshqa bir gap.

Ko‘p narsa tarbiyalanuvchining jamoadagi mavqeiga bog‘liq bo‘ladi. U hali yangi bo‘lishi, an’analar va o‘rtoqlarining qiliqlarini bilmasligi mumkin. Jamoa hayotning hamma sohasida tajribasi bor bo‘lishi ham mumkin. Birinchi holda ham, keyingi holda ham tarbiyalanuvchiga ta’sir ko‘rsatish usuli bir xilda bo‘lishi mumkin emas. Nihoyat, hamisha talabalarning ruhiy holatini hisobga olishga to‘g‘ri keladi, pedagog ularga biror topshiriq bilan murojaat qiladi: talabalar quvnoq va vazmin bo‘lishlari, biror narsadan ranjib jahllari chiqqan bo‘lishi ham mumkin. Bu ham yana ta’sir ko‘rsatish shaklini tanlashga asos bo‘ladi.

Pedagogik vaziyat bilan u taqozo qilgan pedagogik ta’sir ko‘rsatish usulining biror shakli o‘rtasidagi bog‘lanish muhim ahamiyatga egadir. Bu aloqadorlikni tushunish tarbiyachilarga o‘z harakatlarida ko‘proq samaradorlikka erishish, ularni ongli ravishda rivojlantirish imkonini beradi.

Respublikamizda o‘qituvchilik kasbining o‘ziga xos etnopsixologik fazilatlari, xislatlari, qobiliyatlari ish uslublari mahoratga erishishning yo‘llari, shaxslararo muomala jarayonlari yuzasidan har xil davrlarda bir muncha ilmiy izlanishlar olib borilgan. Buyuk ma’naviyatimizni tiklash va yanada yuksaltirish, milliy ta’lim-tarbiya tizimi takomillashtirish, zamon talablari bilan uyg‘unlashtirib, jahon andozalari darajasiga chiqarish kabi bir qator vazifalar turadi. O‘qituvchi kasbiy faoliyatida muloqot muvaffaqqiyatli bo‘lishi uchun muloqotda suhbatdoshni yoki tinglovchini idrok etish bir-birini tushunishning asosiy shartidir. Agar o‘qituvchi o‘quvchilarni uni qanday idrok etayotganligini, tushunayotganligini anglayolmasa pedagogik muloqot o‘z maqsadiga yetmaydi. Ayniqsa, ma’ruza o‘tayotganda bu juda muhimdir. Agar hamsuhbatni ko‘rish orqali idrok etish imkoniyati bo‘lmasa, qo‘l barmoqlari va yuz harakatlari orqali bo‘ladigan imo-ishoralar kambag‘allashib, harakatlar erkinligini yo‘qotib qo‘yadi. Hamsuhbatning fe’li atvorini idrok etish chog‘ida olinadigan signallar shaxsning keyingi harakatlari va fikrlarini to‘g‘irlab borish uchun asos bo‘ladi. O‘qituvchi kasbiy faoliyatida pedagogning jismoniy qiyofasidagi ayrim belgilar yuz, qo‘llar va yelka harakatlari, o‘zini tutishlari, gavdasini qimirlatib imo-ishora qilishlari, so‘zlash ohangi axborot tashuvchilar sifatida xizmat qiladi. Muomala vaqtida odoblilik muhim ahamiyatga ega bo‘lib, uning muvaffaqiyatli kelishini ta’minlaydi. Uning asosiy vazifalari (axborot almashinuv, o‘zaro ta’sir, o‘zaro idrok qilish) to‘g‘ri amalga oshirishni idora qilib turadi. Har bir fikr bildirilganda muloqot qabul qilinayotganini fahmlab turishi tashqi ko‘rinishlari, o‘zgarishiga e’tibor berish, uzr so‘rash, tavoze bilan murojaat qilish evaziga muomala odobi ushlab turiladi. Muomala jarayonida bir xatti-harakat o‘ylanmay bildirilgan fikr, ortiqcha imo-ishora odobsizlikni keltirib chiqaradi. Odobsizlik esa nizoli vaziyat, qarama-qarshilik ziddiyatli holatni keltirib chiqaradi. Buning natijasida muomala fikr almashuv o‘zini vazifasini nizoli vaziyatga bo‘shatib beradi. Muloqotning yana bir jihati munosabatga kirishuvchilarning o‘zaro birgalikdagi harakati nutq jarayonida faqat so‘zlar bilan emas, balki harakatlar bilan ham muloqot yuritishdan iborat. Munosabatning keyingi jihati muloqotga kirishuvchilarning bir-birlarini idrok eta olishlaridir. Masalan, biz bir kishi bilan muloqotga kirishishdan avval uni hurmat qilib yoki mensimasdan munosabatda bo‘lamiz [13]. Bu jarayon har bir insonning muloqotga kirishishida o‘z xarakter xususiyatlaridan tarkib topadi. Zamonaviy pedagogik jarayonlarda milliy muloqot uslubi talabalar axloq tarbiyasida qo‘llashi mumkin bo‘lgan bir nechta asosiy pedagogik uslublar mavjud.

1. Tarbiyaviy maqsadni amalga oshirishda demokratik yondoshish, tarbiyaviy ishlar natijasini oshkora muhokama qilish va uni o‘quvchilar bilan birgalikda baholab, kelgusi rejalarni tuzishni taqozo etadi. Bu uslub pedagog – o‘qituvchi – o‘quvchilar kollektivi shaxslararo munosabatlarni erkinlik, demokratik talablar asosida shakllantirib, o‘quvchilarning tashabbuskorligi, o‘z-o‘zini tarbiyalash ishiga ijodiy yondashish orqali barcha psixologik-idividual imkoniyatlarini, qobiliyatini ro‘yobga chiqarishga zamin yaratadi.

2. O‘quvchilar bilan do‘stona munosabat - pedagogik uslub. U o‘quvchi shaxsini hurmat qilish va talabchanlik mezoni asosida qurilgan. Ushbu uslub asosida o‘z faoliyatini tashkil etgan pedagog har bir o‘quvchining kelajagiga umid bilan qarashi, unga individual yondoshishga harakat qilishi, jazo usullarini tartibsiz qo‘llamasligi, o‘quvchilar kollektivi oldiga istiqbolli tarbiyaviy maqsad qo‘yishga intilishi lozim. Aslida bu uslub biz ko‘rib o‘tgan birinchi uslubga o‘tishga zamin tayyorlashi, unga muqaddima bo‘lishi mumkin. Aksincha, o‘qituvchi ma’lum pedagogik mohiyatga ega bo‘lishga intilmasa, o‘z fanidan bilimi sayoz bo‘lsa, shaxslararo munosabatlarga ijodiy yondashmasa, kommunikativ qobiliyatini takomillashtirib bormasa o‘quvchilar uni “katta birodar”, “konsultant” sifatida asta-sekin tan olmay qo‘yishadi. Pedagog o‘zining tarbiyaviy ishlarini amalga oshirishdagi yetakchilik rolini yo‘qotib, o‘quvchilar hurmatini yengil yo‘l bilan qozonmoqchi bo‘lgan bachkana shaxsga aylanib qolishi mumkin.

3. Pedagogik muomala - masofa uslubi. Bundan tajribali pedagoglar ham, faoliyatini endi boshlagan yosh o‘qituvchilar ham foydalanishiga harakat qilishlari mumkin. O‘qituvchilar asosan pedagogik talabga tayanadilar: o‘quvchilar oldiga ma’lum tarbiyaviy maqsadlarni qo‘yib, uni bajarilish jarayonini kuzatish, xatolarini tuzatish, baholash bilan mashg‘ul bo‘ladilar. Bunday pedagoglar o‘qitayotgan sinflarda tarbiyaviy maqsadlar nomigagina amalga oshiriladi. Tarbiyaviy tadbirlar o‘quvchilarda xatti-harakat motivlari,

rivojlanish ehtiyojlarini shakllantirmaydi. Nari borsa, sinf o‘quvchilari axloqiy bilimlarni o‘zlashtirib olishlari mumkin.

4. Qo‘rquvga asoslangan uslub. Bundan odatda yosh, tajribasiz o‘qituvchilar foydalanishga harakat qiladilar. Ushbu uslub asosan taqiqlashga tayanadi. Talabalar faolligi, tashabbuskorligi inkor etiladi. Bu uslub oliy ta’lim islohoti manfaatlariga mutlaqo mos emas.

5. Ustunlik qilishga harakat qilish uslubi. Uni odatda ma’lum bilimlarga ega bo‘lmagan, pedagog sifatida o‘ziga ishonchi yo‘q, sinfda o‘quvchilar kollektivini boshqara olishga ko‘zi yetmagan ayrim o‘qituvchilar qo‘llashga harakat qiladilar. Ammo o‘quvchilar ertami-kechmi bu nayrangbozlikning oxiriga yetadilar. Buning oldi olinmasa, guruhda tarbiyaviy ishlarga jiddiy putur yetishi mumkin. O‘quvchilar hurmatini qozonishga intilish pedagogik maqsad bo‘libgina qolmay, balki kommunistik tarbiya maqsadlarini amalga oshirish vositasi hamdir. O‘z-o‘zidan ko‘rinib turibdiki, birinchi va ikkinchi pedagogik uslublar tarbiyaviy faoliyatda yaxshi samara beradi. Uchinchi, to‘rtinchi va beshinchi pedagogik uslublardan pedagoglar iloji boricha o‘zlarini halos qilishlari kerak. O‘qituvchining talabalarga ta’sir o‘tkazish samarasi uning prinsipialligi va talabchanligi o‘z aksini topadi. Bundan tashqari u o‘ziga ham o‘ta talabchan bo‘lmog‘i, shaxsiy namunasi bilan tabiiy ravishda obro‘, e’tibor qozonmog‘i lozim.

Pedagogik muloqot jarayonining yana bir sharqona uslubi bu dilkashlikdir. Shaxsning xususiyati bo‘lgan dilkashlikni atrofdagilar bilan barqaror, kuchli rivojlangan aloqalarga intilish sifatida ta‘riflash mumkin, bu intilish odamlar bilan tez aloqa o‘rnatish bilan birga qo‘shib olib boriladi. Dilkashlik va odamlarga aralashmaslikni shaxs xususiyatlari sifatida qarab chiqish ekstravert va introversiya tushunchalari bilan bog‘liq ravishda samarali bo‘ladi. Ekstroversiya bilan introversiya kishining ruhiy tavsifi sifatida muloqot sohasida yorqin namoyon bo‘ladi. Ekstroversiya - individning tashqi dunyoga, introversiya - ichki dunyoga nisbatan qarashidir [13]. Ekstravert shaxslarga umumiy faollik, osoyishtalik, ta’sirlarga moyillik xosdir. Introvertlar ichki olamga berilgan, odamlarga aralashmaydigan, o‘z-o‘zini nazorat qilishga, refleksiyaga, ichki xavotirlikka moyil bo‘ladilar. Albatta, o‘ta introvertlar bilan ekstravertlar favqulodda hodisa bo‘lib, individlar bu ikki chetki nuqtalar o‘rtasidagi oraliqda joylashadilar. Dilkashlik ko‘proq ekstravert tiplarga, odamlarga aralashmaslik esa introvert tiplarga xosdir. Talabalar bilan munosabatlar sohasidagi eng muhim ijtimoiy yo‘l-yo‘riqlarning ayrimlari ana shulardan iboratdir. O‘qituvchida ularning mavjudligi uning pedagogik nazoratga rioya qilishining zamini va sharti hisoblanadi.

Yagona pedagogik talablarni qarab chiqar ekanmiz, faqat bizning insonparvar jamiyatimizdagina xalqning ma’naviy-siyosiy birligini mustahkamlashda pedagogik talab tarbiyaning ta’sirchan usuliga aylanishi aytib o‘tiladi. O‘qituvchi talabalar bilan ishlab, ularning faoliyatini tashkil etar ekan, o‘z ko‘rsatmalari bilan talabalarning ayrim harakatlarini rag‘batlantiradi. Ish jarayonida ularga muayyan mulohazalar bildiradi, tanbeh beradi yoki rag‘batlantiradi, yakun yasaydi. Uning ayrim buyruqlari qisqa va lo‘nda bo‘lib, sezilar-sezilmas majbur qilish rolini o‘ynasa, boshqalari ancha keng tushuntirish yo‘l-yo‘riqlar shakliga ega bo‘ladi. Ayrimlari talabalarni faqat ishga jabr qilish zarurati tufayli, boshqalari talabalarning ayrim ko‘nikma va malakalarni o‘zlashtirishiga tuzatish kiritish ehtiyoji bilan vujudga kelgan; bir xillari talabalarning keraksiz va noto‘g‘ri harakatlarini to‘xtatsa, boshqalari muvaffaqiyatli harakatlarini mustahkamlaydi va qo‘llab-quvvatlaydi. O‘qituvchi tomonidan berilgan barcha ko‘rsatmalar va tushuntirishlar, mulohaza va tanbehlar pedagogik ta’sir ko‘rsatishning ana shu eng muhim usuli bo‘lgan talab qilishning turli shakllariga aytiladi. Shuning uchun ham mubolag‘a qilishdan qo‘rqmay aytish mumkinki, pedagogning talabisiz talabalarning o‘quv va ijtimoiy foydali faoliyatini tashkil etishni tasavvur etib bo‘lmaydi.

Tajribali pedagog talabalar huzuriga keng harakatlar dasturi bilan birga boradi, o‘z tarbiyalanuvchilaridan har biri qachon nima qilishini aniq va muayyan tarzda biladi. Zero, talablar ana shu dasturni ularning ishlari va xatti-harakatlarida amalga oshirish vositasidir, xolos.

Pedagogning tanlagan muloqot uslubi talabalar jamoasi bilan ishlashning boshlang‘ich davrida, dastlabki darslarda ayniqsa, muhim rol o‘ynaydi. Ana shu bosqichda guruhda ishlarning qanday borishi, u yoki bu harakatlarning talabalar tomonidan qanchalik aniq bajarilishi ham, o‘qituvchining talaba bilan munosabatlari qanday yo‘lga qo‘yila boshlashi ham, talabalar uni obro‘li o‘rtoq - o‘z rahbarlari deb e’tirof qiladilarmi yoki yo‘qmi, - bularning hammasi tarbiyachining talablariga chambarchas bog‘liqdir. Muomalaning tarbiyalovchi imkoniyatlarini ro‘yobga chiqarish ko‘p jihatdan o‘qituvchining shaxsiy sifatlari bilan belgilanishini aytib o‘tish kerak. Pedagogik muomalaning to‘g‘ri tanlangan, pedagogning betakror individualligiga muvofiq keluvchi uslubi quyidagi vazifalar majmuini hal qilishga yordam beradi. Birinchidan, pedagogik ta’sir ko‘rsatish pedagog shaxsi bilan ayni bir narsa bo‘lib qoladi, auditoriya bilan muomalada bo‘lish jarayonining o‘zi soddalashadi, u pedagogning o‘zi uchun yoqimli, uzviy bo‘lib qoladi. Ikkinchidan, talabalar bilan o‘zaro munosabatlarni yo‘lga qo‘yish jarayoni ancha yengillashadi.

Uchinchidan, pedagogik muomalaning barcha eng muhim vazifalarining, samaradorligi ortadi, shu bilan birga bularning hammasi muomalaning barcha bosqichlarida pedagogning hissiy xotirjamligining ijobiy negizida ro‘y beradi.

**Muhokamalar va natijalar.** Ko‘pincha yosh pedagoglar, talabalar har doim o‘qituvchiga o‘z diqqatlarini qaratishlari lozim deb hisoblaydilar va o‘zaro fikr almashishga doir bu muhim vazifalarni sobit qadamlik bilan hal qilmaydilar.

Ko‘rsatib o‘tilgan bevosita muomala bosqichlari pedagogik ta’sir ko‘rsatishning nisbatan mustaqil, har bir ko‘rinishida vaqti-vaqti bilan takrorlanib turadi, tarbiyaviy jarayonni tashkil etganda ularni nazarda tutish kerak bo‘ladi.

Muloqot jarayonida pedadogga qo‘yiladigan talablardan: tarbiyachi jamoa, guruh va individual ish olib borish jarayonida odamlar bilan muomala qila bilishi, uni talabalar bilan aniq maqsadni ko‘zlagan holda tashkil eta olishi va ularni boshqara bilishi lozim. Kasb-korga oid pedagogik dilkashlikning yosh o‘qituvchi amal qiladigan quyidagi mezonlarini alohida ajratib ko‘rsatish mumkin: talabalar bilan turli sohalarda muntazam muomala qilishda barqaror ehtiyojning mavjudligi, muomalaning barcha bosqichlarida hissiy osoyishtalikning namoyon bo‘lishi, o‘zaro fikr almashishga doir sifatlar, ko‘nikmalar va malakalarning mavjudligidir. Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, maqolada jahon pedagogikasining klassik muloqot uslublari, ularga buyuk pedagoglar tomonidan berilgan ta’riflar, zamonaviy pedagoglarning qarashlari bilan bir qatorda, sharqona muloqot uslublarining o‘ziga xosligi ko‘rsatildi. Qadimgi didaktik qarashlardan bugungi ta’lim jarayoning zamonaviy pedagogik jihatlari o‘rin oldi. Jahon pedagogikasida zamonaviy pedagogik muloqot uslublari va uning milliy pedagogik muloqot uslublariga transformatsiyasi va rivojlanish istiqbollari ko‘rsatildi. Zamonaviy pedagogik muloqot uslublarining bugungi ta’lim tizimidagi ahamiyati atroflicha yoritib berildi.

**Xulosa.** Muloqot uslublarini rivojlantirish texnologiyalari ustida bir necha asrlar davomida izlanishlar olib borilmoqda. Jahon pedagogikasida zamonaviy pedagogik muloqot uslublari va uning milliy pedagogik muloqot uslublariga transformatsiyasi va rivojlanish istiqbollarini o‘rganish zamonaviy pedagogik kadrlar faoliyatida kelib chiqadigan muammolarni bartaraf etishga yordam beradi. Pedagogik faoliyatda muloqot uslublaridan to‘g‘ri foydalangan holda pedagog kadrlar orasida munosabatga kirishishi osonlashtirish mumkin. Har qanday vaziyatda ham shirin so‘zlik insonning mudroq hayolotini yoritadi.

## Adabiyotlar


1. Ma’lumot manbai-Uza.uz sayti “Shavkat Mirziyoyev: Yoshlar tarbiyasi – eng muhim masalalardandir” ma’ruza matni.
2. Xoliqov A. Pedagogik mahorat. –Toshkent: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. -118-bet. www.ziyouz.com kutubxonasi.
3. Hasanboyeva O., Hasanboyev J., Hamidov H. Pedagogika tarixi. –Toshkent: “O‘qituvchi”, 1997. -13-bet.
4. Mitina L.M. Mehnat psixologiyasi va o‘qituvchining malakasini oshirish. -M.: “Akademiya”, 2004. -27-bet.
5. Leontyev A.A. Pedagogik muloqot. -M.: “Nalchik”, 1996. -20-bet.
6. Slastenin V. A.va boshq. Pedagogika: darslik, o‘quv qo‘llanma. -M.: “Akademiya”, 2002-y. -559-560-bet
7. Kan-Kalik. O‘qituvchi pedagogik aloqa to‘g‘risida: o‘qituvchi uchun kitob. -M., 1987-y. 3-bet.
8. Abu Abdulloh Muhammad Ibn Ismoil al-Buhoriy. Hadis. 4-kitob. –T.: “Qomuslar”, 1997. -526 b. 78-bet.
9. Malla Ochilov. Muallim qalb me’mori. –Toshkent: “O‘qituvchi”, 2001. -27-bet
10. Qobusnoma. –Toshkent: “Meros”, 1992. -83-bet
11. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoxud ahloq. “Fikr tarbiyasi” bo‘limidan.
12.“O‘qituvchi faoliyatida muomala madaniyati va psixologiyasi” mavzusidagi ma’lumotli ma’ruza ta’lim texnalogiyasi modeli. 41-bet.
13. Maxsudova M.A. Muloqot psixologiyasi. -Toshkent: “Turon-iqbol”, 2006. 5-bet.

**Internet ma’lumotlari:**

www.Uza.uz

www.ziyouz.com

**Dildora TOSHEVA**
Buxoro davlat universiteti
pedagogika kafedrasi o‘qituvchisi

# BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARINI EKOLOGIK TARBIYALASHDA XALQ OG‘ZAKI IJODINING O‘RNI VA PEDAGOGIK AHAMIYATI

*Ushbu maqola boshlang‘ich sinflarda bolalarga ekologik ta’lim- tarbiya berishda xalq og‘zaki ijodi namunalarining o‘rni va ahamiyati haqida fikr bildirilgan. Ayniqsa, maqol, topishmoq, tez aytish, ertak va boshqa xalq og‘zaki ijodining boy ma’naviy merosi yoshlar ongiga, ularning dunyoqarashini shakllanishiga ta’siri va ta’lim jarayonida kichik maktab yoshidagi bolalarga ularni yetkazib berish usullari haqida ma’lumot berib o‘tilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *xalq og‘zaki ijodi, maqol, ertak, topishmiq, milliy qadriyat, boy ma’naviy meros.*

*В статье рассматривается роль и значение фольклора в экологическом воспитании детей начальной школы. В частности, богатое духовное наследие пословиц, загадок, скороговорок, сказок углубляет знание молодежи, формирует их мировоззрения как способ передачи детям младшего школьного возраста.*

***Ключевые слова:*** *фольклор, пословицы, сказки, загадки, национальные ценности, богатое духовное наследие.*

*The article examines the role and significance of folklore in the ecological education of primary school children. In particular, the rich spiritual heritage of proverbs, riddles, accelerations, fairy tales and other folklore informs young people about the influence on the formation of their worldview and ways of passing them to the on to children of primary school age in the educational process.*

***Key words:*** *folklore, proverbs, fairy tales, riddles, national values, rich spiritual heritage.*

**Kirish**. Respublikamizning siyosiy, iqtisodiy, ma’naviy yo‘nalishlarini rivojlantirishda xalq ta’limi tizimini takomillashtirish, ayniqsa, boshlang‘ich ta’lim bosqichi ish faoliyatini yuqori darajaga ko‘tarish muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki kelajagimizning taqdiri hozirgi kunda boshlang‘ich ta’lim bosqichida ilm olayotgan o‘quvchilarning tarbiyasiga bog‘liqdir.

Tarbiyada xalqning milliy va ma’naviy qadriyatlariga suyanish, ular orqali 1-4-sinf o‘quvchilarida milliy qadriyatlarni shakllantirish o‘ta dolzarb masalalardan biridir. Chunki bugungi kunda mafkuraviy poligonlarda, yoshlar ongi va qalbi uchun kurash keskinlashgan bir paytda, o‘quvchilarni iloji boricha maktab yoshidanoq tabiatni sevishga, unga to‘g‘ri munosabat bildirishga, insonparvarlik tuyg‘ularini shakllantirishga o‘rgatish bugungi kunning dolzarb masalasidir.

**Asosiy qism.** Mustaqillik, umuman, xalq qadriyatlariga, xususan, xalq og‘zaki ijodiga bo‘lgan munosabatda keskin ijobiy o‘zgarish yasadi. Bu negizlar:

- umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik;
- xalqimizning ma’naviy merosini mustahkamlash va rivojlantirish;
- insonning o‘z imkoniyatlarini erkin namoyon qilishi;
- vatanparvarlik.”– deb belgilab qo‘yilgan.

Qayd etilgan to‘rt negizning har bittasi yo bevosita, yoinki bilvosita xalq og‘zaki ijodi, ajdodlarimizning bizga qoldirgan ma’naviy boyligi – pand, o‘gitlari, el-u yurt, xalq qadrini e’zozlash, milliy g‘ururni himoya qilishdek oliy maqsad va g‘oyalar bilan bog‘lanadi.

Haqiqatan ham xalq maqollari yordamida o‘quvchilarning aql-idrokini o‘stirish, ma’rifat ziyosidan bahramand qilish, umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalash istiqlol talabidir. Buning uchun, avvalo, o‘qituvchining o‘zi ana shunday buyuk fazilatlarga ega bo‘lishi kerak. Bu uning zimmasiga juda katta mas’uliyat yuklaydi. Demak, bugungi o‘qituvchi – ta’lim sohasini tubdan isloh qilishi, o‘tmishdan qolgan mafkuraviy qarashlar va sarqitlaridan to‘la xalos etishi, ta’lim-tarbiya jarayonini jahonning rivojlangan ta’lim darajasiga ko‘tarishda faol ishtirok etishi bilan birga o‘quvchilar qalbi va ongida tabiatga va atrof-muhitga to‘g‘ri munosabatni shakllantirishi muhim ahamiyatga ega. Shuni alohida ta’kidlash kerakki, ekologik tarbiya dastlab oilada, bog‘chada keyinchalik umumta’lim maktablarida dars mashg‘ulotlari jarayonida xalq maqollari yordamida bilim olayotgan bolalarda shakllanadi. Ta’limning poydevori qanchalik mustahkam bo‘lsa, o‘quvchining ilmiy tafakkuri, dunyoqarashi shunchalik rivojlanadi.

Jamiyatimizdagi yoshlarni milliy qadriyatlarimiz ruhida tarbiyalashda tarbiyaning vazifalari keng va ko‘p qirrali ekanligini unutmasligimiz kerak. Demak, qanday odamni tarbiya qilish darkor, tarbiya natijasida inson qanday bo‘lishi kerak, degan savollarni avvaldan tasavvur etish zarur. Bunda xalq og‘zaki ijodi namunalaridan foydalanish orqali o‘quvchilarda milliy qadriyatlarni tarkib toptirish katta ahamiyat kasb

etadi. Bu jamiyatning komil insonni tarbiyalashdek maqsadiga mos kelishi kerak. Xalq og‘zaki ijodida keng talqin qilinadigan milliy qadriyatlar - insonparvarlik, bag‘rikenglik, vatanparvarlik, mehmondo‘stlik, ahillik, to‘g‘riso‘zlik, tabiatni sevish va boshqalar o‘zbek xalqi qadriyatlarining nozik kurtaklari bo‘lib hisoblanadi. Ularni xalqimiz asrlar osha avaylab-asrab kelmoqda.

Mamlakatimizning kuch-qudrati manbayi ham uning milliy qadriyatlarga sodiqligidadir. Milliy qadriyatlar, o‘z mohiyatiga ko‘ra, xalqimizning asosiy maqsad va muddaolarini ifodalaydigan, uning o‘tmishi va kelajagini bir-biri bilan bog‘laydigan, asriy orzu-istaklarini amalga oshirishga xizmat qiladigan g‘oyalar tizimidir.

Boshlang‘ich ta’lim mazmuni milliy qadriyatlar materiallariga boy. Ko‘plab darslik va qo‘llanmalarga xalq og‘zaki ijodi bo‘lgan ertak, maqol, rivoyat, hadis, doston, qissa, afsona, topishmoq, folklor, xalq kuyi va qo‘shiqlari kiritilgan. Ular o‘z mazmuni mohiyatiga ko‘ra yosh o‘quvchilarda milliy odob-axloq madaniyati asoslarini shakllanishiga xizmat qiladi. Xalq og‘zaki ijodi vositalaridan maqsadli va unumli foydalanish uchun boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari yuksak pedagogik mahoratga ega bo‘lmog‘i lozim.

Umumiy o‘rta ta’lim maktablari o‘quvchilarining ekologik madaniyatini shakllantirish quydagicha amalga oshirilishi maqsadga muvofiq:

1. O‘quvchining hissiyotiga ta’sir etish.
2. O‘quvchilar qalbida tabiat, atrof – muhitga muhabbat uyg‘otish.
3. O‘quvchilar ongida tabiatni muhofaza etish va u bilan oqilona munosabatni shakllantirish.
4. Ekologik ta’lim–tarbiyani olishni uzluksiz davom ettirish.
5. Ekologik madaniyatni shakllantirish va takomillashtirish.
6. Xalq pedagogikasida qo‘llanilgan tarbiya usullaridan foydalangan holda ekologik tarbiya berish.
7. Olingan nazariy bilimlarni amalda qo‘llash malaka va ko‘nikmalarni shakllantirishdan iborat.

Biz buning uchun atrofimizdagi olam va tabiatshunoslik darsliklari tarkibiga xalq og‘zaki materiallarini kiritmog‘imiz va yoshlarimizni boy ma’naviy merosimiz bilan qurollantirmog‘imiz lozim.

Buyuk pedagoglar ham o‘z faoliyati davomida yoshlarga xalq og‘zaki ijodi mahsulini o‘zi ta’lim beradigan fan mashg‘ulotlari jarayonida berib borishgan. Bu orqali ular yoshlarning ma’naviy merosini boyitgan. Misol tariqasida K.D.Ushinskiy o‘zining ko‘p yillik pedagoglik tajribasida, xususan, 1867-yilda bosilib chiqqan “Ona tili” kitobida o‘quvchilar og‘zaki ijodi namunalaridan darsliklarga didaktik material sifatida kiritish zarurligini ilmiy jihatdan asoslab bergan edi. Ayni bu ishni davrning ma’naviy ehtiyojidan kelib chiqib, o‘zbek pedagoglaridan H.H.Niyoziy, S.Ayniy, A.Avloniylar asoslab bergan edilar. Ular o‘zlari yaratgan darsliklarda o‘quvchilar xalq og‘zaki ijodi materiallariga alohida e’tibor bergan edi.

Bugungi kun ta’lim-tarbiyasi, istiqlol mafkurasi ana shu merosdan oziqlansa, uning eng yaxshi sahifalarini, qoidalarini qabul qilsa, o‘z oldiga qo‘ygan maqsad-vazifalarini sharaf bilan bajarishi mumkin. Chunki insonni har tomonlama tarbiyalash, kamolga yetkazish, ma’naviyatlarimizning ustuvor iymon-e’tiqodlarimizning butun bo‘lishligini, qadrli qadriyatlarimizning qadrlanishi guvohidir.

Ta’lim-tarbiya jarayonini isloh qilish, uning mazmunini milliylashtirish va insonparvarlashtirish o‘quv muassasalarining ustuvor yo‘nalashlaridan biridir. Shuning uchun ham bu masalalarni hal etishda o‘zbek xalq og‘zaki ijodiyotining ta’lim-tarbiya sohasidagi o‘rni katta. Ta’lim-tarbiya jarayonini aniq maqsadga ko‘ra tashkil etishning asosiy shakllaridan biridir. Boshlang‘ich sinflarda o‘zbek xalq og‘zaki ijodi namunalaridan kiritilgan o‘quv fanlari va darsliklari ko‘p. Bular o‘qish, ona tili, tarbiya, musiqa kabi darslardir. Ushbu o‘quv predmetlari dasturlari mazmuni o‘zbek xalqining milliy, ma’naviy–axloqiy meroslariga boy. Aslida, avlod-ajdodlarmizni barkamol kishilar qilib tarbiyalab kelgan birinchi va to‘ng‘ich pedagog o‘qituvchi xalqidir. U asrlar davomida bola tarbiyasi sohasida katta tajribaga ega, uning bugungi kundagi o‘rni ham beqiyosdir.

Xalq og‘zaki ijodi namunalaridan maqol haqida gapiradigan bo‘lsak, “maqol” ibratli so‘zdir. Maqol-shunday so‘zki, so‘zga husn beradi, fikrni tushunib olishni osonlashtiradi, uni yorqin, ta’sirchan qiladi. Shuning uchun ham maqol odamlar nutqida har doim hamroh bo‘ladi. Kimki uni ko‘p ishlatsa, o‘shaning nutqini shirali deydilar va diqqat bilan eshitadilar. Maqolda gap ko‘p. Maqol termini arabcha “qavlun” (aytmoq, gapirmoq) so‘zidan olingan bo‘lib, o‘zbek tilida u xalq donoligining namunasi bo‘lmish aforistik janrlardan birining atamasiga aylangan va ma’qul aytilgan so‘z, gap yoki ibora ma’nolarini anglatadi. Uni “Otalar so‘zi” ham deydilar. Bunday nomlash maqolni tushunishni osonlashtiradi. Haqiqatan ham, u ota-bobolarimizning qadim-qadimlardan ishlatib kelgan so‘zlari. U xalqning, bir necha avlodlarning aql-u farosati hamda turmush tajribasining yakuni, ular donishmandligining mahsulidir.

Maqol xalq og‘zaki ijodining ixcham shaklga, ammo chuqur mazmunga ega bo‘lgan janrlaridan biri bo‘lib, u xalqning ko‘p asrlik hayotiy kuzatishlari, ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy va madaniy tajribalari asosida vujudga kelgan. Maqollar o‘zlarining ijtimoiy-g‘oyaviy funksiyalariga ko‘ra, asosan, keng xalq ommasining, ayrim hollarda esa ba’zi ijtimoiy tabaqa yoki guruhlarning dunyoqarashini ifodalaydi. Shu boisdan ham

maqollarning tematik ko‘lami juda ham keng bo‘lib, bu ko‘lamni juz’iy hayotiy voqelik doirasi bilan chegaralab bo‘lmaydi, ijtimoiy borliqning hech bir sohasi yo‘qki, u maqollarda aks etmagan bo‘lsin.

Bola ta’lim-tarbiyasida maqollarning o‘rni katta. Ko‘plab maqollarda ichki qofiya bo‘ladi. Masalan: “omon” bilan “somon”, “sulton” bilan “cho‘pon” o‘zaro ohangdosh, ya’ni qofiyadoshdir. Shu jihatdan ular topishmoqlarga o‘xshab ketadilar. Maqol she’riy shaklda ham bo‘lishi mumkin. Masalan:

Yer ichida oltin bor,
Qaziybersang topasan.
Bog‘ ichida kumush bor
Kovlayversang topasan.

Ya’ni bunda xalqni mehnat qilishga, yerga qanchalik ishlov berib, uni unumdor qilsangiz undan ser hosil olasiz va daromadingiz oshadi. Bog‘dagi meva va sabzavotlar inson uchun koni foyda ekanligini ushbu she’riy maqol orqali xalqimiz ifodalab bergan.

Biz maqollardan foydalanish orqali bolalarning nafaqat dunyoqarashini, balki so‘z boyligini oshiramiz, ularni mantiqiy fikrlashga undaymiz. Maqollar fikrni lo‘nda, aniq va obrazli bayon etishda nutqimiz uchun zaruriy vosita hisoblanadi. Shuning uchun ham V.G.Belinskiy xalq maqol va matallarini “poeziyaning mohiyati” deb hisoblagan edi. Maqolda o‘sha xalqning tarixi, urf-odati, turmush tarzi, fe’l-atvori, ruhiyati, butun borlig‘i aks etadi. Bundan tashqari, xalq maqollarida tabiatni asrash uni sevish, insonlar ham uning bir bo‘lagi ekanligini, uning bag‘rida yashashi va unda kamol topishi haqida turli qarashlar mavjud. ***Masalan:*** Tabiatga boqsang boqadi, oltin isirg‘a taqadi. Ya’ni, inson tabiatga to‘g‘ri munosabatda bo‘lsa, tabiiy boyliklardan to‘g‘ri, unumli foydalansa tabiat ham undan o‘z marhamatini darig‘ tutmaydi. Shu kabi bir qancha maqollar mavjud:

***Maqollar:***

-*Dehqon bo‘lsang shudgor qil,*
*Mulla bo‘lsang takror qil.*
-*El hayoti yer bilan,*
*Yer hayoti suv bilan.*
-*Yer haydasang kuz hayda,*
*Kuz haydamasang yuz hayda.*
-*Javdar joyiga tushsa bug‘doy bo‘lur,*
*Bug‘doy joyiga tushmasa javdar bo‘lur.*
-*Yaxshi yil bahoridan ma’lum, yaxshi kun saharidan ma’lum.*
-*Yozning yomg‘iridan qo‘rq, qishning qirovidan .*
-*Kuzning bir kuni qishning bir oyini boqar.*
-*Qora bulutdan tiniq suv tomar.*
-*Kuningdan bir kun qolsa ham ko‘chat ek.*

O‘zbek xalqini tabiatni asrash bilan bog‘liq qadriyatlari rang-barangdir. Jumladan, o‘simliklar olami va ularning inson salomatligi uchun shifo sifatida foydalanilishi, hatto ular yomon nazarlardan saqlaydi deb xonadonlar peshtoqida qo‘yilishi ularga insonlar tomonidan e’tiqod qilish an’analari ekologik qadriyatlarning bir ko‘rinishiga aylangan. Demak ayrim o‘simlik, giyoh va daraxtlarni timsollashtirib unga e’tiqodda bo‘lish ekologik tarbiyaning eng qadimgi xalqona va ta’sirchan ko‘rinishidir.

Boshlang‘ich ta’lim mazmunini takomillashtirish bilan birga, uning shaxs kamolotidagi ahamiyatini rivojlantirish, kichik yoshdagi o‘quvchilarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar asosida tarbiyalash, ayniqsa, ularda tabiatga, atrof olamga to‘g‘ri munosabatni shakllantirish barkamol avlodni voyaga yetkazishning bosh obyekti hisoblanadi.

O‘zbek xalq og‘zaki ijodi shaxslarda to‘g‘ridan to‘g‘ri tarbiyasiga ta’sir etish vositasi bo‘lib xizmat qilgan va xizmat qilib kelmoqda. Mana shundan xalq og‘zaki ijodidan yana biri bu tez aytishlar.

Tez aytishlar, asosan, bolalarni to‘g‘ri va tez talaffuz qilishga o‘rgatadi. Bir xil tovushlarni, ayniqsa, undoshlarning har bir so‘zda keltirilishi, u yoki bu boladagi ayrim talaffuz kamchiliklarini bartaraf etishga yordam beradi. Mashqlar natijasida bolaning tili ravon, nutqi aniq va tushunarli bo‘ladi. Tez aytishlar yoki so‘z o‘yinlari o‘zbek xalq og‘zaki badiiy ijodining kichik janrlaridan biri bo‘lib, ayrim nutq tovushlarining ko‘p qaytarilishi yoki tovushlarning so‘z va iboralar tarkibida murakkab joylashishiga asoslangan. Tez aytishlar ham deyarli hamma xalqlarning og‘zaki ijodlarida uchraydi. Tez aytishlar hajmi jihatdan kichik bir jumladan iborat yoki katta - bir necha jumlalardan iborat bo‘lishi mumkin. Ularga misol tariqasida:

- *Qishda kishmish pishmasmish, pishsa kishmish qishmasmish.*
- *Shirin sholg‘om shirinmi, sholg‘om shirin sholg‘ommi.*
- *Qurilishga terak kerak,*
*Demak, ekmoq kerak terak.*

*- Tolib turupni tarozida tortib topshirdi.*

*- Oltin o‘tloq - oq o‘tloq.*

Xulosa o‘rnida aytmoq joizki, tez aytishlar og‘zaki nutq mashqi bo‘lib, bolalarni biyron so‘zlashga o‘rgatish bilan birga, ularga estetik zavq beradi, fikrlash qobiliyatlarini o‘stiradi, xotirasini mustahkamlaydi.

**Toshpishmoq** - sirli, muammoli, tilsimli, tushuntirib bo‘lmaydigan jumboq bo‘lib, kishidan butun iroda, tasavvur va tushuncha, bilimlarini ishga solgan holda yechimini topishga undaydi. Qadimdan rivojlanib kelayotgan bu xalqimiz orasida, xususan, yoshlar o‘rtasida eng ko‘p tarqalgan janrlardan biridir. Bolalarning topqirligini tarbiyalash va zehnini o‘tkirlashtirishda, fikrlash qobiliyatlarini o‘stirishda topishmoqlar muhim ahamiyat kasb etadi. O‘z xususiyatiga ko‘ra topishmoq ikki va undan ortiq bolalar o‘rtasida mustaqil fikrlash yo‘li bilan qizg‘in savol-javob usulida, tortishuvlar, bahs-munozara orqali olib boriladi. Topishmoq bolalarni tobora ko‘proq narsa va buyumlarni, tabiat va uning hodisalarini idrok qilishga yordam beradi.

***Topishmoqlar:***

*- Qo‘shaloq tovoq ichi to‘la yog‘. (Yong‘oq)*

*- Kichgina dekcha, ichi to‘la mexcha. (Anor)*

*- Qo‘lsiz oyoqsiz eshik ochar. (Shamol)*

*- Joni bor jondan,*
*Suv ichar qo‘ldan,*
*Ko‘zlari nurdan,*
*Terisi pulda (Baliq)*

*- Gulsiz bo‘llar mevasi,*
*Shirin-shakar donasi. (Anjir)*

*- Tom ustida piyola,*
*Ichi to‘la gul-lola,*
*Imo qilib chaqirsam,*
*Uyaladi qiz bola. (Oy va yulduz)*

*- Yer tagida qizil qalpoq. (Lavlagi)*

Xalq og‘zaki poetik ijodidagi eng boy va rang-barang janrlardan biri **ertak**dir. Xalq tomonidan yaratilgan ko‘plab ertaklarda bolalarning o‘ziga xos hayoti chetlab o‘tilmagan. Hatto, turli yoshdagi bolalar uchun juda ko‘p maxsus ertaklar yaratilgan. Ertakning muhim xususiyatlaridan biri uning hamisha xalq hayoti, kurashi, tarixi, ruhiy olami, dunyoqarashi, urf-odatlari bilan chambarchas bog‘lanishi insonlarga axloqiy va ma’naviy yo‘ldosh bo‘lib kelishidadir. Ertaklar insonning ma’naviy va jismoniy kuchiga ishonch ruhi bilan sug‘orilgan bo‘lib, ijobiy kuchlar tabiat va ijtimoiy hayotda o‘ziga dushman bo‘lgan kuchlarga qarshi kurashda doimo g‘olib chiqadi. Xalq ertaklarida uni yaratuvchilarning dunyoqarashi, axloq normalari va boshqa ijtimoiy muhim masalalar odilona hal etiladi. Ertaklar sodda va tushunarli bo‘lgani uchun har qanday kitobxonga tez yetib boradi. Ular orqali ham insonnig ijtimoiy axloq normalari shakllanadi. Bu hol, ayniqsa, hayvonlar haqidagi ertaklarda aks etgan. O‘tmishda yaratilgan ertaklarda xalqchilik kurashi o‘zining haqqoniy badiiy ifodasini topgandir. Xalqning kelajakka bo‘lgan komil ishonchi, adolatning adolatsizlik ustidan g‘alabasi, yorug‘likning zulmatni yengishi, ozod va baxtiyor hayotga erishish g‘oyalari yorqin obrazlar orqali tasvirlangan. Xalq ertaklari o‘z xususiyatlariga ko‘ra bir necha turga bo‘linadi: hayotiy ertaklar, hayvonlar haqidagi ertaklar, sehrli-afsonaviy ertaklar, ijtimoiy-maishiy ertaklar.

Shulardan hayvonlar haqidagi ertaklarga: “*Echki va uning bolalari”, “Aqlli sichqon”, “Qaysar uloqcha”, “Ikki do‘st”, “Tulki va turna” va boshqalar*.

Ertak va dostonlarning tarbiyaviy ahamiyati katta. Ular bolani har tomonlama yetuk qilib tarbiyalashda asosiy omil bo‘lib xizmat qiladi. O‘zbek oilasida ertak eshitmay ulg‘aygan yoshlarni tasavvur etish qiyin. Buni tarixda o‘tgan ilm-fan vakillari, shoir va adiblar, jamoat arboblari e’tirof etadilar. Jumladan, H.Olimjon bolalik chog‘larida tinglagan ertaklari va uning ta’sir kuchini xotirlab o‘tgani ko‘pchilikka ayon. Ertak va dostonlarning tarbiya uchun muhim tomoni shundaki, unda xalq og‘zaki ijodidagi topishmoq, maqol, qo‘shiq kabi janrlar jamlangan bo‘lib, ular pedagogik g‘oyalarning mukammalroq, ta’sirchan bo‘lishini ta’minlaydi. Ertak va dostonlarda bola tarbiyasining nafaqat axloqiy, balki jismoniy, aqliy kamolot, ilm va hunarga muhabbat, mehnatsevarlik, ma’naviy sifat va nafis didlarning tarkib topishiga oid ko‘pdan-ko‘p pedagogik materiallarni uchratish mumkin.

O‘quvchilarni o‘zbek xalq og‘zaki ijodiyotiga mehr-muhabbat ruhida tarbiyalashda quyidagi usullardan foydalanish maqsadga muvofiqdir: suhbat, hikoya, tushuntirish, namuna ko‘rsatish, taqlid, odatlantirish, o‘rgatish, mashq, o‘yin, iltimos qilish, tilak-istak bildirish, maslahat, undash, ma’qullash, rahmat aytish, duo qilish, olqish kabilardir. Undan tashqari xalqimizda keng qo‘llaniladigan tarbiya

usullariga ta’qiqlash, ta’na (gina, o‘pka), qarg‘ish, qo‘rqitish, uzr so‘rash, la’natlashlarini ham kiritish mumkin.

**Muhokamalar va natijalar.** O‘zbek xalq og‘zaki ijodi o‘zbek xalqining sarchashmasi hisoblanib keladi. Shuning uchun ham, insoniyat alla, qo‘shiq, afsona, ertak, dostonlarda, o‘zining yuksak orzu-umidlari, zavq-shavq va kurashlarini ifodalagan. Xalq og‘zaki ijodi o‘zining mazmunan rang-barangligi, yuksak g‘oyalar bilan yo‘g‘rilganligi xalq turmushi, mehnati, xullas, xalq hayotining barcha tomonlari bilan uzviy bog‘liqligi bilan ham g‘oyatda e’tiborlidir.

**Асосий қисм.** Баркамол инсон шахси ва ижтимоий тажриба тизимида ўрганиладиган муаммонинг долзарб, аммо ўта қийинлигини ҳисобга олиб, тадқиқотимизда мантиқийликдан тарихийликка ва аксинча, тарихийликдан мантиқийликка ўтиш тамойилларига риоя қиламиз. Намуна сифатида танланган фикрни “ҳар томонлама ривожланган шахс” тушунчаси билан таққослаймиз. Шу йўл билан уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ажратамиз. Кейин баркамол инсон шахси ва ижтимоий тажриба ўртасидаги туташ тамойилларни белгилашга ўтамиз. Бу, ўз навбатида, дидактик лойиҳалашнинг баркамол инсон шахсини тарбиялаш эҳтиёжларига мослиги хусусида фикр юритишимизга имконият яратади.

Билиш жараёнларида тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги тадқиқотчилар фикрлаши келиб қолган энг охирги нуқтадан, муаммонинг энг ривожланган шаклидан илмий изланишни бошлашни тақозо қилади. Бу билишнинг мантиқийликдан тарихийликка томон йўналиши бўлиб, унда фикрлашни давом эттиришга асос бўла оладиган қарашни, ғояни ажратишга тўғри келади. “Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларга аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур. ... Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин. Бу - биринчидан. Иккинчи масала шундан иборатки, биз баркамол инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Баркамол инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўла оладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади”.

Энди “баркамол инсон шахси” тўғрисидаги фикрлар тараққиётига қисқача экскурс қиламиз. Зеро, бу танланган шу фикр-эталондан тарихийликка йўналиш бўлиб, узоқ тарихий ўтмишда “баркамол инсон шахси” тўғрисидаги қарашларнинг шаклланишини тасаввур этишимизни осонлаштиради.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Шарқона таълим-тарбия тизимида баркамол инсон шахсини тарбиялаш узоқ тарихга эга. Абу Наср Форобий қадимги грек файласуфи Платон асарларига шарҳ ёзар экан, билим ва тажрибанинг ўзаро муносабатини тавсифлашга алоҳида диққат қилган. “Тажрибанинг моҳияти - айрим турлар тўғрисида фикрлаш ва ўша айрим нарсалар билан мос келадиган умумиятлар ҳақида мулоҳаза қилишдан иборат”. Унинг таъкидлашича, инсоннинг янглишиши учун сабаблар бисёр. У ёки бу соҳани билишда “Ким кўп тажрибага эришса, ўша энг мўътабар ва энг баркамол инсондир”. “Инсон баркамоллиги”, турли истаклардан юқори турувчи эзгу мақсадлар тўртта: “тан соғломлиги, туйғулар соғломлиги, турли нарсаларни идрок этишга бўлган қобилият соғломлиги, интилишга бўлган қобилият соғломлиги...”. Шу мулоҳазалар ифодаланган Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари алоҳида қимматга эга. Унинг умуминсоний аҳамиятини таъкидлаб Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин” деган асарида шундай деб ёзган эди: “Форобийнинг ўша машҳур “Фозил одамлар шаҳри” асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганлигига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади”.

Фозиллар шаҳри ҳокими ва фуқаролари фозил-у баркамол инсонлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос шахсий сифатларга эга. Абу Наср Форобийнинг ёзишича, фозил шаҳар ҳокими табиатан 12 хил сифатга эга бўлмоғи керак: тўрт мучали соғ (1), табиатан нозик (2), кўрган-билганларини хотирасида мустаҳкам олиб қола биладиган (3), зеҳни ўткир, зукко (4), ўз фикрини равон ва чиройли сўзлар билан баён қила биладиган (5), таълим олиш, билиш, ўқиш ва ўрганишга иштиёқманд (6), таом, ичимлик ва шаҳвоний нафсда тийилган (7), одил, ҳақгўй, ҳақ ва ҳақиқатни ажрата оладиган (8), ўзининг ва ўзгалар қадрини билгувчи (9), мол-дунё кетидан қувмайдиган (10), адолатпарвар ва одамларни севадиган (11), чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, жасур (12) инсон бўлиши зарур.

Абу Наср Форобий фанда биринчилардан бўлиб инсоннинг шахсий сифатлари - фазилатларини туғма ва ҳосила туркумларга ажратади. Унинг ёзишича, фикрлаш фазилати туғма, касб-ҳунар, санъатдаги “фазилат туғма эмасдир”. Шу билан бирга у инсон фазилатлари ўзаро уйғунлиги байналминал масаласини ҳам илк бор тавсифлаган эди. Икки ёки ундан ортиқ фазилатнинг ўзаро уйғунлашуви “икки йўл билан, яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил” бўлади.

“Таълим” ва “тарбия” категорияларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини илк бор ажратган олим ҳам Абу Наср Форобийдир. Унинг ёзишича, “Таълим сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш ва тажриба билан ўрганишдир”. Агар ёшлар “касб-ҳунарга берилган бўлсалар, ... қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб-ҳунарга жалб этса, демак, улар касб-ҳунарнинг чинакам ошиғи бўладилар”.

Инсон ўз олдига мақсад қўйиб, онгли ҳаёт кечиради. “Мақсадни амалга оширишда жаҳд ва ҳайрат мўлжалланган ишни бажаришда зўр таъсирга эгадир”. Ҳар бир инсон “ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади”. Бундан тарбиячига, “инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади”. Кўринаётирки, шахснинг жамиятда камол топиши тўғрисидаги фикрни ҳам илк бор Абу Наср Форобий айтган экан.

“Ўзида ўн икки хил ... хислатни бирлаштирган киши, - деб ёзган эди Абу Наср Форобий, - ахлоқли одам бўла олади”: барча аъзолари мукаммал тараққий этган (1), муҳокама ва мулоҳазани тезлик билан тушунадиган (2), хотираси бақувват (3), зеҳни ўткир (4), сўзлари аниқ (5), билиш ва ўқишга муҳаббатли (6), ейиш ва ичишда очкўз бўлмаган (7), ҳақиқат тарафдори (8), виждонини қадрлайдиган (9), дирҳам, динорга жирканиш билан қарайдиган (10), адолатпарвар (11), ўзбилармонликка берилмаган (12).

Шундай қилиб, Абу Наср Форобий таълимотида яхши фазилатларга эга киши баркамол инсондир. “Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар - фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси - фазилатли жамоадир. Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ - фазилатли халқдир”. Минг йилча олдин айтилган бу фикрлар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Энг асосийси, улар “баркамол инсон шахси” моҳиятини англаш учун калит бўла олади.

Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг бизга қолдирган меросида ҳам “баркамол инсон” талқини алоҳида қимматга молик. Зеро, бу улуғ сиймонинг ўзи инсон камолотининг буюк чўққиси

эди. Шу ўринда бир-бирига яқин бўлган ва икки даврда айтилган икки фикр ўртасидан параллел чизиқ ўтказмоқчимиз: бу фикрларнинг биринчисини машҳур ўзбек олими И.М.Мўминов айтган эди: “Амир Темур даврига оид биринчи манбалар, мавжуд адабиётлар ўзига хос тартиб билан тўлиқ ўрганилган эмас”. Темур ва темурзодалар даври тарихини ўрганишга оид бу фикр “қизил империя” хуружлари авж олган даврда - ўтган XX асрнинг 60-йилларида айтилган эди; иккинчи фикр она ватанимизнинг мустақиллиги йилларида Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан айтилган: “Инсоният янги асрга қадам қўяётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолгусидир. ... Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак. Ҳар иккала фикрдан чиқариладиган хулоса шуки, янги XXI асрнинг илк йиллариданоқ бобомиз Амир Темур сиймоси тимсолида баркамол инсон шахсини тарбиялаш учун кенг имкониятлар очилди.

“Мен ҳаётим мобайнида, - деб айтган эди Амир Темур, - беш нарсага қатъий эътиқод қўйдим ва ҳамиша уларга амал қилдим. Улар ушбулардир: Оллоҳ, Тафаккур, Қилич, Имон, Китоб”. Улуғ саркарда одамларни қариндош-уруғчилик, тилёғламачиликларига қараб эмас, аксинча, уларнинг “ишбилармонлик, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр”лигига қараб баҳолаган. Ҳар бир киши у ёки бу ҳодисани баҳолаганда ўз билими, тасаввури, дунёқараши кабиларга таянади. Шу жиҳатлари ҳисобга олинадиган бўлса, Амир Темурнинг ўзи ҳам хушёр, шижоатли, мард, қатъиятли, тадбиркор шахс, ўқимишли, маърифатли, баркамол инсон бўлган.

Амир Темурдан қолган меросда кишининг “насл-насаби”, “ақл-фаросатлилиги”, “хушмуомалалиги”, “сабр-чидамлилиги”, “тинчликсеварлиги” “асллиги”, инсоннинг шахсий сифатлари шаклида қаралган. У инсоннинг шахсий сифатлари орасида “жисмоний камолотни” жуда ҳам ардоқлаган. Бобомиз ёзув ва китобга такрорланмас таъриф берган: ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди; китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир. У буюк зот қомусий билимлар соҳиби бўлган. Шу ўринда машҳур тарихшунос олим Бўрибой Аҳмедовнинг ушбу фикрини келтиришни жоиз деб топдик: “Амир Темур - буюк шахс: кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меъмор, нотиқ, руҳшунос, шу билан бирга, эл-юртини севган ва уни машҳури жаҳон қилган инсон”.

Ҳар томонлама гармоник ривожланган шахс идеали социологик, психологик асарларда анча батафсил ўрганилган. Бу жиҳатдан К.К.Платоновнинг ҳар томонлама гармоник ривожланган шахсга оид нуқтаи назарига муносабат кўрсатиш билан чегараланамиз [2].

К.К.Платонов одамга индивидуал ва шахс жиҳатидан ёндашиш тамойилларига риоя қилиб шахс структураси - таркибини ўрганган. Бунинг учун у, даставвал, шахс тушунчаси моҳиятини аниқлайди. Унинг ёзишича, шахс бу аниқ киши бўлиб, ўз муносабатлари, кечинмаларига кўра теварак атрофни билиш орқали уни ўзлаштиришга йўналган субъектдир. Бу фикрни яна ихчамроқ қилиб. К.К.Платонов шундай ёзади: “шахс - бу киши бўлиб, онг намояндасидир”. Яна: “шахс - бу киши бўлиб, онгнинг субъектидир”.

**Хулоса**. Ўтмиш меросини ўрганиш, фан эришган ютуқларни таҳлил қилиш, баркамол инсон идеалини хаёлан гавдалантириш “баркамол инсон шахси” контекстида ўзаро боғланган бешта таркибий қисмни ажратиш мумкинлиги хусусида фикрлашга имкон беради. Бу узвийликларнинг ҳар бири иккиликдан иборат бўлиб, бири (олдингиси) иккинчисини (кейингисини) тормозлаб, кейингиси олдингисини ҳаракатга келтириб туради.

## Адабиётлар


1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби // 5-жилд, -Т:., “Ўзбекистон”, 1997. - 384 б.
2. Ильина Т.А. Ҳар томонлама гармоник ривожланган шахс. Научно-техническая революция и всестороннее развитие личности // “Советская педагогика”, 1971, N12.
3. Ковалев А.Г. Психология личности. - М.: “Педагогика”, 1970.
4. Кон И.С. Социология личности. -М.: “Наука”, 1967.
5. Непомнящей Н.И. Опыть системного исследования психики ребенка. - М.: “Педагогика”, 1975.
6. Столетов В.Н. Педагогика и формирование человеческой личности // “Советская педагогика”, 1974, N11.

**Бахтиёр АДИЗОВ**
Бухоро давлат университети профессори,
педагогика фанлари доктори

**Анвар НУСРАТОВ**
Бухоро давлат университети
таянч докторанти

# АБДУЛЛАХОН II ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР РИВОЖИ

*Ушбу мақолада XVI аср Бухоро хонлигида ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва педагогик тафаккур тараққиёти ривожида алаҳида ўрин тутган шайбоний ҳукмдорлардан бири Абдуллахон II томонидан илм-фан, санъат, маданият, таълим ва бошқа соҳаларда кўрсатган хизматлари хусусида бир қанча тарихий маълумотлар келтириб ўтилган. Шунингдек, ўша даврда маълум ва машҳур бўлган қатор олим, шоир, рассом, наққош, мударрислар ва бошқа илм фан намояндалари, уларнинг қилган ишлари ва ёзган асарлари, унда ёритилган ўша давр муҳити тўғрисидаги қимматли маълумотлар келтириб ўтилган.*

***Калит сўзлар:*** *Абдулланома, Мовароуннаҳр, мадраса, мударрис, тафаккур, Бухоро хонлиги, маданият,* салоҳият, *дунёқараш.*

*В данной статье приводятся исторические сведения о заслугах Абдуллахана II, одного из шейбанийских правителей, сыгравшего важную роль в развитии общественно-политической жизни и педагогической мысли в Бухарском ханстве XVI века: в области науки, искусства, культуры, образования и других сферах. Он также перечисляет ряд известных в то время ученых, поэтов, художников: Накшбанди, муджтахидов и других деятелей науки; их работы и сочинения, а также ценные сведения о том времени.*

***Ключевые слова:*** *Абдуллахан II, Мавераннахр, медресе, мударрис, тафаккур, Бухарское ханство, культура, потенциал, мировоззрение.*

*In this article, a number of historical information about the services rendered in science, art, culture, education and other fields have been mentioned by Abdullakhan II, one of the sheybani rulers who took place in Alahi in the development of social-political life and pedagogical thought in the Khanate of Bukhara in the XVI century. Also, a number of scientists, poets, artists, illustrators, scientists and other figures of science, their works and works written by in that period were known and popular, valuable information about the environment of that period was mentioned in it.*

***Key words:*** *Abdullanoma, Movarounnahr, madrasa, Mudarris, contemplation, Bukhara Khanate, culture, potential, worldview.*

> *"Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёдимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Аввалambор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак".*
>
> *Ш.Мирзиёев*

**Кириш**. XVI аср Бухоро хонлигидаги ижтимоий-маданий ҳаёт ва унинг таълим тизими ҳамда педагогик фикрлар ривожида улкан хизматлари билан таъсир кўрсатган шайбоний ҳукмдорлардан бири Абдулла ибн Искандархон ибн Жонибек султон ибн Хожа Муҳаммад ибн Абулхайрхон (1534; (Абдуллахон II) алоҳида ўринга эга. Абдуллахон II ёшлигидан теран ақл-идрок соҳиби, илмли, жасур ва шижоатли киши бўлганлиги боис кўплаб ўзбек қабилалари орасида ўзига хос ҳурмат-эътибор қозона олган. У барча қабилаларни ягона байроқ остида бирлаштириб, Мовороуннаҳрни қайта асл ҳолидаги йирик империяга айлантира олди. У энг обрўли ўнта ўзбек қабиласи - ширин, қўшчи, ўтарчи, кенагас, юз, жалойир, можор, қипчоқ, минг, баҳрин, жўйбор шайхлари ҳамда мусулмон руҳонийларининг бошқа эътиборли ва қудратли вакилларининг ҳимояси ва қўллаб-кувватлашига сазовор бўлади.

**Асосий қисм.** Абдуллахон II га бағишланган Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” номли асарида мамлакатда нотинчлик феодал урушлар натижасида оддий халқ аҳволининг оғирлиги, ҳамма ёқда илмсиз, зўравон амир ва бекларнинг кўпайиб кетганлигидан нотинч бир жамият пайдо бўлиб, халқ ҳаётида хотиржамликнинг йўқолганлигини, унинг натижасида ожизлик ва муҳтожликка дучор бўлган инсонлар тақдирида охири ўзгаришлар даври бошлангани, Абдуллахоннинг тахт тепасига келган онларидаёқ бундай тартибсизлик ва адолатсизликка тўла барҳам бериб, бутун мамлакакатда тинчлик ўрнатганлиги баён қилинади. Шунингдек, хоннинг халқ дарди ва ташвишларини билиб тезкор ислоҳотлар ўтқазганини, қисқа муддатда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт тубдан яхшиланганлигини келтиради. Халқ эса буни адолат ҳимоячиси, халқпарвар ҳукмдорнинг келишини истаб қилган дуоларининг ижобати деб қабул қилганлигини келтириб ўтади. Абдуллохон II бутун мамлакатда истиқомат қилувчи кўплаб, халқларни ягона мақсад йўлида бирлашиб, тинч ва осуда ҳаёт кечиришларини истайди. Бу йўлда жонбозлик кўрсатган бир қатор маърифатли кишилар ҳамда илм-фан намоёндаларининг фикрлари билан яқиндан қизиқиб, уларни ўзининг ҳукмдорлик дастури ва амалига айлантиради. Мисол учун “Абдулланома” асарида, Абдуллохон II нинг жангавор юришларидан бирида “Шобирғон” вилоятини куч билан босиб олиш учун жазм қилиб, урушни нима сабаб тўхтатганлигига муаллиф урғу беради. Унга шу вилоят султони Динмуҳаммад султон ўзи қилган гуноҳларининг кечиримини сўраш учун Кубравия тариқатининг йўлбошчилари Муҳаммад Амин Зоҳид ҳамда Хожа Муҳаммад Хабушонийларни элчи сифатида юборади. Улар Абдуллохон II қабулида бўлиб, Динмуҳаммад султоннинг инсофга келиб қолганлиги, бундан кейин раийят хизматида бўлиб, нафс ҳавоси гирдобидан қутилишга азм қилганлигини билдирганлигидан сўнг, хон маърифат аҳли узрларини қабул қилиб, шундай дейди:

“Бизнинг бу вилоятга келишимизга сабаб фақат огоҳлантириш, мамлакатни (олиш) қасдида эмас. Ҳаммага аниқ ва муқаррарки, қачон жиноятчи ва гуноҳ аҳиллари узр қўлларини тавба этагига суртсалар уларнинг тавбаларини қабул қилиш ва қилмишларини кечириш бизнинг ёқимли одатимиздир” [2] - деб жавоб беради. Ҳатто тарбияланган султонни тақдирлаб элчилар билан совға-саломлар юборади. Бундан кўриниб турибдики, Абдуллохон II инсонпарварликка тўла риоя қилган. Доим қилган тадбирлари ва қарорларида адолатли, инсофли ва кечиримли бўлишдек муҳим инсоний хусусиятларга амал килади. Ўрни келганда, ҳатто, душманга ҳам илтифот кўрсатиш орқали бирдамликда яшаш ғоясини илгари суради. Бир сўз билан айтганда, Абдуллохон II XVI аср Бухоро хонлиги маъданий ҳаёти равнақи учун улкан ислоҳотлар қила олган ҳукмдор сифатида тарихда ном қолдирди. Шундай қилиб, XVI асрга келиб айрим шайбоний ҳукмдорларнинг ўзлари қатор илм соҳаларини мукаммал ўзлаштириб, илмий-адабий муҳит тарафдори бўлишган. Бу эса ўз-ўзидан ўша давр илм-фаннинг кўплаб йўналишлари ривож топишида ўзига хос туртки бўлган. Чунончи, Шайбонийхон, Убайдуллахон, Рустам Султон, Абдулазизхон ҳамда Жахонгир Султонлар турли адабий тахаллусда ўзбек ва форс тилларида гўзал шеърлар битиб, кўплаб девонлар тузишга муваффақ бўлишганлиги боис, бу ҳукмдорлар тарихда шоир сифатида ном қолдирди. Абдулатифхон ҳамда Абдуллахон I лар астраномия, мусиқашунослик илми ва созандалик билан шуғулланишган бўлса, Абдуллахон II Қуръони Каримни тавсир қилишда ва ҳадису шарифларни талқин ва таҳлил қилишда ўз замонасининг дунёвий ва диний илмлар билан шуғулланувчи олимлар таҳсинига сазовор бўлишган. Уларнинг деярли барчалари исломнинг сунний мазҳабида бўлиб, Нақшбандия таълимотига бутун умр амал қилганлиги кўплаб тарихий манбаларда келтириб ўтилади. Абдуллахон II ҳукмронлик йилларида мамлакат ҳудуди аввалгидан ҳам йириклашиб, у Амир Темур давридаги Мавороуннахр империясини эслатади. Энг аввало, унинг ҳукмронлик фаолияти мамлакат сиёсий ҳаётида фаол ташқи сиёсат билан намоён бўлади. Бу даврда Бухоро хонлиги, Россия Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, ва бошқа феодал давлатлар билан кенг иқтисодий, савдо ҳамда дипломатик алоқаларни олиб борган.

Мисол учун Абдуллахон II элчилари 1583 йил Москвадан ўқ-дори, ов қушлари, мато олиб келганлар. Бундай элчилик 1589, 1595 йиллар ҳам қайтарилган. Абдуллахон II нинг мамлакат ички сиёсатидаги давлат бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, айниқса, пул ислоҳоти ўтказиш йўлидаги фаолияти натижалари кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган. У кўплаб турли иншоотлар қурдирган. Ҳозиргача халқ орасида у ёки бу иншоот қурилиши Амир Темур ёки Абдуллахон II га нисбат берилади. Абдуллахон II даврида Бухоро яқинидаги Сумитон (Жўйбор) мавзесида Жўйбор хожаларидан Абу Бакр Саъд (970/971 й. вафот этган) мозори атрофига мадраса, масжид, хонақоҳ ва чорбоғ (1558-1566), Бухорода мадраса (Абдуллахон мадрасаси), ҳаммом, Говкашон, Фатхулла қушбеги, Миракан, Хожа Муҳаммад Порсо, янги Чорсу (1569-1570), тим (Абдуллахон тими), Кармана яқинида Зарафшон дарёси устига кўприк (1582) ва бошқа бир қатор иншоотлар қурилди. Бундай иншоотлар ва карвонсаройлар Самарқанд, Тошкент, Балх ва бошқа шаҳарларда ҳам қурилган

(мисол учун, Абдуллахон II нинг нуфузли амири Қулбобо Кўкалдош шарафига Тошкентда қурилган Кўкалдош мадрасаси ва бошқа). Карвон йўлларида сардобалар, работлар, каналлар, сув омборлари (Абдуллахон банди), кўприклар (масалан, Сурхондарёда халқ орасида Искандар кўприги номи билан машҳур бўлган Ғишткўприк ва бошқалар), чорбоғлар бунёд этилган [6]. Унинг даврида бутун хонлик миқёсида жадал шаҳарсозлик, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Абдуллахон II томонидан ташкил этилган кутубхона ўз даврининг энг йирик китоб хазиналаридан бири ҳисобланган. Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" номли тазкирасида Эрондан келган усталарнинг кутубхонадаги фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтади. Муаллифнинг айтишича кутубхонада 3 нафар китобдор раҳбарлик қилган. Булар Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний ан-Насафий, Мавлоно Абдуллох ал-Мунший ва Султон Мироқ ал- Мунший бўлиб, уларнинг қўл остида 3 сураткаш ва 9 уста ишлаганлиги, кутубхонада хаттотлик иши ҳам олиб борилган ва сураткашлар томонидан китобларга зарҳал билан безак берилиб, турли миниатюралар тасвирланган. Абдуллахон II даврида Бухоро хонлиги мамлакатнинг илм-фан марказлари бўлмиш Бухоро ва Самарқанд мактаб ва мадрасаларида, Қуръони Карим, фиқҳ, тасаввуф, ҳафтияк, ислом тарихи, ҳандаса, фалакиёт, риёзиёт, илоҳиёт, араб граматикаси, шунингдек, бошқа бир қатор диний ва дунёвий фанлар чуқур ўргатилган. Ҳофиз Таниш Бухорий ўзининг "Абдулланома" асарида қуйдагича ёзади:

(Абдуллахон II мадрасасида) "Унинг мадрасасида машҳур олим ва фозиллардан бири муаллимлик маснадида ўлтириб, зарурий диний илмларни ўқитарди ҳамда (мадрасага берилган) вақфлардан тўла ҳиссадор эди. У жойда ўқувчилар ҳам яхши маош билан таъминланиб, ҳамиша хотиржамлик билан мутолаа қилишга киришардилар" [2]. Бу ерда дарс берган мударрислар шунчаки дарс берувчи кишилар эмас, балки улар шоир, нотиқ, тарихнавис ва кўплаб соҳалар билимдони хам бўлишган. Мисол учун Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири Аҳбоб" ("Дўстлар ёдномаси") асарида (Абдуллахон II га бағишлайди) Самарқанд ва Бухорода яшаб ижод қилган 250 дан ортиқ замонасининг машҳур ижодкорлари ҳақида қимматли ва ноёб маълумотларни келтириб, уларнинг ичида маҳоратли мударрислардан Камолиддин Иброхим Ширвонийни фозиллар йўлбошчиси сифатида тарифлаб, бир қанча вақт Бухоро мадрасаларида мударрислик қилиб Самарқанддаги машҳур олим ва фозиллар ҳурматига сазовор бўлганлиги, у дарс берган шогирдларининг барчаси мавлонолик мақомига эришганлигини баён қилади. Бундан ташқари Мавлоно Ширвоний сўз санъати ва ижодий фаолиятда тенгсиз ва машҳур бўлганлиги келтирилади. Бу даврга келиб шоир, адиб ва илоҳиётчилардан Нисорий, Мутрибий, Муҳаммад Дарвиш охунд, Мушфиқий, Низом, Зоминий, мулла Амир, Муҳаммад Алти Зоҳид, қози Поёнда табиблардан Ҳофиз Камол Турбатий, Мавлони Абул Ҳаким, Мир табиблар ва бошқалар турли илмий соҳаларда баракали ижод қилишган. Абдуллахон II давлат бошқарувида, илм-фан, ҳарбий стратегия ҳамда бунёдкорлик соҳаларида темурий ҳукмдорлар, хусусан, соҳибқирон Амир Темур фаолияти уни доим илҳомлантирганлиги қатор тадқиқодларда маълум бўлади.

**Муҳокамалар ва натижалар.** XVI аср Бухоро хонлиги маданиятининг асосчиларидан бири Абдуллахон II мамлакат бўйлаб қилган сафарларидан бирида, Қорағанда вилояти ғарбидаги, (Ҳозирги Қозоғистон) улуғ тоғга етиб боргач, тоғ тепасида қурилган минорадаги битикка ёзилган қуйидаги сўзларга кўзи тушади: "Тарих етти юз тўқсон учунчи қўй йили, ёзнинг ора ойи Туроннинг султони Темурбек икки юз минг шерик била Тўхтамишхон юртига интиқом учун юрди. Бу ерга етиб белги бўлсин деб бу минорани қурдирди. Тангри нусрат бергай иншооллоҳ. Тангри эл кишига рахмат қилғай. Бизни дуо билан ёд қилғай". Мазкур битиклар Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши юриши чоғида тоғ устида қурдирган минорасида харсанг тошга ўйдириб ёздирган хотира сўзлари эди. Абдуллохон II шу ернинг ўзида Буюк соҳибқирон ҳақига дуолар ўқиттириб, ундан илҳомланади ва ўзи ҳам Қарши томонга ўхшаш минора қурдириб, "Кимки бу манзилга қадам қўйса, хайрли дуо ила бизни ёд айласин" [5] сўзларини ўйдириб ёздиради. Кўплаб тарихий маълумотларга кўра Амир Темур томонидан қурилиши бошланган, аммо битмай қолган бир қанча бинолар, мақбаралар, масжид ва мадрасалар, хонақоҳ ва маиший иншоотлар, айнан, Абдуллохон II томонидан тиклаб, таъмирланган. Жумладан, тасаввуф пирларидан Аҳмад Яссавий мақбарисининг қурулиши соҳибқирон Амир Темур даврида бошланиб, уни ниҳоясига етқазиш Абдуллохон II га насиб қилган. Шунга ўхшаш тарихий мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бошқа шайбонийлардан фарқли ўлароқ, Абдуллохон II даврига келиб адабиёт, поезия, тасвирий санъат, хатоттлик, нотиқлик, тарихнавислик соҳалари жуда яхши равнақ топди.

Ҳофиз Таниш Бухорий айтишича "Ул ҳазрат (Абдуллахон) замонида (ва) шу кунларда (яъни) ҳижрий тўққиз юз тўқсон учинчи йилда унинг ободончилиги кундан–кунга ортмоқда. Одамлар ўз подшоларининг динида бўладилар (мақолининг) тақозосича, аркони давлатдан ҳар бири (Бухорода) ул ҳазратга (Абдуллахонга) мувофиқ (қилиб) кўп олий бинолар: масжидлар, работ ва кўприклар

ҳамда ҳовузлар бино қилдилар. Олимлар, зоҳидлар, тақводорлар ва диёнатлиларнинг маошлари учун экинзорлар ва обод жойларни вақф қилдилар. Бухоронинг қайси тарафига борманг, ҳар қандай саҳро (ё) чўлда бирор мусофир тунаб қоладиган бўлса, (у) ташқарида қоладиган жой топмайсиз" [2] дея тарифлайди. XVI аср таскирачилик йўналишининг машҳур намояндаси Ҳасанхожа Нисорий Бухоро хонлиги маданий ҳаёти ҳақида шундай ёзади: "Бухоро шаҳарлар рашкини келтирувчи ва Эрам боғидан ҳам яхшироқ бир жойга йиғилган, дин улуғларининг қибласи ва ер юзи фозиллари йиғингоҳига айлангандир".

**Хулоса**. Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, энг аввало, шайбонийлар давлатининг юксак ривожланган илмий–педагогик муҳитини янада ёрқинроқ англаш, XVI – XVII асрлар маданий тараққиёти учун муҳим роль ўйнаган шайбоний ҳукмдорларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти уларнинг давр маънавий ҳаёти ва педагогик фикрлар ривожида қўшган ҳиссаси салмоқли аҳамият касб этади. Зеъро, XVI – XVII асрларда илм-фан, маданият адабиёт ва санъат юксак ривожланган меъморчилик соҳаларида ҳамда дунёвий ва диний илмларнинг бирдек ривожланишида сулола вакилларининг таъсири алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса Абдуллахон II каби тарихимиз саҳифаларида ўчмас из қолдирган маданият ҳомийларини алоҳида бир бутун тадқиқот тарзида ўрганиш муҳимлигини англатади.

## Адабиётлар

1. Ҳасанхожа Нисорий. Музаккир ал-аҳбоб (Дўстлар ёдномаси). Форс тилидан Исмоил Бекжон тарж. -Т.: "Абдулла Қодирий", 1993.

2. ХофизТаниш Бухорий. Абдулланома. Том-1. С. Мирзаев.тарж. -Т.: "Шарқ", 1994.

3. Валихужаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. -Т., 1993.

4. Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. -Т.: "Ўқитувчи", 1993.

4. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектури
Узбекитана. -Т., 1958.

5. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (XVI-XX аср бошлари) иккинчи китоб.

6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-том. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2000. -32 б.

Интернет маълумотлари:

1. www. Histori uz.
2. www. wostlit. narod.ru
3. www. tarih. uz.

**Madamin ASLONOV**
Buxoro davlat universiteti
pedagogika nazariyasi va tarixi
mutaxassisligi magistri

# "BUXORO MAORIF UYI"NING MA'NAVIY-MADANIYATINI RIVOJLANISHIDAGI O'RNI

*Ushbu maqolada "Buxoro maorif uyi"ning ma'naviy-madaniyatini rivojlanishidagi o'rni haqida fikr yuritilib, ushbu maorif uyining Buxoro Xalq Sovet Respublikasida xalq xo'jaligi uchun kadrlar tayyorlashda katta ahamiyatga ega ekanligi ilmiy-nazariy jihatdan asoslangan.*

***Tayanch so'zlar:*** *"Buxoro maorif uyi", ma'naviyat, madaniyat, rivojlanish, Buxoro Xalq Sovet Respublikasi, buxorolik talabalar, "Ta'lim uyi", harbiy maktab.*

*В статье рассматривается роль Бухарского дома просвещения в развитии духовной и культурной жизни, а также научно и теоретически обосновывается значение этого дома просвещения в подготовке кадров для народного хозяйства Бухарской Народной Советская Республики.*

***Ключевые слова:*** *"Бухарский дом просвещения", духовность, культура, развитие, Бухарская Народная Советская Республика, бухарские школьники, "Дом просвещения", военное училище.*

*This article considers the role of the Bukhara House of Education in the development of spiritual and cultural life, and scientifically and theoretically substantiates the importance of this house of education in the training of personnel for the national economy of the Bukhara People's Soviet Republic.*

***Key words:*** *"Bukhara House of Education", spirituality, culture, development, Bukhara People's Soviet Republic, Bukhara students, "House of Education", military school.*

**Kirish.** 1920-yil sentabrda Buxoroda amirlik tartibi ag'darilgandan so'ng F.Xo'jayev boshchiligidagi yangi hukumat zamonaviy maorif tizimini vujudga keltirish choralarini ko'rdi.

Buxoro Respublikasi rahbarlari ushbu masalaga:"Maorif kerak, chunki hech bir mamlakat, hech bir millat va hech bir inqilob maorifsiz yashamas, o'qimoq uchun maktab kerak, maorif kerak, kitob kerak - bular haqiqat" tarzida qaradilar. Buxoro Xalq Sovet Respublikasi (BXSR)ning hukumat tarkibi jadidlardan iborat bo'lib, ular xalqni savodli qilish orqali jaholat va qoloqlik botqog'idan xalos qilish mumkinligini tushunar edilar. Mazkur yo'nalishda Buxoro Xalq Sovet Respublikasi hukumatining dastlabki yilida ishlab chiqilgan "maktablar haqida umumiy qoidalarida" amirlik zamonida mavjud bo'lgan eskicha ta'lim tizimini tubdan isloh qilish, aholini yoppasiga savodli qilish masalasi kun tartibiga qo'yildi.

**Asosiy qism.** Buxoro Xalq Sovet Respublikasida xalq xo'jaligi uchun kadrlar tayyorlash katta ahamiyatga ega edi. Yosh respublika, urush davridagi ulkan qiyinchiliklarga va iqtisodiy vayronagarchiliklarga qaramay, Sovet respublikalari: RSFSR, Turkiston ASSR va Ozarbayjon bilan ta'lim sohasida samarali hamkorlik qildi. Shuningdek, Buxoro Xalq Sovet Respublikasi hukumati maorif sohasini rivojlantirish uchun "har bir kuch bilim uchun", "barcha narsa bilim uchun" shiorlarini o'rtaga tashladi. Jadidlardan iborat Buxoro Respublikasi hukumati o'zining to'rt yillik tarixi davrida millatmizni zamonaviy taraqqiyot darajasiga ko'tarish uchun barcha chora-tadbirlarni ko'rdi. Maorif va fanni rivojlantirishga, jahonda o'z munosib o'rnimizni egallashning tamoyili deb qaradi. Ko'pgina iqtidorli yoshlarni xorijiy mamlakatlarga ta'lim olish uchun yubordi.

Moskvaga yuborilgan buxorolik talabalarning birinchi partiyasi ro'yxati 1922-yil 20-avgustda tuzilgan. Ularning hammasi 25 nafar edi, shulardan 20 nafari o'zbek, 3 nafari tatar, 2 nafari tojik; eng yoshi 16 yoshda, eng kattasi 22 yoshda edi.

1922-yil 12-sentabrda RSFSRdagi BXSR vakili Mukamilov boshchiligidagi buxorolik o'quvchilar Moskva va Petrograd shaharlariga jo'natildi. Buxoro hukumati RSFSR bilan kadrlar tayyorlash sohasida o'zaro hamkorlikni kengaytirish uchun qo'lidan kelgan barcha ishni qildi. BXSRning vakolatli vakili Mukamilov, Tashqi ishlar komissari o'rinbosari L.Karaxanga yo'llagan maktubida, BXSRdagi ta'lim sohasidagi masalalarni batafsil bayon qildi va RSFSR Maorif komissarligiga buxorolik talabalar uchun 100 o'g'il va 25 qiz miqdorida maktabni Moskvada tashkil etish to'g'risida iltimosnoma bilan yordam so'radi. O'sha paytda Buxoro o'z farzandlarini Kavkaz va Germaniyada ta'lim olish uchun yuborgan. Masalan, 1921-yilda ushbu shtatlarga 30 talaba, 1922-yilda Germaniyaga 50 ga yaqin talaba yuborilgan. BXSRning Moskvadagi vakolatxonasi RSFSR Tashqi ishlar Xalq Komissarligidan Moskva ta'lim muassasalarida Buxoro xalq xo'jaligi uchun kadrlar tayyorlashda yordam berishni iltimos qildi. L.Karaxan o'sha paytdagi millatlar komissari I.Stalinga yo'llagan maktubida yuqoridagi faktlarni keltirib, Moskvada BXSR hukumati

hisobiga buxorolik bolalar uchun kichik maktab ochishni taklif qildi. O‘z navbatida Millatlar Xalq Komissari I.Stalin Buxoro bolalari uchun BXSR hisobiga maktab ochishni, Moskvadagi kommunistik universitetda 30-35 kishilik guruh tashkil qilishni taklif qildi.

1923-yil aprelda SSSR Xalq Komissarlari Kengashining buyrug‘i bilan Moskvada Buxoro “Maorif uyi” ni tashkil etish to‘g‘risida qaror qabul qilish millatlar va maorif bo‘yicha komissarliklarga topshirildi. RKP(b) qarori bilan Kreml yaqinidagi 9-sonli “Saxaro-Trust” binosi Moskvadagi BXSR talabalari uchun birinchi maktab bo‘ldi.

Dastlab maktab 75 kishiga mo‘ljallangan edi. Buxorodan kelgan talabalar sonining ko‘payishi bilan binoda joylar yetishmay qoldi. Moskvadagi BXSR vakillari RSFSR hukumati huzuridagi ishga qabul qilish komissiyasiga BXSRning “Ta’lim uyi”ning 200 o‘quvchiga mo‘ljallangan yangi joyini aniqlashda yordam berishni iltimos qildilar. Komissiyaning 1923-yil 9-iyuldagi qarori bilan Spiridonovka ko‘chasidagi 17-uy Buxoro “Ta’lim uyi” uchun yangi joyga aylandi.

Buxoro maktabi SSSR Xalq Komissarlari Kengashining 1923-yil 21-avgustdagi 127-sonli buyrug‘i bilan 25-avgustda o‘z ishini yangi joyda boshladi. Ushbu binoning ijaraga olinishi 1924-yil 5-yanvarda Moskva ko‘chmas mulk bo‘limining yig‘ilishida muhokama qilindi. Ijara muddati olti yil, yillik ijara haqi belgilandi. Ijara haqi 16000 oltin rublni tashkil etdi va agar bu yerda binoni ta’mirlash xarajatlarini qo‘shsak, BXSR har yili 25000 oltin rubl to‘lashi kerak edi.

F.Xo‘jayev boshchiligidagi BXSR hukumati maktabning barcha sohalariga katta e’tibor qaratdi. 1923-yil 8-martda ushbu masalaga bag‘ishlangan yig‘ilishda F.Xo‘jayev, Buxoroning RSFSRdagi vakolatli vakili M.Burxonov, iqtisodiyot Oliy Kengashining raisi M.Muxitdinov Moskvadagi tashkiliy bo‘lim boshlig‘i G.Xodjayev, paxtachilik tresti direktori Belyakov, “Ta’lim uyi” boshlig‘i Fayzi qatnashdilar. Fayzining ma’ruzasi asosida maktab byudjeti to‘g‘risida qarorlar qabul qilindi, mablag‘ sarflanishini nazorat qilish bo‘yicha komissiya tarkibi, byudjet ijrosi ustidan nazoratni kuchaytirish, Buxoro yoshlaridan talabalarni jalb qilish bo‘yicha chora-tadbirlar belgilandi (100 o‘quvchidan 25 nafari qizlar bo‘lishi kerakligi aniqlandi), “Ta’lim uyi”da qisqa muddatli kurslar tashkil etildi.

**Muhokamalar va natijalar.** RSFSR hududida fuqarolar urushi bilan bog‘liq bo‘lgan og‘ir vaziyat va iqtisodiy vayronagarchilik maktab faoliyatiga ta’sir ko‘rsatdi. Buxoroning Nazorat (komissarligi) bilan yetarlicha mustahkam aloqada bo‘lish qiyin edi, maktabni barcha tomondan boshqarish “Krasny Vostok” fabrikasining vasiylik kengashi kabi Moskva ma’murlari tomonidan amalga oshirildi, maktabning yashash va ta’lim sharoitlari boshlang‘ich sanitariya me’yorlariga javob bermadi. Moskvadagi iqtisodiy qiyinchiliklarga va oziq-ovqat narxining yuqori bo‘lishiga qaramay, BXSR hukumati va uning organlari o‘z talabalarini doimiy ravishda kerakli narsalar bilan ta’minlab tura oldi. Agar 1923-yil sentabr oyida bitta talabani ta’minlash uchun 12 oltin rubl sarflangan bo‘lsa, unda 1924-yil boshida ushbu maqsadlar uchun 29 oltin rubl sarflangan. Talabalarni oziq-ovqat bilan ta’minlashda ham kamchiliklar bo‘lgan. “Krasny Vostok” fabrikasi rahbariyati maktab ehtiyojlari uchun ajratilgan pullarni o‘z maqsadlariga sarfladilar. 1924-yil 13-fevralda BXSRning Moskvadagi konsulligi talabalarni oziq-ovqat bilan ta’minlashni yaxshilash uchun ma’lum miqdorda summa yubordi.

1923-yil sentabrda Kampenus Buxoroning “Ta’lim uyi” xarajatlari loyihasini ishlab chiqdi. Binoni ta’mirlash uchun 10 ming oltin rubl ajratish rejalashtirilgan edi. Buxoro maktabini ta’minlash uchun mablag‘ ajratish operatsiyasi “KrasnyVostok” zavodi kabi vositachilar orqali amalga oshirildi. Zavod rahbarlarining harakatlari ustidan nazoratning yo‘qligi maktabni ta’mirlash uchun ajratilgan mablag‘ning zavod tomonidan boshqa maqsadlarda ishlatilishiga olib keldi. “Ta’lim uyi”ga to‘laqonli o‘quv jarayonini amalga oshirish uchun o‘qituvchilar va yordamchi xodimlar yetishmadi. Qiyin vaziyatni bartaraf etish uchun maktab ma’muriyati 1924-yil fevral oyida 68000 oltin rubl miqdorida yangi xarajatlar rejasini ishlab chiqdi. Moskva maktablarining me’yorlariga asoslanib, loyihada har 5 o‘quvchiga bitta o‘qituvchi ajratish ko‘zda tutilgan edi. Talabalarning sog‘lig‘ini nazorat qilish uchun tibbiyot xodimlaridan iborat shtat tuzildi. Shundan so‘ng loyihada o‘zgarishlar yuz berdi. 9 oylik maktab xarajatlari 65000 oltin rubl miqdorida belgilandi. BXSR Xalq ta’limi nazorati xodimi A.Zimmerman tomonidan ishlab chiqilgan loyihaga ko‘ra barcha xarajatlar 9 oy davomida 195 963 oltin rubl bo‘lishi kerak edi.

Buxoro maorif uyining moliyaviy ahvolini yaxshilash uchun Moskvadagi Buxoro konsuli raisligida Vasiylik kengashi tuzildi. Vasiylik kengashi 54 talabani oyiga 500 oltin rubl miqdorida ta’minlash xarajatlarini qopladi, bu ma’rifat uyining barcha xarajatlarining 25 foizini tashkil etdi. Keyinchalik naqd pul tushumlari 45 oltin rublgacha kamaydi.

Bu davrda buxorolik talabalar Germaniya, Turkiya va Ozarbayjonda tahsil olishdi. 1923-yil bahorida Sovet vakillarining ishtiroki bilan, chet eldan talabalarni qaytarish kompaniyasi boshlandi. Barcha qiyinchiliklarga qaramay, Moskva BXSR xalq xo‘jaligi uchun kadrlar tayyorlash bo‘yicha eng yirik markaz

edi. 1924-yil fevral oyigacha Moskvada buxorolik atigi 172 talaba oʻqigan. Ular quyidagi ta’lim muassasalariga tarqatildi:

- ishchi fakultetda - 20 talaba;
- madaniy-ma’rifiy sohada - 16 talaba;
- harbiy maktabda - 7 talaba;
- Zarayskaya fabrikasida - 7 talaba;
- boshlangʻich va oʻrta maktablarda - 5 oʻquvchi;
- “Ta’lim uyi”da 127 oʻquvchi.

Shulardan 50 nafar oʻquvchini Moskva xalq ta’limi boʻlimiga boʻysunadigan maktablarga joylashtirish rejalashtirilgan edi.

**Xulosa**. 1924-yil boshlarida Moskvada nafaqat Buxorodan, balki 400 kishidan iborat boʻlgan Turkistonlik oʻquvchilar ham tahsil olishdi. BXSR hukumati va uning Moskvada faoliyat yuritayotgan vakillari bor kuchlari va imkoniyatlari bilan “Ta’lim uyi”ga yordam berishga harakat qilishdi. Buxoro hududida davom etgan jangovar harakatlar va iqtisodiy vayronagarchiliklarga qaramay, Respublika hukumati maktabni barcha zarur narsalar bilan ta’minlashga harakat qildi. Moskvada Buxoroning “Ta’lim uyi” tashkil topgandan bir yil oʻtgach, uning yutuqlari va kamchiliklari aniq boʻldi, maktab ishini takomillashtirish yoʻnalishlari belgilab olindi. Buxoro vakillari maktab ichki va tashqi hayotining dolzarb masalalarini hal qilishni niyat qilganlar. Avvalo, maktabni toʻgʻridan-toʻgʻri BXSR ta’lim vazirligiga boʻysundirib, tashkiliy masalalarni hal qilish, xalq ta’limi vazirligi bilan doimiy aloqada boʻlish uchun mas’ul xodimni tayinlash, maktabning barcha tuzilmalari boʻyicha vakolatli vakilning toʻliq nazoratini oʻrnatish, maktabning yillik byudjetini 200 ming oltin rublgacha yetkazish zarur edi.

1924-yil 18-mayda Moskvada Buxoroning “Ta’lim uyi”ning yubileyi nishonlandi. I.V.Stalin, N.K.Krupskaya, G.V.Chicherin, F.Xoʻjayevlarni maktabning faxriy rahbarlari etib saylash toʻgʻrisida qaror qabul qilindi. Bu Moskvadagi BXSR “Ta’lim uyi” tarixidagi birinchi va oxirgi bayrami edi. 1924-yil yozi va kuzida Markaziy Osiyoda milliy-davlat chegaralanishi bilan Buxoro Xalq Sovet Respublikasi siyosiy maydondan gʻoyib boʻldi.

## Adabiyotlar

1. Lvov N. Tojik teatri tarixi uchun materiallar. Davlat ishlari Markaziy teatr muzeyi. Baxrushin M. - L: “San’at”, 1941. - 125-133 betlar.

2. Maxmudov B.X., Mahmudov X.X. Leninobod viloyati hukumati. -Dushanbe: “Ilmiy tojik ensiklopediyalari”, 1999. - 468–469-betlar.

3. Oʻzbek teatri tarixiga oid materiallar. -T.: Badiiy akademiyaning San’at tarixi instituti poydevori Uz., 1962-yil.

4. Oʻzbekiston Respublikasi Markaziy davlat arxivlari. F-56, op. 1, d.28, 16 v

5. Oʻzbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi huzuridagi Oʻzbekistonning zamonaviy tarixini muvofiqlashtirish boʻyicha uslubiy markazning arxivi. F. 1318, op.1, d 29,16 v.

6. Kashirina T.V. Leninning 1924-1932 yillarda Tojikistonda ta’lim organlarini yaratishda printsipi. - Dushanbe: “Donish”, 1982. - S. 26.

7. Nurjonov N. X. Professional teatrning shakllanishi. Tojik sovet teatri tarixi (1917-1941). - Dushanbe: “Donish”, 1967. - S. 80-156.

8. Nurjanov N. X. Tojik teatrining asoschisi va uning birinchi rejissyori. Tojik xalqi madaniyati tarixi va nazariyasi boʻyicha insholar. –Dushanbe: “Tojik milliy entsiklopediyasi”, 2001 - 198-214 betlar.

9. Bashiri, Iraj. Mahmudov Homidjon. Yigirmanchi asrning taniqli tojik arboblari. -Dushanbe, Tojikiston: Xalqaro Borbad Foundation, Minnesota, AQSh, 2002. - P. 177. (Ingliz tili)

10. Radjabov A., Maxmudov B. Postsovet hududida teatr san’ati tarixini qayta koʻrib chiqish sharoitida Xomid Maxmudov fenomeni. Tojikiston Fanlar akademiyasining yangiliklari. -Dushanbe: “Donish”, 2011. No 6. - S. 185-189.

11. https://studfile.net/preview/7603479/page:4

12. https://gorbutovich.livejournal.com/197250.html

**Розанна АБДУЛЛАЕВА**
Ташкентская медицинская академия
кандидат филологических наук, доцент

# ПРИНЦИПЫ ОБУЧЕНИЯ РУССКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ ПОСРЕДСТВОМ СЕТЕВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

*В статье описываются принципы обучения русскому языку посредством сетевых технологий в медицинских образовательных учреждениях Республики Узбекистан, в частности общедидактические и методические принципы обучения классифицируются в три группы в зависимости от того, какой аспект организации процесса обучения они определяют: разработку учебно-языкового материала; учебную деятельность студентов; организацию процесса обучения русской медицинской терминологии посредством сетевых технологий.*

***Ключевые слова:*** *медицинская терминология, профессиональная речь, организация процесса обучения, принцип обучения, общедидактические принципы, методические принципы, сетевая технология.*

*Мақолада рус тили ўқитиш тамойиллари Ўзбекистон Республикаси тиббий таълим муассасаларида тармоқ технологиялари орқали мақолада тасвирланган. Хусусан, таълимнинг дидактик ва методик тамойиллари уч гуруҳга таснифланади.*

***Калит сўзлар:*** *тиббиёт терминологияси, касбий нутқ, ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитиш принципи, умумий дидактик тамойиллар, методологик тамойиллар, тармоқ технологияси.*

*Russian language teaching principles are described in the article by means of network technologies in medical educational institutions of the Republic of Uzbekistan, in particular, general didactic and methodological principles of teaching are classified into three groups, depending on what aspect of the organization of the learning process they determine: the development of educational and language material; educational activities of students; the organization of the process of teaching Russian medical terminology through network technologies.*

***Keywords:*** *medical terminology, professional speech, organization of the learning process, teaching principle, general didactic principles, methodological principles, network technology.*

Обучение русской медицинской терминологии студентов медицинских высших образовательных учреждений посредством сетевых технологий имеет свою специфику как в плане организации процесса обучения, так и в выборе методов, средств и форм обучения. Предлагаемая нами методика обучения исследуемой терминологии включает в себя комплекс учебно-языковых заданий и базируется на общедидактических и методических принципах.

Слово “принцип” в переводе с латинского “principium” означает “основа, первоначало”. Принцип есть первооснова, или основание чего-либо. В дидактической науке принцип – это базовые положения, которые лежат в основе организации и проведения процесса обучения.

Перечислим общедидактические и методические принципы, на которых основывается предлагаемая нами методика обучения русской медицинской терминологии студентов-медиков: принцип сознательности и познавательной активности; принцип коммуникативной направленности; принцип профессиональной ориентированности; принцип взаимосвязанного обучения всем видам речевой деятельности; принцип доступности; принцип дифференцированного подхода; принцип комплексности; принцип системности; принцип последовательности; принцип функциональности; принцип научности; принцип поэтапного усложнения трудности заданий и их объема; принцип ситуативно-тематической организации учебного материала; принцип учета влияния родного языка; принцип наглядности.

Помимо вышеизложенных принципов обучения в основе разработки методики обучения русской медицинской терминологии студентов-медиков лежат также принципы, которые предопределяются непосредственно применением сетевых технологий в процессе обучения. К таким принципам относятся: принцип опосредованности; принцип субъектности; принцип моделирования учебных задач; принцип вариативности; принцип многоуровневости управления учебной деятельностью обучающегося; принцип открытости системы к подключению других систем и модулей; принцип эргономичности; принцип интерактивности; принцип индивидуализации обучения; принцип интенсивности; принцип интегрированности сетевых ресурсов и средств обучения; принцип прочности усвоения; принцип избыточности; принцип оптимизации; принцип ИКТ-компетентности субъектов учебного процесса; принцип сотрудничества.

Перечисленные выше принципы обучения в рамках нашей темы исследования считаем целесообразным объединить в три группы в зависимости от того, какой аспект организации процесса обучения они определяют:

1) разработку учебно-языкового материала;
2) учебную деятельность студентов;
3) организацию процесса обучения русской медицинской терминологии посредством сетевых технологий.

**1. Принципы обучения русской медицинской терминологии посредством сетевых технологий, определяющие разработку учебно-языкого материала:** принцип коммуникативной направленности; принцип профессиональной ориентированности; принцип взаимосвязанного обучения всем видам речевой деятельности; принцип доступности; принцип комплексности; принцип системности; принцип последовательности; принцип функциональности; принцип научности; принцип поэтапного усложнения трудности заданий и их объема; принцип ситуативно-тематической организации учебного материала; принцип учета влияния родного языка.

**Принцип коммуникативной направленности.** Обучение медицинской терминологии русского языка направлено на овладение исследуемыми языковыми единицами как средства общения и достижения в нем своего коммуникативного намерения. Принцип коммуникативной направленности нашей методики заключается в том, при помощи сетевых технологий создаются естественные или максимально приближенные к ним ситуации общения, моделирующие реальные условия коммуникации, и в соответствии с ними отбирается обучающий материал, методы и приемы, средства обучения. Большое внимание уделяется наряду с изучением лингвистических особенностей медицинских терминов русского языка проблемам прагматического и социокультурного аспекта общения.

**Принцип профессиональной ориентированности.** В основе этого принципа лежит учет будущей специальности медицинского работника. Разработанная нами система учебно-языковых заданий по обучению русской медицинской терминологии студентов медицинских вузов характеризуется отбором обучающего языкового материала, отражающего стилевые черты языка специальности медика. Все обучение нацелено на формирование и развитие знаний, навыков и умений корректного употребления медицинских терминов русского языка как маркеров профессиональной речи.

**Принцип взаимосвязанного обучения всем видам речевой деятельности.** Медицинские термины – не обособленное языковое явление. Они вступают в определенные системные отношения с другими языковыми единицами языка, что ставит вопрос об их узнаваемости и адекватного использования в процессе речи в устной и письменной формах. О полноценном овладении русской медицинской теминологии студентами-медиками будет свидетельствовать формирование у обучающихся способностей правильного их восприятия и воспроизведения. Принцип взаимосвязанного обучения всем видам речевой деятельности предусматривает параллельное и взаимосвязанное обучение навыкам и умениям использования медицинских терминов русского языка на уровнях аудирования, чтения, говорения и письма.

**Принцип доступности.** Принцип доступности в обучении медицинским терминам русского языка заключается в отборе и организации учебного процесса в соответствии с возрастными особенностями студентов-медиков. Содержательная и учебно-методическая сторона отбора и организации обучающего материала должны быть доступны для понимания и в то же время рационализированы для достижения более высокого уровня развития.

**Принцип комплексности.** В соответствии с данным принципом учебно-языковой материал по обучению русской медицинской терминологии включает в себя задания и упражнения на овладение изучаемыми терминами на всех уровнях языка: фонетики, лексики, морфологии (в т.ч. словообразования), синтаксиса, стилистики во взаимодействии всех видов речевой деятельности.

**Принцип системности.** Обучение медицинским терминам русского языка должно охватывать все структурно-иерархические компоненты медицинской макротерминосистемы: анатомико-гистологическую, клиническую и фармацевтическую терминологию, а также раскрывать их системные отношения.

**Принцип последовательности.** Обучение структурно-иерархическим свойствам медицинских терминов русского языка строится на последовательной и дозированной подаче лексического и грамматического материала по изучаемым медицинским терминам. При этом учитываются логические связи подаваемого лексико-грамматического материала и предшествующим материалом. Обучение, таким образом, носит поэтапный, ступенчатый характер.

**Принцип функциональности.** Этот принцип предусматривает в нашей методике изучении русских медицинских терминов с учетом закономерностей их функционирования в профессиональной речи. Функциональную нагрузку изучаемым единицам в процессе обучения придает контекст их употребления, прописанный в предлагаемых речевых заданиях и упражнениях: выразите сомнение, вопрос, просьбу, согласие, отрицание и др.

**Принцип научности.** Принцип научности в обучении русской медицинской терминологии студентов медицинских вузов посредством сетевых технологий характеризует содержательную сторону процесса обучения, которая, с одной стороны, должна отражать научность и достоверность лингводидактических основ обучения медицинским терминам русского языка, а с другой стороны базироваться на научно-дидактическом потенциале информационно-компьютерных технических средств.

**Принцип поэтапного усложнения трудности заданий и их объема.** Этот принцип развивает принцип доступности и предупреждает упрощение, "легкость" изучаемого материала. При обучении русской медицинской терминологии студентов-филологов этот принцип позволяет плавно переходить от одного уровня сложности заданий к последующему, не испытывая стресса, поскольку для выполнения сложного задания к тому моменту уже будут сформированы необходимые навыки и умения.

**Принцип ситуативно-тематической организации учебного материала.** В нашей методике дидактический материал для формирования содержания обучения русской медицинской терминологии отбирается с учетом их реккурентности в реальных ситуациях общения, ибо "образование речевых навыков и умений происходит быстрее и легче, если процесс овладения языком максимально приближен к реальным условиям общения, для обучения отбираются типичные и жизненно важные для данного контингента учащихся ситуации и темы общения, на занятиях создается атмосфера, имитирующая реальное общение" [1].

**Принцип учета влияния родного языка.** В русской медицинской терминологии большой пласт составляют интернациональные термины, в основном латинского или английского происхождения. Функционирование подобных медицинских терминов и в узбекском языке значительно облегчает процесс их семантизации на занятиях по русскому языку, но в то же время чревато возможностью проявления интерференции в речи узбекоязычных студентов, что может быть обусловлено как определенными расхождениями в семантической структуре терминов, так и особенностями фонетического, грамматического и стилистического строя узбекского русского языков. Принцип учета влияния родного языка в нашей методике предусматривает положительные и отрицательные стороны взаимодействия родного и изучаемого языков в процессе овладения русскими медицинскими терминами.

**2. Принципы обучения русской медицинской терминологии посредством сетевых технологий, определяющие учебную деятельность студентов-медиков:** принцип субъектности; принцип сознательности и познавательной активности; принцип дифференцированного подхода; принцип прочности усвоения; принцип ИКТ-компетентности субъектов учебного процесса; принцип сотрудничества; принцип интерактивности.

**Принцип субъектности, или принцип самоорганизации.** Субъектность в процессе обучения медицинской терминологии посредством сетевых технологий на занятиях русского языка проявляется в виде способности личности студента с сознанием ответственности структурировать свою учебную деятельность, свою образовательную траекторию. Принцип субъектности в нашей методике предусматривает развитие способности студентов-медиков строить программу изучения русских медицинских терминов и реализовывать ее в выбранном самим режиме согласно своему запланированному графику.

**Принцип сознательности и познавательной активности.** Активизация познавательной деятельности студентов-медиков в процессе изучения медицинских терминов на занятиях русского языка посредством сетевых технологий впрямую зависит от их сознательного подхода к учебному процессу. Принцип сознательности и познавательной активности будущих медиков развивает их репродуктивную и продуктивную активность. Под репродуктивной активностью при применении сетевых технологий понимается вид учебной деятельности студента, которая "предполагает творческое отношение к учебной деятельности, личную инициативу и самостоятельность мышления. Запоминание, воспроизведение и усвоение материала осуществляется в мультимедиа тренировочных программах", а под продуктивной активностью – деятельность, проявлящаяся "в ходе использования мультимедийных имитационных, моделирующих программ и микромиров, словом, продуктивная

активность студентов в условиях компьютерного обучения тоже направлена на поиск и создание нового, что также способствуют повышению мотивации к изучению иностранного языка”[2].

**Принцип дифференцированного подхода.** В процессе овладения медицинской терминологии посредством сетевых технологий на занятиях русского языка студенты могут проявлять разную степень успеваемости, связанную с их умственным развитием, работоспособностью, ИКТ-компетентностью, уровнем самостоятельности. Принцип дифференцированного подхода в нашей методике предусматривает выделение в отдельные группы одаренных и слабоуспевающих студентов и разработку или подбор для них дополнительных заданий.

**Принцип прочности усвоения.** Прочность знания русских медицинских терминов достигается путем регулярного повторения, углубления, уточнения и закрепления изучаемых единиц. Прочность знания обеспечивается совокупностью многочисленных заданий и упражнений на запоминание и осознанное употребление терминов, а также контрольно-диагностическим аппаратом обучающих программ, производящим регулярный мониторинг усвоения материала и в случае необходимости дающего откат на повторение слабоусвоенной информации.

**Принцип ИКТ-компетентности субъектов учебного процесса.** Применение сетевых технологий и в целом компьютерно-опосредованное обучение русской медицинской терминологии студентов-медиков невозможно без владения субъектами учебного процесса ИКТ-компетенциями, поэтому этот принцип направлен на сопутствующее развитие навыков владения компьютерными технологиями путем технического инструктажа по выполнению учебных заданий.

**Принцип сотрудничества.** В основе данного принципа лежит обеспечение равноправного взаимодействия субъектов обучения: преподавателя-русиста и студента-медика, студента и других его одногруппников. Принцип характеризуется “наличием у всех участников учебного процесса определенного статуса, исследователи называют 4 уровня статуса (разный статус предполагает разные права доступа к информации и ее обновления и редактирования), мониторингом личных образовательных достижений и рефлексией в форме открытых резюме, портфеля достижений и др.”[3]. Принцип сотрудничества в нашей методике направлен на совместное изучение студентами особенностей использования медицинских терминов русского языка в врачебной практике, пользуясь единым обучающим материалом из общих информационно-сетевых ресурсов.

**Принцип интерактивности.** Данный принцип направлен на обеспечение интерактивности процесса обучения русской медицинской терминологии студентов-медиков посредством сетевых технологий. Интерактивность процесса обучения достигается при этом оперативной обработкой действий обучающегося, объективной оценкой результатов, системой консультативного сопровождения, разнообразными мотивирующими познавательную деятельность средствами поощрения и т.п.

**3. Принципы обучения русской медицинской терминологии, определяющие организацию процесса обучения посредством сетевых технологий:** принцип опосредованности; принцип моделирования учебных задач; принцип вариативности; принцип многоуровневости управления учебной деятельностью обучающегося; принцип открытости системы к подключению других систем и модулей; принцип эргономичности; принцип индивидуализации обучения; принцип наглядности; принцип интенсивности; принцип интегрированности сетевых ресурсов и средств обучения; принцип избыточности; принцип оптимизации.

**Принцип опосредованности.** Реализация разработанной нами методики обучения русской медицинской терминологии студентов-медиков посредством сетевых технологий обусловлена необходимостью компьютерно-технических средств, позволяющих иметь доступ к информационно-коммуникативным технологиям.

**Принцип моделирования учебных задач.** Обучающий материал по русской медицинской терминологии объединяется в конкретные модули в сетевом образовательном пространстве, что предопределяет формулирование соответствующих учебных задач и обеспечивает системность процесса получения, обработки и запоминания нового знания о медицинских терминах. Специфика представленности обучающего материала в сетевом пространстве не только обусловливает постановку учебных задач, но и влияет на организацию ментальных структур в сознании обучающегося.

**Принцип вариативности.** Сетевые технологии при обучении русской медицинской терминологии характеризуются тем, что обучающий материал, представленный в сетевых ресурсах, предполагает вариативность его использования в зависимости от преследуемых целей и задач. С другой стороны, вариативность обучающего сетевого материала обусловливается постоянной обновляемостью как его самого, так и рекомендаций по его анализу и обработке.

**Принцип многоуровневости управления учебной деятельностью обучающегося.** Суть данного принципа заключается в том, что "возможность построения технологии разноуровневого и многоуровневого обучения, применение интерактивного режима работы компьютерных систем позволяют строить достаточно гибкие обучающие комплексы. Управление процессом учебной познавательной деятельности с помощью компьютерной техники и интерактивного режима работы в различных обучающих средах требует серьезных исследований, поиска сочетания различных технологий обучения и анализа возможностей компьютерных технологий обучения"[4]. Отсюда вытекает, что при организации учебного процесса обучения русской медицинской терминологии будущих медиков сетевые ресурсы должны структурироваться таким образом, чтобы у обучающегося была возможность лавировать в образовательном пространстве в соответствии со своими учебными запросами и успеваемостью.

**Принцип открытости системы к подключению других систем и модулей.** "Непрерывное совершенствование и дополняемость компьютерных систем обучения, как основы технологии современного обучения"[5] являются причиной непрерывной модернизации и расширения сетевого пространства обучения русской медицинской терминологии.

**Принцип эргономичности.** Этот принцип является здоровьесберегающим принципом, который заключается в том, что при организации и проведении опосредованного компьютерно-техническими средствами обучения русской медицинской терминологии принимаются определенные меры контроля и предупреждения отрицательного их воздействия на здоровье студентов-медиков.

**Принцип индивидуализации обучения.** Как показывает практика, зачастую у студентов-медиков, учащихся в группах с узбекским языком обучения, уровень владения русским языком разный, также они в разной степени владеют терминологией как русского, так и в родного языка. В силу их возрастных, физиолого-психологических и других индивидуальных особенностей, процесс усвоения медицинских терминов протекает по-разному. Это обстоятельство требует индивидуального подхода к обучению, выбора индивидуальной его траектории, под которым понимается "специфический содержательный и операционный состав обучения и последовательность его усвоения, подбираемая под конкретный образовательный запрос обучаемого в соответствии с его возможностями. Индивидуальная траектория обучения отражает уникальный путь, которым личность обучаемого движется к целям обучения"[6]. Применение информационно-компьютерных, в том числе и сетевых технологий облегчает индивидуализировать процесс обучения русской медицинской терминологии будущих медиков.

**Принцип наглядности.** Принцип наглядности в нашей методике нацелен на ознакомление и лучшее запоминание русских медицинских терминов, что достигается сопровождением наглядно-иллюстративными изображениями этапа ввода, семантизации и анализа данных терминов. Преимуществом применения информационно-компьютерных средств, в частности возможностей глобальной сети в процессе обучения русской медицинской терминологии студентов-медиков по сравнению с традиционными дидактическими средствами является то, что они располагают большим арсеналом графических изображений в виде схем, таблиц, диаграмм, рисунков и др., а также мультимедийных картин, визуалирующих строение тела и организма человека, его органов, тканей, их деформации; бактерий, микробов; проявления симптомов заболеваний; лекарственных трав и препаратов и многое другое, обозначаемое конкретными медицинскими терминами.

**Принцип интенсивности.** Полноценное овладение русской медицинской терминологией на занятиях русского языка в медицинских вузах за короткий срок выделенных на эту дисциплину учебного времени реально лишь при условии интенсивных тренировок и регулярных упражнений на закрепление, что накладывает свой отпечаток на выбор и применение сетевых технологий в процессе обучения.

**Принцип интегрированности сетевых ресурсов и средств обучения.** Этот принцип нацелен на постепенное интегрирование сетевых ресурсов и средств обучения в единое информационно-образовательное пространство мирового сообщества. Каждая проверенная на эффективность методика обучения медицинской терминологии русского языка студентов медицинских вузов посредством сетевых технологий должна внедряться единое информационно-образовательное пространство, что предоставит возможность широкого выбора сетевых ресурсов и достижения эффективности обучения. Таким образом "компьютерные технологии обучения обеспечивают дальнейшее применение и совершенствование эффективно используемых ранее выполненных разработок, государственных стандартов и инновационных технологий"[7].

**Принцип избыточности.** При применении сетевых технологий в обучении русской медицинской терминологии будущих медиков сетевое пространство будет содержать многообразие обучающих интернет-ресурсов. Задачей студента будет при этом выбрать тот учебный материал по изучаемой проблеме, в котором он более нуждается. Избыточность обучающего сетевого материала содейсвует развитию навыков и умений стедентов эффективно работать с информацией, производить необходимые мыслительные операции по ее выбору, классификации, систематизации и оценке.

**Принцип оптимизации.** Данный принцип обусловливает выбор таких сетевых ресурсов для обучения русским медицинским терминам, которые позволят за счет своей содержательной емкости и дидактического потенциала эффективно и быстро овладеть необходимыми знаниями, навыками и умениями, предусмотренными учебно-познавательными целями занятия. Преподаватель при выборе обучающего материала из сетевого образовательного пространтсва ориентируется на достижение оптимальной насыщенности учебного времени студента.

Итак, методика обучения русской медицинской терминологии студентов-медиков на занятиях русского языка посредством сетевых технологий строится на общедидактических и методических принципах сознательности, коммуникативной направленности, взаимосвязанного обучения всем видам речевой деятельности, доступности, дифференцированного подхода, комплексности, системности, функциональности, поэтапного усложнения трудности заданий и их объема, учет влияния родного языка, наглядности, развивающего обучения и др., что обеспечивает научно обоснованный, комплексный подход к разработке исследуемой проблемы.

## Литература

1. Азимов Э.Г., Щукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: “ИКАР”, 2009. – С. 217.
2. Федорова Н.Ю. Дидактические принципы в процессе обучения иностранных слушателей с использованием мультимедиа-технологий // АНИ: педагогика и психология. 2016. Т. 5. № 2(15). – С. 160.
3. Лебедева М.Б. Образовательные технологии: терминология и содержание // Ярославский педагогический вестник, Вып. 2, № 1, 2011. – С. 20-21.
4. Красильникова В.А. Теория и технологии компьютерного обучения и тестирования. – М.: “Дом педагогики”, 2009. – С. 79.
5. Там же. – С. 84.
6. Федорова Н.Ю. Дидактические принципы в процессе обучения иностранных слушателей с использованием мультимедиа-технологий // АНИ: педагогика и психология. 2016. Т. 5. № 2(15). – С. 159.
7. Красильникова В.А. Теория и технологии компьютерного обучения и тестирования. – М.: “Дом педагогики”, 2009. – С. 85.

**Ширинбой ОЛИМОВ**
Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси мудири,
педагогика фанлари доктори, профессор

# АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ПЕДАГОГИК МЕРОСИ ВА УНИ ЎРГАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланади)

*Ушбу мақолада ўзбек халқининг мутафаккири, ўзбек тилининг асосчиси, шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг педагогик мероси ҳақида фикр юритилиб, унинг маънавий-ахлоқий, инсонпарварлик ғояларини ёш авлод онгига сингдириш масалалари ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *Марказий Осиё мутафаккирлари, мутафаккир, миллий педагогика, тарбия, маънавият, ахлоқ, педагогик мерос, маърифатпарварлар, комиллик, умумбашарий қадриятлар.*

*В данной статье освещаются взгляды на педагогическое наследие Алишера Навои, мыслителя узбекского народа, основоположника узбекского языка, чье достояние поэзии освещается вопросами интеграции его духовно - нравственных, гуманитарных идей в сознании подрастающего поколения.*

***Ключевые слова:*** *мыслители Центральной Азии, мыслители, национальная педагогика, образование, духовность, нравственность, педагогическое наследие, просветители, совершенство, общечеловеческие ценности.*

*In this article, the views on the pedagogical heritage of Alisher Navoi, The thinker of the Uzbek people, the founder of the Uzbek language, the Sultan of the property of poetry, are highlighted and the issues of integration of his spiritual and moral, humanitarian ideas into the minds of the young generation.*

***Key words:*** *thinkers of Central Asia, thinkers, national pedagogy, education, spirituality, morality, pedagogical heritage, enlighteners, perfection, universal values.*

**Кириш.** Ҳозирги ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий тарбиясининг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тарқалади. Икки буюк дарё Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган бу эл ва Ватан туркий тилли халқ сифатида Турон ва Туронзаминга ворис ҳисобланиб, ўз келажаги ҳисобланган ёшларнинг таълим-тарбиясига, маънавий-ахлоқий дунёқарашига алоҳида эътибор қаратиб, жаҳонга тенгсиз ақл-заковат соҳибларини тақдим эта олган. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва давлатчилигининг шаклланишини ҳамда тарбияшунослигининг пайдо бўлиши ва ривожланишини тарихчи олимларимиз тадқиқ қилганлар, унинг маданияти, маънавияти, дини, урф-одатлари, қадриятлари, тили, маънавий-ахлоқий тарбияси, турмуш тарзи, санъати туркий халқлар билан муштараклигини эътироф этадилар ва бу халқ ўзини мустақил миллат - ўзбек халқи деб билади ва таъкидлайдилар.

Миллий педагогикамизда маънавий-ахлоқий тарбиянинг муҳим тарихий илдизини **Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига оид таълимоти** ташкил этади. Марказий Осиё жаннатмакон ўлка, шажараси бой макон бўлиши билан бирга, дунёга минглаб жаҳоншумул зотларни етказиб берган, илм-фан, маданият, маънавияти бой, умумбашарий тараққиётга ҳисса қўша олган марказлардан бири ҳисобланади. Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг жаҳонга донғи кетган, башарият илм-фани ривожига ҳисса қўшган алломалари, меъмор-муҳандислари, санъаткорлари, шоир ва олимлари бўлганки, улар жаҳон маънавияти, маърифатига улкан ҳисса қўшган. Уларнинг маънавий-ахлоқий, маърифий таълимотини ўрганиш, ундан ёшлар таълим-тарбияси учун фойдаланиш катта илмий-педагогик аҳамият касб этади.

**Асосий қисм.** Марказий Осиёнинг буюк алломалари ва маърифатпарварлари Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Воиз Кошифий ва бошқа Марказий Осиё мутафаккирлари халқимизнинг маданиятини ривожлантиришга, маънавиятини бойитишга улкан ҳисса қўшганлар. Улар яратган асарларда инсоннинг орифлик, фозиллик, комиллик даражаси ва уни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари аниқ ифодалаб берилган. Алломаларимизнинг фикрича инсон: биринчидан, илмдан орттирилган хислат, иккинчидан, ички ва ташқи кўринишдан топилган ҳақиқат, учинчидан, ақл туфайли ҳосил қилинган хулқ-атвор, тўртинчидан, молу-мулкдан ҳам зиёда бўлган саломатлик каби фазилатларга эга бўлсагина фозиллик, комиллик поғонасига қадам қўяди. Бундай фазилатлар фақатгина маънавий-ахлоқий шаклланган кишидагина бўлиши мумкин. Зеро, маънавий-ахлоқий тарбия замирида ақл-фаросат, илму одоб, хушфеъллик, поклик, ҳалоллик, виждонлилик, меҳнатга муҳаббат, Ватанга садоқат каби инсоний фазилатлар ётади.

Марказий Осиё мутафаккирлари ўз асарларида ифодалаган маънавий-ахлоқий ғоялар халқни орифлик, фозиллик, комиллик даражасига кўтаришга йўллаган. Айниқса, **Алишер Навоий** (1441-1501) ижодида комил инсон тарбияси асосий ўринда туради. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, - “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг султонидир”.

Ўзбек халқининг мутафаккири, шоири Алишер Навоий ўзининг ҳаёти ва ижодида инсон ҳаётининг негизи бўлган маънавий-ахлоқий тарбияга катта аҳамият беради. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш учун вақтини ҳам, кучини ҳам аямасликка даъват этади. Мутафаккир шу билан бирга инсон ҳуқуқларини, унинг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилади. Навоий дунёда инсон камолотидан улкан нарса йўқ, чунки унга табиат ва жамият сир-асрорларини ва юксак чўққиларини билиш қобилияти, ақл-заковат, куч ҳадя этган деб таъкидлайди. Шу билан бирга, Алишер Навоий инсон тафаккури, билимдонлиги, ақл-заковатини юксак қадрлаб ёзади: “Билим ва донишмандлик инсоннинг безагидир”. Шунинг учун ҳам халқнинг осойишта ва бунёдкор ҳаётини бузувчи ёвузликка, халқнинг хўрланишига ва ижтимоий офатларга олиб келувчи воқеа-ҳодисаларга қарши чиқади. Халққа зўравонлик қилишни у энг улкан ёвузлик деб қоралайди. Шу сабабли шоир ўша даврдаги қон-қардошлар ўртасидаги урушлар ва ижтимоий фалокатларга қарши бош кўтариб, ёвузликнинг бутун мудҳиш оқибатларини жонли мисолларда кўрсатиб беради.

Инсон маънавий камолотининг фазилатларидан ҳисобланган адолат тушунчаси ва адолат туйғуси Навоий донишмандлигининг асосини ташкил этади. Навоий маънавий-ахлоқий қарашларининг бош мезони ҳам худди шу адолат бўлган. Барчага баробар манфаатли адолат устувор бўлганида мамлакат ва унинг фуқаролари фаровонликка эришиши мумкинлиги Навоийнинг орзуси эди.

Мамлакатнинг осойишталиги, ободончилиги, халқнинг низоларсиз тинч – тотув яшаши, турмушнинг фаровон бўлиши давлатни ақл билан идора қиладиган доно йўлбошчига, сахий ва олийжаноб, камтарин ва адолатли шоҳга боғлиқ, дейди Алишер Навоий. Шунинг учун ҳам Навоий адолатнинг буюк қудратини кўрсатиб, давлат бошқарувчиларини бундан ибрат олишга чақиради:

Қолур куфр аро қолса обод мулк,
Бўлур зулм агар бўлса барбод мулк.

Буюк тарихчи олим Алишер Навоийнинг замондоши Хондамир “Макоримул ахлоқ” асарида: “Адолат ва инсоф эшикларини инсоният юзига очиб қўйди”, деб – хазрат Навоийга юқори баҳо беради.

Шу боис Алишер Навоий адолат ва инсонпарварликнинг энг юқори намунасидир. Зеро, инсоннинг ахлоқий қиёфаси жамият манфаатларига, Ватан бахт-саодати учун кураши, унга муносабати, болалик йилларида буюк алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида эгаллаган маълумотларига ҳам боғлиқдир.

Ахлоқ ғояси ёш авлод маънавияти ва етуклигининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир киши ҳаётга ўзининг инсоний бурчи нуқтаи назаридан қараши болалик йилларидан шаклланиши лозим. Шунинг учун Навоий саховат ва ҳимматни юксак фазилатлар деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, яхшилик сари ва муҳтож кишига фойдали бўлишга интилиш ҳар бир ахлоқли кишига хосдир. Навоий ана шу фазилатга эга бўлмаган инсонни дурсиз чиғаноққа, кўклам фасли ёмғир келтирмайдиган булутга ўхшатади.

Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр”, “Маҳбуб-ул қулуб” ва бошқа асарларида етук шахснинг маънавий-ахлоқий тарбиясидаги яхшилик, саховат, софлик, ҳаё, мурувват, андиша, адаб, камтарлик, қаноат, ростгўйлик, инсоф, адолат, бағрикенглик сингари фазилатлари таърифланиб, руҳий камолот йўллари таҳлил этилган. Навоийнинг ахлоқий орзулари Шарқда инсон қадрини ғоят юқори даражага кўтариш эди.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Алишер Навоийнинг маънавий-ахлоқий қарашлари тизимида ҳунар ўрганиш муҳим ўрин тутади. Шунга асосан у “Оламдан хурсанд ўтай десанг, илму ҳунар ўрган. Дунёдан камолотга етмай ўтиш, ҳаммомга кириб, ювинмай чиқишнинг худди ўзи” деб таъкидлайди. Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида ўз ҳунари билан азоб чекиб тоғдан ариқ ўтказаётган меҳнаткашларга ёрдамга келган Фарҳод номидан ёзади:

Ҳунарни асрабон неткумдир охир?
Олиб туфроққаму кетгумдир охир!”

Ҳунарли бўлиш халқпарвар, билимли олийжаноб фазилатларга эга бўлишга замин тайёрлайди. Бунинг учун тарбия етакчи роль ўйнамоғи лозим. Шу билан бирга ҳунар тарбия таъсирида қобилиятни, иқтидорни ривожлантиради ва болаларни ёмон хулқлардан сақлайди. Шунингдек, Навоий маънавий-ахлоқий тарбия ёрдамида болаларга илм-маърифат бериб, уларни одобга

ўргатишни муҳим вазифа қилиб қўяди. Бола шахси камолотида тарбиянинг буюк аҳамияти алоҳида таъкидланади.

Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида маънавий-ахлоқий тарбиянинг биродарлик, дўстлик, буюклик, халқпарварлик каби хусусиятларини алоҳида қайд қилиб ўтади. Бу фазилатларни у достонда хитойлик Фарҳод, Шопур ва арман қизи Ширин мисолида тасвирлайди.

Фарҳод ва Ширин ўртасидаги абадий дўстликнинг асоси маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари вафо, садоқат, жасорат ва мардлик орқали тўлдирилади.

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида илм орқали Фарҳоднинг ақл-идрокли, билимдон, ҳунарманд, камтар, инсонпарвар, иродали ва эътиқодли инсон бўлганлигини кўрсатади. Бу достонни ўқиган ўқувчи инсоннинг етуклигини кўрсатувчи сифатлардан бири илм эгаллаш эканига ишонч ҳосил қилади.

Жаҳонда қолмади, ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.

Бу сатрларда шоир Фарҳоддаги инсоний сифатларни тараннум этиб, унинг фақат илм эгаллабгина қолмай, балки маънавий-ахлоқий баркамолликнинг ўлмас қадриятларини ҳам муттасил эгаллаганлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, Фарҳод маънавий камолотга етган инсон сифатида достонда тасвирланади. У ўз меҳнати, ҳунари, билими, инсонпарварлиги туфайли ҳар қандай шароитда бошқаларга ёрдам қўлини чўза олади. Ҳақиқатан ҳам “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод образида инсонпарварлик, меҳнатга муҳаббат ғоялари мужассамлашган. Фарҳоддаги камтарлик, бойликка қизиқмаслик, ўзини оддий киши деб билиши, меҳнат аҳлини чин кўнгилдан ҳурмат қилиши, умум-манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиши унинг маънавий-ахлоқий тарбиялан-ганлигидан далолат беради ва у ҳар бир ўқувчига ибрат бўлади. Фарҳоднинг инсонпарварлик хислатларини ижтимоий фанлар машғулотларида касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларига тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина улар камолот йўлига чиқиш учун аста-секин ўзлигини англайди, оламни танишга ҳаракат қилади.

Ҳазрат Навоий маънавий-ахлоқий қарашларида комиллик муҳим ўрин тутади. Унингча комиллик буюк инсоний неъмат бўлиб, бунда “Киши ўзини ҳирс-таъма, нафс, ғафлат, сингари майллардан покламаса комил бўлолмайди”. “Олам уйи”да яшаш унинг фуқаросига айланишдир. Алишер Навоий инсоннинг жаҳон фарзанди мавқеига кўтарилишини хоҳлаган, худди шу мавқеини комилликнинг олий чўққиси деб билган.

Навоий ўз даврида комил инсонларни аҳли маъни деб билган. Аҳли маъни бу фикрли одамлардир. Фикрсиз кишининг онгида маъни чуқур бўлмайди. Фикрлаш - ҳақиқатни англашдир. Ҳамма нарса тўғрисида мустақил мушоҳада юритиш демакдир. Аҳли маънилик туфайли ахлоқий онг ривожланади, одам ва олам тақдирига виждон билан қараш қобилияти шаклланади. Аҳли маъни кишилар гуруҳига оқил ва доно, камтар ва олийжаноб, ҳақиқатпарвар ва фидойиларни кўрсатиш мумкин. Шундай фазилатларга эга бўлган кишиларнинг тафаккури кенгдир. Чунки, уларда ақл оддий сўз ва тушунчалардан эмас, диёнат, адолат, инсоф, имон, ишқ, дард туҳфалари камол топган бўлади. Навоий “аҳли сурат”ларга шоҳ бўлгунча маъни аҳли йиғинида гадо бўлмоқлигинг юз карра афзалдир”, дейди. Алишер Навоийнинг фикрича, аҳли маъни кишилар маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук шахслардир. Алишер Навоий асарларининг қаҳрамонлари Искандар, Фарҳод, Шопур, Баҳром, Ширин, Лайли, Мажнун, Моҳинбону ва бошқалар ахлоқли, фазилатли, комил шахс - маънавий-ахлоқий етук инсонлардир.

Марказий Осиё алломаларининг маънавий-ахлоқий қарашлари халқимизнинг мазмунан бой, шаклан ранг-баранг маънавий меросининг ажралмас қисмидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида акс этган мардлик, тўғрилик, адолатпарварлик, вафодорлик, ҳалоллик, сахийлик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик каби хислатлар бугунги кунда камол топаётган ёш авлод маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим восита бўлиши табиий. Ушбу хислатлар Навоийнинг фикрича, комил инсондагина мавжуд бўлади. Зеро, комил инсон – маънан баркамол, ахлоқан пок, жисмонан ва руҳан мукаммал, ўз халқи, Ватанига содиқ, жамият манфаатини ўз манфаатидан устун қўювчи кишидир. Зеро, бундай фазилатли инсонлар маънавий-ахлоқий баркамол инсонлардир.

Ўзбек мутафаккирларининг фозил шахс, комил инсон ҳақидаги фикрлари, ахлоқ-одоб ҳақидаги ғоялари ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун қимматли дастуриламал бўлиб хизмат қила олади. Модомики шундай экан, улардан таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда, айникса, касб-ҳунар мактабларида мақсадли қўллаш натижалидир. Чунки, Алишер Навоий илгари сурган ғояларни ёшликдан бошлаб ўзлаштириш ёш авлодга ўз ҳаётини шу ғоялар асосида қуришга амалий ёрдам беради. Шундай экан, касб-ҳунар таълимида

“Алишер Навоий бобомиз”, “Навоий авлодларимиз” каби мавзуларда суҳбатлар, мунозаралар ўтказиш ушбу хислатларни тарбиялашга амалий ёрдам беради.

**Хулоса** қилиб айтганда, Марказий Осиё алломаларининг таълимий-ахлоқий қарашларида маънавият, ахлоқ, тафаккур масалалари кенг ёритилган бўлиб, улар ғоят ранг-барангдир. Шу жиҳатдан улар мустақиллик даври маънавий-ахлоқий тарбиясининг тарихий илдизлари ҳисобланади. Зеро, Туркистон халқи тарихида маънавий-ахлоқий тарбия доимо ривожланиб, такомиллашиб борган. XVI-XX асрлар давомида унга салмоқли ҳисса қўшган Турди ва Машраб, Гулханий ва Мунис Хоразмий, Муқимий ва Фурқат, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Аваз Ўтар ўғли ва бошқа олиму-фузало, шоиру-ёзувчилар ҳақида ҳам бундай фикрларни баён қилиш мумкин. Марказий Осиё мутафаккирларининг ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрларини ўрганишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда ахлоқ-одоб тарбиясидан ташқари халқимизнинг қадимий урф-одатлари ва удумлари, анъаналари ҳам ўз аксини топган. Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида акс этган миллий урф-одатлар, анъаналар ва инсоний қадриятлар, асар қаҳрамонларидаги мардлик, тўғрилик, адолатпарварлик, вафодорлик, ҳалоллик каби хислатлар бугунги кунда камол топаётган ёш авлод маънавиятининг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун улардан касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнини такомиллаштиришда ҳамда ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли Қарори. www.lex.uz.
2. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика (дарслик). –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2007. -288 б.
3. Исмоилова З.К. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал-методик асослари: Дисс…пед. фанл. док. – Т., 2006. –345 б.
4. Маҳкамов У.И. Ўқитувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. - Т.: “Фан”, 1995. - 200 б.
5. Олимов Ш.Ш. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. (Монография). – Т.: “Фан ва технология”, 2015. - 228 бет.

**Зайниддин БОЗОРОВ**
Бухоро давлат тиббиёт институти
ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси ўқитувчиси

# ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Мақолада таълим тизимида фанлараро боғланиш ўрнига келган фанлараро алоқадорлик бир-бирига ўзакдош, мазмунан ва моҳиятан яқин бўлган фанлар мазмунидаги ғояларни илмий акс эттириш орқали фан, таълим амалиёти интеграциясини вужудга келтиришга, билимларни чуқурлаштиришга, кенгайтиришга олиб келиши ҳақида фикр юритилган. Муаллиф замон ишлаб чиқариши ва унинг ишлаш технологияси янги фанларнинг яратилишига асос бўлиши, истиқболли муаммоларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлашнинг дидактик замини бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди.*

***Калит сўзлар:** таълим тизими, интеграция, педагогика, психология, фанлараро боғлиқлик, алоқадорлик, технология, ижтимоийлашув, тафаккур, жамият, қонуният, фуқаролик маданияти.*

*В статье утверждается, что междисциплинарные взаимосвязи в системе образования приводят к интеграции, улучшению, углублению и расширению знаний. Автор подчеркивает, что современное производство и его научные технологии служат дидактической базой для создания новых наук, и для обеспечения эффективности реализации перспективных задач.*

***Ключевые слова:** система образования, интеграция, педагогика, психология, межпредметные связи, связанность, технология, социализация, интеллект, общество, закономерность, гражданская культура.*

*The article argues that interdisciplinary relationships in the education system lead to the integration, improvement, deepening and expansion of knowledge. The author emphasizes that modern production and its scientific technologies serve as a didactic basis for the creation of new sciences, and to ensure the effectiveness of the implementation of promising tasks.*

***Key words**: education system, integration, pedagogy, psychology, intersubject communications, connectedness, technology, socialization, intelligence, society, regularity, civil culture.*

**Кириш**. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис ва Сенатга йўллаган Мурожаатномасида “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ва шу каби бошқа ҳужжатларда қайд қилинишича, мамлакат таълим тизимида ҳозирги замон фан-техника ривожи, бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш қайд этилган. Шунга асосан, таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлик даражасини ошириб, тарбиявий имкониятларини кучайтиришда интеграциядан мақсадли фойдаланиш таълим назариясининг бош муаммосига айлантирди.

Педагогик, дидактик, методик, фалсафий, психологик адабиётларнинг таҳлили интергацион таълимнинг ўтмишдоши сифатида ХХ асрнинг 20-30 йилларида фанлараро боғлиқлик, алоқадорлик (В.Е.Есинов) 60-70 йилларда фанлараро алоқа (И.Д.Зверов, В.Н.Максимова, Л.В.Тефасов, Э.А.Турдиқулов), 80-90 йилларда таълим жараёнини интеграциялаш (Ю.М.Колгин, Л.В.Тарасов, Р.Ғ.Сафарова, О.А.Абдукуддусов ва ҳ.қ.) масалалари амалга оширилганлиги қайд этилади.

Фанлараро алоқадорлик - деб ёзади таниқли рус педагоги В.М.Максимова - замонавий дидактик парадигма сифатида фанлар мазмунидаги ўқув муаммоларини комплекс (яхлит) ҳал этиш, умумлаштириш, ва бир бутун хулоса чиқариш имконини яратади. Айни пайтда таълим методлари, усулларини фаоллаштиради ва турли ўқув предметлари мазмунида билим, кўникма, малакаларни тизимга солишни таъминлайди. Тизимли таҳлилни йўлга қўйиб, фанлараро алоқадорликнинг таркиби, тузилиши вазифаларини турли объектлар билан боғлаб, ўқув фани ва ўқитиш жараёнининг боғлиқлигини амалга оширади. Шунинг учун замонавий дидактик принцип ҳисобланади.

Ўзбекистонлик педагог А.Чориев “Кадрлар тайёрлаш тизимида фанлараро алоқанинг аҳямити” муаммосини тадқиқ қилар экан фанлараро алоқадорлик хусусида шундай ёзади: “...фанлараро алоқа таълим-тарбия самарадорлигини оширади, бири иккинчисини (бир фан иккинчи фанни) тўлдиради, ортиқча такрорлашларга йўл қўймайди. Шунинг учун таълим стандартларини, дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фанлараро алоқа қоидасига амал қилиш ҳаёт талабидир”. Муаллиф бу билан барча фанлар табиат, жамият, тафаккур қонуниятларини ўрганишда бир-бирига яқинлигини, бу

яқинлиқ эса бу алоқадорликни тўлдиришини ва шу асосда таълим-тарбия самарадорлигини таъминлашини таъкидлайди. Шунга кўра кадрлар тайёрлаш миллий моделида назарда тутилган шахс ва унинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий фаоллиги ижтимоий-гуманитар фанлар яхлитлиги, бирлиги, ўзаро боғлиқлиги билангина жадаллашади.

“Фанлараро алоқадорлик, - деб ёзади Б.Абдуллаева, - фақатгина фанларни ўрганишда умумий ижтимоий мақсадлар асосида ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга эришиш воситаси эмас, балки аниқ педагогик вазифаларни шакллантириш, билимлар, малакалар, муносабатлар асосида фан тизимларини белгилашда муҳим омиллардан биридир” [2, 43].

Мазкур омиллар ўтган асрнинг 80-90 йилларида фанлароро алоқадорлик деб эмас, балки таълим жараёнининг интеграцияси номи билан юритила бошланиб, у воқеликни бир бутунликда ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда англашни йўлга қўйиб, фанларнинг бир-бирларига ўхшаш томонларини илмий асослашга ёрдам берди. Шу сабаб интеграциялаш муаммосига бўлган қизиқишни қучайтиришга олиб келди. Натижада педагогик матбуотда, илмий жамоатчиликда интеграция ғоясига бағишланган мақолалар, ўқув қўлланмалар чоп этила бошланди ва у етакчи характер касб этди. Диссертация ишлари ёзилди, монография, дарслик, ўқув қўлланмалар нашр этилди.

Таъкидлаш жоизки, табиат, жамият, улардаги нарса-ҳодисалар воқеликни ифодалайди ва бир бутунликни ташкил этади. Уларни ўзаро боғлиқликда ўрганиш - бу объектив қонуният. Фан шу нуқтаи назардан буларни амалий жиҳатдан ўрганса интеграцияни акс эттиради. Амалиётда интеграция, ўзаро боғликлик унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини янада орттиради. Зеро, интергация - маълум бўлакларнинг ёки элементларнинг бир-бирига бирикиши, яхлит бутунга айланиши ёхуд яхлитланишидир.

**Асосий қисм**. Ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлари интеграциясини ҳам назарий, ҳам амалий асослаш учун, аввало, уни педагогик ҳодиса эканлигини кўриш лозим. “Интеграция” тушунчаси деб қайд этади Х.Н.Хакимов, - таълим жараёнига тадбиқ этилганда иккита маънони англатади: биринчидан, бу мактаб ўқувчиларида бизни ўраб турган атроф-оламни бир бутунликда деб қабул килинишга эришиш (бунда интеграция таълим мақсади сифатида майдонга чиқади); иккинчидан, фанга доир билимларнинг умумий жиҳатларини яқинлаштириш (бунда интеграция таълим воситаси сифатида қаралади).

Педагогик назарияда таъкидланишича олий ўқув юртларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларнинг таълимий ва тарбиявий йўналиши ҳамда самарадорлигини кучайтириш, бу ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларнинг боғлиқлиги яхлитлигини таъминлашдир. Бу, аввало, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мазмун-моҳияти ва талабларидан келиб чиққан педагогик ҳодиса бўлса; иккинчидан “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш” конценциясида назарда тутилган масаладир. Ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлар алоқадорлигининг яна бир афзаллик томони шундаки, уларда таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, демократиялаштириш, ижтимоийлаштириш имкониятларининг мавжудлигидир. Бу имкониятлар талабаларда фуқаролик маданиятининг асосини ташкил этган фуқаролик онги, фуқаролик эътиқоди, фуқаролик тафаккури, фуқаролик идроки ва муносабатларининг ривожланиши учун қулай педагогик шароит яратишидир.

Шу маънода таълим-тарбия яхлитлигини таъминлаш ҳамда талаба-ёшларда фуқаролик маданиятини шакллантиришни такомиллаштириш мақсадида ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлар алоқадорлигини қуйидаги йўналишларда ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

- ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлар боғлиқлигини ташкил қилиш ёрдамида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва маънавий-маърифий ҳаёт учун муҳим бўлган фан, санъат илм-маърифат инсоннинг меҳнат фаоллиги миллий мафкура, фалсафа, дин каби қимматли қадриятлар асосини ташкил этган аксиологик (қадриятлар тўғрисидаги таълимот) билимлар мажмуасини вужудга келтириш;
- фанларнинг яхлит боғлиқлиги асосида воқелик, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, иқтисодий-мафкуравий тараққиёт тўғрисида гносеологик маълумотлар, амалий ва таълимий, тарбиявий жараённи баҳоловчи аҳамиятга эга бўлган кўникмалар (далиллаш, миллий мустақилликнинг барча тузумлардан устунлигини асословчи фикрлар, фан-техниканинг инсонпарварлиги, инсонга хавф солаётган таҳдидлар, мафкураларнинг ётлиги, жаҳолатлиги ва х.қ)ни ҳосил қилиш ва такомиллаштириш;
- ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлар мазмунидаги умумлаштирилган билимлар, кўникмалар асосида шахс ғоявий мафкуравий эътикоди, илмий дунёқараши, ахлоқий-эстетик идеали, маънавий-жисмоний салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва меҳнат фаолиятининг ҳуқуқий-

ахлоқий асоси негизида фуқаролик маданиятининг таркибий қисмларини таркиб топтиришга эришиш.

Бу йўналишдаги таълимий-тарбиявий ишларни ташкил этиш, аввало, а) ҳар бир ўқув фани ўқитувчисининг фанлар кесимидаги маълумот, билим, кўникма, малакаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; б) таълим муассасасида илмий-методик ишлар фаоллигини кучайтириш; в) профессор-ўқитувчиларнинг илмий назарий, амалий-методик ва тайёргарлигининг самарадорлигини ошириш ҳамда ўқув муассасасида ўқув-тарбия жараёнининг жорий, оралиқ ва якуний назоратларини аниқ йўлга қўйиш; г) таълим муассасалари педагог ходимлар, талабаларнинг ижтимоий-гуманитар ихтисослик фанлар буйича билимларини, дунёқарашларини, эътиқодларини ва фуқаролик маданияти асосларини мукаммаллаштиришга амалий ёрдам кўрсатиши назарда тутилди.

Ушбу вазифаларни инобатга олиб тадқиқотимиз жараёнида бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришда ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлари интеграциясидан самарали фойдаланишни назарда тутган педагогик жараён моделини ишлаб чиқдик. Модел ўзида ижтимоий зарурият, жараённинг мақсади, жараённи ташкил этишга ёндашувларни, уни ташкил этиш принципларини олий таълим муассасасида ташкил этиладиган педагогик фаолиятни ҳамда тадқиқот жараёнида амалга татбиқ қилинган ишларнинг натижаларини ифодалашни назарда тутади.

Олий таълим мактабларида таълимнинг юксак маънавий-ахлоқий салоҳияти ва юқори касбий малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган таълимий-тарбиявий мақсад, дидактик йўналишни педагогик жараён таъминлайди. Шунга биноан ижтимоий заруриятдан келиб чиқиб, ҳар бир фан учун ишлаб чиқилган ДТС ва унинг асосида тузиладиган фан дастурларида кўрсатиладиган ижтимоий-иқтисодий воқеликдаги жараёнлар, объектлар, табиат ва жамият аъзоларининг фаолияти, ишлаб чиқариш ва фанда қўлга киритилган ютуқларни таҳлил қилиш орқали фаолияти натижавийлиги аниқланади. Шуни инобатга олиб, биз тажриба-синов ишларимиз жараёнида “Булажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик жараёни модели”да назарда тутилган фаолият тадқиқотнинг мақсади, вазифаларини ҳал этиш учун ушбу жараёнда маълумотларни яхлит ўзлаштириш ҳозирги ишлаб чиқаришнинг муҳим қонуниятлридан ҳисобланиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, маорифнинг технологик операцияларини англаш ва юксак малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини тадқиқотимиз натижаси кўрсатди.






Жадвал 2.1.1. **Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик жараён модели**

**Муҳокамалар ва натижалар.** Ишлаб чиқилган "Бўлажак тиббиёт ходимларининг фуқаролик маданиятини ривожлантиришда фанлараро интеграциянинг технологик тузилмаси" дидактик жараённинг барча *парадигмалари* билан алоқадорликда бўлиши, шу жараённинг барча компонент (мақсади, вазифалари, мазмуни, методи, воситаси, натижа)ларининг мақсадга йўлланганлигини ҳам белгилайди. Фақат шундагина табиат, жамият, тафаккур тараққиёти тўғрисидаги билимлар тизимини ўзлаштиришни ва шу асосда дунёқарашнинг илмий тус олишини вужудга келтириш мумкин бўлади.

Бунинг учун олий таълим муассасасидаги педагогик фаолият, миллий мустақил мамлакатни ривожлантириб "Кучли давлатдан, кучли фуқаролик жамиятига ўтиш" шароитида фан-техникани ривожлантирувчи, маданият, маънавиятни инсонлар онгига сингдирувчи умуминсоний ва миллий қадриятга содиқ, ўз имкониятларини тўла намойиш эта оладиган ватанпарвар, инсонпарвар, фуқаропарвар мутахассисларни тайёрлашга қаратилмоғи лозим.

Шуни инобатга олиб, тадқиқотимиз жараёнида ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларни ўқитишда:

- ҳозирги дунёни илмий-назарий, фалсафий-социологик, диний манзарасини тасаввур қилишни ўргатиш;
- ижтимоий-гуманитар муносабатларда инсон моҳияти, онги, шуури, тафаккури, маданиятининг тарихий тараққиётдаги мавқеини англаш;
- инсоният цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири Марказий Осиё Ўзбекистоннинг турли тарихий тараққиёт даврларида инсон, унинг маданияти, тарихи, тили, динининг моҳият-мазмунини тушуниш;
- маданий воқелик, унинг асосий тушунчалари ва уларнинг инсон ҳаётидаги ўрнини билиш;
- жамият ва инсон тараққиётида маънавият, умуминсоний миллий, тарихий, илмий-назарий ва амалий заминлари ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- ижтимоий-иқтисодий тараққиётда таълим ва тарбия ҳар бир инсон қобилиятининг нодирлиги ва бетакрорлигини руёбга чиқарувчи омил эканлигини англаш;

- жамият тараққиётининг ғоя, мафкуралар билан ўзаро боғлиқлиги ва миллий ғоянинг маънавий, умумбашарий қадриятларга асосланганлиги. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш- миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси эканлигини тушуниб етишга;

- миллий мустақилликни мустаҳкамлаш шароити ва ривожлантириш, ижтимоий муносабатларни шакллантиришда шахс фуқаролик маданияти, фуқаролик-ҳуқуқий билимларнинг тутган ўрнини аниқлаш бўйича тасаввурлар ҳосил қилиш;

Жамият сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқаролар турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши ва ижтимоий ҳимоянинг ахлоқий-маънавий асоси эканлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилиш каби муаммоларни ҳал этишни мақсад қилиб қўйдик.

Булардан мақсад қайд этиб ўтилган масалалар ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларининг мазмун-моҳияти таснифи ҳисобланиб, ягона мақсад, вазифаси - талабани воқелик, табиий-ижтимоий ҳаёт ҳақидаги объектив маълумотлар, билимларга эга бўлишини таъминлаш, уларни боғлиқликда ўрганиш эса талаба тасаввурида оламнинг ягона манзарасини шакллантиришни назарда тутади. Шунга кўра ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанларни интегратив асосида ўрганиш талабаларнинг маънавий-ахлоқий дунёсини бойитишга, уларга микродунё ичига кириб ижтимоий-иқтисодий ҳаётни чуқурроқ англашга имкон беради.

Ишлаб чиқилган дидактик тизимда педагогик жараённинг педагогик шарт-шароитларининг дидактик тузилмаси ёрдамида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг субъекти, яъни педагогнинг таълимий-тарбиявий фаолияти ҳамда жараённинг объекти, талабанинг ўқув-билув фаолиятининг ҳаракат дастури ифодаланган. Демак, мана шундай давлат аҳамиятидаги вазифаларни бажаришга, шахсни назарий ва амалий маълумотлар билан қуроллантиришга йўллайдиган ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлар интеграциясини таъминлаш орқали эришилади. Хусусан, шахснинг ижтимоийлашуви, жамият учун керакли функцияларни бажариш, уларнинг ўз маъсулият ва бурчларини пухта, мукаммал англаб ривожланган мамлакатлар мутахассислари билан рақобатда тенг, мустақил фаолият ва муносабатга киришувини таъминлашга ёрдам беради.

Иккинчидан, ижтимоий-гуманир ва ихтисослик фанлар мазмун ва моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқинлиги туфайли ижтимоий-иқтисодий тараққиёт маънавий-сиёсий ҳаёт тўғрисида талабаларнинг билимларини, тасаввурларини чуқурлаштиришга ва шу асосда ижтимоий-маданий фаолиятга фаол қатнашишга тайёрлашга ёрдам беради. Шунингдек ижтимоий-гуманитар ва ихтисослик фанлар ўзаро алоқадорликда бўлажак мутахассисни билим, кўникма, малакаларини, ишлаб-чиқариш жараёнига кенг тадбиқ этиш ва мазкур жараённинг жадаллашувини таъминлаш, илм-фан, маънавият маданиятни такомиллаштиришга катта ёрдам кўрсатади.

Энди жадвалда ифодаланган педагогик жараён ҳаракат дастурининг мазмун-моҳиятини кўриб чиқамиз. Жадвалда кўрсатилганига мувофиқ таълим мақсади ижтимоий буюртма сифатида ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ягона мақсад - баркамол шахсни тарбиялашга йўналтирилган бўлиб, унда талабаларнинг индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари интелектуал ривожланишига мос у ёки бу таълим босқичида натижага эришиш имкониятини берадиган таълим воситасининг танланишини талаб этади. Бу воситалар машғулот мазмуни, шакли ва методлари негизида белгиланмоғи даркор. Бунда машғулотнинг мақсади жамият тараққиёти, эҳтиёжлари, талаблари ва имкониятлари асосида фуқаролик жамияти учун зарур бўлган шахсни шакллантиришга ҳам, таълим жараёни субъекти (ўргатувчи) ва таълим жараёни объекти (ўрганувчи) фаолиятини уйғунлаштириш орқали амалга ошади. Шу билан бир қаторда машғулот мақсади, мазмунини, ўқув маълумотларини, ўқув шакли методи ва воситаларининг самарадорлигини белгилайди. Бунда дидактик тизимнинг шакл ва методларига таянилади. Шакл босқичида шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар (муаммоли ўқитиш, ўйин, модулли технологиялар ва ҳ.к.)дан файдаланиб талабаларнинг жамоа бўлиб ўқиш, ҳамкорликда ишлаш технологияларидан фойдаланилади ва “Жамоа ютуғи, менинг ютуғим” шиори асосида иш олиб борилади. Бу талабалар ўқув-билув фаолиятларини тўғри йўлга қуйиш, фанлар мазмунида ғоялар, назариялар ёрдамида фуқаролик маданиятининг ривожланишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда жадвалдаги мазмун босқичини амалга ошириш билан бир вақтда фаолиятнинг оператив янги метод ва воситаларни қўллаш ҳам амалга оширилади. Талабалар педагог тавсия этган интерфаол методлар, турли илмий-методик манбалар, кўргазмалар ва ўқитиш воситалари ёрдамида билимларини умумлаштиришга ягона маълумотнинг тавсия этилган фанлардаги ўқув маълумотларида акс этишини, уларнинг ўхшашлик томонлари, фарқларини аниқлайдилар, синтез таҳлил қиладилар. Бу босқичларда талабалар олдинги турли фанлардан ўзлаштирган билим, кўникма, малакаларига таяниб, янги маълумот базаларига эга бўладилар.

Фаолиятнинг йўналтирувчи - уйғотувчи босқичида педагог ДТС талаблари, ўқув мотивларига асосланиб, талабаларнинг ўқув-билув фаолиятларини илмий-назарий, аксиологик билимларга тавсия этилган фанлардаги тушунчаларни умумлаштириш сари йўналтиради ва рағбатлантиради. Бу эса талабалар ўқув мотивларини долзарблаштириш, фанлар мазмунидаги яхлит муаммоларни ойдинлаштириш, уларнинг амалий аҳамиятини очишга, билим олувчилар эътиборини, иродавий кучларини йўналтиришга кўмаклашади.

Жадвал 2.1.2

**Бўлажак тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган фанлараро интеграциянинг дидактик тизими (схема)**




**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, талабалар фуқаролик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган фанлараро интеграция мазмун босқичида янги маълумотлар, янги тушунча ва назарияларни киритиш орқали, олдинги ўрганилган ва ўзлаштирилган билимлар, назарий маълумотлар, қонуниятларга таяниб педагог, талабалар фаолиятининг репродуктив, изланиш, ижодкорлик турларини ташкил этади ва янги тушунча, қоида, далиллар, ғоялар назарияларни фанлар интеграцияси орқали ўрганишни амалга оширади.

**Адабиётлар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлис ва Сенатга йўллаган Мурожаатномаси (Халқ сўзи, 25 январ 2020 й.)

2. Ходжаев Б. К., Эргашева Ш. Формирование гражданственности и патриотизма как педагогическая чувства проблемы //ббк 74.48 р76. – с. 126.

3. Юзликаева Э., Мадьярова С., Янбарисова Э., И.Морхова. Теория и практика общей педагогики. – Т.: “ТГПУ”, 2014.

4. Bozorov, Z. A. (2020). The system of formation of civic culture among students in higher educational institutions. *ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81),* 455-458. ***Soi***: http://s-o-i.org/1.1/TAS-01-81-81 ***Doi***: https://dx.doi.org/10.15863/TAS ***Scopus ASCC****: 3304*

5. Бозоров.З.А. Фуқаролик жамияти – талаба-ёшларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг мақсади ва асоси сифатида. Педагогик маҳорат. 2019 й. 2-сон 32-37 б.

6. Бозоров.З.А. Тиббиёт ходимларида фуқаролик маданиятни ривожлантириш ижтимоий – педагогик зарурат сифатида. Музыкальное искусство и образование: Традиция и инновации. Сборник материалов международной научной конференции. Челябинск 2019 й169 бет.

7. Бозоров.З.А. The system of formation of civic culture among students in higher educational institutions. *ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81),* 455-458.

***Soi:*** http://s-o-i.org/1.1/TAS-01-81-81 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS

***Scopus ASCC****: 3304.* (2020).

8. Bozorov, Z. A., & Samandarova, G. Y. Ideological movement of legends and traditions in the novel "Shaytanat" by Tohir Malik. *ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84),* 1014-1016.

***Soi:*** http://s-o-i.org/1.1/TAS-04-84-187 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS

***Scopus ASCC: 1208.*** (2020).

9. Бозоров.З.А. Маънавий етук ёшларни тарбиялашда фуқаролик маданиятининг роли. "Талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг инновацион механизмларини такомиллаштириш йўллари: Муаммова ечимлар". Халқаро ташкилотлар иштирокида республика миқёсидаги илмий – амалий конференция. Бухоро, 2020 й. 489-501 б.

10. Бозоров.З.А. Тиббиёт олийгоҳи талабаларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари. Психология. Илмий журнал. Махсус сон № 2 Бухоро-2020 й 38-43 б.

**Бахшулло УМАРОВ**
Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди

# ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДА ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ ҒОЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Мазкур мақолада ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларда Ватан тараққиёти ғоясини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган.*

***Калит сўзлар:*** *ватан, тараққиёт, ғоя, маънавият, маърифат, таълим, тарбия, баркамоллик, натижа.*

*В данной статье показаны особенности формирование идеи прогресс Отечества в процессе обучения студентов гуманитарным дисциплинам.*

***Ключевые слова:*** *отечества, прогресс, идея, духовность, просвещение, обучение, воспитание, совершенство, результат.*

*This article shows the peculiarities of the formation idea of the progress of the Motherland in the process of teaching students to the humanities.*

***Key words:*** *motherland, progress, idea, spirituality, enlightenment, training, upbringing, perfection, result.*

**Кириш**. Бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистон тараққиёти ва ривожланишининг пойдевори бўлган баркамол авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Муҳтарам Президентмиз таъбирлари билан айтганда: “Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман”..., “Биз юртимизда қандай ислоҳотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму шижоатингизга суянамиз. Барчангиз яхши биласиз, бугун ўз олдимизга улкан марралар қўйганмиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли айни ушбу соҳаларда туб ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз. Ишонаманки, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар [1]”.

“Ренессанс” иборасига таъриф берадиган бўлсак, у француз ва итальян тилларида, хусусан лотинчада “қайта туғилиш” маъносини беради. Бу ибора Европада рўй берган уйғониш ва қайта уйғониш даври дунё тараққиётига муҳим таъсир кўрсатгани, айнан янгиланиш ва ҳаётбахш мазмунларни ўзида жо этгани учун ҳам кенг қўлланилади. Ўзбекистон ҳудуди ҳам Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида дунёга маълум ва машҳур бўлганлигини таъкидлаш бизга юксак мамнуният бағишлайди.

**Асосий қисм**. Дарҳақиқат, XXI аср глобаллашув даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётган бир даврда интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш нақадар долзарб эканлигини исботлашга ҳожат йўқ, албатта. Чунки, бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Албатта, бу ишларни амалга оширишда узлуксиз таълим турлари, айниқса, олий таълим ўқув муассасаларининг аҳамияти беқиёсдир. Чунки ушбу масканда таълим олаётган ҳар бир йигит-қиз, фақатгина у ёки бу соҳа мутахассислигига эга бўлибгина қолмай, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топади. Жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этади. Ўзининг маънавияти, маданияти билан Ўзбекистон тараққиётининг бош йўли бўлган озод ва обод Ватан учун меҳнат қилади. Албатта, бу улкан вазифаларни амалга оширишда олий таълим тизимида ўқитиладиган ижтимоий фанларнинг

аҳамияти каттадир. Чунки, ижтимоий фанлар талаба шахсида тараққиёт ғоясини шакллантиришда, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, маънавиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан олий таълим ўқув муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларда Ватан тараққиёти ғоясини шакллантириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Чунки, талабаларда Ватан тараққиёти ғоясини шакллантириш ижтимоий буюртма сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шунинг учун ҳам жамиятнинг турли-туман эҳтиёжлари ичида Ватан тараққиёти ғоясини шакллантиришга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат, биринчи навбатда соғлом инсоннинг билим олиши, иккинчидан, инсоннинг руҳий камолоти, учинчидан, иймон, эътиқоди таълим жараёнида эгаллаган билимига, тафаккурига боғлиқ. Чунки, ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларда тафаккур хусусиятлари ривожланади. Шундай экан, ижтимоий фанларни ўқитишда Ватан тараққиёти ғоясини шакллантириш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Бунда ўқитувчи мустақиллик тушунчасининг моҳияти ва унинг давлат ҳамда жамиятдаги ўрни, айниқса, ҳар бир ёшнинг фуқаролик ва психологик етукликка эриша боришига ҳам боғлиқ.

Талабалик даврида ҳар бир ёшнинг ижтимоий ва руҳий етуклиги ривожлана бориши асосида унинг ўз-ўзини англаши шаклланади. Шунга кўра бу даврда ёшларга ижтимоий психологик таъсир, қонун ва бурчларини билиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ижтимоий ва психологик етуклик ёшларда масъулият ва бурч ҳиссини англаб олишда, эътиқодининг мустаҳкамлигида ўзига хос хусусиятга эга. Қатор тадқиқотчилар ва олимларнинг фикрича талабаларда тафаккур қилиш қобилияти, ҳис-туйғулари, ахлоқий хислатлари аста-секин ривожланиб, ўз-ўзини баҳолаши асосида эътиқоди ҳам мустаҳкамлана боради. Булар эса пировард натижада Ватан тараққиёти ғоясининг шаклланишига олиб келади.

Олий таълим ўқув муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитиш технологиясини назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш, талабалар билимини кредит-модул тизими асосида баҳолаш, янги билим олиш жараёнини интенсивлаштириш, модулли ўқитиш технологиясининг ўзаро бир-бири билан узвийлиги асосида “Педагогика”, “Маънавиятшунослик” ва “Тарбия” фани машғулотларининг самарадорлигини ошириш ва бунинг натижасида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш кабилар самарали натижалар беради.

Бунинг учун:

- ўқув-тарбия жараёнини талабаларда Ватан тараққиёти ғоясини шакллантиришга йўллаш;
- ҳар бир дарс жараёнида ўтиладиган мавзуларда мустақиллик, истиқлол, Ватан равнақи, тараққиёт, ренессанс каби тушунчаларни англаб етишга эътибор бериш ва улардан тарбия жараёнида фойдаланиш;
- таълим жараёнида умуминсоний қадриятларга садоқатлилик, маънавий меросимизни ўрганиш ва ривожлантириш масалаларига аҳамият бериш;
- ўтиладиган мавзулар асосида талабаларнинг Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳақидаги билимини текшириш ва баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;
- дарс жараёнида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш;
- талабаларда Ватан тараққиёти ғоясини шакллантиришда халқ оғзаки ижоди, Марказий Осиё мутафаккирлари асарларидан фойдаланиш, фанлараро алоқани амалга ошириш;
- тараққиёт тушунчаси, моҳияти, тузилиши, функциялари ҳақида маълумотга эга бўлиш ва талабаларнинг тафаккур фаолияти, онгли интизомини ташкил қилиш методикасини ишлаб чиқиш;
- ватан тараққиёти ғоясини шакллантириш муаммоларига доир вазиятларни ҳал этиш;
- талабаларнинг тафаккурини шакллантиришда гуруҳ раҳбарининг тарбиявий ишлар режасига эга бўлиш;
- талабалардаги салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш йўлларини аниқлаш ва тарбияси қийин талабалар билан ишлаш;
- ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги мулоқот маданиятини яхши йўлга қўйиш, ёшлар билан ишлаш кабиларни амалга ошириш лозим. Шунингдек, дарсдан ташқари ишларда мустақил Ўзбекистон фуқароларини тарбиялашда халқ педагогикасининг асосий йўналишлари бўлган ўзбек халқ ўйинлари, диний таълимотлар (ҳадис ва тасаввуф), халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги, миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъати, тасвирий санъат, тарихий ёдгорликлар ва миллий меъморчилик, халқ рақс санъати, Марказий Осиё мутафаккирлари асарларини ўрганиш;
- ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчилар жамоасини мустаҳкамлаш, унда соғлом маънавий руҳий муҳит, ҳақиқий ижодий вазият ва жавобгарлик шароитини яратиш, талабалар кенгаши ишига жиддий ёндашиш асосида раҳбарлик қилиш;

- талабаларда билим эгаллаш маданиятига ва онгли интизомга риоя қилиш маъсулиятни кучайтириш, уларда халқимизнинг адолат, тенглик, аҳиллик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини ўстириш, ўқитувчилар ва талабалар жамоаларининг биргаликдаги фаолиятини ривожлантириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ўз-ўзини бошқариш;
- ўз-ўзини англаш, миллий урф одатлар, анъаналарни ҳурмат қилиш ва Ўзбекистон байроғи, герби, мадҳияси, ўзбек халқининг миллий ғурури, маънавий меросини талабалар онгида мужассамлаштириш;
- ўқитувчиларнинг тараққиёт ва унга олиб борадиган йўллар ҳақидаги билимларини ошириш ва бу ҳақда кўргазмали қуроллар тайёрлаш, энг яхши тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш, тарғиб қилиш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган “устоз ва шогирд” анъаналарини давом эттириш ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш;
- тарбия жараёнида талабаларнинг Ватан тараққиёти ғоясини шакллантиришни такомиллаштириш, уларда онглилик, иймон, эътиқодни ривожлантириш. Бу ишга Ўзбекистон истиқлоли учун курашганлар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ишлаб чиқариш илғорлари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, санъаткорлар, тадбиркорлар ва фермер хўжалиги раҳбарларини жалб этиш;
- миллий байрамлар ва анъанавий тадбирлар тайёрлаш ишларига раҳбарлик қилиш, миллий меъморчилик ва ҳунармандчилик, тарихий ёдгорлик жойлари бўйлаб саёҳатларни ташкил қилиш.

**1 - жадвал**




**Муҳокама ва натижалар.** Шуни қайд этиш керакки, олий ўқув юрти талабаларида Ватан тараққиёти ғоясини шакллантириш халқчиллик, ошкоралик асосида олиб борилади. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида олий ўқув юрти талабаларида Ватан тараққиёти ғоясини шакллантириш режа асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Ватан тараққиёти ғоясини шакллантириш вазифаларидан бири илм-маърифатли, маданиятли, ҳар томонлама камол топган, юксак даражадаги пок ва ахлоқли кадрларни тайёрлашдан иборат. Албатта, бунда уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги билимларини инобатга олиш зарур. Чунки улар жамият ҳаёти ва тараққиётининг асосини ташкил этади.

Бугун юртимиз ҳақида фикр юритилганда “Янги Ўзбекистон”, ”Тараққиётнинг янги босқичига кириб бораётган мамлакат” каби иборалар ишлатилаяпти. Бу қўлга киритилаётган улкан муваффақиятларнинг амалий самараси десак муболаға бўлмайди. Демак, тикланишларимиз юксалишларга йўл очмоқда. Мамлакатимизда янги даврнинг пойдевори бўлмиш жуда кенг миқёсдаги янгича сифат ва қудратга эга замонавий инновацион тизимларни яратиш жараёнлари давом этмоқда. Давлат раҳбари назарда тутган Учинчи Ренессанс - мамлакатимизда илм-фан тараққиётининг, иқтисодиёт ва жамиятнинг, халққа хизмат қилиш ва кишиларни рози қилишдай эзгу ният билан амалга оширилаётган барча ютуқлар – кишиларимиз ва ёшларимиз ақлу заковатининг, иқтидор ва истеъдод қувватининг ёрқин тантанаси бўлади.

**Хулоса** қилиб айтганда Мустақиллик нафақат улуғ неъмат, балки улкан масъулият эканлигини унутмасликни, “Мустақиллик менга нима берди?” деб эмас, балки “Мустақилликни мустаҳкамлаш, Юрт тараққиёти, Халқ фаровонлиги йўлида мен нима қилдим?”, деган саволни ҳар биримиз ўзимизга бериб, виждонимиз олдида ушбу саволга жавоб топишимиз лозим.

## Адабиётлар


1. Мирзиёевнинг Ш.М. “Ўзбекистон ёшлар форуми”да сўзлаган нутқи. https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/25/forum/
2. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997. –127 б
3. Иброҳимов А, Султонов Х, Жўраев Н. Ватан туйғуси -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.-396 б.
4. Комилов Н. Тафаккур карвонлари.-Т.: “Маънавия”, 1999.-279 б.

**Малика УМЕДЖАНОВА**
Бухоро давлат университети магистри

# ТАЛАБАЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

*Мазкур мақолада ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом оиланинг асослари, ўзбек оилаларининг миллий қадриятлари, мотивацияси шаклланиши, мулоқот маданияти, тарбиялашнинг ижтимоий психологик хусусиятлари хусусидаги назарий ҳамда амалий масалалари ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *оила, ота-она, фарзанд, соғлом турмуш тарзи, турмуш маданияти, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналар, маънавий-ахлоқий ва педагогик-психологик тайёргарлик, ижтимоий муносабатлар.*

*В данной статье рассматриваются теоретические и практические вопросы подготовки подрастающего поколения к семейной жизни, основы здоровой семьи, формирование национальных ценностей, мотивация узбекских семей, культура общения, социально-психологические особенности воспитания.*

***Ключевые слова:*** *семья, родители, дети, здоровый образ жизни, культура жизни, национальные ценности, обычаи и традиции, духовно-нравственная и педагогико-психологическая подготовка, социальные отношения.*

*This article covers theoretical and practical issues of preparing the young generation for family life, the foundations of a healthy family, the formation of national values, motivation for Uzbek families, the culture of communication, the social and psychological features of upbringing.*

***Key words:*** *family, parents, children, healthy lifestyle, culture of life, national values, customs and traditions, spiritual-moral and pedagogical-psychological training, social relations.*

**Кириш**. Мустақилликка қадар оилавий ҳаётга тайёрлаш муммосига етарли эътибор берилмай, мактаб, олий ўқув юртлари ўқув режаларида ўсмир ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, келажакда ўзлари ота-она сифатида фарзанд тарбиялашлари, оилада соғлом психологик муҳит яратиш,соғлом турмуш тарзини барпо этиш каби жуда кўп масалалар тадқиқотчиларнинг назарларидан четда қолган.

Ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосига Республикамизда мустақиллик йилларидагина ҳар томонлама эътибор берилиб, бунга оила билан бир қаторда мактаб, маҳалла, ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари томонидан ҳар бир фуқаронинг масъуллигига эътибор қаратилди ва оила муаммоси давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

**Асосий қисм.** Маълумки, соғлом оиланинг асосларига оилада эр-хотиннинг ўзаро муносабати, уларнинг фарзандларига, фарзандларининг ота-оналари, ака-ука, опа-сингил ва бошқа қариндошлари, жамиятга нисбатан бурч ва масъулиятлари киради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устиувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ва бошқа меъёрий ҳужжатларида таъкидлаганидек, “Одамлар билиши керак, оила муқаддас биз учун. Оилани сақлаб қолмасак, биз ўзлигимизни йўқотамиз”. “Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. ... Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”. Бинобарин, оилавий тарбия масалаларига илмий ёндашиш мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берган ҳаракатлар стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг шарт-шароитларини белгилаб бериш муҳим вазифалар қаторидан ўрин олади.

Дарҳақиқат маҳалла, туман, шаҳар ва вилоятлар, мамлакатлар ҳам оилалардан ташкил топади. Демак, оиланинг жамиятдаги муҳим ўрни, маънавий-ахлоқий, тарбиявий аҳамияти, қадр-қимматини англаш ва шу ижтимоий педагогик вазифаларни амалга ошириш бугунги долзарб масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби 63-моддасида шундай дейилади: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”.

Оила - мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила- жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Шу билан бирга:

- талаба ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг давлат аҳамиятига эга муаммо эканлиги;

- талаба ёшларни баркамол инсон бўлиб етишишининг оилада шаклланиши ва халқ педагогикасига хос анъаналар ва урф-одатлар ёшларга айнан оилада таъсир этиш имкониятларининг кучлилиги;

- оила ва никоҳ борасида ҳали ҳам салбий хатти-ҳаракатлар, оилавий зиддиятларнинг мавжудлиги;

- талаба ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосининг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойллар” фанининг мазмунида ёритилиши;

- ҳозирги даврда ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлаш талабларининг миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги ва бошқа кўп масалалар бу муаммони тадқиқ этишга ундамоқда.

Мулоқот кишининг ички ва ташқи оламини намоён этувчи ўзаро муносабатларнинг муҳим шаклидир. Аввало, талабалар ўз жамоалари, гуруҳлари ва ўзаро бир-бирлари билан мулоқотга киришадилар. Улар меҳнат фаолиятида, шунингдек, турли маросимларда,транспорт, жамоат жойларида мулоқотга киришганларида унинг меъёрларига, яъни миллий ва умуминсоний мулоқот қоидаларига риоя қилишлари талаб этилади. Мулоқот меъёрлари ахлоқ-одобга оид ҳадисларда ўз ифодасини топган.

Азал-азалдан ота-она муносабатларидаги сабрлилик, оилавий муаммоларини биргаликда ҳал этиш, фарзандлар, қўни-қўшниларга бўлган самимий муомаладан фарзандлар андоза олганлар.

Мулоқот маданиятида дастлабки мезон хушмуомалалик ҳисобланган. Хушмуомалалик ҳақида буюк мутаффакирларимиз ибратли фикрларини баён этганлар. Масалан, Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида шундай дейди:

Ул кўнгилгаким қаттиғ сўздан рещдек бўлғай,
Аччиқ тил заҳр олуд нещдек бўлғай.
Кўнгулда тил синони жароҳати битмас,
Анга ҳеч нима марҳам ерин тутмас.

Гар кўнгилким тил синонидин жароҳатдур,
Ҳам юмшоқ сўз ва ширин тил марҳам ва роҳатдур.
Мулойим такаллум-ваҳшийларни улфат сари бошқарур,
Фусунгар афсун била илонни тушукдин чиқорур

Мулоқот табассум билан бошланса, икки ўртада самимият пайдо бўлади. Ширинсўзлик мазмунли суҳбатнинг асосидир.

Талабанинг асосий вақти таҳсил олиш ва бошқа жамоат топшириқларини бажариш билан ўтади. У дастлаб ўқитувчилари, қолаверса,тенгдошлари, маслакдошлари, раҳбарлар билан мулоқотга киришади. Талаба билан қўпол муносабатда бўлган шахс унинг қалбида оғир из қолдиради. Самимий мулоқот соғлом муҳитни пайдо қилади. Агар унинг акси бўлса, оилада ҳам, ўқув масканида ҳам носоғлом муҳит вужудга келади.

Жамоа орасида, турли тадбирларда сўз чиққанда ҳам сўзлашиш маданиятига риоя этиш инсоннинг обрўсини оширади. Шунинг учун ҳар бир киши билан сўзлашганда, унинг сўзларига қулоқ тутиб, ўйлаб гапириши, катталарнинг сўзларини охиригача эшитиши маданиятлилик ҳисобланади. Буларнинг барчаси талабаларга таълим-тарбия жараёнида тушунтириб борилади ва улар турли жой, вазиятларда ҳар хил тоифадаги одамлар билан мулоқот қилишни ўрганадилар.

Республикамизда ўтказилган социологик тадқиқотлар никоҳ ёши бирмунча эрта бошланаётганлигини кўрсатмоқда. Қизларнинг оилавий ҳаётга жисмоний, маънавий, руҳий, жинсий тайёр эмасликлари оилавий ҳаётда қуйидаги салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда:

-ажралишлар кўпаймоқда;

-аёлларнинг фарзанд кўришида оралиқ вақтнинг қисқариши юз бермоқда;

-17-20 ёшгача бўлган аёллар саломатлиги ёмонлашмоқда;

-оила қуриш имкониятларнинг пасайишига олиб келмоқда;

-йигит ва қиз вояга етган оилаларнинг мувофиқ келмаслиги;

-эрта оила қуриш ёки кеч оила қуриш ҳолатлари оилавий ҳаётнинг барқарорлигига таъсир этмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда фақат қизларга эътибор берилиб, йигитлар назардан четга қолмоқдалар. Агар йигит ҳам оилавий ҳаётга тайёр бўлмаса, улар қурган оила мустаҳкам бўлмайди.

Демак, йигитларнинг ҳам маънавий юксак, фикр доираси кенг, одобли бўлиши билан бирга саломатлигини ҳам кузатиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Қизлар билан бир қаторда йигитларни ҳам никоҳдан аввал саломатликларини назоратдан ўтказиш улар қурган оиланинг келажакда бузилишига сабаб бўлувчи омилларнинг олдини олишга ёрдам беради. Масалан, ҳар икки ёшнинг юқумли ёки сурункали касалликлари руҳий хасталиги, ақли заифлиги аниқланса, уларнинг никоҳланиши ман

этилади. Оила қуришда яқин қариндошлар ўртасида ҳам никоҳга йўл қўйиш мумкин эмас. Бундай никоҳлар оқибатида ногирон, ақли заиф фарзандлар дунёга келиб, оила бахтига завол бўлмоқда.

Оила қураётган йигит ва қизлар вояга етган оилаларнинг мувофиқлиги ҳам катта аҳамиятга эга, яъни оилалар ўртасидаги тенглик - бу насл-насаб, ижтимоий мавқеи жиҳатдан билими ва савияси, дид-фаросат, иймон-эътиқод, мулкдорликда бир-бирига мувофиқ бўлиши, акс ҳолда бундай никоҳдан сўнг, албатта, оила жуда кўп келишмовчиликлар содир бўлиб, бунинг оқибати ҳам ажралиш билан тугаши ёки бир томоннинг хиёнатига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ёшлар оила қургунга қадар оилавий ҳаётга маънавий-ахлоқий, психологик-педагогик жиҳатдан тайёр, етарли турмуш маданиятига эга бўлсалар, оила мустаҳкам ва баркамол бўлади.

Бунинг учун эса ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга, аввало, бу ҳаёт ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш зарур.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Тадқиқотлардан маълумки, оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар бу соҳадаги ахборотлар етишмаслиги туфайли тўла шаклланмаган.

В.М.Каримова бу тасаввурларни турли ёш ва жинс вакилларида ўзига хос тарзда намоён бўлиши, шахс ва гуруҳларнинг ҳаёт тарзи, маълумоти, тажрибаси, касб-корига боғлиқлигини тадқиқ этар экан, оилада аёл ва эркакнинг ижтимоий-психологик мавқеи, эр-хотиннинг оилада фарзанд тарбиясига таъсири, ёшларда тўғри, мақбул оилавий-ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиш шарт-шароитлари ва психологик омилларини ёритади. Шу билан бирга, никоҳ ва оила, никоҳ ёши, ўзбек оилаларининг миллий қадриятлари, оиланинг мустаҳкам бўлишини таъминлайдиган шахслик хислатлари, ҳар икки жинсга тааллуқлиги хислатлар ва уларнинг намоён бўлиши шартлари, оилада эркак ва аёл мақоми, болалар сони, уларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, оила юмушларига жалб этиш йўллари ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиққан [1].

Лекин бу тасаввурларнинг шаклланиши жамиятдаги ўзгаришлар, ижтимоий муҳит ва ана шу муҳитда қабул қилинган расм-русум, урф-одат ва анъаналар, ҳар бир оилада ўзаро муносабатларнинг ўзига хослиги, оилада болалар сони, ота-оналарнинг маълумот даражаси, уларнинг оиладаги обрўси, мавқеига боғлиқ бўлиши илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган [1].

Ғ. Б. Шоумаров ҳам ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда асосий эътиборни севги-муҳаббат, оила, унинг хусусиятлари, оилавий муаммолар, айниқса, ажралиш, болалар ўлими, фарзандсизлик сабаблари, иқтисодий-хўжалик ишларини юрита олмаслик, оилада тарбия муаммолари, оила аъзоларининг коммуникатив вазифалари, бўш вақтдан тўғри фойдалана олмаслик, оилада эр ва хотиннинг биологик, психологик, социал турмуши, ахлоқий-психологик муҳит ва унга таъсир этувчи омиллар, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг қонуниятлари, жинсий тарбиянинг таъсири ҳақидаги масалаларига қаратади[2].

Аввало, олим оила жамиятнинг кичик негизи эканини, уни иқтисодий-хўжалик фаолиятига тайёрлаш муҳимлигини кўрсатиб ўтади. Оилада сарф-харажат фаолиятига тайёрлаш муҳимлигини кўрсатиб ўтади. Оилада сарф-харажат, крим ва чиқимни мувофиқлаштириш, уй-рўзғор ишларини тўғри тақсимлаш, бу ишда оила аъзоларининг феъли, мижозига эъбор бериш, болаларга меҳнатга қизиқиш уйғотиш, уй-рўзғор ишларини юритишни болаларга ўргатиш ёшларини оила қургандан кейин рўзғор тебратишда иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беришини асосли далиллар билан исботлайди.

Айниқса, болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик, жинсий тарбиясига эътибор бериш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш пойдевори аввало оиладан бошланада, мактаб эса уни ривожлантиради, мустаҳкамлайди деган тўғри фикрни билдиради[2].

Ғ. Б. Шоумаров оиланинг коммуникатив вазифалари ҳақида фикр юритар экан, болаларнинг ота-оналари билан бўлган муомалалари уларнинг ақлий савияси, ҳиссий-эмоционал ҳолатининг тўғри шаклланиши учун ниҳоятда зарурлиги, руҳий ривожланишига ижобий таъсирини алоҳида қайд этади ва бунда телевидение, радио, матбуотнинг ўрнини ҳам кўрсатиб ўтади.

Шу билан бирга, у оилада бўш вақтдан самарали фойдаланиш, дам олишни тўғри ташкил этишда болаларнинг спорт билан шуғулланиш малакасини ошириш, ижодий режаларини рўёбга чиқариш, оиланинг иқтисодий-хўжалик муаммоларини ҳал этиш, мамлакат бўйлаб саёҳатларга чиқиш, санъат, бадиий адабиёт билан ошно бўлишга ўргатиш зарурлигини, оила қуриш арафасида турган ёшлар бу мезонлардан хабардор бўлишларини алоҳида таъкидлайди.

**Хулоса**. Марказий Осиёда қадимдан оила бошлиқлари фарзандларини уйлантиришлари, уйли-жойли қилишлари каби анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб, ҳар бир ёшнинг руҳиятига сингиб кетган.

Олим тадқиқотлари асосида инсонни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг тарбиявий услублари, кўринишлари ҳақида маълум хулосага келар экан, уй хўжалигини бошқаришни ўрганиш, жинсий

тарбия, ота-оналарга педагогик билим бериш, умуман, уларни ахлоқий жиҳатдан мукаммал инсон қилиб тарбиялашни асосий йўналишларнинг мазмунида инсоннинг ўз оиласига бўлган масъулияти, фаоллиги, оилавий бурчини чуқур ҳис этишини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам бундай шароитда олий ўқув юртларида ҳам ёшларнинг ижтимоий ҳаракатига кўпроқ эътибор бериш керак. Чунки бугунги талаба эртага оила раҳбари ёки унинг аъзоси бўлади.

**Адабиётлар**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: “Маънавият”, 2017. – 268 б.
2. Мавлонова Р., Рахмонкулова Н. Умумий педагогика. 2018.
3. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. –Тошкент: “Файласуфлар миллий жамияти”, 2004.
4. Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. -Т., 1999.
5. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. –Тошкент, 1994.

Электрон таълим ресурслари:

www. pedagog. uz

www. Ziyonet. uz

**Шокир ДОНИЁРОВ**
Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти мустақил тадқиқотчиси

# ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИ БИЛАН ИШЛАШДА БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Ушбу мақолада педагогнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёни ва бунда бошқарув услубларидан фойдаланиш имкониятлари баён қилинган. Шунингдек, мақолада педагогларнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантириш мақсадида уларни ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш методлари билан қуроллантириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *авторитар услуб, либерал услуб, демократик услуб, ҳамкорликдаги фаолият, ўқувчилар жамоаси, компетенциявий ёндашув, ўқув топшириқлари, индивидуал хусусиятлар, дидактик воситалар, жамоавий фаолият.*

*В этой статье описывается процесс работы с обществом  учителей и как они могут использовать методы управления. В статье также обсуждается возможность предоставления учителям способов организации совместной деятельности с целью развития их способности работать со студенческим сообществом.*

***Ключевые слова:*** *авторитарный стиль, либеральный стиль, демократический стиль, совместная деятельность, студенческое сообщество, компетентностный подход, учебные задачи, индивидуальные характеристики, дидактические средства, командная работа.*

*This article describes the process of working with a teacher's team of students and how they can use management techniques. The article also discusses the feasibility of equipping teachers with ways to organize collaborative activities in order to develop their ability to work with the student community.*

***Keywords****: authoritarian style, liberal style, democratic style, collaborative activity, student community, competence approach, learning tasks, individual characteristics, didactic means, teamwork.*

**Кириш**. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “...ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш” каби устувор йўналишлар белгиланган [1]. Бундай вазифани самарали ечишда замонавий ўқитувчи ўқувчилар жамоасини муваффақиятли ташкил этиши ва бунинг учун биринчи навбатда, таълим олдида турган ижтимоий буюртма, таълимнинг умумий ва хусусий мақсадлари, фан-техника ютуқлари, жамият эҳтиёжлари, шахс ва жамоани ривожлантириш қонуниятларини яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Бунинг учун ўқитувчида юқори даражадаги педагогик майл, инсонпарварлик, жамоавий фикрни ҳурмат қилиш каби сифатлар барқарор ривожланган бўлиши керак.

**Асосий қисм.** Бизнингча, педагогларнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантириш қуйидагилар билан бевосита боғлиқ: ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнини лойиҳалаштириш компетенциясига эга бўлиш; ўқувчилар жамоаси фаолиятини ташкил этиш усулларини эгаллаш; ўқувчилар жамоаси билан педагогнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ривожлантириш йўлларини билиш; ўқувчилар жамоаси фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш методларини қўллаш кабилар.

Педагогларнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантиришга йўналтирилган малака ошириш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратиш талаб қилинади:

1. Ўқувчилар жамоаси билан авторитар услубда ишлайдиган педагогларни инновацион усуллар билан қуроллантириш.

2. Либерал услубда фаолият олиб борадиган педагогларни ўқувчилар жамоаси билан ишчан, маҳсулдор мулоқотга тайёрлаш.

3. Ўқувчилар жамоаси билан демократик услубда ишлайдиган ўқитувчиларнинг ўз педагогик фаолиятларини оммалаштириш, халқаро илғор тажрибалар билан бойитишларига эришиш.

Педагогларнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантириш мақсадида уларни ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш методлари билан қуроллантириш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқувчилар жамоаси учун умумий муваффақиятни таъминловчи вазифаларни ҳал қилиш устувор аҳамиятга эга [2; 76-б].

Бундай умумий вазифалар сирасига қуйидагилар киради:

1. Педагогларни ўқувчилар жамоаси билан ишлашнинг назарий асослари ва технологиялари билан қуроллантириш.

2. Ўқитувчиларни ўқувчилар жамоаси аъзоларининг қобилиятлари, шахсий ривожланиши, ўзига хослигини ташхислашга ўргатиш.

3. Педагогларни ўқувчилар жамоаси билан ишлашга оид ўз фаолиятларини таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, тузатишлар киритиш, ушбу соҳадаги билимларини бойитишга йўналтириш.

Бунинг учун ўқитувчилар жамоавий вазифаларни ўқувчиларга бажартиришга тайёр бўлишлари керак.

Ўқувчилар жамоаси билан авторитар услубда ишлайдиган педагогларни инновацион усуллар билан қуроллантиришда уларнинг педагогик фаолиятини кенгайтириш, бойитиш мақсади устувор қилиб қўйилади. Педагогларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш натижасида касбий меҳнатнинг интеграллашган, тизимлаштирилган модели вужудга келади. Бу эса педагог касбий фаолиятининг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш имконини берадиган жиҳатларини аниқлашга кўмаклашади. Ўқитувчи меҳнатининг инновацион характер касб этиши унинг фаолият йўналишлари, фикрлари ва шаклланиш мақсадларини ифодалайди. Бунда ўқитувчи олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

1. Ўқитувчининг ўқув мақсадларини аниқлаш кўникмаларини шакллантириш, бунда ўқувчилар жамоасининг ўзига хослиги ва имкониятларини ҳисобга олиш, улар фаолиятининг истиқболга йўналтирилишини таъминлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда ўқувчилар жамоасининг ўқув фаолиятини ташкил этиш.

2. Педагогларда ўқувчилар жамоаси аъзоларининг ҳаётий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ривожланиш траекториясини моделлаштириш кўникмасини таркиб топтириш: бунда ўқитувчи ҳамда ўқувчилар жамоаси аъзоларининг тажрибасидан фойдаланиш.

3. Ўқувчилар жамоаси фаолиятини замонавий технологиялар ёрдамида ташкил этиш эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиққан ҳолда педагогнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш. Бу қуйидагиларда намоён бўлади: муаммоли, ижодий-жамоавий, лойиҳа дарслари, ўйин ва ўзаро мулоқот машғулотлари.

Либерал услубда фаолият олиб борадиган педагогларни ўқувчилар жамоаси билан ишчан, маҳсулдор мулоқотга тайёрлаш жараёнида қуйидаги вазифаларга ечим изланади:

1. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жараёнида педагогларнинг ўқувчилар жамоаси билан амалга ошириладиган ўзаро мулоқот жараёнидаги тўсиқларни бартараф этишларига эришиш ҳамда таълим жараёни иштирокчилари бўлган ўқувчиларни бир-бирларини ўзаро тушуниш, тенглик руҳида тарбиялаш.

2. Педагоглар ўқувчилар жамоасини ривожлантиришни назарда тутган ҳолда босқичма-босқич ўқув топшириқларни мураккаблаштиришлари, ҳамкорликда бажарадиган ишлар кўламини кенгайтиришлари талаб қилинади. Бунда ўқувчиларнинг креативлиги, мустақиллиги, ўқув ҳамда ижодкорлик майлларини ривожлантириш таъминланиши лозим.

Ижодкор, тадқиқотчи ўқитувчилар ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал қилишлари лозим:

- педагоглар ўқувчилар жамоасининг ютуқларини таҳлил қила олишлари, ўқувчиларнинг ривожланишига имкон берадиган иккиламчи дидактик лойиҳаларни танлай олишлари;
- ўқувчилар жамоаси билан ишлаш методлари ва воситаларининг педагогик аҳамиятини назарий жиҳатдан асослаб бера олишлари;
- ўқувчилар жамоаси фаолияти натижаларини ташхислаш асосида истиқболдаги педагогик хатти-ҳаракатларини такомиллаштиришлари талаб этилади.

Педагог касбий лаёқатининг ривожланиши ўқувчилар жамоасининг муваффақиятини таъминлайди. Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ўқувчилар жамоаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш мезонларини ўзлаштириш;
- ўқувчилар жамоасининг ривожланишини таъминлашга хизмат қиладиган педагогик моделни ўз фаолиятида қўллай олиши;
- ўқувчилар жамоасининг ривожланишини аниқлашга хизмат қиладиган ташхислаш методларидан фойдалана олиши;
- ўқувчилар жамоаси фаолиятини ташкил этиш жараёнини лойиҳалаштира олиши.

Ўқувчилар жамоаси билан ишлашга йўналтирилган педагогик вазиятлар ўз характерига кўра мунтазам ривожланувчи педагогик фаолиятни талаб қилади. Ушбу педагогик фаолиятнинг муваффақиятини таъминлаш учун ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси аъзоларининг хоҳиш-иродаси,

онглилиги, фаоллиги муҳим аҳамиятга эга [3]. Педагогнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантириш учун малака ошириш жараёнида қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

1. Ўқитувчиларнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлашга йўналтирилган педагогик фаолиятининг шакллари ва методларини такомиллаштириш, уларнинг касбий-педагогик билимдонлиги ва маданиятини юксалтириш.

2. Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида педагог ўзининг ижодий нуқтаи назарини татбиқ қилиши учун қулай дидактик вазиятни вужудга келтириш.

3. Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида ўқитувчиларнинг маҳсулдор фаолият кўрсатиш майлларини ривожлантириш.

4. Ўқитувчиларни ўқувчилар жамоасининг ривожланиш даражасини муайян мезонлар асосида ташхислаш методикалари билан қуроллантириш.

5. Педагогнинг ўқувчилар жамоасини бошқариш маданиятини шакллантириш.

6. Ўқувчилар жамоаси аъзоларининг ривожланиши ва ўз-ўзини намоён қилишини таъминлашга имкон берадиган педагогик вазиятларни вужудга келтириш ўз ечимини кутаётган муҳим масалалардандир.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида барча ўқувчиларнинг тажрибасини умумлаштириш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Бу ўринда педагог ўқувчилар билан диолог асосида ҳамкорлик ўрнатиши керак. Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнининг самарадорлигини таъминлашда педагогнинг ўзига хос иш тажрибаси, педагогик маҳорати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Барча ўқитувчилар бир хилдаги иш шаклидан фойдаланиш билан бир қаторда ўқувчилар жамоаси фаолиятини таҳлил этишда турлича ёндашадилар. Бундай ўзига хослик ўқувчилар жамоаси томонидан оммавий тарзда бажариладиган топшириқларда яққол намоён бўлади. Шунингдек, педагог ўқувчилар жамоаси фаоллиятини назорат қилишга ҳам ўзига хос тарзда ёндашади. Мактаб педагогик жамоасида ўқувчилар билан амалга ошириладиган ишларни самарали ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ўқитувчиларга ўқувчилар жамоаси билан ишлашга оид суҳбатлар ўтказиш ва уларга маслаҳатлар бериш;
- ҳар бир ўқитувчининг дарси, ташкил этадиган педагогик тадбирларига қатнашиш ва уни босқичма-босқич таҳлил қилиш;
- ўқитувчига ўқувчилар жамоаси билан ишлаш йўналишида маслаҳатлар бериш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;
- услубий кенгашлар томонидан методик йўналишдаги семинарлар ташкил этиш;
- илғор ўқитувчиларнинг ижодий лабораториялари, муаллифлик дастурларидан фойдаланишга ёш ўқитувчиларни жалб этиш;
- педагогик-психологик йўналишда тренинглар ўтказиш кабилар.

Педагогнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш соҳасидаги фаолияти бошқа ўқитувчилар томонидан ҳар томонлама таҳлил қилиниши, унинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилиши муҳим амалий аҳамиятга эга. Бунда қуйидагиларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади:

- синфдаги ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари, дарс жараёнида уларга қўйиладиган кучайтирилган талаблар;
- ўқувчилар жамоасининг таркибий тузилиши қандайлиги, ҳаракатлантирувчи кучлари нимадан иборат эканлиги;
- ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида педагогнинг эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликлари нимадан иборат эканлиги кабилар.

Педагогнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантириш учун муайян чора-тадбирларни қўллаш талаб қилинади:

1. Ўқитувчи ўқувчиларга тақдим этиладиган дидактик воситаларни мазмун жиҳатдан доимий тарзда бойитиши.

2. Ўқитувчи жамоавий фаолият жараёнида ўқувчиларнинг муваффақият қозонишлари учун қулай педагогик-психологик муҳит ярата олиши, ўқув материалини ўзлаштиришда уларга кўмаклашиши ва қўллаб-қувватлаши.

3. Жамоавий фаолият жараёнида педагог ўқувчиларнинг қизиқишлари, интилишларини изчил тарзда қўллаб-қувватлай олиши.

4. Жамоа бўлиб ишлаш жараёнида ўқитувчи ўқув материалларини ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари, билимлари билан уйғунлаштирган ҳолда тақдим эта олиши лозим.

Жамоавий ҳамкорлик жараёнида педагог ўқувчиларнинг мустақил фаолият кўрсатишлари, ўзаро мулоқотга киришишлари, ягона мақсад сари интилишларига қулай шароит яратиши лозим. Ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар орасида ўзаро мулоқот, диалог тарзидаги суҳбат, бахс-мунозаралар ва ўзаро фикр алмашиш учун қулай педагогик вазият вужудга келтирилиши талаб этилади [4, 39].

**Хулоса**. Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёни самарадорлигини таъминлашда педагог ҳар бир ўқувчига эътибор қаратиши лозим. Бунда тажрибали ўқитувчиларнинг ўзаро маслаҳатлашувлари, суҳбатларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида ўқитувчининг педагогик фаолияти ўқувчиларнинг тараққиётини таъминлашга йўналтирилиши керак. Ўқитувчи ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнининг мазмуни, мақсад ва вазифаларини ҳам аниқ лойиҳалаштира олиши керак.

Ўқитувчи ўқувчилар жамоаси билан ишлашнинг педагогик-психологик асосларини чуқур ўрганиш билан бир қаторда, таълим олувчиларнинг ўқув ҳамда ижтимоий фаолиятини методик жиҳатдан узлуксиз таъминлаш йўллари, уларда ўз фаолиятини ташкил этиш йўлларини билиши лозим.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. https://lex.uz
2. Тожибоева Х.М. Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик тизими. Пед. ф.б.ф.д.(PhD). ... дис. – Тошкент, 2018. 131 бет.
3. Sears R. Your ancients Resisted: A History of Child Psychology // E.N.Heterington (ed). Review of child development research. V.S.Chicago, 1975.... http://psychlib.ru/mgppu/ODe/ODe-001.htm
4. Сафарова Р.Г. ва б. Ўқувчиларда дўстона муносабатлар асосида ҳамкорлик кўникмаларни шакллантириш жараёнининг мазмуни. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2015. -12-9 бет.

**Жаҳонгир РАМАЗОНОВ**
Бухоро давлат университети
таянч докторанти

# ЎЗИНИ-ЎЗИ ИДОРА ҚИЛИШ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА

*Мазкур мақолада ўзини-ўзи идора қилиш ижтимоий-психологик феноменини, ўзини ўзи идора қилиш мотивацияси шаклланиши, бошқариш ва такомиллаштириш, ўзини ўзи кўлга олиш, тарбиялашнинг ижтимоий психологик хусусиятлари хусусидаги назарий ҳамда амалий масалалари ёритилган.*

***Калит сўзлар:** ўзини ўзи идора қилиш, мотивацияси, рефлектор, руҳий ҳолатлар, руҳий жараёнлар, хулқ-атвор, трансформация, ижтимоий муносабатлар.*

*В данной статье освещены вопросы социально-психологических феноменов самоуправления, теоретические и практические вопросы формирования мотивации самоуправления, самоконтроля и самосовершенствования, социально-психологические особенности самовоспитания.*

***Ключевые слова:** самоконтроль, мотивация, рефлексия, психические состояния, психические процессы, поведение, трансформация, социальные отношения.*

*In this article theoretical and practical problems of social-psychologic phenomena of self-management, forming motivation of self-management, improvement, self-control, social-pshycologic features of self- education are illuminated.*

***Key words:** self-control, motivation, reflector, mental state, mental process, behavior, transformation, socialogic relationship.*

**Кириш**. Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар психология фанининг истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шахсда ўзини ўзи идора қилишнинг шаклланиши муаммоси психология фанининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ўзини ўзи идора қилиш муаммоси доирасида қадимги антик давр олимларидан то ҳозирги замонавий психолог олимларигача бир қатор изланишлар олиб борилган. Жумладан, антик давр файласуфларидан Аристотель, Августин, Гален, Платон; ўрта аср олимларидан Ибн Сино, Ньютон, Галилей, Лейбниц ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Дастлаб Аристотель асарларида “руҳий ҳолат” тушунчасининг фалсафий жиҳатдан аниқ таърифини кўрдик. Аристотел псиҳик ҳолатлар - бу руҳнинг алоҳида ҳолатлари, улар бир-биридан мустақиллиги билан, танадаги субстрат хусусиятлари боғлиқлиги билан ҳам ажралиб туради деб ишонган. Аристотель “Руҳ тўгрисида” асарида жасорат ва қўрқўвни танадан ажралмаслигини, руҳий ҳолатларни ҳам тирик мавжудотларнинг табиий моддалари билан ажратиб бўлмаслигини таъкидлайди. Танадан ажралган ҳолда руҳий ҳолатларни ўрганиш мумкин эмас. Шунинг учун Аристотель ақлий ҳодисаларни ўрганишда табиатшунослик фанининг предметига мурожаат қилади: “... бутун қалбни ёки унинг бундай ҳолатларини ўрганиш табиат тўғрисида мулоҳаза юритиш масаласидир” [1]. Аристотель руҳий ҳолатни тасвирлаш ва ўрганиш учун қуйидаги иккита йўналишни кўрсатиб ўтади: физиологик ва психологик. Бундан ташқари, у руҳий ҳолат ва ақлий фаолият тушунчаларини ажратди ва уларнинг муайян таъсирлар остида ривожланишига имкон берди.

**Асосий қисм.** Ўрта асрларда буюк олим Ибн Сино руҳий (аффектив) ҳолатларнинг чуқур органик жараёнларга таъсири ҳақидаги таълимотни шакллантирган. У ҳис-туйғулар “ҳайвонлар кучи”нинг маълум шаклларини англатишини таъкидлаб, уларнинг танадаги ўзгаришлар билан боғлиқлигини ўз асарларида ёзиб қолдирган. У тиббиётни психология билан бирлаштириш, яъни инсоннинг оғриқли танадаги бузилишларини баҳолашда унинг руҳиятининг ҳолатини ҳисобга олиш зарурлигини илгари сурган [2]. Шундай қилиб, ўрта асрлар психологик таълимотининг ютуқлари ва муаммолари инсон ва унинг психик ҳолатлари тўғрисида ижобий билимларни кейинчалик ривожлантириш учун зарурий шартларга айланди.

Ушбу муаммони ўрганиш чет эл психологиясида энг кенг тарқалган бўлиб, турли йўналиш ва тенденциялар билан ифодаланади. Ана шундай психологик йуналишлардан бири бу психоанализ бўлиб, унинг вакиллари А. Адлер, В. Рейх, Г. Салливан, З. Фрейд, К. Хорни, Э. Эриксон, К. Юнг ва бошқалар психиканинг барча ички ҳодисаларидан, сиз билганингиздек, онгсизликни таъкидлайдилар ва онгсиз руҳий жараёнларнинг инсон хатти-ҳаракатларини идора қилишдаги аҳамиятини таъкидлашган. Ҳозирги кунда жаҳон психологияси фани ўзини ўзи идора қилиш, ўзини ўзи бошқариш ва такомиллаштириш, ўзини ўзи қўлга олиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини ўзи

тарбиялаш бўйича бой материаллар тўплаган, бу эса ўз навбатида инсон муносабати, мақсади, ҳолати, кечинмалари ўзгариши ва янгидан яралиши ҳақида илмий-татбиқий маълумотлар беради, кундалик турмуш психологияси ранг-баранглигини таъминлаб туради. Психология инсон психикасини аниқлаш, шакллантириш, янги шароитга кўчириш, такомиллаштириш, ривожланиш динамикасини таъминлаш, янги сифат босқичига ўтишини қайд қилиш имконияти борлиги билан ўта амалий, татбиқий фанга айлангандир [3].

Психика - бу юксак даражада ташкил топган материянинг системали хоссаси (хусусияти), субъект томонидан объектив борлиқни фаол акс эттириш, мазкур борлиқ манзараларини субъект ўзидан узоқлаштирмай ифодалаши, худди шу аснода ўз хулқини ва фаолиятини шахсан бошқаришдир. Психикада ўтмишнинг, ҳозирги давр ва келаси замоннинг ҳодисалари ифодаланган, тартибга солингандир. Ўтмиш ҳодисалари инсон хотирасида мужассамлашиб, шахсий тажрибаларда намоён бўлади. Ҳозирги замон ақлий жараёнлар, ҳиссий кечинмалар, образлар ва тасаввурлар мажмуасида ифодаланади. Келажак эса турткиларда, мақсад, эзгу ниятларда, шунингдек, фантазия, виждон азоби, армон ва тушларда акс этади. Инсон психикаси ҳам англанилмаган, ҳам англанилган хусусиятга эга бўлиб, англанилмаган психика ўз навбатида ҳайвон психикаси сифат жиҳатидан кескин тафовутга ва устуворликка эга.

Ташқи объектларнинг психика шаклида махсус тана аъзолари қурилмасининг фаол ва илгарилаб инъикос этиши шарофати билан мазкур объектларнинг хусусиятига мутлақо мутаносиб ҳаракатларни амалга ошириш имконияти юзага келади. Шу билан бирга психиканинг вазият устуворлиги ва қидирув фаоллиги туфайли организмнинг таркиблари ўртасида яшаш учун кураш рўёбга чиқади.

Худди шу боисдан психикани аниқловчи асосий белгилари мавжуддир: предмет муҳити образини акс эттириш, тирик тана аъзоларининг ҳаракат қилиши, уларнинг мазкур муҳитда ориентацияси, у билан алоқага киришиш эҳтиёжидан қониқиш, тўғри алоқалар, тескари алоқа қилиш принципи бўйича акс эттириш тўғрилигини назорат қилиш кабилар. Инсоннинг назорат инстанцияси сифатида ижтимоий амалиёт хизмат қилади. Тескари алоқа шарофати туфайли образ билан ҳаракат натижасини таққослаш амалга оширилади, пайдо бўлувчи ҳолат бунинг натижасидан олдинроқ содир бўлади, чунки у борлиқнинг ўзига хос модели сифатида юзага келиш имкониятига эга. Генетик келиб чикишига биноан, психика ўзининг рефлектор типига ва тарихига эга бўлган алоҳида циклли тизим сифатида рўёбга чиққан. Рефлекторлик организм ҳаётининг объектив шароитлари бирламчилигини билдиради. Идрок қилинувчи мазкур тизимнинг таркибий қисмлари ижро этувчанлиги, ҳаракатларнинг мақсадга йуналганлигига, образ таъсирига "тескари" қонуний ўтиш жараёни ҳисобланади. Психиканинг рефлектор табиатининг биринчи шундай илмий талқини рус физиологи И.М.Сеченов томонидан амалга оширилган булиб, бир қанча асрлар давомида психика алоҳида танасиз нарса, уни ҳаракатга келтирувчи, уни нерв жараёни билан алмаштирувчи, унга тенглаштирувчи механик материалистик йўналишга кучли зарба эди.

Психиканинг фаоллиги реаллик билан бевосита мулоқотга киришиш жараёнида намоён бўлади, чунки нерв аппаратларида ҳаракатланувчи физикавий, кимёвий қўзғатувчиларни қайта кўриш кўзда тутилди. Қўзғовчиларда, уларнинг доирасидаги хатти-ҳаракатларга куч-қувват берувчи, узлуксиз равишда интилувчи, хулқ-атвор дастури бажарилишини таъминловчи, унга қидирув жараёни ва вариантлар танлашни ўзида қамраб олувчи фаолликнинг хусусиятларидир. Психика биологик эволюциянинг маълум бир босқичида вужудга келган бўлиб, унинг ўзи омилларнинг бири сифатида организмни уларнинг яшаш шароитига тобора кучайиб борувчи мослашувни таъминлаб туради. Психиканинг инсонда пайдо бўлиши сифат жиҳатдан мутлако янги тузилишга эга, чунки у ижтимоий-тарихий тараққиётнинг қонуниятлари билан шартлангандир. Фаолият регуляциясининг юксак даражаси сифатида онг вужудга келади, психика фаоллигининг юксак кўриниши манбаи тариқасида эса шахс шаклланади.

Бизнингча, методологик нуқтаи назардан психика таҳлил қилинганда, албатта биосферик ва неосферик алоқалар натижалари, уларнинг таъсирчанлик кучи, вазият, муҳит ҳамда ҳолатлар (ҳодисалар) фазовий жойлашуви, "сунъий мия"нинг вужудга келиши имконияти юзасидан фикр билдириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсон ақл-заковатининг қуввати етмайдиган, пайқаш имкониятига эга бўлмаган борлиқнинг мўъжизалари, сирлари мавжуддир, уни ҳисобга олмасдан иложимиз йўқ. Шунингдек, қарама-қаршилик мавжуд эканлигини тан олиш билан бирга, муросаю мадора, хаотик (бетартиб) ҳаракатлар ҳукм суришини унутмаслик лозим [4].

И.М.Сеченовнинг фикрича, психик ҳодиса бус-бутун (яхлит) рефлектор ҳаракат туфайли юзага келувчи ва унинг маҳсули бўлиши билан бирга вужудга келмаган, лекин таъсир ўтказиш эҳтимоли мавжуд кутилмадан бохабар қилувчи омил функциясини ҳам бажаради, яъни илгарилаб

кетувчи башорат вазифасини ижро этади. Бундай дадил илмий мушоҳадалар психик жараёнлар, умуман, қандай роль ўйнаши мумкинлиги, уларнинг ўрни тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун моддий негизни вужудга келтиради. Психик жараёнлар организмда сигнал ва бошқарув (регулятив) функциясини ижро этиб, ўзгарувчан шарт-шароитларга ҳаракатни мослаштиради, шунингдек, мазкур дақиқада юқори самарага эришишни таъминлайди. Психик жараён миянинг бўлмалари (таркибий кисмлари) функцияси тариқасида ташқи олам (борлик) тўғрисидаги ахборотнинг қабул қилиниши, сақланиши, қайта ишланишини ўзида мужассамлаштирувчи жавоб фаолиятининг идора қилувчиси ҳисобланади. Шунинг учун одамларнинг билимлари борлиқ тўғрисидаги тасаввурлари, шахснинг шахсий тажрибаларининг йиғиндиси (мажмуаси) рефлектор ҳаракат таркибига киради.

Шундай қилиб, психик ҳодисалар деганда миянинг ташқи (куршаб турган олам) ва ички (физиологик тизимдаги организмнинг ҳолати) таъсирларга жавобини тушунмоқ керак. Бошқача сўз билан айтганда, психик ҳодисалар: биринчидан, бу фаолиятнинг фавкулодда таъсир этаётган (сезгилар, идрок), иккинчидан, ўтмиш тажрибада (хотира) акс этган кўзғатувчига жавоб тарзида рўёбга чиқадиган, мазкур таъсирни умумлаштирадиган, учинчидан, пировард натижаларни (тафаккур, ҳаёл) олдиндан пайқашга ёрдам берадиган, тўртинчидан, монотон таассуротлар оқибатида фаолиятни (ҳис-туйғу, ирода) кучайтирадиган ёки сусайтирадиган, бешинчидан, умуман фаоллаштириб юборадиган, ўзгача таассуротлар натижасида уни тормозлайдиган, олтинчидан, шахс хулқ-атворидаги (темперамент, характер ва ҳоказолар) тафовутларни аниқлайдиган доимий регуляторлари (идора қилувчилари)дир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, И.М.Сеченов психиканинг рефлекторлиги ва фаолиятнинг психик жиҳатдан бошқарилиши таълимотини асослаб берди. Бу илғор ғоя, муҳим таълимот, назария рус олими И.П.Павлов (1849-1936) томонидан экспериментал тасдиқланди ва хусусий ҳолатларда кенг кўламда яққоллаштирилди. И.П.Павлов ҳам одамларнинг, ҳам ҳайвонларнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳаракати мия билан бошқарилиши қонуниятини очган эди. Унинг мазкур қонуниятларга таaллуқли қарашлари йиғиндиси биринчи ва иккинчи сигналлар тизими тўғрисидаги таълимот тариқасида фан оламида арзигулик мавқе эгаллади.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Ҳар қандай ҳодисанинг моҳиятини очиб бериш учун, албатта, унинг хусусиятларини таҳлил қилиш, алоҳида сифатларини ажратиб ўтиш зарур.

Ўз-ўзини идора қилиш - шахснинг жисмоний ҳамда руҳий фаолиятини ўзи онгли равишда назорат қилиб туришидан иборат ижобий сифати бўлиб, бу ташқи оламдан келаётган таъсирларга қарши реакция кўрсатиб, шахснинг ички психик ҳолати нормал тарзда барқарорлигини доимий равишда таъминлаб турувчи тушунча ҳисобланади. Ушбу масалага янада аниқрок ёндашадиган бўлсак, ўз-ўзини идора қилиш жонли тизимлар фаолиятини тартибга солиш даражаларидан бири ҳисобланиб, у воқеликни акс эттириш ва моделлаштиришнинг психик воситаларидан фойдаланиш билан характерланади. Шундай қилиб, психик ҳолатларда шахснинг ўз-ўзини идора қилиш субъектнинг хатти-ҳаракати ёки фаолиятини бошқариш ва унинг ҳозирги ҳолатини ўз-ўзини тартибга солишни ўз ичига олади. Бу ҳодисанинг бир неча талқинлари ҳам мавжуд. Булар:

- психик ҳолатда ўзини ўзи идора қилиш - бу шахснинг ўзига маълум бир сўзлар ва тегишли ҳаёлий тасвирлар ёрдамида ўзига кўрсатган таъсиридир;

- психик ҳолатда ўзини зи идора қилиш орқали, биз инсон организмининг ҳар томонлама фаолиятини, унинг жараёнларини, реакцияларини ва ҳолатларини мақсадли тартибга солиш учун бажариладиган ҳаракатни тушунамиз [5].

В.И.Моросанованинг фикрига кўра, ўзини ўзи идора қилиш инсоннинг турли хил ақлий фаолиятини ўз-ўзини ташкил этишда, шахснинг яхлитлиги ва инсоннинг шаклланишини таъминлайдиган интегратив психик ҳодисалар, жараёнлар мажмуидир [6]. Ўрганилаётган соҳасига қараб ўзини ўзи идора қилиш тушунчаси психология, фалсафа, педагогика, биология, социология ва бошқа фанларнинг предмети саналади.

**Хулоса**. Фалсафий, психологик, педагогик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, “руҳий ҳолат” психология фанида алоҳида илмий атама мақомига эга. Илмий билимларнинг умумий тизимида “руҳий ҳолат” тушунчасининг бир нечта хусусиятларини ажратиш ва кўриб чиқиш мумкин. Фалсафада “руҳий ҳолат” тушунчаси инсоннинг ўзи таъсир қила олмайдиган, аммо ҳозирги пайтда унинг барча ҳис-туйғулари, фикрлари ва истаклари сифатида талқин этилади. Инсоннинг руҳий ҳолати бизнинг мавжудлигимизнинг дастлабки асосидир. Фалсафий даражада “руҳий ҳолат” ифода кўриниши ва ҳодисанинг мавжуд бўлиш шакли диалектик бирлиги сифатида намоён бўлади. Психология доирасида психик ҳолат бу ҳодисаларнинг катта гуруҳини бирлаштирган махсус категориядир. Психик ҳолатлар ҳодисасининг кўп қирралилиги ва мураккаблиги уни ўрганишда турли хил ёндашувларнинг пайдо бўлишига ва шунга мос равишда тушунчанинг ўзига жуда кўп

таърифларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Юқорида келтирилган фикрлардан кўриш мумкинки, психик ҳолатларнинг шаклланиши шахс хусусиятларининг ривожланишига туртки беради. Шунингдек, инсонларда юзага келадиган турли ҳолатларда ўзини ўзи идора қилиш хусусияти энг зарур ва муҳим тушунча эканлиги эътироф этилади.

**Адабиётлар**


6. Аристотель. Руҳ тўғрисида. -Тошкент, 2016.-373 б.
7. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. -Тошкент, 2000. -576 б.
8. Ғозиев Э. Умумий психология. –Тошкент.: ЎзМУ. “Университет”, 2002
9. Ғозиев Э. Умумий психология. –Т., 2010, 20-30 бет.
10. Гримак Л.П., Звоников В.М., Сикрыпников А.И., Инсон оператив фаолиятида психик ўзини ўзи бошқариш // “Кибернетика муаммолари. Руҳий ҳолатлар ва фаолият самарадорлиги” // Таҳрир. Ю.М.Забродина. М.:СССР Фанлар академиясининг нашриёти, “Кибернетика” комплекс муаммоси бўйича илмий кенгаш, 1983 й.
11. Моросанова В.И. “Ўз-ўзини бошқариш ва инсоннинг индивидуаллиги. -Москва: “Наука”, 2010. -8-б.
12. Зигмунд Фрейд. Массалар психологияси ва инсоннинг ўзини таҳлил қилиши. 1921 йил
13. Левитов Н.Д. Руҳий ҳолатлар муаммоси. –Москва, 1964 йил.

**Алижон ҲАМРОЕВ**
Бухоро давлат университети доценти,
педагогика фанлари доктори

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ МЕТОДИК МУАММО СИФАТИДА

*Мақолада жаҳонда бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришнинг креатив механизмлари амалиётга татбиқ этилган. Халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар лингводидактика ва нутқий фаолиятни ривожлантириш, она тили дарсларида контрастив лингвистика, компетент ёндашувни фаоллаштиришга аҳамият қаратиб келмоқда. ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “сифатли таълим ижодий тафаккурни ва билимни рағбатлантиради, саводхонлик ва ҳисоб малакалари асосларини, шунингдек, таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал қилиш, фикрлаш ҳамда бошқа шахслараро ижтимоий муносабат кўникмаларини юқори даражада эгаллаш” га алоҳида эътибор берилмоқда. Халқаро миқёсда она тили таълимининг сифатини ошириш, ижодий фикрлаш, танқидий тафаккур, ўзини-ўзи баҳолаш, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.*

***Калит сўзлар:*** *фаолият, қобилият, тарбия, ўқувчи, таълим, ижодий фаолият, топшириқ.*

*В статье реализованы креативные механизмы проектирования творческой деятельности учащихся в мировом обучении родному языку в начальных классах. Международные организации и развитые страны придают большое значение развитию лингводидактики и речевой деятельности, контрастной лингвистики на уроках родного языка, активизации компетентностного подхода. В концепции международного образования, утвержденной ЮНЕСКО до 2030 года, особое внимание уделяется “качественному образованию, стимулирующему творческое мышление и знания, основам грамотности и навыков счета, а также высокому овладению навыками анализа, решения проблем, мышления и других межличностных социальных отношений”. На международном уровне особое внимание уделяется повышению качества обучения родному языку, формированию творческого мышления, критического мышления, самооценки, проектированию творческой деятельности учащихся.*

***Ключевые слова:*** *деятельность, способности, воспитание, ученик, образование, творческая деятельность, задание.*

*The article implements creative mechanisms for designing the creative activity of students in the world of teaching their native language in primary classes. International organizations and developed countries attach great importance to the development of linguodidactics and speech activity, contrast linguistics in the lessons of the native language, and the activation of the competence approach. The concept of international education, approved by UNESCO until 2030, focuses on " quality education that encourages creative thinking and knowledge, the basics of literacy and numeracy, as well as high mastery of the skills of analysis, problem solving, thinking and other interpersonal social relations”. At the international level, special attention is paid to improving the quality of teaching the native language, the formation of creative thinking, critical thinking, self-esteem, and the design of students ' creative activities.*

***Keywords:*** *activity, abilities, education, student, education, creative activity, task.*

**Кириш.** Дунёда бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини ташкил этиш, кичик мактаб ёшидан ўқувчилар шахсини ривожлантириш, уларнинг қобилияти, ахлоқий ва эстетик ҳиссиётларини тарбиялаш, ўқишга қизиқиши, хоҳиш ва истагини, ўзи ва ўз атрофини ўраб олган оламга ҳиссий муносабатни шакллантиришга қаратилган ўқув тузилмаларини ишлаб чиқиш, ўқувчининг интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи педагогик технологияларга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги давр методикасининг ижодий фаолиятга йўналтирилган концептуал илмий изланишлар предметини бошланғич синф ўқувчиларида ижодийликнинг ёрқинлашуви, ихтирочиликка қизиқиши, эртак, ҳикоя, қўшиқ, мусиқанинг образли

мазмунини тезда идрок этиши, ижодий имкониятларини назарда тутган тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини янги сифат босқичига олиб чиқишдаги ислоҳотлар бошланғич таълимдан бошлаб ўқувчиларнинг фан асослари бўйича билим ўзлаштиришга эҳтиёжини, асосий миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатини шакллантиришга зарур шарт-шароитларни яратиб, бошланғич синф ўқувчилари ижодий фаолиятини ташкил этишнинг педагогик ёндашувларини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Умумий ўрта таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, халқаро баҳолаш дастурлари асосида ўқувчиларда ўқиш, саводхонликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида она тили таълимининг сифати ва самарадорлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида ўрин ажратилмоқда. Бундай ёндашув она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришни назарда тутади. Бунга эса она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш ҳамда ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро мулоқотига асосланган таълим жараёнини ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқариш стратегияларини такомиллаштириш орқали эришиш мумкин.

**Асосий қисм.** Бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси дидактика, шунингдек, методика фанлари соҳасидаги янги, замонавий йўналиш бўлиб, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосини тадқиқ қилиш анъанавий мавзуларни ўрганишга нисбатан мураккаб кечади. Анъанавий мавзуларда илмий тадқиқот ўтказиш йўллари, воситалари, илмий жамоатчилик тан олган принциплар маълум даражада аниқланган, сайқалланган бўлса, она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришда қўлланиладиган тадқиқот усуллари ва воситалари тадқиқот объекти сифатида етарли ўрганилмаган, уларни аниқлаш тамойиллари таҳлил қилинмаган. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосида– билимларни, эмпирик қарашларни “таълим”, “ижодий фаолият”, “лойиҳа”, “лойиҳалаштириш” каби категориялар воситасида баён қилиш “моҳиятдан воқеликка”, “воқеликдан моҳиятга” ўтишни тақозо қилади. Моҳиятдан воқеликка ўтиш – бу ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш бўйича мавжуд билимлар, фаолиятда ишлатиладиган тажрибалардан янги билимларга, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришнинг такомиллашган тажрибасига қараб боришни англатади. Воқеликдан – биз таклиф қилаётган она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш технологиясидан моҳиятга ўтиш – бу янги тажриба хусусиятлари, ишлатилган усул, восита, риоя қилинган принциплар асосида таълимни лойиҳалаштириш муаммосининг ривожланган шаклидир[1].

Бизнингча, ижодий фаолият – ўқувчиларни фаоллаштирувчи ва янги, оригинал ва амалда маълум бир қимматга эга бўлган фаолият олиб боришга қаратилган ўқитувчи раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва бажариладиган ўқув вазифасидир.

Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси тўғрисидаги тасаввурларни умумлаштириш ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришнинг таркиби, педагогик амалиётдаги ўрни, уни ҳал этиш каби қатор саволлар мазкур мавзунинг ўрганилишига методик асос вазифасини бажаради. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси ташкилий тизим бўлиб, ўзига хос қатор сифатларга эга: энг аввало, она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш дидактика ва хусусий методика фанлари соҳасида ўтказиладиган тадқиқотлар билан узвий боғлиқ.

Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш ташкилий тизим сифатида тадқиқотчининг иродаси, маҳорати, лойиҳалаштириш бўйича эгаллаган билимлари, орттирган тажрибасига боғлиқ. Она тили ўқув предметини ўқитишда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш учун ўқув материалларини ўрганиш тизими, ҳар бир мавзуга оид ўқув элементлари ажратилади, ўқувчиларнинг реал билиш имкониятлари ўрганилади. Шу асосда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш хусусиятлари аниқланиб, уларни яратишда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш принциплари, усуллари, воситалари, меъёрлари ишлаб чиқилади.

Дидактик ва методик тадқиқотларда, дастлаб, ўтказиладиган тадқиқот, унинг натижасида эришиладиган билимлар, айни ҳолатда она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини

лойиҳалаштириш муаммосининг таркибини ўрганишда қатор афзалликлар мавжуд. Бундай таҳлил тадқиқотчининг муаммо тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаштириш, мавзу долзарблигини атрофлича англашини таъминлайди.

Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш тўғрисида фикр юритилганда унинг икки хил маъносини фарқлаш керак:

1. Она тили таълими мазмуни ва билим, кўникма, малака ва компетенциялар тизими. Бунда она тили таълимини лойиҳалаштириш, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ўқув топшириқлари мақсадини ажрата олишлари, ўқув топшириқлари таълим жараёнининг дидактик мақсадларига мослиги, ўқув топшириқлари билан ўқув материалини ўқитиш мақсади ўртасидаги мувофиқлик, ўқув топшириқларида таълимнинг тараққий эттирувчанлик ва тарбиявий мақсадларини қамраб олиши каби элементлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифа ва воситаларга эга.

2. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш жараёни. Лойиҳалаш педагогик жараённи ташкил этиш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминловчи муҳим шартларидан биридир.

Педагогик жараённи лойиҳалашда:

-педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш;

-натижаларни олдиндан кўра билиш;

-режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифалар бажарилади [3]. Бу босқичда ўқитувчининг мустақил, шу билан бирга ўқувчи билан ҳамкорликда ўқув жараёнининг мазмуни, воситаларини белгилаш асосида лойиҳалаштирилган фаолият етакчи ўрин тутади. Демак, педагогик жараённи лойиҳалаш – “лойиҳа → мазмун → фаолият” учлиги асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишдир [2]. Лойиҳалар предмет ва унинг йўналишига кўра бир-биридан фарқланади. Лойиҳаларда педагог томонидан кетма-кет амалга оширилувчи ва ташхиснинг қўйилиши билан якунланувчи таҳлилий фаолият; олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш каби ижодий фаолиятлар намоён бўлади. Ташхис, олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш ҳар қандай педагогик вазифани ҳал этишнинг ажралмас учлиги ҳисобланади. Лойиҳанинг мақсади олдиндан қоғозда тақвим режа, қисқача ёзма баён сифатида акс эттирилади. Стратегик, тактик ва оператив вазифаларнинг самарали ҳал этилиши лойиҳалаш технологиясининг сифатига боғлиқ.

Педагогик жараённи лойиҳалашда педагогнинг фаолияти, педагогик воситаларни қўллаш мазмуни ва имкониятигина ҳисобга олинмаслиги керак. У асосан алоҳида ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи томонидан ташкил этилувчи фаолият мазмунини ёритиши зарур.

Педагогик таълим назариясида лойиҳалаш муаммосини ишлаб чиқишда у "фаолият" тушунчаси билан узвий боғланган ва фаолиятнинг тахминий вариантларини яратиш ҳамда унинг натижаларини ташхислашдан иборат, деб қаралган тадқиқотлар алоҳида ўрин тутади[4]. Мазкур фаолиятда асосан лойиҳалаш ғоялари ва унинг ечимларини генерациялаш, ишлаш ва интеграциялаш лойиҳалашнинг ижобий натижаси саналади.

Бизнинг тадқиқотимизда лойиҳаловчи бошланғич синф ўқитувчиси саналади. У фақат фаолият усуллари ҳақидаги билими, тажрибаси, фикрлаш тарзи, воқеликка ҳиссий-қадриятли муносабати орқали ижобий натижага эришиши мумкин[5]. Лойиҳалашда муайян педагогик технологик вазифаларни ҳал қилиш натижаси ифодаланган бўлиб, муайян ғояни яратиш, конструкциялаш ва амалиётда фойдали натижагача етказишни кўзда тутади [6]. Шунга кўра, ушбу тадқиқотда лойиҳалаш таълимнинг технологик жараёнини лойиҳалаш, ташкил қилиш ва таҳлил этишни ўз ичига олган касбий-педагогик фаолият тури сифатида тавсифланади.

Аёнки, лойиҳалаш фаолияти тузилмасида фаолиятнинг икки даражаси кузатилади: лойиҳалашнинг лойиҳа кўринишидаги янги билимларни яратишни кўзда тутадиган ижодий характери; илғор педагоглар тажрибасини ўрганиш асосида яратилган лойиҳада педагог шахсини акс эттирадиган лойиҳалашнинг индивидуал характери. Лойиҳалаш фаолиятини педагогнинг касбий компетенциясининг педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ва амалий тайёргарлиги бирлигини ифодалайдиган ва касбий сифатини тавсифлайдиган қисми сифатида қараш зарур [7]. Лойиҳалаш фаолиятига назарий тайёргарлик - лойиҳалаш кўникмалари ва компетенциялар мажмуини юқори даражада эгаллаганлик ҳисобланади. Г.Е.Муравьева лойиҳалаш кўникмаларига дидактик жараён ривожининг натижасини олдиндан кўра билиш сифатида ташхислаш; лойиҳани амалга оширишни режалаштириш; моддий воситаларни яратишга доир технологик жараённи конструкциялаш; объект ҳақида янги ахборот олишни моделлаштириш масалаларини киритади [8].

В.А.Сластенин, Н.В.Кузьминалар лойиҳалаш фаолиятига назарий тайёргарлигини белгилайдиган компетенциялар мажмуига педагогик фаолиятни ўз-ўзини такомиллаштиришни

таъминловчи рефлексив; ўзининг методик даражасини ошириш қобилиятини ривожлантирувчи когнитив; ахборот олиш ҳамда уни қўллашга оид кўникма ва малакаларни шакллантирувчи маърифий; оғзаки ва ёзма мулоқот технологиясини ривожлантирадиган коммуникатив; ўзининг касбий компетентлиги моҳиятини англашга йўналтирадиган ижтимоий компетенцияни киритади. Лойиҳалаш кўникмалари ва компетенциялар мажмуи амалда лойиҳалаш компетентлигини эгаллашга олиб келадиган фаолиятнинг ҳам ижодий, ҳам индивидуал даражалари очилишини таъминлайди [9].

Лойиҳалаш таълимнинг ижтимоий, педагогик мақсадларга таянган ҳолда педагогик жараённи акс эттирувчи умумий стратегия ҳисобланади. Лойиҳалашда ўқув режаси, дастурлари, дарслик, методик тавсиялар ва бошқа ўқув қўлланмалар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Педагогик вазиятни тўлақонли англаш ҳамда вазифаларнинг аниқ ва тўғри белгиланиши педагогик жараённи самарали ҳал этишнинг муҳим шартидир [9].

Педагогик мақсад педагогик жараённи ташкил этишга тайёрланиш босқичида педагогик вазифа сифатида қабул қилинади. Педагогик фаолиятнинг муваффақияти турли вазифалар моҳиятининг бир йўла ёки бирин-кетин англанишига боғлиқ. Педагогик фаолият учун умумий бўлган вазифаларни белгилаб олиш муҳимдир.

Агар педагогик вазият етарли даражада тўғри англанмаса, у ҳолда педагогик вазифаларни ҳал этиш йўллари ҳам тўғри белгиланмайди. Эндигина касбий фаолиятни бошлаган ўқитувчи тажрибасизлигидан педагогик вазиятни тўғри англаш, вазифаларни тўғри белгилаш малакасига эга бўлмайди. Шу сабабли, улар ўзларича йўл тутадилар ва педагогик вазифани дарҳол ҳал этмоқчи бўладилар, натижада жиддий хатога йўл қўйилади. Аммо айрим ҳолатларда тажрибали педагоглар ҳам педагогик вазиятни тўғри англашга эътиборсиз қарайдилар. Натижада, педагогик фаолиятда номутаносиблик вужудга келади: педагог ўз фаолиятининг педагогик мақсадларнинг ҳал этилишини таъминлай олиш-олмаслигини ўйлаб ўтирмай, ўқувчиларни фаоллаштиради, кўргазмали қуроллардан фойдаланади, билимларни назорат қилади. Педагогик фаолиятнинг яна бир номутаносиблик томони шундаки, кўпчилик педагоглар педагогик вазифаларни иккинчи даражали, функционал, ўткинчи вазифаларга алмаштирадилар ва фақат уларгагина ўз диққатларини қаратадилар [10].

Педагогик вазифани англаш мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш ва ташхис қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Маълумотларнинг таҳлили вазият ўрнини аниқлашдан ташқари, бутун педагогик жараёнда тарбиячи, тарбияланувчи ва улар ўртасидаги муносабат ҳамда таълим мазмуни, самарали восита ва педагогик шарт-шароитлар каби асосий таркибий қисмларни аниқлашга йўналтирилган бўлиши лозим.

**Муҳокама ва натижалар.** Маълумотларнинг таҳлили педагогик жараён моҳияти, жамоа ва алоҳида ўқувчилар ҳаракатлари ҳолатини аниқ вазиятларда режали ўрганиш каби илмий далилларга эга бўлишга ёрдам беради. Ушбу далиллар амалий фаолият асосини ташкил этади. Мавжуд далиллар педагог фаолият жараёнининг кечиши ва кутилган натижанинг кафолатланишини ташхислашга имкон беради. Бизнинг назаримизда, мазкур ўринда "ташхис" тушунчасининг моҳиятини ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ташхис (грекча diagnostikos – тез англаб олиш) дастлаб тиббиётда қўлланилган тушунча ҳисобланиб, касаллик моҳияти ва бемор ҳолати, унинг ҳар томонлама изчил ўрганилишини англатувчи врач хулосаси сифатида эътироф этиб келинган [11]. Сўнгги йилларда "ташхис" тушунчаси амалий педагогикада ҳам кенг қўлланилмоқда.

Педагогик ташхис – педагогик жараённи унинг умумий ҳолати, шунингдек, таркибий қисмларини ҳар томонлама, яхлит текшириш орқали баҳолашдир[12].

Малакали педагогик ташхиснинг зарурияти ўқитувчидан ўқувчи шахсини ўрганиш методлари ва махсус методикаларни, жамоа, шунингдек, яхлит педагогик жараён хусусиятларини чуқур ўрганишни талаб этади. Ташхис қўйиш таълим (ёки тарбия) мақсад ва вазифаларини ҳал этишнинг умумий талаби ҳисобланади. У мақсадларнинг аниқлиги, бир хиллиги, уларни бажариш усуллари, ўлчаш ва баҳо бериш билан чамбарчас боғлиқ.

Педагогик ташхис асосини ўқувчи шахсини ҳар томонлама билиш, жамоа сифатида синфнинг хусусиятларини ўрганиш, аниқ педагогик вазиятларда маълумотларни таҳлил этиш каби ҳолатлар ташкил этадики, улар таълим жараёнини лойиҳалашнинг кейинги муҳим босқичига ўтиш, яъни педагогик жараённи олдиндан кўра билиш имконини яратади. Бу ҳолат педагогик мақсаднинг шаклланишига олиб келади ва мақсад асосида пухта ўйланган педагогик вазифаларни белгилаш имконини беради. Шахснинг ривожланиш даражаси таълим мақсадлари билан уйғун бўлгандагина педагогик мақсадга эришмасликнинг олдини олишга эришилади. Яъни ўқитувчи томонидан қўйилган педагогик мақсад мазкур тизимнинг муҳим омили сифатида қаралади.

Келтирилган таҳлилга асосланган ҳолда она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосини тизимли тадқиқ қилиш учун қуйидаги муаммоларни белгилаймиз:

-бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришни методик муаммо сифатида ўрганиш;

-бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришни жараён сифатида таҳлил қилиш;

-бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришда таълим субъектлари фаолиятини моделлаштириш;

-бошланғич синф она тили ўқув предметига доир лойиҳалаштириш воситаларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш;

-бошланғич синф она тили ўқув предмети бўйича лойиҳавий таълимнинг самарадорлигини ўрганиш;

-бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришга оид муаммолар қайд этилгач, уларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиш, таркибий қисмларини аниқлашга эҳтиёж туғилади.

Фаннинг тадрижий тараққиётида ижод муаммосини ўрганиш аста-секин психологиядан педагогика (дидактика)га, ундан методика соҳасига кўча бошлади. Натижада умумий дидактика ва методика соҳасида илмий изланишлар ўтказилди. Қатор илмий тадқиқотларда таълимда ўқувчилар фаоллиги ва мустақиллиги муаммоси кенг ўрганилди.

М.И.Махмутов[9] муаммоли таълимнинг назарий ва амалий томонларини ўқувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллиги билан алоқадорликда ўрганган. Муаммоли таълимнинг мақсади, - деб ёзган эди М.И.Махмутов,-“ўқувчиларнинг билув мустақиллигини шакллантириш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришдан иборат”.

Б.Р.Адизовнинг тадқиқот ишида ижодий таълимни ташкил этиш – бу ўқув материали билан ўқув фаолияти ўртасидаги алоқаларни юзага чиқаришдир. У ўқувчи ва ўқув материали ўртасидаги тўрт хил алоқа турини тасниф этган: мазмунли алоқа; мақсадли алоқа; функционал алоқа; воситавий алоқа [20]. Бу алоқаларнинг амал қилиши учун ўқувчининг таълим жараёнидаги мақомини ўзгартиришга эҳтиёж туғилади. Шу туфайли тадқиқотчи таълимда ўқувчиларнинг фаол иштирокини, уларнинг ўқув-билув фаолиятини асосли таҳлил қилган. Ушбу тадқиқотда болаларнинг ўқув-билув фаолияти таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида қаралиб, ўқувчи ижодкорлигининг қатор тамойиллари ажратилган: зиддиятлилик, онглилик, мустақиллик, фаоллик, сабабиятлилик [20]. Таҳлил қилинаётган тадқиқотда фаолият кенг таҳлил қилиниб, унга қуйидагича таъриф берилган: “Фаолият – ижтимоий қимматли мотивларга кўра мақсадга йўналган, ўзига оид воситалар асосида маълум натижа билан якунланадиган хатти-ҳаракатлар тизими” [20].

Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш қуйидагиларга имкон беради:

- ўқувчиларда билиш эҳтиёжини шакллантиради;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради;
- ўқувчиларда фанни ўрганишга қизиқишни оширади;
- ахборот билан ишлашни ўрганишга бўлган иштиёқни оширади;
-дунёни илмий билишнинг ҳозирги замон методлари билан таништиради;
- таълимда ўқувчининг индивидуаллик даражасини оширади;
- ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради;
- материаллар мазмунининг хилма-хиллигини таъминлайди;
-она тили таълимида фойдаланиладиган ўқув материаллари доирасини кенгайтиради;
- ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилиши, яъни баҳолаш жараёнининг омилларини кенгайтиради ва ҳ.к.

Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш, аввало, онгда лойиҳаланади. Бу жараёнда ўқувчи бажариши мумкин бўлган барча ишлар инобатга олиниши шарт. Ҳар қандай дарс маълум таълим моделига асосан ташкил этилади. Таълим моделларини лойиҳалаштириш имкониятларини ўрганиш ва улардан мақсадга мувофиқларини танлаш таълим самарадорлигини оширади.

**Хулоса.** Юқорида баён қилинган концепцияга мувофиқ она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосини тадқиқ қилишда уч асосий йўналишни ажратамиз: биринчи йўналиш — таълим субъектлари — ўқитувчи ва ўқувчиларнинг “лойиҳавий таълим”ни амалга оширишга оид ишларни қамраб олади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг лойиҳавий

таълим ҳақидаги тасаввурларини шакллантирмасдан туриб, таълимнинг самарадорлигини таъминлаб бўлмайди. Иккинчи йўналиш таълим мазмунига, айни ҳолатда она тили ўқув предмети мазмунига педагогик ишлов бериш ва лойиҳалаш жараёни билан дахлдор. Бу йўналишга кўра лойиҳалаш воситасида таълимни ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш принцип, восита, методларини ўрганишни қайд этамиз. Учинчи йўналиш “она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш таълимнинг энг самарали воситаси” деб қараш билан боғлиқ тасаввурлардир. Шу тасаввур бўйича ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш ўқув ишларининг сифатини яхшилаб, самарадорлигини ошириш шарт-шароитларини ўрганишни тушунамиз. Қайд қилинган йўналишлар бўйича тадқиқотни ташкил этиш ва ўтказиш, шубҳасиз, она тилини ўқитишни лойиҳалаштиришнинг назарий асосларини баён қилишга олиб келади.

Шундай қилиб, бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси таркибан таълим мазмунини ижодий ўрганишни ташкил қилиш, ижодий ўзлаштириш, ижодий қобилиятларни тарбиялаш масалаларини қамраб олади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Kamroev A. STUDENTS’CREATIVE ACTIVITIES IN DESIGNING MOTHER TONGUE EDUCATION //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 7. – С. 285-296.
2. Khamraev A. R. Modeling Teacher's Activity in Designing Students’ Creative Activities //Eastern European Scientific Journal. – 2019. – №. 1.
3. Azimov Y. Hamroyev A //Husnixat va uni oqitish usuliyoti (Maruza matnlari). Buxoro, 2003,-52 bet. – 2003.
4. Hamroev A. R. MODELING ACTIVITIES OF TEACHERS WHEN DESIGNING CREATIVE ACTIVITIES OF STUDENTS //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – Т. 7. – №. 10.
5. Adizov B. R., Khamroev A. R. MODELING ACTIVITIES OF TEACHERS WHEN DESIGNING CREATIVE ACTIVITIES OF STUDENTS //ILMIY XABARNOMA. – С. 69.
6. Avezmurodovich O. R. Difficulties in learning to write and read left-handed children //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (8), 40. – 2020. – Т. 45.
7. QO’LDOSHEV R. Chapaqay bolalarni maktabga qanday tayyorlash kerak //Pedagogik mahorat. Ilmiy-nazariy va metodik jurnal Buxoro 2020-yil, 3-son 145-147 b.
8. Quldoshev R. A. Assistant pedagogue to children left-handed reading in the last year //Globe Edit. – 2020.
9. Hamroyev R. A., Qoldoshev A. R., Hasanova A. M. Methods of teaching 1st grade students to use writing tools effektively //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – Т. 10. – №. 1. – С. 168-174.
10. Avezmurodovich Q. R. Psychological aspects of left-handedness: Concept, causes, and peculiarities //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 623-631.
11. Qoldoshev A. R., Yodgorova F. G. How to find out right or left //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – Т. 10. – №. 1. – С. 154-163.
12. Hamroyev R. A., Qoldoshev A. R., Hasanova A. M. Methods of teaching 1st grade students to use writing tools effektively //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – Т. 10. – №. 1. – С. 168-174.
13. Avezmurodovich, Qoldoshev Rustambek. "Psychological aspects of left-handedness: Concept, causes, and peculiarities." *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11.1 (2021): 623-631.
14. Avezmurodovich, Qoldoshev Rustambek. "Psychological aspects of left-handedness: Concept, causes, and peculiarities." *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11.1 (2021): 623-631.
15. Xoliqulovich J. R. Toponymics-a Linguistic Phenomenon in The Work of Sadriddin Aini //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 8.
16. Avezmurodovich Rustambek Qo’ldoshev, & G’aforovna Habiba Jumayeva. (2021). Forming Writing Skills in Left-Handed Students. *Middle European Scientific Bulletin*, *10*(1). https://doi.org/10.47494/mesb.2021.10.309

17. Qo‘ldoshev A. R. PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF LEFT-HANDEDNESS: CONCEPT, CAUSES, AND PECULIARITIES //Psychology and Education Journal. – 2021. – Т. 58. – №. 1. – С. 4981-4988.

18. Qo’ldoshev A. R. et al. Forming Writing Skills in Left-Handed Students //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 10. – №. 1.

19. Kasimov F., Kasimova M., Uktamova D. Specific principles for constructing a system of educational tasks //Bridge to science: research works. – 2019. – С. 211.

20. Muxammedovich Q. F., Muxammedovna Q. M. TECHNOLOGY OF WORK ON COMPARISON TASKS //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – Т. 7. – №. 12.

21. Qosimova M. M., Kasimov A. A. On some typical problems to be solved in primary schools //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 502-517.

22. Сайфуллаев Г. М., Алимова Л. Х., Ходиев Б. О. У. ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ИХТИОФАУНЫ ВОДОЕМОВ НИЗОВЬЕВ Р. ЗАРАФШАН //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 12-3 (90).

23. Polatovna A. Y. Psychological characteristics of speech cultivation by working on the text in primary school reading lessons //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 490-501.

24. Pulatova A. Y. Scientific and Theoretical Foundations of an Integrative Approach to the Formation of Literary Concepts in Primary School Students //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 8.

25. Asadovna Y. Psychological Characteristics of Speech Cultivation by Working on the Text in Primary School Reading Lessons //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 437-446.

26. Juraeva D. IMPROVE THE METHODOLOGICAL TRAINING OF FUTURE TEACHERS TO DEVELOP STUDENTS'CREATIVE ABILITIES USING NON-STANDARD TASKS //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2020. – Т. 8. – №. 3.

**Maftuna HAMROYEVA**
Buxoro davlat universiteti
boshlang‘ich ta’lim metodikasi
kafedrasi o‘qituvchisi

**Mohinur QUVONDIQOVA**
Navoiy davlat pedagogika instituti
2-bosqich magistranti

## BOSHLANG‘ICH TA’LIMDA INNOVATSION YONDASHUV

*Ushbu maqolada o‘quv jarayoniga o‘quvchilarning yondashuvida innovatsion yangiliklarning ahamiyati ilmiy tadqiq etiladi. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalandi.*

***Kalit so‘zlar**: til, innovatsiya, metod, interfaol, axbarot, pedagogika, novator, yangilik, kompyuter, innovator, mexanizm, kommunikatsiya, g‘oya.*

*В данной статье проводится научное исследование значения инновационных технологий в подходе учащихся к образовательному процессу. Научные мысли были обобщены на основе фактов.*

***Ключевые слова:** язык, инновация, метод, интерактив, учение, педагогика, новатор, инновация, компьютер, новатор, механизм, коммуникация, идея.*

*In this article, the importance of innovation in the students ' approach to the educational process is investigated scientifically. Scientific opinions were based on conclusions.*

***Key words**: language, innovation, method, interactive, intelligence, pedagogy, innovator, innovation, computer, innovator, mechanism, communication, idea.*

**Kirish**. Innovatsiya – (inglizcha “Innovation” – yangilik kiritish) – tizim ichki tuzilishini o‘zgartirish, amaliyot va nazariyaning muhim qismi. Pedagogik yangilik esa pedagogik faoliyatda ilgari ta’lim jarayonida noma’lum bo‘lgan o‘zgarishlarni kiritish orqali ta’lim va tarbiyaning nazariy va amaliy jihatini boyitish va uni rivojlantirish vositasidir. Bundan anglashiniladiki, innovatsion jarayon yangilikning kiritilishi va shart–sharoitlari, tizimni yangi ko‘rsatgichlarga muvaffaqiyatli o‘tishini ta’minlovchi o‘zgarishdir. Demak innovatsiya innovatsion o‘zgarishlarga tayyorgarlik ko‘rish va uni amaliyotga kiritish jarayonidir. O‘qituvchi innovatsion faoliyatining eng muhim va markaziy masalasi o‘quv jarayonini sifatli va samarali tashkil etishdan iborat. Bu faoliyat shaxsan o‘qituvchini o‘zigagina taalluqli bo‘lib qolmay, bir qator shaxs, guruh, omma, institutsion mashtabda ham bo‘lishi mumkin.

**Asosiy qism.** Innovatsion ta’lim tizimi hozirgi davrda ta’lim sohasining barcha jabhalarida mutaxassislarning e’tiboriga tushib jadal rivojlanib borayotgan bilimlar tizimidir. Uning ta’limiy ahamiyatini anglagan pedagoglar shu bois an’anaviy ta’limda ilg‘or innovatsiyalardan foydalanib ta’limni tashkillashtirayaptilar. Hozirgi kunda rivojlanib borayotgan mazkur yangi ta’lim shaklining asosiy vazifasi hukmron bo‘lib turgan butun o‘quv tarbiya tizimi nazariyasini innovatsiya asosida qayta tashkil etib o‘zlashtirishdir. Innovatsiyaning asosiy tushunchalari sifatida yangilik, g‘oya, vosita (yangi metod)larni olish mumkin.

Yangilikni uzatish, undan foydalanish yo‘li hamda aniq maqsadga yo‘naltirish bilan odamlar ehtiyojini zamonaviy vositalar bilan ta’minlash mumkin. Albatta, bu kabi yangiliklar qandaydir sifat o‘zgarishlariga olib keladi. Bu esa o‘z navbatida pedagogik ish faoliyatini sifat va samaradorlikni ta’minlashga, ta’limning jamiyatdagi hayotiy talablarga javob berishini yaqqol ko‘rsatishni ta’minlaydi. Innovatsiyaning maqsadi – sarflanayotgan mablag‘ va kuchdan eng yuqori va sifatli natija olishdan iborat. Innovatsion muhit – bu pedagogik jamoada, umuman, ta’lim muassasasida shunday ijodiy, samimiy, do‘stona sharoit tug‘diradiki, unda o‘qituvchi o‘zini erkin his qiladi, jamoada ichki intilish, moddiy, ma’naviy qiziqish yuqori darajada bo‘ladi. Bu kabi muhitda o‘qituvchi ijodiy fikr yuritishga, ishlashga tayyor novatorga aylanadi. Novator – yangilikni qabul qilish va amalga oshirishga tayyor shaxs. U o‘zining shaxsiy pedogogik amaliyotida doimiy yangilik izlaydi, o‘zlashtiradi, qo‘llaydi. Innovatorlar yangilklardan yaxshi xabardor va ular bilan kommunikativ muloqot o‘rnatadi. O‘quv jarayonining taraqqiyoti va rivojlanishi uchun yangiliklarni loyihalaydi, qayta ishlaydi hamda zarur hollarda izlab, tanlay oladi.

Zamonaviy axborot texnologiyalari, kompyuterlashtirish va kompyuter tarmoqlari negizida ta’lim jarayonini axborot bilan ta’minlash rivojlanib boradi. Natijada o‘quv faoliyat jarayoni ham yangilikka muhtoj bo‘lib qoldi. Bu holatdan chiqish uchun darslarni innovatsion texnologiyalar asosida tashkil etish, o‘qituvchining bu faoliyatga tayyorlik darajasini oshirish zamonning dolzarb masalalaridan biri sanaladi. Boshlang‘ich ta’lim o‘quv jarayonida, jumladan, taraqqiylashgan, innovatsion talablarga javob bera oladigan darslarda o‘quvchilarni amaliyot orqali nazariy fikrlash, idrok etish jarayoniga tayyorlash mumkin. Bunday o‘quv tizimini o‘quvchiga tegishli qiziqish uyg‘otmasdan amalga oshirish mumkin emas, albatta. Shuning uchun bosh vazifalardan biri sinfda innovatsiyalashgan o‘quv jarayonini amalga oshirish uchun har bir

o‘quvchida shu o‘quv tizimiga qiziqish uyg‘otish hisoblanadi. Agar o‘quvchi o‘z oldiga qo‘yilgan vazifani bajarishdan maqsad nimaligini bilmasa, o‘z imkoniyatlarini to‘la namoyon qila olmaydi. Takomillashgan o‘quv tizimida o‘quvchi istaklari bilan tavsiya etilgan mavzu mos kelmasligi katta qiyinchiliklar tug‘dirdi. Ba’zida o‘qituvchilar o‘tayotgan darslarida dastur mavzularini o‘quvchida boshlang‘ich istak asoslariga mos ravishda amalga oshirishda qiynaladilar. Bunda innovatsion texnologiyalar ular uchun zaruriy ko‘mak bo‘lib xizmat qiladi.

**Muhokamalar va natijalar.** Boshlang‘ich ta’lim 3-sinf ona tili darsligidagi 15-mashqni innovatsion texnologiya orqali quyidagicha tashkil etish mumkin.

1. Bunda quyidagi so‘zlar o‘quvchilarga eshittiriladi: *maktab, yashil, boshlayapti, tadbirkor, yozdi, qog‘oz, keng, vazifa, oppoq, o‘qiyapti, soat, chizadi, xirmon, ishlaydi, fermer, chiroyli.* Ular eshitib esda qolgan so‘zlarni yozishadi. So‘ng o‘qituvchi shu so‘zlarni rasmlar orqali kompyuterda ko‘rsatib beradi. O‘quvchilar nima tasvirlanganini yozishadi hamda o‘zlari eslab yozgan so‘zlarini shu so‘zlar bilan qiyoslashadi.

2. Bu mashqni yana quyidagicha bajartirish ham mumkin: bunda so‘zlar bir ustunda ularning so‘rog‘i esa ikkinchi ustunda ifodalangan oyna ochib beriladi. O‘quvchilar esa o‘zaro muvofiq so‘zlarni topishadi. Hamda shu so‘zlardan foydalanib tuzilgan gaplarni ajratib olishadi. Mana shu gaplardan foydalanib mustaqil matn yaratishadi.

3. O‘quvchilarga qisqa lavhalar yoxud multifilmlar ko‘rsatiladi, o‘quvchilar esa ularga mos mavzu tanlashadi. Mavzu nomlari yuqorida berilgan so‘zlar ichidan tanlab olinadi.

4. So‘zlardagi harflar tartibsiz ko‘rinishda alohida-alohida oynalar orqali o‘quvchilarga ko‘rsatiladi. Ular esa bu tartibsiz harflardan kerakli so‘zlarni topishadi. Hamda ularni o‘zaro bog‘lab gaplar aytishadi.

Bu kabi innovatsion texnologiyalarga asoslangan o‘quv jarayoni o‘quvchilarda diqqat, ijodkorlik, faollik, topqirlik kabi xususiyatlarni shaklllantiribgna qolmay, rivojlantirishga ham xizmat qiladi. Boshlang‘ich ta’lim umumta’lim maktablarining bosh bo‘g‘ini bo‘lgani sababli ana shu jarayonda o‘quvchi shaxsining mukammal rivojlanib borishiga ko‘proq e’tibor berish lozim. Shu o‘rinda, albatta, boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining mas’uliyatlari cheksizdir. Ular maktab ostonasiga endigina qadam qo‘ygan o‘quvchilarni maktab hayotiga ko‘niktirib, zamonaviy bilim olishlariga yo‘l ochib beradilar. Bolalarning o‘qishga munosabatlari, aqliy salohiyatlari ana shu davrda shakllanadi. Bu ham boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining vazifasi mas’uliyatli ekanligini ko‘rsatadi.

Pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etilgan darslar tashkiliy usullari, o‘tkazish metodlariga ko‘ra o‘quvchi ehtiyojiga mos tushishi kerak. Chunki bunday darslar bola ruhiyatiga yaqinroq bo‘ladi. O‘quvchilarning o‘quv materiallarini o‘zlashtirishga bo‘lgan qiziqish, xohish va istaklarini uyg‘otish asosida maqsadga erishish motivatsiya bo‘lib, bu o‘qituvchi va o‘quvchilarning o‘zaro ichki yaqinlashuvidir.

O‘qitish jarayoni o‘qituvchi hamda o‘quvchilar faoliyatini o‘z ichiga oladi. O‘qituvchining faoliyati o‘quv materialini bayon qilish, o‘quvchilarning fanga bo‘lgan qiziqishini orttirish, fikrini teranlashtirish va e’tiqodini shakllantirish, o‘quvchilarning mustaqil mashg‘ulotlariga rahbarlik qilish, ularning bilim, ko‘nikma va malakalarini tekshirish hamda baholashdan iborat. O‘z ishiga ixlos bilan qaragan o‘qituvchida chinakam ehtiros bo‘ladi.

Boshlang‘ich sinf ta’lim jarayonida o‘quvchilarning o‘qish motivini rivojlantirish katta ahamiyatga ega. Chunki motiv o‘quvchilarni ta’lim jarayoniga qiziqtiradi, darslarda faol qatnashishga, bilimlarni egallashga undaydi. Innovatsion texnologiyalar o‘qish motivini rivojlantirishga katta yordam beradi. Boshlang‘ich sinflarda ko‘proq bolalarning yoshini, bilim saviyasini hisobga olish lozimligini unutmaslik kerak. Ularga oddiy, oson va vaqt kam sarflanadigan o‘yin mashqlardan foydalanib darslar o‘tish yaxshi samara beradi. Ko‘proq atrof-muhit bilan bog‘lab o‘tilgan mashg‘ulotlar bolalar ongini, dunyoqarashini, erkin fikrlash, bayon etish qobiliyatini, mustaqil ishlash ko‘nikmasini rivojlantiradi. Innovatsion texnologiyalardan dars jarayonida foydalanishning o‘ziga xosligi shundaki, ular o‘qituvchi va o‘quvchilarning birgalikdagi faoliyati orqali amalga oshiriladi.

**Xulosa** qilib aytganda, innovatsion texnologiyalardan foydalanib o‘tilgan darsda o‘quvchilar o‘z qobiliyati va imkoniyatlarini namoyish qilishga erishadilar, jamoa bilan ishlash malakasiga ega bo‘ladilar, o‘zgalar fikrini hurmat qilishni o‘rganadilar. Bu esa, darsning samaradorligini oshirib, ta’lim sifatini kafolatlashga xizmat qiladi. Ta’lim jarayonida innovatsion texnologiyalarni faol qo‘llash, ta’lim samaradorligini oshirish, tahlil qilish va amaliyotga joriy etish bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir.

## Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori. - T.: “Sharq”, 1998

2. Abduqodirov A.A., Begmatova N.X. Maktabgacha ta'lim muassasalarida multimedia texnologiyasidan foydalanish uslubiyoti (o'quv-uslubiy qo'llanma). – Qarshi: "Nasaf", 2011.

3. Alimov N. Maktabgacha yoshdagi bolalarni matematik ta'limga tayyorlash. Maktabgacha ta'lim. – T.: "Fan", 2005.

4. Axmedova M. Maktabgacha yoshdagi bolalarning o'zlashtirish darajasini aniqlash va tahlil qilish. Bola shaxsini rivojlantirishning dolzarb muammolari mavzusidagi II xalqaro anjuman. – T., 2008.

5. Hamroyeva M. The literary of anthroponyms. EPRA International Journal of Research & Development (IJRD). 2020 EPRA IJRD.

**Юлдуз ПЎЛОТОВА**
Бухоро давлат университети
бошланғич таълим методикаси
кафедраси ўқитувчиси

# КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИШ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

*Мақолада дарсда ўқувчиларнинг фаоллигини оширадиган, тасаввурларини бойитадиган усуллардан фойдаланиш, асарларни жанр мазмунидан келиб чиқиб, ролларга бўлиб ўқитиш, қаҳрамонлар номидан қайта ҳикоя қилиш, қаҳрамоннинг тақдири ҳақидаги ҳикояни давом эттириш, қизиқарли мавзуларда оғзаки ҳикоя туздириш каби ижодий топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.*

*Ўқиш дарсларини ўқувчиларда гўзалликка муҳаббат уйғотадиган, поклик туйғуларига озуқа берадиган, ҳиссиётни ўткирлаштирадиган, ақлни, фаҳм-фаросатни чархлайдиган, тасаввурларни бойитадиган, эстетик дидни ўстирадиган мусиқа ва тасвирий санъат фанлари билан узвий боғланган бўлиши керак. Ўқиш, мусиқа ва тасвирий санъат дарсларини ўзаро боғлаб уюштириш ўқувчиларда санъат асарларини тўғри тушуниш ва қадрлаш кўникмаларини ўстиради, уларнинг шахс сифатидаги маънавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилади.*

***Калит сўзлар:*** *адабий тушунчалар, талаффуз, ўқиш, нутқ, топшириқ, дастур, матн.*

*В статье целесообразно использовать на уроке такие творческие задания, как повышение активности учащихся, обогащение их воображения, обучение распределению произведений по ролям исходя из их жанрового содержания, пересказ по именам героев, продолжение рассказа о судьбе героя, составление словесного рассказа на интересные темы.*

*Уроки чтения должны быть неразрывно связаны с предметами музыки и изобразительного искусства, которые прививают учащимся любовь к красоте, подпитывают чувства чистоты, обостряют эмоциональность, обостряют ум, сообразительность, обогащают воображение, воспитывают эстетический вкус. Взаимосвязанная организация уроков чтения, музыки и изобразительного искусства воспитывает у учащихся навыки правильного понимания и оценки произведений искусства, служит формированию их духовного облика как личности.*

***Ключевые слова:*** *литературные понятия, произношение, чтение, речь, задание, программа, текст.*

*In the article, it is advisable to use such creative tasks as increasing the activity of students, enriching their imagination, teaching the distribution of works by roles based on their genre content, retelling by the names of the characters, continuing the story about the fate of the hero, composing a verbal story on interesting topics.*

*Reading lessons should be inextricably linked with the subjects of music and fine arts, which instill in students a love of beauty, nourish feelings of purity, sharpen emotionality, sharpen the mind, quickness, enrich the imagination, and cultivate aesthetic taste. The interconnected organization of the lessons of reading, music and fine arts educates students in the skills of correct understanding and evaluation of works of art, serves to form their spiritual image as a person.*

***Keywords:*** *literary concepts, pronunciation, reading, speech, task, program, text.*

**Кириш.** Компетенциявий ёндашув асосидаги ДТСда адабий тушунчалар билан боғлиқ таълим мазмунини белгиловчи кўрсаткичлар синфлар бўйича қуйидагича белгиланган:

- мавзу доираси: Ватан, ватан ўтмиши, ҳозирги тараққиёт, буюк алломалар, тарихий шахслар, халқ қаҳрамонлари, тенгдошлар ҳаёти, илм-фан, маърифат, маданият, мавсумий ўзгаришлар;
- адабий хусусиятлари: эртак, мақол, топишмоқ, тез айтиш, латифа, лоф, шеър, ҳикоя;
- сўзларни тўғри талаффуз қилиш; бўғинлаб ўқишдан онгли, сидирғасига, тез, тўғри, равон ва ифодали ўқишга эришиш;
- ўзбек ва хорижий болалар ёзувчилари асарларини ўқиш;
- ёзувчиларнинг исми-шарифи, асарларининг номлари ҳақида тўлароқ тушунча ҳосил қилиш;
- бадиий асарларни шарҳли ва ифодали ўқиш;
- асар мазмуни ва воқеалари ўртасидаги боғланишни, қаҳрамонларнинг феъл-атворларини аниқлаш, қиёсий тавсифлаш;
- ўқиган асарлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки ва ёзма тарзда изчил ифодалаш;

- сўз бойлигини ошира бориш ва нутқида фаол қўллаш;
- ўқиган асарлари юзасидан мустақил режа тузиш;
- бадиий асарларни эстетик таҳлил қилиш;
- ўқиган асарлари юзасидан савол-топшириқлар тузиш;
- насрий асар мазмунини тўлиқ, қисқартириб, шахсини ўзгартириб ҳикоялаш;
- бадиий асарларни ўзаро қиёслаб, тегишли хулосалар чиқариш.

**Асосий қисм.** Ўқув дастурининг "Синфда, синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш" бўлимида матн таҳлилида адабий тушунчалар устида ишлаш бўйича қуйидагича кўрсатмалар берилган:

1-синфда ўқувчилар матнни онгли, тўғри ва бўғинлаб сидирға ўқишни ўрганадилар. Олти-етти ёшли ўқувчиларнинг нутқини такомиллаштириш учун унинг нутқидаги камчиликларни ўқиш дарсларидагина эмас, балки барча фан юзасидан ўтказиладиган дарсларда ҳамда дарсдан ва мактабдан ташқари ўтказилган машғулотлар жараёнида ҳам тузатиб боришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Ўқувчилар ўқилган асарлар юзасидан берилган саволларга жавоб беришга ўрганадилар. Матн устида ишлаш ўқитувчи раҳбарлигида олиб борилади.

2-синфда ўқувчиларда сўзларни тўлиқ, сидирғасига ўқиш малакаси шаклланади. Ўқишнинг тўғри ва ифодали бўлишига эришилади, ўқиш техникаси тезлашади. Бу синфда ўқувчилар матннинг айрим қисмларини, қисқа ҳикояларни ичда (овозсиз) мустақил ўқишга ўтадилар. Матн устида ишлаш мураккаблашиб боради, ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида асарнинг асосий мазмунини аниқлайдилар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини ифодаловчи сўз ва ибораларни топишга, воқеа-ҳодисаларни сўз билан тасвирлашга ўрганадилар. Уларда сўз бойлигига талаб ортади.

Нутқ равонлиги ва мазмунига эътибор кучаяди, луғати бойийди ва фаоллашади, нутқ суръати ошади, сўзларни тўғри қўллашга, овозни бошқаришга ўрганади.

3-синфда сўзларни бутунича сидирға ўқиш кўникмаси тўла шаклланади. Бу эса ўқувчиларнинг онгли ва ифодали ўқишга қўйилган талабларни ўстириш имкониятини беради.

Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг матн мазмунини ўзлаштириш устида мустақил ишлашга, ҳикоядаги воқеа-ҳодисаларнинг изчиллигини белгилашга, ўзаро боғланиш сабаб-натижаларини аниқлашларига алоҳида аҳамият берилади. Матннинг бадиий хусусиятларини, тасвирий воситаларини аниқлаш устида ишлаш давом эттирилади.

Ўқувчиларни ўз нутқларида мақоллардан, ҳикматли сўз ва ибoралардан фойдаланишга, сўзларни тўғри танлашга, гап қурилишидаги (сўзларнинг бир-бирига боғланишидан) тўғри фойдаланишга ўргатиш талаб этилади. Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг сўзларни адабий қоидаларга мувофиқ талаффуз этишлари талаб этилади.

4-синфда ўқувчилар сўзларни бўғинламай сидирға ўқишлари, матнни тез, тўғри, онгли ўқий олишлари керак. Бу синфда бўғинлаб ўқишга йўл қўйилмайди. Ўқувчилар ўқилган матн мазмунини мустақил равишда қайта ҳикоя қилишлари, матн юзасидан содда режа туза олишлари, унинг асосий мазмунини ажрата олишлари, матнни тўла, қисқартириб, танлаб қайта ҳикоялашлари зарур. Ифодали ўқиш ва ўзаро нутқий фаолият жараёнида ўқувчиларнинг адабий талаффуз меъёрлари шаклланади. Гапда сўзларнинг грамматик шаклларини тўғри қўллаш нутқининг равон ва ифодали бўлишига ёрдам беради.

Ўқув дастурида А1 даражадаги бошланғич синф ўқувчиларининг фанга оид адабий-нутқий компетенциясига қуйидаги талаблар билан ёндашилган. Ўқувчилар:

- 1-синф якунида 4-5 та шеърни ёддан айтиб бера олиш, эртак, топишмоқ, тез айтишларни билишлари лозим;
- 2-синф якунида 5-6 та шеърни ёддан билишлари, эртак, топишмоқ, мақол, қўшиқларни бир-биридан фарқлай олишлари лозим;
- 3-синф якунида 7-8 та шеърни ёддан билишлари, эртак, топишмоқ, мақол, қўшиқ, шеър, ҳикоя каби адабий тушунчалар ҳақида билишлари лозим;
- 4-синф якунида 8-10 та шеърни ёддан билишлари, эртак, топишмоқ, мақол, қўшиқ, шеър, ҳикоя, қисса каби адабий тушунчаларга таъриф бера олишлари лозим.[ 8,33]

Кўринадики, 3-4-синфга келиб ўқувчилар ҳар хил жанрдаги бадиий асарлар қурилиши тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлишлари талаб этилади. Чунки асарда тасвирланган воқеа ва қаҳрамонларнинг узвий алоқада ёритилиши асар сюжети ва композициясида яхлитликни, изчилликни юзага келтиради. Асарнинг ана шундай ички қурилишини тушунсагина, ўқувчи у ҳақда мантиқли фикр юритади; асарни таҳлил қилиш учун тўғри йўналиш олади. Зеро, тўғри тасаввурдан аниқ мулоҳаза юзага келади. Шу боис бошланғич синф ўқитувчиларида ўқув дастурида алоҳида мавзу сифатида кўрсатилмаган бўлса-да, 3-4-синфдан бошлаб бадиий тасвир воситаларининг асарда тутган

ўрни, вазифасига доир адабий тушунчаларни аста-секин шакллантириб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

К.Қосимова, С.Матчонов, М.Умарова, Қ.Абдуллаева, Т.Ғаффорова каби методист олимларнинг яратган дарслик ва методик қўлланмаларидаги матн устида ишлаш юзасидан методик кўрсатмаларида ҳам адабий тушунчалар билан боғлиқ фикрлар илгари сурилган. Аммо улар дастур бўйича ўрганиш кўзда тутилган тушунчалардан анчагина фарқ қилади.

Муаммога оид изланишлар адабий жанрлар билан бадиий тасвир воситалари ҳақидаги тушунчаларни ўқувчи ўзаро узвий боғлиқлик ҳамда изчилликда ўзлаштириб бориши зарурлигини кўрсатди.

Шеърий асарни тушуниб ўқиш талаб қилинар экан, аввало, ўқувчига бошланғич синфдан бошлаб шеъриятга хос хусусиятлар ҳақида ҳам муайян билимларни бериб бориш лозимлиги маълум бўлади. Агар ўқувчидан бадиий асарда тасвирланган асосий воқеани аниқлаш ва унга қаҳрамонлар муносабатини белгилаш талаб қилинса, бошланғич синфўқув материаллари асосида шеърий нутқ қурилиши, насрий асарларда сюжет ва композицион унсурлар ҳақида ҳам билим бериш жоиз. Айтмоқчимизки, 1-4-синфдан бошлаб ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган адабий тушунчалар маълум тартиб, меъёр ва изчилликда бериб борилиши зарур. Ўқитувчи дастурда айтиб ўтилган имкониятлардан фойдаланиб, масалани ижодий тарзда ҳал этмоғи лозим. Ўқувчи шеъриятдаги бадиий тасвир воситалари тўғрисида илк назарий маълумотларни ўзлаштирсагина дарсликлардаги Э.Воҳидовнинг «Ўлка», «Ўзбегим», Уйғуннинг «Куз келди», Чўлпоннинг «Кўклам ёмғири», Зафар Диёрнинг «Баҳор яқин», «Серқуёш ўлка», Пўлат Мўминнинг «Ким синдирди бу ниҳолни», Миртемирнинг «Қуш тили» сингари шеърларининг жозибасини ҳис қилади, шоирлар яратган она юрт табиатининг тенгсиз гўзаллиги тасвирини, гўзаллик туйғусининг бадиий ифодасини тушуна оладилар.

Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчининг дарслик материаллари асосида таҳлил малакасини шакллантириш ҳамда такомиллаштириб боришда қуйидаги талабларга амал қилиши зарур:

1. Ўқувчиларда адабий таҳлилга оид элементар малакаларини шакллантириш.
2. Ўқувчиларнинг адабий қаҳрамонларни тавсифлаш, тасвирий воситаларни таҳлил қилиш, асар воқеалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, тегишли адабий жанр хусусиятларини фарқлаш юзасидан муайян тушунчаларни ўзлаштиришларига эришиш.

Профессор М.Мирқосимова ўз илмий изланишларида адабий таҳлилга қуйидагича таъриф беради: «Адабий таҳлил ҳар қандай адабий асарни ўқиб ўрганишдан, унинг мазмунини англашдан бошланади. Адабий таҳлилда айнан ўқувчиларнинг ана шу ҳиссий англаш ва идрок этиш қобилиятларига таянилади. Адабий таҳлил – асарнинг эстетик хусусиятларини ўқувчи кўз ўнгида «ярқ» этиб очиб бериш усули. Бу усулдан адабий асарларни ўрганишда фойдаланилади. Бадиий ижод намуналарини ўқиб ўрганиб боришлари давомида ўқувчиларда таҳлил малакаси ҳам шаклланиб боради».[20; 48]

Олиманинг фикрича, адабий таҳлил ёрдамида қуйидаги масалалар ёритилиши кўзда тутилади:

1. Асар жанри белгиланиб, жанр талабларига таяниб таҳлил қилиш.
2. Асарнинг қурилиши, сюжет ва композицияси хусусиятлари.
3. Ёзувчининг тасвирлаш услуби таҳлил воситасида аниқланади ва (ижодкор яратган бадиий образлар, асар ғоясининг бадиий талқини, асосий муаммо, ижодкор тафаккур тарзи, асар конфликти ва унинг ечими) ўрганилади.
4. Бадиий асар тилининг ўзига хос хусусиятлари адабий таҳлилга таяниб ўрганилади.
5. Ижодкор бадиий маҳоратига таҳлил давомида баҳо берилади. [20; 48]

М.Мирқосимованинг бу фикрлари гарчи юқори синф адабиёт дарсларига тааллуқли бўлса-да, унга бошланғич синф ўқиш дарсларида мурожаат қилиш ҳам фойдадан холи эмас.

Ҳар қандай санъат асарини, у қайси жанрда бўлишидан қатъи назар, бадиийлик, ҳаётийлик, ҳаққонийлик тамойилларига таяниб идрок этиш, тушуниш мустақил тафаккур орқали амалга оширилади. Асарни тушуниши учун ўқувчи уни муаллифнинг асарни яратиш жараёнида туйган ҳисларни ўз кўнглидан ўтказиши, тасаввурида жонлантириши керак. Зеро, буюк сўз усталари яратган гўзаллик оламига ҳар ким ўзича, ўз тушунчаси билан киради.

Ҳар бир ўқувчи бадиий асарни ўз интеллектуал –ҳиссий идрокига таяниб англайди, ундан таъсирланади, ўзи учун ниманидир кашф этади. Бадиий асар таҳлили жараёнида сўз санъати намуналарини англашдаги ўқувчининг ана шундай индивидуал, ўзигагина хос хусусиятларини ривожлантириш кўзда тутилади. Шу тариқа ўқувчининг маълум билим ва муайян малакасига,

ўзининг шахсий идрокига таяниб ҳаёт билан инсон шахсини билиш борасидаги тажрибаси доимий ривожланиб боради, бадиий диди юксалиб, санъат асарини баҳолаш малакаси такомиллашади.

**Муҳокама ва натижалар.** Бошланғич синф ўқувчиларида сўз санъатини бевосита идрок этиш қобилиятининг ривожланиши асар сюжетининг ўзига манзур жиҳатларини аниқлаш, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш, ўз хулосаларини умумлаштириб баён қилиш тарзидаги адабий таҳлил кўникмаларини эгаллай боришига боғлиқ.

Маълумки, дарслик юқори илмий ва услубий савияда ёзилган, ўқув дастурига мос асардир. Мактаб дарсликлари орқали ўқувчиларга билим бериш билан бирга, уларнинг ўқув-билув кўникма ва малакалари ҳам шакллантирилади, дунёқарашлари ва фикрлаш доираси кенгайтирилади. Бу борада «Ўқиш китоби» дарсликлари олдига илмий-методик ва бадиият нуқтаи назаридан алоҳида талаблар қўйилган. Ўтган давр мобайнида «Ўқиш китоби» дарсликларининг неча-неча авлодлари яратилиб, кўпчилиги узоқ йиллар давомида халқ таълимига беминнат хизмат қилган бўлса, айримлари бир неча йиллик синовларгагина дош бера олди, холос.

«Ўқиш китоби»ни яратишда изчиллик ва узвийликка қатъий риоя қилиниши, танланган бадиий асарларнинг ўқувчилар ёш хусусиятларига мос келиши, бадиий юксаклиги, муайян мақсадни кўзда тутиши, асарларнинг жанрий ранг-баранглиги каби илмий-методик ҳамда инсонпарварлик хислатларини тарбиялашга қаратилиши билан боғлиқ талаблар мазкур дарсликларнинг ҳаётийлиги мезони дейиш мумкин.

Дарслик материаллари синфдан синфга ўтган сари мавзу жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам кенгая боради. 1-синфда ўргатилган «Аждодларимиз – фахримиз», «Илм-ақл чироғи», «Зумрад баҳор», «Кумуш қиш» каби мавзулар 2-4-синфларда ҳам давом эттирилади. Натижада ўқувчиларнинг олдин ўзлаштирилган билим ҳамда тушунчалари тўлдирилади ва бойитилади. Дарсликдаги ҳар бир мавзу учун танланган бадиий матнларнинг жанрий ранг-баранглигига, поэтик мукаммаллигига, ўқувчиларнинг билим даражаси ва ёш хусусиятларига мос келишига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Биз тадқиқотимиз давомида бошланғич синф«Ўқиш китоби» дарсликларига киритилган мавзулар орасидаги узвийликнинг таъминланишини аниқлаш мақсадида қуйидаги бўлимлар мониторингини тузиб чиқдик:

| № | Мавзулар | 1-синф | 2-синф | 3-синф | 4-синф |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Мустақиллик мавзуси | – | – | – | Истиқлолим-истиқболим |
| 2. | Ватан мавзуси | Ўзбекистон – Ватаним маним | Она юртим – олтин бешигим | Биз буюк юрт фарзандимиз | Ўзбекистон – Ватаним маним |
| 3. | Илм мавзуси | Илм – ақл чироғи | Мактабим – қутлуғ маконим | Мактабим – қутлуғ маконим Китобим - буюк имконим | – |
| 4. | Куз мавзуси | – | Олтин куз – ҳосилинг юз | Саховатли куз | Саховатли фасл |
| 5. | Маънавият мавзуси | – | – | – | Маънавият қалб куёши |
| 6. | Халқ оғзаки ижоди | Халқ ўгити – бахт калити | Эртаклар – яхшиликка етаклар | Халқ оғзаки ижоди | Халқ оғзаки ижоди |
| 7. | Қиш мавзуси | – | Кумуш қиш – мисоли оққуш | Гўзал қиш манзараси | Кумуш қиш |
| 8. | Халқимиз ўтмиши мавзуси | – | – | Улуғлардан ўрганмоқ оқиллик | Ватанимиз ўтмишидан |
| 9. | Одоб-ахлоқ мавзуси | Одоб – инсонга ҳусн | Оталар сўзи – ақлнинг кўзи | – | Нима яхши-ю, нима ёмон |
| 10. | Ҳайвонот мавзуси | – | Қушлар, ҳайвонлар – бизнинг дўстимиз | – | Ҳайвонот оламида |
| 11. | Баҳор мавзуси | Кўклам– | Зумрад – баҳор | Зумрад баҳор | Зумрад баҳор |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | яшнайди олам | баҳри дилинг очар | нафосати | |
| 12. | Тинчлик, дўстлик мавзуси | – | – | Тинчлик ва дўстлик бор бўлсин барқарор | Яшасин тинчлик, бор бўлсин дўстлик |
| 13. | Аждодлар мероси мавзуси | Биз – буюклар авлоди | – | Улуғлардан ўрганмоқ – оқиллик | Аждодларимиз – фахримиз |
| 14. | Жаҳон болалар адабиёти | – | – | Жаҳон болалар адабиёти | Жаҳон болалар адабиёти |
| 15. | Ёз мавзуси | – | Ёз ўтади соз | Ёз ўтади соз | Ёз ўтади соз |
| 16. | Меҳнат мавзуси | Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат | Меҳнат бахт келтирар | Ҳунар– ҳунардан ризқинг унар | – |
| 17. | Табиат мавзуси | – | Табиатни асранг– авайланг | - | – |
| 18. | Болалик мавзуси | – | – | Тенгдошлар | – |

**1-расм. Бошланғич синф “Ўқиш китоби” дарсликларида мавзулар узвийлиги**

Кўриниб турибдики, фақат олтита мавзудаги бўлимларда синфлараро узвийлик таъминланган. Бошқа бўлим мавзуларининг узвийлиги маълум синфларда бузилган. 1-синф «Ўқиш китоби» [13] дарслигидаги бўлимлар бундан мустасно бўлиши мумкин, чунки бу синфда ўқиш дарси ўқув йилининг 2-ярмидан бошланади. Шунинг учун баъзи бўлим мавзулари киритилмайди. Аммо 2-4-синф [3] «Ўқиш китоби» дарсликларига киритилган бўлимлар мазмунида ҳар хиллик мавжуд. Бизнингча, бу ҳолат ўқиш дарсларининг синфлараро маълум бир узвийликда олиб борилишига салбий таъсир кўрсатади. Ўқув дастурида масаланинг мана шу томонига эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, бошланғич синф«Ўқиш китоби» дарсликларидан ўрин олган одоб-ахлоқ мавзуси **(***Одоб – инсонга ҳусн, Оталар сўзи– ақлнинг кўзи, Нима яхши-ю, нима ёмон***)** га оид бўлимлар, бизнингча, ўқиш дарслари учун ортиқчадир. Чунки бошланғич синф ўқув режасида одобнома предмети учун алоҳида соатлар ажратилган. Мазкур мавзулар одобнома дарсларида атрофлича ўрганилади. Ўқиш дарсларида бу масалага яна тўхталиб ўтиришнинг зарурияти йўқ, деган фикрдамиз. Бундай бўлимлар ўрнига ўқувчиларни бадиият оламига олиб кирувчи, уларда адабий китобхонлик малакаларини шакллантиришга хизмат қилувчи мавзулар киритилса, айни муддао бўлар эди. Хусусан, синфлараро узвийлик бузилган «Мустақиллик мавзуси», «Жаҳон болалар адабиёти», «Тенгдошлар» каби мавзулар бошқа синфларга ҳам киритилиб, мазкур бўлимлар жанрий жиҳатдан ранг-баранг, юксак бадиийлиги билан ажралиб турувчи, ўқувчиларда бадиий адабиётга қизиқиш уйғотувчи асарлар билан бойитилса, мавзулар узвийлигига амал қилинган бўлар эди.

бошланғич синф «Ўқиш китоби» дарсликларига назар ташланса, уларнинг кўп йиллик тажрибалар маҳсули эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Дарсликлардан жой олган матнлар жанрий жиҳатдан ранг-баранг: эртаклар, шеърлар, достонлардан парча, мақоллар, латифалар, масаллар, топишмоқлар, тез айтишлар, ҳадислар, ривоятлар, ҳикоялар, фантастик ва илмий-оммабоп асарлардан парчалар берилиши жуда яхши, албатта. Лекин танланган асарлар юқорида қайд этилган илмий-методик талабларга қай даражада жавоб беради, деган савол кишини ўйлантириб қўяди.

Юқорида номлари келтирилган бўлимларнинг сарлавҳаларидан кўриниб турибдики, дарсликларга танланган асарларнинг мавзу доираси анча кенг. Уларнинг ичида Ватан мавзуси алоҳида ажралиб туради.

«Ўқиш китоби» дарсликларида Ватан мавзуси илмий-оммабоп асарлар, шеърлар, эртаклар, ҳикоялар мисолида ёритилган. Ватан мавзусидаги илмий-оммабоп асарлар ўқувчиларнинг тарихий воқеалар ва саналар – ўтмишимиз ҳамда ҳозирги тараққиётимиз ҳақидаги тушунчаларни бойитади. Жумладан, **«Ўзбекистон – Ватаним маним»** бўлимига 1-синфда 1 та, 2-синфда 4 та, 3-синфда 1та, 4-синфда 2 та илмий-оммабоп асар берилган.

1-синфда Ватан мавзусига оид «Буюклар Ватани» илмий-оммабоп асари ўрганилади. Матн устида ишлаш учун қуйидаги саволлар киритилган: «Амир Темур она юртини қандай эъзозлаган?»,

«Буюк боболаримиз ҳақида нималарни билиб олдингиз?». Шу ўринда «Ўзингиз яна қайси буюк боболаримиз ҳақида эшитгансиз?, Улар ҳақида айтиб бера оласизми?» каби саволлар ҳам берилса, ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларига 1-синфдан замин яратилган бўлар эди, деб ўйлаймиз.

4-синф дарслигида ватан мавзусида «Мангуликка татигулик кун» номли илмий-оммабоп асар киритилган. Мазкур асарлар мазмун жиҳатдан талаб даражасида. Аммо берилган баъзи савол-топшириқлар айрим мулоҳазаларга чорлайди. Масалан, Сафар Барноевнинг «Мангуликка татигулик кун» мақоласини ўрганиш учун берилган «Президентимиз И.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида буюк мутафаккир ва алломалардан Исо Термизий, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Бурҳониддин Марғилонийлар ҳақида гапирилади. Сиз ўқиган матнда улардан кимлар ҳақида сўз юритилган ва улар ҳақида нима дейилган» типидаги савол-топшириқлар кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ёш хусусиятларини ҳисобга олганда, бирмунча мураккаб. Бунинг ўрнига «Асарда буюк аллома боболаримиз ҳақида нима дейилган?, Матндан шу ҳақдаги ўринларни топиб ўқинг» каби топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқдир.

Истиқлол туфайли халқимиз янги тарихий даврга қадам қўйди. Бу – албатта, таълим тизимига, жумладан, бошланғич синф ўқиш дарсларининг мақсад ва вазифаларига янгича ёндашишни тақозо этади. Ушбу дарсликлар олдига бир қатор талаблар қўйилди. Мазкур талаблардан бири, унда берилган савол-топшириқлар ўқувчини фаол ишлашга, шунингдек, мустақил ва ижодий фикр юритишга ўргатадиган шаклда тузилмоғи зарур.

Шундай экан, бошланғич синф «Ўқиш китоби» дарсликлари ҳам белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан, биз «Ўқиш китоби» дарсликларидаги савол-топшириқларни ўқувчиларни изланишга ўргатиш жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлишни лозим топдик:

1. Қайта хотирлаш типидаги савол-топшириқлар.
2. Қисман изланувчанлик типидаги савол-топшириқлар.
3. Ижодий типдаги савол-топшириқлар.
4. Адабий тушунчаларни англаш типидаги савол-топшириқлар.

1-синф «Ўқиш китоби»ни таҳлил қилиб, дарсликка киритилган савол-топшириқлар, асосан, **қайта хотирлаш** типига мансублигининг гувоҳи бўлдик. Дарҳақиқат, биринчи синф ўқувчиларининг ёш хусусиятлари фақат асар воқеаларини қайта эсга олиш асосида саволларга жавоб беришни талаб этади.

2-синф «Ўқиш китоби»даги савол-топшириқлар эса асосан қайта хотирлаш ва қисман изланувчанлик типига мансуб. Масалан, **қайта хотирлаш** типидаги савол-топшириқларга ватан мавзусида ўрганиладиган асарлардан сўнг «Ватанимиз қандай ном билан аталади?, Ўзбекистонда қандай шаҳарлар бор экан?, Тошкент қандай шаҳар?, Нима учун Тошкентни тинчлик ва дўстлик шаҳри деймиз?, Каптар қафасдан қутулиб қайси томонга учди?, Кишилар нима қилмоқчи бўлдилар?, Ўқитувчи нималар ва кимлар ҳақида гапириб берди?» каби, **қисман изланувчанлик** типидаги савол-топшириқларга «Қайси бекатларнинг номини биласиз?, Ҳикоят қандай якунланган?, Ватанимиз озодлиги учун курашган инсонлардан яна кимларни биласиз?, Шеърда Амир Темурнинг қандай хислатлари ифодаланган?, Улуғбекнинг қандай фазилатлари бўлган?» каби савол-топшириқларни киритиш мумкин. Лекин мазкур мавзуга оид шеърлардан сўнг фақат шеърни ёд олиш топшириғи берилган. Бизнингча, бу ерда шеър матнини таҳлил қилишга ёрдам берувчи савол-топшириқлар ҳам тавсия қилиниши керак эди.

3-синф «Ўқиш китоби» дарслигида савол-топшириқларнинг қуйидаги типларини кузатиш мумкин. Жумладан, ватан мавзусига оид матнлардан сўнг берилган «Гербдаги рамз ва тимсоллардан нималарни билиб олдингиз?, «Герб» сўзи ниманинг белгисини англатади?, Бобомиз Амир Темур давлати байроғи қайси рангда эди?, Донолар нега кенгаш қилишди?, Адолат қандай қарор топди?, Тошкентга қайси иншоотлар зеб бериб турибди?, Олим – фаришталарнинг истаги нималардан иборат эди?, Нима учун оқил киши ҳаммани донишманднинг ҳузурига боришга маслаҳат берди?, Донишманд қайси фариштанинг фикрини маъқуллади?, Рустам ака тўғон ҳақида ўқувчиларга нималарни сўзлаб берди?, Ўқувчилар қайси балиқларни катер тагига жойлашди?» каби савол-топшириқлар қайта хотирлаш типига мансуб бўлса, «Матндаги *зиёда* сўзи ўрнида яна қандай сўз ишлатиш мумкин?, Нима учун Тошкент дўстлик шаҳри деб аталади?, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда сизнинг вазифангиз нимадан иборат?, Сиз ўз тилингизни севасизми?, Нима учун?, Ўқитувчи она тилимизнинг бойлигини нега боғ билан қиёслайди?» каби ижодий типдаги баъзи савол-топшириқлар ҳам кўзга ташланади.

4-синф «Ўқиш китоби»да **қайта хотирлаш** типига оид савол-топшириқлар бирмунча камроқ киритилган. Улар қуйидагича: «Деҳқонбобо поездда кимларни учратди? Ўқувчилар унга нималар ҳақида гапириб беришди? Илм ақлни пешлаши ҳақида шеърда нима дейилган? Самад қишлоғининг харитасида нималарни тасвирлади? Ўқувчилар нима устида тортишиб қолишди?» каби.

**Қисман изланувчанлик** типидаги савол-топшириқлар «Мустақиллик қайтариб берган алломалардан кимларни биласиз?, Шеърдаги «серқуёш ўлка» иборасини қандай сўзлар билан алмаштириш мумкин?, Шеърдан ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ҳақидаги ўринларни топинг. Матндан Деҳқонбобонинг Ватан ҳақида айтган гапларини топиб ўқинг» тарзида берилган.

**Ижодий** типдаги савол-топшириқларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. Масалан, «Ота-оналарни эъзозлашнинг сабаби нимада?, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деганда хаёлингизга нималар келади?, Ватан деганда хаёлингизга нималар келади? Қандай кишиларни мард деса бўлади?» сингари.

**Адабий тушунчаларни англаш** типидаги савол-топшириқлар мазкур бўлимда берилмаган.

Юқорида қайд қилинган таснифга кўра 1-синф «Ўқиш китоби»да матнлардан сўнг асосан қайта хотирлаш типидаги саволлар берилгани аниқланди. Фақатгина бўлим юзасидан ўтказиладиган такрорлаш дарслари учун савол-топшириқлар тавсия қилинган.

2-синфда **қайта хотирлаш** типидаги савол-топшириқлар 68 фоизни, **қисман изланувчанлик** типидагилари 22 фоизни, **ижодий** типдаги савол-топшириқлар 10 фоизни ташкил этади.

3-синфда тавсия қилинган савол-топшириқларнинг 60 фоизи 1-, 22 фоизи 2-, 12 фоизи 3-, 6 фоизи 4-типга мансублиги аниқланди.

4-синфда **қайта хотирлаш** типидаги савол-топшириқлар 40 фоизни, **қисман изланувчанлик** типидаги савол-топшириқлар 20 фоизни, **ижодий** типдаги савол-топшириқлар 28 фоизни, **адабий тушунчаларни англаш** билан боғлиқ савол-топшириқлар 12 фоизни ташкил қилади.

Таҳлилдан кўринадики, бошланғич синф «Ўқиш китоби» дарсликларида ўқувчини мустақил ишлаш, фикрлашга ундовчи ижодий характердаги савол-топшириқлар ниҳоятда оз миқдорни ташкил этади. Ҳозирги кунда «Ўқиш китоби» дарсликларида савол-топшириқларнинг деярли 70-75 фоизи билимларни қайта хотирлаш ва қисман изланишни талаб этадиган савол-топшириқлардир. Дарсликларга шу хилдаги савол-топшириқларнинг кўплаб берилиши ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши ҳамда фаоллигига салбий таъсир кўрсатади.

Бошланғич синф ўқувчиларига бериладиган савол-топшириқларнинг тузилиши содда ва ихчам бўлиши талаб этилади.

Шу билан бирга, 1-синф «Ўқиш китоби»да Ойбекнинг «Алишернинг ёшлиги» номли ҳикояси бор. Айнан шу асар 4-синф «Ўқиш китоби»да ҳам мавжуд. 1-синфда ўрганиладиган асар воқеаси 4-синфда ўрганиладиган ҳикоя мазмунига киритилган. Дарсликларда бундай ҳолатларнинг учраши, биринчидан, таълимнинг узвийлик ва узлуксизлик тамойилининг бузилишига сабаб бўлади, иккинчидан, ўқувчиларнинг бир хил асарни икки маротаба ўқиши ўқишга бўлган қизиқишини сусайтиради.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бошланғич синфларнинг ўқиш дарслари жараёнида самарадорликка эришиш, шунингдек, ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантириш йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларининг адабий тушунчалар ва уларнинг моҳияти борасидаги назарий, шунингдек, технологик ёндашув асосида ўқиш дарсларини ташкил этишга имкон берувчи амалий кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси бугунги кун талабларига жавоб берадими?, Ўқитувчиларда ўқиш дарсларини ноанъанавий шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этишга нисбатан ижодий муносабат шаклланганми?

Тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борилган изланишлар ўқиш дарсларида суҳбат методидан ўқувчи фаолиятини мустақил изланишлар тизимига солишда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди. Бундай йўл изланиш методига хос усуллардан фойдаланишни талаб этса-да, ўқитувчи суҳбат усулларини ҳам узвийликда қўллаши натижасида масала теварагида фикр қўзғатувчи вазиятлар яратишга эришади. Бундай суҳбатда ўқувчи мустақил фаолият юритиб, кузатганлари, йиққан маълумотлари, тўплаган хулосалари билан иштирок этади.

Изланиш методи ўқувчини қўйилган муаммони мустақил изланишлар орқали ўзича ҳал қилишга тайёрлайди, ўз мулоҳазаларини изчил тарзда хулосагача давом эттириб, таҳлил ва тадқиқ қилиш малакасини шакллантиради. Ўқувчи суҳбатда ўз қарашлари, мулоҳаза-муҳокамаси асослари, далилланган хулосалари билан иштирок этади. Демак, бундай метод қўйиладиган саволлар характери ўқувчи фаразларини тасдиқлашга, таҳлилга йўналтирувчи, таққослашга ундовчи бўлиши керак. Муҳокама юритиш бу методнинг ўзаги эканини диққат марказида тутиш талаб этилади.

Таҳлил методидан фойдаланганда ҳам саволлар, кўрсатмалар, топшириқлар тартиби аввалдан изчил тарзда шакллантирилади. Таҳлилга тортилган матнни ўрганишга йўналтирувчи савол-топшириқлар ўқувчининг ижодий имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Айни чоқда матнни ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиришга, малакани такомиллаштиришга таъсир кўрсатиши кўзда тутилади. Шу сабабдан савол-топшириқлар ҳар бир ўқувчининг ана шундай индивидуал имкониятлари даражасига қараб тузилади. Бу методдан бадиий асарни ўрганишда, таҳлил қилишда, билимларни мустаҳкамлашда фойдаланилади. Бу метод муаммоларни ҳал этишда ўқувчининг ўз-ўзини текшириши, ижодий имкониятлари ривожи учун хизмат қилиши аниқ.

Ўқувчиларни матннинг биринчи ёки охирги гапини, ёхуд қисмларга бўлинган бўлса, ҳар бир қисмни ўқишга ўргатиш лозим. Матн юзасидан берилган саволлар матн ҳақида аввалдан тушунча ҳосил қилишга, матн асосида диалог уюштиришга ёрдам беради. Бундай ишлаш китобхонга матн билан ишлашнинг мақбул усулини танлашга кўмаклашади. Одатда, матннинг бирламчи идроки ўқитувчининг матнни овоз чиқариб ўқиши билан таъминланади. Ўқитувчи ўқиётганда, ўқувчилар китоби ёпиқ бўлади. Уларнинг эътибори тўлалигича эшитиш ва ўқитувчи билан бирга матн идрокига қаратилиши зарур. Дастлабки идрок учун бундай усулнинг танланиши бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш малакаси ҳали такомиллашиб улгурмаганлиги билан изоҳланади. Аммо таълимнинг кейинги босқичларида (3-4-синф) матннинг махсус тайёргарлик кўрган ўқувчилар томонидан навбатма-навбат ўқилиши, ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан ўқилиши сингари бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Ўқувчиларнинг асарга нисбатан ҳиссий муносабати пайдо бўлганлигини аниқлаш ва улар томонидан асарнинг умумий маъносини тушунишни белгилаш бирламчи идрокни текшириш усули ҳисобланади. Суҳбат бунинг учун энг қулай усул, дейиш мумкин. Аммо ўқувчиларга бериладиган савол уч-тўрттадан ошмаслиги керак. Бунда матннинг таг маъносини очишга қаратилган саволлар қўшилмагани маъқул. Бирламчи идрокдан кейинги суҳбат ўқувчиларнинг дастлабки китобхонлик тасаввурини аниқлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жавоблар ўқитувчига ўқувчилар томонидан асарнинг идрок этилиши сифатини кўрсатиш ва асар таҳлили учун мўлжалланган бўлиб қолиши зарур. Айрим ҳолатларда бундай суҳбат муаммоли савол билан якунланиши мумкин. Бу саволга жавоб излаш асар таҳлилини табиий ва зарурий жараёнга айлантиради. Муаммоли саволга ўқувчиларнинг жавоби турлича бўлиши мумкин. Лекин айнан шу омил асарни ўқиш ва ўйлашга мажбур қилади.

“Ўқиш саводхонлиги” атамаси ўқиш тезлигини текширишни эмас, балки “саводли ўқиш”ни англатади. Унга кўра, ўқувчи мантларни тушуниши, уларнинг мазмунини мушоҳада қилиши ва баҳолай олиши, ўз фикрини баён эта олиши зарур. Ўқувчиларда айнан шу жиҳатни, яъни китобхонлик даражасини мониторинг қилувчи - бу халқаро PIRLS тадқиқот методларидир.

**PIRLS** - бу турли таълим тизимига эга бўлган давлатларда китобхонлик сифати мониторингини тадқиқ қилишдир. Турли давлатлардаги бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш сифати ва матнни тушуниш даражасини, шунингдек, ҳар хил давлатлар таълим тизимидаги ўзгаришларни таққослаш ва намоён қилиш имконини берувчи тадқиқот методларидир.

**PIRLS** тадқиқотлари 2001 йилдан бошлаб беш йил оралиғида бошланғич таълим миқёсида ўтказиб келинмоқда. У халқаро тадқиқотлар орасида юқори ўринга эга. Бу дастурга кирувчи давлатларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. 2001 йилдан бошлаб 4 марта ўтказилди. Охирги **PIRLS** тадқиқотлари 2016 йилда ўтказилди. Шу давргача 35 дан 50 гача бўлган давлатлар иштирок этишди.

**PIRLS** тадқиқотлари доирасида турли таълим тизимига эга бўлган давлатларнинг 4-синф битирувчиларининг ўқиш сифати ва ўқилган матнни тушуниш даражаси ўрганилади. Бу тадқиқотларга 4-синф ўқувчиларининг танланиши шу билан эътиборлики, айнан ўқишнинг тўртинчи йилида ўқувчилар ўқишнинг юқори даражасига эга бўлиши, уларнинг кейинги таълимда билимни эгаллаш қобилиятини шакллантириш ва шу орқали ҳозирги замонга муваффақиятли мослашувига ёрдам беради. [159,35]

Тадқиқот жараёнида дарсда ўқувчилар томонидан энг кўп қўлланиладиган ўқишнинг қуйидаги икки тури ўрганилди:

1. Адабий китобхонлик малакасини эгаллаш мақсадидаги ўқиш.
2. Мазмунни тушуниш ва амалда фойдаланиш мақсадидаги ўқиш.

Бадиий матнларни ўқишда ўқиш кўникмаларининг қуйидаги тўрт гуруҳи баҳоланади:

1. Аниқ кўринишда берилган маълумотни топа олиш.
2. Хулосаларни шакллантириш.
3. Маълумотларни умумлаштира олиш.

4. Матннинг мазмуни, тил хусусияти, тузилишини таҳлил қилиш ва баҳолай олиш.

Ўқувчиларнинг матнни ўқиш ва саволларга жавоб беришларида баъзи топшириқларда тавсия этилган вариантлардан бирини танлаш назарда тутилса, бошқаларида мустақил жавоб бериш талаб этилади. Бу тадқиқотларда ўқувчи учун тавсия қилинадиган аксарият савол-топшириқлар айнан адабий тушунчалар билан боғлиқдир.

Тадқиқотда бошланғич синф битирувчилари иштирок этган тажриба-синов ишларида ўқувчиларнинг ўқиш ва матн устида ишлаш малакалари шу даражада ривожландики, бу юқори синфлардаги таълимнинг самарали бўлишига замин яратади.

Турли мамалакатларнинг мактаб дастурлари бир-биридан тубдан фарқ қилиши ҳаммага аён. Шунинг учун турли давлатлардан олинган натижалар ўзаро таққослана оладиган даражада бўлишини таъминлаш бундай тадқиқот ўтказувчи ташкилотчиларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Масалан, кўпчилик давлатларда ўқувчилар 6 ёшдан мактабда ўқишни бошлашади. Аммо Англия ва Янги Зеландияда таълим 5 ёшдан бошланади. Шунинг учун лойиҳада ўқувчилар 4-синфдан эмас 5-синфдан иштирок этишади. Ўқиш ва матнни тушуниш сифати текшириладиган ўқувчиларнинг ёши 10,5 ёшни ташкил этади. Шарқ мамлакатларида ўқувчилар 7 ёшдан ўқишни бошлагани учун 10,7-10,9 ёшдаги ўқувчилар тадқиқотда иштирок этишади.

*PIRLS тести иккита матндан ва 12-16 та топшириқдан иборат бўлади. Тестни бажаришга танаффус билан 80 дақиқа ажратилади. Тестда асосан китобхонликнинг 2 та малака даражасиси аниқланади:*

- Бадиий матн - бадиий асар матнидан маълумот олиш ва шу асосида оддий мулоҳаза юритиш;
- Ахборотли матн - матндаги ахборотни изоҳлаш ва баҳолай олиш.




**1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида матнни тушуниш ва англаш даражалари.**

Шунинг учун ҳам бошланғич синфларда ўқувчиларнинг матн мазмунини чуқурроқ англашлари учун бадиий асар таҳлили жараёнида бутун асар моҳиятини бирданига эмас, балки асарнинг ҳар бир қисми, агар у ҳажман катта бўлмаса, маъносини очиб беришга ҳаракат қилинади. Бадиий асар таҳлили мантиқан тугал қисмлари бўйича олиб борилиши зарур. Бу қисмларни ўқитувчи асарнинг мазмуни ва таркибидан келиб чиқиб аниқлайди. Ҳар бир қисм ўқувчи томонидан овоз чиқариб ўқилади, бошқа ўқувчилар китобдан кузатиб боради. Сўнгра ўқилган қисм таҳлилга тортилади ва тафаккур қилишга ўргатилади. Таҳлил фаолияти ўқувчилар томонидан асар моҳиятини тушуна оладиган қилиб ташкил этилади. Шунинг учун асар фактик, ғоявий ва ўқилаётган асарга нисбатан хусусий муносабат сингари уч даражада амалга оширилади. Ўқилган қисмга савол қўя олиш таҳлилнинг энг кўп тарқалган усули ҳисобланади. Саволлар ўқувчиларга асарнинг моҳиятини англашга, муаллиф нуктаи назарини тушуниб олишга, шунингдек, ўқиган асарга нисбатан ўз фикрини ҳосил қилишга ёрдам беради. Кузатишларимиз ўқитувчининг дастлаб бутун матн бўйича, сўнгра таг матн бўйича, ниҳоят ўқилаётган асарга нисбатан ўз муносабатини аниқлаб олиш бўйича саволлар берилиши нотўғри эканлигини кўрсатди. Матн ўқилиши биланоқ барча уч даража бўйича асарнинг ҳар бир қисмига оид саволлар берилиши ўқувчини асарни ҳар жиҳатдан чуқур идрок этишга ёрдам беради.

Матнни ҳикоя қилиб бериш ўқувчига ўқилган матнга нисбатан ўз муносабатини англашга ёрдам беради. Шунга кўра, ҳикоя қилиш образли тафаккур қилишни ривожлантирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Муаллиф нуқтаи назарини ҳар бир матн таҳлилида талқин этиш шарт эмас. Ўқитувчи ўқувчилар томонидан муаллиф ғоясининг англаниши лозимлиги сезилгандагина бу ишни амалга оширса бўлади. Ўқувчиларни асар ғоясига ўз муносабатини билдиришга тўғридан-тўғри ундамаслик керак.

Иккиламчи синтез бадиий асар устида ишлашнинг учинчи босқичи ҳисобланади. Бу босқичда асарни такрор ўқиш, ўқилган матн бўйича ўқувчиларга топшириқ бериш кабилар назарда тутилади.

Умумлаштириш босқичида суҳбат, танлаб ўқиш, асар ғоясига мос мақоллар топиш, ўқитувчининг якуний сўзи алоҳида ўрин тутади.

Такрор ўқиш – бу китобхонлик фаолиятининг алоҳида туридир. Агар асар китобхоннинг ҳисларини қўзғаб, унда қандайдир фикрлар уйғотган бўлса, у асарни такрор ўқишга эҳтиёж сезиб қолади. Айрим эпизодларни тафаккур қилишида қайта тиклаш, ёқиб қолган ўринларини қайтадан ўқишга хоҳиш пайдо бўлади. Тажрибасиз китобхонда шундай ҳисни тарбиялаш учун бошланғич синф ўқувчиларини матнни такрор ўқишга ўргатиш лозим. Матнга қайта мурожаат қилиш, ролларга бўлиб ўқиш, қайта ҳикоялаш, ифодали ўқишга тайёргарлик каби янги вазифалар учун сабаб бўлиши лозим. Сўнгра адабий қаҳрамоннинг ташқи кўриниши, қилмишлари, қаҳрамоннинг кўчирма гапи, персонаж ҳақида бошқа қаҳрамонларнинг фикри ифодаланган ўринлар топтирилади.

Муаллиф нуқтаи назарини тушунишга ўргатишни қайси ёшдан бошлаш зарурлиги ҳақида тадқиқотчилар ва методистлар ҳали бир тўхтамга келган эмас. Кўпинча методистлар бошланғич синф ўқувчилари муаллиф нуқтаи назарини тушуна олмайди, деб ҳисоблайдилар. Негаки бу ёшдаги ўқувчилар матнга тўғри ёндашадилар ва санъатнинг шартлилигини тушунмайдилар.

Ўқувчиларни муаллиф билан мулоқотга киришa олиш даражасига етказиш орқали муаммони ҳал этиш мумкин. Шу аснода ўқувчилар муаллифнинг ўз олдига қўйган вазифани ҳал этишдаги қандай қийинчиликларни енгиб ўтганини тушуниб етадилар. Агар ўқувчилар учун китоблар алоҳида адабий-педагогик таҳлилга тортилса, иқтидорли китобхон тарбияланади, деб ҳисобланади. Тафаккур қилиш орқали қайта тиклаш ишисиз бадиий асарларни тўлақонли идрок этиб бўлмайди. Қайта тиклаш ўз асосига кўра адабий қаҳрамон образини қайта яратишдир.

Кўпгина ўқувчилар табиат тасвири ёки персонажлар тавсифини кўздан кечириб қўйишга одатланиб қоладилар. Бундай ҳолат бадиий идрокни ниҳоятда қашшоқлаштиради, шахснинг ҳиссий ривожини тўхтатиб қўяди, хаёлот дунёсини ўтмаслаштиради.

Айнан кичик ёшдаги ўқувчиларнинг тафаккурига тезроқ таъсир қилиш мумкин. Ижодий тафаккур қилиш сўзлар орқали ифодаланган лавҳани онгда тўлалигича тасаввур қила олиш қобилиятидир.

Қайта тиклаш идрокини ривожлантиришга лисоний ва график тасвир, таҳлил ва иллюстрациялар, матн режасини тузиш, услубий тажриба, синонимлар танлаш, диафильм яратиш, киносценарийлар тайёрлаш, қаҳрамон ҳақида ҳикоя тузиш кабилар ёрдам беради. Жумладан, шеърий асар ўқилаётганда лисоний тасвир усули асосий ҳисобланади. Тасвир усули қаҳрамоннинг ҳаёт тарзини очиб берувчи воқеа асосини ташкил этувчи ҳикояни ўрганишда ҳам фойда беради. Бу усул муаллиф тасвирлаган ҳаётни тафаккур қилишда қайта яратиш, асарнинг ҳиссий қатламига кириб бориш, ҳар бир қаҳрамоннинг нуқтаи назарини тушуниш имконини беради. Тасвир усули ривожлантирувчи ва тарбияловчи имкониятга эга. Ўқитувчи бу усул имкониятларини тўғри баҳолаши ва бадиий асар таҳлили чоғида тасвир бўйича ўқувчиларга топшириқ бериши мақсадга мувофиқдир.

Услубий тажриба асар мазмунини чуқур англашга ёрдам берувчи яна бир усул ҳисобланади. Услубий тажриба жараёнида айрим сўзларни тушириб қолдириш, гап қурилишини ўзгартириш ёки матнни образларга бўлиш асар моҳияти қирраларининг ўзгаришига олиб келади. Ўқилган асарни диалогларга ажратиш ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил этишнинг энг қийин ва қизиқарли усули ҳисобланади.

Матнни ҳикоя қилиб бериш ўқувчига ўқилган матнга нисбатан ўз муносабатини англашга ёрдам беради. Шунга кўра, ҳикоя қилиш образли тафаккур қилишни ривожлантирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Баён шаклига кўра ҳикоя қилиш самарали фаолият тури ҳисобланади. Бунинг маъноси шундаки, ҳикоя қилиш ҳамиша асосий матн билан боғлиқ. Шу билан ўқувчиларни ўзганинг фикрини ўзгаришсиз, тўғри ифодалашга ўргатилади.

Ўқувчиларга бирор матнни ҳикоя қилишни топширишдан аввал ўқитувчи бу фаолиятнинг мақсади ҳақида ўйлаши зарур. Негаки ўқувчи нуқтаи назаридан матнни «шунчаки» ҳикоя қилиб беришнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Ўқувчиларга гўё улар буни ўзларининг укалари ва сингилларига

ҳикоя қилиб бераётганидек тасаввур уйғотиши лозим. Ёқиб қолган ҳикояни эса ўз ўртоқларига ўқишни тавсия этсин ёки ўқилган асар ҳақида ота-онаси билан суҳбатлашсин.

Яхши ҳикоя қилиш учун унинг режаси тузиб олинади. Режа тузишдек китобхонлик фаолиятига ўргатишда:

1) матнга нечта сурат ишлаш мумкинлигини аниқлаш;
2) матнни нечта қисмга ажратиш мумкинлигини белгилаш;
3) ҳар бир қисмда нима ҳақда гап боришини қайд қилиш;
4) ҳар бир қисмни номлаш;
5) тавсия этилган номларни муҳокама қилиш ва энг маъқулини танлаш муҳим ўрин тутади.

Бунда номларнинг яхлит синтактик қурилмасига эътибор берилади. Матннинг ҳар бир қисмига саволлар энг содда шаклда тузилади. Сўнгра сарлавҳани икки таркибли гаплар шаклида тузишга ўргатиш лозим. Шундан сўнг сарлавҳа учун матндан гап танлаш мумкинлигига эътибор қаратилади.

Методикада қайта ҳикоя қилишнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- тўла қайта ҳикоя қилиш;
- матнга яқин қайта ҳикоя қилиш;
- танлаб қайта ҳикоя қилиш;
- қисқартириб қайта ҳикоя қилиш;
- ижодий қайта ҳикоя қилиш.

Тўла қайта ҳикоя қилиш ўқувчилар учун мақбул усул ҳисобланади. У нутқни ўстиради, хотирани бойитади, асарнинг муҳим жиҳатларига эътибор беришга, мантиқий фикрлашга ўргатади.

**Хулоса.** Бадиий тасвир устида ишлашда матнга яқин қайта ҳикоя қилишдан фойдаланилади. Бундай ҳикоя қилиш турига ўргатишда ўқувчилар нутқида асардан сўзлар ва иборалар, синтактик қурилмаларни қўллашга мурожаат қилиш ижобий натижа беради.

Асарнинг бирор эпизодига ўқувчилар эътиборини тортиш, айрим тасвирларни кузатиш, қаҳрамонга хос сифатларни тасвирлаш учун материал танлаш кабиларга зарурат бўлганда танлаб қайта ҳикоя қилиш усули қулай ҳисобланади.

Қисқартириб қайта ҳикоя қилиш бошланғич синф ўқувчилари ўзлаштириши қийин бўлган ҳикоя қилиш тури ҳисобланади. Унга тайёргарлик чоғида асарнинг энг муҳим жиҳатларини аниқлаш ва нутқида ифодалаш ҳамда умумлаштирилган дарсларда қўллаш ижобий натижа бериши кузатилди.

Ҳикоя қилишнинг юқорида келтирилган турлари баённинг репродуктив шаклига хосланади. Кузатувлар шуни кўрсатдики, репродуктив ҳикоя қилишнинг самараси кам бўлади. Ўқувчиларнинг ўрганилаётган матнга нисбатан қизиқишининг пастлиги, асарни идрок қилиш ва тушунишининг етарли эмаслиги, натижада қайта ҳикоя қилишга иштиёқининг йўқлиги, фаоллиги ва мустақиллигининг сустлиги унинг шахсий тажрибаси билан белгиланади.

Дарҳақиқат, репродуктив ҳикоя қилишда ўқилган лексик, синтактик, мантиқий материал хотирада жуда қийинлик билан сақланиб қолади ёки эсдан чиқиб кетади.

Ўқиш дарсларида ўқувчиларни адабий тушунчалар орқали мустақил фикрлашга ўргатиш бошланғич таълимнинг муҳим жиҳатидир. Зеро, айнан ижодий қобилиятда иқтидорлилик белгиси мужассамдир. Шунинг учун ҳозирги кунда ўқувчиларда ижодкор шахс сифатларини таркиб топтириш замонавий мактабларнинг муҳим вазифаларидан бўлиб турибди. Бундай вазифани амалга оширишда бошланғич синфларнинг ўқиш дарслари катта имкониятга эга.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.Kamroev A. STUDENTS’CREATIVE ACTIVITIES IN DESIGNING MOTHER TONGUE EDUCATION //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 7. – С. 285-296.

2.Khamraev A. R. Modeling Teacher's Activity in Designing Students’ Creative Activities //Eastern European Scientific Journal. – 2019. – №. 1.

3.Azimov Y. Hamroyev A //Husnixat va uni oqitish usuliyoti (Maruza matnlari). Buxoro, 2003,-52 bet. – 2003.

4.Hamroev A. R. MODELING ACTIVITIES OF TEACHERS WHEN DESIGNING CREATIVE ACTIVITIES OF STUDENTS //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – Т. 7. – №. 10.

5.Adizov B. R., Khamroev A. R. MODELING ACTIVITIES OF TEACHERS WHEN DESIGNING CREATIVE ACTIVITIES OF STUDENTS //ILMIY XABARNOMA. – С. 69.

6. Avezmurodovich O. R. Difficulties in learning to write and read left-handed children //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (8), 40. – 2020. – T. 45.
QO'LDOSHEV R. Chapaqay bolalarni maktabga qanday tayyorlash kerak //Pedagogik mahorat. Ilmiy-nazariy va metodik jurnal Buxoro 2020-yil, 3-son 145-147 b.
7.Quldoshev R. A. Assistant pedagogue to children left-handed reading in the last year //Globe Edit. – 2020.
8.Hamroyev R. A., Qoldoshev A. R., Hasanova A. M. Methods of teaching 1st grade students to use writing tools effektively //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – T. 10. – №. 1. – C. 168-174.
9.Avezmurodovich Q. R. Psychological aspects of left-handedness: Concept, causes, and peculiarities //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – T. 11. – №. 1. – C. 623-631.
10.Qoldoshev A. R., Yodgorova F. G. How to find out right or left //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – T. 10. – №. 1. – C. 154-163.
11.Hamroyev R. A., Qoldoshev A. R., Hasanova A. M. Methods of teaching 1st grade students to use writing tools effektively //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – T. 10. – №. 1. – C. 168-174.
12.Avezmurodovich, Qoldoshev Rustambek. "Psychological aspects of left-handedness: Concept, causes, and peculiarities." *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11.1 (2021): 623-631.

**Шахноза НИГМАТУЛЛАЕВА**
Соискатель кафедры педагогики
Бухарского государственного университета

**Болта ХОДЖАЕВ**
Научный руководитель, доцент кафедры
педагогика Бухарского государственного
университета

# ВОСПИТАНИЕ НАВЫКОВ И ПРИВЫЧЕК ГРАЖДАНСКОЙ КУЛЬТУРЫ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

*В статье раскрывается позиции народной педагогики, как средства воспитания привычек и навыков гражданской культуры. Анализируется некоторые вопросы воспитания, привычек и навыков у дошкольников в процессе знакомства с традициями, обычаями, обрядами, и произведениями устного народного творчества (народные песни, сказки, загадки, пословицы, поговорки)*

***Ключевые слова: н****ародная педагогика, привычка, навык, гражданственность, культура, дошкольный возраст, воспитание, традиции, обычаи, сказки, загадки, пословицы, поговорки.*

*Мақолада халқ педагогика йўналишлари асосида мактабгача таълим ёшидаги болаларда фуқаролик маданиятининг дастлабки тушунчалари, одат, малакаларнинг тарбияланиши тўғрисида суз боради. Айрим халқ педагогикаси намуналарининг мактабгача ёшдаги болаларда одат ва кўникмаларни тарбиялашдаги ўрни таҳлил қилинади*

***Калит сўзлар:*** *халқ педагогикаси, одат, маҳорат, фуқаролик, маданият, мактабгача ёш, таълим-тарбия, анъаналар, урф-одатлар, эртаклар, топишмоқлар, мақоллар, айтимлар.*

*The article reveals the position of folk pedagogy as a means of educating the habits and skills of civil culture. Some issues of upbringing, habits and skills of preschoolers are analyzed in the process of familliarization with traditions, customs, rituals, and works of oral folkore art (folk songs, fairy tales, riddles, proverbs, sayings)*

***Key words:*** *folk pedagogy, habit, skill, citizenship, culture, preschool age, education, traditions, customs, fairy tales, riddles, proverbs, sayings.*

Всем известно, что с древних времен узбекский народ создал свою народную педагогику, которая выразилась в устном виде и передавалась из поколения в поколение. Этот участок народного образования до недавнего времени был сведен к нулю. И нужно отдать должное нашему президенту, что он возродил в буквальном смысле дошкольное образование. Дело в том, что некоторые педагоги считали, что начальное воспитание ребенок должен получать в семье. Кончено, с этим невозможно не согласится. Но в данное большинство детей воспитывается молодыми родителями, и не в каждой семье есть бабушки и дедушки, которые несут с собой свет высокой гражданственности. И система дошкольного образования была сведена к нулю, было больно видеть это. Это сумел разглядел наш президент Шавкат Мираманович Мирзиявев. Первым шагом деятельности президента было создание отдельного министерства дошкольного образования. Это наблюдается даже там, где есть педагоги, которые грамотно воспитывают будущих граждан нашего государства и это прореху в воспитании должно взять на себя ДОУ. Дети, воспитанные в атмосфере высокой гражданственности, достигают больших высот в жизни, но эта актуальная проблема может быть решена только путем качественной подготовки кадров для ДОУ. В Республике Узбекистан с 2016 года ведутся кардинальные меры по реформированию дошкольного образования. В послании президента Шавката Миромоновича Мирзияева к парламенту был сделан акцент на “совершенствование системы развития науки и непрерывного образования, отвечающего требованиям времени. Воспитание и образование начинаются с колыбели, как говорит наш народ. Ведь только просвещение дает гармоничное развитие личности и обществу. Поэтому государственная политика в сфере образования должна основываться на его непрерывности на протяжении всей жизни человека, начиная с детского сада” [1].

В развитых странах большое внимание уделяется инвестированию в полный цикл образования, то есть выделяются средства на обучение ребенка с трехлетнего возраста до 22 лет. Такие инвестиции в будущее окупаются в 15-17-кратном размере. У нас в стране – пока лишь в 4-кратном. Следовательно, мы должны усилить внимание к человеческому капиталу, задействовать все возможности для реализации потенциала нашей молодежи. В 2019 году мы доведем охват детей дошкольным образованием с 34 процентов в настоящее время до 44 процентов, что станет важным шагом на этом пути. [2]

Удивительный педагог – этот родной язык.

Язык, созданный народом, развивает в ребенке способность (в современном понятии языковое чутье, которая создает в человеке слово, и которая отличает человека от животного: развивает дух.

Он выражают характер общественных отношений, присущих общности людей - нациям, этническим и социальным группам, коллективам и т.д.

Традиции - социальное и культурное наследие, передающееся из поколения в поколение и воспроизводящееся в определенных обществах и социальных группах в течение длительного времени. По нашему мнению, воспитательно-образовательная функция традиций является основным способом наследования социального накопленного опыта человечества в области воспитания и формирования личности в разных периодах жизни индивида. Обычаи - правило социального поведения, воспроизводящееся в определённом обществе или социальной группе, укоренившееся в привычке, быте и сознании их членов. Обычай играет важную роль в воспитании, способствуя приобщению ребёнка к гражданским навыкам и привычкам, формирует унаследованный стереотипный способ поведения, знакомит с образцами поведения (так надо поступать или так не надо поступать).

Термин “традиция”, “обычай” часто отождествляется с термином “обряд”, “ритуал”, “церемония”. Обряд, являясь традиционным символическим действием, сопровождает важные моменты жизни и деятельности индивида, группы общества, требует определённого вида поведения. Он оказывает эмоционально-психологические воздействия. Важная социальная функция обряда, включающего в свою структуру ритуал, церемонию, - это формирование нравственных качеств личности. Обряд может выступать как норма поведения, реализует нормы права, формирует стереотипное поведение, привычки, которые, в свою очередь, оказывают на жизнь людей регламентирующие воздействия.

Практика показывает, что на протяжении веков традиции и обычаи были и остаются одним из действенных средств приобщения новых поколений к жизни общества, формированию определенного типа личности. Особенность их воспитательного воздействия заключается в том, что они не ограничиваются каким-то одним возрастным периодом жизни человека. Каждый человек, живя в обществе, все время находится в сфере действия его обычаев и традиций. Выполнение их требований и предписаний оказывает значительное и постоянное воздействие на формирование мироощущения, культуры чувства и поведения личности, на её отношения к окружающему миру.

Традиции и обычаи как педагогическое творчество народа представляют разнообразные формы и методы педагогического воздействия на чувства, волю, сознание и поведение детей. Будучи общественным явлением, традиции выступают также в виде принципов, норм и правил, регламентирующих взаимоотношения людей в обществе и личной жизни, они одобряются и поддерживаются общественным мнением.

Всестороннее изучение и общественная оценка общих основ национальных традиций и обычаев узбекского народа, как и у других народов мира, является важнейшей задачей современной педагогической науки. Следует отметить, что многие ее вопросы, не получившие важного освещения в историко-педагогической науке, остро нуждаются в углублённой, всесторонней творческой разработке, в особенности вопросы нравственно-трудового и художественно-эстетического воспитания детей в разных периодах формирования личности в семье.

Проблема семьи, семейного воспитания детей в соответствии с общепринятыми духовными ценностями особое значение приобретает в период изменения социальных структур и социально-экономических отношений. Следует отметить, что события последних лет и изменения в обществе тяжело переживаются взрослым поколением. Это оказывает влияние и на молодое поколение. Дети стремятся к самоутверждению и проявлению индивидуальности. Именно народные традиции и обычаи выступают в роли регуляции поведения и деятельности взрослых и детей в семье и обществе, формируют основы нравственных качеств, способствуют возрождению новых духовных ценностей, обогащают культурное наследие народа.

Семья как устойчивая социальная общность является важным фактором формирования личности. Она была и остаётся важнейшим воспитательным институтом, источником передачи социального опыта от поколения к поколению. Особенно в дошкольном возрасте в социализации ребёнка семья играет важную роль. Фундамент личности закладывается именно в семье. Первые представления, понятия, навыки, отношения к людям, нравственные нормы поведения, чувства формируются в семье.

Сложное становление личности с первых дней жизни ребёнка протекает в своеобразии сложных семейных и общественных отношений. Необходимость научного изучения данной проблемы обусловлена также повышением роли народных традиций и обычаев в формировании

нравственных качеств детей в семье, от котором во многом зависит успешная реализация реформы образования. Исходя из отмеченного, изучение народных традиций и обычаев, а также создание научного представления о продуктивности и эффективности воспитания детей в семье представляют собой важное значение для осмысления путей целостного формирования нравственных качеств детей в семье.

Степень разработанности проблемы. В последние 30 лет этнография детства увлекает внимание этнографов, этнологов и представителей других наук во многих странах мира. Об этом свидетельствует научное изучение этнопедагогики стран ближнего и дальнего зарубежья, представленной в работах серии “Этнография детства”, в которых освещаются традиционные формы воспитания детей и подростков в семье и обществе.

Фундаментальные исследования М. Мид, И.С.Кон, Ю.Б. Бромлей, С.М. Лурье и другие оказывали определяющее влияние на развитие науки, изучающей мир детства, её воспитание, развитие и формирование в разных социальных институтах, факторы народной педагогики во многих странах.

Следует отметить, что определённое время игнорировали проблему народной педагогики, многие традиции и обычаи рассматривались в историческом аспекте, а не в качестве воспитательных ценностей. По нашему мнению, эта позиция была своеобразной реакцией на религиозную концепцию народного воспитания и влиянием атеистического воспитания, проводимого в 20-80 годы. Многие материальные и гражданские ценности рассматривались как “пережитки старой жизни”, “антинародной”. В результате чего семья постепенно лишалась многих положительных традиций и, естественно, воспитательного потенциала. Задачи совершенствования воспитательно-образовательной функции семьи определили потребность в усилении внимания к народным традициям и обычаям, как фактору формирования нравственных качеств личности. Вопросы семейного воспитания в научно - педагогической литературе освещены недостаточно. Те немногие исследования и публикации, которые проводились в разные периоды этнологами, педагогами, социологами и представителями других отраслей науки, касаются отдельных аспектов семейного воспитания и использования традиций и обычаев в воспитании детей.

Предстоит работа по совершенствованию системы общего среднего образования на основе современных требований, в том числе надо организовать частные школы, широко использовать в этом возможности государственно-частного партнерства. Наряду с образованием детей дошкольного возраста актуальной проблемой является формирование навыков и привычек гражданской культуры. К этой проблеме нужно подходить через средства народной педагогики. Приобщение детей к народной культуре является одним из средств формирования у них патриотических чувств и развития духовности.

Через родную песню, сказку, овладевая языком своего народа, его традициями, обычаями ребенок дошкольного возраста получает первые представления о культуре своего народа. На каждой ступени воспитания есть свой круг образов, эмоций, представлений, привычек, которые передаются ребенку, усваиваются им и делаются ему близкими. Богатство красок, звуков, образов несет в себе народное творчество. Народная педагогика располагает разнообразными средствами воспитания патриотических чувств у детей. Фольклор – одна из самых ярких форм выражения народом глубокого чувства любви и привязанности к родной земле, языку, культуре.

Задача педагога – раскрыть духовный и нравственный потенциал народного фольклора и довести его до каждого ребенка в доступной форме. Так как, в устном народном творчестве как нигде сохранились особенности черты узбекского характера, присущие ему нравственные ценности, представление о добре, красоте, правде, храбрости, трудолюбии, верности.

Сказки открывают ребенку окно в мир, эмоционально окрашивают настоящее, вселяют надежду и веру в доброе, которое несут нам сказочные герои: Бей, дубинка! Жестокий шах, Завещание отца, Зияд-батыр, Кахрамон, Клыч-батыр, Мальчик с горошинку, Мукбил-метатель. Сказки волнуют, увлекают ребенка, заставляют его плакать и смеяться, показывают ему, что народ считает самым важным богатством: трудолюбие, дружбу, взаимопомощь. Слушая сказку, ребенок начинает любить то, что любит его народ, и ненавидеть то, что ненавидит народ. Ярким примером дружбы, взаимопомощи, трудолюбия является сказка “Бей дубинка!”. В ней бедный дехканин помогает аисту, попавшему в силок, и повредившему крылья, за что аист его отблагодарил. Но не чистые на руку знакомый старика и алчный хан, решили завладеть богатствами подаренные аистом, за что были жестоко наказаны. Сказка воспитывает в ребенке порядочность и любовь к справедливости. В сказке наиболее ярко раскрывается любовь к природе и ее обитателям, сказка воспитывает не обижать их.

“Это – первые и блестящие попытки народной педагогики, - писал К. Д. Ушинский, - и я не думаю, чтобы кто-нибудь был в состоянии состязаться в этом случае с педагогическим гением народа” [2].

Язык узбекских народных сказок характеризуется доступным словарем, четкими фразами, отсутствием сложных для восприятия детьми грамматических форм, выразительностью, образностью, наличие определений, несложных форм прямой речи. Все это позволяет вовлечь детей в активную работу.

Особым жанром, влияющим на духовно-нравственное воспитание детей, являются пословицы и поговорки. Концентрированность, емкость образа в пословицах и поговорках активно воздействует на нравственно-эмоциональную сферу дошкольников. Противоречие, которое в них заложено, многовариантность возможной интерпретации помогают создать проблемную ситуацию с нравственным содержанием, что рождает у ребенка потребность найти ее решение. Однако в настоящее время этот вид народного творчества недостаточно широко используется в работе с детьми, либо не реализует его воспитательный потенциал.

Понятным и ценным для детей являются пословицы о Родине, матери, родном языке, природе. Отбирая данные пословицы, необходимо учитывать, чтобы они были доступными пониманию детей дошкольного возраста. Наиболее легко усваиваются образные пословицы о Родине: “Нет в мире краше Родины нашей”, “Родина любимая – мать родная” и др. Любовь к Родине и любовь к матери – чувства, неразрывно связанные между собой. Пословицы о женщине-матери являются действенным средством воспитания любви к самому дорогому человеку: “При солнышке тепло, при матери добро”, “Нет такого дружка, как родная матушка”, “Счастье и доброту у матери найду” и др. Только народная мудрость просто и доходчиво может показать взаимоотношения матери и детей, обогатить знания дошкольников о материнских чувствах и делах. На основе этих знаний формируется положительное отношение к матери, любовь к ней становится более осмысленной.

Отношение к Родине во многом определяется впечатлениями, полученными детьми от общения с природой. Пословицы о природе способствуют формированию интереса и внимательного отношения к родной земле: “Без хозяина земля – круглая сирота”, “Земля заботу любит”, “По погоде и урожай” и др.

Используя в своей речи пословицы и поговорки, дети учатся ясно, лаконично, выразительно выражать свои мысли и чувства, интонационно окрашивая свою речь, развивается умение творчески использовать слово, умение образно описать предмет, дать ему яркую характеристику.

В узбекском фольклоре особенным образом сочетается слово, музыкальный ритм, напевность. Адресованные детям потешки, прибаутки, колыбельные звучат как ласковый говорок, выражая заботу, нежность, веру в благополучное будущее.

Колыбельные песни, по мнению народа – спутник детства. Они заключают в себе могучую силу, позволяющую развивать речь детей. Колыбельные песни обогащаю словарь детей за счет того, что содержат широкий круг сведений об окружающем мире, прежде всего о тех предметах, которые близки опыту людей и привлекают своим внешним видом, например, “кузичогим”(ягнёночик). Обучая детей образовывать однокоренные слова, можно использовать эти песни, так как в них создаются хорошо знакомые детям образы, например, образ кота. Причем это не просто кот, а (мушукчам) “котенька”, (мушук) “коток”, (мош) “котик”. К тому же положительные эмоции, связанные с тем или иным с колыбели знакомым образом, делают это освоение более успешным и прочным. Колыбельная, как форма народного поэтического творчества, содержит в себе большие возможности в формировании фонематического восприятия, чему способствует особая интонационная организация (напевное выделение голосом гласных звуков, медленный темп и т. п., наличие повторяющихся фонем, звукосочетаний, звукоподражаний. Невзирая на небольшой объем, колыбельная песня таит в себе неисчерпаемые источник воспитательных и образовательных возможностей.

Прибаутки - это песенки или стишки, увлекающие ребенка своим содержанием. Содержание прибауток яркое и динамическое. Прибаутки содержат первые назидания: упрямый козел съеден волками, кисонька-мурысонька не оставила маслица, чтобы угостить другого… Однако главная роль прибауток – познавательная. Ребенок узнает о людях, животных, явлениях, предметах, об их типических свойствах.

Отгадывание и придумывание загадок также оказывает влияние на разностороннее развитие детей. Загадка – одна из малых форм устного народного творчества, в которой в предельно сжатой, образной форме даются наиболее яркие, характерные признаки предметов или явлений. Загадки обогащают словарь детей за счет многозначности слов, помогают увидеть вторичные значения слов,

формируют представления о переносном значении слова. Разгадывание загадок развивает умение четко выделить наиболее характерные, выразительные признаки предмета или явления, умение ярко и лаконично передавать образы предметов, развивает у детей “поэтический взгляд на действительность”.

Фольклор обогащает эмоции, воспитывает воображение и дает ребенку прекрасные образцы узбекского литературного языка, служит могучим, действенным средством умственного, духовно-нравственного и эстетического воспитания детей, оказывает огромное влияние на развитие и обогащение речи ребенка.

Анализ сущности традиций и обычаев, их роль в духовном развитии общества, закономерности исторического изменения даются в работах А.К. Алиева, А.Н. Антонова, Ю.Б. Бромлей, Н.П. Лобачовой, В.Д. Плахова, И.В. Суханова и других. В фактическом материале авторы раскрывают закономерности возникновения и развития народных традиций, показывают преемственность, взаимовлияние и взаимопроникновение многих элементов народных традиций и обычаев прошлых с обычаями, традициями современного общества.

Существенный интерес представляют исследования народной педагогики – Узбекистана, России, Украины, Азербайджана, Киргизстана, Казахстана и других ряда стран, рассматривающие народные традиции и обычаи как неоценимое духовное богатство, жизненный опыт многих поколений и мудрость народа в области воспитания и обучения не только детей, но и всего человечества.

Алишер Навои, Абу Али ибн Сино, А.Фирдоуси, Саади, Джами, и многими другими. Они в своих произведениях выдвинули идею гуманизма как составную часть нравственных качеств личности. Эти идеи охватывали такие качества, как: доброту, дружелюбие, щедрость, честность, солидарность, милосердие, трудолюбие, взаимопомощь и т.п. Особо отмечали роль семьи, в особенности примера взрослых в формировании духовного облика молодого поколения. Мы считаем, что они своими идеями развивали народные традиции воспитания всесторонне развитого совершенного человека. Исходя из этого, необходимо считать, что народные традиции, обычаи, связанные с нравственным воспитанием и развитием, всегда являлись важными факторами формирования личности человека во все периоды его жизни и деятельности.

Этнокультурным образовательным пространством “является прежде всего семья, дошкольные учреждения, школа и средства массовой информации (в том числе и электронные) и на основании положений и разработок по данной концепции следует вносить в будущем определённые коррективы в систему образования в республике”.

Тем не менее, мы считаем, что в исследованиях о роли узбекских народных традиции как средства формирования нравственных качеств детей в семье наблюдается ряд существенных недостатков и нерешенных проблем: анализ ценностно-педагогического развития прогрессивных традиций обычаев, содержательных характеристик, определяющих уровень нравственного формирования детей, также остаются недостаточно изученными узбекских народные традиции и обычаи как средство формирования нравственных качеств детей дошкольного возраста в семье, усвоение ими нравственных норм поведения средствами народной фольклористики, мало раскрыты традиционные методы воздействия старших на нравственные чувства, сознание и поведение детей. Также недостаточно изученным являются вопросы повышения воспитательных возможностей семьи, в особенности педагогической культуры родителей, так как решение воспитательных задач требует совершенствования педагогических знаний, умений и навыков.

## Литературы

1. Обращение Президента к Парламенту 28 декабря 2018 года http://www.uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeevas-28-12-2018
2. Азаров Ю.П. Семейная педагогика. -М., 1985. -238 с.
3. Айни С. Бухара: Вспоминание. /Пер. с тадж. С. Бородин.- Сталинабад: “Таджикгосиздат”, 1954.-305 с.
4. Анаутова Е. Методы обогащения воспитательного опыта родителей. //Дошкольное воспитание. -2002, -№ 9. - с. 51 - 58.
5. Андреенкова Н. Роль семьи в социализации индивида. //Проблемы быта,брака и семьи. Вильнюс, 1970. - с. 162-171.
6. Люшкевич Ф.Д. Женские украшение узбеков и таджиков Бухарского оазиса. В.кн. “Полевые исследования института этнографии”. -М., 1986, с.73-84.
7. Макаренко А.С. Разговор с читателем. //Собр. соч.: В 8 т. -М., 1983.1. Т.7. 318 с.
8. Ушинский К.Д. Народная педагогика. //Собр. Соч.: 1 т. –М., 1971.

**O‘g‘iljon OLLOQOVA**
Buxoro davlat universiteti
boshlang‘ich ta’lim metodikasi
kafedrasi o‘qituvchisi

# ONA TILI TA’LIMIDA INTENSIV TA’LIM TEXNOLOGIYALARINI QO‘LLASHNING NAZARIY METODOLOGIK ASOSLARI

*Maqolada intensiv ta’lim texnologiyalarining mazmun-mohiyati haqida soz boradi. Shuningdek, ona tili ta’limida intensiv ta’lim texnologiyalarini qo‘llashning nazariy metodologik asoslari ochib berilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *zamonaviy ta’lim, ta’lim texnologiyalari, intensiv ta’lim, intensiv o‘qish, intensiv faoliyat, ona tili ta’limi, ta’limni intensivlashtirish, faollik, mustaqillik, ijodiylik.*

*В статье будет рассказано о сущности технологий интенсивного обучения. Раскрыты также теоретико-методологические основы применения интенсивных образовательных технологий в обучении родному языку.*

***Ключевые слова:*** *современное образование, образовательные технологии, интенсивное обучение, интенсивное обучение, интенсивная деятельность, обучение родному языку, интенсификация обучения, активность, самостоятельность, творчество.*

*The article talks about the essence and significance of intensive education technologies. Also, theoretical methodological basis of application of intensive educational technologies in mother tongue education is revealed.*

***Key words:*** *modern education, educational technology, intensive education, intensive reading, intensive activity, native language education, intensification of Education, Activity, independence, creativity.*

**Kirish**. Zamonaviy ta’lim tushunchasi keng qamrovli tushuncha bo‘lib, u yangi pedagogik texnologiyalar, ta’limga innovatsion yondashuv, fanlararo integratsiyani o‘zida ifoda etadi. Yosh avlodni bilimli, mustaqil fikr-mulohaza yuritadigan, zamon talablariga to‘la javob bera oladigan kadr qilib tarbiyalaydigan zamonaviy ta’lim tizimini yaratish, ta’lim muhitining shaffofligini ta’minlash davlatning itimoiy rivojlanish sohasidagi eng asosiy masaladir. Ta’limni rivojlantirish eskirgan tizimdan voz kechish, zamonaviy ta’lim texnologiyalarini o‘quv-tarbiya jarayoniga tatbiq qilish, mavjudlarini yanada takomillashtrish bilan amalga oshiriladi. Ta’lim tizimini tubdan isloh qilish, xalqaro standartlarga mos o‘quv-tarbiya jarayonini tashkil qilishda ta’lim texnologiyalarining o‘rni beqiyos. Har bir pedagog ta’lim texnologiyalarining mazmun-mohiyatini to‘la anglasagina uni o‘quv-tarbiya jarayoniga tatbiq qila oladi.

**Asosiy qism.** Ta’lim texnologiyasi deb o‘quv-tarbiya jarayonida o‘quvchi maqomini o‘zgartirish, yangilash yo‘li bilan ma’lumot mazmunini va uni moddiylashtirish darajalari – o‘quv materiali o‘quv predmetiga pedagogik ishlov berish, o‘rganiladigan mavzuni o‘quvchilarning real bilish imkoniyatlariga moslashtirish, ta’lim natijasini qabul qilingan etalon darajasiga ko‘tarish va baholashga oid tamoyillar, usullar, vositalar, ta’limning tashkiliy shakllarini tushunamiz [7, 285].

G‘arb va Sharq adabiyotlarida ta’lim texnologiyalarining mazmun-mohiyatini ochib beruvchi bir qancha mukammal ta’riflar keltirilgan. Xusussan, pedagog N. Surtayeva ta’lim texnologiyasiga didaktik tushuncha sifatida qaraydi. U “Ta’lim texnologiyasining vazifasi didaktikada ishlab chiqilgan qonunlar va prinsiplarni samarali va optimal o‘qitish va o‘qitish usullariga aylantirish, shuningdek, ularni keng qo‘llash uchun zarur shart-sharoitlarni yaratishga imkon beradi” deb ta’kidlaydi [6].

G. K. Selevko esa ishlab chiqarishning kontseptuallik, tizimlilik, boshqarish, samaradorlik, takrorlanuvchanlik kabi bir qancha mezonlariga asoslangan holda zamonaviy pedagogik texnologiyalarni tasniflaydi. Ular quyidagicha:

-dastur darajasiga ko‘ra (umumiy pedagogika, xususiy predmet);

-falsafiy asosda (materialistik, idealistik, dialektik, metafizik, gumanistik, antigumanistik va boshqalar);

-aqliy rivojlanishning yetakchi omili (biogen, sotsiogen, psixogen, idealist) bo‘yicha;

- assimilyatsiya tushunchasi (assotsiativ-refleksiv, rivojlanish va boshqalar);

- shaxsiy tuzilmalarga yo‘naltirilgan (axborot, operatsion, o‘z-o‘zini rivojlantirish, shakllantirish);

-kontent va strukturaning tabiati (ta’lim-tarbiya, umumiy ta’lim, professional ta’lim va boshqalar);

- tashkiliy shakllar bo‘yicha (sinf-dars, muqobil, individual, guruh va boshqalar);

- kognitiv faoliyatni boshqarish turiga ko‘ra (klassik, kompyuter va boshqalar yordamida);

- talabaga (avtoritar, shaxsiy-yo‘naltirilgan, insoniy-shaxsiy, hamkorlik texnologiyalari va boshqalar);

- mavjud an’anaviy tizimni modernizatsiya qilish yo‘nalishi bo‘yicha (tashkilot va boshqaruv samaradorligi asosida talabalar faoliyatini faollashtirish va intensivlashtirish asosida va boshqalar);

- talabalar toifasiga ko‘ra (ommaviy texnologiya, iqtidorlilar va boshqalar bilan ishlash) [6].

Bugungi kungacha bir qancha pedagogik texnologiyalar ilmiy jihatdan tadqiq etilgan bo‘lib, ular hozirda zamonaviy ta’lim tizimini rivojlantirish vositasi bo‘lib xizmat qilmoqda. Hozirda muammoli ta’lim texnologiyalari, o‘yin faoliyati texnologiyasi, kommunikativ ta’lim texnologiyasi, hamkorlikda o‘qitish texnologiyalari bilan bir qatorda intensiv ta’lim texnologiyalari qo‘llanilmoqda.

“Intensiv” tushunchasi keng qamrovli bo‘lib, nafaqat ta’limda, balki qishloq xo‘jalik ishlab chiqarish tizimida ham keng qo‘llanilmoqda: intensiv bog‘, intensiv nav, intensiv yetishtirish, intensiv parvarish va boshqalar.

Intensiv ta’lim texnologiyalari vositasida o‘qitishga o‘tgan asrning 60-yillarida asos solingan bo‘lsada, uning keng tatbiqi axborot texnologiyalarining rivojlangan davrga to‘gri keladi. Intensiv ta’lim texnologiyalari dastlab chet tillarini o‘rgatishda samarali texnologiya sifatida keng qo‘llanilgan.

“Intensiv ta’lim” (lotinchadan – kuchlanish, kuchaytirish, jadal deb tarjima qilinadi) tushunchasi pedagogik ensiklopediyalarda o‘quvchilarning qisqa vaqt ichida eng maksimal darajada harakatlanishi va o‘quv materialini o‘zlashtirishni ta’minlovchi texnologiya sifatida ta’riflanadi.

O‘tgan asrning 90-yillarida intensiv ta’lim texnologilaridan foydalangan holda xorijiy tillarni o‘rgatish tizimi yo‘lga qo‘yildi. Xususan, G.A.Kitaygorodiskaya intensiv ta’lim texnologiyalari asosida chet tilini o‘qitishni ilmiy jihatdan tadqiq qilgan. U o‘z tadqiqotida intensiv ta’limning mazmun va maqsadini aniq ko‘rsatib berdi. Uning fikricha, intensiv ta’limning maqsadi - xorijiy muloqot qobiliyatlarini eng qisqa vaqt ichida egallash. Intensiv ta’limning mazmuni esa muayyan sohadagi faoliyatni samarali amalga oshirish uchun yetarli va zarur bo‘lgan bilim va ko‘nikmalar majmuasini o‘zlashtirish, shuningdek, ushbu ko‘nikma va qobiliyatlarni shakllantirish, rivojlantirish va ulardan foydalanishni ta’minlaydigan til materiallarini o‘zlashtirishdir [3, 5]. Shuningdek, bir qancha chet el pedagoglari intensiv ta’lim texnologiyalarni tatbiq qilgan holda o‘quv-tarbiya jarayonini yanada takomillashtirish va samaradorligini oshirish masalalarini o‘rganganlar.

L.P.Ovchinnikova ilmiy izlanishlarida sirtqi ta’lim talabalariga ta’lim berish uchun turli xil intensiv texnologiyalar (loyiha, modul, multimedia, o‘yin, case study), ularning didaktik imkoniyatlari va kamchiliklari hamda ulardan samarali foydalanish usullarini o‘rgangan.

K.O.Maskevich o‘rta maktabning yuqori sinfida intensiv ta’lim texnologiyalari asosida chet tillarini o‘qitishning sifat va samaradorligini o‘rgangan.

I.U.Odinayev esa oliy ta’lim tizimida rus tilini o‘qitishda intensiv ta’lim texnologiyalaridan foydalanishning samaradorligini nazariy va amaliy jihatdan asoslab bergan.

M.A. Bondarenko “Intensiv o‘qitish didaktik tizimning moduli sifatida” nomli nomzodlik dissertatsiyasida intensiv ta’lim nazariyasi, fransuz tili o‘qitish moduli asosida intensiv ta’lim metodikasi va texnologiyasini ochib bergan [2].

I.V.Shestitko, I.A.Turchenko, Y.S.Shilova, S.V.Marshinalarning “Intensiv ta’lim: o‘quv jarayonini tashkil etish texnologiyalari” nomli o‘quv qo‘llanmasida intensiv ta’lim texnologilarini quyidagicha tasniflaydilar:

- loyihalash texnologiya asosida o‘rganish;
- muammoli ta’lim texnologiyasi;
- jamoaviy o‘rganish texnologiyasi;
- modulli o‘qitish texnologiyasi;
- tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasi;
- kase-texnologiyasi (case study);
- ta’limiy o‘yin texnologiyasi;
- refleks faoliyatini tashkil etish texnologiyasi;
- vaqtinchalik o‘quv guruhini yaratish texnologiyasi [9].

N.P.Ogareva “Matematika o‘qitish jarayonini intensivlashtirish usullari”, V.T.Petrova “Oliy o‘quv yurtlarida matematika fanlarini o‘qitishni intensivlashtirishning ilmiy-metodik asoslari” muammolarini o‘rganganlar va bir qancha tavsiyalarni ishlab chiqqanlar.

Bundan tashqari G.L.Radchenko, T.L.Chepel, O.A.Mokrousova, T.L.Jarkova va boshqalarning ilmiy izlanishlarida intensiv ta’lim texnologiyalarini ko‘rish mumkin.

Dastlab intensiv ta’limda chet tillarini o‘qitish asosiy planda qaralgan bo‘lsa, endilikda barcha ta’lim sohasi uning markaziy yo‘nalishi bo‘lishi mumkin. Intensiv ta’lim texnologiyalarini turli ta’lim sohalarida qo‘llash ta’lim sifatini va samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Intensiv ta’lim bilan bir qatorda intensiv o‘qish, intensiv kurs, ta’limni intensivlashtirish, mehnatni intensivlashtirish kabi tushunchalar ham paydo bo‘ldi.

*Intensiv o‘qish* - matnning mazmunini to‘liq va aniq tushunish, matndan kerakli ma’lumotlarni olishdagi qiyinchiliklarni bartaraf etish, agar kerak bo‘lsa, o‘qituvchi va lug‘at yordamiga murojaat qilish qobiliyatini o‘z ichiga olgan o‘qish turi.

*Intensiv kurs* - intensiv o‘qitish usullaridan foydalangan holda xorijiy tillarni o‘qitish kursi.

Ta’limni intensivlashtirish - mehnat unumdorligini va ish sifatini oshirish yo‘llaridan biri; ta’lim nazariyasi, shu jumladan, xorijiy tillarning markaziy tushunchasi [1].

*Mehnatni intensivlashtirish* - bu ko‘proq ish, yanada samarali ishlash, mavjud ish vaqti uchun ko‘proq ish qilish, ya’ni qo‘shimcha vaqt hisobidan emas, balki muammolarni hal qilish uchun malakaga ega bo‘lgan mahorat [6].

Yuqoridagi ta’riflarni inobatga olgan holda biz intensiv ta’limni texnologiyalarini belgilangan vaqt ichida maksimal darajadagi bilimlarni ongli o‘zlashtirilishiga yordam beradigan, subyekt-subyekt munosabatini shakllantiradigan pedagogik tizim deb ta’riflashimiz mumkin.

Ta’limni intensivlashtirish jarayonida asosiy vazifa pedagog zimmasiga tushadi. U professional faoliyat ko‘rsatishi, uzluksiz ravishda malakasini oshirib borishi, o‘quv materialining mazmun-mohiyatini aniq belgilab olishi, vaqtni chegaralay olishi, belgilangan vaqtda katta hajmdagi axborotni yetkazib berish va o‘quvchilar tomonidan o‘zlashtirilishini ta’minlovchi yo‘llarni izlab topishi, o‘quvchilarning hissiy-emotsional xususiyatlariga ta’sir qilish orqali ularda o‘qish va o‘rganishga nisbatan motivatsiya uyg‘otishi va samarali ta’lim muhitini yaratishi lozim.

O‘qituvchi shunday yo‘lni tanlashi kerakki, unda ham o‘zi, ham o‘quvchilar jismoniy va ruhiy jihatdan toliqmasligi hamda har ikkala tomon ham o‘zining ijodiy qobiliyatini erkin namoyish qila olishi kerak. Bunda ta’limni optimallashtirish keng yordam beradi.

Ta’limni optimallashtirish ma’lum sharoit uchun eng samarali variantni tanlash jarayonidir. Ta’limni optimallashtirish tushunchasini fanga Y.K.Babanskiy kiritgan bo‘lib, u “…o‘qituvchi va o‘quvchining vaqt byudjetidan unumli foydalanishni ta’minlaydigan aynan olingan sharoitga eng mos keladigan, ta’limning ilmiy asoslangan variantini tanlashdir” – deb ta’rif beradi [7, 273].

O‘qituvchi ta’limning optimal variantini tanlashda o‘quvchilarning tayyorgarlik darajasi va real bilish imkoniyatlarini inobatga olishi zarur. Shunga ko‘ra u mavzu o‘quv materialining mazmun-mohiyatini keng ochib beruvchi o‘quvchilar jamoasining uyushqoqligini ta’minlovchi, ta’lim sifatini kafolotlovchi ta’lim texnologiyasini tanlashi zarur. Shuni ham unutmaslik kerakki, tanlangan texnologiya doimiy va uzoq muddat davomida samarali natijani kafolatlamaydi. Vaqt o‘tib, zamon o‘zgargan sari talim texnologiyalarni yanada takomillashrishni taqozo qiladi. Bunda samarasiz texnologiyalardan voz kechiladi, samarali deb hisoblanganlari mukammallashtiriladi yoki boshqasi bilan almashtiriladi.

Bugungi kunda ham intensiv ta’lim texnologiyalarini takomillashtirish, ta’lim-tarbiya jarayoniga qo‘llash, uning sifat va samaradorligini oshirishga qaratilgan ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. I.U.Odinayev o‘zining nomzodlik dissertatsiyasida intensiv ta’lim texnologiyalarining asosiy mezoni sifatida o‘quv-tarbiya jarayonining samaradorligini oshirish, ratsionalizatsiya qilish va optimallashtirishni ko‘rsatadi. U faoliyat, mustaqillik va ijodkorlikni intensiv ta’limning tamoyillari deb ta’kidlaydi.

I.U.Odinayev ko‘rsatgan tamoyillar nafaqat chet tillarini, balki umumiy o‘rta ta’limda ona tilini o‘qitishga ham mos keladi. Ona tili darslarida o‘quvchilarning faolligini oshirish, mustaqil harakatlanishlari va ijodkorliklarini namoyish qilish uchun sharoit va muhit yaratish, ularning faoliyatini intensivlashtirish orqali o‘quv dasturida ko‘rsatilgan maqsadga erishish mumkin. Har qanday tilni o‘rganish o‘quvchilarning intellektual sahiyatini oshirishga, ularda kommunikativ kompetensiyaning shakllanishiga, ijtimoiy faol harakat qilishiga yordam beradi.

Intensiv ta’limning faollik, mustaqillik va ijodkorlik tamoyillari o‘zaro bog‘langan bo‘lib, biri ikkinchisidan alohida namoyon bo‘lmaydi. O‘quvchilarning faolligi ularning mustaqil harakatlanishiga undaydi. Bola mustaqil harakatlanar ekan, u o‘z oldiga muammoni qo‘ya oladi va uni qanday hal qilish kerakligini biladi. Bunda u muammoning yechimiga ijodiy yondashadi. “Mustaqil bo‘lish - bu o‘z vazifasini belgilash, uni hal qilish rejasini tuzish va keyin uni amalga oshirish imkoniyatiga ega bo‘lish demakdir. Mustaqillik har doim ijodkorlik elementlarini o‘z ichiga oladi yoki uning namoyon bo‘lishini talab qiladi” [6]. Ona tili darslarida o‘quvchining asosiy vazifasi ham o‘quvchilar faolligini oshirish, ularni mustaqil fikrlashga o‘rgatish orqali ijodkorligini namoyon qilishdir.

**Muhokamalar va natijalar.** Axborot kommunikatsion texnologiyalarining rivojlanishi o‘quv-tarbiya jarayonida intensiv ta’lim texnologiyalarini qo‘llash imkoniyatini yanada oshirdi. Endi o‘quvchi topshiriqlarni o‘qish bilan chegaralanib qolmay, monitorda ko‘rish va eshitish orqali bajarish imkoniyatiga ham ega bo‘ldi. Bunday rang-baranglik bolani ijodiy fikrlashga o‘rgatadi. U ma’lumotlarni turli xil

ko‘rinishlarda qabul qilayotganligi sababli unda yangi fikrlar, g‘oyalar paydo bo‘ladi. Darsliklar uchun yaratilgan multimedia ilovalari, taqdimotlar bolaning qiziqishini orttiradi, mustaqilligini va ijododkorligini oshiradi.

Biz o‘z izlanishlarimiz jarayonida ko‘plab pedagoglarning faoliyatini o‘rganib tahlil qildik. Natijada shunga amin bo‘ldikki, ona tili ta’limi jarayonida intensiv ta’lim texnologiyalarini qo‘llash muammosi hozirgacha to‘liq o‘rganilmagan va yetarli darjada ilmiy asosga ega emas. Ona tili ta’limida loyihalash, muammoli ta’lim, modulli o‘qitish, didaktik o‘yin texnologiyalarini qo‘llash muammolari o‘rganilgan bo‘lsada, lekin yaxlit umumiy holda intensiv ta’lim texnologiyalari sifatida tizimlashtirilmagan. Bu esa o‘z o‘rnida boshlang‘ich sinf ona tili ta’limida intensiv ta’lim texnologiyalarini qo‘llashning nazariy va amaliy asoslarini chuqurroq o‘rganish, qo‘llash metodikasini ishlab chiqish uchun asos bo‘ladi. Zero boshqa fanlar kabi boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga ona tilini o‘rgatishda intensiv ta’lim texnologiyalarini qo‘llash imkoniyati yuqori.

Xususan, 2-sinf ona tili darsligida berilgan 196-mashqni o‘quvchilar faol bajaradilar [8, 95]. Mashq shartiga ko‘ra o‘quvchilar berilgan rasmlarni kuzatishlari kerak. Rasmlar monitor orqali ko‘rsatiladi va mustaqil ravishda kuzatish topshirig‘i beriladi. Tasvirning kattalashuvi o‘quvchilarning rasmlarni yaxshiroq kuzatishga, ularni to‘laroq idrok etishga yordam beradi. Chunki ular orqa planda turgan mayda narsalarni ham kengroq kuzatishlariga imkon yaratiladi. Bu esa ularga keyingi bosqichda ijodiy matn tuzishga yordam beradi. Rasmlar seriyasi uch qismdan iborat bo‘lib, har bir qismda ma’lum voqea-hodisa tasvirlangan. Har bir rasmdagi tasvir yuzasidan suhbat o‘tkaziladi. O‘quvchilar o‘z fikrlarini bayon qilishadi. Mashqni bajarishda kichik guruhlar bilan ishlash, didaktik o‘yin topshiriqlarini berish mumkin. Yoki bo‘lmasa, mashqni mustaqil bajarish topshirig‘i beriladi. Yuqoridagi fikrimiz isboti sifatida shuni aytishimiz mumkinki, mashqni bajarish jarayonida o‘quvchilar faollik, mustaqillik va ijodkorlik tamoyillariga amal qiladilar. Ekrandagi tasvirni o‘quvchilar faol ravishda kuzatishadi, rasmlar seriyasidagi voqea-hodisalarni idrok etishadi. Kuzatishni har bir o‘quvchi mustaqil amalga ishiradi. O‘z oldiga muammo qo‘yadi. Muammo berilgan rasmlarga nisbatan o‘z fikrini bildirish. Endi unga yechim izlaydi. Yechimni bolalarga ism qo‘yishdan boshlaydi, ularning birgalikdagi faoliyatini tahlil qiladi. Voqea-hodisalarni o‘z fikr-mulohazalari va ijodiyligi bilan ketma-ket tasvirlaydi. O‘quvchilarning mustaqilligi ularning ijodiy fikrlashiga asos bo‘ladi.

**Xulosa**. Intensiv ta’lim texnologiyalari murakkab tuzilma bo‘lib, u bir qancha tarkibiy qismga ega. Tuzilmaning har bir qismi o‘quv jarayonida muayyan tarzda namoyon bo‘ladi. Dars jarayonida ularning uyg‘unligini ta’minlash, yaxlit birlik sifatida qo‘llash imkoniyati mavjud bo‘lib, uning metodik tizimini ishlab chiqish, takomillashtirish, nazariy-amaliy jihatdan tahlil qilish muammosiga yechim topilsa ta’lim tizimining rivojlanishiga yana bitta yo‘l ochiladi.

## Adabiyotlar


1. Азимов Э. Г. Щукин А. Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – 448 с
2. Бондаренко М.А. Интенсивное обучение как модуль дидактической системы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. –Тула, 2003.
3. Китайгородская Г. А. Методика интенсивного обучения иностранным языкам. Учеб. пособие. - М.: “Высшая школа”, 1986. – 103 с.
4. Мацкевич К. О. Технологии интенсивного обучения иностранным языкам в старших классах средней школы. Lingua mobilis № 6 (32), 2011
5. Овжинникова Л.П. Технологии интенсивного обучения и самообучения студентов-жаочников Известия Самарского наужного еентра Российской академии наук, т. 15, №2, 2013
6. Одинаев И. У. Интенсивные технологии обучения русскому языку в системе высшего образования. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. –Душанбе, 2013.
7. Olloqova M. O. Intensive education and linguistic competence in mother tongue //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 580-587.
8. Roziqov O., Adizov B., Najmiddinova G. Umumiy didaktika. –Buxoro: “Durdona”, 2012. -172 bet.
9. Qosimova K., Fuzailov S., Ne’matova A. Ona tili (2-sinf darsligi). –Toshkent: “Cho‘lpon”, 2018. -144 bet.
10. Шеститко И.В., Турченко И.А., Шилова Е.С., Маршина С.В. Интенсивное обучение:технологии организацииобразовательного процесса. - Светлая Роща: ИППК, 2014. - 136 с.

**Нигина ҲОЖИЕВА**
Бухоро давлат университети
ўзбек тилшунослиги кафедраси
лингвистика (ўзбек тили) II босқич магистри

## АНОР ЛЕКСЕМАСИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

*Мазкур мақолада ўзбек тили мевачилик лексикасига тегишли баъзи сўзлар халқ тили луғат бойлигининг ажралмас қисми сифатида таҳлил қилинган. Мевачилик лексикасининг вужудга келиши инсоният ўтмиши билан, инсоннинг меҳнат жараёнини ўзлаштириш тарихи билан узвий алоқадорлиги, хусусан, анор меваси ва унинг турлари номи, изоҳли луғатларда, қомусларда шу мевага берилган таърифлар, мазкур таърифларнинг киши онгида анор меваси тушунчаси билан мос келиши ёки мос келмаслиги масалалари очиб берилган. Мақола анор мевасига берилган ўзбекча таърифларни рус тилидаги мавзуга оид луғатлар изоҳи билан таққослаш асосида тайёрланган.*

*Шунингдек, мақолада мевачилик лексикасини тил нуқтаи назаридан йиғиш, ўрганиш, улар билан боғлиқ изоҳли луғатлар тузиш, мева номларига берилган таърифларни тил имкониятларидан фойдаланиб (халқ сўзлашув тилига яқинлашган ҳолда) соддалаштириш ҳамда мукаммаллаштириш, бир томондан, тил ўрганувчиларга қулайлик туғдирса, иккинчи томондан, биология ва тилшунослик интеграциясини таьминлаши асосланган.*

***Таянч сўзлар:*** *лексема, анор, мева, гипероним, парадигматик, тарихий-этимологик, лексик-семантик.*

*В этой статье некоторые слова, относящиеся к узбекскому языку фруктовой лексики, анализируются как неотъемлемая часть национального словаря. Раскрываются вопросы появление фруктового словаря, связанные с человеческой историей и историей человеческого труда, в частности, плод яблока и названия его видов в толковых словарях, в энциклопедии, и то, соответствуют ли эти определения концепции гранат в человеческом разуме. Статья основана на сравнении узбекских описаний гранат с аннотациями в российских тематических словарях.*

*Статья также фокусируется на сборе, изучении и интерпретации словаря фруктов с лингвистической точки зрения, упрощении и улучшении определений названий фруктов с использованием языковых возможностей (близких к народному языку), с одной стороны, а с другой – биологии и языка. основанный на интеграции лингвистики.*

***Ключевые слова:*** *лексема, гранат, фрукт, гипероним, парадигматический, историко-этимологический, лексико-семантический.*

*In this article, some words related to the Uzbek fruit dictionary are analyzed as an integral part of the national dictionary. The emergence of a fruit dictionary related to the history of mankind and the history of human labor, especially in explanatory dictionaries, encyclopedias about the names of pomegranate fruit and its species, the concept of pomegranate bush in the human mind of these definitions. The article is based on a comparison of Uzbek descriptions of pomegranates with comments in thematic dictionaries in Russian.*

*The article also seeks to simplify and improve the definitions of fruit names using linguistic features (similar to popular language), as well as biology and language, by collecting, studying, and interpreting a fruit dictionary from a linguistic point of view. based on the integration of linguistics.*

***Key words:*** *garnet, fruit, hyperonim, lexeme, paradigmatic, historical-etymological, lexical-semantic.*

**Кириш**. Инсон тил орқали ташқи оламдаги барча предмет, нарсалар ва ҳодисаларни идрок қилади; онгида, тафаккурида уларни мужассамлаштиради, улар ҳақидаги билим доирасини кенгайтиради. Натижада, буларнинг умумлашмаси, хулосаси кишиларнинг ижодий фаолиятини шакллантиради. Нарса ва предметларни фақат ўз ҳолича, яъни уларнинг ташқи тузилиши ва шаклий хусусиятларига қараб онги, фикри ва тафаккурида умумлаштирмасдан, балки уларнинг тузилиши асосида мавжуд бўлган ички хусусиятлари ҳақидаги фикрларни ҳам ўз фаолиятида умумлаштиради [1].

**Асосий қисм.** Мева гипероними остида жамланиб, ўзбек тилида фаол парадигматик қаторлардан бирини ташкил қиладиган олма, ўрик, нок шафтоли, беҳи, анор, олча, гилос, тут, жийда каби гипонимларнинг хусусиятларини ёритиб беришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилган. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида мевали дарахтларнинг грамматик,

тарихий-этимологик, лексик-семантик хусусиятларига эътибор қаратилган бўлиб, *мева сўзи* форс тилида қадимдан истеъмолдаги сўз ҳисобланади. Эски ва ҳозирги тожик тилида мева (Ибн Сино асарларида бу сўз қайд қилинган), форс тилида “миве” кўплиги “миведжат” – плод фрукт; афғон тилида “мева”, қирғиз тилида “момо”, туркман тилида “миве”, уйғур тилида “миве”, қорақалпоқ тилида “мийўе”, озарбайжон тилида “мейво”, луғатларда “мийве”, ўзбек тилида “мева” тарзида қўлланади. Бундан ташқари уйғур диалектларида “мого” варианти ҳам бор. Эроний тиллардаги мева-миве, туркий тиллардаги миве-момо-мийўс- мейва-миве-мога вариантлари ўзаро қиёслаганда, ушбу сўзнинг ясамалиги сезилади. Сўзда икки компонент бўлиб, улар ўзаро киришиб кетган ва ўзаклар орасида морфологик қайта бўлиниш ҳодисаси юз берган. Икки мустақил сўз бир сўз ҳолига келиб қолган:

**1. Мева –**“ме (ҳ)+ва <ме (ҳ) +ба: <меҳ+ба(р)<беҳ +бар <бор бўлиши керак.

2. **Меҳ**- беҳ сўзи форсча бўлиб, яхши, ёқимли, мазали бар-бар сўзи ҳам мева, ҳосил маъносида келган. Мева сўзи ширин, мазали, ёқимли, самар, ҳосил демакдир [2].

***Ўрхун –Энасой ёзма манбалари, Маҳмуд Қошғарий луғати, “Тафсир”да қайд этиб ўтилган. Алишер Навоий асарларида эса:***

***Эй чучук жоним сенинг ширин лабинг,***
***Меваи жоним турунжи ғабғабинг.*** (“Ғаройиб ус сиғар” 359)

Яна Алишер Навоий ёки Увайсий ижодида ҳам анор меваси билан боғлиқ чистонлар келтирилган. Чистонлар аруз вазнида битилганлиги ва савол–жавоб қисми йўқлиги билан халқ топишмоқларидан фарқланади. Фольклоршунос олима З.Ҳусаинова фикрича, “Бу жанр икки киши ёки жамоа ўртасида берилган жумбоқли саволга жавоб қайтариш тарзида ижро этилади”.

А. Навоийда “Анор” луғзи 5 байт – 10 мисрали шеър, арузнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган, анор ахгар тўла мижмарга, даврон қонга “эвурган” дур тўла садафга ўхшатилган. Бармоқлар кучи унинг жисмини бўшатиб, танини мажруҳ қилиб, қонини оқизади, аммо бу қондан инсон меъдаси фойда топгани шоирга таскин беради. Навоий эса “Анор” луғзи орқали анорнинг шифобахш хусусияти ва инсонга фойдали жиҳатини таъкидлаган.

**Увайсийда “Анор” чистони:**

Ул на гумбаздур эшиги туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдур макон.
Синдируб гумбазни алар ҳолидин олсам хабар,
Юзларида парда тортиғлиқ турурлар бағри қон.

Увайсий ушбу чистони орқали анорни гумбаз ичидаги юзларига парда тортилган юрак-бағри қон қизларга қиёслаган. Бугунги кун ўзбек болалар адабиётида Анвар Обиджон томонидан яратилган “Анор” адабий топишмоғи улардаги бирор жиҳатни такрорламаганлиги билан ажралиб туради:

Ҳар доначам бир аскар,
Бир қалъада минг лашкар.
Ётар улар панада,
Оқ пардали хонада.
Хоналар тинч, атроф жим.
Қалъачани бузса ким,
Бошланади тўполон...
У ёғи сизга аён.

Шоир Анвар Обиджон анор доначаларини аскарларга қиёслайди. Ким агар уларнинг тинчини бузса, қалъаларига зиён етказса, қараб турмасликларини ифода қиладилар. Баъзи манбаларда анор лотинча “granatum”, “granatus” сўзидан олиниб донли, мева ичидаги кўплаб уруғларга кўра, сувли қопқоқ билан ўралган.

Ўрта асрларда анор “Помум гранатум” – “уруғли олма” номи билан машҳур бўлган, кейинчалик унинг ўрнини С. Линнаэус замонавий илмий ботаника номи “Пуниса гранатум” билан алмаштирган [3].

Қадимги Римда унинг яна бир номи бор еди – “малум гранатум”, яъни “донадор олма”. Уни бошқа тилларда ҳали ҳам олма дейишади: немис тилида шундай. “Гранатапфел”, италиялик “мелограно” (апфелдан, мева - олма). Италияликлар, Момо Ҳаво васвасага солинган энг тақиқланган мевалар анор эди, деб ҳисоблашади. Чунончи, кўҳна Рим ва Юнон табобатида нордон анор безгак хуружига таскин берувчи, меъда яллиғланишида наф келтирувчи омил сифатида қўлланилган.

Абу Али ибн Сино анорнинг хосиятлари ҳақида тўхталиб, нордони сафрони босиши, чиқиндиларнинг ички аъзоларга оқишини тўхтатиши, пўсти, айникса, куйдирилгани жароҳатлар учун дори бўлиши, уруғи асал билан бирга тиш оғриғи ва қулоқ оғриғига фойда келтиришини алоҳида

таъкидлаган. Булардан ташқари, анор пўсти қон тупурганда, милкдан қон оққанида яхши самара берса, унинг қайнатмаси гижжаларни ҳайдаш хусусиятига эгадир.

Анор иссиқланишдан келиб чиқадиган кўкрак оғриғи, изтиробли йўтални тўхтатиб, тиним бағишлайди, талоқ касалликлари, юракнинг бежо уришида ижобий таъсир кўрсатади. Одамнинг товушини тозалаб, равон қилади, танани семиртиради. Овқатнинг осон ҳазм бўлишига ёрдам беради. Шунингдек, юз терисини тиниқлаштиради.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Анор - бу субтропик иқлимнинг узоқ йиллик дарахти, аммо 50-60 ёшга келиб ҳосилдорлик пасаяди ва эски кўчатлар ёш дарахтлар билан алмаштирилади. Анор кўпгина мамлакатларда, жумладан, Туркия, Озарбайжон, Абхазия, Жанубий Арманистон, Грузия, Эрон, Ғарбий Туркманистон ва Афғонистоннинг жанубий қисмларида ўстирилади.

Юнонистоннинг энг қадимги тарихида, анор маданияти Карфаген (замонавий Тунис) орқали кейинроқ кириб келган Рим пайдо бўлишидан анча олдин бир неча бор тилга олинган. Масалан, Гомер машҳур Одиссеяда анорни Финикия ва Фригия боғларида жуда кенг тарқалган мевали ўсимлик сифатида икки марта эслатиб ўтади. Қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг гувоҳлик беришича, форслар Ксеркс бошчилигида юнонларга ҳужум қилганда, унинг шахсий қўриқчиси таркибига махсус отряд ёки “гранаталар бригадаси” киритилган, уларнинг аскарлари шарафнинг энг юқори белгиси сифатида найзаларининг учида олтин гранаталарни кўтариб юрганлар [4].

Теофрастус милоддан аввалги 350 йил давомида ёзган “Ўсимликлар тарихи”да анорнинг батафсил тавсифини берган. Афсонага кўра, узоқ вақт давомида саҳрода юриб, чанқовдан азоб чекаётган исроилликлар аввал Мисрда анор ва унинг меваларини учратишган. Сулаймон подшоҳ даврида анор боғлари жуда машҳур бўлиб, махсус қўшиқларда куйланган. Рим муаллифлари томонидан анорга кўплаб ҳаволалар қилинган.

**Хулоса**. Мевачилик лексикаси доирасидаги номларнинг катта қисми узоқ тарихга эга. Уларнинг пайдо бўлиши, муҳими, умумистеъмолда қўллана бошланиши, шафтолининг турлари ва у билан алоқадор сўзлар қуйидаги ёзма манбаларда турлича талқин қилинган:

Салоҳиддинхўжа “Нисоб ус- сибён”нинг 6-боби мева ва мевали дарахтларнинг арабча, форсча ва туркийча аталишига бағишланган. Масалан:

Инаб – ангур – узум, руммо - анор ул,

Даҳи барқуқу хавх –шафтолу бор ул.

Бу меваларнинг барчаси бугунги кунда ҳам мавжуд, биз уларни боғларда ўстирамиз ва тановул қиламиз. Бугунги кунда: диетолог, косметолог, биолог олимларимиз томонидан ҳамда, энг асосийси, тилшуносларимиз лингвистик жиҳатдан кенг изланишлар олиб бормоқда.

## Адабиётлар

1. Равшанов М**.** Сўзларнинг денотатив маъно компонентлари //Тил ва адабиёт таълими журнали. 1999. – № 1. – Б. 39-41.

2**.** Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи**.** -Тошкент: “Фан”, 1991. - 161 с. - ISBN 5-648-01251-9.

3. Punica Granatum // Ботанический словарь / сост. Н. И. Анненков. - СПб.: Тип. Имп. АН, 1878. - XXI + 645 с.

4. Антонов А. А. Гранатник, гранатовое дерево // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона: в 86 т. (82 т. и 4 доп.). - СПб., 1893. - Т. IXa.

5. Борисова А. Г. Род 921. Гранат — Punica // Флора СССР: в 30 т. / начато при рук. и под гл. ред. В.Л.Комарова. –Москва: “Ленинград”, 1949. - Т. 15 / ред. Тома Б. К. Шишкин, Е. Г. Бобров. - С. 553. – 742 с. - 4000 экз.

5. Нестерова Д.В. Гранат. -М.: “Вече”, 2007. – 64 с.

6. Hodgson R.W. The prome granate. - Berkley, 1917.

7. Юлдашева Д., Хожиева Н. Некоторие соображения о фруктовой лексике// Преподавание языка и летиратуре (NSSN 2010-5584).–Ташкент, 2020, № 3.–С. 61-63.

8. Yuldasheva Dilorom, Khojieva Nigina, Adizova Nilufar. Considerations on fruit lexicon// Impact Factor (SJIF 2019 = 6.041) “American Journal of Research”, 2019, 9-10 issue of the Journal.– Pag.77-85.

**Озода ЯДГАРОВА**
Самарқанд давлат чет тиллар институти
1-босқич докторанти

# БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК БИЛИМЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Мазкур мақолада таълим сифатини таъминлаш муаммолари, республикамизда таълим сифатини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар, хориж тажрибасида таълим сифатини шакллантиришнинг асосий устувор йўналишлари, 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) бакалавриат йўналишининг битирувчилари (бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг) малака талаблари, уларнинг профессионал-коммуникатив комптентлигини ривожлантиришда педагогик-психологик ҳамда методик билимлар интеграциясининг аҳамияти баён этилади.*

***Калит сўзлар:*** *таълим сифати, 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) бакалавриат йўналиши, умумкасбий фанлар, профессионал-коммуникатив комптентлик, фаолиятли ёндашув, “Умумий педагогика” ва “Умумий психология” фанлари.*

*В данной статье рассматриваются проблемы обеспечения качества в образовании, работы проводимые для кардинального улучшения качества образования в стране, основные приоритеты в формировании качества образования в зарубежной практике, квалификационные требования к выпускникам бакалавриата 5111400 - иностранный язык и литература (английский),важность интеграции педагогических, психологических и методологических знаний в развитие коммуникативной компетентности будущих учителей английского языка*

***Ключевые слова:*** *качество образования, 5111400 - иностранный язык и литература (английский), общепрофессиональные предметы, профессионально-коммуникативная компетентность, деятельностный подходподход, “Общая педагогика” и “Общая психология”.*

*This article discusses the problems of ensuring quality in education, the work carried out to radically improve the quality of education in the country, the main priorities in shaping the quality of education in foreign practice, the qualification requirements for graduates of the bachelor’s degree 5111400 - foreign language and literature (English), the importance of integrating pedagogical, psychological and methodological knowledge in the development of communicative competence of future English teachers*

***Key words:*** *quality of education, 5111400 - foreign language and literature (English), general professional subjects, professional and communicative competence, activity approach approach, “General pedagogy” and “General psychology”.*

**Кириш**. Ҳозирги даврда ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаб ҳар қачонгидан юқори. Чунки жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳолати, энг биринчи навбатда, шу жамиятнинг таълим тизими ва унинг сифатига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларига ўтишда олий таълим муассасалари фаолияти ва самарадорлигини оширишда устувор вазифалар қўйди. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштирар экан: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор кучи ва имкониятларини сафарбар этамиз”,- деб таъкидлайди [1]. Шу мақсадда 2019 йил 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Фармоннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш [2] этиб белгиланди. Шунингдек фармонда:

–олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

–халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш [2] каби вазифалар алоҳида

белгилаб қўйилди. Демак, ҳозирги кунда таълим сифати, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифати давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

**Асосий қисм.** Хориж тажрибасида таълим сифатини шакллантиришнинг асосий устувор йўналишлари сифатида қуйидаги 5 та компонент белгилаб олинган:

| № | Компонентлар | Кўрсаткичлар |
|---|---|---|
| 1 | Таълим олувчилар (learners) | – талабалар сифати;<br>– уларнинг билим олишга қобилияти. |
| 2 | Муҳит (environment) | – ОТМнинг материал-техник базаси;<br>– ўқув материаллари ва жиҳозлар сифати;<br>– инфратузилма сифати. |
| 3 | Мазмун (content) | – ўқув предметларининг сифати ва мазмуни;<br>– инновацияларни жорий этиш. |
| 4 | Жараён (processes) | – профессор-ўқитувчилар таркиби сифати;<br>– уларнинг компетентлик даражаси;<br>– таълим бериш усулининг сифати;<br>– раҳбариятнинг инновацион фаолияти. |
| 5 | Натижа (outcomes) | – билим сифати;<br>– битирувчиларга бўлган талаб;<br>–битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги;<br>– битирувчилар ютуқлари |

***1-жадвал. Таълим сифатини белгиловчи компонентлар***

1-жадвалдан кўриниб турибдики, таълим сифати профессор-ўқитувчилар таркибининг сифатига, уларнинг компетентлик даражасига, таълим бериш усулининг сифати ҳамда раҳбариятнинг инновацион фаолияти кўрсаткичларига бевосита боғлиқдир. Бу ерда ўқитувчининг профессионал кўникма ва малакалари етакчи ўринни эгаллайди. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўқитувчининг “профессионал компетентлиги” фақатгина касбий фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахсий сифатлар мажмуи сифатида эмас, балки, мулоқот қила олиш [3], ўз-ўзини такомиллаштириш ва ривожлантириш[4], касбий фаолиятга ижодкорлик ва масъулият билан ёндашиш [5] кабиларни қамраб олади. Чунки ўқитувчи фақатгина билимли, ўз соҳасида илғор шахс эмас, балки ана шу ўзида мавжуд бўлган билим ва интелектуал захирани бошқаларга ҳам етказа оладиган, назарий билимларини амалиётда қийинчиликсиз қўллай оладиган, рефлексив, коммуникатив персептив малакалар соҳиби бўлиши лозим. Буюк француз ёзувчиси ва файласуфи Мишел де Монтен таъкидлаганидек: “Бировга ўргатишинг учун ўзинг ўрганишинг учун лозим бўлгандан ҳам кўра кўпроқ ақл керак”. Беш аср илгари айтилган ушбу фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини ёқотган эмас.

Маълумки, 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) бакалавриат йўналишининг битирувчилари умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида хорижий тил ва адабиётига оид фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш ҳуқуқига эгадирлар [6]. Яъни бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрловчи асосий таълим йўналиши ҳисобланади.

Республикамизнинг 17 та (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро давлат университети, Гулистон давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети, Қарши давлат университети, Наманган давлат университети, Самарканд давлат университети, Самарканд давлат чет тиллар институти, Термиз давлат университети, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Фарғона давлат университети, Урганч давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти кабилар) университет ва институтларда ушбу таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланиб келинмоқда. 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутади:

–гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;

–математик ва табиий-илмий;

–умумкасбий;

–ихтисослик;

–қўшимча.

Шунингдек, касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилишини назарда тутади.Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда, талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилади. Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган. Ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур. Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

–назарий таълим - 63 - 70%;

–аттестация - 8 - 10 %;

–таътил - 12 - 16 %;

–малака амалиёти - 6 - 12 %;

–битирув малакавий иши - 2 - 3%.

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар соҳа” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

–гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар 23 - 25 %;

–математик ва табиий-илмий фанлар 8 - 25 %;

–умумкасбий фанлар 33 - 50 %;

–ихтисослик фанлар 9 - 10 %;

–қўшимча фанлар 5 - 7 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-10 ҳафта қилиб белгиланади.

Биз бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг профессионал компетентлигини касбий ва шахсий сифатларнинг интеграцияси махсули сифатида кўриб чиқамиз. Ушбу интеграция касбий фаолият учун зарур бўлган қуйидаги компонентлар бирлигида намоён бўлади:

–мотивацион (бўлажак касбий фаолиятга нисбатан ижобий мотивация);

– когнитив (инглиз тилини билиш даражаси, педагогик-психологик ҳамда методик қобилиятлар бирлиги);

–фаолиятли (инглиз тилида сўзлашиш даражси, дарс бериш малакаси, педагогик мулоқот малакаси, ўз-ўзини ривожлантириш малакаси);

–шахсий (рефлексия, креативлик, эмпатия, мослашувчанлик).

Демак, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг профессионал компетентлигини юқоридаги тўрт компонентлар интеграциясида намоён бўлар экан.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Ҳозирги кунда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида мавжуд камчилик ва муаммоларни ўрганиш мақсадида 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) бакалавриат йўналиши ДТС, малака талаблари, ўқув режа, умумкасбий фанлар блокидаги “Умумий педагогика”, “Умумий психология”, “Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологияси”, “Хорижий тилларни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш” фанларининг фан дастури, ишчи дастур ва УМКлари таҳлил қилинди.

Таҳлил натижасида қўйидаги камчиликлар аниқланди:

–амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган;

–фанлар бўйича УМКлар керагидан ортиқ назарий материаллар билан тўлдириб юборилган;

–талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари, топшириққа ижодий ёндашиш кўникмаларини шакллантирувчи мавзу ва топшириқлар кам;

–таълим жараёнида ҳануз анъанавий методлар (маълумотли маъруза, тушунтириш, савол-жавоб, конспект), “Ақлий ҳужум”, турли график органайзерларни қўллаш даражаси юқори, бироқ илғор хорижий тажриба асосида замонавий педагогик технологияларни қўллаш даражаси паст;

–ушбу фанлардан яратилган ва масофадан ўқитиш имконини берувчи модул платформаларида жиддий камчиликлар мавжуд, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш учун ишлаб чиқилган

аксарият топшириқлар оддий савол ёки тест кўринишида берилган. Продуктив фикрлашга йўналтирилган топшириқлар жуда оз.

–“Умумий педагогика” ва “Умумий психология” фанлари мазмуни айнан тил ўргатиш билан боғлиқ мавзулар, лингводидактик, психолингвистик материаллари жуда оз.

–мустақил таълим мустақил иш кўринишида (реферат, слайд ва х.к.) кўринишида мавжуд, бироқ мустақил таълим олиш ва бу бўйича талабаларга услубий кўрсатмалар бериш, таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни кенг жалб этиш ҳамда “тьюторлик” ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш яхши йўлга қўйилмаган.

–бўлажак инглиз тил ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ўқув ва малакавий амалиёт самарали ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермайди.

**Хулоса**. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, нафақат инлиз тилини билиш даражаси, балки педагогик-психологик, методик кўникмалар бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашнинг муҳим элементларидир. Шунинг учун ҳам бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг профессионал-коммуникатив малакаларини ривожлантиришда умумкасбий фанлар, хусусан, “Умумий педагогика” фанининг дидактик таъминотини такомиллаштириш зарур.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

–бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда умумкасбий фалар блокига киритилган фанлар имкониятларидан тўла фойдаланиш, уларнинг мазмунини хорижий тажрибалар асосида бойитиш;

–“Умумий педагогика” ва “Умумий психология”фанлари мазмунини лингводидактик ва психолингвистик метод в методикалар билан бойитиш, уларнинг ихтисослик фанлари билан интеграциясини таъминлаш;

–бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг профессионал кўникмаларини ривожлантириш мақсадида тил ўргатиш билан боғлиқ педагогик технологияларнинг самарали усул ва воситаларини қўллаш, маълумотларни шунчаки ўзлаштириш эмас, балки қайта ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда танқидий фикрлашга йўналтирилган технологиялардан самарали фойдаланиш;

–бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг коммуникатив кўникмаларини шакллантириш мақсадида психологик ва ижтимоий тренинглар имкониятларидан фойдаланиш;

–фаолиятли ёндашув асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Бунда бўлажак мутахассислар нафақат зарурий билимларга эга бўлиши, балки зарур вақтда уларни амалда қўллай олиш кўникамаларига ҳам эга бўлишлари даркор. “Талимда фаолиятли ёндашув – бўлажак мутухассисдан нафақат хорижий тилни билиш, балки фалсафий (ахлоқий), педагогик-психологик (ижтимоий), фалсафий ва лингвистик (предметли) қобилиятларга (кузатиш, таққослаш, тоифалаш, нуқтаи назар ва хулосаларни илгари суриш) эга бўлишни талаб қилади [7].

## Адабиётлар

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини”, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Т., 2017. -197-бет

2. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/4545884

3. Браже Т. Г. Из опыта развития общей культуры учителя // Педагогика. – 1993. – № 2. – С. 70–73

4. Гершунский Б. С. Философия образования для XXI века: учеб. пособие. – М.: Пед. общ-во России, 2002. – 512 с

5. Варламова Е. Ю. Этнокультурный компонент содержания профессиональной компетентности бакалавров иноязычного педагогического образования // Сибирский педагогический журнал. – 2015. – № 1. – С. 53–56.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017-йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи.

7. Тройникова Е. В. Системно-деятельностный подход в профессиональном иноязычном и межкультурном образовании // Казанский педагогический журнал. – 2015. – № 6. – С. 105–107

**Гулноза СОБИРОВА**
Гулистон давлат университети
ўқитувчиси

# ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРДА НУТҚ ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИНИ ТАЪЛИМИЙ МЕТОДЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

*Мақолада инглиз тилини ўқитишда олий таълим муассасалари талабаларининг тинглаб эшитиш лаёқатини ўстириш учун фойдаланиладиган методлар тавсифи келтирилган бўлиб, ушбу методларни таълим жараёнига қўллаш ҳолати акс эттирилган ва нутқ фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти кўрсатиб берилган.*

***Калит сўзлар***: *нутқ, инглиз тили, тинглаб эшитиш, лаёқат, нутқ фаолияти, метод, ривожланиш.*

*В статье раскрываются вопросы аудитивной речи студентов при изучении английского языка, а также использование методов аудирования для речевой их деятельности.*

***Ключевые слова***: *речь, английский язык, аудирование, квалификация, речевая деятельность, метод, развитие.*

*The article gives a description of the methods used in teaching English to improve the listening ability of the students of higher education institutions, reflects the state of application of these techniques to the educational process and shows the importance in the development of speech activity.*

***Key words:*** *speech, English, listening, hearing, dignity, speech activity, method, development.*

**Кириш.** Республикамизда етук замонавий кадрларнинг ўз мутахассислиги доирасида бир ва ёки бир неча чет тилларини билишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан олганда, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг инглиз тилини ўрганиш жараёнларида аудитив лаёқатини ошириши муҳим бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун таълим жараёнида фаол ва интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилмоқда. Фаол метод талабанинг чет тили билан боғлиқ бўлган турли муаммоли вазиятларга тушиб қолиши ва улардан чиқиб кетиш малакалари негизига қурилади. Фаоллаштирувчи методлар ҳозирги кунда инглиз тилини ўқитишда кенг қўлланилади. Чунки ҳар қандай билим олиш жараёни талабанинг тафаккурида кечадиган фикр қилиш қобилияти билан узвий алоқадорликда кечади. Бу эса педагогдан турли инновацион технологияларни қўллашни тақозо этади.

**Асосий қисм. Чет тилларини ўқитишда ахборот-коммуникацияси ва интернет-ресурсларидан унумли фойдаланиш.** Чет тилларини ўқитиш жараёнида ахборот-коммуникацияси имкониятларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бугунги кунда:

инглиз тилидаги лингофон материалалар имкониятларидан унумли фойдаланиш;

инглиз тилини ўқитишда мультимедиа иловаларидан унумли фойдаланиш;

инглиз тилини ўқитишда интерактив доска имкониятларини ишга тушириш;

инглиз тилини ўргатишда электрон ресурсларни ишга тушириш ва улардан унумли фойдаланиш;

интернет орқали инглиз тилида сўзлашувчилар билан бевосита мулоқотни ташкил қилиш;

интернет орқали турли халқаро интернет-конференцияларда иштирок этиш;

турли мустақил ишланган материаллар, шу жумладан слайд-шоуларни интернет тизимига узатиш.

“Инглиз тилини ўқитишда таълим мақсади – биринчидан, талабанинг хорижий тилдаги коммуникатив лаёқатини шакллантириш ва ўстириш учун *ўқитувчи* нима қилиши керак деган савол мазмуни билан белгиланса, иккинчи томондан, мазкур мақсаднинг амалга оширилиши учун *талаба* нима амалларни амалга ошириши керак, деган саволда мўжассам бўлади. Бинобарин, мана шу саволларга жавоб топиш - ўқув жараёни қандай олиб борилса ва ташкил қилинса, педагогик мақсад самарали бўлади, деган натижада намоён бўлади” [1, 21].

Тадқиқотимизда талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш учун уларнинг инглиз тилидаги коммуникатив фаолиятининг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш лозим:

- инглиз тилидаги муаммонинг реал жиҳатларини идрок қилишга йўналтириш;
- ақлий изланишларни жадаллаштириш;
- ўхшаш ва фарқли томонларини топиш учун объектларни ўзаро қиёслаш;
- объектлардаги умумий жиҳатларини тавсифлаш;
- фарқларни келтириб чиқарувчи объектив ва субъектив омилларни шархлаш;

- матндаги масалалар ва материалларнинг ўзига хослигига биноан уларни таснифлаш;
- назарий ва амалий билимлар, кўникмалар ва малакаларни ижтимоий турмушнинг барча инфраструктураларида оқилона қўллаш.

Биз ўз тадқиқотимизда талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини ривожлантириш учун қайси метод, шакл, восита ва йўлларни танлаш керак, деган муҳим саволга жавоб қидиришдан бошладик. Педагогик жараёндаги икки бош иштирокчидан айнан ўқитувчи фаолиятини назарга оламиз. Агар, талабаларнинг касбий аудитив лаёқатини (colloquial speech) ва ёзма (“reading”) орқали ривожлантиришда ўқитишнинг умумий педагогик меодлари тўғрисида фикр билдирсак бўлади:

1. Инглиз тилидаги ўқув материалини оғзаки баён қилиш методлари.
2. Инглиз тилидаги ўқув материалини кўргазмалар орқали баён қилиш методлари.
3. Инглиз тилидаги ўқув материалини амалий машғулотлар орқали бериш методлари.

Хориж тилларини ўқитиш технологиялари мунтазам ривожланиш, такомиллашиш жараёнидадир. Замонавий ахборот-коммуникация тизимларининг ривожланиши педагогик таълим ва унинг шакллари, усуллари масаласига ҳам ўз ижобий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Ахборот-коммуникациясининг тараққиёти таълим тизимида ҳам ўзининг янги стандартларининг ўрнатилишини тақозо этади. Таълим бериш ва ўқитиш жараёнлари энг тез ўз шакл, восита ва усулларини ўзгартираётган ва тез ривожланиб бораётган соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Шунга кўра ҳам чет тилларни ўқитишда янги технологиялар тақозо этилмоқда.

Китоб билан ишлаш жараёнида талабада тилни чуқур, тафаккур даражасида англаш жараёни вужудга келтирилади. Инглиз тилини чуқур лингвистик тафаккур даражасида англашда ҳам визуал, яъни кўриш органлари орқали, ҳам интеллектуал, яъни онг ва мия органи орқали, ҳам интерпретация, яъни чет тилини овоз чиқарувчи органлар орқали қайта ифода қилиш, тилни қайта шакллантириш жараёни, ҳам қўл орқали тил материали билан танишиш, масалан ёзма ишларни бажаришда, вужудга келади. Шундай қилиб, китоб билан ишлашда ўқиш, қараб чиқиш, конспект қилиш, анализ қилиш, тизимлаштириш, хулосалаш босқичлари актив саналади. Китоб билан ишлаш анъанавий усуллардан саналади. Бироқ ҳали китоб билан ишлаш усулидан воз кечиш даври келгани йўқ. Китоб билан ишлаш жараёнида талабалар саволлар бериши, ўқув материалини муҳокама қилиши, ўз фикрларини бериши, ўқув материали юзасидан баҳслар уюштириши ҳам мумкин.

Китоб билан ишлашда *репродуктив методларни* қўллаш яхши натижалар беради. Репродуктив методларга ўқув материалини ва ахборотларни қабул қилиш билан бирга бир томондан уларни амалий машғулотларда қайта тиклашни, уларни амалий қўллашни, ва иккинчи томондан ўқитувчи томонидан турли лингвистик ва грамматик машқлар орқали ўқув материалини мунтазам такрор қилишни тақозо этади.

Талабаларда аудитив нутқ кўникмаларини шакллантириш жараёни куйидаги омиллар бўйича йўналтирилган саъй-ҳаракатларни тақозо этади:

- хориж тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантиришнинг *яхлит педагогик концепциясини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш;*
- талабаларда чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантириш таълим тизимининг устувор вазифаси эканлигини *англаш;*
- талабаларда чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантиришнинг *самарали шакл, усул ва воситаларини* ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига *татбиқ этиш;*
- талабаларда чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантириш жараёнида таълим ва тарбия тизими имкониятлари ва йўлдош фанлардан оқилона *фойдаланиш;*
- талабаларда чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантириш жараёнида таълим ва тарбия тизимига кўмакдош бўлган фуқаролик жамияти, яъни турли нодавлат институтлари имкониятларини *белгиланган педагогик вазифага* мақсадли *сафарбар этиш*, мазкур фаолиятга оила, маҳалла, нодавлат тизимлар ва ташкилотлари, ОАВларини кенг *жалб этиш;*
- талабаларда чет тили бўйича коммуникатив лаёқатни шакллантириш жараёнини турли инноваицон қўлланма ва машғулотлар, методик ишланмалар, ахборот-коммуникацияси воситалари ва асбоблари, лингофон хоналар ва зарур инфраструктура, дастурлар билан *бойитиш.*

Ўқитувчиларни педагогик инновацион фаолиятга тайёрлашда қуйидаги **умумий методик хусусиятларнинг** амал қилиши тақозо этилади:

**Амалий метод** – инглиз тилини ўқитишда коммуникатив функцияни шалклантришнинг бош омили сифатида эътиборга лойиқ. Амалий метод чет тилида талабанинг сўзлашиши, саволларга жавоб бера олиши, ўз фикрини очиқ баён қила олиши, маслаҳат қилиши, ёзма малакаларга эга бўлиши, ариза тўлдира олиши, хат ёза олиши, расмий маълумотларни хужжатлаштириши, банк ва молия ҳужжатларини ёзма тартибда шакллантириши, баённомаларни ёзма тартибда шакллантира

олиши каби йўналишларни ўз мазмунига қамраб олади. Мазкур жараёнда педагогнинг вазифаси, аввало, мана шу кўрсаткичлар бўйича талабада маълум ва талаб этилган билим, малака ва кўникмаларни шаклантириш, ва кейинчалик улар амалиёти бўйича талаба олдига аниқ вазифа қўя олиш.

Мазкур амалий методлар мажмуаси учун маълумотларни тизимлаштириш, уларни таҳлил қила олиш, уларни хулосалаш ва ўз хулосаларини чет тилида ифода қила олиш тақозо этилади. Шунингдек, талабаларда аудитив нутқий кўникмаларни ривожлантиришда турли фаоллаштирувчи усуллардан фойдаланиш ижобий самара беради. Масалан, "Менинг қарорим", "Менинг нуқтаи назарим", "Менинг фикрим бўйича бундай..., аммо...", "Олимларнинг таъкидлашича...., бироқ..." каби психологик-лингвистик ўйинларни таклиф этиш самарали ҳисобланади.

**Кўргазмали методлар** таълим жараёнида инглиз тилидаги янги ўқув материалини англаш, уни тушуниш ва уни қабул қилишни осонлаштиришга мўлжалланган иллюстратив методдир.Талабалар зиммасига ўқув кўргазмалари билан ишлаш вазифаси юклангандa, улар пассив таълим субъекти ролини бажарувчи ҳолатидан фаол таълим субъектига айланишади. Таълим амалиётида кўргазмали қуроллар янги ўқув материалнини тушунтириш босқичида кўп ишлатилади.

Инглиз тилини ўқитишда **оғзаки методлар** аҳамияти салмоқли. Шу боис, ўқитувчидан чет тили бўйича жуда катта ва бой оғзаки нутқ малака ва кўникмалари талаб этилади. Таълим жараёнида оғзаки методлар янги машғулот материалини талабаларга тушунтиришда, масалан, грамматик назарий мавзуларни тушунтиришда кенг қўлланилади. Шу билан бирга тил амалиёти дарсларида ҳам ўзаро мулоқот жараёни чет тили оғзаки нутқида ўтказилади.

Интерфаол усуллар инглиз тилини ўргатиш жараёнида **дўстона муҳит яратиш** омили бўлиб хизмат қилади. Улар талабалар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги ишонч, ҳамфикрлилик, ҳамфаолиятлилик, дўстлик, ҳамкорлик муҳитини юзага келтиради.

"Биргаликда фикр қилиш ва ишлаш улардаги фаолликни оширади, талабаларнинг билимларни ўзлаштиришини фаоллаштиради, уларнинг интеллектуал ва ҳиссий-эмоционал шахсий ёндашуви ва сифатларини ривожлантириш учун хизмат қилади" [5, 31]. Бинобарин, дўстона муҳит талабанинг белгиланган ўқув материалини осонлик билан қабул қилиши учун зарур педагогик шароитни яратишга хизмат қилади.

Ўқитувчи инглиз тилини ўқитиш жараёнида куйидаги омиллар орқали аудиторияда дўстона муҳитни ярата олади:

- ўқув жараёнини демократизм, халқчиллик, ўзаро тенглик муҳитида ташкил қилиш;
- таълим жараёнида авторитар услубдан воз кечган ҳолда, либерал услубни вужудга келтирадиган методлардан оқилона фойдаланиш;
- аудиторияда ҳамкорлик ва ҳамнафаслик, фикр алмашиши ва барча фикрларни эркин ифода қилиш муҳитини ташқил қилиш;
- талабалар учун қизиқарли булган турли ижтимоий долзарб мавзуларни эркин танлаш;
- талабаларнинг мустақил фикрлари ва вазифаларни мустақил бажариши шароитини вужудга келтириш, бугун учун гуруҳларда ишлаш, ақлий ҳужум, идрок харитаси, зинама-зина, кластер, интеллектуал таҳлил, бахс-мунозара, муаммо мониторинги, мустақил ишлаш, индивидуал вазифалар, талаба ўқитувчи ролида, муаммоли ўқитиш методлари ва технологияларидан унумли фойдаланиш.

Маълумки, интерфаол методлар машғулотлар самарадорлигини оширишга ёрдам беради. "Инглиз тилини ўқитиш жараёнида эса талабанинг эркинлиги ва мустақиллиги жуда кўп ҳолларда унинг инглиз тили малака ва кўникмаларини пухта эгаллаши асоси бўлиб хизмат қилади. Идрок ва шахс эркинлиги бўлсагина, тил эркинлиги вужудга келтирилади. Агар шахс ўз эркинлигини кўрсатишга мойил бўлмаса, унинг тилида ҳам эркинлик бўлмайди. Агар машғулот жараёнида талаба ўз малакаларини эркин, қўрқмай, мустақил баён қилиб, намоён эта олсагина, у келажакда реал ҳаётий вазиятларда ўз билимларини эркин қўллашга эришади" [6, 7].

"Инглиз тилини ўргатиш жараёнида ўқитувчи дўстона муҳитни ташқил қила олсагина, талабада унинг ички интеллектуал ва мантиқий билим даражасини намойиш этиши учун муҳит яратилган бўлади" [4, 56].

Инглиз тили ўқитувчиси фаолиятида педагогик методларнинг тўғри ва аниқ танланиши аҳамиятли ҳисобланади. Шу боис, тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида талабаларда аудитив нутқий кўникмалар асосан қуйидаги методлардан фойдаланиш орқали самарали эканлиги аниқланди:

**Маъруза методи** – инглиз тилининг грамматик, стилистик, лингвистик, лексиологик тузилиши ва қурилиши, шунингдек тил тарихи, хорижий тил фойдаланишда бўлган давлатлар тарихи, улар

маданияти, машҳур кишилар ҳаёти, мазкур давлатларнинг байрамлари, иқтисоди, равнақи тўғрисида тўлиқ ва илмий асосланган ахборот бериш.

**Диалог методи** – ўқув жараёниниг барча жараёнини ташкил қилиш, иштирокчилари ўртасида ўзаро диалог шароитини вужуд келтириш. Диалоглар турли мавзуларга бағишланган бўлиши мумкин: масалан, рефератлар ёзиш, буюк инсонлар ҳаётини ўрганиш, уларнинг тарихий ривожланиш ва цивилизация такомилида тутган ўринларини белгилаш. Бу метод орқали тарихий ва етук шахсларни миллий тарихимиздан, маданиятимиз ва ислом маданияти тарихидан ҳам топиб ишлатиш табалаларда параллел равишда миллий ғурур ва миллий ихтихор, ижтимоий фаоллик, етакчилик, миллий ўзликни англаш туйғусининг шаклланишида ҳам қўл келади.

**Ҳамкорликдаги таҳлил методи** – хорижий тил тажрибаси чет тилларни ўрганишда жуда муҳим саналади. Шунинг учун ҳамкорликдаги таҳлиллар қилиш тилни фаол ўзлаштиришда жуда катта ўрин тутади.

**Суҳбат методи** – талабаларнинг хорижий тил борасидаги билим, малака ва кўникмалари даражасини аниқлаш, уларнинг тил амалиёти билан шуғулланиш жараёнини кескин фаоллаштириш, “талабаларнинг тил практикасидан қўрқув ҳолатининг олдини олиш ва уни бартараф этиш, уларнинг ўз тил қобилиятига бўлган муносабатларини белгилаш, хорижий тил малакаларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий ҳаётда тутган ўрнини белгилаш, талабаларнинг муаммолар юзасидан эркин, мустақил фикр юритишларини таъминлашда жуда қўл келади”[2, 45].

**Савол-жавоб** – мазкур метод олинган билимларни аниқ боҳолаш жараёнини тайёрлайди, аниқ ва лўнда саволларга жавоб бериш орқали талабанинг билим доираси аниқланади. Шунинг учун мазкур метод аниқ маънога эга бўлган ўқув материалларини баҳолаш, назорат қилиш ва намоён қилишда ишлатилади.

**Интерфаол методлар** – чет тилларини ўқитиш жараёнига ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг барча интерфаол методлардан унумли фойланиши тақозо этилади. Масалан, улардан “Гуруҳларга бўлиниб ишлаш”, талаба ўқитувчи ролида усулидан кенг фойдаланиш, “Индивидуал топшириқлар олиш”, “Ақлий ҳужум”, “Идрок харитаси”, “Роли-поли”, “Муаммо технологияси”, “Резюме”, “Блиц-сўров”, “ФСМУ технологияси”, “Аквариум”, “Дебат олиб бориш”, “SWOT анализ (strength, weariness, opportunity, threat)”, “Шахсий аналогия (эмпатия)”, “Open Space”, “Ташвиқот технологияси”, “ИМАК-ишонтириш мактаби технологияси”, “Talk-Show”, кабиларни қўллаган ҳолда талабаларда ижодий излаш ва англаш жараёнини ташкил қилиш самарали ҳисобланади. Мазкур интерфаол усулларнинг чет тилларини инновацион ўқитиш жараёнида қўлланилиши ўқув жараёни самарадорлигини таъминлабгина қолмай, балки уни талабалар учун бир неча бор қизиқарли ва иштиёқли қилади.

**Педагогик баҳолаш методи** – анъанавий бўлган сўроқ, имтиҳон, иншо, баён, оғзаки сўров кабилардан, шунингдек, якуний ва оралик назоратлардан фойдаланган ҳолда талабанинг билим даражасини аниқлаш.

**Фильмлар ва микрофильмларни муҳокама қилиш** – мавзуги оид фильларни кўриш ва уларнинг турли қирраларини, ҳаётий вазиятларини чет тили ёрдамида муҳокама қилиш.

**Муаммоли вазиятларни яратиш методи** – талабаларни сунъий равишда яратилган муаммоли вазиятга тушириш орқали ва мавжуд муаммони таҳлили қилиш орқали чет тилига оид маълум кўникма ва билимларининг шаклланишига ёрдам бериш.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Тадқиқот доирасида инглиз тилини ўқитишда қуйидаги педагогик **воситалар ва омиллар** самарали эканлиги аниқланди:

- таълим жараёнининг техник қурилмалари (видео, магнитофон, аудио, электрон доска, флэп-чатлар, мультимедиа воситалари) ва IT технологиялари билан таъминланганлиги;
- мавзуга оид махсус оммабоп ва илмий манбаларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланишнинг ҳаммабоп эканлиги;
- миллий қадриятлар ва миллий маданият омиллардан унумли фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги (суҳбатлар, учрашувлар, музей, кино, театрга бориш);
- тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда турли хорижий меҳмонлар билан учрашувлар ўтказиш имкониятининг мавжудлиги;
- инглиз тилини ўқитишда амалий тажрибаларни шакллантириш учун ҳаётий воқеаларни шуҳрат қозонган инсонлар билан бўлган мулоқотлар орқали муҳокама қилиш имкониятининг яратилиши.

**Хулоса.** Шундай қилиб, инглиз тилини ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик тамойилини жорий этиш, таълим жараёнида интерфаол методларни қўллаш муҳим ҳисобланади ва талабаларнинг аудитив нутқий кўникмаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундай жараёнларда талаба ўзи танлаган касбини эгаллаш жараёнидан ҳузур олади, унинг ўзига бўлган ишончи ортиб

боради, талаба билим олиш жараёнидан зерикмайди, балки роҳатланади, унинг ўз касбининг турли сирларини эгаллашга бўлган қизиқиши ортиб боради, талаба мустақил ишлай олиш, билимларни мустақил эгаллашни ўрганиб боради, натижада талаба ва унинг танлаган мутахассислиги орасида илиқлик, узвий алоқадорлик ва манфаатдорлик вужудга келади. Бу эса ўз ўрнида талабанинг таълим жараёнидан манфаатдорлигини оширади ҳамда уни ўз соҳасида яхши мутахассис бўлишига ундайди.

**Адабиётлар**

1. Гальскова Н.Д., Гез Н. И. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика: учебное пособие для студ. лингв. унив. и фак. ин. яз. высш. пед. заведений. -М.: “Академия”, 2016. -336 с.

2.Гез Н.И. Обучение аудированию. Текст лекций по курсу Методика обучения иностранным языкам. -М.: МГПШЯ им. –М.: “Тореза”, 2015. -55 с.

3. Елухина Н.В. Обучение аудированию на уроках французского языка в средней школе: пособие для учителя. -Москва: “Просвещение”, 2017. -159 с.

4. Зенкевич С.М. Ускоренное обучение взрослых чтению в ходе изучения грамматического каркаса языка: дис. на соиск. ученой степени канд. пед. наук (13.00.02). -М., 1972. -152 с.

5. Лапидус Б.А. Проблемы содержания обучения языку в языковом вузе. -М.: “Высшая школа”, 2011. -144 с.

6. Халеева Л.И. Основы теории обучения понимания иноязычной речи (подготовка переводчика). -М.: “Высшая школа”, 2017. -238 с.

7. Anderson, A. Listening / A. Anderson, T. Lynch. Oxford : Oxford University Press, 2011. -154 с.

8. Cowan, N. Working memory capacity : essays in cognitive psychology / N. Cowan. New York: Taylor & Francis, 2015. -258 с.

9. Brown, G. Teaching the spoken language / G. Brown, G. Yule. Cambridge: Cambridge University Press, 2003. -162 с.

10. Buck, G. Assessing listening / G. Buck. Cambridge: Cambridge University Press, 2011. -288 с.

**Шаҳло МЕРАЖОВА**
Бухоро давлат университети дифференциал тенгламалар кафедраси катта ўқитувчиси

**Ҳилола ЭЛМУРАДОВА**
Бухоро давлат университети дифференциал тенгламалар кафедраси ўқитувчиси

**Дилноза АЗИМОВА**
Бухоро давлат университети магистри

# ЧЕГАРАВИЙ ШАРТЛАР БИР ЖИНСЛИ ВА БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН ПАРАБОЛИК ТИПДАГИ ТЕНГЛАМА УЧУН БИРИНЧИ АРАЛАШ МАСАЛАНИ ЕЧИШ

*Ушбу мақолада чегаравий шартлари бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган параболик типдаги тенглама учун биринчи аралаш масалани ечиш ва ечим мавжудлиги ва ягонлини исботлаш ҳақида маълумот берилган. “Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар” (математика таълим йўналиши учун) “Дифференциал тенгламалар ва математик физика тенгламалари” (амалий математика ва информатика таълим йўналиши учун) фанларининг намунавий дастурида иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасига қўйилган аралаш масалалар учун ўзгарувчиларни ажратиш усулига эътибор берилган. Мақолада ушбу усулда масалаларни ечиш ҳақида баён қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *параболик типдаги тенгламалар, бир жинсли тенгламалар, бир жинсли бўлмаган тенглама, ўзгарувчиларни ажратиш усули, функционал қатор, қаторларнинг яқинлашиши, текис яқинлашиш.*

*В данной статье представлена информация о решении первой смешанной задачи с однородными и неоднородными граничными условиями для уравнения параболического типа, а также и о доказательстве существования и единственности решения. В программах “Дифференциальные уравнения с частными производными” (для математического образования) “Дифференциальные урввнения и уравнения математической физики” (для прикладной математики и информатики) удалено внимание на метод разделения переменных для решения смешанных задач для уравнения теплопередачи. В статье рассказывается о способах решение этих задач и чему уделять внимание при решении таких задач.*

***Ключевые слова:*** *уравнения параболического типа, однородные уравнения, неоднородные уравнения, метод разделения переменных, функциональные ряды, сходимость рядов, равномерная сходимость.*

*This article provides information on the solution of the first mixed problem with homogeneous and inhomogeneous boundary conditions for a parabolic equation, as well as on the proof of the existence and uniqueness of the solution. In the programs “Partial Differential equations” (for mathematical education) “Differential equations and equations of mathematical physics” (for applied mathematics and computer science), attention is removed to the method of separating variables for solving mixed problems in the heat transfer equation. The article describes how to solve these problems in this way and what to pay attention to when solving such problems.*

***Key words****: parabolic equations, homogeneous equations, inhomogeneous equations, method of separation of variables, functional series, convergence of series, uniform convergence.*

**Кириш.** Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясини асосий йўналишларидан бири бўлган параболик типдаги тенгламалар назарий ва амалий жиҳатдан ўтган асрда чет эл ва республикамиз олимлари томонидан кенг ривожлантирилди. Бу йўналишдаги маълумотларни қуйидаги китоблар А.В.Бицадзе, В.С.Владимиров, М.С.Салаҳитдинов, А.Н.Тихонов ва А.А.Самарский, Т.Ж.Жўраев ва С.Абдиназаров, О.С.Зикиров, Д.Қ.Дурдиев [1-9] библиографиясидан олиш мумкин. Бу китобларда параболик, гиперболик типдаги тенгламалар учун асосан классик чегаравий масалалар ўрганилган бўлса, ноклассик турдаги масалалар эса Т.Ж.Жўраев ва М.С.Салаҳитдинов ва уларнинг ўқувчилари ишларида ўрганилгандир.

**Масаланинг қўйилиши.** Талабаларга математик физика тенгламаларига қўйилган аралаш масалани ўзгарувчиларни ажратиш усули (Фурье усули) билан ечиш параболик типдаги тенгламага қўйилган аралаш масалалар мисолида кўрсатилган.

Дастлаб бир жинсли параболик типдаги тенглама учун биринчи чегаравий масаланинг қўйилиши ва ечилишини ўрганамиз**.**

Қуйидаги

$$\frac{\partial u}{\partial t} = a^2 \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} \qquad (1)$$

тенгламани D соҳада қарайлик. Бунда $D = \{(x,t): 0 < x < l, 0 < t < T\}$ бўлган тўғри тўртбурчакли соҳа.

**1-Масала.** (1) тенгламанинг $C(\overline{D})$ синфга тегишли бўлган

$$u\big|_{x=0} = 0, \qquad u\big|_{x=l} = 0 \qquad (2)$$

чегаравий ва




$$u\big|_{t=0} = \varphi(x) \qquad (3)$$

бошланғич шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин.

Бунда $\varphi(x)$ функция узлуксиз, бўлак-бўлак узлуксиз ҳосилага эга бўлиб

$$\varphi(0) = \varphi(l) = 0$$

шартни қаноатлантиради.

**1-Масаланинг ечилиши.** Бу масалани Фурье усули билан ечамиз. (1) тенгламани айнан нолга тенг бўлмаган ва (2) чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечимини

$$u(x,t) = X(x)T(t) \qquad (4)$$

кўринишида излаймиз. Математик физиканинг гиперболик типдаги тенгламаларига қўйилган аралаш масала ечими ҳам (4) кўринишда изланади. Талабаларга шунга эътибор қаратиш зарурлигини тушунтириб, мавзуни чуқурроқ тушунишга замин тайёрлаймиз.

Бу ерда $X(x)$ ни фақат $x$ га, $T(t)$ ни эса фақат $t$ га боғлиқ деб ҳисоблаймиз. (4) нинг ўнг томонини (1) тенгламадаги $u(x,t)$ нинг ўрнига олиб бориб қўйиб

$$X(x)T'(t) = a^2 T(t) X''(x)$$

ёки

$$\frac{T'(t)}{a^2 T(t)} = \frac{X''(x)}{X(x)} = -\lambda$$

тенгликка эга бўламиз. Охирги тенгликнинг чап томони $x$ га, ўнг томони $t$ га боғлиқ эмас. Демак, $\frac{T'(t)}{a^2 T(t)}$ ва $\frac{X''(x)}{X(x)}$ миқдорларнинг ҳар бири $x$ га ҳам, $t$ га ҳам боғлиқ эмас, яъни улар ўзгармас. Бу ўзгармасни $-\lambda$ орқали белгилаб

$$\frac{T'(t)}{a^2 T(t)} = \frac{X''(x)}{X(x)} = -\lambda$$

эга бўламиз. Бундан эса

$$T'(t) + a^2\lambda T(t) = 0 \tag{5}$$

$$X''(x) + \lambda X(x) = 0 \tag{6}$$

ҳосил қиламиз. Булардан бири фақат $x$ га боғлиқ функцияни, иккинчиси эса фақат $t$ га боғлиқ функцияни ўз ичига олади.

(2) шартга кўра $X(x)$ функция

$$X(0) = 0, \qquad X(l) = 0 \tag{7}$$

шартни қаноатлантиради.

Бунда $\lambda$ параметрнинг шундай қийматларини топиш керакки, бу қийматларда (6) тенглама (7) шартларни қаноатлантирувчи нолдан фарқли ечимга эга бўлсин. (Бу ерда талабалар гиперболик типдаги тенглама учун қўйилган аралаш масала ўрганилганда ҳам Штурм-Лиувилл масаласини ечишган.)

(6) тенгламанинг умумий ечими $\lambda$<0, $\lambda = 0$ ёки $\lambda$>0 бўлишига қараб турлича бўлади, шунинг учун учта ҳолни алоҳида-алоҳида қараймиз.

1) **$\lambda$<0 бўлган ҳол.** Бунда (6) тенгламанинг умумий ечими

$$X(x) = c_1 e^{\sqrt{\lambda x}} + c_2 e^{-\sqrt{-\lambda x}}$$

кўринишда бўлади. Бунда $c_1$ ва $c_2$ лар ихтиёрий ўзгармаслар.

(7) чегаравий шартларга асосан

$c_1+c_2=0$ , $\quad c_1 e^{\sqrt{\lambda e}} + c_2 e^{-\sqrt{-\lambda e}}$ =0

бўлади. Бундан $c_1=c_2=0$ .Демак , $X(x) \equiv 0$

2) **$\lambda$=0 бўлган ҳол.** Бунда (6) тенгламанинг умумий ечими

$$X(x) = c_1 + c_2 x$$

кўринишда бўлади. (7) чегаравий шартларга кўра $c_1=0$ ,$c_2=0$ ва $X(x) \equiv 0$

3) **$\lambda$>0 бўлган ҳол.** Бунда (6) тенгламанинг умумий ечими

$$X(x) = c_1 cos\sqrt{\lambda}x + c_2 \sin\sqrt{\lambda}x$$

кўринишда бўлади. (7) чегаравий шартларга асосан

$c_1=0$ , $\quad c_2 \sin\sqrt{\lambda}l$ =0

Биз $c_2 \neq 0$ деймиз ,акс ҳолда $X(x) = 0$ бўлиб қолади.Демак ,

$$\sin\sqrt{\lambda}l = 0$$

$$\sqrt{\lambda}l = \pi n \quad => \quad \lambda = \lambda_n = \frac{\pi^2 n^2}{l^2}, \quad n=1,2,3,...$$

Демак, $X_n(x) = \sin\frac{\pi n}{l}x$ бўлади. $\lambda = \lambda_n$ бўлганда (5) тенгламанинг умумий ечими

$$T_n(t) = a_n e^{-\frac{a^2\pi^2 n^2 t}{l^2}}$$

кўринишда бўлади, бу ерда $a_n$ ихтиёрий ўзгармас коэффицент.

Шундай қилиб, ихтиёрий ўзгармас $a_n$ сонлар учун

$$u_n(x,t) = a_n \cdot e^{-\frac{a^2\pi^2}{l^2}t} \sin\frac{\pi n}{l}x \tag{8}$$

функция (1) тенгламани ва (2) шартларни қаноатлантиради.

$$u_n(x,t) = \sum_{n=1}^{\infty} a_n e^{-\frac{a^2\pi^2}{l^2}t} \sin\frac{\pi n}{l}x \tag{9}$$

қатор ҳам (1) тенгламани ва (2) шартларни қаноатлантиради. Энди (9) қаторни (3) шартни ҳам бажаришни талаб қиламиз, яъни

$$u(x,o) = \varphi(x) = \sum_{n=1}^{\infty} a_n \sin\frac{\pi n}{l}x \tag{10}$$

(10) қатор $\varphi(x)$ функциянинг $(0,l)$ оралиқ синуслари бўйича Фурье қаторига ёйилмасидан иборатдир. Унинг коэффициентлари

$$a_n = \frac{2}{l}\int_0^l \varphi(x)\sin\frac{\pi n}{l}x\,dx \tag{11}$$

формула билан аниқланади. Энди (9) қатор (1), (2), (3) масаланинг ҳамма шартларини бажаришини кўрсатамиз. Бунинг учун (9) қатор билан ифодаланган $u(x,t)$ функциянинг дифференциалланувчилигини ва $\{0 < x < l, t > 0\}$ соҳада тенгламани қаноатлантириб, x=0, $x = l$, t=0 чегараларда узлуксиз эканлигини кўрсатиш керак. Агар (9) қатор яқинлашувчи бўлиб, уни x бўйича икки марта, t бўйича бир марта ҳадма-ҳад дифференциаллаш мумкин бўлса , бу қатор (1) тенгламани қаноатлантиради.

Ҳар қандай $t \geq t_0$ >0 учун қуйидаги

$$\sum_{n=1}^{\infty}\frac{\partial}{\partial t}u_n(x,t) \quad , \quad \sum_{n=1}^{\infty}\frac{\partial^2}{\partial x^2}u_n(x,t)$$

қаторлар текис яқинлашади ва қуйидаги тенгсизликлар ўринли

$$\left|\frac{\partial u}{\partial t}\right| \leq \left|-a_n\left(\frac{a\pi n}{l}\right)^2 \cdot e^{-\left(\frac{a\pi n}{l}\right)^2 t} \cdot \sin\frac{\pi n}{l}x\right| < |a| \cdot \left(\frac{a\pi n}{l}\right)^2 \cdot e^{-\left(\frac{a\pi n}{l}\right)^2 t}$$

Агар $|\varphi(x)| < M$ бўлса ,

$$|a_n| \leq \frac{2}{l}\left|\int_0^l \varphi(\xi)\sin\frac{\pi n}{l}\xi\partial\xi\right| < 2M$$

бўлади ва $t \geq \bar{t}$ учун

$$\left|\frac{\partial u_n}{\partial t}\right| < 2M\left(\frac{an\pi}{l}\right)^2 \cdot e^{-\left(\frac{an\pi}{l}\right)^2 t}$$

Ҳудди шундай

$$\left|\frac{\partial^2 u_n}{\partial x^2}\right| < 2M \cdot \left(\frac{\pi n}{e}\right)^2 \cdot e^{-\left(\frac{a\pi n}{e}\right)^2 t}$$

тенгсизликларни оламиз.

Умуман олганда қуйидаги

$$\left|\frac{\partial^{i+j} u_n}{\partial x^j \partial t^i}\right| < 2M\left(\frac{\pi n}{l}\right)^{2i+j} a^{2i} \cdot e^{-\left(\frac{an\pi}{l}\right)^2 t}$$

баҳолар ўринли ва ушбу

$$\sum_{n=1}^{\infty} Nn^q \cdot e^{-\left(\frac{an\pi}{l}\right)^2 t} = \sum_{n=1}^{\infty} \alpha_n(t)$$

The image formed by raster graphics is mainly used in electronic and polygraphic publishing houses (Figure 8). A raster image consists of a set of dots in the form of a two-dimensional array (matrix), which are called pixels. A raster image consists of the smallest pixels.

Its attributes do not depend on the attributes of other pixels. Depending on the capabilities of the operating system used in the computer, images with a resolution of 480x640, 800x600, 1024x768 and more can be placed. Depending on the size of the image, its capacity will also increase. The capacity of the screen is parametric and is determined by the number of dots per inch. Images made with raster graphics are rarely produced using computer software. For this purpose, a drawing or photograph drawn by a professional artist is entered into a computer using technical means.

Recently, digital photo and video cameras have been used to input raster images into computers. Therefore, the main purpose of raster graphics is not to create an image, but to process an existing image.

A Canadian firm called Corel is one of the leading software companies.

The Corel DRAW 11, which forms the basis of Corel's software, was released in August 2002. It has great potential in the production of advertising products, the preparation of publications and the creation of images for Web pages.

Corel DRAW is a graphics program that helps you to create vector images, graphic text, and all the creative ideas you can imagine [1].

All images produced by Corel DRAW are divided into two classes: dot and vector. In vector graphics, the line is considered as the main element of the image. In raster graphics, such lines are created using dots (pixels), while in vector graphics, lines that are more general than dots are used to create images, making the images more accurate.

An optional representation of vector graphics consists of lines and complex ones are formed from simple lines. The mathematical basis of vector graphics is the study of the properties of geometric figures. The representation of vector images in computer memory is more complex than that of dot images. The disadvantage of spot images is that they require a large amount of space to store in computer memory. When working with high-resolution bitmaps, the size of the files on them is hundreds of megabytes [2].

Mostly when working with such large objects, modern computers are not so fast. Working with a vector image is much easier. To make it bigger or smaller, you can just change the image parameter that controls it. In this case, the size of the vector image file does not exceed one byte.

When data is transmitted through images, the speed of analysis and reception is much higher than through data channels. That's why a single poster with an image (which can easily give the desired effect) has a stronger effect on the viewer than a series of ads.

Any amount of information is well received by the viewer (children like picture books). In other formats, such information is not acceptable (exchange tables). As a result, the demand for graphical data is growing day by day.

Software tools for working with such graphics and images are a lot and different. One of these programs is Corel DRAW.

Version 12 of the Corel DRAW combines modern capabilities and was released in 2004 (version 13 of the Corel DRAW was released in 2005). This software is used in industrial design, advertising product development, publishing systems and creating various images for web pages. Corel DRAW software is a package program that includes several part programs. These programs make it easier to share information with each other.

To start the Corel DRAW graphics editor, issue the command Pusk(startup)-Program-Corel DRAW Graphics Suite X3-Corel DRAW X3, or double-click the left mouse button on its shortcut on the Windows XP desktop [3].

Files created in Corel DRAW have extensions such as * .CDR, * .CMX, * .WMF. After downloading the program, the Corel DRAW window will appear on the screen, which contains the main elements of the user interface.

When CorelDRAW starts, the following dialog box opens.




**Figure 9**. CorelDRAW program dialog

Here: New - Create a new file, Recently Used - refer to the last five files used. Open - open files that are in the computer's memory. New from template - create a new file based on existing templates. Corel TUTOR - pdf. e-book with instructions on how to work in CorelDRAW format. What's New - information about the differences of the program from previous versions and the introduced innovations [4]. Depending on the purpose of the job, selecting one of the above (in our case, the New section) will open the working window of the program CorelDRAW. It consists of the following sections:

1. Program row, which shows the current program and file name;
2. Menu Bar - a menu bar, where all the commands available in CorelDRAW are grouped into these menus;
3. Standard - Standard panel, which includes commands such as creating a new file, opening, saving, printing existing files, common to all programs;
4. Property Bar - Formatting panel, which displays the properties of the sheet without any objects, and its properties when the object is selected;




**Figure 10.** The working window of the CorelDRAW X3 program

5. Toolbox - a panel of tools, toolbars, which includes all the tools available in the program and allows you to use them.




**Figure 11. Toolbox - a panel of tools, all tools of the toolbar**

6. Color Palettes - color palettes, which show the colors in the selected color palette, you can display other colors close to it by holding down the left mouse button on any color for 3 seconds.

Taking out and removing these panels are done by right-clicking in the upper right corner of the screen and selecting the desired panel name from the drop-down list. They can be placed anywhere on the screen.

Main menu. The main menu bar is located at the top of the Corel DRAW screen, below the row header row. This is the only item in the program that has a specific location that cannot be placed anywhere on the

screen. The main menu consists of 11 items. The user can also add additional special commands to this menu.

These are: Файл, Правка, Вид, Макет, Упорядочить, Эффекты, Растровые изображения, Текст, Инструменты, Окно, Справка.




**Figure 12.** The main menu bar of CorelDRAW X3

Standard instrument panel. The standard toolbar is located below the main menu bar. This panel has buttons that allow you to quickly and easily find the various functions of the Corel DRAW. In addition to these buttons, the panel has a drop-down list called Zoom levels.




**Figure 13.** Standard toolbar of CorelDRAW X3.

Functions of standard toolbar buttons:
1 - creation of a new document;
2 - open an existing document;
3 - storage of the document;
4 - printing of the document;
5 - shearing;
6 - copying;
7 - put;
8 - cancellation of the last action;
9 - repetition of the last action;
10 - import (linking one document to another);
11 - export (send files);
12 - application loading module;
13 - Access to the Corel DRAW website;
14 - scale magnification.

Attributes panel. An attribute panel is a panel whose composition and tools change depending on which instrument or object is currently active. The attributes panel is located below the standard tools.




**Figure 14** Attributes panel of CorelDRAW X3.

To appeare the menu press right button of the mouse. In Windows, some actions are performed by right-clicking anywhere on the screen. This feature is also widely used in the Corel DRAW graphics editor. Clicking the button on the right will invoke the context menu.




**Figure 15.** Pressing right button of the mouse appeared context menu in CorelDRAW X3.

Object menu. We call this menu by going to the group of selected objects and clicking the button on the right. Commands in such menus are called context menus because they depend on the status of the minutes being called.




**Figure 16.** Object menu of CorelDRAW X3.

An interesting aspect of creating animated buttons is that the image is more effective when the pointer is redirected to the graphic references on the WWW pages and changes its appearance when the mouse button is pressed. CorelDRAW automates the creation of such objects.

An example of this is the creation of a button that changes its appearance. The first step is to create views that show when the button is pressed and when it is not. Make a rectangle around the edges and fill it with black. Make a copy of this rectangle above and to the left, filling it with white. Make a note at the top, for example, type the button BUTTON and mark the inside of the red color with white. The unpublished button is ready (Figure 17, left). now it is necessary to create a variable object from it [5,6,7].




**Figure 17.** Various parts, buttons in CorelDRAW X3.

Highlight the button image and select the Effects Rollover Create Rollover command from the menu. Appearance does not change, but instead of several objects there is a button pressed in the normal state, which is indicated by the inscription Rollover [NORMAL] in the status bar.

To change the image in other modes, right-click and select Edit Rollover from the submenu. With the exception of the change button, all images are made invisible and an additional Internet toolbar appears on the screen. If you often create images for the Internet, then you need to install this panel in the program window. If the Internet toolbar is always visible, you do not need to give a menu command to create a button, just click the "Create Rollovers" button on the panel. Switching to Switch mode is done by clicking the "Edit Rollover" button.

After switching to edit mode, you will need to create an image for the other two buttons. In the list on the left side of the Internet panel, select the OVER option bar. As a result, the mouse pointer switches to the mode of setting the directional button. Previously, the NORMAL option was selected, which showed the normal appearance of the button. Delete the text line and fill it in black. The button (yellow BUTTON) looks the same when the mouse pointer is pointed (Figure 17, center).

Select DOWN from the list of image options. now you need to draw the appearance of the pressed button. Let's use the first created button view. Paint the text black and erase the outline. Push the text (green BUTTON) and the white rectangle to the lower right, and drag the black rectangle to the opposite side. A pressed button appears (Figure 17, right).

Click “Finish Editing Rollover” to finish the button creation process and switch to the program’s initial mode. now you can see the appearance of the created object [8]. Click the “Edit Rollover” button on

the Internet panel. You can view the button animation. When you hover the mouse pointer over the created button, its image changes. Hold down the mouse button so that the button appears in the third image view. Release the mouse button and move the pointer aside. The button is in the first image view. Button images can also change slowly, but change faster when used on the Internet. Press the "Finish Editing Rollover" button to enter the initial mode [3.4].

## Literature

1. Миронов Д.Ф. CorelDraw 12. Учебный курс. – СПб: Издателбство Питер, 2004. -442 с. (ISBN 5-94723-897-7).

2. Миронов Д.Ф.. CorelDraw X3. Учебный курс. – СПб.: “Питер”, 2006. – 397 с.

3. Сайидова Н.С., Зарипова Г.К., Абдуахадов А.А., Журакулов Ж.Ж. Использование электронных ресурсов в историческом образовании и его защита. “Аэтерна” научно-издательский центр. Научный электронный журнал “Академическая публицистика”. ISSN 2541-8076 №2/2020 (февраль 2020). -Б.123-131

4. Сайидова Н.С., Нематов Л.А. Теория и методика профессионального образования. Образование и проблемы развития общества научно-практический рецензируемый журнал. Г. Курск. Россия. №1(7) 2019 год. 55-59-Р. (ISSN 2411-9792)

5. Сайидова Н.С., Казимова Г.Х. Разработка методики образования в вузах. Образование и проблемы развития общества научно-практический рецензируемый журнал. Г. Курск. Россия. №1(7) 2019 год. 36-40-Р. (ISSN 2411-9792)

6. Sayidova N.S. CorelDraw dasturida ishlash. Uslubiy qo‘llanma. Talabalar uchun. – Buxoro: “Buxoro”, 2019. -b.80.

7. Sayidova N.S., Atamuradov J.J., Hayitov U.H. Kompyuter grafikasi dasturlari (I Qism). O‘quv qo‘llanma. Talabalar uchun. – Buxoro: “Iste’dod”, 2018. -b.227.

8. Зарипова Г.К, Сайидова Н.С., Тахиров Б.Н., Хайитов У.Х. Педагогическое сотрудничество преподавателя и студентов в кредитно-модульной системе высшего образования. “Наука, образование и культура”. Российский импакт-фактор: 0,17. Научно-теоретический журнал. Научная электронная библиотека Library.ru Google scholar. – Москва, 2020. № 8 (52), 23-26-стр. ISSN 2413-7111 (ISSN 2413-7111 (Print) ISSN 2541-7819 (Online))

**Мўмин ҚОДИРОВ**
Ўзбекистон Миллий университети
кенгаш котиби

**Эркин ВОХИДОВ**
Ўзбекистон Миллий университетининг
ҳудудий олий таълим муассасалари
билан ишлаш бўлими бошлиғи

# УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ФИЗИКА ФАНИНИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ АСОСИДА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

*Мазкур мақола академик лицей ва умумтаълим мактабларида физика фанини масофавий таълим асосида ўқитишнинг бугунги кундаги долзарблиги, афзалликлари, камчиликлари, шунингдек, масофавий таълим асосида ўқитишни такомиллаштириш масалаларига бағишланган.*

***Таянч сўзлар:*** *илм, илмий, таълим, масофавий таълим, мустақил таълим, ахборот технологиялари, интернет, тараққиёт, фан, малака, назарий, амалий, сифат.*

*Данная статья посвящена актуальности, преимуществам и недостаткам дистанционного обучения физике в академических лицеях и общеобразовательных школах, в том числе, совершенствовании вопросам дистанционного обучения.*

***Ключевые слова:*** *наука, образование, дистанционное обучение, независимое образование, информационные технологии, интернет, развитие, наука, квалификация, теория, практический, качество.*

*This article is devoted to the relevance, advantages and disadvantages of distance learning physics in academic lyceums and general education schools, as well as the improvement of distance learning.*

***Key words:*** *science, education, distance learning, independent education, information technology, internet, development, science, qualifications, nazarius, practical, quality.*

**Кириш.** Глобаллашув жараёни, шунингдек, иқтисодиётни бозор муносабатлари шароитида янгича шакл ва мазмунда шаклланиши, рақамли иқтисодиётни тобора инсон ҳаётига кириб келиши, уларнинг асосини ташкил этувчи таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришда инсон омилини тубдан ўзгартириш масаласини кун тартибига чиқарди. Айниқса, 2019 йилнинг охирги чораги ва 2020 йилнинг биринчи чорагида дунё мамлакатларида коронавирус пандемиясининг хуруж қилиши нафақат инсон саломатлигига хавф солди, шунингдек, жаҳон иқтисодиётига ўта катта салбий таъсир кўрсатди. Кишилар карантин шароитида ишлаш, моддий ва маънавий бойликлар яратишдан маҳрум бўлишидан ташқари, таълим олишда ҳам муайян қийинчиликларга дуч келди. Ана шу ўринда масофадан таълим олиш биринчи ўринга чиқди ва таълим муассасалари муайян тажрибаларга эга бўлди.

Коронавирус пандемияси халқимиз бошига синовли кунларни солди. Ҳар биримиз руҳий зўриқиш ҳолатларини бошимиздан кечирмоқдамиз. Пандемиядан иқтисодиётнинг барча соҳалари азият кўрмоқда. Бу, айниқса, ўз аксини таълимда яққол кўрсатди. Чунки, истаймизми йўқми, у хоҳ олий таълим, хоҳ мактабгача таълим ёки ўрта ва махсус таълим бўлсин - туб бурилиш қилишга сабаб бўлди. Ҳаётдаги каби таълимда ҳам тезлик билан қарор қабул қилиш ва жараённи янги шаклда изга солиш учун сафарбарлик зарурияти туғилди. Бу ташвишли жараён бизни тезлик билан янги муҳитда ишлашга мажбур қилди, талабаларга навбатдан ташқари таътил берилди. Уларни соғ-омон уйларига кузатиш жараёни, уйда масофавий таълимга ўтиш ва билим олишни масофавий йўлга қўйиш ишлари бир ҳафта-ўн кун ичида амалга оширишни таъқозо этди.

**Асосий қисм. Масофавий таълим тарихи.** Масофавий таълим технологияси 1969 йилда Англия премьер-министри Г.Вильсон ташаббусига кўра шакллантирилган деб ҳисобланади. Аммо масофадан ўқитиш анча олдинроқ, яъни, биринчи барқарор, мунтазам почта алоқасининг шаклланиш даврида юзага келган. 1858 йилдан бошлаб Лондон университетида барча хоҳловчиларга уларнинг мустақил билим олишлари, барча ихтисосликлар ва барча соҳалардаги академик даража учун имтиҳон топширишларига рухсат этилган. 1938 йилдан буён Сиртқи таълим бўйича Халқаро кенгаш, 1982 йилдан бошлаб, Масофавий таълим бўйича Халқаро Кенгаш номи билан машҳур халқаро таълим ташкилотлари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Очиқ университетлардаги ўқиш харажатлари анъанавий институтларда ўқитишга қараганда 8-10 марта арзон экан. Масалан: Англияда турғун ўқишга 3000, масофавий ўқитиш орқали билим олишга эса атиги 300 фунт стерлинг тўланади. Биноларга хизмат кўрсатиш, жиҳозлар ва лаборатория учун харажатлар, ўқитувчи, маъмуриятлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штати қисқаради. Таълим олувчиларга филиаллар тармоғи, телестудия

ва компьютер тармоғи орқали маслаҳатлар берилади. Англияда ўқувчиларни тайёрлаш дастури 130 та курсни ўз ичига қамраб олади, уларнинг кўплари фанлараро боғланиш хусусиятига эга [1].

Масофавий таълим АҚШда ўтган асрнинг 60-йилларнинг ўрталаридан, Европада эса 70-йилларнинг бошларида жадал ривожлана бошланди. Ўқитишнинг бу шакли таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг бир-бирлари ҳамда ўқитиш воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадга йўналтирилган интерфаол жараёнидан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни уларнинг географик жойлашишига боғлиқ бўлмайди. Таълим жараёни кичик тизимлардан иборат, яъни ўқитиш мақсади, мазмуни, методлари, воситалари, ташкилий шакллари, назорат, ўқув-моддий, молиявий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий ва маркетинг каби элементларни қамраб олган ўзига хос педагогик тизимда кечади.

**Масофавий таълим тузилмаси ва уни ташкил этиш.** Интернет, глобал компьютер тармоғини ривожланиши бутун дунё таълим тизимини такомиллаштиришнинг янги йўналишларини очилишига сабаб бўлди. Биринчидан, ўқув муассасаларининг техник таъминотини кескин ўзгариши, дунёвий ахборот-ресурсларга кенг йўл очилиши ўқитишнинг янги шакл ва усулларидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқарди. Шундай қилиб, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда таълим олувчи ва ўқитувчи фазовий (ҳудудий) бир-биридан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари ва назорат шакллари электрон алоқа ва интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида амалга оширилади (мулоқотда бўладилар). Масофавий ўқитишда ҳам турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилади. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон почта орқали тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеомаърузалар таълим олувчиларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиниш таълим олувчиларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради.

Таъкидлаш лозимки, ўқув жараёнини ахборотлаштириш, яъни масофавий таълим ривожланган хорижий мамлакатларда XX аср 70-80 йилларининг бошларидан буён кенг кўламда қўлланиб келинмоқда. Бунинг натижасида таълим олувчилар узлуксиз мустақил таълим олиш имкониятига эга бўлдилар [2].

Электрон таълим, хусусан, масофавий таълим жараёнини қўллаш, асосан, икки хил кўринишда амалга оширилади. Биринчи шарти бу техник жиҳозлар бўлса, иккинчи шарти махсус дастурий таъминотлар билан таъминланганлигидир [3] (1-расм):




***1-расм. Электрон таълимни ташкиллаштиришда қўлланиладиган дастурий таъминот тузилмаси***

Физика бўйича масофавий таълимни асосий ташкилий тузилмаларига сиртқи таълим бўлинмалари, очиқ университетлар, коллежлар ва мактаблар, виртуал мактаблар, виртуал методик бирлашмалар, таълим порталлари киради. Физикани масофавий ўқитиш – бу сиртқи ўқитиш шаклининг анолиги эмас. Чунки сиртқи таълимдан масофавий таълимдан фарқли равишда таълимда ўқтиувчи ва ўқувчи доимий алоқада бўлади [4].

Физика бўйича масофавий таълимни ташкил этишда ўқувчи (талаба)ларни маълумотлар базаси, билимлар базаси, узоқдаги физикавий лаборатория ва бошқа масофавий таълим воситаларидан фойдаланиш учун таълим муассасалари телекоммуникацион воситаларни сотиб олиш ва ижарага олиш орқали улардан фойлаланади (эксплуатация қилади) [5].

*АҚШ тажрибаси.* 2010 йилдан АҚШнинг Детройт шаҳридаги мактабда ўқувчилар уй топшириқларини уйда эмас, балким мактабда ўқитувчи билан биргаликда бажариш йўлга қўйилди. Бунда у ёки бу ўқув фанини назарий қисмини уйда ўқитувчиларнинг маърузалари ёзилган видеороликлар ёрдамида ўзлаштирилди. Бундай тартиб асосида ўқитишни йўлга қўйилиши таълим тизимини тубдан ўзгартирди ва таълим сифатини кескин ошишига олиб келган [6].

Мактаб ўқувчилари томонидан уй вазифаларини 3-6 минутлик кичик видеороликлар ёрдамида бажариш уларни кўп марта кўриш орқали аниқ тушуниш ва ўрганиш имконини беради. Бу эса синфда амалий машғулотлар учун кўп бўш вақтнинг ортиб қолишини таъминлайди. Бундай тартиб бўйича таълим олувчи ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичи бошқа анъанавий мактаб ўқувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичидан анча юқори бўлади.

*Россия тажрибаси.* АҚШдаги бундай мактаблар Европада ҳам етарли даражада кўп ва Россиянинг Чувашия мактабларидаги эксперимент ўзига хос ноёб ҳолат эмас. Фақат бу мактабларда ўқитувчи сифатида университет профессорларининг жалб этилиши ўзига хос янгилик. Мактаб ўқувчисига видеоматериаллардан фойдаланиш ҳуқуқи (рухсати) берилади ва ўқитувчи билан мулоқот қилиш имконияти яратилади. Аттестация жараёни ҳам онлайн режимида ўтказилади. Бундай мактаблар бир қатор устунликларга эга. Биринчидан, бу индивидуал ёндашув, иккинчидан эса болани ота-онаси томонидан назоратнинг мавжудлигидир. Яна бир афзаллик – дунёнинг исталган нуқтасидан таълим олиш имконияти бўлиб, бу ҳолат ҳам Чувашия лойиҳасининг асосини ташкил этади. Мактаб таълимини ана шу усулда ташкил этилиши юқори синф ўқувчилари мустақил равишда физикадан билимларини ўзгартириш (тузатиш) ва оширишларига имкон берди. Бу эса репетиторга бўлган зарурият (эҳтиёж)ни йўқотди ва боланинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Албатта, бу ўринда кундузги, бевосита мулоқот тарзидаги таълимда ўқитувчи бутун меҳрини ўқувчига бериши орқали уни физика фанини севишга йўналтириши масофавий таълимда кузатилмайди.

Россияда ҳам ривожланган хорижий мамлакатлар каби масофавий таълимни ташкил этиш бўйича Давлат дастурлари доирасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2017 йилда Чувашияда қишлоқ мактабларининг юқори синф ўқувчиларини физикани масофавий ўрганиш бўйича пилот лойиҳа ишга туширилган. Лойиҳа доирасида ўнта қишлоқ туманларида таянч мактаблар белгиланган ва бу мактабларда ўқувчилар масофавий таълим йўлга қўйилган. Дарсларни И.Н.Ульянова номидаги Чувашия давлат университети физика-математика факультети ўқитувчилари масофавий видеоконференция шаклида олиб боришган. Масофавий дарслар мактабдаги асосий физика соатларининг ўрнига эмас, балким уларни тўлдириш мақсадида факультатив вақтларда ўтилган. Бу лойиҳани амалга оширишда давлат бюджетидан 46 млн. рубль (тахминан 700 минг доллар) ажратилган. Бу маблағлар физика кабинетларини жиҳозлаш, лаборатория ва компьютер қурилмаларини сотиб олиш ва ўрнатишга йўналтирилган. Лойиҳанинг асосий мақсади юқори синф ўқувчиларини физика фанига бўлган қизиқишини ошириш [6].

Савол туғилиши табиий. Нима учун айнан физика фани танланган!? Чунки физика фани – оламнинг пайдо бўлиши, тузилиши, ривожланиш қонунларини, ўзаро алоқаси, уларда мавжуд турлича воқеа-ҳодисаларнинг физик илмий моҳиятини тушунтирадиган таянч табиий фан ҳисобланади. Бу фан ўрта мактабда ўтиладиган фанлар ичида энг мураккаб ҳисобланади ва уни махсус тайёргарликсиз тушуниш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Мактаб физика фани бўйича кўп билимларни беради, лекин ҳамма фундаментал билимларни эмас. Лойиҳа муаллифлари физика фани ҳаётининг танлови ва турмуш тарзига айланган олий таълим муассасаларининг фидойи профессорлари мактаб ўқувчисига физикани тушунтирмаса, уларни физикани севишга йўналтирмаса, бу вазифани ким бажаради деган масалани ўртага қўйишган. Юқоридаги вазифаларни масофавий таълим орқали амалга ошириш нисбатан осон ва қулай, шунингдек, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг асосий ишига ҳам халақит қилмайди. Шу сабабли ҳам бугунги кунда масофавий таълим физика фани ва таълимига ҳам кириб келиб, анъанавий таълимни секин-аста сиқиштириб, у билан рақобатлашмоқда.

**Муҳокамалар ва натижалар**. *Ўзбекистонда масофавий таълим.* Масофавий таълим ривожланган мамлакатларда ўтган асрнинг охирларида дадил кириб келиб, бугун таълим тизимининг ажралмас қисмига айланиб бўлган бўлсада, яқин-яқин вақтларгача Ўзбекистон олий таълимида масофавий таълим эксперимент тариқасида киритилган эди. Сўнгги 2-3 йил ичида таълим ислоҳотлари туфайли хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма дастурлар,

университетларда бу жараённи жадаллашига яна бир туртки бўлди [7, 10]. 2020 йил март ойидан мамлакатимизда ҳам короновирус пандемиясининг кириб келиши туфайли карантин эълон қилиниши нафақат олий таълим муассасалари, шунингдек, умумтаълим мактабларини ҳам масофавий таълимга ўтишга мажбур этди ва у асосий таълим ролини бажармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарорида, жумладан

- 2020-2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ҳамда алоқа хизматлари сифатини оширишни кўзда тутган ҳолда мамлакатнинг рақамли инфратузилмасини тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

- таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, “Беш ташаббус” лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2022 йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш белгиланган масофавий таълимнинг мамлакатимизга тўлақонли кириб келишига замин яратди [8, 10].

Хорижий экспертлар ва педагог-ўқитувчиларнинг фикрларига кўра анъанавий дарсларни (ҳозирги янги педагогик технологиялар асосидаги кундузги дарсларни) онлайн версиялар тўлалигича алмаштира олмайди, лекин қисман ёки маълум бир мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этиши табиий. Бундай курслар қанча кўп бўлса, шунча яхши лекин унга мос равишда ўқитувчиларнинг қисқартирилишига олиб келади. Аммо бундан фожиа ясамаслик керак, айниқса, бизнинг Ўзбекистонда. Чунки, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислоҳотларида мактабгача таълим муассасаларида болаларни қамровини 2-3 бобарбарга, олий таълимга мактаб битирувчилари қамровини 2018 йилдаги 8-10 % дан 2030 йилда 50-60 % га етказиш ўқитувчиларни қисқартириш эмас, аксинча, инновацион билимли ўқитувчилар сонини 2-3 баробарга оширишни тақозо этади. Шундай экан, масофавий таълим одатдаги таълим жараёнини тўлдириш ва бойитишга хизмат қилади.

*Масофавий таълимнинг афзалликларига* кўп сонли таълим олувчиларни қамраб олишини; географий ҳудуд ва чегараларни билмаслиги; вақтга боғлиқ эмаслиги ва такрорий ўзлаштиришнинг мумкинлиги; дарс жараёнини ва баҳолашнинг шаффофлиги кабилар киради.

Аксарият мутахассислар, педагог-ўқитувчилар томонидан масофавий таълимнинг ўзига хос афзалликларини таъкидлашларига қарамай ҳеч қачон масофавий таълим аудиторияда, бевосита, таълим олувчилар билан жонли мулоқот асосида дарс ўтишни тўлақонли алмаштира олмайди.

Ўзбекистон шароитида *масофавий таълимнинг асосий камчиликларига* мамлакат таълим муассасаларида АКТнинг талаб даражасида эмаслигини; таълим олувчи (ўқувчи, талаба)нинг ҳам, таълим берувчи (педагог)нинг ҳам психологик жиҳатдан тайёр эмаслиги; таълим жараёнини ташкил қилишда электрон ресурларнинг етарли даражада ва сифатли яратилмаганлиги; ўқитувчларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам АКТдан фойдаланиш тажрибаси ва малакасининг талаб даражасида эмаслиги; мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида Интернет алоқа тизимининг яхши ишламаслиги ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар мавжудлиги; таълим олувчиларнинг билимларини баҳолашда ташқи омилларнинг таъсири кабилар киради.

Олий таълим соҳасида ахборот комуникацион технологияларнинг кенг миқёсда жорий этилиши билан масофавий таълимни ташкил этиши бир қатор ижтимоий масалаларни ечишда ҳам ижобий натижаларга эришилиши мумкин. Таълим соҳасига бўлган талабаларнинг эҳтиёжларини қондиришда қулайликлар яратиш билан республикамизнинг малакали рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Шунингдек, талабаларнинг ижтимоий ва касбий фаолликларини оширишга эришиш мумкин. Сиртқи бўлимларда таҳсил олаётган талабаларнинг, хусусан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ёшлар учун қулай шарт-шароитларни яратиб беради. Бундай услуб асосида ўқитиш бўлажак мутахассисларни тайёрлашда муҳим ўрин тутади ҳамда меҳнат билан машғул шахсларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини мустаҳкамлаб, уларнинг дунёқарашини бойитишга хизмат қилади.

Биз ўйлаймизки, яқин йилларда Ўзбекистонда ҳам онлайн мактаблар пайдо бўлади. Мактабларда масофавий таълимнинг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Салбий ҳолатларга ўқувчини ўқитиш жараёнида ва уй вазифасини бажариш вақтида назорат қилишнинг имконияти йўқлиги. Синфда ўқувчи ёт нарсаларга чалғимаслигини, уй вазифасини бошқалардан кўчирмаслигини, назоратларда ўқув адабиётларидан фойдаланмаслигини назоратга олиш мумкин

бўлса, масофавий таълимда бунинг иложи йўқ. Ижобий жиҳатларига эса ўқувчи ўзига қулай уй шароитида бўлишини, таълим муассасасига бориш-келиш учун вақт ва маблағнинг тежалишини, шунингдек, турли кўргазмали материаллардан, кинофильмлардан фойдаланишни мисол қилиш мумкин. Кўпгина физик тажрибаларни синфда ўтказиб бўлмайди, телевизион муҳитда эса уларни табиий ҳолда кечиш жараёнларини бевосита кўрсатиш ҳам ижобий жиҳатларга киради.

**Хулоса ўрнида.** XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида "бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш" долзарб вазифа сифатида белгиланди. Бу узлуксиз таълим тизимида ва бутун ҳаёт давомида ҳар бир шахснинг ижодий ва танқидий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация ва масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтирди [9].

Бугунги пандемия инсониятнинг яшаш ва ишлаш тарзини мутлоқ ўзгартирди, шу жумладан таълимга бўлган муносабатни ҳам. Талаба ва ўқувчилар одатдаги (кундузги) таълимдан масофавий ўқиш-ўқитишнинг янги усулларидан фойдаланмоқдалар. Бу эса ўқувчи-талабалар учун зарур бўлган ўқув-услубий материаллар, ўқув қўлланмалар асосида компьютер дастурлари ишлаб чиқиш вазифасини қўймоқда.

Масофавий дарслар талаба-ўқувчи ёшлар ўз имкониятларини кўпроқ мустақил ишлашга, илмий ижод билан шуғулланишларига, педагог-ўқитувчиларни эса хориж тажрибалари асосида электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар, видеодарслар яратишга йўналтирмоқда. Бу ҳолатда ҳар бир таълим муассасасининг энг асосий вазифаси электрон таълимнинг дастурий таъминотини яратишдан иборат бўлади.

Мактаб ва академик лицейлар ўқувчилари учун физика фанини ўқитишда масофавий таълимдан ҳам одатдаги кундузги таълим ўрнида, ҳам қўшимча таълим ўрнида фойдаланиш, шунингдек, энг муҳими ўтиладиган дарс соатларини кўпайтириш орқали физика фани таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин.

Пандемия сабоқлари Ўзбекистонда ҳам онлайн мактаблар ташкил этиш, бу мақсадда ҳукумат даражасида махсус дастур қабул қилинишини, шунингдек, физика таълимини ривожлантириш концепциясини яратиш масалаларини кун тартибига қўймоқда.

## Адабиётлар


1. Атабаева К.Р. Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари. Молодой ученый. - 2017. - № 24.1 (158.1). - 5-7 с.
2. Learning Management Systems Comparison: The Ultimate Checklist of Features. Retrieved from: http:// elearningindustry.com/learning-management-systems-comparison-checklist-of-features.
3. Distance Education for the Information Society: Policies, Pedagogy and Professional Development (ЮНЕСКО институтининг 2000 йилдаги таҳлилий тадқикот материаллари), 2000 й.
4. Чефранова А.О. Дистанционное обучение физике в школе и вузе: практические аспекты: Монография. - Московский пед. гос. ун-т. - Москва: "Прометей", 2006 г. 252 с.
5. Ибрагимов И.М. Информационные технологии и средства дистанционного обучения. - Академия, 2007 г. 336 с.
6. Чепалов Р. Физика в школе дистанционно, https://academica.ru 2019 г. июль.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли Қарори.
9. Ибрагимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. – Тошкент: "Lesson press", 2020, 24 бет.
10. lex.uz.

**Дилноз РЎЗИЕВА**
Бухоро муҳандислик - технология институти
физика кафедраси катта ўқитувчиси

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФИЗИКА ЎҚИТИШНИ ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ УСУЛИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

*Мақолада техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида физикани ўқитишдаги тизимли ёндашув усулини ташкил қилиш имкониятлари ва самарадорлиги ҳақида фикр юритилади.*

***Калит сўзлар:*** *тизимли ёндашув, тизим тамойиллари, касбий компетенция, моделлаштириш, ахборотлаштирилган муҳит.*

*В статье дается представление о возможностях и эффективности организации системного метода подхода к преподаванию физики в высших учебных заведениях технической направленности.*

***Ключевые слова:*** *системный подход, системные принципы, профессиональная компетентность, моделирование, информационная среда.*

*The article gives an idea of the possibilities and effectiveness of the organization of a systematic method of approach to teaching physics in higher educational institutions of technical orientation.*

***Key words:*** *system approach, system principles, professional competence, modeling, information environment.*

**Кириш**. Таълим тизими жараёнлари юқори даражада ривожланган Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Исроил, Япония, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа ривожланган давлатлар таълим тизимида физика таълими ишлаб чиқаришнинг асосий бўғини ҳисобланиб, жаҳон меҳнат бозорига малакали мутахассислар тайёрлашнинг муҳим босқичлари ва ташкил этувчиларидан бири деб қаралади. Ривожланган мамлакатларнинг University of Technology Malaysia (Малайзия), Harvard University (АҚШ) каби етакчи университетларида таълим олувчиларни замонавий ишлаб чиқариш муҳитига мослаштириш, шу билан бир қаторда, глобаллашув шароитида халқаро таълим интеграцияси имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ касбий муаммоларни замонавий материалларни мукаммаллаштириш асосида ҳал қилишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришда аниқ ва табиий фанлар тизими асос бўлиб хизмат қилиши долзарб ҳисобланади.

2020 йил 29 декабрь Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида илм-фан, технологияларнинг тараққий этишида физика фанининг салмоқли ўрни ҳақида қуйидагича фикрларни таъкидлади:

“Агар, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб машинасозлик, электротехника, Ай-Ти, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди”.

Дарҳақиқат, физика таълимини яхши ўзлаштирган битирувчилар ишлаб чиқариш ва таълим соҳасининг барча тармоқларида: хусусий, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик базаларининг янада ривожланишида юқори қийматли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарилишида “драйвер” ролини бажаради.

**Асосий қисм.** Олий таълим муассасалари таълим самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг энг муҳим омилларидан яна бири – мазкур жараёнга замонавий инновацион технологиялар ва виртуал таълим технологияларини татбиқ этиш ҳисобланади. Бу жараённинг мазкур технологиялар ва уларнинг талабларига мувофиқ ташкил этилиши физика фани ўқитувчиларининг инновацион технологиялар моҳиятидан қанчалик хабардор эканлиги билан бевосита боғлиқ. Техника олий ўқув юртларида муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида талабаларнинг ўқув-тадқиқот фаолияти билан боғлиқ касбий йўналтирганлик масалаларини ечиш, касбий фаолиятда лаборатория ускуналари билан ишлаш малака ва кўникмаларига эга бўлиш, топшириқлар тизимини амалга ошириш методикасига қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тизимли ёндашув умумий физикани оптимал якуний натижалар билан ўқитиш, уни ўрганишда талабаларнинг мустақиллигини ривожлантириш, физикавий билимларни касб-ҳунар таълимига етказиш, ўқитиш усуллари, шакллари ва воситаларини дидактик ва психологик жиҳатдан асослашдан иборат. Тизим тушунчаси ҳозирги замон фалсафасида ҳам фан-техника ва амалий фаолиятда ҳам муҳим роль ўйнайди. Тизимли ёндашув билиш жараёнининг универсал воситасидир, ҳар қандай

воқеа-ҳодисаларга тизим сифатида қараш мумкин, гарчи илмий таҳлилнинг ҳар қандай объектида бунга зарурат бўлмаса ҳам. Тизимли метод мураккаб динамик бутунликларни билиш ва яратишда тенги йўқ методдир. 1972 йилдаёқ файласуфлар "ўрганилаётган объектларга тизимли –структурали ёндашув ҳозирги вақтда умумилмий тамойил мақомига эга бўлиб бормоқда: барча махсус фанларда уларнинг ривожланганлик даражаси ва ички эҳтиёжларидан келиб чиқиб тизимли ёндашувдан фойдаланади. Фан ривожланишининг замонавий босқичида тизимли ёндашувнинг назарий ишланмалари ва ундан метод сифатида фойдаланиш кенг қамровли тушунча. "Система" сўзи юнончада "тузиш" маъносини англатади. Буюмлар аморф қисмларга бўлинмаган нарса бўлиб, яқиндан қаралганда эса бўлакларга бўлиш мумкин бўлган қисмлардан тузилганлигини акс этувчи оддий тажрибадан иборат эканлигини ифодалайди [1, 38]. Фанда тизимли ёндашувнинг замонавий ролини аниқлаб беришнинг асосларидан бири маълумот миқдорининг жадал ўсиши – информацион портлаш бўлади. Маълумот миқдорининг ўсиши ва уни ўзлаштиришдаги имкониятларнинг чегараланганлиги ўртасидаги зиддиятларни енгиб ўтишга билимнинг тизимли қайта ташкил этилиши ёрдамида эришиш мумкин. Илмий билишда таҳлилий ёндашув илмий фаолият методи сифатида ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бироқ, аналитик материал етарли даражада тўпланган билим соҳаларида уни интеграциялаш ва тизимлаштиришга эҳтиёж туғилади ва бу анализ ва синтезни органик ҳамоҳангликдаги тизимли ёндашув асосидагина муваффақиятли амалга оширилади. Турли билим соҳалари замонавий олимларнинг тизимли ёндашувга интилишларига унинг бутунликни чексиз кўпаювчи қисмларининг механик йиғиндисига олиб келиши эмас, балки унинг бутунликларини моделлаштириш қобилиятига эгалиги сабаб бўлади [2, 326]. Шу тарзда тизимли ёндашувни фан ривожланишининг замонавий босқичида билишда интегратив тенденцияларнинг кучайиши натижаси деб ҳисоблаш мумкин. Тизимли ёндашувнинг моҳияти нимада ва бу методнинг самаралилиги нима билан шаклланади. Рус файласуфи ва системологи В.Н.Сагатовский шундай ёзади: "Объектнинг ҳаммасидан кўра сиғимли ва тежамли таърифи уни тизим сифатида фараз қилгандагина амалга ошади".

Тизимли билимлар – объектни бутун ҳолатда эмас, балки унинг аниқ объектнинг тизимли тавсифларига мос равишдаги "кесимини билиш натижаси" бўлиб ҳисобланади. Тизим - объект, мақсадга эришиш учун зарур ва етарли бўлган вазифаларни амалга ошириш, уни бир-бири билан мақсадга мувофиқ тарзда жойлашган элементлар мажмуаси билан таъминланади. Элемент –ички тизимнинг дастлабки бирлиги, функционал қисми бўлиб, тизимни қуриш ва вазифаларини бажариш учун зарур бўлган хусусияти инобатга олинади. Тизимли ёндашув 2 жиҳатга эга: билишга йўналтирилган (тавсифий ) ва конструктив (тизимларни ) яратишда фойдаланадиган. Тавсифий ёндашувда тизимнинг ташқи хусусиятлари унинг мақсадга мувофиқ хусусиятлари, шунингдек, вазифалар мақсадга эришиш усули сифатида унинг ички тузилиши таркиби ва структураси орқали тушунтирилади. Интеграция – бу ривожланиш жараёнидир, унинг натижасида элементларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги асосида тизим ичида бир бутунликка ва яхлитликка эришилади. Тизимли ёндашув - бу фанда мураккаб ташкиллашган объектларни шакллантириш услубларини ишлаб чиқариш вазифасини бажарувчи назарий-методологик йўналишдир. Тизимлилик тамойили шуни англатадики, тизим ва уни ташкил этувчи қисмларнинг ўзаро хатти-ҳаракатлари қонуниятлари асосида ўрганилган объектив воқелик, жараёнлари интеграл хусусиятлари ва қонуниятларга эга бўлган мустаҳкам бирлик ва бутунликни пайдо қилади. Тизимли таҳлил босқичлари: объектни уни ташкил этувчи элементларга ажратиш, боғлиқлик иерархиясини аниқлаш, асосий омилларни (сабаб, функция-меъёр ) ажратиш, объектни моделлаштириш. Тизимли ёндашувда:

1. Концепция шакллантирилади, асосий тушунчалар ажратиб олинади, улар асосида сабабийлик, функционал, структуравий бошқа боғлиқликларга шартлаб берувчи омиллар аниқланади.
2. Тадқиқ этилаётган объектнинг структуравий компонентлари ажратиб олинади.
3. Ресурсларнинг мавжудлиги, ички алоқадорлик аниқланади.

Умумий физикани ўқитишда асосий нарса билимларни ёдлаш эмас, балки уларни чуқур ўзлаштиришдир. Талабалар нафақат физик назарияни билишлари, балки фикрлашлари, излашлари ва ушбу билимларнинг қўлланилишини топишлари керак. Замонавий техника ва технологияларнинг ривожланиш даражаси физика курсларида ўрганилаётган турли хил ҳодисалар ва жараёнларга нисбатан тобора жиддий талабларни қўймоқда [3, 62]. Физика - бу экспериментал фан, ҳал қилувчи физик экспериментлар умумий физика бўйича кўплаб бўлимларнинг тақдимоти асосида ётади. Техник воситалар ўқувчиларнинг ўқув материалига нисбатан маълум бир ҳиссий муносабатини яратади, ўрганилаётган мавзуга қизиқишни уйғотади. Компьютердан фойдаланган ҳолда, ўқитиш тизими таълим жараёнини ҳар хил, кўп ўзгарувчан ахборот таъминоти билан ажралиб туради. Талабалар физик тизимни тавсифловчи параметрларнинг исталган қийматларини киритиш

имкониятини қўлга киритадилар, шу билан физик экспериментларни ўтказадилар, уларни ўқув жараёнида амалга ошириш қийин. Жараён ижодий хусусиятга эга бўлиб, физикани ўрганишдан махсус фанларга осон ўтишни таъминлайди. Бунинг учун, ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган ва назарий курснинг энг муҳим мавзулари ҳамда амалий ва лаборатория машғулотлари материалларини ўрганишда синовдан ўтган дастурлардан фойдаланилади. Физикадаги янги кашфиётлар ва ғоялар инновацион технологияларнинг асосига айланди ва улар техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Бугунги кунда тизимли ёндашув масаласини ҳал этиш муҳим назарий аҳамиятга эга бўлиши билан бир қаторда, уни амалиётга қўллашга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ёндашув усулидан фойдаланиш тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, у нафақат таълим-тарбия жараёнини тадқиқот қилиш усули, айни вақтда, уни такомиллаштириш усули сифатида ҳам қўлланилмоқда. Лекин, ҳозирги вақтда тизимли ёндашув усули, юқорида таҳлил қилинган даражада бизнинг педагогларимиз фаолиятида таълим-тарбия жараёнини модернизациялашда фаол қўлланиладиган турли шаклдаги методлар сифатида аниқлаштирилгани йўқ. Бир қатор тараққий этган мамлакатларнинг педагогик тадқиқотларида тизимли ёндашув соҳасидаги илмий изланишлар асосан таълим муассасалари ва педагог ходимлар фаолиятининг намоён бўлишини асословчи ўзига хос шарт-шароитларнинг меъёрий кўрсаткичлари билан якунига етказилган. Аниқлаштирилган тизимли ёндашув усули, педагоглар учун таълим муассасаларини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, моделлаштириш жараён сифатида таълим назариясида ва амалиётида тизимли ёндашувни жорий қилишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда тизимли ёндашув масаласини ҳал этиш муҳим назарий аҳамиятга эга бўлиши билан бир қаторда уни амалиётда қўллашга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ёндашув усулидан фойдаланиш тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, у нафақат таълим-тарбия жараёнини тадқиқот қилиш усули, айни вақтда, уни такомиллаштириш усули сифатида ҳам қўлланилмоқда. Лекин, ҳозирги вақтда тизимли ёндашув усули, юқорида таҳлил қилинган даражада бизнинг педагогларимиз фаолиятида таълим-тарбия жараёнини модернизациялашда фаол қўлланиладиган турли шаклдаги методлар сифатида аниқлаштирилгани йўқ. Бир қатор тараққий этган мамлакатларнинг педагогик тадқиқотларида тизимли ёндашув соҳасидаги илмий изланишлар асосан таълим муассасалари ва педагог ходимлар фаолиятининг намоён бўлишини асословчи ўзига хос шарт-шароитларнинг меъёрий кўрсаткичлари билан якунига етказилган. Аниқлаштирилган тизимли ёндашув усули, таълим тизими ходимлари учун таълим муассасаларини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, моделлаштириш жараён сифатида таълим назариясида ва амалиётида тизимли ёндашувни жорий қилишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Тизимли ёндашув асосида моделлар тузиш тамойиллари хилма-хил бўлиб, улар орасида тизимли ёндашувни амалга оширишни ифода этувчи қуйидаги уч хилини кўрсатиш мумкин:

1. Ижтимоий-педагогик даражада кенг қўлланилиши мумкин бўлган кўп омилли модел бўлиб, у таълим муассасаларини ислоҳ қилишда инобатга олиниши зарур бўлган турли даражадаги таркибий қисмлардан иборат.
2. Кибернетик модель қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: киритиш, чиқариш, жараён, тескари алоқа, муҳит ва бошқалар.
3. Босқичли модель. Бу турдаги моделларда бир нечта босқич мужассамлашган бўлиб, керакли бўлган натижани олиш учун изчил равишда барча босқичларни босиб ўтиш шартдир.

Кибернетик модель асосида техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида физика фанини ўқитиш жараёнига тизимли ёндашув усулини қўллаш технологияси ишлаб чиқилди. Бу ишлаб чиқилган технология қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- мавжуд бўлган ўқув-услубий ишланмалар орасида техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида физика фанини ўқитишда такомиллаштирилган ишларни таҳлил қилиш ва уларнинг ютуқларидан тизимли ёндашув усулида фойдаланиш;
- техник соҳа йўналишлари ўқув режасидаги физика фани бўйича билимлар ва маълумотлар омборини тузиш ва улардан физика фанини ўқитишда фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш;
- физика фанларини ўқитишнинг ахборотлаштирилган ўқув муҳитини яратиш;
- физика фанини ўқитишда ахборотлаштирилган таълим муҳитининг талабаларда шаклланадиган мутахассислик бўйича касбий хислатларга таъсирини аниқлаш ва башорат қилиш;

-ишлаб чиқилган тизимий ёндашув усулидан физиканинг ёруғлик ҳодисаларига доир мавзуларини ўқитишда фойдаланишга услубий тавсиялар бериш.

**Хулоса**. Техника йўналишидаги олий таълимда физика ва мутахассислик фанларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш орқали талабаларнинг фанларни самарали ўзлаштиришига эришиш мумкин. Шунингдек, ахборот технологияларни таълим жараёнига жорий қилиш билан бирга, тизимли ёндашув асосида ўқитиш - ўқув мақсадларига кафолатли эришишни таъминлайди. Биз томондан ўтказилган дастлабки изланишлар шуни кўрсатдики, ахборот технологияларидан фойдаланиб, физикани тизимли ёндашув асосида ўқитиш, талабаларнинг билим олиш имкониятларини ошириш, уларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара беради.

**Адабиётлар**

1. Леске М., Редлов Г., Штилер Г. Почему имеет смысл спорить о понятиях. Пер.с нем. –М., 1987.

2. Клековкин Г.А. Преемственность в обучении. в поисках теоретических оснований. – Самара, 2000. -328 стр.

3. Каталог программных средств учебного назначения. Фонд алгоритмов и программ НИИВО. вып.-М., 2015.

**Ҳамидахон ҚОДИРОВА**
Андижон давлат университети
эркин тадқиқотчиси

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ФИЗИКАСИДА “ОПТИКА” БЎЛИМИНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

*Мақолада умумий ўрта мактаб дарсликларида “Оптика” бўлимининг мазмун ва моҳиятини ўрганиш, уни ўқитишнинг услубий хусусиятларини аниқлаш, ўқувчилар томонидан зарур билим ва кўникмаларни энг самарали ўзлаштиришга ҳисса қўшиш натижалари келтирилган. Умумий ўрта мактабларда “Оптика” ва “Квант оптикаси” бўлимларининг асосий мазмуни ва таълимни якунлаш босқичида ушбу бўлимларда ўқувчиларни тайёрлаш даражасига қўйиладиган талаблар кўриб чиқилган. Мактаб физика фанининг синфлараро босқичларида “Оптика” бўлими мазмуни таққосланган.*

***Калит сўзлар**: фан дастурлари, умумий ўрта мактаб, ёруғлик ҳодисалари, геометрик оптика, тўлқин оптикаси, квант оптикаси, оптик тушунчалар.*

*В данной статье представлены результаты изучения содержания и сущности раздела “Оптика” в учебниках общеобразовательной средней школы, выявлены методические особенности его преподавания, способствующие наиболее эффективному усвоению учащимися необходимых знаний и навыков. В этих разделах рассматриваются требования к уровню подготовки студентов, сравнивается содержание раздела “Оптика” на межклассных этапах школьной физики.*

***Ключевые слова:** научные программы, общеобразовательная школа, явления освещения, геометрическая оптика, волновая оптика, квантовая оптика, оптические концепции.*

*In this article, presents the results of studying the content and essence of the section “Optics” in the textbooks of a general secondary school, reveals the methodological features of its teaching, which contribute to the most effective assimilation of the necessary knowledge and skills by students. These sections consider the requirements for the level of training of students, compare the content of the section “Optics” at the interclass stages of school physics.*

***Key words:** scientific programs, general education school, lighting phenomena, geometric optics, wave optics, quantum optics, optical conceptions.*

**Кириш**. Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма, билимларни шакллантириш ва ўқувчиларнинг фан бўйича эгаллаган билимлари билан бир қаторда саводхонлик, компетенция ва шахсий сифатларини баҳолаш ҳамда касбларга бўлган қизиқишини аниқлаш тизимини жорий этиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда [1].

**Асосий қисм.** Илм-фан ва техниканинг жадал ривожланиши, инсоният жамиятининг барча соҳаларини ахборотлаштириш билан тавсифланади. Бундай шароитда ҳар куни дуч келадиган муаммоларга тез ва самарали ечим топишга имкон берадиган ўқувчиларнинг ижодий, муаммоли фикрлашларини ривожлантириш вазифаси тобора долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммонинг ечимини, хусусан, умумий ўрта мактабларда физикани ўқитиш жараёнида амалиётга йўналтирилган ёндашув ёрдамида топиш мумкин.

Мактаб физикаси дарсликларида ўрганиладиган энг муҳим мавзулардан бири бу “Оптика” бўлими мавзусидир. Дарҳақиқат, ўқувчилар ушбу бўлимни ўрганиш пайтида улар билан танишадиган билимлар келажакда улар томонидан нафақат табиашунослик фанларини ўрганиш асосида касбий таълимда, балки ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида қўлланилиши мумкин. Аммо шунга қарамай, мактабдаги физика курсида келтирилган ушбу бўлимнинг мазмуни оптиканинг улкан аҳамиятини тўлиқ акс эттирмайди. Бугунги кунда таълим дастурлари ушбу мавзу бўйича жуда кўп миқдордаги маълумотларни ўрганишни таъминлайди, аммо уларни тақдим этиш методологияси сезиларли даражада яхшиланишни талаб қилади.

Юқорида айтиб ўтилганларга мувофиқ, “Оптика” мавзусини мактабда ўрганишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўқувчилар томонидан зарур билим ва кўникмаларни энг самарали

ўзлаштиришга ҳисса қўшиб, уни ўқитишнинг услубий хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар таянч ўрта таълимга ўтганда "Табиатшунослик" фани умумлаштирилиб физика фани сифатида қаралади ва оптик ҳодисалар билан танишадилар. 6-синфда ўқувчилар "Ёруғлик ҳодисалари" бўлимини ўрганишни бошлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика Таълим маркази томонидан нашр қилинган "Умумий ўрта таълимнинг физика фанидан ўқув дастури"га кўра 6–синф физика фани учун умумий йиллик ўқув соати (A1:68, A1+:102) (A1 - физика фанини ўрганишнинг умумий даражаси, A1+ - физика фанини ўрганишнинг кучайтирилган умумий даражаси) ажратилган бўлиб, ҳафта давомида (A1:2, A1+:3) ўзлаштириш белгилаб қўйилган. Дастурда "Ёруғлик ҳодисалари ҳақида дастлабги маълумотлар" бобига умумий соат (A1:12, A1+:16), маърузага (A1:9, A1+:11), лаборатория ишига (A1:1, A1+:1), назорат ишига (A1:2, A1+:4), масала ечишга (A1:3, A1+:6) ажратилган [2]. Ўзлаштириш жараёнида улар қуйидаги асосий тушунчалар ҳақида асосий ғояларни оладилар: ёруғлик манбалари ва қабул қилгичлар, ёруғликнинг тарқалиши, қуёш ва ой тутилиши, ёруғликнинг қайтиши, ёруғликнинг синиши, соя ва ярим соя, кўзгулар, сферик кўзгуда тасвир ясаш, текис (ясси) кўзгу, объектив, ҳаёлий фокус, объективнинг фокус масофаси, объективнинг оптик кучи, линзалар, оптик асбоблар, ёруғликнинг спектри. Бундан ташқари, ушбу бўлимни ўрганиш жараёнида ўқувчилар тасвирларни яратиш кўникмаларини эгаллайдилар, ҳар хил турдаги расмларни олиш қобилиятини шакллантирадилар: катталаштирилган, кичиклаштирилган, тескари, тўғридан-тўғри, ҳақиқий, ҳаёлий [3]. Қуйи синфда олинган ёруғлик ҳодисалари ҳақида дастлабки маълумотлар таянч ўрта таълимнинг 9–синфида "Оптика" бўлими сифатида янада чуқурлаштириб ўргатилади.

Дастурга кўра физика фани учун умумий йиллик ўқув соати (A1:68, A1+:102) ажратилган бўлиб, ҳафта давомида (A1:2, A1+:3) ўзлаштириш белгиланган. "Оптика" бўлимига умумий (A1:15, A1+:22), маърузага (A1:9, A1+:10), лаборатория ишига (A1:2, A1+:2), назорат ишига (A1:1, A1+:2), масала ечишга (A1:3, A1+:8) ажратилган.

Бўлим юзасидан 9–синфда ёруғликнинг қайтиш ва синиш қонунлари, тўла ички қайтиш, қавариқ ва ботиқ линзалар, оптик асбоблар, ёруғлик дисперсияси, рентген нури, фотоэффект ҳодисаси ва гелиотехника ҳақида янада кенг ва атрофлича тушунчаларни эгаллайдилар. Шу билан бирга шишанинг синдириш кўрсаткичини аниқлаш, линзалар ёрдамида тасвирлар ясаш кўникма ва малакалари ҳосил бўлади [4].

Таянч ўрта таълимнинг 6-синф физика дарслигида ўрганилган "Ёруғлик ҳодисалари" мавзусининг муҳим хусусияти шундаки, ўқувчилар уни ўзлаштирганда фақат геометрик оптикадан олинган асосий тушунчалар билан танишадилар, шу асосида улар катта синфларда ўқишни давом эттиришади. Нурнинг табиати, унинг тезлиги, оқ нурнинг спектрга парчаланиш ҳодисалари ҳақидаги билимлар ва оптик ҳодисаларни ўрганиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳақида ғояларни шакллантиради.

Бошқача қилиб айтганда, 6-9 синфларда ўқиш даврида ўқувчилар ёруғлик ҳодисалари ҳақидаги билимлар тизимининг фақат иккита энг муҳим муаммолари билан, яъни икки муҳит чегарасида ёруғликнинг ўзини тутиши ва бир хил муҳитда ёруғликнинг тарқалиш хусусиятлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Таянч ўрта мактабда ўрганилган материалнинг мазмунига асосланиб, ушбу бўлимнинг таркибини учта асосий компонентларни бирлаштирувчи деб ҳисоблаш мумкин: ёруғликнинг тўғри чизиқ бўйлаб тарқалиши, ёруғликнинг қайтиш ва синиш қонунлари, ёруғликнинг тўла ички қайтиш ҳодисаси. Таянч ўрта таълим ўқувчилари танишадиган қолган барча материалларни, асосан, таркибнинг кўрсатилган элементлари натижаси сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Бундан ташқари, ўрта мактабдаги оптик ҳодисаларни ўрганиш унинг ўзига хос хусусияти сифатида билишнинг сифатли усулларини миқдорий усуллардан устунлигини англатади, бу эса, хусусан, ҳисоблаш муаммолари устида ишлаш имкониятини чеклайди: ўқувчилар фақат иккита миқдорий боғлиқлик ғоясини ўзлаштирадилар - ёруғликнинг қайтиш қонуни ва фокал текислик ўртасидаги боғлиқлик, линзаларнинг масофаси ва оптик кучи. Шунга мувофиқ, "Оптика" бўлимидаги сифатли топшириқлар устида ишлаш ўқитувчининг ўқувчиларда ўрганилаётган ҳодисаларни мустақил равишда тушунтириш қобилиятини шакллантиришга эътиборини кучайтиришни ўз ичига олиши керак. "Оптика" бўлимидаги мавзуларнинг тақдимоти "ёруғлик нурлари" модели ёрдамида ва тажрибалар асосида амалга оширилади. Ушбу хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда, материал тақдимотининг равшанлиги ўрта мактабда ёруғлик ҳодисаларини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, биз кўриб чиқаётган бўлимни ўқувчилар томонидан ўзлаштиришнинг муҳим жиҳати шундаки, ушбу бўлимдаги дарсларда "ёруғлик нурлари" тушунчаси қанчалик кенг қўлланилганига қарамай, мактаб таълимининг ушбу босқичида унга аниқ таъриф бериш мумкин эмас

[5]. Бироқ, ўрта таълимнинг 11-синфига келиб бу терминнинг назарий тушунчаси билан танишиш мумкин бўлади. Ўқиш даврида кўриб чиқилган геометрик оптика қонунларининг соддалиги, тажрибалар, шунингдек, атрофдаги воқеликнинг турли хил шакллари ва визуал имкониятлари туфайли, ўқувчиларнинг билиш фаолияти оптик ҳодисаларни ўрганишга бўлган қизиқишини янада оширади. Шу тариқа "Электромагнит тўлқинлар ва тўлқин оптикаси" бўлими янада чуқурлаштириб ўргатилади. Ўқув дастурига кўра физика фанига умумий ўқув соати (B1:68, B1+:102) (B1 - физика, астраномия фанларини ўрганишнинг умумий даражаси, B1+ - физика, астраномия фанларини ўрганишнинг кучайтирилган умумий даражаси) ажратилган бўлиб, ҳафта давомида (B1:2,B1+:3) ўзлаштириш белгиланган. "Электромагнит тўлқинлар ва тўлқин оптикаси" бўлими учун (B1:15, B1+:23) ажратилган бўлиб, маъруза (B1:9, B1+:14), лаборатория иши (B1:2, B1+:2), назорат ишига (B1:1, B1+:2), масала ечишга (B1:3, B1+:5) ажратилган.

"Электромагнит тўлқинлар ва тўлқин оптикаси" бўлимида ўқувчилар ёруғликнинг электромагнит назарияси ва турли муҳитларда тарқалиш тезлиги, ёруғликнинг қайтиши ва синиш қонунлари, линза ва уларнинг турлари, тўла ички қайтиш, ёруғлик интерференцияси ва унинг техникада қўлланилиши, ёруғлик дифракцияси, дифракцион панжара, ёруғлик дисперсияси, чиқариш ва ютилиш спектрлари, спектрал таҳлил, спектроскоп, ёруғликнинг қутбланиши, голография, рентген нурлари, электромагнит тўлқинлар шкаласи, ёруғлик оқими ва кучи, ёритилганлик, ёритилганлик қонунлари ва равшанлик каби тушунчаларга эга бўладилар.

"Квант физикаси" бўлимига умумий ўқув соат (B1:4, B1+:6), маърузага (B1:3, B1+:4), масала ечишга (B1:1, B1+:2) ажратилган [6].

"Квант физикаси" бўлимида эса квант физикасининг пайдо бўлиши тарихи, фотоэлектрик эффект, фотонлар, фотоннинг импульси, ёруғлик босими, фотоэффектнинг техникада қўлланилиши каби мавзулар ўзлаштирилади [7].

Ўрта таълимнинг 11-синф физика фани дарсларида, ўқувчилар томонидан "Геометрик оптика" мавзусини ўзлаштиришда, улар таълимнинг олдинги босқичида ўзлаштирган билимларини асос қилиб олади. Ўрта таълимда ушбу бўлимни ўрганиш жараёнида ўқувчилар ёруғлик ҳодисалари, ёруғлик нурлари тарқалишининг табиати, қонуниятлари тўғрисида аллақачон олган билимларини кенгайтиради ва чуқурлаштиради. Бундан ташқари, ушбу босқичда оптик ҳодисаларни ўрганаётганларнинг диққат-эътиборлари ушбу мавзудаги муаммонинг нафақат амалий, балки назарий ва услубий аҳамиятга эга бўлган жиҳатларига қаратилган. Ушбу хусусиятнинг иллюстрацияси сифатида қуйидаги мисолни келтириш мумкин: учбурчак призмадаги нурларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб чиқиш, ўқувчиларга бу ҳолда нурнинг кўп марта синиши ва қайтиши турли хил оптик зичликдаги муҳитлар ўртасида содир бўлади деган хулосага келишларига имкон беради. Бироқ, бу хулоса ўрта таълим ўқувчиларида аллақачон мавжуд бўлган ғоялар ва мактабда олган билимлари ўртасидаги зиддиятни топишга олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, биз геометрик оптика қонунларининг (кўринадиган) бузилишининг пайдо бўлиши ҳақида гапирамиз. Бундай қарама-қаршиликни бартараф этиш, фақат ўқувчиларнинг "симметрия" ва "ассиметри" тушунчаларини таҳлил қилиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Ўрта таълимда тўлқин оптикасини ўрганишга келсак, унинг мазмунидаги энг катта аҳамият мактаб ўқувчилари орасида аллақачон мавжуд бўлган механик ва электромагнит тўлқинларнинг аралашуви ҳодисалари, ғоялари асосида қурилган ёруғликнинг аралашуви ҳодисасини ўрганишга қаратилган. Шу билан бирга, ёруғлик тўлқинларининг дифракцияси ушбу бўлимнинг таркибида батафсил ўрганилган, чунки унинг асосий вазифаси ёруғликнинг тўлқин хусусиятларини аниқ исботлашдир. Шунга қарамай, ўқувчиларнинг ёруғлик дифраксияси ҳақидаги тушунчаси, шунингдек, геометрик оптиканинг тўлқинли оптиканинг чекловчи ҳодисаси эканлигини исботлаш зарурати туфайли катта услубий аҳамиятга эга. Ўрта мактабда тўлқин оптикасини ўрганишда ёруғликнинг қутбланиш ҳодисасини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг аҳамияти ёруғлик тўлқинларининг кўндаланг табиатини ўрганиш, ёруғликнинг электромагнит табиатини ишончли исботлашнинг энг муҳим шартларидан бири эканлиги билан белгиланади. Электромагнит тўлқинларнинг кўндаланг табиати тўғрисида билиш, ёруғликнинг қутбланишини ўрганиш жараёнида ўқувчилар ёруғлик тўлқинларининг табиати ҳақидаги саволга жавоб беришади.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Ўрта мактабда "Оптика" бўлими мазмунининг муҳим элементи ҳам ўқувчиларни физика фанини ўзлаштириш охирида юзага келадиган квант оптикаси элементлари билан таништиришга айланади. Яъни ўқувчилар квант оптикасида квант физикасининг пайдо бўлиши тарихи, иссиқликдан нурланиш, Релей-Жинс қонуни, Планк гипотезаси, фотоэффект ҳодисаси, фотонлар, фотоннинг импульси, фотоэффектнинг қўлланилиши, ёруғлик босими, ёруғликнинг корпускуляр-тўлқин дуализми, фотоэффектнинг техникада қўлланилиши каби тушунчаларга эга

бўлишади. Ўрта таълимда квант оптикасини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб, шуни айтиш керакки, бу ерда ўқувчилар қарама-қаршиликка дуч келишмоқда, унинг моҳияти шундаки, улар ўрганаётган микромоделнинг кўплаб хусусиятлари ва қонуниятлари классик оптика тушунчаларига мос келмайди. Шунга мувофиқ хулоса қилишимиз мумкинки, ушбу босқичда таълимни самарали ташкил этиш учун 11-синф ўқувчиларида мавҳум фикрлашни юқори даражада ривожлантириш талаб этилади. Квант оптикасини ассимиляция қилишни ўрта таълим физика дарсларида кўргазмали ўқитиш воситаларидан (расмлар, жадваллар, графикалар, плакатлар, фотосуратлар, анимациялар ва мултимедия маҳсулотлари) фойдаланиш орқали осонлаштириш мумкин, улардан ўқувчилар ўзлаштирганда чекланган миқдорда бўлса ҳам зарур ўқув материалидан фойдаланишлари мумкин. Шундай қилиб, эсда тутиш керакки, мактабда квант оптикаси асосларини ўрганиш мураккаб методологик муаммо бўлиб, унинг ўзига хослиги ўрганилаётган объектларнинг кўринмаслиги, математик аппаратнинг мураккаблиги, квант оптикасининг дастлабки ғоялари ва тушунчаларининг ғайриоддий ва "кўринадиган" зиддиятлари билан белгиланади. Шунинг учун, фикримизча, ушбу бўлим материалини мактаб физикаси босқичида эҳтиёткорлик билан ўрганишни бошлаш керак. Чунки бу тушунчалар ўрта махсус ва олий талим муассасаларида квант оптикаси элементларини ўрганишда таянч тушунчалар вазифасини ўтайди.

"Ёруғлик ҳодисалари" ва "Оптика" бўлимларини ўрганиш натижасида ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари керак:

- таянч мактабни тугатгандан сўнг асосий физик атамаларнинг маъносини тушуниш;
- тажриба вазифасини шакллантириш пайтида ёруғлик ҳодисаларини ўрганиш бўйича тажрибалар ўрнатиш;
- амалий фаолият жараёнида вужудга келган вазиятларни таҳлил қилиш, уларни ечиш жараёнида ўрганилаётган ёруғлик ҳодисалари ҳақидаги билимлардан фойдаланиш;
- асосий электромагнит ҳодисаларни (ёруғликнинг тўғри чизиқли тарқалиши, ёруғликнинг қайтиши ва синиши, ёруғликнинг тарқалиши) фарқлаш ва мавжуд билимлардан фойдаланиб, бундай ҳодисаларнинг асосий хусусиятларини тушунтириш;
- тасвирлаш учун оптик схемалардан фойдаланиш;
- оптик ҳодисалар ва уларнинг қонунлари ҳақидаги билимларга мурожаат қилиб, атрофдаги ҳақиқат объектлари ва ҳодисаларини таҳлил қилиш;
- муаммоларни ушбу қонунлардан фойдаланган ҳолда ҳал қилиш.

**Хулоса**. Шундай қилиб, умумий ўрта таълимда оптикани ўрганиш, ўқувчиларда билиш жараёнида тажрибанинг ўрни, назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик, билиш жараёнининг чексизлиги ҳақидаги ғояларни шакллантириш учун катта аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси мактаб битирувчиларида ижодий фикрлашни ва уларнинг субъективлигини шакллантиришга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида шарқ олимлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи ва бошқаларнинг издошлари сифатида, фан ва техниканинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшадиган, дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган етук билимли, тарбияли, ўз касбига садоқатли ёшларнинг сонини ортишига олиб келади.

## Адабиётлар


**1.** Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармон. – Т., 2020 йил 06 ноябрь. ЎР ПФ-6108-сон.

2. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi Respublika Ta'lim markazi fizika fani o'quv dasturi (6-9-sinf). –Toshkent, 2017-yil.

3. Turdiyev N. Sh. Fizika. Umumiy o'rta ta'limning 6-sinfi uchun darsligi. –T.: "O'zbekiston", 2017. -132-bet.

4. Habibullayev P., Boydadayev A., Baxramov A., Yuldasheva M. Fizika. Umumiy o'rta ta'limning 9-sinfi uchun darsligi. –T.: "G'afur Gulom", 2014. -81-bet.

5. Сабирова Ф.М., Швецова А.В. Методические особенности изучения световых явлений в школьном курсе физики. https://scipress.ru/pedagogy/articles/metodicheskie-osobennosti-izucheniya-svetovykh-yavlenij-v-shkolnom-kurse-fiziki.html .(Дата публикации 21.11.2019).

6. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi Respublika Ta'lim markazi fizika fani o'quv dasturi (11-sinf). –Toshkent, 2018-yil.

7. Turdiyev N.Sh., Tursunmetov K.A., Ganiyev A.G., Suyarov K.T., Usarov J.E., Avliyoqulov A.K. Fizika. Umumiy o'rta ta'limning 11-sinfi uchun darsligi. –T.: "Niso Poligraf", 2018. -91-bet

**Eliboy XUDOYBERDIYEV**
Navoiy davlat pedagogika instituti
fizika-matematika fakulteti
fizika va astronomiya o'qitish
metodikasi kafedrasi dotsenti
fizika-matematika fanlari nomzodi

**Sevara HAMROYEVA**
Navoiy davlat pedagogika instituti
fizika-matematika fakulteti
fizika va astronomiya o'qitish
metodikasikafedrasi o'qituvchisi

# YULDUZLAR EVOLUTSIYASINI KVANT TASAVVURLAR NAZARIYASI ASOSIDA O'QITISH METODIKASI

*Maqolada bo'lajak fizika o'qituvchilarini tayyorlashda yulduzlar evolutsiyasi mavzusini kvant tasavvurlar asosida o'qitish metodikasi bayon etiladi.*

***Kalit so'zlar:*** *yulduzlar evolutsiyasi, statsionar va nostatsionar yulduzlar, oq karliklar, neytron yulduzlar, qizilgigantlar, qora tuynuklar, gravitatsion kollaps.*

*Статья посвящена методике преподавания эволюции звезд на основе квантовых представлений в подготовке преподавателей физики.*

***Ключевые слова:*** *эволюция звезд, стационарные и нестационарные звезды, белые карлики,нейтронные звезды, красные гиганты, чёрные дыры, гравитационный коллапс.*

*The article focuses on the method of teaching quantum theory of the evolution stars in physics teacher training*

*Key words: stars evolution, statsionary and nostalgis stars, white deafnes, neutronstars, red* giants, black holes, gravity collaps

**Kirish**. Insoniyat yulduzlar osmonini va ularning harakatini qadim davrlardan boshlab o'rganib kelayotgan bo'lsada, faqat 20-asrga kelib yulduzlarning fizik tabiati, ularda kechayotgan jarayonlar ancha mukammal o'rganildi. Yulduzlarda kechayotgan fizik jarayonlar yadro fizikasi sohasidagi kashfiyotlar, astrofizik kuzatishlar, qurilmalarining takomillashuvi, atom va yadro masshtabidagi hodisalarni tushuntiruvchi kvant tasavvurlar yaratilishi bilan oydinlashdi.

Ushbu maqolada yulduzlar evolutsiyasining hozirgi zamon kvant tasavvurlari metodik jihatdan tahlil etiladi. Yulduzlar tabiati haqidagi tasavvurlarni umumiy o'rta ta'limdan boshlab o'quvchilar ongiga singdirish ta'limning keyingi bosqichida, ayniqsa, bo'lajak fizika va astronomiya o'qituvchilarini tayyorlashda muhim ahamiyatga ega.

**Asosiy qism.** Yulduzlar o'z hayoti davomida ko'plab bosqichlardan o'tsada, ulardagi evolutsiya jarayonlarining ma'lum bir qonuniyatlarga bo'ysunishi kuzatiladi. Koinotdagi yulduzlar evolutsiyasini quyidagi 1-rasmdagi shartli sxema asosida tushuntirish mumkin.




***1-rasm. Yulduzlar evolutsiyasining shartli sxemasi***

Yulduzlar evolutsiyasini uning massasiga, o'lchamlariga va boshqa fizik parametrlariga bog'liq. Yulduzlar evolutsiyasida yulduz turkumlaridagi o'zgaruvchan yulduzlarning nostatsionar yulduzlarga aylanishi kuzatiladi. Nostatsionar yulduzlarning o'zi evolutsiya jarayonida uch bosqichga ajratiladi:

1.Oddiy yulduzlar

2. Neytron yulduzlar

3. Qizil gigantlar

Yulduzlarning yashash davri davomiyligi ham ularning massasiga bog‘liq. Agar yulduz massasi Quyosh massasidan kichik bo‘lsa, bunday yulduzlar o‘n milliard yillar nurlanishi mumkin. Massasi Quyosh massasidan 1,2 marta katta bo‘lgan yulduzlarning tashqi qatlami sekin-asta kengayadi va yulduz yadrosidan ajralib, uning o‘rnida kichkina, qaynoq oq mitti yulduz qoladi.

Oq karliklar asrtronomiya tarixida eng qiziqarli obyektlardan biridir. Bu yulduzlardagi holat Yer sharida tasavvur etib bo‘lmaydigan holatdir. Hozirgi kunda aniqlangan karliklar soni 1500 tadan ortib ketdi. 30 yorug‘lik yiliga teng radiusli sferada 100 ga yaqin karlik joylashganligi aniqlangan. Oq karliklar sovuq va issiq turlarga bo‘linadi. Sovuq karliklar atmosferasi asosan geliydan iborat bo‘lib harorati -5000K bo‘ladi. Issiq karliklar atmosferasida 0.05% vodorod bo‘lib asosan geliy, Ca, Fe, Ti dan iborat. Issiq karlik harorati ~50000K ga yetadi. Oq karlik atmosferasi ostida 160 km qalinlikdagi erkin elektronlar qatlami bo‘lib yulduz radiusining l% ini tashkil qiladi. Oq karlikning o‘lchami (d=40000km) o‘zgarmay qolishi aniqlangan. Bu o‘lcham uning massasi bilan aniqlanadi. Karlik massasi qancha katta bo‘lsa radiusi shuncha kichik bo‘ladi. Oq karlikning minimal radiusi l0 000 km ni tashkil etadi.

Nostatsionar yulduzlarning ikkinchi turi **neytron yulduzlar** bo‘lib, ular dastlabki bosqichda, o‘zidagi mavjud energiyani chiqarib yuborish tufayli yangi va o‘ta yangi yulduzlarga aylanib, keyingi bosqichda gaz tumanligini hosil qiladi. Neytron yulduzning kvant tasavvurlari asosidagi tuzilishi 2-rasmda keltirilgan.




***2-rasm. Neytron yulduzlarning ko‘ndalang kesimi.*** Bu tasavvurlarga ko‘ra neytron yulduzlar qalinligi bir necha kilometr bo‘lgan atmosfera qatlamiga ega.

Neytron yulduzlar kuchli magnitlangan bo‘lib, uning magnit induksiyasi $10^6$ million Teslaga yetadi. Radiusi 1,5 kilometrli neytron yulduz massasi 0,6 : 0,7 Yer massasiga teng, uning tashqi qatlami siyrak elektron va plazmadan iborat magnitosferani tashkil etadi. O‘ta tez va zaryadlangan zarrachalar magnit kuch chiziqlarida spiral bo‘ylab harakatlanib, turli chastotali nurlarni hosil qiladi. Magnitosfera ostidagi modda zichligi 1 t/sm$^3$, ya’ni temir zichligidan $10^5$ marta katta bo‘ladi. Keyingi qatlam metall xususiyatiga ega va bu qatlam kristall tuzilishidagi o‘ta qattiq moddadan iborat. Kristallar asosan atom massasi 26-39 va 58 -133 bo‘lgan elementlardan iborat. Bu qobiqdagi zichlik tashqi qobiqqa qaraganda 1 million marta katta bo‘lib, temir zichligidan 400 milliard marta ko‘pdir. Markazga yaqinlashib uchinchi qatlam kadmiy va unga qo‘shni elementlarning og‘ir izotoplaridan iborat uchinchi qatlamga yetamiz. Bu qatlam avvalgisidan ming marta zichroqdir. Neytron yulduzning to‘rtinchi qatlami 5 marta zichroq bo‘lib, bu zichlikda yadro yaxlit qola olmaydi, ya’ni proton, neytron va elektronga ajraladi. Neytronlar soni ortib, bitta elektron va protonga 8 ta neytron to‘g‘ri keladi. Bu qatlamni asosan neytron suyuqligidan iborat deb qarash mumkin. Bu qatlam markazida neytron yulduz yadrosi joylashgan va uning zichligi 1,5 marta kattaroq bo‘lib, yadrodagi zarralar energiyasi juda yuqoriligi tufayli urulishlar natijasida ma’lum bo‘lgan barcha rezonanslar va elementar zarrachalar tug‘iladi. Neytron yulduzlar harorati nisbatan yuqori bo‘lib, dastlabki 10 ÷ 100 ming yilda harorat bir necha yuz million gradusgacha tez kamayadi. Keyin esa, yulduz harorati elektromagnit nurlanish hisobiga sekin kamayishi kuzatiladi. Diametri 10-20 km, zichligi $10^{16}$ kg/m$^3$ bo‘lgan neytron yulduz kuchli radio va rentgen nurlari chiqarib o‘z o‘qi atrofida aylanish davriga mos davr bilan pulsatsiyalanib turadi. Shuning uchun ham bu neytron yulduzlar pulsatsiyalanuvchi yulduzlar - “pulsarlar” deb atalgan. Pulsarlarning radiusi 10 km, zichligi esa 10 kg/m$^3$ gacha bo‘ladi.

Nostatsionar yulduzlarning uchinchi turi **- qizil gigantlar** bo‘lib, ular o‘ta katta o‘lchamlarga ega. Evolutsiya jarayonida bundan chiqayotgan zarrachalar va nurlar kuchli gravitatsiya ta’sirida uning o‘ziga qaytib tushadi, ya’ni “**qora tuynuk”**ka aylanadi. Hozirgi tadqiqotlarda qora tuynuklar o‘ta zich va kichik o‘lchamga ega bo‘lishi kerakligi aniqlangan. Masalan:Quyosh massasi va o‘lchamidagi yulduz diametri 2 km lik shar shaklini olib qora tuynukka aylanadi. Qora tuynuk hosil bo‘lishini kvant nuqtayi nazardan quyidagicha tasavvur qilish mumkin. Biror massali modda shu massa uchun kritik hisoblanadigan tortilish tufayli ichki qarshilik bo‘lmaganda, cheksiz siqilishi kerak. Bunday siqilish “gravitatsion kollaps” deb ataladi. Gravitatsion kollaps natijasida modda konsentratsiyasi ortib boradi va ma’lum bir vaqtga kelib uning

sirtidagi tortish kuchini yengish uchun yorug‘lik tezligidan katta tezlik ham yetarli bo‘lmay qoladi. Shuning uchun ham bunday jismdan hech qanday modda uchib chiqmaydi va hech qanday nurlanish aks etmaydi. Ana shunday modda bunday modda qora tuynuk deb ataladi va uni ko‘rish mumkin emas.

**Muhokamalar va natijalar.** Enshteynning umumiy nisbiylik nazariyasiga ko‘ra, qora tuynuk yonida fazoning egrilanishi va vaqtning sekinlanishi kuzatiladi. Agar qora tuynukning siqilishi davom etadigan bo‘lsa, ma’lum bir bosqichda uning ichida so‘nmas yadroviy reaksiyalar boshlanadi. Bu vaqtda siqilish to‘xtaydi va antikollaps portlashi kuzatiladi. Bu portlash ko‘zga ko‘ringanligi uchun oq tuynuk, deb ham ataladi. Hozirgi kunda galaktikalarning yadrosida o‘ta katta quvvatli energiya manbai bo‘lgan qora tuynuklar borligi taxmin qilinmoqda.

Hisoblashlarga ko‘ra, koinot massasining $\frac{9}{10}$qismi qora tuynuklarga to‘g‘ri kelishi aniqlangan. Qora tuynukning radiusi 3 km, zichligi esa 10  $kg/m^3$ gacha bo‘ladi. Qora tuynuklar tortishuv maydonida gravitatsion kvant effektlari kuzatilishi lozim. Aynan shu gravitatsion kvant effektlari tufayli qora tuynuk ma’lum bir davrdan keyin oq tuynukka aylanishi, ya’ni o‘zidan kuchsiz yorug‘lik yoki nurlanish chiqarishi kuzatiladi.

**Xulosa**. Yulduzlar evolutsiyasining yuqorida tahlil qilingan kvant tasavvurlarining ta’lim jarayonida innovatsion texnologiyalar asosida qo‘llanilishi yetuk mutaxassislar tayyorlashda, ayniqsa bo‘lajak fizika va astronomiya o‘qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar tayyorlashda muhim ahamiyatga ega.

## Adabiyotlar

1. Фраунфельдер Г., Хенли Э. Субатомная физика (пер. с англ.). -М.: “Наука”, 1998.
2. Гинзбург. Н. Pulsars Л. Soviet Phus. Usp. 1483 (1971)

**Mehrinigor RAUPOVA**
Buxoro davlat universiteti
biologiya kafedrasi o‘qituvchisi

# BO‘LAJAK BIOLOGIYA O‘QITUVCHISI KVAZI-PROFESSIONAL FAOLIYATINI LOYIHALASH USULLARI

*Maqolada bo‘lajak biologiya o‘qituvchisining kasbiy-pedagogik malakasini shakllantirish imkoniyati sifatida kontekstli ta’lim doirasida tashkil etilgan kvazi kasbiy faoliyat ko‘rib chiqiladi. Bo‘lajak biologiya o‘qituvchilarini bosqichma-bosqich kasbiy faoliyatga o‘tishlarida kvazi professional faoliyatning o‘rni namoyish etildi.*

***Kalit so‘zlar:*** *kvazi-professional kasbiy faoliyat, loyihalashtirish, kompetensiya, mutaxassis, pedagogik amaliyot, loyihalash metodi, amaliy loyiha, tadqiqotchilik loyihalari, rolli loyihalar.*

*В статье рассматривается квазипрофессиональная деятельность, организуемая в рамках контекстного обучения как возможность формирования профессионально-педагогических компетенций студентов. Показано место квазипрофессиональной деятельности в поэтапной профессиональной подготовке будущих учителей биологии.*

***Ключевые слова****: квазипрофессиональная деятельность, проектирование, компетентность, специалист, педагогическая практика, метод проектирования, практический проект, исследовательские проекты, ролевые проекты.*

*The article considers quasi-professional activities organized within the context of contextual learning as an opportunity to form professional and pedagogical competencies of specialists. The place of quasi-professional activity in the step-by-step professional training of future biology teachers is shown.*

***Key words:*** *quasi-professional profession activity, design, competence, specialist, pedagogical practice, design method, practical project, research projects, role projects.*

**Kirish**. Bo‘lajak mutaxassislarni kasbiy pedagogik faoliyatga tayyorlashning ustuvor yo‘nalishlaridan biri - barcha kompetensiyalarni o‘zida mujassamlashtirgan raqobatbardosh kadr sifatida shakllantirishdan iborat. Bilim mutaxassisni o‘z-o‘zidan kasbiy faoliyatga tayyorlash, ta’lim jarayoni maqsad, vazifalarini belgilash, o‘z faoliyatini loyihalashtirish, mavzu bo‘yicha tadqiqot ishlarini yo‘lga qo‘yish, ijodiy fikrlash va kutilgan natijaga erishish uchun xizmat qilmaydi. Bilimlar hajmini orttirish bilan bog‘liq tashkil etilgan o‘quv jarayoni bo‘lajak mutaxassisning mustaqil kasbiy faoliyatini rejalashtirish va tashkil etish uchun yetarli emas. Mazkur kamchiliklar bo‘lajak biologiya o‘qituvchilarining o‘z kasbiy faoliyatini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish, rivojlantirishda qiyinchiliklarni yuzaga keltiradi. Shu nuqtayi nazardan bo‘lajak biologiya o‘qituvchilarini kasbiy faoliyatga tayyorlashda o‘z faoliyatini to‘g‘ri tashkil etish, loyihalash, maqsad va vazifalarni mustaqil belgilash, ta’lim jarayonini boshqarish bilan bog‘liq qarorlarni ishlab chiqish va qabul qilish qobiliyatiga ega bo‘lishni taqozo etadi.

Shuning uchun talabalarga ushbu bilimlarni nafaqat oliy ta’lim muassasasi o‘quv jarayonida samarali qo‘llash qobiliyatini o‘zlashtirib olish, balki kelajakdagi kasbiy faoliyatida qanday foydalanishni o‘rganish ham muhimdir. Buning uchun bo‘lajak biologiya o‘qituvchilari o‘zlarini o‘qituvchi rolida sinab ko‘rish imkoniyatiga ega bo‘lishi zarur. O‘qituvchi talabalarning tadqiqot faoliyatining tashkilotchisi hisoblanadi. Shu maqsadda bakalavriat dasturida talabalarni pedagogik amaliyoti rejalashtirilgan. Pedagogik amaliyot talabalarni maktabdagi o‘quv va kasbiy faoliyat jarayoniga tayyorlashni nazarda tutadi. Bu jarayon bo‘lajak biologiya o‘qituvchilarining o‘quvchilar bilan o‘zaro munosabatlar, ularning ta’limi va tarbiyasi bilan bog‘liq bo‘lgan faoliyat turidir. Bu bolalarning ta’lim va rivojlanishi uchun qulay psixologik-pedagogik sharoitlarni yaratishda zarur bo‘lgan yetarli bilim va ko‘nikmalarni talab qiladi.

**Asosiy qism.** Kvazi-professional faoliyat – bu o‘quv faoliyatidan professional madaniyat olamiga o‘tishning zaruriy bosqichi. Bu bosqichda mavzuni (o‘quv vazifalari, modellari va vaziyatlar tizimidan foydalangan holda kasbiy faoliyatning bilimlari, ko‘nikmalari va tajribasini o‘zlashtirish), ijtimoiy (ta’lim jarayoni ishtirokchilarining qabul qilingan ijtimoiy me’yorlarga muvofiq o‘zaro ta’siri) munosabatlar va psixologik (madaniyatning bir qismi sifatida kasbga yo‘naltirish; uning me’yorlari, qoidalari, qadriyatlarini o‘zlashtirish orqali) kontekstlari, buning natijasida inson dunyosi - kelajakdagi professional qiyofasining qiymat - semantik tarkibiy qismlaridan iborat. Bu faoliyatning mohiyati shundaki, u real sharoitda amalga oshiriladi va yuqoridagi kontekstlarning birligini ta’minlaydi.

Kvazi-professional faoliyat - bu kontekstli ta’lim shakllaridan biri bo‘lib, kasbiy faoliyatning ma’lum bir segmentini modellashtirishni, haqiqiy pedagogik vaziyatlarni yaratishni nazarda tutadi. Kvazi - professional faoliyatga qo‘shilish orqali talabalar turli xil kasbiy muammolarni hal etish va pedagogik o‘zaro

aloqalar tizimini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish, turli muammoli vaziyatlarni mustaqil hal qilishni o‘rganadi. Bundan tashqari, bunday turdagi faoliyatni ta’lim faoliyati bilan o‘quv va kasbiy faoliyat o‘rtasidagi o‘tish davrining bir turi deb hisoblash mumkin. Bu talabalarning o‘qitish amaliyotiga tayyorlanish darajasini orttiradi va omma oldida o‘z fikrini bayon etish, kasbiy bilimlarini namoyon etishdan qo‘rqish muammosini hal qiladi. A.A.Verbitskiyning fikriga ko‘ra, bu faoliyat akademik o‘quv faoliyatidan ta’lim va kasbiy faoliyatga o‘tishdir. Talabalar kasbiy faoliyatni amalga oshirmaydi, balki taqlid qiladi. Talaba o‘quv ma’lumotlarini faoliyat vositasi sifatida ishlatish tajribasini to‘playdi, mutaxassisning xususiyatlarini tobora ko‘proq egallaydi, bu esa ushbu ma’lumotdagi obyektiv ma’nolarni shaxsiy ma’nolarga, ya’ni kelajakdagi mutaxassisning shaxsiy mulki sifatida bilimning o‘ziga, uning kasbiy kompetensiyasiga aylanishini ta’minlaydi. Kvazi-professional faoliyat talabalarga kasbiy bilimlarni, kompetensiyalarni o‘zlashtirish va yangilashga imkon beradi, ma’no shakllantiruvchi kasbiy motivlarni shakllantirishga, kasbiy muhim fazilatlarni va fikrlashni rivojlantirishga, bilimlarni amalga oshirishda tajriba orttirishga, shuningdek hissiy-irodaviy tartibga solishga hissa qo‘shadi.

O.B. Dautovning fikriga ko‘ra kvazi-professional faoliyat shakllari quyidagilar bo‘lishi mumkin:

1) loyihalash metodi;
2) vaziyat yaratish va hal qilish;
3) tashkiliy-faol o‘yinlar;
4) talabalarning tadqiqot ishlari.

Boy ijodiy ahamiyatga ega bo‘lgan loyihalash metodi - bu “pedagogik maqsadlarga erishish uchun foydalaniladigan barcha shaxsiy, instrumental va uslubiy texnologiyalarni ishlashining tizimli to‘plami va tartibini anglatuvchi pedagogik texnologiya misollaridan biridir”.

Loyihalash faoliyati nafaqat talabalar, balki o‘qituvchilar tomonidan ham amalga oshiriladi. Darhaqiqat, o‘qituvchining barcha ishlari kunlik dizayndir. Bizning ishimiz aniq maqsadga ega. Biz maqsadlarni, vazifalarni belgilaymiz, ma’lumot qidiramiz, qayta ishlaymiz, natijalarni ommaga taqdim etamiz. Shuning uchun, zamonaviy tilda dars rejasi asosan “dars loyihasi” nomi bilan yuritiladi. Loyiha - bu o‘qituvchi tomonidan maxsus tashkil etilgan va mustaqil ravishda talabalar tomonidan bajariladigan, ijodiy mahsulotni yaratish bilan yakunlanadigan harakatlar majmui.

Talabalar loyihalar ustida ishlashda:

• alohida yoki guruh bo‘lib hayotdagi dolzarb masalalarni, bilimlarning turli sohalaridagi muammolarni aniqlaydi;

• vazifalarni belgilaydi, ish rejasini tuzadi, shu orqali muammoni hal qilish yo‘llarini izlaydi, tadqiqot obyektini aniqlaydi;

• farazlarni ilgari suradi, tabiiy obyektlar bilan tajribalar o‘tkazadi, olingan ma’lumotlarni tizimlashtiradi, turli manbalardan olingan ma’lumotlarni tahlil qiladi va xulosa yasaydi. Xulosa qilishda o‘qituvchi talabalarga tajriba ma’lumotlarini qayta ishlashga, natijalarni hujjatlashtirishga va, albatta, hamkorlik qilish qobiliyatini rivojlantirishga yordam berishi kerak;

• mantiqiy dalillar tizimini yaratadi, kompyuter, multimedia uskunalari yordamida loyiha himoyasini tayyorlaydi;

• loyihaning taqdimotida talaba o‘z faoliyati natijasini taqdim etadi, masalani jamoatchilikka yetkazadi, bu muammolarni hal qilish yechimlarini ko‘rsatib beradi. Ushbu jarayonda talabalarning nutq san’ati va madaniyatini o‘zlashtirish ko‘nikmalarini rivojlantirishga erishiladi.

Loyihalash texnologiyasi talabalarning yoshi va individual xususiyatlariga bog‘liq bo‘lib, mustaqillikka, o‘zini o‘zi anglash zarurligiga o‘rgatadi.

Loyihalarni talabalarning faoliyatidagi ustun tomonlariga qarab bir necha xil tasniflash mumkin.

*Amaliy loyihalar:* bu loyiha ishtirokchilarining yoki tashqi buyurtmachining ijtimoiy manfaatlariga qaratilgan bo‘ladi. Bunda mahsulot oldindan belgilangan bo‘lib, muayyan faoliyatda qo‘llaniladi.

*Tadqiqotchilik loyihalari:* bu loyiha chinakam ilmiy izlanishlar kabi tuzilgan bo‘lib, tanlangan mavzuning dolzarbligiga asoslanadi, tadqiqot maqsadlarini belgilaydi, tasdiqlash bilan farazni majburiy ravishda ilgari suradi va olingan natijalarni muhokama qiladi.

*Axborotli loyiha:* bunda talaba obyektni, hodisani tahlil qiladi, umumlashtiradi va keng auditoriyaga taqdim etish uchun ma’lumot to‘playdi.

*Ijodiy loyihalar:* bunda talaba loyiha natijalarni taqdim etishga erkin va noan’anaviy yondashuvni e’tiborga oladi. Bular almanaxlar, teatrlashtirilgan tomoshalar, sport o‘yinlari, tasviriy yoki dekorativ san’at asarlari, videofilmlar bo‘lishi mumkin.

*Rolli loyihalar:* Ushbu loyihalarda struktura aniqlanmaydi va ish tugagunga qadar ochiq bo‘ladi. Loyiha qatnashchilari muayyan rollarni bajaradilar. Rollarga muvofiq holda ularning vazifalari aniqlanadi. O‘yin sujetiga muvofiq ular rollarni bajarishi, tegishli hollarda “mansabdor shaxs” sifatida muloqotga

kirishishi, bunda mavjud qobiliyat va iste'dodlari, o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini safarbar etishlari lozim. Loyihani hal etish jarayonida ko'zlangan natijaga erishishlari uchun juda ko'p mehnat qilishlari, izlanishlari, mustaqil va ijodiy fikr yuritishlari, mustaqillik va onglilik talab etiladi. Bu yerda ijodiy izlanish mavjud, lekin o'quvchilar ma'lum rollarni bajarish orqali loyiha hal etilganligi sababli rolli o'yin loyihalar sanaladi. Tajribalar asosan amaliy va tadqiqotchilik faoliyatiga yo'naltirilgan loyihalardan foydalanildi. Masalan:

- tadqiqot va dizayn o'qitish usullari;
- noan'anaviy darslar;
- o'quv tajribasi;
- tadqiqot uy vazifasi;
- talabalarga yo'naltirilgan komponent;
- olimpiadalar, musobaqalar;
- ilmiy-amaliy konferensiyalar;
- o'quv ekspeditsiyalari: ekskursiyalar shular jumlasidandir.

Loyihalar ustida ishlash individual bo'lishi mumkin, lekin ko'pincha bu guruhda amalga oshirilganda ko'proq natijaga erishiladi. Guruh loyihalari talabalarning asosiy kompetensiyalarini shakllantirishda katta ahamiyatga ega: jamoa bilan ishlash, vaziyatni tahlil qilish, qaror qabul qilish qobiliyatlarini rivojlantiradi. Tajribadan, shuni ta'kidlash joizki, eng qiyin jarayon - loyihada ishlashning dastlabki bosqichini tashkil qilish. Ba'zan mavzuni tanlash shunchaki qiyin kechadi: axir talabalarning qiziqishlari, masalaning dolzarbligini hisobga olish kerak. Deylik mavzu aniqlandi. Endi siz guruhdagi rollarni taqsimlashingiz kerak: nazariy materiallarni to'playdigan, tahlil qiladigan, mavzu bo'yicha adabiyotlar tahlilini tayyorlaydigan talabani tanlang. Boshqa talabalar bilan esa birgalikda tadqiqotning amaliy qismini amalga oshirish lozim, ya'nikim: tahlil qilinayotgan materialni tasvirlash uchun tajribalar o'tkazish, fotolavha yoki videofilmlar olish va shu kabi boshqa jarayonlar ustida ishlash shular jumlasidandir. Keyinchalik, universitetda, so'ngra mintaqaviy konferensiyada tadqiqot loyihasining taqdimotiga faol tayyorgarlik boshlanadi. Hisobot tayyorlanadi, qoida tariqasida uni tayyorlashda nodavlat ta'lim muassasasining barcha a'zolari yoki talabalar qatnashadi. Tadqiqot ishining asosiy muallifi ma'ruza loyihasini an'anaviy tarzda taqdim etadi, so'ngra taqdimot muhokama qilinadi va kamchiliklari ko'rib chiqilib tuzatiladi. Taqdimotni oldindan tinglashning asosiy maqsadi ma'ruzachiga kutilmagan va mulohazali savol berilganda ham, ularga qiynalmasdan javob bera olishini shakllantirishdir. Talabalar birgalikda barcha savollarga javob berish uchun reja tuzadi.

Nima uchun tadqiqot oldindan muhokama qilinishi kerak? Haqiqat shundaki, loyihani ommaviy ravishda himoya qilishda talabalar xavotirga tushishadi. Natijada - kuzatuvchilar oldida hayajonlanish, fikrni jamlay olmaslik, o'z fikrlarini ifoda eta olmaslik holatlari kuzatiladi. Dastlabki tinglash jarayonida talaba auditoriya oldida o'zini tutish tajribasini to'playdi, savollarga to'g'ri javob berishni o'rganadi, bir so'z bilan aytganda, nutq so'zlash va munozarani o'tkazish tajribasiga ega bo'ladi.

Biz talabalarning tadqiqot ishlarini quyidagi yo'nalishlarda tashkil qilamiz:

a) amaliy va laboratoriya ishlari, seminar darslarni tayyorlash. Masalan, buyuk olimlarning hayoti va ijodiga oid qiziqarli loyihalar tayyorlanadi (A.M.Butlerov, A.Nobel, K.Linney). Ilmiy kashfiyot tarixiga, kundalik narsalar (gugurt) yoki mahsulotlardan (shokolad) foydalanish tarixiga bag'ishlangan loyihalar haqiqiy tadqiqot loyihalariga aylanadi.

b) tanlovlarda, festivallarda, konferensiyalarda qatnashish orqali talabalarning auditoriyadan tashqari ishlarda ham tadqiqotchilik faoliyatlarini rivojlantiriladi.

**Muhokamalar va natijalar.** Dastlabki eksperiment shaklida o'tkazilgan taqdimot biologiya ta'lim yo'nalishi talabalari o'rtasida "Biologiyada innovatsion g'oyalar va ishlanmalar" tanlovi bo'lgan. Musobaqani o'tkazish va g'oliblarni aniqlash tartibi tanlov komissiyasi tomonidan tasdiqlangan universitet ichidagi musobaqalarni o'tkazish to'g'risidagi qoidalarga muvofiq belgilandi. 2020-yilgacha g'oliblar sirtdan, ularning shaxsiy ishtirokisiz va loyihani himoya qilish tartibisiz aniqlanardi. Tegishli qo'shimchalar bilan loyihaning ma'lumot kartasi shaklida ariza yuborish kifoya edi. Bu yil tanlovni o'tkazish va loyihalarni saralash tartibi o'zgardi. Tanlovga taqdim etilgan ishlar dastlabki tanlovdan o'tgan va eng istiqbolli bo'lganlari yakuniy tanlovda qatnashish uchun tavsiya etildi. Tanlovning dastlabki bosqichiga 70 ta ish kelib tushdi: 58 tasi talabalarning innovatsion loyihalari, 12 tasi innovatsion g'oyalar va ishlanmalar shaklida. Finalda ishtirok etish uchun tanlov komissiyasi 20 ta ishni tavsiya qildi, shulardan: 13 ta innovatsion loyihalar, 7 ta innovatsion g'oyalar va ishlanmalar. Tanlangan loyihalar, g'oyalar va ishlanmalar hayotning paydo bo'lishi, odamning paydo bo'lishi, bosh miya faoliyati mexanizmini o'rganish, odam umrini uzaytirish, Orol dengizi muammolari, almashlab ekishni joriy etish, parazit va zararkunanda hasharot va boshqa organizmlarga qarshi kurashning, shuningdek, suv, havoning ifloslanishi, tuproq eroziyasi, sho'rlanishning oldini olishning biologik usullarini izlab topishga qaratilgan.

Talabalarning eng yaxshi “Biologiyada innovatsion g‘oyalar va ishlanmalar” tanlovining finali 2020-yil 15–dekabr kuni fakultetda aktivlar zalida bo‘lib o‘tdi.

Tanlovga fakultetning yetakchi mutaxassislari jalb qilingan. Mutaxassislar ishning ilmiy yangiligi, dolzarbligi, texnik yoki ijtimoiy ahamiyati, loyihani amalga oshirish rejasi, tijoratlashtirish istiqbollari, raqobatchilar imkoniyatlarini baholashdi. G‘oliblar ekspertlar qo‘mitasi yordamida yosh tadqiqotchilar tomonidan loyihalarni himoya qilish tartibi orqali aniqlandi.

2020-yildagi eng yaxshi talaba innovatsion loyihasi tanlovi g‘oliblari:

Hasanova Maftuna – biologiya ta’lim yo‘nalishining 3-bosqich talabasi, “Sog‘liqni saqlash turizmi - aqli zaif bolalar uchun adaptiv jismoniy dam olish vositasi” innovatsion loyihasi (ilmiy rahbar kafedra katta o‘qituvchisi S.Gafarova);

Kenjayeva Nozima – biologiya ta’lim yo‘nalishining 1-bosqich talabasi, “Eritrotsitlarning reproduktiv rivojlanishda tutgan o‘rni” innovatsion loyihasi va ishlanmasi (ilmiy rahbar Z.Safarova).

Ikkinchi o‘rinni quyidagilar egallashdi: Asadova Nilufar - biologiya ta’lim yo‘nalishining 2-bosqich talabasi “Chaqaloqlarda vestibulyar apparatni rivojlantirish mexanizmlari” innovatsion loyihasi (ilmiy rahbar – b.f.n., dotsent N.E.Rashidov) va To‘xtashev Ganisher - biologiya ta’lim yo‘nalishining 3-bosqich talabasi, innovatsion loyihasi “Xlorella o‘simligini pillachilikda qo‘llash biotexnologiyasi” (ilmiy rahbar - b.f.n., dotsent B.B.Toxirov).

3-o‘rin uchun diplomlar quyidagilarga topshirildi: Umedov Abdullajon - biologiya ta’lim yo‘nalishining 4-bosqich talabasi, innovatsion loyihasi “Sassiq kovrak o‘simligidan foydalanish biotexnologiyasi” (b.f.n., dotsent H.Q.Esanov); Jumabayeva Xurliman - biologiya ta’lim yo‘nalishining 1-bosqich talabasi, innovatsion loyihasi va Berdiyev Bexruz - biologiya ta’lim yo‘nalishining 3-bosqich talabasi, innovatsion loyihasi “Ko‘rish qobiliyati zaif maktabgacha yoshdagi bolalarni sezish qobiliyatlarini kuchaytirish chora-tadbirlari” (b.f.n., Sh.Pardayev).

“Biologiyada innovatsion g‘oyalar va ishlanmalar” tanlovi natijalari loyihalar himoyasidan so‘ng baholandi. G‘oliblar “Ixtirolar. Foydali modellar” va “Biologiyada kompyuter grafikasi” nominatsiyalar bo‘yicha turli xil kitoblar jamlanmasidan iborat sovg‘alar bilan taqdirlandilar. O‘qituvchi talabalarning ta’limini tashkil qilishdagi asosiy vazifa talabada ijodiy motivatsiyani shakllantirish va rivojlantirishda bu jarayon talabani o‘rganishga, idrok etishga undaydi.

**Xulosa** o‘rnida shuni aytish mumkinki, ushbu maqolada o‘quvchilarning harakatlarini mustaqil tanlab olish va ular uchun muhim muammolarni hal etishga qaratilgan loyiha faoliyatining asosiy xususiyati ta’kidlangan. Muammo ustida ishlash maxsus tarzda tashkil etilgan qiziqarli qidiruv faoliyatini, mustaqil ravishda qo‘lga kiritilgan bilimlardan faol foydalanishni o‘z ichiga oladi. Loyiha faoliyati ko‘pincha fanlararo xarakterga ega. Har bir talaba ijodiy salohiyatini oshirish, individual qobiliyat va moyillikni hisobga olgan holda kasbiy faoliyatda o‘zini namoyon qilish imkoniyatiga ega bo‘lishi kerak. Bunda kvazi-professional faoliyatning loyihalash usuli o‘qituvchi va talaba o‘rtasida tajriba almashishiga, jamoa bilan ishlashiga, nutq madaniyatining shakllanishiga, o‘zining bilimini tinglovchiga aniq va tushunarli tarzda yetkazish usullarini o‘zlashtirishga imkon beradi.

## Adabiyotlar

1. Даутова, О.Б. Профессиональная компетентность педагога-воспитателя. - Санкт-Петербург: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2005- С. 8-20.

2. Вербицкий, А.А. Компетентностный подход и теория контекстного обучения. - Материалы к четвертому заседанию “РОССИЯ в Болонском процессе: проблемы, задачи, перспективы” методологического семинара – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. С. 5.

3. Байбородова, Л.В. Сопровождение образовательной деятельности сельских школьников. - М.: “Ярославль”. С.30.

4. Землянская, Е.Н. Учебные проекты в экономической подготовке школьников // Школьные технологии.- Россия, 2005. - № 4-Б. 85-92.

5. Колесникова И. А. Педагогическое проектирование: Учеб. пособие для высш. учеб. заведений / И.А.Колесникова, М.П.Горчакова-Сибирская; Под ред. И.А. Колесниковой.- М.: “Академия”, 2005. Б. 21.

**Кириш.** Ўзбек халқнинг буюк фарзанди, инсонпарвар мутаффаккир, тенги йўқ сўз устаси Низомиддин Мир Алишер Навоий ўлмас асарлари билан ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти миқиёсига кўтарган ва илғор башарият маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган зотдир. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади.

**Асосий қисм.** Шоир ва олим, жамоат ва давлат арбоби, мутаффакир ва устоз Навоий том маънодаги инсонпарвар, халқчил ижодкор, ўз халқи тақдирини умуминсоний бошқа халқлар тақдири билан боғлаган адиб эди. Ўша даврнинг энг маданиятли вакилларидан бири бўлмиш Алишер Навоий Ҳирот маданий ҳаётининг ҳомийси, илму фан, адабиёт, санъат арбобларининг валинеъмати эканлиги замона аҳли томонидан эътироф этилган. Жумладан, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг машҳур "Бобурнома"сида шундай ёзади: "Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмухаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда саъй ва маъруф бўлдилар. Шунча бинойи-хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффиқ бўлмиш бўлғай".

Қўлёзма китобларнинг энг олий, беназир намуналари Алишер Навоий даврида Ҳиротда, ана шу зот етиштирган санъаткорлар томонидан ёки унинг ҳокимлигида яратилган эди. Ҳатто махсус хат усули, кейинча асосий услуб бўлиб қолган "Насталиқ" хати ҳам ишлаб чиқилган эди. Қўлёзма китобни яратишда бир неча мутахассислар иштирок этганлар: қоғозрез, хаттот, музаҳҳиб (олтин ҳал берувчи), лаввоҳ (сарлавҳа ва жадвалларни безовчи), мусаввир, наққош ва саҳҳоф (Муқавасоз).

XV асрнинг иккинчи ярми тасвирий санъатида Алишер Навоий таъсири туфайли катта бурилиш бўлди. Айниқса Европада "Шарқ Рафаэли" деган ном олган санъаткор Камоллиддин Беҳзоднинг ижоди камолотга кўтарилган сайин, миниатюра санъати тараққиётининг юксак босқичга чиқишига сабаб бўлди. Бу даврга келиб тасвирий санъат, мўъжаз расмларнинг янги жанрлари, табиат

кўринишлари - манзара, замона аҳлларининг бир гуруҳи ва алоҳида шахслар портретлари, кундалик маиший ҳаёт лавҳаларини тасвирловчи асарлар пайдо бўлди. Миниатюрада мўъжаз тасвир реалистик йўналишдаги санъат даражасига кўтарилди. Тасвир этилган инсон, жониворлар ва табиат манзараларини мусаввирлар ниҳоятда нафис, мўъжаз чизиқларда бера олганлар. Бўёқларнинг ҳаммаси ҳам юксак дид, маҳорат билан танланган, уларнинг уйғунлигига эришилган, аммо баъзида улар шартли кўринишда бўлган. Бу давр тасвирий санъатига хос нарса ҳаётийлик ҳалқчиликка олиб келди. Тасвирий санъат асарлари кенг халқ оммаси учун яратилмаган бўлсада, уларни кенг халқ оммаси орасидан чиққан мусаввирлар яратилганлиги бунга сабаб бўлган. Бу ҳалкда ўзларининг йирик асари “Ўзбекистон тасвирий санъат тарихи”да Г.А. Пугаченкова ва Л.И.Ремпеллар шундай деб ёзганлар “Улар ўз ижодларида умумхалқ идиаллари, эстетик қарашлари, гўзаллик ҳақидаги тасаввурларини акс эттирганлар”.

Фикримизнинг исботи сифатида бу давр мўъжаз санъатида меҳнат жараёни, меҳнаткаш ҳалқ вакиллари образлари, оддийгина оила ҳаёти, деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик корхоналари кабилар тасвирини келтиришимиз мумкин.

Бадиий адабиётдагидек, тасвирий санъат марказида ҳам, асосан, инсон шахси, унинг ҳаёти, орзу-умидлари туради. Санъаткорлар бутун исътедодларини ана шу асосий муаммони ҳал этишга қаратганликларини кўрамиз.

XV асрнинг иккинчи ярмида тасвирий санъатдаги ўзгариш, асосан, Камоллиддин Беҳзод ижодидан бошланди. Буюк рассом ижодидан камолотида инсон образи тасвири, уни ҳаракатда бериш, мўъжаз санъат имконидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, тасвирдаги индивидуал хусусиятларни бера олишга эришган мусаввир жонли ҳаётдан олинган эпизодларни реал тасвирлай билиши, тасвир доирасини кенгайтиришдек маҳоратга эришган Камолиддин Беҳзод миниатюра санъатини жонлартирди. Навоий даври ва умуман шарқ миниатюра санъатининг энг буюк вакили Камолиддин Беҳзод (1455-1535) эканлиги мўъжаз санъат мухлислари томонидан эътироф этилган. Беҳзод Ҳиротда ҳунарманд оиласида дунёга келган, жуда эрта ота онасидан етим қолган. Уни машҳур наққош Мурак Наққош тарбиялаган ва устозлик қилган. Ёш Беҳзоднинг истеъдоди, санъати Алишер Навоийнинг диққатини ўзига жалб қилади. Темурийларнинг Хуросондаги давлатининг вазири азами Алишер Навоий Беҳзоднинг мураббийси ва вали неъмати бўлган.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Машҳур француз санъатшуноси И.Шчукиннинг ёзишича: “Беҳзод мусаввир Мирак наққош раҳбарлигида шаклланган бўлса, ижодининг юксак босқичига кўтарилишига давлат арбоби, машҳур шоир Мир Алишер Навоий раҳбарлиги бўлди. Худди ана шу зотнинг ҳомийлиги, раҳбарлиги, йўл –йўриқ кўрсатиши натижасида устод Беҳзод ва Шоҳ Музаффарлар рассомчиликда шухрат қозондилар”.

Беҳзод мусаввирликни “умдат – ал мусаввир” деб ном олган бухоролик рассом Жаҳонгир ва Ўрта Осиё мусаввирлик мактабининг асосчиси устод Гунгнинг ишларини давом эттирган Наққош Пир Саид Аҳмад Табризийдан ўрганди. Беҳзод Мувороуннаҳр (Бухоро) мусаввирлик мактабининг анъана ва ижодий ютуқларини ўзида мужассам этган. Гиёсиддин ибн Ҳумойиддин ал-Ҳусайний (Хондамир) “Хулосат ул ахбордан баёни аҳвол ул-аҳёр” (“Яхшилар аҳволи ҳақида хабарлар йиғиндиси” асарида: “Амир Алишернинг фазлу ҳунар табақасининг аксарига ғамхўрлиги зўрдир. Тазҳиб (зарҳаллаш) ва тасвир, илму - ҳунарда нуқсонсиз бўлган қалам аҳли, шунингдек замон наққошлари ва давр муҳандисларининг кўпи ул ҳазратнинг тарбия ва таълим воситаси билан бу ҳунарларни ўргандилар ва атроф оламда монанди йўқ яхшилар тенги бўлдилар” [1] деб ёзади.

Машҳур шарқшунос олим А.Ю. Якубовский “Алишер Навоий давридаги ижтимоий ва маданий ҳаёти хусусиятлари” мақоласида шундай дейди: “Беҳзод асарларининг қиммати фақат шодлик бахш этувчи ёрқин бўёқлар ва нафосатидагина эмас, балки, ва айниқса, ўз ижоди мавзусига жуда жиддийлик билан ёндашишидадир. У фақат ажойиб портретлар (султон Ҳусайн портретини эсланг) феодал саройларидаги қабул маросимлари (“Зафарнома”даги “Боғда Темурнинг қабул маросими”ни олайлик) жанг майдонларидагина ишламайди, балки халқ ҳаёти мавзусини ҳам ишлайди. Алишер Навоий уни қўллаб қувватлаган энг аҳамиятлиси шундаки, унинг ижодига таъсир этган, мавзуни англаб етишга, юқори даражага етказишга ёрдам берган.”

Шарқда қабул қилинган анъанага кўра, афсуски, аксарият асарда мусаввир, наққош, саҳҳоф, хаттот ҳам ўз номини ёзиб қолдирмайди. Беҳзоддек буюк санъаткор ҳам фақат баъзи асарлардагина “амали абду Беҳзод” яъни “Аллоҳнинг қули Беҳзод” деб, ёки оддийгина “Беҳзод” сўзларини ёзиб қолдирган холос. Бунга мисол 1520 йилда Табризда саффовийлар шоҳи Исмоилни чизган портретини ва остига камтарлик билан “хатти шикаста” билан “ Фақир Беҳзод” деб имзо чекканидир.

Шарқшунос олим А.Н. Болдиров ўзининг “Алишер Навоий замондошлари ҳикояларида” деб номланган мақоласида Восифийнинг ҳикоясини келтирган: “Восифийнинг қизиқ бир ҳикоясини

эслашни етарли деб биламан. Алишер Навоий ҳузуридаги бир мажлисда Камолиддин Беҳзод ўзининг янги чизган миниатюрасини келтиради. У Алишер Навоий портрети эди. Навоий ҳассага таянган оёғи тагида олтин тўла патнос (лаъли) боғда дарахтлар ва гуллар орасида турибди, шохларда қушлар сайрамоқда. Ҳайратланган тантана иштирокчилари ҳаяжонланганларича бу асар тўғрисида ҳис ва туйғуларини билдира бошладилар: Бири, "картинада тасвирланган гуллардан узиб салламга тақиб олгим келяпти"- деса бошқаси беўхшов ҳаракатимдан шохлардаги қушлар учиб кетишидан хавотирдаман"- дейди. Учинчиси Мавлоно Бурхон эса, бу ҳаракатинг тасаввурдаги Навоийни хафа қилиб қўймасин яна деса, тўртинчиси агар шундай қилсанг, Беҳзод чизган Навоий қўлидаги ҳассани олиб тазирингни бераман дейди. Ниҳоят, Навоийнинг ўзи сўз бошлади, "менга оёғим остидаги лалидаги олтин ва кумуш тангаларни олиб сизларга ҳадя қилишимга Мавлоно Бурхон халақит қилди" деб, тортишувдан мамнун бўлган Навоий мусаввирни совғалар билан тақдирлади".

Ушбу ҳикоя буюк рассом Беҳзод ижодига замондошлари берган баҳо ва эътирофдир.

Камолиддин Беҳзод Мусаввир сифатида узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтган. Шайх Саъдийнинг "Бўстон"ига, Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарига, Низомий Ганжавийнинг "Хамса"сига, Хисрав Деҳлавийнинг "Мажнун ва Лайли" асарига, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий асарларига ноёб миниатюралар чизган портретчи рассом сифатида Европа Уйғониш даври рассоми Рафаэлга тенглаштирилади.

Унинг Султон Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Хотифий, Жомий, Шох Исмоил I ва устози, валинеъмати Алишер Навоий портретлари Шарқ тасвирий санъат хазинасининг бебаҳо дурдоналари ҳисобланади.

Беҳзод ўз асарларида ҳаёт лавҳаларини жўшқин тасвирлайди. Миниатюралар колорити ёрқин, жозибадор ранглардан иборат, зарҳал бўёқларга бой .

Турли ранглар бир-бирига мос, уйғун ишлатилган. Беҳзод асарларидаги шахслар ҳаракатланган, табиат жонли, сув кўпириб, шиддат билан оқаётгандек, дарахт шохларини шамол силкитаётгандек, тоғ чўққилари ва қоялари ларзага келаётгандек туюлади. Беҳзод расмларида тасвирлаётган манзара тасвири янада кенг ўрин эгаллайди, у машҳур манзарачи лирик рассомдир Беҳзод ижодида ҳаёт ҳодисалари кўп қиррали ва мазмунли, асар қаҳрамонлари маюсроқ, аммо нозик ҳиссиёт оғушида тасвирланган. Унинг ижоди Шарқ мусаввирлик санъатининг энг юқори чўққиси ҳисобланади. Беҳзод асарлари Ғарбнинг буюк рассомлари асарлари билан бир қаторда туради. "Беҳзод ижоди ўз давридаёқ рассомлик мактаби бўлиб қолди".

**Хулоса.** XV асрда Беҳзод даҳоси туфайли инсон ўз қийматига эга бўлди. Композицияда унга алоҳида ўрин бериладиган, илгариги юзакичиликдан қочиб табиийлик, мутаносиблик юзага келди, имо-ишоралари турли-турли бўлди, бойиди, ифодалироқ бўлди, янги-янги персонажлар вужудга келди. Уларнинг кайфиятли манзара характери орқали бериладиган бўлди.

Беҳзод ижодига хос бўлган ана шу хусусиятларни унинг шогирдлари давом эттирди.

Алишер Навоий даҳоси Шарқ тасвирий саньатига Беҳзоддек буюк ижодкорни етказиб берди ва Беҳзод ўзбек тасвирий саньатига асос солди.

## Адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.,2008.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Т., 1960.
3. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусства Узбекистона. -М., 1965.
4. Stchoukin J. Les peintunes des manuscnits Timunides Panis? 1954
5. Якубовский А.Ю Чурты обществвенной и культурной жизни эпохи Алишера Навой. -М., 1946.
6. Болдирев А.Н. Мемуары Зайнддина Восифи как источник для изучения культурной жизни Средней и Азии и Хорасана на Рубеже XV-XYI веков. ТОВЭ.И-Л., 1940.
7. Ўзбекистон совет энциклопедияси. 2 –том. -Т., 1972.
8. Норқулов Н. Камолиддин Беҳзод. -Т., 1964.
9. Жумаев Қ.Ж. Садриддин поччаев миниатюраси. Бухоро мавжлари. –Бухоро, 2003. № 2.
10. Жумаев Қ.Ж. Шарқ парижликлари. "Қалб кўзи" 1998. Ноябр 3-бет

**Вилоят ТЎХСАНОВА**
Бухоро давлат университети санъатшунослик факультети тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон Бадиий Академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси

**Наргиза РАФИЕВА**
Бухоро давлат университети санъатшунослик факультети тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон Бадиий Академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси

# АМАЛИЙ САНЪАТ АСАЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШДА АШЁЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Мақолада тарихий обидаларда ўз аксини топган амалий санъат асарлари намуналарини асраб қолиш, уларни таъмирлаш масалалари баён қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *меъморий обидалар, музей, меъмор, меъморчилик, таъмирлаш, консервация, ғишт.*

*В статье изложены вопросы сохранения произведений прикладного искусства, отраженных в исторических памятниках, а также и их реконструирование.*

***Ключевые слова:*** *памятники архитектуры, музей, архитектор,рекострукция, консервация, кирпич.*

*The article describes the issues of preserving samples of Applied works of art reflected in historical monuments, their repair.*

***Key words****: architectural monuments, Museum, architect, architecture, renovation, conservation, etc.*

**Кириш**. Ота-боболаримиздан бизга бебаҳо маданий, моддий, тарихий меърос: меъморий обидалар, осори-атиқалар етиб келган. Биргина Бухоро шаҳримизда 400 дан ортиқ қадимги турар жой, саройлар, масжид, мадраса, мақбаралар мавжуд. Бундан ташқари, Бухоро давлат музей қўриқхонаси фондлари ва кўргазмаларига 130000 дан ортиқ осори-атиқалар йиғилган. Абу Али ибн Сино вилоят кутубхонасида 10000 дан ортиқ ноёб китобот санъати ва қўлёзмалар намуналари йиғилган.

**Асосий қисм.** Тарихий обидаларни асл ҳолига келтириш, келажак авлодлар учун асраб қолиш таъмир санъатининг, таъмирчи усталарнинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани амалга ошириш учун эса, ишни илмий асосда ташкил этиш керак.

1. Таъмирчи меъмор уста махсус билим ва тажрибага эга бўлиши лозим.
2. Тарихий ёдгорликлар таъмирида даврига эътибор бериш керак.
3. Ёдгорликни таъмирлашда аниқланган, илмий исботланган қиёфасини тиклаш зарур.
4. Обида, осори-атиқанинг тарихий бадиий, кўргазмавий эффектини - таъсирчанлигини сақлаш муҳим.
5. Тарихий аслиятини сақлаб қолиш шарт.
6. Боғ ва хиёбонларни (мажмуаларни) тамирлашда қадимги кўринишини сақлаш, ўсимликлар дунёсини, жойлашувини, чор боғ, ҳовуз, ариқ, ишком, кўшк, йўлак, биноларнинг ўрнини ўзгартирмаслик керак.
7. Шарқ боғларининг ўзига хос белгиси: мевали ва манзарали дарахтларни биргаликда кенг қўлланилишига аҳамият бериш.
8. Таъмирчи меъмор ва таъмирчи уста ҳамкорлиги, баъзан соҳа олимлари ва мутахассислар ҳамкорлиги ҳам муҳимдир.

**Музей ишида амалий санъат асарларини таъмирлаш усуллари:**

1. Мустаҳкамлаш – консерватция қилиш, қандай бўлса шундай сақлаб қолиш.
2. Ўчган бўёқларни шартли бўёқлар билан бўяш.
3. Безакли-амалий санъатда унсурларни тиклаш, қайтарилувчи накшларни давом эттириш.
4. Аслиятни мустаҳкамлаш.
5. Силлиқламаслик, ялтиратмаслик, бўёқ, лак билан бўямаслик, таъмирланган бўлганда асрлар гардини сақлаб қолиш.

**Меъморчиликда – ёдгорликларни таъмирлашдаги вазифалар:**

1. Ёдгорликни ўз жойида сақлаб қолиш.
2. Ўз жойида сақлаш иложи бўлмаса, сув остида абадий қолиб кетиш хавфи бўлса ўпқонлар, вулқонлар отилганда, кўчкилар содир бўлганда кўчиришга рухсат берилади. Масалан Варахша деворий сурати.
3. Яхлит организимни сақлаш.
4. Музей қўриқхоналарда кўчириб келинган объектни мажмуа, тўплам шаклида сақлаш.

5. Таъмирлашда комплекс тадқиқотга таяниш. Меъмор, муҳандис ва уста ҳамкорлиги.

6. Обиданинг қурилиш, яратилиш тарихини чуқур ўрганиш.

7. Муҳандислик техник тадқиқотлар учун “зандаж” – ёдгорлик пойдеворини очиш.

8. Тадқиқотларни лабараторияларда тасдиқлаш.

9. Конструкцияга етказилган биологик зарарни аниқлаш: емирувчи, кемирувчи омилларни топиш ва бартараф этиш.

10. Библиографик ишлар ва архив тадқиқотлари (ёдгорликдан ташқарида) ўтказилади.

11. Даврларга алоҳида эътибор бериш.

12. Техник воситалардан фойдаланиш: компьютер графикаси, катталаштириш, программалаштириш ва лойиҳалаш.

13. Архивлардаги фото, чизма манбалар, қадимги миниатюралардан фойдаланиш.

**Таъмирлаш усуллари:**

а) ёдгорликда янгиликни ўтмиш услубида бажариш – биринчи услуб;

б) янгиликни тарихий ҳолатидан аниқ фарқлаш – иккинчи услуб;

в) аввалги иккисининг ўртаси, замонавий услуб эскисига бўй сундириш.

г) меъморий ёдгорликни ўзининг асли вазифасида ишлатиш ва музейга айлантириш.

д) ёдгорликни музейга мослаштириш. Мослаштиришда ёдгорликнинг қиёфасини бузмаслик, қўшимча конструкциялар қилмаслик.

Илмий таъмирлаш ишларида қўлланиладиган ашёлар ҳеч қачон аслидан тубдан фарқ қилмаслиги керак: ҳажми, шакли, ранги, материали, хомашёси, услуби.

Амалий санъат буюмларини асл ҳолатига келтириш имконияти бўлмаса, ўз ҳолида консервация қилиб сақлаш керак.

**Меъморий ёдгорлик безак санъати нақшларини таъмирлаш**

Учинчи уйғониш даврини бошидан кечираётган Янги Ўзбекистон бой бетакрор маданий меросга эга. Уларни ўз кўзлари билан кўриб, томоша қилишни бутун дунё аҳли орзу қилади. Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ниҳоятда катта. Шу боис ҳам бугунги кунда тарихий-маданий ёдгорликларни қадрлаш ва келгуси авлодларга бекаму кўст етказиб бериш долзарб вазифа ҳисобланади.

Бизнинг диёримизда бобокалонларимиз яратган баркамол, теран мазмунли ва тарихан бебаҳо санъат асарлари жаҳон маданияти дурдоналари қаторидан ўрин олган. Қўли гул усталар яратган гўзал меъморий обидалар кишиларга юксак эстетик завқ бағишлайди ҳамда уларни аҳлоқий тарбиялашда муҳим восита вазифани бажаради. Ёдгорликлардаги куёш нурида товланаётган сиркор кошинлар, нафис накш-нигорлар беихтиёр кишини ўзига мафтун этади. Бу санъат дурдоналари бир неча асрлар муқаддам яратилган бўлсада, ҳозиргача ўз нафосатини, кўркини ва нафислигини йўқотмаган.




Меъморчилик ёдгорликлари халқимизнинг ўлмас солномаси, у дидларни чархлайди, гўзаллик туйғуларини тарбиялайди, ўз даврининг идеаллари, мақсадлари ва орзу ўйларини ифодалайди.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Асрлар ўтиши давомида ҳар хил даҳшатли урушлар, табиий офатлар кўпгина ёдгорликлар бағридаги такрорланмас жозибани емиришга, кошинларнинг кўчишига ҳамда кўплаб биноларнинг қулашига олиб келди.

Талафот кўрган, жароҳат олган обидаларни асл ҳолига қайтаришдек мураккаб вазифани бажариш учун бу биноларни яратган ғишткору кошинкор, хаттоту кошинпаз усталар бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бугунги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари жадал амалга оширилаётган даврда бебаҳо қадриятларимизни сақлаб қолиб, асл ҳолида келажак авлодларга етказишдек хайрли ишни амалга оширишимиз учун биз қадимги заҳматкаш устозларимиз яратган осмонўпар гумбазу, юлдузлар билан сирлашадиган маҳобатли пештоқ, сиркор деворларни бунёд этган устозодалар меросини, илмини, бой тажрибаларини чуқур эгалламоғимиз зарур. Марказий Осиёнинг маданияти ва меъморчилик санъати ҳамда унинг сермазмун тарихини жаҳонга машҳур қилган усталарнинг

санъати ва иш услубини илмий асосда мукаммал ўрганмай туриб, таъмирлаш сир-асрорларини тушуниш мушкул.

Демак, бирорта обидани таъмирлаш ёки консервация қилиш учун энг аввало билимдон лойиҳачи меъмор лойиҳа режасини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиши, лойиҳа мутахассислардан тузилган эксперт комиссиядан ўтказилиши, ишни бажарувчи таъмирчи ташкилотда фаолият кўрсатаётган усталар катта тажриба ва маҳоратга эга бўлган тақдирдагина ёдгорликни таъмирлашга рухсат берилиши шарт. Ҳар бир беморни касалига қараб мутахассис ҳаким даволангандек, бу ишни ҳам ўз ишининг устаси бажариши лозим. Иш эса, лойиҳа муаллифи ва назоратчи мутахассис томонидан доимий назоратда олиб борилиши зарур.

Масаланинг иккинчи томонига қарасак, лойиҳа пухта илмий асосда тайёрланган, таъмирчи, тажрибали уста ҳам бор дейлик, аммо таъмирталаб бинонинг бунёд этилган даврида технология асосида тайёрланган материаллар: ғишт, кошин, бўёқ ва бошқалари махсус илмий лабаратория ва устахоналарда тайёрланмаса ва махсус синовдан ўтмаса ишлатиш мутлақо мумкин эмас.

Ёдгорликни асл ҳолидек таъмирлаш учун тайёрланаётган ғиштлар ҳам қалинлиги, ҳам ўлчами, айниқса сифати жиҳатидан эски ғиштга тенг бўлиши лозим.

Пишиқ ғиштдан Марказий Осиёда бинолар барпо қилиниши 9-асрдан бошланган бўлиб, турли даврларда уларнинг ўлчами ва сифати турлича қалинлиги 3-3,5см, томонлари 21-21,5 смдан, қалинлиги 5,5-6см, томонлари 26-26,5 смгача ўзгарган. Демак, ҳар бир тарихий даврга оид ёдгорлик учун хос бўлган ғишт махсус хумдонларда қадимги технологияга яқин услубда тайёрланмоғи лозим.

Териладиган деворнинг 1 метри учун неча қатор ғишт терилганлигини, ҳамда ғиштнинг қалинлигини ҳисоблаб, қаторлар орасига боғловчи сифатида ишлатилган қоришманинг қалинлиги ва таркиби аниқланади. Шунинг билан бирга, девор қалинлигига қараб ғиштлар бир-бири билан боғланиши таъминланади.

Ҳеч кимга сир эмас ҳозирги даврда ёдгорликлар таъмири учун ишлатилаётган қурилиш материаллари аксарият ҳолда бир хил сифат ва технологияда тайёрланганлигига гувоҳмиз.

Кошин-мозайка, маёлика, теракота ва нақшлар борасида ҳам шу аҳвол.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида Самарқандда кошин тайёрлаш илмий устахонаси фаолият кўрсатар, барча шаҳар ва вилоятлардаги таъмирталаб ёдгорликлар учун кошин пишириб берарди. Бухорода Уста Ширин Муродов номидаги илмий таъмирлаш устахонаси қошида, Сомонийлар боғи ҳудудида махсус хумдонларда теракота ва ғишт махсус тайёрланарди.

Аммо кейинчалик бу корхоналар тугатилди. Таъмирлаш ишлари эса, уста кўрмаган шогирдлар қўлига ўтди. Қадимги ўзига хос шаҳарлар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгара бошлади. Таъмирлашни ҳеч қачон янгилаш деб тушунмаслик керак. Асрлар нафаси уфуриб турган бино деворларини компрессор ёрдамида қум пуркаб “янгилаш”, ёғоч устидаги бўёқни ўткир пичоқ билан қириш, нақшинкор дарвоза ва эшикларни рангсиз лок билан қоплаш, асло таъмирлаш эмас. Обидалардан давр руҳи, гарди, нафаси уфуриб туриши керак.

Афинадаги антик давр ёдгорлиги Акропол харобаси ҳанузгача вайрона ҳолда консервация қилиб сақланади ва уни шу ҳолатда томоша қилиш учун дунёнинг турли бурчакларидан миллионлаб сайёҳлар навбат кутиб туришади.

Қадимги Миср пирамидалари, Рим шаҳридаги икки минг йил аввал қурилган Колезей ёдгорликлари ҳам шундай сақланади. Уларни қайта таъмирлашга бу давлатларнинг кучи ва мутахассислари етмайдими? Йўқ, асло бу ёдгорликларнинг асл сақланган кўринишини эмоционал таъсири жуда улканлиги учун ҳам шундай қарорга келишган. Асрлар садоси сақлаб қолинган.

Шу ерда тарихимиз, маданиятимизнинг бебаҳо бойликлари бўлмиш меъморий обидаларни келажак авлодларга асл ҳолида етказиш каби эзгу ниятлар билан бу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассис ва усталарга яна бир марта консервация ва рестоврация-таъмирлаш ҳақида изоҳ бермоқчиман.

Консервация - ёдгорликни асл ҳолида сақлаш мақсадида олиб бориладиган ишлар, жойи ўзгарган бўлакларни ўз ўрнига ўрнатиб қўйиш ва унсурларидан фойдаланиб, йўқ бўлиб кетган девор, устун кабиларнинг ўрнини фарш этиш орқали бажарилади.

Таъмирлаш - энг мураккаб, комплекс иш. Асосий мақсади ёдгорлик ҳаётини узайтириш. Ёдгорликнинг бадиий қимматини тўла очиш мақсадида, гумонсиз тасдиқланган қисмларигина тикланади. Стилистик таъмир уюштирмасликка ҳаракат қилинади, кейинги қатламларнинг қиймати ҳам сақланади.

**Хулоса**. Кўриниб турибдики, консервация ва таъмирлаш орасида аниқ чегара йўқ. Қачонки ёдгорлик тўлиқ илмий ўрганилиб, махсус комиссия қарор қабул қилгандан кейингина у ёки бу шаклдаги “даволаш” услубига мурожаат этилади.

Биргина бизнинг Бухоро вилоятимизда 600 дан ортиқ тарихий меъморий ва археологик ёдгорликлар рўйхатга олинган. Уларни келажак авлодларга асл ҳолида етказиш эса, бизнинг аждодлар олдидаги қарзимиз, фуқаролик бурчимиздир.

Ушбулардан келиб чиқиб, барча қадимги шаҳарларимизда илмий таъмирлаш устахоналари, лабораторияларини ташкил этиш, тажрибали мутахассис ва усталардан иборат кенгаш тузиш вақти келди.

**Адабиётлар**

1. Мирзиёев М.Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.

2. Пўлатов Ш.Х. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш. –Тошкент: “Таълим”, 2009 й. -240 б.

3. Низовский А. Сто великих археологических открытий. -М., 2004. -546 стр.

4. Шимко В.Т. Архитектурно-дизайнерское проектирование. -М. “Архитектура”, 2004. -298 стр.

5. Ташходжаева Ш.С. Художественная поливная керамика Самарканда (X-XIV вв). 1991.-142 б.

6. Абдураззоков А.А. Реставрация настенных росписей Афрасияба. Ўқув –услубий қўлланма. -Ташкент: “Фан”, 1975. – 132 б.

7. Renaissance Architectural Prints from Column to Cornice This catalogue accompanies the exhibition Variety, Archeology, and Ornament Renaissance Architectural Prints from Column to Cornice August 26 – December 18, 2011 University of Virginia Art Museum.

8. Marylin Scott. The potter’s bible. New YYork. 2010. Avenue Suite 206

9. Archaeology & illustrators a history of the ancient monuments drawing office archaeological graphics report Judith Dobie and Chris Evans. English Heritage 2010

11. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси. -Тошкент, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон Фармони.

12. Абдураззоков А.А., Безбородов М.А., Заднепровский Ю.А. Стеклоделие Средней Азии в древности и средневековье. Монография. -Т.: “Фан”, 2012. - 450 б.

www.vgik.info

www.pencil.nm.ru

**Олим КАРИМОВ**
Бухоро давлат университети
мусиқа таълими кафедраси
катта ўқитувчиси

# МУСИҚА ДАРСЛАРИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА ОНГ, МИЛЛИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

*Мақолада мусиқа дарслари ўқувчиларини тарбиялаш, уларда миллий тафаккурни, миллий онгни шакллантириш воситаси сифатида баён этилган.*

***Калит сўзлар:** мусиқа, мусиқа таълими, шахс, мусиқа асари, бадиий дид, маънавият, миллий тафаккур.*

*В статье изложены уроки музыки как средство воспитания учащихся, формирования в них национального мышления и национального сознания.*

***Ключевые слова:** музыка, музыкальное образование, личность, музыкальное произведение, художественный вкус,духовность, национальное мышление.*

*Music lessons are described in the article as a means of teaching students, forming national consciousness through national thinking.*

***Key words:** music education, personality, musical work, artistic taste, spirituality, national thinking.*

**Кириш**. Инсон тарбияси, камолоти, ҳар қандай жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган. Чунки жамиятнинг шаклланиши, ривожланиши, равнақ топиши шу жамиятдаги тарбиясига боғлиқ.

Тарбия бу шахсни ижтимоий, иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларига тайёрлаш мақсадида унинг маънавий ва жисмоний ривожланишига мунтазам равишда таъсир этиб боришдан иборат бўлган узлуксиз жараён. Шундай экан ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни мустақиллигимизни мустахкамлаш йўлида сафарбар этиш муҳим мисолдир. Мустақил Республикамизда маънавият ва маданиият масалаларига алоҳида этъибор бериб келинмоқда. Бунда Маънавият ва маърифат газетаси маркази халқаро маданий-маърифий алоқалар мажмуаси каби ижодий муассасаларнинг ташкил этилиши бастакорлар уюшмаси ва жамиятдаги ижодий силжишлар “Ўзбекистон ватаним маним” номи билан мамлакатимизда ўтказилаётган анъанавий танловлар маданий-маърифий ислоҳотларни амалга оширишда методлар қўлланмоқда. Қадимий ва бой тажрибага эга ўзбек миллий мусиқа маданияти истиқболини амалга ошириш таълим-тарбия ишлари билан шуғулланиш мақсадида асрлар давомида ривож топиб келганлигини таъкидлаш жоиздир. Бу мактабларда мусиқа таълими ва тарбияси бевосита ошириб борилган. Ушбу мактабларнинг фаолият мазмунида инсоннинг дунёга келишидан токи камол топишида бутун умри давомида мусиқа ҳақиқий маънодаги тарбия воситаси эканлиги ўз ифодасини топган. Мусиқанинг сўз санъати ва адабиёти билан ўзвий ҳолда боғлаб ўрганилганлиги мусиқа номи ва амалиёти ривожига катта ҳисса қўшади.

**Асосий қисм.** Шахс камолотида мусиқа тарбиясини ошириш, албатта, таълим методикасига бевосита боғлиқдир. Мусиқа тарбияси методикаси фан сифатида тизимига мансуб бўлиб, ўзининг мустақил ўрнига эга. “Мусиқа маданияти” дарслари тарбия муассасаларида нафосат, мусиқашунослик, физиология, рухшунослик фанларининг умумлаштирилган тажрибаларига таянади. Мусиқа тарбия методикаси, айниқса, нафосат, мусиқашунослик фанлари билан ўзвий боғлиқ. Нафосат номи унинг методикаси асосини ташкил этса, тарбиянинг мазмун ва методларига бевосита таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларнинг куйлаш фаолиятларидаги муаммоларни ҳал қилишда методика физиология тадқиқотларига таянилади. Мусиқа тарбияси методикасининг моҳияти мусиқа санъати ҳамда маданияти ўсиб келаётган ёш авлод учун муҳим аҳамиятга эга. Мусиқа асарини онгли идрок этиш асар мазмунини очишда ва ўқувчиларга мусиқий тажрибаларни тўплашда, уларнинг маънавий дунёсини бойитишда ёрдам беради. Мусиқа тарбияси эмоционал онглилик принципи уйғунлашиб кўпайиши орқали тингланадиган асарни тўғри баҳолай олиш имкониятларини ривожлантиради.

Уларнинг мусиқага қизиқишида бадиий дидлари тарбиялаб борилади. Бадиий ва техник босқич принципи асарнинг бадиий ва ифодали ижро этилиши учун малакали кадрлар талаб этади. Ўқувчиларда куйлаш малакаларини эгаллашларига эътибор беради. Ўқувчиларга мусиқанинг ривожланиш принциплари тўғрисидаги тасаввурларини шакллантириш, қобилиятларининг ривожлантирилиши натижасида улар яна мусиқий тушунчаларни билиб олишади. “Мусиқа маданияти” дарслари жараёни кўпгина омилларга боғлиқ эканлигини эътироф этади. Ўқувчиларнинг

мусиқий маданияти фақатгина мактабнинг таъсири остидагина шаклланмайди. Уйда, албатта, теварак атроф, оммавий ахборот воситалари яхлит хилдаги ижтимоий воситалар тизими ҳам катта роль ўйнайди. “Мусиқа маданияти” дарсларида ўқувчиларнинг онги ва миллий тафаккурини ўстириш жараёнида қуйидаги муаммолар мавжуд жумладан:

*а) усулларнинг мусиқа тарбияси, мазмунининг синови, ижро боғлиқлиги.*

*б) ўқувчиларда мусиқий ва ижодий қобилиятларнинг ривожланиши.*

*в) мусиқий қобилият ва овознинг ривожланиши, мусиқани идрок этишнинг ёш ва якка тартибдаги хусусиятлари.*

*г) ўқувчиларнинг миллий мусиқамизга бўлган қизиқишларини орттириш.*

Ўқувчиларда онг ва миллий тафаккурни ўстириш жараёнини турлича шакллантириш, янада ривожлантириш учун мусиқа дарсдан ташқари мусиқа машғулотлари, синфдан ва мактабдан ташқари ишларига тўгараклар, байрамлар, кўнгил очиш кечалари ташкил этилади. Бу эса ўқувчиларнинг тарбиясини ҳар томонлама самарали амалга оширишга муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Мусиқа таълим тарбиясининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда дарс етакчи омил ҳисобланади. Чунки ўқувчиларнинг оммавий тарзда жалб этилиши, мактабда мусиқа фани бошқа фанлардан ўзининг бадиийлиги ва қизиқарлилиги, завқ-шавқ уйғотиши билан ажралиб туради. Энг муҳими, мусиқа болаларнинг онги, ахлоқий сифатларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Мусиқа ақлни пешлаб, тафаккурни чархлайди. Мусиқа дарслари ва машғулотларида ўқувчилар тарбия ва миллий маданиятимизни ўрганиб, билим савиясини кенгайтириб боришади.

Бобокалонимиз Абу Наср ал Форобийнинг маърифатпарварлик ғоялари тизимида бола шахсини тарбиялашда мусиқа санъатининг роли, мақсади ва вазифалари алоҳида эътироф этилади. Унда инсон ҳаётида мусиқанинг аҳамияти қайд қилиниб, “***Эй мусиқа олами, яхшиямки сен борсан, агар сен бўлмаганда инсоннинг аҳволи не кечар эди***”- дея хитоб қилинади. Аллома Абу Али ибн Синонинг мусиқий маърифий қарашларида ҳам мусиқа шахснинг маънавий ва жисмоний, маданий табиатига таъсир этувчи қудратли восита сифатида таъриф берилади. Болада жуда ёшлигидан бошлаб мусиқа ҳиссиётини тарбиялаш лозим, бу эса унинг руҳий ҳолатини мустаҳкамлайди деган ғоя илгари сурилади. Аллома машҳур “Тиббиёт қонунлари” китобида боланинг мижозини кучайтирмоқ учун икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси ухлатиш учун одат бўлиб келган мусиқий аллалашдир. Шу иккисини қабўл қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан баъзан тарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган эҳтиёж ҳосил бўлган деб ёзган эди.

Шундай қилиб, олимлар, мутафаккирлар мусиқа нафақат инсонга самарали таъсир этувчи восита, балки ўз моҳияти, жамиятдаги мақсад ва вазифаларига кўра алоҳида бир фан сифатида татбиқ этишда, даврлар ўтиб уларнинг тор фикрларини таълим-тарбияда қўллаб, оммавий халқ мусиқа педагогикасининг вужудга келишида асос бўлади. Таълим-тарбия услубиёти мактаблари таркиб топиб ривожланиб бормоқда. Ҳозирги даврда шахс маънавиятини тарбиялаш вазифаси мактабда мусиқа таълим-тарбияси ишларини сифатли босқичга кўтаришни тақозо этади. Бугунги кунда мусиқа, таълим ва тарбиясининг мақсади ва вазифалари ниҳоятда муҳим.

Мусиқа таълим ва тарбиясининг мақсади – ёш авлодни мусиқа меросимизга ворислик қиладиган ҳамда умумбашарий мусиқа меросимизни қадрлайдиган маданий инсон сифатида вояга етказишдан иборат. Бунинг учун ҳар бир ўқувчининг мусиқага бўлган иқтидорларини ривожлантириш, мусиқа санъатига меҳр ва иштиёқини ошириш, мусиқадан зарурий билим ва амалий малакалар доирасини таркиб топтириш, иқтидорли ўқувчиларнинг мусиқий ривожланишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш мактаб мусиқа таълими тарбиясининг асосий вазифасидир. Ўқувчиларнинг онги ва миллий тафаккурини ўстиришнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мактабдаги мусиқа дарсларига бевосита боғлиқ.

**Биринчидан,** мусиқа тарихи назарияси ижрочиликка доир турли намуналардан айрим машқлари, мусиқа саводи машғулотлари, мусиқа тинглаш, мусиқа таълими ва адабиёти, болалар чолғу асбобида чалиш, ритмик ҳаракатлар бажариш элементлари, мусиқада ижодкорлар фаолиятларидан иборат дарслар киради.

**Иккинчидан,** мусиқа бошқа санъат турларидан ўзининг ифода воситалари, яъни “тили” билан фарқ қилади. Агар бадиий адабиёт сўз, тасвирий санъат билан, рақс бадиий ҳаракатлар билан ифодаланса, мусиқа товушларидан вужудга келган оҳанг воситасидан фойдаланилади.

**Учинчидан,** мусиқа болаларга фаол ҳиссий таъсир кўрсатади, ижобий кўрсатмалар, кечинмалар уйғотади. Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти фани дастури бир дарс ўзида таълимнинг мусиқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш, мусиқа саводхонлиги, болалар чолғу асбоблари ва ритмик ҳаракатлар бажариши, мусиқа ижодкорлиги каби босқичлар бир-бири билан

боғланиб, яхлит ҳолда амалга оширилиши назарда тутилиши керак. Замонавий машғулотлардан мусиқа идроки етакчи фаолият сифатида муҳим роль ўйнайди.

Чунки бу босқичда ўқувчилар фаолиятида кўпроқ ўйин хусусиятлари бўлиб туради. Шундай қилиб, таълим ва тарбиянинг мақсад ва вазифалари тўлалигича амалга оширилади. Бу жараёнларни илмий услуб жиҳатдан етакчи даражада таъминлаш, миллий мусиқа таълим мазмунини англаш каби муҳим тадбирлар, шубҳасиз, мусиқий тарбия самарадорлигини оширишга имкон беради. Бу эса мусиқанинг мактаб ҳаёти, ўқувчилар қалбидан кенг ўрин эгаллаши ва уларнинг маънавиятини шакллантиришда самарали таъсир кўрсатади.

Болалар дунёси беғубор олам, энг тиниқ туйғулар, ширин умидлар қанотли орзулар бахтиёр болаликка, тинч юрт фарзандларига ярашади. Болалар қалби табиий равишда эзгуликка интилиб, катталардан меҳр-мурувват кутиб яшайди. Уларнинг онги эса доимо бирор янгиликни билишга бу мураккаб олам сирларини тезроқ эгаллашга ҳаракат қилади. Одатда болалар атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга жуда қизиқувчанлик билан қарайди ва турли билим ва фикрларни осонлик билан қабул қилиб, улардан чуқур таъсирланади, яъни инсон болалик чоғиданоқ камолотга интилиб яшайди. Комил инсонни яратиш маънавий соғлом авлодни тарбиялаш азал-азалдан халқимизнинг энг эзгу орзуси бўлиб келган. Буюк аждодларимиз Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий каби аллома ва мутафаккирларимиз ижодида ҳам баркамол инсон ҳақидаги юксак ғоялар ўз ифодасини топган. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан ёш авлод тарбиясига жуда катта эътибор бериб келинмоқда ва бу йўналишда бир қанча қарорлар қабул қилиниб, турли тадбирлар амалга оширилаяпти. Биз келажаги буюк давлат яратиш учун курашар эканмиз, аввало, ана шу келажакда яшайдиган ва биз бошлаган ишни янада ривожлантириб, такомиллаштирилиши зарур бўлган фарзандларимиз тарбиясига катта эътибор қаратишимиз лозим. Ҳозирги даврда жаҳонда юз бераётган воқеалар ва сиёсий-ижтимоий вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳукуматимиз раҳбарияти, аввало, педагоглар ва маданий-маърифий соҳа мутахассислари олдига янги-янги, замонавий вазифаларни қўяди. Ёшларга ҳозирги сиёсий вазиятни тушунтириш, уларнинг ёш онгини заҳарлашга уринаётган турли маънавий-мафкуравий хуружлардан ўз вақтида огоҳ этиб, ҳимоя қилиш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб турибди. Бу ишни биров атайлаб тарқатаётган ўта хатарли, юқумли касалликнинг олдини олиш учун қилинаётган шифокорларнинг эмлашига ўхшатиш мумкин. Афсуски, ўта хафли бу “Юқумли касаллик”, ҳар хил зарарли ғоя ва мафкуралар кўринишида турли йўллар билан юртимизга кириб келиб, энг аввал кўнгли очик, ишонувчан, соддадил ёшларимиз, фарзандларимиз онги ва қалбини заҳарлаяпти. Бироқ, токи дунёда тараққиётга, маънавиятга, адолатга интилиш бор экан, жамиятда илғор бунёдкорлик ғоялари туғилаверади. Бугунги кунда биз шундай ғоя халқни фаровон турмуш, ёркин келажак, буюк бошловчи миллий истиқлол мафкураси ғояларини мавжуд ва бу ғоялар янада такомиллашиб, халқимизни буюк келажак сари бошлаб боради.

Бизнинг фикримизча, мактаб ўқувчилари онгига миллий истиқлол мафкураси ғояларини сингдиришда бошқа фанлар билан бир қаторда мусиқа маданияти фанининг имкониятлари ҳам жуда кенгдир. Бу вазифани талаб даражасида амалга ошириш, албатта, ушбу фандан дарс берадиган ўқитувчининг сиёсий онги ва билимига ҳамда унинг психологик маҳоратига боғлиқ. Демак, ҳозирги давр мусиқа маданияти фани ўқитувчиси нафақат профессионал ижрочи, етук назариётчи бўлиши, балки сиёсий ва педагогик жиҳатдан ҳам илғор мутахассис бўлиши талаб этилади. Маълумки мусиқа ва қўшиқ, мусиқий оҳанглар кишилар онгига, кайфиятига ва тарбиясига жуда кучли таъсир этади. Маълум бир куй ёки қўшиқ кишиларда турли кайфият ва тушунчалар ҳосил қилиб, ҳатто уларнинг дунёқарашининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Буни билган аждодларимиз ҳам қадим–қадимдан ёшлар тарбиясида мусиқанинг имкониятларидан кенг фойдаланиб келишган. Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқараши, ҳаётга ва воқеликка муносабатини ифодаловчи халқ оғзаки мусиқий ижоди намуналари, “Алпомиш” достони ва “Шашмақом” каби санъат дурдоналари миллий маданиятимиз ва маънавиятимизнинг шаклланишига салмоқли ҳисса қўшиб келяпти. Шу ўринда биз миллий маданият деганда фақат кишиларнинг ташқи кўриниши ва юриш-туришини эмас, балки уларнинг ҳақиқатгўй ички маданиятини, қалб гўзаллигини назарда тутаяпмиз, яъни мусиқа кишиларнинг, аввало, қалбига таъсир қилиб, уни поклашга хизмат қилади. Бу халқимизнинг миллий одатларида, ота–онага, ўзидан катталарга ҳурмат, ўзаро самимият ва меҳрибонлик камтарлик, бағрикенглик, муҳтожларга шавқат каби эзгу ишларида яққол кўзга ташланади. Юксак миллий маданият ва маънавиятни ривожлантириш ҳамда турмуш фаровонлигини таъминлаш учун биринчи навбатда юртимизда кафолатланган тинчлик, сиёсий иқтисодий барқарорлик мавжуд бўлиши, бунга эришишнинг энг асосий йўлларидан бири халқни, аввало, ёш авлодни миллий истиқлол мафкураси ғоялари билан қуроллантиришдир, чунки, жаҳонни мафкуравий

жиҳатдан билиб олиш учун тинимсиз кураш олиб борилаётган вазиятда фақат кучли миллий мафкураси жамиятни турли хавф-хатардан мухофаза қила олади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида - ўқувчилар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси тушунчаларини шакллантириш ишлари, хусусан, ўрта таълим мактабларида ҳам кенг йўлга қўйилган. Жумладан, ҳафтада бир марта бўладиган миллий маънавият дарслари ташкил этилгани, ҳар куни биринчи дарсларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясини куйлаш билан бошланиши, турли мавзудаги тарбиявий соатлар, мактаб маъмурияти ва ўқитувчилари томонидан уюштирилаётган турли тадбир ва анжуманлар, учрашув, суҳбатлар бунга мисол бўла олади. Гулистон шаҳридаги ўрта умумтаълим мактабларида ҳам бу соҳада кўплаб ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, турли илмий-амалий семинарларда тажрибали мураббий–ўқитувчилар болаларнинг ёшига мос равишда уларнинг онгига миллий истиқлол мафкураси ғояларини сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш бўйича ўз мулоҳазаларини билдирувчи маърузалар билан чиқишмоқда. Бу, ўз навбатида, педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш ишларига ҳам ижобий таъсир кўрсатаяпти.

Мусиқа маданияти фани биринчи навбатда ўқувчиларнинг маънавий ахлоқий маданиятини шакллантиришга уларда миллий тафаккур ва ватанпарварлик нафосат ва бадиий дидни ўстиришга хизмат қилиб, пировардида уларни ҳақиқатгўй комил инсон қилиб тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшади. Шундай экан юқорида айтиб ўтилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, мусиқа маданияти фани бугунги кунда ўқувчиларга мусиқий билим бериш қўшиқ куйлашни ўргатиш ва уларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш билан чегараланиб қолмаслиги керак.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Ҳозирги кунда барча фан ўқитувчилари, педагог–тарбиячи кадрлар олдида долзарб бўлиб турган энг муҳим вазифа - ёшлар онгига миллий истиқлол мафкураси ғояларини сингдиришда мусиқа маданияти фанининг ҳам имкониятлари жуда бой ва ранг-баранг. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чикилган ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ мусиқа маданияти фани тўртта таркибий қисмдан иборат.

1. Мусиқа тинглаш
2. Жамоа бўлиб куйлаш
3. Мусиқа саводи
4. Мусиқа ижодкорлиги

Албатта, ҳар бир дарсда бу таркибий қисмлар бир–бири билан боғланган равишда ўтилади ва улар ҳар дарсда турли вариантларда ўрин алмашиб келиши мумкин. Дарснинг мақсади эса ўз навбатида бешта йўналишни ўз ичига олади.

1. Тарбиявий мақсад
2. Илмий мақсад
3. Билимларни ривожлантирувчи мақсад
4. Касбга йўналтирувчи мақсад
5. Миллий мафкура ғояларини сингдириш мақсади

Бу мақсадлар ҳам, албатта, бир-бири билан боғланган ҳолда амалга оширилади. Дарс мавзуси мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи ҳар бир жараёнида ўқувчилар онгига миллий истиқлол мафкураси ғояларини мунтазам равишда сингдириб бориши лозим. Буни амалга ошириш учун ўқитувчи ўзининг кенг дунёқараши педагогик–психологик билими нотиқлик қобилияти ва касбий маҳоратидан унумли фойдаланган ҳолда ҳар бир дарсга ижодий ёндашиш зарур бўлади. Бу эса ўқитувчидан ҳозирги даврда дунёда содир бўлаётган воқеалар, ички ва ташқи сиёсат, сиёсий-ижтимоий вазиятни тинмай ўрганиб, таҳлил қилиб туришни ва бу билимларни дарсда ўқувчиларнинг ёшига мос равишда тушунтира олиши талаб қилинади. Ҳозирги кунда кўплаб бастакорларимиз ва шоирларимиз томонидан замон билан ҳамнафас бўлган ватанпарварлик руҳидаги муҳим тарбиявий эстетик аҳамиятга эга бўлган қўшиқлар яратиляпти ва бу жараён хукуматимиз томонидан муносиб рағбатлантирилаяпти. Мусиқа маданияти фанининг бошқа аниқ фанлардан фарқли томони шундаки, у доимо замон билан, ҳатто фаоллар анъанавий байрам ва миллий қадриятларимиз билан ҳамоҳанг ҳолда олиб боришни ўқитувчидан узлуксиз ижодий фаолиятни талаб этади. Ўқитувчи ҳар бир дарсда ўқувчиларга “Энди эса онг ва миллий тафаккур ҳақида гаплашамиз” - деб 5-6 минут маъруза ўқиши керак эмас, аксинча у ҳар бир дарс мавзусидан, албатта, ижодий фойдаланиб, дарс мавзусининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда аста-секинлик билан онг ва миллий тафаккур ҳақидаги гапларини ўқувчиларга сингдириб бориши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Акс ҳолда доим бир хилда такрорланадиган гаплар ўқувчиларни зериктириб қуйиши ва бу бутунлай кутилмаган натижани бериши мумкин. Маълумки, миллий истиқлол мафкураси ўз моҳияти, мазмунига кўра барча соҳага тегишли сиёсий ижтимоий, иқтисодий маънавий–маърифий, тарбиявий, миллий ва бошқа ғояларни ўз

ичига қамраб олади. Бу борада ўқитувчи учун дарс жараёнида ижодий фаолиятлар учун кенг имкониятлар мавжуд.

Республикамизда умуминсоний қадриятлар ва миллий маданиятимизнинг асосларини эътиборга олиб таълим-тарбия мазмунини ва миллий мафкурани шакллантириб бориш имкониятлари яратилмоқда. Бунга халқ оғзаки ижоди, педогогикаси мутафаккир, маърифатпарвар педагог ва олимларнинг тарбияга, одоб-ахлоққа доир ғояларини ўргатиб комил инсоннинг ишлари амалга ошмоқда. “Келажак бугундан бошланади” дейди доно халқимиз. Ёш авлоднинг келгуси ҳаёти уни инсон қилиб кўрсатувчи руҳий ва маънавий жараённинг мезонини белгилайди.

Бу борада таълим-тарбия самарадорлигини ошириш ва дунё талаблари даражасига олиб чиқиш таълимни илғор тажрибалар асосида бойитиш, янги педагогик тажрибалар асосида олиб бориш айниқса муҳимдир. Халқ мусиқаси оғзаки ижодиёти, анъаналари, урф-одатлари асосида баркамол авлодни вояга етказиш, уларни кўпроқ ўз миллатини севишга ғурурланишга шарқона ғоя ва таълимотларни ўрганиб, уларни келажакка тадбиқ этишга замин яратилади. Мустақил Республикамизда миллий маданиятимизнинг ўзига хослигини тиклаш, умумтаълим мактабларида ўқувчиларни бадиий, ахлоқий тарбиялаш ва камол топтириш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан биридир. Маънавий етук шахс миллат қадриятларини тўғри баҳолашга ва уни янада ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Демак, жамият маънавиятининг ўсиши қадриятлардан кенг фойдаланиш учун шарт-шароитларни яратиб, уларни янада ривожлантиришга замин ҳозирлайди. Қадриятлар таърифидан келиб чиқиб, умуминсоний қадриятларни бир неча хил таърифлаш мумкин.

Умуминсоний қадриятлар - миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ ҳолдаги қадрият шаклидир. Умуминсоний қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти, маданияти орқали намоён бўлади.

Маънавий қадриятлар - бу фалсафий ва ижтимоий тушунчалар бўлиб, инсонни ўраб олган атроф-муҳитни амалий жиҳатдан ўзлаштириш натижасида вужудга келади. Таълим тарбия жараёнида маънавий қадриятлар ижтимоий тарихий ҳодисани ифодалайди.

**Хулоса**. Умумий хулоса қилиб айтганда, бугунги ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашдан мақсад, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш билан бирга, жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий салоҳиятини кўтаришга хизмат қилади. Миллий тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, адабиёт, этика, эстетика, педагогика, психология каби фанлардан фойдаланади. Миллий тарбия ҳаётнинг мохияти ички алоқа ва муносабатларини акс эттиради. Бугунги кунда шунчаки билим эгаси бўлган ёшлар эмас, ижодкор, истеъдоди билан ажралиб турувчи ўқувчиларни тарбиялаш замон талабидир. Мактабда таълим олиш даврида миллий тарбия ўқувчиларни турли қобилиятларини ривожлантиради. Табиатга, жамиятга қараш тизими таркиб топади, жисмоний куч-қувватлари янада мустаҳкамланади. Умуминсоний қадриятлар асосида миллий тарбиянинг мазмуни ва ташкил этилиши қуйидаги вазифаларда ўз аксини топади:

1. Тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги.
2. Тарбиянинг инсонпарварлик қоидалари.
3. Тарбиянинг ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги.
4. Тарбияда миллий, маданий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги.
5. Ўқувчиларнинг ёши, синфи, психологик, физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

Мусиқа санъатининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, инсоннинг ҳис-туйғуларини, кечинмаларини ўзига хос бадиий тилда ифодалайди. Ўқувчиларни қизиқтирадиган, ўзига жалб этадиган, завқлантирадиган шароит яратади. Улардаги миллий тарбияга оид ҳис-туйғуларни ўстиришда муҳим аҳамият касб этади. Умумтаълим мактабларининг мусиқа маданияти дарсларида умуминсоний қадриятлар тарбияси куй-қўшиқлар ёрдамида шаклланади. Бундай асарларга Давлат таълим стандарти мусиқа дастурига киритилган қўшиқ куйлаш ва тинглаш учун асарларни мисол келтиришимиз мумкин. “Салом мактаб” Ш.Ёрматов мусиқаси, “Пахтаой” Ф.Назаров мусиқаси, “Ўзбекистоним” Ш. Рамазонов мусиқаси, “Ой Ватаним” Э.Шварц мусиқаси, “Эҳ орзулар” Н.Норхўжаев мусиқаси кабилар ўқувчиларда ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат туйғуларини тарбиялайди. Умумтаълим мактабларида умуминсоний қадриятларни ўқувчиларга таништириб боришнинг аҳамияти катта. Бошланғич синфларда умуминсоний қадриятларни ўрганишда суҳбат, ҳикоя, савол-жавоб ва қўшимча адабиётлардан унумли фойдаланиш лозим. Умуминсоний қадриятлар асосида оммавий куй-қўшиқларни ўрганишдан олдин улар билан асар хусусиятини бадиий-ғоявий келиб чиқиш тарихи ҳақида қисқача суҳбат ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Умуминсоний қадриятларни ўрганишда бошқа фанлар билан, масалан, адабиёт дарсларида ўтиладиган мавзулар билан боғлаб олиб бориш яхши самара беради. Тўртинчи синф

ўқувчиларига халқ мусиқа санъатининг асосий хусусиятлари, оммавий жанрлари, анъаналари ҳақида тушунча бериб, улар узоқ тарихга эга эканлигини, содда, равон, ёрқин оҳангда ижро этилишини тушунтириш лозим. Шунингдек, уларни ижро этадиган ҳофизлар, хонандалар, фольклор гуруҳлар билан таништириб, савол-жавоблар ўтказиш керак.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар халқимизнинг миллий ифтихори ҳисобланади. Асрлар давомида меҳнат, кураш ва ижод жараёнида мусиқа кишиларни эзгуликка етакловчи илҳом манбаи бўлиб келган. Мусиқа тилсиз фалсафа деб бежиз айтилмаган. Инсон қўшиқ, мусиқа билан тирик. Куй-қўшиқларсиз ҳаётнинг мазмунини, атрофдаги гўзалликни тасаввур этиш қийин. Қўшиқ завқ эҳтиёжи, энг гўзал, энг олийжаноб орзу ва ҳаётий ғоя ҳайқириғидир. Мусиқа маданияти дарсларидаги умуминсоний қадриятлар ўқувчиларнинг дунёқараши, мусиқий дидини ривожлантиради.

1. Умуминсоний қадриятлар ўқувчиларда миллий куй-қўшиқларга ихлос уйғотади. Уларнинг мусиқий қобилиятларини, ритм тийғусини, мусиқий уқуви ва дидини ўстиради.

2. Ўқувчиларда миллий меросимизга, оммавий куй-қўшиқларга, халқ айтимларига ва у орқали Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялайди.

3. Алла, лапар, терма қўшиқлар воситасида ўқувчиларда бадиий ижодкорлик қобилиятлари ўсиб боради.

Мусиқа оҳанглари лад ва ритм тийғуси усуллари асосида ўргатилади. Мусиқа таълимининг миллий асосини таркиб топтиришда пианино чолғу асбоби билан биргаликда ўзбек миллий чолғу асбобларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай экан, биз педагоглар, бугунги кунда ҳар қанча ишласак арзийдиган кенг ижодий фаолият майдони, яъни барча фуқаролар қаторида ватанимизнинг буюк келажаги учун фахр билан меҳнат қилиш имконияти борлигидан миннатдормиз.

**Адабиётлар**

1. Абдуллайева Ш., Ибрагимова Қ. Педагогика назарияси. -Т.: “Талқин”, 2008.
2. Асқаров. Ў ва бошқалар. Педагогика. -Т.: “Талқин”, 2008.
3. Бегматов С. ва бошқалар. Мусиқа (1-синф учун дарслик). –Т.: “Ғофур Ғулом”, 2002 й.
4. Бошланғич таълим. 2000 й 6-сон
5. Каримова Д. Мусиқий педагогик маҳорат асослари. -Т.: “Иқтисод-молия”, 2008 й.
6. Нурматов Ҳ.ва бошқалар. Мусиқа (2-синф учун дарслик). -Т.: “Ғофур Ғулом”, 2004 й.
7. Узлуксиз таълим тизимида мусиқа фанлари ўқитиш масаласи. –Т.: ТДПУ, 2009 й.

**Davron RO‘ZIYEV**
Buxoro davlat universiteti
musiqa ta’limi kafedrasi dotsenti,
pedagogika fanlari nomzodi

# MILLIY SOZLARNING TARIXIY TARAQQIYOTI VA TA’LIM-TARBIYADAGI ROLI

*Maqolada o‘zbek xalq cholg‘u asboblarining tarixiy taraqqiyoti va ta’lim-tarbiyadagi roli, musiqa ijrochiligi yo‘liga mos ijro shakllarini yuzaga keltirish g‘oyalari haqidagi ma’lumotlar bayon etilgan.*

***Kalit so‘zlar**: musiqa ijrochiligi, cholg‘u asboblari, xromatik tovush qatori, diapazon, tovush xususiyatlari, ijro etish texnikasi, nota tizimida o‘qitish, ansambl, orkestr, musiqa maktabi.*

*Статья посвящена истории узбекских народных инструментов и их воспитательной роли, формирование формы музыкального исполнения.*

***Ключевые слова**: музыкальное исполнение, музыкальные инструменты, хроматические звукоряды, диапазон, специфика звуков, исполнительская техника, система нотного обучение, ансамбль, оркестр, музыкальная школа.*

*The article is devoted to the history of Uzbek folk instruments and their educational role, the formation of the form of musical performance.*

***Key words:** musical performance, musical instruments, chromatic sound orders, range, specificity of sounds, performing technique, musical notation system, ensemble, orchestra, music school.*

**Kirish**. Mamlakat maktablarida o‘quvchilarga estetik tarbiya berishning asosiy yo‘nalishlarini shakllantirish va rivojlantirish bo‘yicha qisqacha tarixiy reja zarurati davlatning fundamental, metodologik ko‘rsatmalarida o‘z ifodasini topgan. Xalq ta’limi taraqqiyotining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi uyg‘un birligi (kompleksi)ning asosiy tarkibiy qismlaridan biri hisoblangan ijtimoiy hayot muammolarini ilmiy hal etish uchun asosiy, tarixiy aloqani unutmasligimiz kerak.

Ma’lumki, o‘zbek musiqasining o‘ziga xos xususiyati shundan iborat ediki, XX asrning dastlabki 20-yilligigacha u faqat og‘zaki an’analar musiqasi sifatida rivojlanib borgan, bu jihatni o‘zbek musiqa san’atida nota yozuvini bilmaslik va o‘z navbatida polifonik(ko‘p ovozli) musiqaning xalqaro miqyosda boyitish va rivojlanishiga xalaqit berganligi bilan izohlash mumkin. 1920-yillardan boshlab odamlarning, shu jumladan o‘zbek xalqining, ma’naviy rivojlanishida yangi davr boshlanganligi tarixdan ma’lum. Bu davrga kelib o‘zbek musiqasi sobiq Ittifoqning qardosh xalqlari musiqasi bilan keng hamkorlik yo‘liga kirdi. Xalq ta’limi organlari, xususan, musiqa va pedagogik jamoatchilik oldida bir qator muhim vazifalar, ya’ni yosh avlodini musiqa madaniyati xazinasi bilan tanishtirish, shu bilan maktabda va maktabdan tashqari muassasalarda musiqa bo‘yicha ta’lim va tarbiya berish, jamiyatda yangi odamni tarbiyalashning samarali vositalarini joriy etish ishlariga alohida e’tibor beriladi. O‘sha davrda mamlakat markazida, keyin esa chetida musiqiy mustaqillikning keng harakati rivojlandi, bu ommaning musiqiy madaniyati uchun katta ahamiyatga ega edi.

Hamma joyda musiqa va xor to‘garaklari tashkil etilib, xalq musiqa maktablari, xalq konservatoriyalari, bolalar va kattalar uchun barcha turdagi musiqa kurslari ochiladi. 1919-yilda Toshkent shahrining ishchilar tumanida musiqa maktabi, Turkiston Xalq konservatoriyasining filiali – “Temir yo‘l vokzali konservatoriyasi” nomi ostida tashkil etildi. 1919-yil 26-martida shaharning eski qismi hududida bolalar uchun musiqa maktabi ochiladi va u yerda o‘zbek xalq cholg‘u asboblarini chalish o‘rgatiladi. V.A.Uspenskiy va N.N.Mironov (musiqa nazariyasi), V.A.Karelin, shuningdek, o‘zbek musiqasining chinakam ixlosmandlari - Shorahim Shoumarov, Abdusoat Vaxobov va boshqalar bu yerga o‘qituvchi sifatida taklif etilgan. Ushbu maktablarda o‘quvchilar musiqa nazariyasi va va musiqiy savodxonlik elementini o‘rgana boshlaydilar.

**Asosiy qism.** Buxoroda “Sharq musiqa maktabi”(1920-1921) deb nomlangan birinchi musiqa maktabining ochilishi (5 yillik o‘qish bilan), amaliy faoliyatining aniq dalillaridan biri bo‘lib, u mehnatkash yoshlarning iste’dod va qobiliyatlarini aniqlash, rivojlantirishga qaratilgan.

Buxoro Xalq Respublikasi Xalq ta’limi NazSiratining 1921-yil 15-iyundagi qarori (17-sonli bayonnoma) bilan Buxoro shahrida musiqa maktabini tashkil etishga qaror qilingan bo‘lib, maktab o‘quvchilariga qishgi va yozgi formalar (kiyim bosh) taqdim etilgan. 63 kishidan iborat Buxoro musiqa maktabi 1921-yil 11-sentabrda o‘z faoliyatini boshlaydi. Bu Buxoroning mehnatkash xalqining madaniy hayotida katta tarixiy ahamiyatga ega bo‘lgan voqea edi. Maktabning birinchi o‘qituvchilari yoshlarga ta’lim berish uchun o‘zlarining barcha qobiliyatlari va bilimlarini berganlar. Maktabning birinchi o‘qituvchilari mashhur iste’dodli xalq musiqachilari: Ota Gies Abdug‘ani, Akamulloy Toirjon, G‘ulomi Garmon, Otajalol Nosirov, Domla Halim Ibodov, Ma’rufjon Toshpo‘latov, Levi Boboxanov, Xoji Abduraxmon bo‘lgan. Ular

musiqa sohasidagi faoliyatini Buxoro amirligi davrida boshlagan boʻlsalarda, yangi musiqa maktablarining ochilishi ularga butun kuch, bilim va koʻnikmalarni yangi, musiqa madaniyatiga xizmat qilishga bagʻishlash imkoniyati berilgan. Ular turli cholgʻu asboblarida yoshlarga taʼlim berish bilan bir qatorda, pedagogik ishlarni ham olib borishgan. Muxtor Ashrafiy (dutor), Ayub Qodirov (nay), Shohnazar Sohibov, Olumjon Halimov, Yakub Davidov (tanbur) kabi oʻquvchilar dastlabki musiqa savodi va cholgʻu ijrochiligi sohasidagi bilimlarni olgan.

Buxoro musiqa maktabi vokal va xalq cholgʻular kabi ikkita boʻlimdan iborat boʻlib, mavjud imkoniyatlardan kelib chiqqan holda dastlab oʻquvchilarga oʻzbek xalq cholgʻularini chalishni va maqom qoʻshiqlarni anʼanaviy tarzda, yaʼni slux (eshitish qobiliyati) asosida bir ovozli ijro yoʻli bilan kuylashga oʻrgatilgan. Oʻqituvchilar oʻquvchilarga ijro uslublarini, cholgʻularni qanday sozlashni tushuntirganlar va bu borada turli mashqlarni ijro etish ustida ham ishlar amalga oshirilgan. Musiqa asbobida dastlabki chalish texnikasini oʻrganib, oʻzlashtirib olinganidan keyin, ular oʻsha yillarda asosiy musiqiy va pedagogik qoʻllanma boʻlgan Buxoro Shashmaqomi cholgʻu boʻlimini oʻrganishga kirishganlar. Albatta, boshqa xalq qoʻshiqlari va cholgʻu asarlari ham oʻrgatilgan.

“Sharq musiqa maktabi” bilan bir qatorda “Namuna” musiqa maktabi ham faoliyat yuritadi va bu maktab tez orada “Al-Forobiy xalq konservatoriyasi” nomi bilan xalq orasida keng taniladi. “Al-Forobiy xalq konservatoriyasi”ning ochilishi yilida 76 oʻquvchi qabul qilingan. Dastlab maktabda ikkita boʻlim - torli va damli asboblar mavjud boʻlgan. 11 yildan soʻng esa pianino va vokal boʻlimlari ham ochiladi. Eʼtoborli tomonlaridan biri shunda ediki, “Al-Forobiy xalq konservatoriyasi”ga bir vaqtning oʻzida ham kattalar, ham bolalar qabul qilingan. Ularning aksariyati musiqiy tayyorgarlikka ega boʻlmasada, lekin eshitish qobiliyati, ritmi va xotirasi yaxshi boʻlgan har kim u yerga kirib oʻqishi mumkin edi. Har yili musiqa maktabi oʻquvchilariga yanada qiyin vazifalar yuklana boshlangan. Musiqa maktabi nafaqat oʻquv-uslubiy markaz sifatida faoliyat yuritgan, balki shaharning kontsert hayotining markaziga ham aylangan. Maktab hayotida ajoyib tashkilotchi, tashabbuskor va jonboz musiqachi, folklorshunos V.V.Uspenskiyning oʻqituvchilik faoliyati katta rol oʻynagan. U musiqa taʼlimi sohasiga musiqa savodi kursini joriy etdi va shu bilan bir qatorda, nafaqat oʻzbek, balki boshqa xalq musiqa sanʼatini oʻrganishga daʼvat qiladi.

1920-yildan eʼtiboran Xorazmda ham xalq ommasini musiqiy madaniyat bilan tanishtirishga katta eʼtibor berilgan. Oʻsha davrlarda kattalar uchun ham, bolalar uchun ham koʻplab milliy havaskorlik musiqa toʻgaraklari paydo boʻladi. 1923-yilda Xiva shahrida musiqa maktabini tashkil etilishi va unda bolalar oʻzbek xalq cholgʻu asboblarini chalishni oʻrganishlari, musiqa taʼlimida va bolalarni estetik tarbiyasida muhim rol oʻynadi. Mintaqadagi boshqa musiqa maktablarida boʻlgani kabi Xiva shahridagi musiqa maktabi oʻquvchilariga dars berish ham ogʻzaki anʼanalarga asoslangan edi [1].

Matyoqub Xarratov va uning oʻgʻli – isteʼdodli kompozitor, turli xil xalq cholgʻulari ijrochisi - Matyusuf Xarratov Xiva musiqa maktabida oʻqituvchilik ishlariga katta eʼtibor beradi. Birinchi navbatda, ular yoshlarning ijrochilik faoliyatini rivojlantiradi, yangi ijro texnikasi va ifoda vositalar bilan boyitadi.

Shuni taʼkidlash kerakki, oʻsha davrdagi barcha musiqa maktablarida oʻqitishning xususiyati va usullari darslarning individual shaklida emas, balki guruh shaklida oʻqitilishida boʻlgan. “Xalq taʼlimi” jurnali maqolalarining birida “Ijro etish usullari toʻgʻrisida ..., ijrochining qoʻllari va barmoqlarining harakati va qanday chalishi yoki joʻrnavozlikda qoʻshiq kuylashi haqidagi barcha bilimlarni rahbar maʼruza sifatida hisobotini maʼlum qilishi kerak” deb taʼkidlangan.

1920-30-yillarda kadrlar masalasi juda keskin boʻlgan. Musiqa maktablaridagi oʻqituvchilarning aksariyati maxsus musiqiy maʼlumotga ega boʻlmaganlar, koʻpincha ular oʻzlarining usullari boʻyicha dars berishgan. Musiqiy fanlarni oʻqitishning yagona metodologiyasi, xalq cholgʻu asboblarining barqaror dasturlari mavjud boʻlmagan. Koʻpgina maktablarda mashgʻulotlar rasmiy ravishda olib borilgan, faqat musiqa asboblarini sluxda chalish boʻyicha texnik koʻnikmalar rivojlantirilgan. Boz ustiga, musiqiy asboblar yetarli boʻlmagan, bunga asosiy sabab moddiy bazaning, shuningdek, milliy xususiyatlarga ega boʻlgan dasturlarning yoʻqligi edi. Ushbu muammolarni hal qilish uchun birinchi navbatda oʻqituvchilarni tayyorlashga jiddiy eʼtibor berish kerak edi. Shu maqsadda 1918-yil iyul oyida Markaziy Osiyoda birinchi musiqiy oʻquv muassasasi - Turkiston xalq konservatoriyasi ochiladi, u tashkil topganidan uch oy oʻtgach, musiqiy-pedagogik taʼlim muassasasi sifatida ish boshladi. Tabiiyki, Turkiston xalq konservatoriyasi musiqiy madaniyatni rivojlantirish uchun butun oʻlkani kadrlar bilan toʻliq taʼminlay olmagan. Shuning uchun ham musiqiy taʼlim-tarbiyani izchil tashkil etishning eng samarali usullarini izlash kerak edi.

1921-yil oxirida sanʼat va kasb-hunar taʼlimi boʻyicha birinchi Butunrossiya anjumanlari, butun mamlakatda musiqa maktablarining mavjud boʻlishi uchun yangi shartlar toʻgʻrisida qaror qabul qilinadi. Ushbu qaror asosida 1922-yil Toshkentda va respublikaning boshqa shaharlarida, asosan xalq konservatoriyasi negizida, musiqa texnikumlari tashkil etilgan. Musiqa texnikumlariga sanʼatning turli sohalarida oʻqituvchilar va musiqa hamda mehnat maktablari oʻqituvchilariga maslahat beruvchi

mutaxassislarni va ijrochilarni tayyorlash vazifasi yuklatildi. Ta’kidlash joizki, texnikumlarda orkestr bo‘limlari mavjud bo‘lib, ular musiqa maktablarida o‘quv-tarbiyaviy ishlarini yanada takomillashtirishga yordam bergan.

O‘sha yillardagi musiqiy ta’lim va tarbiya sohasidagi davlat siyosati musiqiy ijrochilik san’atining, shu jumladan, bolalarni o‘zbek xalq cholg‘u asboblarida tez sur’atlarda chalishga o‘rgatish uchun qulay shart-sharoitlarni yaratishga qaratilgan edi. O‘zbek musiqa tarixi kitobida: “Vazifa shundan iboratki, xalq an’analarini saqlab qolish bilan bir qatorda, ko‘p ovozli orkestrning yangi ijro an’analarini yaratish va rivojlantirish orqali zamonaviy davrdagi san’atni targ‘ib qilish” kerakli haqida yozilgan. Biroq, yuqorida aytib o‘tilganidek, musiqa maktablarida o‘qitiladigan fanlardan dars beruvchi, ya’ni xalq orasidan yetishib chiqqan musiqachilar milliy musiqani yaxshi bilgan bo‘lsada, ammo musiqiy-nazariy tayyorgarlikka ega bo‘lmagan. Bu ko‘p ovozli ansambllar va orkestrlarni yaratishga to‘sqinlik qilgan. Faqat 30-yillarga kelib musiqa sohasida amalga oshirilgan bir qator ijobiy ishlar natijasida o‘zbek xalq cholg‘u asboblarining birinchi orkestrlari paydo bo‘la boshlagan.

XX asrning 30-yillarida o‘zbek musiqa san’atining jadal rivojlanishi boshlangan. Bu vaqtga kelib, yuqorida aytib o‘tilganlardan tashqari respublikada boshqa musiqa maktablari ham faoliyat ko‘rsata boshlaydi va ularda mahalliy millat bolalari o‘zbek xalq cholg‘u asboblarida ta’lim oladilar. Ammo bular zamon talablariga to‘laqonli javob berolmas edi. Boz ustiga, yuqorida qayd qilib o‘tilgan musiqa maktablarida bolalar bilan birga yoshi kattalar ham o‘qib turganlar. Shular ansamblning respublikada musiqiy ta’limni rivojlantirish, xususan, to‘laqonli musiqiy kadrlar bilan jihozlangan bolalar musiqa maktablarini yaratish vazifasi kun tartibida bo‘ladi. Shu maqsadda 30-yillarning oxirida bolalar musiqa maktablarining yangi tarmoqlari yaratildi. Ulardan birinchisi Toshekentda, Glier nomidagi bolalar musiqa maktabi-internati ochiladi. Bolalar musiqa maktablari shuningdek Andijon, Farona, Buxoro, Samarqand, Qo‘qonda ham paydo bo‘ladi. 1936-yilda esa Toshkentdagi Kashshoflar saroyi qoshida ilk bor yetti yillik bolalar musiqa maktabi ochiladi. Ushbu dalillar musiqiy ta’lim va bolalar tarbiyasining rivojlanishida sifat jihatidan yangi bosqichga qadam qo‘yganligidan dalolat beradi.

O‘zbekitonning cholg‘uchilik ijrosi oldida turgan asosiy vazifalardan biri - ko‘p ovozli musiqa san’atini respublikadagi keng omma hayotiga tadbiq etish edi. 1929-yilda Leningrad (hozirgi Sankt-Peterburg) shahrida bo‘lib o‘tgan butunittifoq musiqa anjumanida milliy cholg‘u asboblarida ta’lim berishning o‘ziga xos qiyin jihatlari ta’kidlab o‘tiladi. Shunga ko‘ra, anjumanda quyidagi qaror qabul qilinadi: “xalq cholg‘u asboblarining ko‘pligi inobatga olinib, ... bunday asboblarni musiqani ommaga yetkazish va uni ommalashtirish uchun eng yaxshi va eng kuchli vosita deb bilish, xalq cholg‘ularining minimal ansambllari uchun standart (o‘lchov, mezon)larni belgilash; har bir sohaning mutaxassis rahbarlarini jalb qilgan holda xalq cholg‘ularini takomillashtirish bo‘yicha eksperimental ustaxonasini yaratish orqali davlat musiqiy ishonchi mahsulotlarini takomillashtirishga intilish; cholg‘u asboblari torlarining sifatini yaxshilash, bunday asboblarni ta’mirlash ustaxonasini tashkil qilish; xalq cholg‘u asboblarini o‘rganish va takomillashtirishga hissa qo‘shish va ularni xalq orkestrlariga kiritish bo‘yicha tajriba o‘tkazish”. Ushbu anjuman qarorlari O‘zbekiston musiqiy jamoatchiligi e’tiborini tortdi. Qarordan ko‘rinib turibdiki, yosh avlodni tarbiyalashda xalq vositalarining rolini oshirish, ayniqsa, ularni musiqa sohasida jamoaviy o‘qitish orqali tarbiyalash vazifasi qo‘yilgan. Ammo eski, temperiratsiyalanmagan o‘zbek xalq cholg‘u asboblari ushbu muhim vazifalarni bajarish uchun talablarga javob bermadi, bu esa ko‘p ovozli cholg‘u ansambllari va orkestrlarini tashkil etishga imkon bermagan.

Ushbu kamchiliklarni bartaraf etish uchun turdosh va oiladosh musiqa asboblarining yangi turlarini yaratish, har bir cholg‘u asbobi ovoz diapazonini kengaytirish, tempratsiyalangan xromatik tovush qatoriga ega qildirish, ovoz kuchini oshirish kabi muhim vazifalar shu davrning muhim masalalaridan biriga aylangan.

Shu o‘rinda o‘zbek milliy cholg‘u sozlari xususiyatlari, tarixiy taraqqiyoti haqida to‘xtalib o‘tamiz. O‘zbek milliy cholg‘u sozlari tuzilishi va ijrochilik imkoniyatlariga ko‘ra xalqimizning musiqa san’ati rivojiga katta hissa qo‘shib kelgan va kelmoqda. Bugungi kunda har bir cholg‘u asbobidan sadolanadigan o‘ziga xos tovushlar o‘zbek xalq musiqa asarlarining sermazmun, ohangdor, yoqimli va jozibaliligini namayon etadi. Ular ta’lim-tarbiya vositasida keng qamrovli o‘ringa egaligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi. Ular milliy meros sifatida, asrlar osha xalqning ma’naviy madaniyatini oshirib kelayotganligi bilan bir qatorda, hozirgi zamon musiqa san’tining rivojlantirib borishda ham muhim rol o‘ynamoqda.

O‘zbek milliy cholg‘u sozlari tarixiga nazar tashlansa, o‘tmishda ularning yakkanavozlik, ansambl shakllarida ijro etib kelinganligiga guvoh bo‘lamiz. Cholg‘u asboblarni xromatik soz va keng tovushqatoriga ega bo‘lmagan. Ko‘pchilik asboblarning torlari ichak(kapron)dan bo‘lganligi sababli ovozi kuchsiz sadolangan. Ayrimlarida esa o‘rama pardalar bo‘lgan va shu bois ijroda bir qator qiyinchiliklar tug‘dirgan. Lekin xalqimizning madaniy turmush tarzining o‘sib borishi va musiqa san’atiga bo‘lgan qiziqishining ortib

borishi cholg‘u ijrochiligi san’atining nota yozuvi asosida yozilgan kuy va qo‘shiqlarini ijro etishni taqazo etadi. Bu o‘z navbatida, milliy cholg‘u sozlarimizni takomillashtirish orqali zamon talablariga muvofiq keluvchi yangi cholg‘u sozlar namunalarini yaratish g‘oyasini hosil qiladi. Aslini olganda bu g‘oyaning vujudga kelganligining asosiy sabablaridan biri - XIX asr oxirlariga kelib musiqa ijrochilik amaliyotida milliy cholg‘u sozlarimizning mustahkam o‘rin olganligidir. Xalqimiz orasidan yetishib chiqqan mohir ijrochilar nay, qo‘shnay, sunray, karnay, bulamon, dutor, do‘mbira, tanbur, qashqar va afg‘on ruboblari, sato, g‘ijjak, doira, qayroq, safoil kabi cholg‘u asboblarining musiqa san’ati va madaniy hayotda tutgan o‘rnini asoslab berishga o‘z hissalarini qo‘shgan. Tarixda ularning nomlari o‘zlari mohirona ijro etgan musiqa asboblari nomlarining qo‘shib aytilishi bilan saqlanib qolingan. Abdusattor dutorchi, Abduqodir naychi, Ahmadjon qo‘shnaychi, Ro‘zimatxon changchi, Usta Masaid doirachi va changchi, Usta Olim Komilov doirachi, Usta Usmon Zufarov va boshqalarni misol keltirish mumkin. Bularning ulkan xizmatlaridan yana biri shunda bo‘lganki, ular o‘zaro hamkorlikda o‘zbek xalq milliy cholg‘u sozlarining shaklan tuzilishini takomillashtirish va mohirona ijro etish uchun qulay bo‘lgan yangi variantlarini yaratish hamda xalq orasidan yetishib chiqayotgan iste’dodli yo‘shlarga cholg‘u asboblarimizni ijro etish sir-asrorlarini o‘rgatishda jonbozlik ko‘rsatgan.

Yuqorida qayd qilib o‘tganimizdek, XX asrning 30-yillarida o‘zbek musiqa san’atining jadal rivojlanishi boshlangan. O‘zbek milliy cholg‘uchilik san’atida o‘ziga xos yangi ijrochilik davri ham aynan XX asrning 30-yillarida boshlangan. Bu davrga kelib, milliy musiqa san’atimizning cholg‘u ijrochiligida qo‘llanilib kelinayotgan unison shaklidagi ko‘rinish bilan birgalikda jahon xalqlari musiqa ijrochiligi yo‘liga mos ijro shakllarini yuzaga keltirish g‘oyalari ham paydo bo‘la boshlanadi. Bu g‘oyani amalga oshirish uchun esa milliy cholg‘u asboblarimizning an’anaviy turlarini takomillashtirish zarur edi. Chunki, cholg‘u asboblarimizning an’anaviy turlarining tovush xususiyatlari, ijro etish texnik imkoniyatlari, tovushlarining rang-baranglik dinamikasining pastligi, shuningdek, o‘n ikkita teng yarim tonliklarga ega bo‘lgan xromatik tovush qatoriga ega emasligi, diapazonining keng bo‘lmaganligi jahon xalqlari cholg‘u musiqa ijrochiligi talablariga mos kelmas edi. Bu haqida musiqashunos rus olimi, musiqa asboblarimiz imkoniyatlarini chuqur o‘rgangan professor V.M.Belyayev “O‘zbekiston musiqa asboblari” nomli kitobida: o‘zbek xalq cholg‘u asboblarini takomillashtirish va shu orqali Yevropa nota yozuvini ijro etish imkoniyatini beruvchi, standart tuzilishga ega bo‘lgan cholg‘ularni ishlab chiqish taklifini yozadi [2].

Xalq musiqashunoslari, musiqa asbobi yasovchi ustalar: Sh.Shoumarov, M.Xarratov, U.Zuparov va boshqalar musiqa asboblarini takomillashtirish ishlarini olib boradi. Ularning maqsadi - milliy sozlarning ovozini kuchaytirish, diapazonini kengaytirish, ba’zi bir cholg‘ularning esa tuzulishini yaxshilash va chalish uchun qulay, sifatli shaklini yaratish edi.

XX asrning 30-yillari o‘zbek musiqa san’atidagi ahamiyatli tomonlaridan birini shunda ko‘rish mumkinki, bu davrda O‘zbekistonda milliy cholg‘u asboblarini nota tizimida o‘qitish va shu orqali ko‘p ovozli ansambl hamda orkestrlar tashkil etish masalasi ko‘tariladi. Vaholanki, T.Jalilov tashabbusi bilan 1923-yilda tashkil etilgan “Milliy musiqa to‘garagi” ansambliga alohida e’tibor bilar qaralgan. Bu ansambl tarkibi 24 ijrochidan iborat bo‘lib, asosan xalq cholg‘u kuylarini ijro etgan. E’tiborli tomomnlaridan biri shundaki, ansambl cholg‘ulari tarkibida simfonik orkestrning ba’zi bir cholg‘ulari ham bo‘lgan.

O‘zbekiston radiosi qoshida atoqli musiqashunos olim, akademik Y.Rajabiy tomonidan 1927-yilda tashkil etilgan unison ansambli cholg‘u ijrochiligi rivoji uchun muhim ahamiyat kasb etgan. Bu jamoa ijrochilari keyinchalik D.Zokirov nomidagi xalq cholg‘u asboblari orkestrining asosini tashkil etgan. Shu o‘rinda ta’kidlab o‘tish joizki, ansambl tashkil etilganining dastlabki kunlaridan e’tiboran uning tarkibidan usta Usmon Zuparov tomonidan ko‘p ovozli ansambl va orkestr ijrosi uchun takomillashtirib yasalgan dutor va g‘ijjak bas hamda tanbur cholg‘ulari o‘rin olgan. Lekin bu cholg‘ular o‘zining tuzilish hajmining kattaligi sababli 1934-yilga kelib ansambl tarkibidan chiqariladi.

Samarqandda musiqa va xoregrafiya instituning tashkil etilishi o‘zbek cholg‘u asboblari ijrochiligi tarixida muhim bosqich bo‘ladi. Institut 1932-yilda Toshkentga ko‘chiriladi va mustaqil san’atshunoslik ilmiy-tadqiqot instituti sifatida faoliyat yuritadi. M.Ashrafiy, I.Akbarov, N.Mironov, Sh.Ramazonov, E.Romanovskaya, V.Uspenskiy keyinchalik esa A.Petrosyans mazkur institutning musiqa sektorining birinchi ilmiy xodimlari bo‘ladi. Samarqand musiqa va xoregrafiya instituti musiqa ta’limi mutaxassisi, jumladan, o‘zbek xalq cholg‘u asboblari ijrochisi mutaxassisligini berish uchun tamal toshini qo‘yadi. Institutning o‘quv jarayoniga Respublikada birinchilardan bo‘lib nota tizimi asosida ta’lim berish tadbiq etiladi. O‘quv-tarbiyaviy jarayonga xalq musiqasini tadbiq etish uchun ularni yozib olish va mazmunini ochish ishlari amalga oshiriladi va aynan shu institutda milliy cholg‘u asboblarini takomillashtirish g‘oyasi vujudga keladi.

Milliy sozlarimizni nota asosida o‘qitish dastlab 1936-yilda Hamza nomidagi Toshkent musiqa bilim yurtida yo‘lga qo‘yiladi. Mazkur musiqa bilim yurtining musiqa ustaxonasi milliy sozlarning

takomillashtirish markazi bo‘ladi va A.I.Petorosyans rahbarligida loyihachi-ustalar: V.A.Romanchenko, A.A.Kevxoyans, S.E.Didenkolar faoliyat yuritadi. Keyinchalik yosh mohir ustalar – Xirojiddin Muhiddinov, Abdunabi Abdug‘aforov, A.Tarasov, V.Shtikov, M.Turdiyevlar cholg‘u asboblarining yangi avlodlarini yaratish, takomillashtirish ishlariga jalb qilinadi.

Milliy sozlarning takomillashtirishning ba’zi bir jihatli ishlari birinchilardan bo‘lib 1935-yilda “Bolalarni badiiy tarbiyalash Markaziy uyi”(ЦDXVD)da boshlanadi. Musiqa madaniyati yutuqlarini targ‘ibot qilib borish maqsadida 1936-yilda O‘zbekiston davlat filarmoniyasi tashkil etiladi va unda “sexlar” deb nomlangan badiiy jamoalarda orkestr, xor, balet jamoalari faoliyat yuritadi. Orkestr jamoasi esa 98 kishidan iborat bo‘lib cholg‘u asboblar ijrosi unison ansambl shaklida bo‘lgan. 1938-yilning noyabr oyida nota yozuvi asosida ijro etuvchi o‘zbek milliy cholg‘u asboblari orkestri tashkil etiladi. Shu tariqa, takomillashtirilgan va 12 pag‘onali teng xromatik tovushqatoriga ega bo‘lgan musiqa asboblarida ijro etishga o‘tiladi. 1943-yilga kelib milliy sozlarni takomillashtirb borishga yo‘naltirilgan maxsus laboratoriya tashkil etiladi. Laboratoriyaning faol ish yuritishi natijasida milliy sozlarning takomillashtirilgan 5 oilasi yaratiladi va ko‘p ovozli musiqa asarlarini chalish imkoniga ega bo‘lgan orkestr hamda oiladosh asboblardan iborat turli shakldagi ansambllarni tashkil etishga imkon yaratiladi.

Xulosa qilib aytganda, o‘zbek xalq milliy cholg‘u asboblarining takomillashtirilishi natijasida yaratilgan yangi variantlari nafaqat milliy musiqa asarlarini, balki professional kompozitorlarning murakkab shakldagi musiqa asarlarini, shuningdek, jahon xalqlari musiqa asarlarini ijro etish imkoniyatini hosil qildi. A.I. Petorosyans rahbarligida amalga oshirilgan ijodiy ishlar natijasida cholg‘u asboblarimizning shaklan ko‘rinishi ixchamlashtirildi, tovush jarangdorligi yaxshilandi, diapazoni kengaytirildi, texnik ijro imkoniyatlari oshirildi. Shularning evaziga o‘zbek cholg‘u ijrochiligi tarixiga yangi sahifalar ochildi va ko‘p ovozli orkestr, ansambllarni faoliyat yuritishiga zamin yaratildi.

Demak, cholg‘u asboblarini takomillashtirish ularning akustik(tovush jarangdorligi) xususiyatlarini yaxshilashga yordam beradi, shuningdek, ularni nota asosida chalishni osonlashtiradi. Shuni alohida ta’kidlash kerakki, gijjak, dutor, rubob, chang oilasi kabi musiqa asboblarining ishlab chiqarilishi, o‘quvchilarga musiqa asarlarini ijro etishda katta ustunlik beradi. E’tiborli tomonlaridan yana biri shundaki, musiqa asboblarini takomillashtirish labaratoriyasida A.I.Petrosyants rahbarligida olib borilgan tajribalar natijasida temperatsiyalangan va xromatik tovushqatoriga moslashtirilgan o‘zbek xalq cholg‘u asboblarining istiqbolli imkoniyatlarini kengaytiradi va ko‘p ovozli musiqa asarlarini ijro etishi uchun keng yo‘l ochib beradi. Eng muhim tomoni - ushbu ijodiy ishlar natijasi o‘zbek xalq cholg‘u asboblarida nota asosida musiqa asarlarini ijro etish imkonini beradi, bu esa o‘z navbatida xalqaro ijodiy aloqani targ‘ib qilishni, musiqiy savodxonlikni ommaviy tarzda o‘zlashtirish jarayonini osonlashtirgan. Bularning barchasi yosh avlodning musiqa-estetik tarbiyasi uchun qulay shart-sharoitlarni yaratadi: cholg‘u musiqasiga qiziqish uyg‘otib, ijro mahorati darajasini oshirish, musiqiy va ijodiy faoliyatni rivojlantirish, shuningdek, ko‘p ovozli bolalar ansambllari va orkestrlarini tashkil qilishda muhim omil bo‘lgan. Ammo 1949-yil dekabr oyida bo‘lib o‘tgan uchinchi respublika badiiy havaskorlar olimpiadasida musiqa maktablari, birinchi navbatda, ko‘p ovozli ansambllar va orkestrlarni tashkil etishdagi kamchiliklar mavjuligi aniqlanadi. Shu sababli, respublika hukumati o‘zbek xalq cholg‘u asboblarining ortib borayotgan ijro imkoniyatlarini hisobga olib, pedagogik jamoatchilik oldida ko‘p ovozli bolalar ansambllari va orkestrlarini tashkil qilish uchun barcha zarur shart-sharoitlarni yaratish, ko‘p ovozli cholg‘u musiqasiga barqaror qiziqishni uyg‘otish va yosh avlod o‘rtasida musiqa madaniyati asoslarini shakllantirish kabi muhim vazifani qo‘yadi.

1951-yil fevral oyida bo‘lib o‘tgan ko‘rikda badiiy havaskorlarning chiqishlarida birinchi marotaba ko‘p ovozli musiqa asarlarini ijro etgan jamoalar, jumladan, Toshkent shahar Kashshoflar saroyidagi musiqa maktabining G‘ulom Qo‘chqorov boshchiligidagi bolalar xalq cholg‘ul asbobari orkestri o‘z ijodiy faoliyatini namoyish qiladi. Biroz keyinroq esa bunday bolalar orkestri Buxoro, Samarqand va boshqa bir qator shaharlarda ham paydo bo‘ladi. Ammo, musiqa maktablarining arxiv materiallarini o‘rganish shuni ko‘rsatdiki, ushbu orkestrlardagi musiqiy asarlar mazmuni va ijro texnikasi jihatidan zamonaviy talablarga javob bermaydigan darajada bo‘lib, musiqa asarlari, asosan, sluxda, yani notaga asoslanmagan shaklda ijro etilgan.

Shunday qilib, bolalar musiqa maktablarida musiqa fanlarini o‘qitishda ba’zi yutuqlar bilan bir qatorda jiddiy kamchiliklar ham mavjud bo‘lgan. Kamchiliklarni bartaraf etish uchun, O‘zbekiston Respulikasi rahbariyati va Vazirlar Kengashi qaror qabul qilib “boshqa xalqlarning ko‘p ovozli musiqa yutuqlaridan keng foydalanish; ... musiqa maktablari tarmog‘ini keng rivojlantirish, musiqa ta’limini qat’iyat bilan takomillashtirish; ... zarur bo‘lgan o‘quv qo‘llanmalarini tayyorlash va nashr etish; o‘quv jarayoni darajasini oshirishga erishish” kabi vazifalarni qo‘yadi.

Ushbu vazifalarni bajarish zaruriyati bilan bir qatorda, musiqa pedagogikasi sohasidagi mutaxassislarni, jumladan, oʻzbek xalq cholgʻu asboblari mutaxassislarini, xususan, ansambl va orkestr sinflarida faoliyat olib boradigan mutaxassislarni tayyorlash sifatiga katta e'tibor beriladi.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, 60-yillarda respublikadagi bolalar musiqa maktablarida qashqar rubabi, rubob-prima, chang, gijjak, dutor va boshqa milliy cholgʻular sinflari ochilgan boʻlib, bu sinflarda cholgʻu asboblarida chalishni oʻrganishni takomillashtirilishiga katta yordam bergan, bolalar orkestrlarini tashkil etish uchun esa katta imkoniyatlar ochgan va koʻp ovozli san'atga qiziqish faollashgan. Musiqa pedagogikasining rivojlanishiga 60-yillarda respublikaning iqtidorli kompozitorlari tomonidan maktab oʻquvchilari uchun yaratilgan asarlar ham yordam bergan. Ularning majoziy mazmuni, ifodalilik vositalari va sof texnik tomoni klassiklardan sezilarli darajada farqlanib, yangi, qiziqarli ijrochilik va pedagogik vazifalarni vujudga keltiradi. Bu nafaqat ijrochilik mahoratini rivojlantirishga yordam bergan, balki oʻquvchilarning umumiy-musiqiy madaniyatini rivojlantirib, ularning estetik va ma'naviy-axloqiy tarbiyasiga sezilarli darajada ta'sir koʻrsatgan.

Estetik tarbiyani rivojlantirish va xalq cholgʻularini chalishni takomillashtirish maqsadida "Chang darsligi" (A.Odilov va A.Petrosyants – 1961-yil), "Gijjak darsligi" (S.Aliyev va R.Felissiant – 1961-yil), "Rubob darsligi" (F.N.Basilyev – 1963-yil), "Dutoda chalish darsligi" (M.A.Asilov va F.N.Vasilyev – 1969-yil) singari darsliklar va oʻquv qoʻllanmalari yaratiladi. Ushbu darsliklarning ahamiyati shundan iborat boʻlganki, ularda cholgʻu asbobida ijro uslubi, har bir asbobning ovoz imkoniyatlari, texnik jihatdan oʻzlashtirib olish imkoniyatlari hisobga olingan holda ishlab chiqilgan materiallar bilan ahamiyatli boʻlgan. Ular boshlangʻich oʻqishga moʻljallangan va oʻquvchilar uchun juda foydali hisoblanib oʻquv va badiiy materiallarning oʻlchovli hamda ketma-ket shaklda berilganligi bilan ham yanada ahamiyatli boʻlgan.

Ushbu dasliklar bilan bir qatorda boshqa bir qator oʻquv qoʻllanmalar, ayniqsa koʻp ovozli ansambllar va orkestrlarni tashkil qilish va takomillashtirishda samarali yordam koʻrsatadigan oʻquv qoʻllanmalari nashr etiladi. Shulardan "Dutor ansambllari uchun p'esslar" (A.H.Liviyev – 1962-yil) qoʻllanmasini misol tariqasida aytish oʻrinli. Shu singari nashr etilgan boshqa oʻquv qoʻllanmalarida ansambl va orkestrlarning maqsadi va vazifalari, ishning mazmuni, oʻqitish va tarbiya usullarining butun jarayoni yoritilgan.

A.I.Petrosyants, A.X.Liviyevlarning rahbarligi va boshqalarning samarali faoliyati tufayli koʻp ovozli ansambllar va orkestrlarning pedagogik repertuarlari yangi, qiziqarli, badiiy jihatdan boy boʻlgan koʻplab klassiklar va zamonaviy bastakorlarning asarlari, xalq kuylari bilan toʻldirilgan. Xalq cholgʻu asboblarining oʻziga xos xususiyati va imkoniyatlarini yaxshi biladigan koʻplab oʻqituvchilar, ijrochilar, musiqachilar ham bolalar orkestri uchun ishlarni tartibga solish va chalish masalalari bilan shugʻullanishgan. Masalan, ushbu yillar davomida orkestrlarning repertuarlaridaV.V.Ibragimov tomonidan cholgʻulashtirilgan (orkestr ijrosi uchun moslashtirilgan) "Qoraqalpoq polkasi", K.Azimov cholgʻulashtirgan E. Grigning "Norvegiya raqsi" va boshqa asarlar orkestrlarning repertuarlarida paydo boʻlgan.

Biroq, arxiv hujjatlarini oʻrganish shuni koʻrsatadiki, 60-yillarning oxirida respublikada koʻplab bolalar musiqa maktablarida orkestrlar faoliyati musiqa asboblarining yetishmasligi, xonalarning orkestr darslarini oʻtish uchun moslashtirilmaganligi, dirijor-rahbarlarning yetarli boʻlmaganligi yoki yoʻqligi sababli tashkil etilmadi. Xususan, oʻquvchilarning musiqiy-estetik fazilatlarini shakllantirish va rivojlantirishda orkestrlarning oʻquv vazifalari sust boʻlgan.

70-80-yillarga kelib bir qator vaziyatlar kuzatiladi: respublikaning koʻplab bolalar musiqa maktablarida xalq cholgʻu asboblarida yakka tartibda dars oʻtish bilan bir qatorda koʻp ovozli ansambl va orkestrlarda oʻqitish ham rivojlantiriladi. Oʻsha davrda namunali bolalar orkestri Toshkent shahridagi 3-, 4-, 5-, 6-, 7-, 8-, 10-, Buxoro shahridagi 1-, 2-, 3-musiqa maktablari, shuningdek, Kogon, Gʻijduvon, Navoiy shahar musiqa maktablari va Fargʻonada, Andijon, Samarqand viloyatlarining ba'zi musiqa maktablarida tashkil etiladi. Oʻquvchilarning estetik tarbiyasiga e'tibor kuchaytiriladi: estetik tarbiyaning sinfdan va maktabdan tashqari shakllari – kontsertlarda ijro etish, bahslar, uchrashuvlarda qatnashish, kontsertlarni tomosha qilish va tajriba almashish, shuningdek turli musobaqalarda chiqish shular jumlasidan boʻlgan. Glier nomidagi Toshkent musiqa maktab-internatining xalq cholgʻu asboblari orkestrining namunali ishining diqqatga sazovor boʻlganiligini alohida qayd qilib oʻtish oʻrinli. Bu jamoa doimiy ravishda radio va televidenieda katta dasturlar bilan qatnashib klassik bastakorlarning, rus va oʻzbek kompozitorlari asarlarini, shuningdek, xalq kuylarini ijro etishi bilan keng tarigʻbot ishlarini amalga oshirib borgan va hozirda ham shu faoliyatini davom ettirib turibdi.

**Muhokamalar va natijalar.** Biz bolalar musiqa maktablaridagi xalq cholgʻu asboblari orkestrlarining taxminiy sifat va miqdoriy tarkibini tahlil qilishga harakat qildik, bu quyidagi jadvalda koʻrsatilgan.

**1-jadval.**

**Bolalar musiqa va san’at maktabi o‘zbek xalq cholg‘u asboblari orkestrining turli yillardagi taxminiy tarkibi**

| Yillar | Dutorlar | | | | | Ruboblar | | | | G‘ijjak | Chang | Doira | Jami |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | prima | sekunda | a’lt | D-bas | K-bas | prima | soprano | qashqar | afg‘on | | | | |
| 1950 | - | - | 4 | 2 | 1 | 4 | - | 4 | - | - | - | 1 | 16 |
| 1960 | 4 | 4 | 4 | 2 | 1 | 4 | - | 8 | - | - | 1 | 1 | 29 |
| 1970 | 4 | 4 | 4 | 2 | 1 | 8 | - | 8 | 2 | 2 | 2 | 1 | 38 |
| 1980 | 4 | 4 | 4 | 2 | 2 | 8 | 2 | 8 | 2 | 4 | 2 | 1 | 43 |

Jadvaldan ko‘rinib turibdiki, 50-yillarda orkestrdagi asboblar soni juda kam bo‘lib - 16 tadan 18 tagacha musiqa asboblarini tashkil etgan. .60-yillarda plektr, ya’ni mizrobda chalinadigan guruhlar hamda dutor asboblarining miqdoriy o‘sishi kuzatiladi. Shu o‘rinda aytib o‘tish mumkinki, bu davrga kelib prima va sekunda dutorlaridan orkestrda foydalana boshlangan. 70-yillarda, ayniqsa 80-yillarda (bolalar musiqa maktablari va o‘quvchilar sonining ko‘payishi tufayli) orkestr tarkibi kengaydi, jumladan afg‘on rubob, g‘ijjak va 80-yillardan boshlab soprano ruboblar ijrosi ham orkesrtlarda qo‘llanila boshlangan. Bir tomondan, bu orkestrlarning ijro imkoniyatlarini sezilarli darajada oshirgan, ularning tembr ifoda vositalari rang-barangligini, ikkinchi tomondan, ijrochilar o‘zlarining bilim saviyasi, musiqa asbobida ijro etish mahoratini oshirib borishini talab qilgan. Ushbu ko‘rsatkichlar shundan dalolat beradiki, so‘nggi yillarda xalq cholg‘u asboblarida chalishni o‘rgatish va orkestrlarni rivojlantirishga katta e’tibor berila boshlangan.

**Xulosa**. Shunday qilib, O‘zbekistondagi bolalar musiqa va san’at maktablarida o‘quvchilarni musiqiy-estetik tarbiyasini shakllantirish jarayoni va rivojlanish yo‘llarini o‘rganish hamda har tomonlama tahlil qilish quyidagi umumiy xulosalarni shakllantirishga imkon beradi.

XX asrning 20-yillariga qadar og‘zaki an’analar asosida rivojlanib borgan o‘zbek musiqasi keyingi davrda nota yo‘li, ko‘p ovozli ijro san’ati, boshqa xalqlar musiqa madaniyatining eng yaxshi namunalarini namoyish etish uchun xalqaro aloqalarni boyitish imkoniyati tufayli chinakamiga yangi hayotni topgan.

Agar 1920-yillarda havaskor musiqaning keng harakati, musiqa, xor to‘garaklari, xalq musiqasi maktablari, bolalar va kattalar uchun konservatoriyalarning paydo bo‘lishi bilan ajralib turadigan bo‘lsa, 30-yillarga kelib bu jarayonlar ma’lum darajada rivojlanishi yuz bergan. Bir qator maxsus bolalar musiqa maktablarining tarmog‘i ochilgan bo‘lib, unda oz bo‘lsada musiqa o‘qituvchilari bilan ta’minlanib borilganligi yosh avlodning musiqiy va estetik tarbiyasida yangi bosqich boshlanganidan dalolat beradi.

40-yillar o‘zbek musiqiy cholg‘u asboblarini takomillashtirishda, har bir cholg‘u asbobining ovoz diapazonini kengaytirish va ularning tempratsiyalangan tovushqatoriga ega qildirish hamda xromatizatsiyalashgan tizimning joriy qilinishi, tovush kuchining oshishi natijasida yangi cholg‘u asboblar oilasining paydo bo‘lishi uchun muhim bosqich bo‘lgan. Bularning barchasi har bir cholg‘u asbobida asarlarni nota asosida ijro etish imkoniyatining hosil qilinganligi, ko‘p ovozli ijro san’atini yo‘lga qo‘yish bilan bir qatorda, xalqaro ijodiy aloqalarning yaxshi yo‘lga qo‘yilishga ham olib kelgan.

50-yillarda polifonik ansambllar va xalq cholg‘ulari orkestrlarini rivojlantirish uchun zarur shart-sharoitlarni (ham nazariy, ham uslubiy, ham tashkiliy, ham ta’limiy) yaratishga katta qiziqish paydo bo‘lgan.

60-70-yillarda, hukumatning musiqiy ta’limni yanada takomillashtirish va O‘zbekiston musiqa san’atini rivojlantirish talablari asosida, umumta’lim maktablari bilan bir qatorda bolalar musiqa maktabi o‘quvchilarining musiqiy va estetik tarbiyasiga ham katta e’tibor berilgan. Musiqa pedagogikasi, shu jumladan, o‘zbek xalq cholg‘ulari va umuman, orkestr sinflarida dars o‘tish uchun mutaxassislar tayyorlash ishlariga katta e’tibor berilgan.

60-70-yillarda yaratilgan darsliklar va o‘quv qo‘llanmalari o‘quvchilarda ko‘p ovozli cholg‘u asboblari ijrosiga nisbatan yuqori estetik fazilatlarni shakllantirishga yordam bergan; shu bilan birga, kompozitorlar, bastakorlar, drijorlar va musiqa o‘qituvchilarining ijodiy tashabbusi tufayli orkestrlarning repertuarlari boyitilgan.

O‘tgan asr davomida ko‘plab bolalar musiqa maktablarida milliy cholg‘u asboblari orkestri sezilarli rivojlanishga erishgan. Toshkent, Buxoro, Kogon, Navoiy, G‘ijduvonda, shuningdek Farg‘ona, Andijon va Samarqand viloyatlari musiqa maktablarida milliy cholg‘u asboblari orkestri sezilarli rivojlanishga erishganligini misol tariqasida aytib o‘tish joiz. Bularning barchasi o‘quvchilarning orkestr ijrosidagi

musiqiy asarlarga bo‘lgan qiziqishini sezilarli darajada oshirgan, natijada bolalar milliy orkestrlarining tashkil etilishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatgan.

## Adabiyotlar


1. Львов Н. Народные музыкальные школы. Народное просвещение – 1919. - №34. – С. 28.
2. Беляев В. Музыкальные инструменты Узбекистана. -М., 1933, с. 130
3. Karimova D.A. Musiqa metodikasida innovatsion texnologiyalarni qo‘llash. -T., 2003.
4. Odilov A. O‘zbek cholg‘ularida ijrochilik tarixi. -Toshkent: “O‘qituvchi”, 1996. - 128 bet.
5. Петросянц А. Узбекские народные инструменты. – Ташкент., 2000.
6. Rahimov Sh., Nurmatov H. “Cholg‘u ijrochiligi tarixi” (O‘quv qo‘llanma). -T., 2009.
7. Saidiy S.B., Cholg‘ushunoslik va cholg‘ulashtirish asoslari. –Toshkent: “Musiqa”, 2016.
8. Ruziyev D. Orkestr ijrochiligi (O‘quv qo‘llanma). – Buxoro: “Sadriddin Salim Buxoriy”, 2020. – 204 b.
9. Миршаев У. М. Музыкально-эстетическое воспитание и современные требования к учителю музыки //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 21-2 (99).
10. Рузиев Д. Ю. Некоторые психологические особенности развития навыков игры на инструменте и подпевания //Academy. – 2020. – №. 3 (54).
11. Рузиев Д. Ю. ОРКЕСТР КАК СРЕДСТВО МУЗЫКАЛЬНО-ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ УЧАЩИХСЯ //Academy. – 2020. – №. 11 (62).
12. Ruziev Davron Yuldashevich and Mirshaev Ulugbek Psychological and Pedagogical Bases of the Organization of Problem-based Education through Folk Songs// International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192 // pp.6834-6838
13. Дустов С. Д. ВЛИЯНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ НА МУЗЫКАЛЬНО-ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ //Academy. – 2020. – №. 11 (62).
14. Норова, Ш., and Ф. Нуруллаев. Психология музыкальных дидактических игр на интегрированных занятиях. *Вестник интегративной психологии* 17 (2018): 295-299.

**Санoқул ДЎСТОВ**
Бухоро давлат университети
мусиқа таълими кафедраси профессори,
педагогика фанлари номзоди

# ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МУСИҚА СОЗЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ

*Мақолада миллий мусиқа чолғу асбобларининг пайдо бўлиш тарихи жуда олис замонларга бориб тақалиши, яъни эрамиздан аввалги XIII минг йиллардаёқ, дастлаб урма зарбли чолғулар, кейинчалик эса бамбук поясидан сурнай, най, ҳуштак, шақилдоқ ва чилтор (арфа) каби чолғулар ҳамда торли мизробли, торли камонли ва торли урма чолғуларнинг тарихи, уларнинг турлари, тузилиши ҳақида сўз боради. Шунингдек, бу чолғулар ҳақида қомусий олимларимиз Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Сайфиддин Урмавий, Абдуқодир Мароғий, Абдураҳмон Жомий, Дарвешали Чангий каби алломаларнинг қимматли фикрлари ўрин олган.*

***Калит сўзлар:*** *бамбук, сурнай, най, ҳуштак, чилтор, ҳалқум, уд, миъзафа, тон (нағма), бамм, маслас, масно, зир, қадд.*

*The article deals with the origins of national musical instruments date back to very distant ages, beginning with the thirteenth century BC, first with percussion instruments, and later on bamboo stems such as trumpets, whistles, rattles and harps, and strings. Furthermore, it expresses the history of stringed percussion instruments, their types and structure.Moreover, valuable thoughts of the encyclopedic scholars such as Abu Nasr Farabi, Ibn Sina, Ibn Zayla, Abu Abdullah Khorezmi, Sayfiddin Urmavi, Abdukadir Maragi, Abdurahman Jomi, and Dervishali Changi are given in the article.*

***Key words:*** *bamboo, surnay, flute, whistle, chiller, thymus, ud, ammonia, ton (nagma), bum, masse, cumin, sand.*

*В статье рассмотрено появление национальных музыкальных инструментов история восходит к очень далекому времени, до нашей эры XIII тысячалетие, сначала с ударными инструментами, а затем с бамбук омсолома, флейта, свисток, формы и цилиндра (арфа) идёт речь об их структуре,и история струнных полос, струнных струн и струнных ударных инструментов. А также наши ученые-комики об этих инструментах Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Ибн Зайла, Абу Абдуллох Хоразмий, Сайфиддин Урмавий, Абдукодир Марогий, Абдурахмон Жомий, Дарвешали Чангий ценности таких великих ученых.*

***Ключевые слова:*** *бамбук, сурнай, флейта, свисток, чилтор, халкум, уд, мифаза, тон, (нагма), бамм, маслас, масно, зир, кадд.*

**Кириш**. Мусиқа - руҳият бешиги. Бу бешик шу қадар сеҳрлики, унинг оғушидан-да оромбахшроқ дунёни топиб бўлмайди. Шунинг учун инсон ҳар қандай изтиробли дамларда ҳам, бахтиёр дақиқаларда ҳам, юракни зирқиратаётган ёки ҳаяжондан тобора шошиб кетаётган хисларга оҳанглар қаъридан бошпана излайди. Инсониятга бахш этилган бу буюк неъмат ҳақида сўз юрита туриб, дастлаб авлод-аждодларимиз қандай мусиқа асбобларини яратган экан деган қизиқиш пайдо бўлади. Манбаларда қайд қилинишича, ўзбек миллий мусиқа чолғу асбобларининг тарихи жуда олис замонларга бориб тақалади. Яъни эрамиздан аввалги XIII минг йиллардаёқ, дастлаб урма зарбли чолғулар кашф этилишини буюк олимлар энг қадимги меҳнат қўшиқлари ишнинг ритмик тузилиши билан бевосита боғлиқликда юзага келган, дея изоҳлайдилар [1, 5]. Даврлар ўтиши билан халқ усталари томонидан қамиш ёки бамбук поясидан сурнай, най, ҳуштак, шақилдоқ ва чилтор (арфа) сингари чолғулар ҳамда торли мизробли, ваторли камонли мусиқа чолғулари яратилади. Кўп асрлик маданий тараққиёт жараёнида ўзига хос тузилиш ва жарангдорликка эга бўлган дутор, танбур, рубоб, ғижжак, чанг сингари анъанавий созлар ижод қилина бошлайди. Дунё эндигина оҳангини кашф эта бошлаганида Турон заминида анчагина ютуқлар қўлга киритилганининг ўзиёқ ўзбек мусиқа меросининг шажараси жуда олислигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**Асосий қисм.** Милоддан аввалги III аср ўрталарида мусиқа маданиятига оид Марказий Осиёнинг ғарбий вилоятларида Парфиён (а), шарқида эса Грек-Бактрия давлатлари, эрамизнинг I асрида Марказий Осиёнинг жанубий қисмида қудратли Кушон шохлиги ташкил топади. Маҳаллий Кушон сулоласи ҳокимияти остида бир қанча давлатлар бирлашади, бунинг натижасида шаҳарлар обод бўлади, маданият гуллаб-яшнайди, санъатнинг барча турлар ривожланиб, янги-янги чолғуларнинг яратилишига имкониятлар юзага келади [10, 7-26].

Қулдорлик тузуми Марказий Осиё халқлари маданияти ривожида муҳим босқич бўлди. Марказий Осиёнинг Мароқанд, Хоразм, Нисо, Тупроққалъа Сўғд, Айритом ҳамда Термиз шаҳарлари

ҳудудида олиб борилган археология ишлари чоғида, турли хил буюмлар, сопол идишларнинг тасвирлари, шунингдек, чолғу асбоблари тасвирланган ҳайкалчалар топилган. Жумладан, Панжикент деворий суратларида VII асрга оид тўрт торли уд сози тасвирланган. Унинг устки томонидаги қопқоғида товуш чиқарувчи тешикчалар мавжуд, дастаси калта, уни чалаётган аёлнинг қўлида эса мизроб. Шунингдек, Айритом ибодатхонасининг пештоқида уд, ноғора, қўшнай, арфа каби мусиқа созларини чалаётган созандалар тасвирини ҳам учратиш мумкин [5, 12]. Термиз давлат университетининг профессори Сайфулла Турсуновнинг ёзишича, “Милодий I-II асрларга оид Айритом манбаларида Марказий Осиёдаги дастлабки уд, арфа каби мусиқа асбоблари шу ерда яратилган, санъат, инчунин, мусиқа санъати, меъморчилик ва ҳайкалтарошлик тараққий этганини исботлайди. 1932 йилда Амударё қирғоқларидан 5 та созанда тасвири ўйиб ишланган расм топилган. Ноғорачи, ранг-баранг либослардаги созанда айёллар расми, айниқса, диққатга сазовордир. Созандалардан бири уд яна бири арфа чалаётгани, фризда қўлларида гулчамбарак ва чиройли идишлар кўтариб келаётган қизлар тасвирланган. Ушбу топилма қадим аждодларимиз мусиқа асбоблари, санъат, қўшиқ бахшичиликка алоҳида эътибор билан қараганлиги, ҳозирги мусиқа ҳамда қўшиқ санъатимиз айнан Айритом каби манзилгоҳларда шаклланганлигидан далолат беради” деб изоҳлайди [9.2010 й.12 май]. Тадқиқотчи олимлар Сурхон воҳаси этнографиясига оид манбаларни таҳлил қилиши натижасида бу макон илк мусиқа санъатига асос солган деган фикрга келадилар.

Кўриниб турибдики, даврлар ўтиши билан бирга, созлар ҳам маълум даражада ривожланиб такомиллашиб борган. Тарихий манбаларда ёзилишича, V-VII асрлар яъни Сосонийлар даврида Марказий Осиё ва Эрондан Арабистонга кириб борган торли, камончали, пуфлама мусиқа асбоблари ҳамда рубоб, уд ва най каби чолғулар тўғрисида маълумотлар бор.

Чолғулар ва ундан тaралаётган мусиқа аҳолининг турмуши ва меҳнат фаолиятига сингиб инсон фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланади. Барча байрам ва сайллар, диний маросимлар ҳамда бошқа тадбирлар, томошалар куй, қўшиқ, рақссиз ўтмаган. Шунингдек, созлар жўрлигида қўшиқ, ўйин ва куйлар халқнинг барча маросим ва оилавий байрамларида ҳам ижро этилган. Сайлларда, диний ва маданий маросимларда, айниқса, карнай, сурнай, доира, ноғора ва чиндовул каби дамли ва урма зарбли мусиқа чолғулари кенг қўлланилган. Дутор сози ижрочилиги эса ўша даврларда камер хусусиятига эга бўлиб, уни фақат аёллар ижро этганлар.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Чолғуларнинг кўплиги ва хилма – хиллигига қараб Шарқ олимлари уларни турли гуруҳларга бўлиб тадқиқий ва таҳлилий кузатувларини бевосита ўзларининг ижодий тажрибалари замирида тузиб, хулосалаб берадилар. Бу чолғуларнинг анчаси кейинги асрларда ҳам ишлатилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Жумладан, бутун Шарқ мусиқашунослик илмининг асосчиси, унинг ривожига катта ҳисса қўшган серқирра ижодкор, аллома Абу Наср Муҳаммад Форобий (873-950) ёшлигидан бошлаб мусиқани севган, ўша даврларда Марказий Осиёда мавжуд бўлган мусиқа асбобларини чала билганлиги сабабли мусиқа чолғуларининг моҳир ижрочиси ва назариётчиси сифатида ўзининг машҳур асари – “Катта мусиқа китоби”нинг иккинчи бобида мусиқа асбобларида амалда ижод қилиш, чолғу асбобини чалганда чиқариладиган товушни билиш ҳамда уларни чалишни ўрганиш учун кўрсатмалар беради [5, 25-32]. Шунингдек, мусиқа созларининг жамиятда тутган ўрнини кўрсатиб: “Жанг-у жадалларда, рақсларда, тўй–томошаларда, кўнгилочар базмларда ҳамда ишқ-муҳаббат қўшиқларини куйлашда чалинадиган ўзига хос чолғулар бор” - деб ёзади. Унинг юқорида айтгаи фикри созларнинг турли–туманлиги ва уларнииг мусиқа маданиятида асосий роль ўйнаганлигини билдиради. Форобий чолғу асбоблари ичида танбурни энг кўп тарқалган ва инсон дилига яқин турадиган соз деб таъриф беради. Шунингдек, дамли чолғулардан най ва қўшнай ҳамда очиқ торларининг тебраниши орқали оҳанг ҳосил қилувчи чанг созларига ҳам атрофлича тўхталиб, яхши фикрлар билдиради. Форобий икки хил мусиқа ижрочилиги: оҳангни инсон овози (қўшиқ санъати) ва чолғулар воситасида қайта тиклаш каби гуруҳга ажратади. У моҳир мусиқачи ва уд созининг беназир ижрочиси сифатида мусиқа чолғуларининг жамият ҳаётидаги ролини ўрганишга аҳамият бериб, торли мизробли борбат созини ўша даврда энг кенг тарқалган чолғу ҳисоблаган. Унинг тўртта тори бўлиб, ўзига хос чертма воситасида мизроб билан чалинган, дастасида эса лигатура (лад, парда)лар жойлашган. Бу чолғу асбоби IX-X асрларда арабча уд номини олган.

Форобийнинг маълумотига кўра, калта дастали уд чолғусини Эронлик машҳур созанда Мансур Залзал (721 - 791) кашф этиб, ясаб, ундаги пардалар ўрнини белгилаган – деб таъкидлайди. Форобийнинг ёзишича, уд сози ансамбль ижрочилигида асосий роль уйнаган. У танбур, рубоб, чанг ва бощқа чолғуларни уд асбобида чалинаётган куйга уйғун жўр бўлиш учун созлаш усулларини тушунтиради. Уд чолғу асбоби ўзига хос нафис жарангдорликка эга бўлгани учун, Шарқ мамлакатларида асосий соз сифатида фойдаланиб келинган. Форобийнинг таъбирича чолғу

асбобларининг шаклланиши амалиёт билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Чунки чолғуларнинг овоз хусусиятлари, парда ва товушқаторлар тузилиши бевосита ижро жараёнида шаклланиб такомиллашади. Мусиқашунос олим О.Матёқубовнинг ёзишича, XX асрда дунё халқлари мусиқа асбобларининг универсал таснифот тизимини яратган нуфузли олимлар Курт Закс ва Эрих Хорнбостелларнинг фикрича, Форобий Шарқ мусиқасининг улуғ билимдон олими сифатида чолғуларни ўрганувчи асбобшунослик (органалогия) фанига асос солган [4, 272]. Форобий томонидан ёзиб қолдирилган мусиқий асарлар миллий чолғуларимиз ҳамда мусиқамизнинг устувор асоси бўлган – мақомлар ва Шарқ мусиқасига оид муаммоларни ечишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бу соҳани эса кейинчалик бошқа Шарқ алломалари ўз маълумотлари билан тўлдирадилар.

Мусиқашуносликда Форобийдан кейин Шарқ мусиқа илмида янги давр очган буюк қомусий олим, мусиқашунос, машҳур табиб, аллома Абу Али ибн Сино (980 йилда ҳозирги Бухоро вилоятининг Пешку тумани Афшона қишлоғида таваллуд топган)дир. У фаннинг турли соҳаларига бағишлаб жуда кўп асарлар яратган. Жумладан, мусиқага оид илмий қомусий асари “Шифо китоби”нинг мусиқага бағишланган бўлими “Мусиқа илмий тўплами”, “Нажот китоби”дан ўрин олган “Мусиқаилмий қисқартма” ҳамда “Донишнома” асарининг “Мусиқа хақида”бўлимларида мусиқа илмига бағишланган қарашлари ҳамда мусиқий чолғулар тўғрисида маълумотлар беради. Масалан, “Шифо китоби”нинг мусиқага бағишланган қисми “Мусиқа илмий тўплами”да мусиқашуносликка бағишланган барча маълумотлар, чунончи, овоз, мусиқавий овоз – нағма (тон)нинг ҳосил бўлишидан бошлаб, мусиқий асарларнинг яратилишигача, дамли чолғу – сибизғадан тортиб, уд мусиқа асбобигача бўлган масалалар тўғрисида фикр билдириб, чолғулар ҳақида баҳс юритади. У ўша давр созларини қуйидагича гуруҳларга, яъни торларига чертиб чалинадиган пардали чолғулар – барбат ва танбур, торларига чертиб (уриб) чалинадиган торли аммо пардасиз чолғулар – шохруд ва анқо (арфасимон асбоб), торлари бутун қопқоғи бўйлаб тортилган тирнаб чалинадиган чолғулар – шалёк (юнон ва римликларнинг торли мусиқа асбоби) ва чанг, торлари қопқоқ тепасидан эмас балки ҳавода тортилиб томонларини бирлаштирувчи чолғу – лира, торли ва пардали аммо камонча билан чалинадиган чолғу – рубоб ҳамда оғиз билан бир томонидан пуфлаб чалинадиган чолғулар – мизмор (тилли пуфлама асбоб), най ва сурнай каби чолғуларга ажратади. Товуши инсон овозига жуда яқин бўлган ҳамда халқ орасида кенг қўлланилиб келинаётган мусиқа асбоби – уд (барбат) чолғуси тўғрисида тўхталиб, унинг ясалиши, пардаларининг тузилиши, харрак ва шайтон харраклар орасидаги масофа, харракларнинг жойлашиш тартиби, торларининг созланиши, чап қўл бармоқларини пардаларга босиб мизроб ёрдамида товуш ҳосил қилиш хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумотлар беради [5, 83-93]. Шунингдек, рубоб тушунчаси остида камон билан чалинадиган ғижжак чолғусини, пуфлаб чалинадиган чолғулардан най (флейта) ва сурнай созларини таърифлаб, мусиқанинг ҳиссий таъсир кучига юқори баҳо бериб, руҳий касалликларни даволашда оҳанглардан фойдаланишни маслаҳат беради. Жаҳон маданияти ривожига ўзининг серқирра ижоди билан улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино 1030 йилда Ҳамодонда вафот этади. Унинг ёзиб қолдирган мусиқий мероси маънавий ҳаётимизда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Мусиқа илмининг моҳир билимдони Ибн Синонинг издоши ва шогирдларидан бири Абу Мансур ибн Зайла (998 - 1049) ўзининг “Мусиқага оид тўлиқ китоб”инининг бешинчи қисмини “Мусиқа асбоблари” деб номлаб унинг муқаддимасида ёқимли товушлари билан ажралиб турувчи пардали тирнама асбоблар уд ва танбур, пардасиз торли тирнама миъзафа - арфасимон чолғу, пуфлама асбоблар мизамир - най ва камончали асбоб - рабоб тўғрисида фикр билдириб мусиқа асбобларининг инсон овозига тақлид қила билишлари ўрганилади. У шундай ёзади: “Ҳалкум (инсон овози)га бошқаларга нисбатан кўпроқ тақлид қила оладиган, эргаша оладиган мусиқа асбоблари рабоб – камончали асбоб, мизамар – пуфлама асбоблар, уд, миъзафа – арфасимон асбоб ва унинг ҳамжинслари, ... аммо тақлиднинг тўлиқлигида рабоб – камончали асбоб ва сурнайга етадигани йўқ” [5, 57-59] деб мусиқа асбоблари тасниф қилинади ва уларни қуйидаги гуруҳларга бўлади: торли пардали тирнама асбобларга - уд ва танбур, торли пардаларсиз, тон (нағма)лар орасидаги фарқ торнинг узун ва қисқалиги билан белгиланувчи созларга қонунсимон торли чолғу (шохруд), торли, пардасиз товушлар орасидаги фарқ эшак ва харраклар воситасида торни қичрайтириш ёки узайтириш орқали бажариладиган асбоблар арфасимон (анко) мусиқа асбоби, торларига болғача ёки чўплар билан уриб чалинувчи чанг, хитой чанги, ҳамда дамли пуфлама асбоблар – най, сурнай ва рабоб, шунингдек, усул бериб турувчи урма чолғу асбоблари: доира, ноғора, қўлқарсак. Усул бериб турувчи урма асбоблар ҳақида сўз юритар экан, қўл боғлаб ижро этиладиган ракс тури дастбанд тўғрисида ҳам маълумотлар беради. Жумладан, у икки хил ижрочилик санъати, яъни инсон овози билан айтиладиган ашула ижрочилиги ҳамда чолғу асбобларида чалинадиган куйлар – чолғу ижрочилиги ҳақида қимматли фикрлар билдиради. Мусиқа асбобларидан уд ва най чолғуларининг ясалиши,

тузилиши, сақланиш ҳолати, созланиши ва ижро имкониятлари ҳақида сўз юритади. Унинг бу таълимоти ҳозирги чолғуларни ўрганиш учун ҳам дастур сифатида амалда қўлланилмоқда. Демак, Ибн Зайла, Форобий ва Ибн Синонинг мусиқа илмидаги ютуқларини янги давр талаблари асосида ривожлантирган мусиқашунос олимдир.

Шарқ мусиқа илмининг шаклланишига ва ривожига муносиб ҳисса қўшган Марказий Осиёдан чиққан мутафаккирлардан яна бири Абу Абдуллоҳ Хоразмий (X аср) ўзининг "Илмлар калитлари" китобида ўша даврда фаннинг маълум бўлган барча соҳаларини қамраб олади. Унинг китоби икки қисм, 15 боб, 90 фаслдан иборат. Мусиқа илмига бағишланган боб уч фаслдан иборат. Биринчи фасл мусиқа асбобларига бағишланган бўлиб, ўн тўртта чолғу асбоби тўғрисида маълумот беради. Унда уд (барбад)нинг торлари, пардалари ва бошқа қисмлари ҳамда созланиши таърифланади. Шунингдек, баъзи чолғу созларига ҳамшарҳ берилган. Чунончи, орган чолғусини қуйидагича шарҳлайди: орган – юнонлик ва Румнинг (мусиқа) асбоби. Буйвол (қора мол) терисидан ишланган, бир – бирига уланган катта уч чарм меш – босқон бўлиб, ўртадагисининг бошига катта меш – босқон ўрнатилади, ва унга туйнукчалари маълум нисбатда жойлашган мис найчалар маҳкамланади ва улардан созанда истаги бўйича ёқимли қувноқ ва ҳазин товушлар чиқаради [5, 62-64]. У чанг созига ўхшаш юнонлик ва римликларнинг чолғу асбоби – шалйак, Эрон ва Хуросон халқлари орасида кенг тарқалган–рабоб, Ирок халқининг торли мусиқа асбоби – мизафа, дамли чолғулардан най, сурнай, торли мусиқа асбоблари чанг, шохруд каби чолғуларга кенг қамровли маълумотлар беради.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий ижодини ўрганиш билан биз Ўрта аср мусиқа санъати тарихи, назарияси ва мусиқа чолғулари тўғрисида анчагина маълумотларга эга бўлишимиз мумкин.

Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла, Абу Абдуллоҳ Хоразмий томонидан асос солинган Шарқ мусиқа илмини Сафиуддин Урмавий, Кутбиддин аш - Шерозий, Абдулқодир Мароғий, Абдураҳмон Жомий, Занулобиддин Ҳусайний, Нажмиддин Кавкабий, Дарвешали Чангий каби алломалар давом эттирганлар. Жумладан, таниқли мутафаккир уд созининг моҳир ижрочиси Сафиуддин Урмавий (1216 йилда Озарбайжоннинг Урмия шаҳрида туғилган, 1294 йилда вафот этган) ўзининг "Тақводорлик китоби"да уд созининг беш жуфт тори, торларининг пастки йуғони **бамм,** иккинчиси **маслас,** учинчиси **масно,** тўртинчиси **зир** ва ўткир баланд товушга эга бўлган бешинчисини **қадд** деб номланишини айтиб, шундай таъриф беради. "Билгинки, чолғу асбоблари ичида уд деб аталувчиси энг машҳур ва энг замонавийдир." Уд сози туғрисида Абдураҳмон Жомий (XV аср) "Мусиқа ҳақида" рисоласида фикр билдириб, бу чолғудан таралаётган мусиқа ҳар бир тингловчига чуқур руҳий ва маънавий таъсир этади – деб эътироф этади. Дарвешали Чангий эса мизробли чолғулар оҳангига кўра удни чолғулар шоҳи деб атаган. Унинг жуфт созланган ўн икки тори бўлган у Форобий давридаги дастлабки уд созидан анча фарқ қилган. Уд асбоби кейинги асрларда ҳамда улуғ сиймолар – Низомий, Жомий, Навоий, Деҳлавийларнинг асарларида ҳам тасвирлаб ўтилган. Юкорида айтиб ўтилган таърифлардан кўриниб турибдики, уд сози ҳозир ҳам ўзбек миллий чолғулари орасида энг сарасидир.

Абдуқодир Мароғий (тахм. 1340 - 1435) Озарбайжоннинг Мароғ шаҳрида туғилган бўлиб, умрининг кўп қисмини Самарқандда Амир Темур саройида, сўнгра кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзо ва набираси Халил Султон Мирзолар саройларида серқирра санъати - бастакорлик ҳамда чанг, чағона, ажабруд, рабоб ва уд созларининг моҳир ижрочиси сифатида хизмат қилиб элга танилади. У ўзининг мусиқий рисолаларида чолғу асбобларига таъриф бериб, уларнинг созланиш йўлларини кўрсатиб беради ва мусиқа ҳақидаги таълимотни ривожлантириб, камончали етти торли ғижжак борлиги тўғрисида фикрлар билдиради. Шунингдек, Ал - Ҳусайн (XV аср) эса Марказий Осиё халқлари орасида машҳур бўлган икки торли мусиқа асбоби - дутор тўғрисида, эронлик мусиқа назариётчиси Қутбиддин аш - Шерозий (1236 - 1311) ўз рисоласида камончали танбур ва уд ҳақида ажойиб маълумотлар билдириб, инсон овозини мусиқа чолғулари ичида энг ёқимлиси деб таърифлайди.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида Бухорода яшаб ижод этган аллома, моҳир созанда, мусиқашунос олим Дарвешали Чангий ўзининг "Рисолаи мусиқий" асарида мусиқа чолғулари танбур, чанг, қонун, барбат, чағона, уд, руд, рубоб, дутор, қобуз, ғижжак, шэманэ (мусиқор), сетор, сантур, найанбон, шамома, руҳафзо, кунгура, ишратангез каби мусиқий созлар тўғрисида таъриф беради, чолғуларга пардалар боғлайди ва уларга ипакдан торлар тортиб созларнинг овоз тусини яхшилайди. Най эса қадимий дамли чолғулардан бири сифатида эътироф этилади. У ўша давр мусиқа чолғуларидан танбур, чанг, қонун, уд, рубоб, қобуз ва ғижжак каби созларни халқ орасида кенг тарқалган чолғулар эканлиги ва ҳар бир чолғунинг моҳир ижрочилари ҳам тилга олинади [6, 16]. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Дарвешалининг айтган фикрлари шуниси билан эътиборга лойиқки, у юқорида қайд этилган чолғулар даврлар ўтиши билан авлоддан-авлодга ўтиб, таъмирланиб, сайқал топиб Шарқ мамлакатларида, айниқса, Марказий Осиёда, жумладан,

Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа республикаларда ҳозирги кунларда ҳам халқларнинг мусиқа санъатидан муносиб ўрин олиб, уларнинг маданий ҳаётида ишлатилиб келинмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг асарларида мусиқий чолғулар, ўша даврдаги маданий муҳит ҳақида тарихий маълумотлар етарлича берилган. Лекин чолғуларнинг техник ва бадиий имкониятлари тўғрисида жуда кам фикрлар билдирилган.

Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Мансур ибн Зайла, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Сафиуддин Урмавий, Абдулқодир Мароғий**,** Дарвешали Чангий ва бошқа алломаларнинг мусиқага бағишлаган рисолалари барча чолғуларни мукаммал ўрганишда келажак авлод учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

**Хулоса**. Демак X-XVII асрлардаги санъат ёдгорликларида берилган маълумотларни, бадиий асарлардаги мусиқа чолғулари ифодаларини, китоб миниатюраларидаги чолғулар тасвирини ўрганиб шундай хулосага келиш мумкинки, мусиқий чолғуларнинг тарихи жуда қадимий бўлиб, улар эрамиздан олдинги III ва эрамизнинг IV асрларида пайдо бўла бошлаган. Мазкур созлар тарихини ўрганиш эса, асосан, араблар истилосидан кейин, хусусан, ўрта аср ва ундан кейинги даврда ривожлана бошлаган. Бунда Шарқ мутаффакир олимларининг ҳиссаси жуда катта бўлган. Шундай қилиб, Марказий Осиё халқларининг миллий созлари ўзига хос пайдо бўлиш тарихига эга бўлиб, бу жараён илдизлари қадим мозийдан бошланганлигининг гувоҳи бўламиз.

## Адабиётлар

1. Абдуллаева С. Современные азарбайжанские музыкальние инструменты. –Боку, 1984.-135стр.

2. Беляев.В.М. Музыкальные инструменты Узбекистана - М.: "Музгиз", 1933. - 131 стр.

3. Кароматов.Ф. Узбекская инструментальная музыка. -Тошкент: "Гафур Гулям", 1972. - 360 стр.

4. Матякубов О. Мақомот. –Тошкент: "Мусиқа", 2004. - 400 бет.

5. Орипов З. Шарқ мусиқий манбашунослиги (X-XIасрлар). –Т.: "Фан ва технология", 2008. - 160 бет.

6. Семёнов А.А. Среднеазиатский трактат по музыке Дарвиши Али (XVII век). -Т.: Изд. во АнУз ССР, 1946 г.-716 стр.

7. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. (Нашрга тайёрловчи Каримбек Ҳасан). -Тошкент: "Фан", 1993. - 56 бет.

8. Ҳамидов Ҳ. – Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. -Тошкент: "Ўқитувчи", 1996. -176 бет.

9. Турсунов С. Миллий тикланиш газетаси, 2010 йил, 12 май

10. Одилоа А. Ўзбек халқ ижрочилик тарихи. -Т.: "Ўқитувчи", 1995.- 128 бет.

**Рустам РАХИМОВ**
Бухарский государственный университет
научный исследователь музыкальной кафедры

# ФОРМИРОВАНИЕ МУЗЫКАЛЬНЫХ ИНТЕРЕСОВ И СПОСОБНОСТЕЙ И ИХ ВЫЯВЛЕНИЕ В СЕМЬЕ (ВЗАИМОСВЯЗЬ МУЗЫКАЛЬНОЙ ШКОЛЫ И СЕМЬИ)

*Формирование личности начинается в семье, где закладываются основы интересов и способностей человека, его отношение к труду, моральным, идейным, культурным и музыкальным ценностям и их достижению. Именно поэтому общество заинтересованно в прочной, духовно и нравственно здоровой семье. Исходя из этого, наше правительство проводит линию на укрепление семьи, оказание ей помощи в выполнении социалистических функций, воспитании детей, на улучшение материальных, жилищных и бытовых условий семей с детьми.*

*Придавая важное значение проблеме усиления влияния музыкальных школ на процесс нравственно-эстетического воспитания подрастающего поколения, наши исследования требуют обоснования общихтенденций, перспективы развития взаимосвязи семьи и музыкальных школ с учетом исторически сложившихся региональных, национальных особенностей, целенаправленно стимулировать семейные формы, методы и средства, выявление музыкальных интересов и способностей детей.*

***Ключевые слова: метод, исскуство, технология, пение, музыки.***

*The formation of personality begins in the family, where the foundations of the interests and abilities of a person, his attitude to work, moral, ideological, cultural and musical values and their achievement. That is why society is interested in lasting, spiritually and a morally healthy family. Based on this, our government pursues a line of strengthening the family, helping it to fulfill socialist functions, raising children, and improving the material, living and living conditions of families with children.*

*Attaching great importance to the problem of increasing the influence of music schools on the process of moral and aesthetic education of the younger generation, our research requires substantiation of general trends, the prospects for the development of the relationship between the family and musical schools, taking into account the historically established regional, national features, purposefully stimulate family forms, methods and means, identify musical interests and abilities of children.*

***Key words:*** *metod, art, technology, singing, music.*

*Шахсни шакллантириш инсоннинг қизиқиш ва қобилиятлари, меҳнатга муносабати, ахлоқий, ғоявий, маданий ва мусиқий қадриятлар ва уларга эришиш асослари қўйилган оилада бошланади. Шу сабабли жамият мустаҳкам, маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом оиладан манфаатдор. Шунга асосланиб, ҳукуматимиз оилани мустаҳкамлаш, унинг социалистик вазифаларини бажаришга ёрдам бериш, фарзанд тарбияси, фарзандли оилаларнинг моддий, уй-жой, турмуш шароитини яхшилаш сиёсатини олиб бормоқда. Мусиқа мактабларининг ёш авлодни ахлоқий ва эстетик тарбиялаш жараёнига таъсирини мустаҳкамлаш муаммосига катта аҳамият бериб, тадқиқотимиз тарихий ривожланган минтақавий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, умумий тенденцияларни, оила ва мусиқа мактаблари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истиқболларини асослаб беришни талаб қилади.*

***Калит сўзлар:*** *усул, санъат, технология, қўшиқ, мусиқа.*

Теоретическое обоснование путей и социально-педагогических условий решения повышения уровня нравственно-эстетического воспитания учащихся в музыкальных школах Узбекистана является  важной научной проблемой нашей работы. Свои решения мы на методологической установке в программе и материалах нашего государства где указывается на необходимость углублять взаимодействие семьи, школы, трудового коллектива, повышать ответственность родителей за воспитание детей.

На основе научного осмысления преемственности исторического прошлого и того нового, что утверждается в воспитательном процессе на современном этапе, важно раследить влияние реформы средней школы и музыкальных школ, как другие звенья системы комплексного воспитания подрастающего поколения. Именно семья является одним из существенных факторов совершенствования общества, комплексного воспитания подрастающего поколения. Поэтому так важно повышать воспитательный потенциал семьи, ее социальную активность во всех сферах жизни нашего общества, усилить внимание родителей на формирование музыкальных интересов и

способностей детей. С точки зрения нравственно-эстетического воспитания детей в основных направлениях реформы общеобразовательной и профессиональной школы записано, "Родители призваны воспитывать детей в духе уважения и любви к труду, подготавливать их к общественно-полезной деятельности, приучать к порядку, дисциплине , соблюдению норм жизни общества, заботиться об их физическом развитии и укреплении здоровья, создавать необходимые условия для своевременного получения ими общего среднего и продессионального образования, своим отношением и к труду и к общественным обязанностям показать детям пример во всем.

Рост духовного потенциала нашего общества обуславливает необходимость всесторонней длительной подготовки молодежи к выполнению различных социальных ролей, накоплению опыта общения, разумному использованию материальных и духовных ценностей. В этой связи возрастает значение семейного воспитания, как влияющего фактора закладывания духовных, эмоционально-нравственных основ в формировании личности.

Семья представляет собой преимущественно- социально-нравственный характер воздействия формирования личности. В силу этого она имеет определенное воздействие и на формирование у детей чувства музыкальных, нравственных, эмоциональных качеств. В семейном воспитании велика роль объективных и субъективных факторов.

К первым относится по содержанию основ нашего исследования: уровень материального благосостояния семьи, характер использования доходов, обеспеченность жильем, детскими дошкольными спортивно-музыкальными и другими учреждениями, имением в семье музыкальных инструментов, как фортепиано, рубоб, дутар, доира и др.

Социологические исследования показали, чем выше музыкальное образование родителей, тем более разнообразны совершеннее методы привития к детям нравственно-эстетические вкусы. Родители направляют музыкальные интересы детей не только советом, одобрением, беседами, рассказами, обменом мнениями, но и личным примером музыкальных склонностей, а также широким привлечением детей к музыкальной школе, покупкой музыкальных инструментов, контролем репертуара своих детей, соблюдением физиолого-гигиенических условий и распорядка будущего музыканта. Интерес детей к занятиям родителей и их совместное музыкальное общение укрепляет дружеские отношения между ними.

От матери и отца, от старших братьев и сестер ребенок получает сведения о нормах межличностных отношений музыкантов. По нашим многолетним исследованиям, нам цзвестно, что семья объединяет людей, различных возрастов, различным опытом и профессий. Несмотря на это преобладающим является фактор чуткости к проявлению музыкальных дарований и способностей, музыкальному таланту одного из членов семьи.

Примером этому служат следующие факторы отдельных семей:

Из вышеизложенных примеров видно, что интерес детей к занятиям родителей укрепляет дружеские отношения между ними и профессиональную направленность детей, которые особенно чувствуются при формировании интересов и музыкальных способностей.

От матери и отца, старших братьев и сестер ребенок получает сведения о музыкальных инструментах и о том, что есть школы, занимающиеся подготовкой специалистов музыки и получают впервые представления о музыкальной профессии. Кроме того, семья объединяет людей различных по возрасту, опыту и профессии, чем богаче жизненный и социальный опыт членов семьи, выше культура взаимоотношений, тем сильнее семья связана с музыкальной школой и направляющей идеей, выявление интересов детей к музыке. Кроме того, взаимная любовь родителей друг к другу, к детям, уважение формирует глубокие нравственно-эстетические чувства.

Повышение нравственно-эстетического уровня, музыкальных способностей родителей способствует укреплению связей взаимовлияния музыкальных школ и семьи. Выявление музыкальных способностей и интересов детей приобретает большой размах и становится результативным при случае, если музыкальная школа уважительно относится к семейной традиции музыкантов, использует ее ценности, родительский авторитет для систематизации привлечения способных детей к деятельности музыкальных школ.

**Использованная литература:**

1. Мадримов Б.Х. Представление учителя музыкальной культуры о педагогическом творчестве и педагогической технологии // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 29-32.

2. Холиков К.Б. Музыкальная педагогика и психология // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 54-57.

3. Норова Ш.У. Взаимозависимость социальной среды и образовательного процесса и их влияние на личность студента // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 40-43.

4. Миршаев У.М. Музыкально-эстетическое воспитание и современные требования к учителю музыки // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 44-47.

5. Ражабов Т.И., Ибодов У.Р. Обеспечение национального наследия в обучении песням бухарского детского фольклора на уроках музыки // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 51-54.

6. Хидиров А.А. Методика и принципы музыкальной педагогики // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 63-66.

7. Шамсиев Ш.И. Формы организации музыкального общения // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 67-70.

8. Мухамедов Т.Д. Способы направления студентов на информационные технологии // Вестник науки и образования. №21 (97), 2020, часть 2, С. 70-73.

9. Алаева З.М. Педагогика как наука и искусство воспитания // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 74-77.

10. Атамурадов Р.Э. Педагог музыкальной культуры – это понятие о педагогическом творчестве и педагогической технологии // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 77-80.

11. Гулов С.Н. Музыки и её воздействие на психическую деятельность человека // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 85-88.

12. Ражабов А.Ш. Дирижирование, хор и управление им // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 108-111.

13. Ramazanova U.Kh., Rakhmatova M.O. Social norms, sanctions and personality // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 111-114.

14. Хасанов Х.Р. Культура и искусство в эпоху Амира Темура и темуридов // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 115-118.

15. Rahmatova M.O., Tosheva D. Theory and methods of musical educational of children // Вестник науки и образования. № 21 (97), 2020, часть 2, С. 52-53.

16. Rakhmatov N.E. Problems of Creative Approach in The Pedagogical Activity of Future Music Teachers // The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2 (09), 2020, pp. 855-963.

17. Рузиев Д.Ю. Некоторые психологические особенности развития навыков игры на инструменте и подпевания // ACADEMY. 54:3 (2020), С. 640-647.

18. Мадримов Б.Х. Развитие музыкальной культуры в Средней Азии // Педагогическое образование и наука, 2017, №2, С. 138-139.

19. Норова Ш.У., Наимов Т.Дж. Воспитательное значение классических музыкальных произведений в образовании студентов // ACADEMY. 56:5 (2020). С. 55-57.

20. Нуриллаев Ф.Г., Нурилаева Н.К. Роль Фольклорных песен в воспитании учащихся // Проблемы педагогики, 2020, С. 15-17.

21. Миршаев У.М., Миршаева Д.А. Роль народных песен в нравственном воспитании учащихся // Проблемы педагогики, 2020, С. 6-7.

22. Каримов О.И. Значение специфических особенностей и воспитательных возможностей узбекских народных инструментов // Academy, 2020. С. 78-80.

23. Madrimov B., Uzakova (Nayimova) M.A. About the voice songs of the Chulpan // Theoretical & Applied Science. 4 (84), 2020, pp. 434-437.

24. Ражабов Т.И. Тематическая классификация узбекской детской народной музыки и игр // Наука, образование и культура, 2020, С. 61-63.

25. Dustov S.D. The history of the Emergence of National Musical Instruments // International Journal of Psychosocial Rehabilitation. 2020, pp. 7125-7130.

26. Ramazonova U.H., Sayfullaeva O. Makom art is a priority in the musical culture of Uzbekistan / Проблемы педагогика. № 2 (47), 2020, С. 87-88.

27. Yarashev J. Artistic and Aesthetic Features of “Buchor” Tune // Eastern European Scientific Journal. 2019, pp. 118-122.

28. Rajabov A. The development of music and instrumental performance in Central Asia // International Journal of Applied Research. 6 (5), 2020, pp. 95-97.

**Нодиржон КАМБАРОВ**
Наманган давлат университети ўқитувчиси
айкидо бўйича спорт устаси

# ШАРҚ ЯККАКУРАШЛАРИДА БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Ушбу мақолада шарқ яккакурашлари инсон соғлиги ва баркамоллигида муҳим аҳамият касб этиши ҳақида фикр юритилган. Шарқ яккакурашлари инсонни жисмонан, руҳан, маънан ва эстетик руҳда тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Мақолада баркамол шахс тарбиясида жанг санъатларининг ўрни муҳимлиги ва устувор йўналишлари назарда тутилган.*

***Калит сўзлар:** жанг санъати, баркамол шахс, жисмонан, руҳан, маънан ва эстетик, амалий вазифа, тарбиявий фазифа, интелектуал, тана ва руҳ.*

*В этой статье обсуждается важность индивидуальной борьбы восточных единоборств для здоровья и благополучия человека. Восточные единоборства играют важную роль в воспитании физического, умственного, духовного и эстетического. В статье рассматривается важность и приоритеты роли боевых искусств в воспитании гармонично развитого человека.*

***Ключевые слова:** боевые искусства, совершенная личность, физическое, умственное, духовно-эстетическое, практическое задание, воспитательная функция, интеллектуальное, тело и душа.*

*This article discusses the importance of individual martial arts combat to human health and well-being. Oriental martial arts play an important role in educating people physically, mentally, spiritually and aesthetically. The article examines the importance and priorities of the role of martial arts in the upbringing of a harmoniously developed person.*

***Key words:** Martial arts, perfect personality, physical, mental, spiritual and aesthetic, practical task, educational function, intellectual, body and soul.*

**Кириш**. Ҳар бир одам соғлом бўлишга ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ҳаракат қилмоғи лозим. Соғлом бўлиш учун эса тоза ҳаво, витаминларга бой озуқа, яхши психологик муҳит ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб бориш керак. Бемор бўлмаслик учун эса унинг олдини олиш зарур. Инсон саломатлигида бадантарбиянинг ўрни жуда муҳим бўлиб, бизга жисмоний ва руҳий қувват олишга кўмаклашади. Буюк ўзбек табиби Абу Али ибн Сино ҳам инсон саломатлигида бадантарбияни олдинги ўринда туришини таъкидлаган.

Жисмоний тарбия, яъни спорт билан шуғулланиш инсонда фаъол ҳаракат, қон айланишининг фаоллашуви, кучли иммунитет, бўғимларнинг ҳаракатини яхшилашга сабаб бўлади. Шарқ яккакурашини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда фаолиятни мақсадли бошқаришни таъминловчи “техник маҳоратни шакллантириш”, ўзи билан атроф оламни уйғунлаштирувчи “шахсни ўзини ўзи камол топтириш”, хулқ-атворни тартибга солишга кўмаклашувчи “ахлоқий ва инсонийлик сифатларни мустаҳкамлаш”, поклик, дўстлик, ғазаб ва нафратни чеклаш, тўғри билан нотўғрини фарқлашни шакллантирувчи “ахлоқий-этикавий сифатлар” каби етакчи тамойилларига доир илмий янгилик умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия дарслари ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спорт тўгараклари машғулотлари мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 02-01/1-3-1380-сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 01-07-08-666-сон маълумотномалари). Натижада болаларни психологик ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш вазифаларини амалга оширишда хизмат қилади, пай ва мускулларнинг яхши ривожланишида муҳим омил бўлиб хисобланади.

Қадимдан инсонлар жисмоний, руҳий, эстетик ва маънавий камолотга интилиб келганлар. Ушбу камолотни энг муҳим омил деб ҳисоблаганлар. Доимо жисмоний бақувват, руҳан тетик, эстетик, маънан гўзал бўлишда турли омил, усуллардан фойдаланганлар. Тана ва руҳни чиниқтириш учун турли машқларни бажарганлар. Шунинг натижасида тана ва руҳ уйғунлигига эришганлар. Инсонлар қадимдан жанг санъатлари билан ҳам шуғулланиб келганлар. Бу жанг санъатлари аста-секин ривожланиб, сайқалланиб яккакурашлар санъати даражасига кўтарилди ва айниқса шарқ мамлакатларида ривожланди. Булар шарқ яккакурашлари ва жанг санъатлари деб аталди. Энг аввало, соғлом бўлиш, тана ва руҳни чиниқтиришга инсонлар ҳаракат қилганлар. Инсон қиндаги қиличга

ўхшатилади. “Тана бу қиндир, жон эса қилич” - деган эди Абу Райҳон Беруний. Инсонда икки ҳил тана мавжуд бўлиб, жисмоний ва астраль танадир. Шу боис тана ва руҳни чиниқтириб бориш лозим. Бу орқали жисмоний ва руҳий имкониятларга эришилади. Турли жисмоний машқлар орқали инсон танаси соғ ва кўркам бўлади. Шу билан бирга, жисмоний машқлар орқали руҳий тетикликка, яъни ўз кучига ишониш, яхши кайфият, қониқиш, идрок, тафаккур, диққат, сезги, ҳис қилишга эришилади.

**Асосий қисм.** Шарқ яккакураши – бу шундай йўлки, унда инсон бутун умри мобайнида ўз танасини чиниқтириб, руҳини мустаҳкамлаб, ўзидаги янги қобилият ва имконият қирраларини очишга интилади. Маънавий етук шахс бўлиб камол топади. Жумладан, Шарқ яккакураш турларидлан бўлган “Каратэ-до”. “Айкидо”, “Таэквондо”, “Дзюдо”, “Кураш”, “Муайтай”, “Кендо”, “Ияйдо”, “Хапкидо”, “Кикбоксинг”, “Пенчак силат”, “Кунгфу”, “Калирапаяту”, “Сават”, “Ўзбек жанг санъати” инсонларга нафақат зарба бериш маҳоратини, балки ўзини ҳимоя қилиш санъатини ўргатади. Қолаверса, жанговар услуб ва стратегияни мустаҳкамлаш, олам ва одам ўртасидаги уйғунлик – гармонияни идрок этган ҳолда инсонда онгли тарзда ўз ҳаёт тарзини ўзгартириш имкониятини яратади. Бу каби интилишларнинг асосида қисман инсоннинг ўз табиатидан, қисман эса яккакураш усталари асос солган усул ва мактаб анъаналари томонидан вужудга келади.






Мамлакатимизда Шарқ яккакурашининг мазкур турлари мустақилликдан сўнг мисли кўрилмаган даражада ривож топди. Бугунги кунда спортнинг бу турлари билан шуғулланувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Зеро президентимиз “Мамлакатимизда ривож топаётган каратэ, айкидо, кикбоксинг, муайтай ва таэквандони оласизми, мураббийлар бу спорт турларига қабул қилишдан аввал ёшларни текшириб кўради. Яъни, биринчи галда шу болада одамийлик, инсонпарварлик, ўз рақибини ҳурмат қилиш каби хислатлар борми, деган саволга маълум бир мезонлар орқали жавоб топишга ҳаракат қилади. Фақат шундай синовдан ўтгандан кейингина бола машғулотга қабул қилинади. Эътиборли томони шундаки, бундай болалар ҳеч қачон кўчада одобсизликка бориб, кучини намойиш қилмайди, нега деганда, унинг ички дунёсига спорт орқали янгича қараш, янгича инсоний ҳиссиётлар киради” - дея таъкидлаган эдилар.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, шарқ яккакурашларини ўргатишнинг долзарблигини қуйидагилар билан белгилаш мумкин:

Биринчидан, замонавий жанг санъатларининг муҳим муаммоларидан бири шарқ яккакурашлари билан шуғулланувчиларнинг оптимал маҳоратини ошириш усулларини излаш ва уни амалда тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, шарқ яккакурашлари усуллари бир-биридан мазмуни ва моҳиятига кўра фарқ қилади. Уларни фалсафий жиҳатдан ўрганиш долзарб масалалар сирасига киради.

Учинчидан, шарқ яккакурашлари билан дунёда миллионлаб одамлар шуғулланишади ва ўзларининг жисмоний ривожланиш, саломатликларини мустаҳкамлашлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари, қолверса, ўз-ўзини ҳимоя қилиш мақсадида шуғулланадилар. Унинг ахлоқий жиҳатлари ҳам шахс камолотида муҳим ўрин тутади.

Тўртинчидан, шарқ яккакурашлари вакиллари фақат етук спортчи ва спорт усталарини тайёрламайди, балки – бу руҳий тарбия, ҳаёт қийинчиликларни енгиб ўтишга даъват этади. Бу эса шарқ яккакурашлари стратегик санъат воситаси сифатида уларнинг келажакдаги камолотини таъминлайди. Зеро, бирон бир сабабга кўра ушбу шарқ яккакурашлари тури билан шуғулланмай қўйган бўлса ҳам, бу унда сингдирилган руҳий ва жисмоний таълим инсонларга бутун умр мобайнида - ишда, дам олишда, кундалик ҳаётдаги турли қийинчилик ва сўқмоқ йўллардан мағрур тарзда чиқиб кетишга ёрдам беради. Ҳар бир курашчи ҳалол, меҳнатсевар, интизомли, иродали, ватанпарвар, яхши дўст, яхши шогирд, яхши устоз бўлиши лозим.

Жанг санъати билан шуғулланувчи ўзгаларга озор бермаслиги, аксинча, кучсизларга ёрдам бериши керак. Жанг усулларидан эса фақат ҳимояланиш учунгина фойдаланилади ва бу жанг санъатининг энг муҳим тарбиявий жиҳатидир. Устоз ва шогирдлар ўртасида ҳам тарбиявий жиҳатлар бўлиши даркор. Шогирдларнинг устозга бўлган чуқур ҳурмати ва содиқлиги, устозни отадек кўриши,

унинг кўрсатмалари, ўгитларига амал қилиши, унингдек бўлишга ҳаракат қиладилар. Устоз–шогирд анъаналарининг давом эттирилиши, ўз жанг санъатини пухта ўрганиш, унинг ривожига ҳисса қўшиш ва келажак авлодга етказишдек муҳим вазифалар амалга оширилади.

Шарқ яккакурашчиси кучсизларга ёрдам бериш билан бирга, ватан ҳимоячиси ҳамдир. Яхши шуғулланган жангчи ўз ватани, оиласи, кучсизларни ҳимоя қила олади ва бунга қодир бўлади.

Яккакурашлар билан шуғулланаётган ҳар бир ўғил-қиз мусобақаларда ўз юрти шаънини ҳимоя қилади ва кўкларга кўтаради. Ватанини дуёга танитишда ўз кучини аямайди. Спортчи маънавияти бу бир-бирига ҳурматдир. Шарқ яккакураши кўполлик, жароҳатлаш, дилозорлик қуроли эмас, санъат, балки, ўзаро ёрдам, тинчлик воситасидир. У инсонларга мулоқот қувончи, ғалаба нашидаси, ғурур ва ифтихор туйғуларини ҳадя этибгина қолмай, инсон, ҳудуд ва мамлакат ғалабаси учун уларнинг қувончига шерик бўлиб, мағлубият аламини ҳам бирга ҳис қилиш имконини беради. Шунинг учун ҳам шарқ яккакурашлари кўплаб мухлисларга эга.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Шахсни баркамол этиб тарбиялаш. Шарқ якка курашлари масаласини йўлга қўйишда инсон ҳаётини ҳам жисмоний, ҳам руҳий чиниқтириш усуллари орқали инсонларга жанг санъатларининг асл фалсафий-педагогик, эстетик, маънавий моҳиятини очиб беришдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар ишнинг асосий вазифалари сирасига киради:

• шарқ яккакурашларида руҳий ва жисмоний чиниқишнинг шахс камолотидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш;

• яккакураш ҳақида инсонлар онгида, айниқса, ёшларда жисмоний соғломлик, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

• яккакурашларнинг бир неча асрлардан буён авлоддан–авлодга ўтиб келаётган анъаналари, тарихи, устоз-шогирд муносабатлари, унинг ривожи ўзига ҳос хусусиятларини очиб бериш ва унинг инсонпарвар моҳиятини илмий таҳлил қилиш.

Япония, Корея, Хитой, Тайланд, Хиндистон ва Европанинг бир қатор давлатларида турли спорт турлари ва яккакураш билан доимий шуғулланадилар. Уларда шундай гап бор: мени ёшим ўтиб бормоқда энди спорт билан янада яхшироқ шуғилланишим, яхши коллорияли овқатлар истеъмол қилишим керак. Бизда эса, ёшим ўтди спортнинг менга нима кераги бор деган тушунчалар бор. Фаолиятни асосан, кўп овқатланишга қаратишади. Шунинг учун семизлик, қон босимининг ортиши, юрак хасталиклари, қандли диабет, хотиранинг сусайиши каби кўплаб касалликлар билан хасталанишади.

Саломатликни мустаҳкамлаш учун бўш вақтни ташкил қилиш, инсоннинг жисмоний баркамоллиги, омманинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва инсонларнинг ўзаро мулоқотда самимийлиги каби ижтимоий қадриятлар, тамойиллар, идеалларни намоён қилишда шарқ яккакурашларининг ижтимоий мақоми юқоридир.

Жамоатчиликнинг жанг санъати машғулотларига бўлган қизиқиши инсонларнинг жисмоний баркамоллашуви доирасидан ташқарига ҳам чиқади. У инсонларга мулоқот қувончи, ғалаба нашидаси, ғурур ва ифтихор туйғуларини ҳадя этибгина қолмай, инсон, ҳудуд ва мамлакат ғалабаси учун уларнинг қувончига шерик бўлиб, мағлубият аламини ҳам бирга ҳис қилиш имконини беради. Шунинг учун ҳам шарқ яккакурашлари кўплаб мухлисларга эга. Жанг санъатлари юксак амалий аҳамиятга эга бўлиб, у билан шуғулланувчилар мураккаб касбларни ҳам осон ва тез ўзлаштириш ҳамда меҳнатда юқори унумдорликка эришишга муваффақ бўладилар. Жанговар вазиятда юқори жисмоний тайёргарлик даражаси ҳамда жанг санъатлари кўникмалари ёрдам беради.

Шундай қилиб, жанг санъатини нафақат алоҳида инсонларни, балки бутун жамиятнинг идеаллари ва талабларини қондирувчи ҳамда жисмоний ва маънавий уйғунлашувни шакллантирувчи восита сифатида ўрганиш мумкин.

Шарқ якка курашлари машғулотларида жисмоний таёргарликка катта эътибор берилади. Жисмоний машқлар жангчининг кучли бўлиб етишишида муҳим роль ўйнайди. Шарқ яккакураши машғулотларининг ўқувчилар шахси шаклланишига самарали таъсирини таъминловчи “босқичма босқичлик”, “чидамлилик”, “изчиллик”, “етарлилик”, “дифференциациялашганлик, “куч”, “реакция-куч”, “координациялаш қобилиятларини ривожлантириш” каби компонентларни шакллантиради. Буни қуйидаг фотосуратларда кўришимиз мумкин.

  

Жисмоний билимлар асосчиси П.Ф. Лесгафт кўрсатганидек, ақлий ва жисмоний ривожланиш бир-бири билан узвий боғлиқ. Ақлнинг ўсиши ва ривожланиши ўз навбатида жисмоний ривожланишни тақазо қилади. Жисмоний тарбиянинг вазифаси шунда муваффақиятли ҳал қилинадики, шуғулланувчилар жисмоний машқларни онгли равишда тушуниб бажарсалар ёки улар спорт машғулотларига қизиқиб, ташаббус кўрсатиб ижодий ёндашсалар, организмда ҳаракат малакаларининг тўғри шаклланиши, функционал қобилиятларининг ривожланиши учун умумий махсус билимларга таянишлари лозим бўлади. Жисмоний тарбияда ёки спортда иқтидорни очиш шуғулланувчида умумий жисмоний ривожланганлик ва тайёрланганлик ҳамда соҳа бўйича чуқур малакавий билимларга эга бўлиш, бош мия, мускуллар фаолиятидан фойдаланиш кўр-кўроналикка йўл қўймасликни талаб қилади.

Шарқ яккакураши устаси Брюс Лидан машғулотлар бўйича 5 маслаҳат:

1. Ҳар куни машқ қилинг. Ҳар куни машқ қилиш учун имконият топишингиз керак. Иложи бўлса, ҳар доим пиёда юринг. Агар машинада бўлсангиз, уни белгиланган манзилдан бир ёки икки мавзе нарироққа қўйинг. Лифтдан фойдаланманг. Зинадан кўтарилганингиз яхшироқ. Ўз мувозанатингиз билан мунтазам машқ қилинг. Буни амалга ошириш учун сиз вақти-вақти билан битта оёқда туришингиз керак. Буни кийим-кечак ёки пойабзал кийиб ҳам қилишингиз мумкин.

2. Куч ва қувватни ривожлантиринг.

Агар инсон куч ва қувватга эга бўлмаса, шуғулланилган техникалар фойдасиз. Шунинг учун куч-қувватни ривожлантириш ва сақлаш жуда муҳимдир. Брюс Ли шогирдларидан бири Дэн Иносанто шундай воқеани айтиб берди.

Бир марта Брюс ундан кучли ва қудратли жангчи ўртасидаги фарқ нима эканлигини сўради. Дан нима жавоб беришни била олмади ва шундан кейин Брюс Ли одам кучли бўлиши мумкинлигини айтди, лекин агар у ўз кучини тезда қандай ишлатишни билмаса, демак уни қудратли деб бўлмайди.

3. Вақти-вақти билан ўз қобилиятингиз чегарасига қадар машқ қилинг.

Инсон танаси жуда катта куч ва чидам захираларига эга. Оддий ҳаракатлар у сафга кирмайди. Бундан фарқли ўлароқ, ўз қобилиятига қараб ҳаракат қилиш, тегишли ҳиссий муносабат ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ғалаба қозониш истаги ҳар биримиздаги кучли энергияни бўшатишга имкон беради. Энг яхшисини бериш қобилияти жуда муҳимдир.

Ишланмани ўрнатишни ривожлантириш учун “охиригача” ва тўлиқ қувват билан ишлаш одатдаги ҳолатдан кўра узоқроқ, тезроқ ва қийинроқ ишлаши керак бўлган машқларни бажаришга ёрдам беради. Бундай машғулотларга тайёрлик одатда ғалаба ва натижага эришиш шогирднинг орзу ва ғояларига чамбарчас боғлиқ бўлганда намоён бўлади.

4. Эсингизда бўлсин, ҳақиқий устозда мағрурлик ҳисси йўқ.

Мағрурлик инсонни доимо ўзгаларнинг назарида муносиб кўринишга интилишга ундайди. Бундан ташқари, ғалабалар ва ютуқлар билан ғурурланиш “юзни йўқотиш” қўрқувини келтириб чиқаради. Натижада, инсон аввал хоҳлаган мақомига эришишга интилади, кейин уни сақлаб қолиш учун бутун куч-ғайрат билан ҳаракат қилади. Унинг мақомини ҳимоя қилиш у учун доимий вазифа хавотир ва ташвиш манбаи бўлиб қолади.

5. Олдинга мардларча ўтинг!

Ҳаёт ҳеч қачон тўхтамайди. Оқар сув каби. Агар у тўхтаб қолса, сув айнийди. Ҳаёт – бу доимий ҳаракат қилиш жараёни. Шунинг учун, агар тўсатдан йўлда муаммолар пайдо бўлса, тўхтаманг. Агар муаммо жуда катта бўлса ва танада ёки руҳда излар қолдирса ҳам, олдинга бориш муҳимдир. Негаки, ҳар бир тажриба учун сабоқ. Ҳаёт оқар сувдек давом этади.

Буларнинг барчаси ижтимоий фаол фуқароларни шакллантиришда сезиларли даражада ишчанлик қобилиятини яратишга мезон яратади.

Саломатликни мустаҳкамлаш учун бўш вақтни ташкил қилиш, инсоннинг жисмоний баркамоллиги, омманинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва инсонларнинг ўзаро мулоқотда самимийлиги каби ижтимоий қадриятлар, тамойиллар, идеалларни намоён қилишда шарқ

| 4. | Ихтисослаштирилган йўналишли юкламалар (км) | 0,5 | 0,5 | 1,5 | 0,5 | 3 |
| 5. | УЖТ (с) | 2 | 2 | 2 | 2 | 8 |
| 6. | Ўйин (с) | - | - | - | - | - |

Юқорида қайд этилган дастур таркибий ва меъёрий кўрсаткичлар жиҳатидан йилларда ўрта масофага югуриш бўйича нашр этилган манбааларда йиллик тайёргарлик цикли машғулотлар йўналиши, тайёргарлик даврлари (тайёргарлик, мусобақа, ўтиш) ва босқичлари (УЖТ, МЖТ, МО), ҳафталик микроцикллар ва уларнинг муддатлари жиҳатларидан жиддий ўзгаришлар билан ифодаланмаган. Лекин А.И.Полунин, В.М.Евстратовлар томонидан нашр қилинган дастур бўйича йиллик тайёргарлик циклида машғулотлар кунларининг сони эркаклар учун 350 кун, аёллар учун 340 кун. Машғулотлар сони 700 ва 640, юкламаларнинг умумий ҳажми 4500 ва 4200 км ташкил этишини қайд этган.

Етакчи олимлардан А.И.Полунин, В.М.Евстратовлар таъкидлашича, ўрта масофага югурувчи спортчиларга мўлжалланган йиллик тайёргарлик циклида режалаштирилган машғулотлар юкламалари ҳажми қуйидаги тартибда амалга оширилишини таклиф этишган.

1. Тайёргарликнинг йўналтирувчи босқичи: октябрь ойининг 1-3 ҳафталари;
2. Биринчи базавий босқич: октябрь ойининг сўнги ҳафтасидан январнинг 1-ҳафасигача;
3. Қишки мусобақаолди тайёргарлиги: январь ойининг 2-3-ҳафтасига тўғри келган;
4. Қишки мусобақа даври: январнинг сўнгги ҳафтасидан мартнинг 1 –ҳафтасигача (5-6 ҳафта).
5. Иккинчи базавий мувофиқлаштирувчи босқич: мартнинг 2 – ҳафтасидан майнинг биринчи ҳафтасигача (5-6 ҳафта).
6. Ёзги мусобақаолди босқичи: майнинг 2 – ҳафтасидан июннинг 2 – ҳафтасигача (3-4 ҳафта).

7. Биринчи ёзги мусобақа босқичи: июннинг 3 - ҳафтасидан июлнинг биринчи ҳафтасигача (2-3 ҳафта).

8. Иккинчи ёзги мусобақа босқичи: июл, август (8-10 ҳафта).

9. Ўтиш даври: сентябр (4-5 ҳафта).

Агар А.И.Полунин томонидан берилган режалаштириш дастурини В.В. Ивочкин ва Ю.Г.Травин томонидан берилган тайёргарлик дастуридаги кўрсаткичлар билан таққосланса, машғулотларнинг умумий юкламаси 1240 км.га ортганлиги кўзга ташланади. Лекин аэроб йўналишдаги юкламалар - 34 км.га, аралаш - 1211 км.га, анаэроб 113 - км.га, УЖТ 15 соатга, МЮМ - 25 соатга кўпайтирилган аммо ўйин машқларига алоҳида соат ажратилмаган.

Дастурдан кўриниб турибдики, машғулот юкламалари умумий ҳажмининг ортганлиги, асосан, аралаш йўналишдаги машғулотлар ҳажмининг ошиши билан ифодаланади. Аммо россиялик мутахассис-олимлар томонидан 1986 ва 2009 йилда енгил атлетиканинг ўрта ва узоқ масофаларга югуриш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга жорий этилган дастурларда йиллик тайёргарлик циклига киритилган машғулотлар ҳажми микро, мезо ва макроцикллар бўйича бир-биридан деярли катта фарқ қилмайди. Жумладан, агар 2004 йилдаги дастурда йиллик машғулотлар юкламасининг умумий ҳажми 3260 км.ни ташкил этган бўлса, 2009 йилда жорий этилган дастурда ушбу кўрсаткич 18 ёшли югурувчилар учун 3420 км.гача кўпайтирилган холос. 17 ёшли спортчилар учун йиллик юкламалар 3190 км, 16 ёшлилар учун 2965 км ҳажмида белгиланган.

Жадваллардан шу нарса кузатиладики, агар йиллик юкламалар ҳажми ойлар, даврлар ва босқичлар кесимида таҳлил қилинадиган бўлса, Амалётга жорий этилган дастур кўрсаткичларида сезиларли фарқ қайд этилмайди.

Мазкур тадқиқот иш юзасидан ўтказилган дастлабки ва жорий илмий тадқиқотларга жалб қилинган ЎзДЖТСУнинг 800 м масофага югуриш ихтисослигида таҳсил олувчи талаба-спортчилар учун тайёргарлик мусобақаолди дастури биз томонимиздан ишлаб чиқилди.

**2.1-жадвал**

**Ўрта масофага югурувчи талаба спортчилар қишки мусобақаолди циклида режалаштирилган машғулот юкламалари ҳажмининг тақсимланиши**

| № | ойлар ва ҳафталар / машғулот турлари | Январ | | | | Феврал | | | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | |
| | Умумий юкламалар ҳажми (км) | 35 | 35 | 30 | 37 | 16 | 16 | 17 | 13 | - | 199 |
| 1. | Аэроб режимдаги юкламалар (км) | 29 | 27 | 25 | 28 | 10 | 10 | 12 | 8 | - | 149 |
| 2. | Аралаш режимдаги юкламалар (км) | 2 | 3 | 2 | 3 | 4 | 4 | 5 | 5 | - | 28 |
| 3. | Анаэроб режимдаги юкламалар (км) | 3 | 4 | 2 | 5 | 2 | 2 | 2 | 2 | - | 22 |
| 4. | Махсус югуриш машқлари (км) | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 0,5 | - | 7,5 |

Ушбу дастурда биз ўрта масофаларга югурувчи талаба–спортчиларни кунлик турмиш тарзидаги ва ўқув фаолиятидаги юкламалар (спорт турлари фанлари кесимидаги амалий машғулотлар) инобатга олинган ҳолда машғулот юкламалари режалаштирилди. Ушбу дастурнинг афзаллиги ўрта масофага югурувчи талаба спортчиларни иҳтисослашмаган машқлар ўрнига махсус машқлар тайёргарлик жараёнига тадбиқ этилган. Биз томонимиздан ўрта масофага югурувчиларни махсус жисмоний тайёргарлигини жорий тадқиқотларда аниқлаганимизда қуйидагча шаклланди.

**4-жадвал**

**800 м масофага югурувчи спортчи-талабаларда махсус жисмоний тайёргарликнинг шаклланиш динамикаси ($\bar{x} \pm \delta$)**

| Тестлар | Дастлабки кўрсаткичлар | Тадқиқот давомида | | |
|---|---|---|---|---|
| Югуриш машқлари (сония) | | | t= | P |
| 100 м | 13,03±0,86 | 12,92±0,44 | 0,39 | >0.05 |
| 200 м | 26,54±0,98 | 26,42±0,86 | 0,32 | >0,05 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 400 м | 56,4±1,09 | 56,24±0,98 | 0,38 | >0,05 |
| 600 м | 1.29,4±0.08,0 | 1.29,10±0.11,2 | 0,08 | >0,05 |
| 1000 м | 2.39,0±0.24,8 | 2.38,0±0.19,4 | 0,11 | >0,05 |
| Узунликка сакраш машқлари (см) | | | | |
| Жойдан туриб сакраш | 231,62±4,08 | 234,56±5,12 | 1,56 | >0,05 |
| Жойдан 3 ҳатлаб сакраш | 723,84±6,12 | 730,67±5,66 | 2,84 | <0,05 |
| Жойдан 5 ҳатлаб сакраш | 1266,48±7,44 | 1271,52±6,12 | 1,81 | <0,05 |
| Жойдан 10 ҳатлаб сакраш | 2572,26±9,36 | 2590,34±7,48 | 5,23 | <0,05 |

Бундан шундай мулоҳаза қилиш мумкинки, ўрта масофага югурувчиларда машғулотлар жараёнида махсус югуриш ва сакраш машқларининг қўлланилиши уларнинг спорт натижаларининг юксалишига ҳамда тос-сон-болдир мушакларининг портловчи кучини ривожланишига қолвера оёқлар панжасини букувчи ва ёзувчи болдир-товон мушакларининг яхши ривожланишини таъминлайди билан ифодаланади. Демак, 800 м масофага югуришга (бошқа масофаларга ҳам) ихтисослашган спортчиларни машғулотлари жараёнида уч бўғимни букувчи ва ёзувчи мушакларни бир вақтда ҳамда алоҳида ривожлантиришга мўлжалланган интеграл ва локал таъсир этувчи машқлар асосида шакллантириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Шубҳа йўқки, бундай машқларни мунтазам ва мақсадли тартибда қўллай бориш “портловчи” куч-чидамкорлигининг нафақат “периферик” компоненти (юқорида қайд этилган мушаклар гуруҳлари)ни, балки унинг “марказий” (МАТ, НОТ, ЮҚТ) компонентининг ҳам прогрессив ривожланишига олиб келади ва ушбу вазият ўз навбатида спорт натижаларининг юксалишига таъсир этмай қолмайди.

**Хулоса.** Юқорида ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлили, қуйидаги хулосаларни қайд этиш имконини берди:

- ўтказилган адабиётлар таҳлили бўйича олинган маълумотларда мусобақа олди тайёргарлигига бағишланган илмий тадқиқот ишлари мавжуд бўлсада, аммо улар қисқа масофага югуриш, волейбол ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақа олди тайёргарлигига бағишланган. Ўрта масофага югурувчи талаба спортчиларни мусобақаларга тайёрлашда мусобақа олди тайёргарлик даври бўйича илмий тадқиқотлар қисман ёритилганлиги адабиётлар таҳлили жараёнидада аниқланди;
- ўрта масофага югурувчи спортчиларни мусобақа олди тайёргарлик цикли бўйича ўтказилган тадқиқотда мураббийлар томонидан мусобақа олди тайёргарлиги ўз билганича ўтказилаётганлиги машғулотларни илмий асосда ишлаб чиқилмаганлиги, спортчилар тайёрлаш тизимидаги долзарб муаммолардан эканлиги аниқланди.
- ўрта масофага югурувчи талаба-спортчиларни мусобақаларга тайёрлашда ихтисослашмаган машқлар ўрнига махсус жисмоний тайёргарликни ривожлантирувчи ихтисослашган воситалардан фойдаланиш асосида умумий юкламалар ҳажмини қисқартириш талаба-спортчиларни тос-сон болдир мушакларини ҳамда портловчи кучини ривожлантириш баробарида оёқ панжаларининг букувчи ва ёзувчи мушакларини ривожлантиради, бу эса спортчини махсус куч-чидамкорлигини, “переферик” компонентини, марказий асаб тизимини яхшилашга, организми тикланишига ёрдам беради;
- ўрта масофага югурувчи спортчиларни мусобақа олди тайёргарлик циклида умумий юкламаларни қисқартириш, улар ўрнига ихтисослашган восита усулларини қўллаш уларнинг спорт натижасини юксалишига хизмат қилади.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио (Япония) шаҳрида ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш ҳақида”ги ПҚ-2821-сонли Қарори 2017 йил 9 март.
2. Бондарчук, А.П. Управление тренировочным процессом спортсменов высокого класса / А. П. Бондарчук. – М.: “Олимпия Прес”, 2007. – 272 с.
3. Ивочкин В.В., Травин Ю.Г., Королев Г.Н., Семаева Г.Н. Легкая атлетика: бег на средние и длинные дистанции, спортивная ходьба: Примерная программа спортивной подготовки для детско-юношеских спортывных школ, специализированных детско-юношеских школ олимпийского резерва. – М.: “Советский спорт”, 2009. - 108 с.
4. Полунин А.И. Школа бега Вячеслава Евстратова. Советский спорт. – М., 2013 й. 135 с
5. Солиев И.Р. Қисқа масофаларга югуришда спортчиларни техник тайёргарлик даврида старт реакцияларини такомиллаштиришни таҳлил қилиш. // ФАН-СПОРТГА илмий – назарий журнал. - Тошкент. 2018 йил 2 сон. 56-60 бетлар.

6. Солиев И.Р. Юқори малакали узоқ масофага югурувчи спортчи қизларни тайёргарлик машғулотлари ва мусобақа жараёнининг қиёсий таҳлили. // ЎзМУ хабарлари. –Тошкент, 2018 йил №1/1 2018й. 171-174 бетлар.

7. Хайдаров Б.Т., Легкая атлетика: программа для детского-юношеских спортивных школ, специализированных детско-юношеских школ олимпийского резерва. – Т.: "Илмий техника ахбороти – пресс", 2017. – 148 с.

8. Olimov M.S., Soliyev I.R., Haydarov B.Sh. / Darslik. Sport pedagogik mahoratini oshirish. – T., 2017. – 318 b.

9. Olimov M.S., To'xtaboyev N.T., Soliyev I.R., Ortiqov X.T. /O'rta va uzoq masofalarga yugurish uslubiyati. O'quv qo'llanma.–T.: "Fan va texnoligiya", 2016. -156 bet.

10. Shakirjanova K., Soliyev I., Olimov M., Baratov A., Akmanov B., Saydkulov Z., Pedagogical technologies and interactive methods as a factor of increasing special knowledge of students. Journal of Critical Reviews., 2020; 7(6): 42-46.doi:10.31838/jcr.07.06.10. http://www.jcreview.com/?mno=101674

11. Soliev I., Khaydrov B., Mirzatillayev I., Khujamkeldiyev G., Ziyayev F., Functional training level of runners student-athletes sprinters. // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 05, 2020, http://www.psychosocial.com/article/PR201878/17061/

**Низом ТЎХТАБОЕВ**
Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия
ва спорт вазирлиги ҳузуридаги
Жисмоний тарбия ва спорт бўйича
мутахассисларни илмий-методик таъминлаш,
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг
спорт бошқаруви кафедраси профессори,
педагогика фанлари номзоди, доцент

# БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИДА ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЁШ ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДИНАМИКАСИ

*Мазкур маколада бошланғич тайёргарлик гуруҳида шуғулланувчи 10-12 ёшли енгил атлетикачиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси илмий жиҳатдан таҳлил қилинган ва асосланган.*

***Калит сўзлар:*** *бошланғич тайёргарлик босқичи, куч, тезкор-чидамлилик, чидамлилик, чаққонлик, жисмоний тайёргарлик, психологик тайёргарлик, мулоқотга киришa олиш қобилияти.*

*В статье проведен научный анализ и обоснование методики использования двигательных игр в развитии физической и психологической подготовки спортсменов 10-12 лет в группе начальной подготовки.*

***Ключевые слова:*** *начальной подготовки, сила, ловкость, выносливость, ловкость, физическая подготовка, психологическая подготовка, способность к общению.*

*This article scientifically analyzes and substantiates the methodology of using movement games in the development of physical and psychological training of 10-12-year-old athletes in the primary training group.*

***Key words:*** *initial training, strength, dexterity, endurance, agility, physical fitness, psychological training, the ability to communicate.*

**Кириш**. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш ҳамда ривожлантириш жаҳон ҳамжамиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Шу ўринда болалар ва ўсмирлар спортининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Танланган спорт тури бўйича иқтидорли болаларни спортга жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ўстиришда жисмоний, техник-тактик, психофизиологик, интеллектуал тайёргарликнинг ўрни беқиёсдир. Спорт турларининг шиддатли ривожланиши мазкур соҳада замонавий илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига таянган ҳолда ўқув-машғулотларини илмий асосда ташкил қилиш бугунги кунда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Албатта республикамизда болалар-ўсмирлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 30.10.2020 йилдаги ПФ-6099 сонли "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" фармонлари бугунги кунда юртимизда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришда дастурил амал бўлиб хизмат қилади десак муболаға бўлмайди. Албатта ҳозирда жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда [1,2].

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни зарарли одатлардан асраш, уларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олишда инновацион технологиялардан фойдаланиш, ёш авлод жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида инновацион технологияларни қўллаш орқали уларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш муҳим ва долзарб вазифа бўлиб турибди.

**Асосий қисм.** Дунёда болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубияти соҳасида илгари ҳам ҳар хил спорт турлари учун болаларни саралаб олиш мезонлари, воситалари ҳамда усулларини аниқлаш, уларнинг жисмоний ривожланишини бошқариш, яъни болалар организмининг анатомик-

физиологик ва психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда машғулот юкламаларини тақсимлаш ва режалаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб борилган. Бошланғич тайёргарлик босқичида танланган спорт турининг техникаси ва тактикасига ўргатиш усуллари, болалар организми ривожланишининг сенситив даврларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳаракат сифатларини ривожлантириш механизмлари ишлаб чиқилган [1]. Спорт турлари билан шуғулланишга бўлган мотивацияни шакллантириш ҳамда спорт тўгаракларида контингентни сақлаб қолишда ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти ва самарадорлигини аниқлаш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар ўтказилган [2, 3, 4, 5].

Таъкидлаш жоизки, жаҳонда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришда иқтидорли болаларни спортга жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини тарбиялаб етиштириш, психологик ҳолатини баҳолаш, организмнинг морфофункционал кўрсаткичларининг ривожланиш даражасини аниқлаш, жисмоний, техник-тактик тайёргарлигини оширишда қўлланиладиган восита ва методларни амалиётга татбиқ этиш, ўқув-машғулотларни илмий асосда ташкил қилиш юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган (Э.Р.Андрис, Р.Қ.Кудратов, 1998; В.Г.Никитушкин, Н.Н.Чесноков, В.Б.Зеличенко, Б.Ф.Прокудин, 2004; Н.Г.Озолин, Д.П. Марков, 2002, В.Б.Попов, Ф.П.Суслов, Г.Н.Германов, 1999). Ҳозирги вақтда спорт натижаларининг жадал ўсиши мазкур соҳада замон талабларига жавоб берадиган ўқув-машғулотларни тизимини оптималлаштиришнинг замонавий восита ва усулларни излаб топиш талабини қўймоқда [4, 5, 6].

Таъкидлаш жоизки, жаҳонда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришда иқтидорли болаларни спортга жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини тарбиялаб етиштириш, психологик ҳолатини баҳолаш, организмнинг морфофункционал кўрсаткичларининг ривожланиш даражасини аниқлаш, жисмоний, техник-тактик тайёргарлигини оширишда қўлланиладиган восита ва методларни амалиётга татбиқ этиш, ўқув-машғулотларни илмий асосда ташкил қилиш юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган [3, 4, 5, 11]. Ҳозирги вақтда спорт натижаларининг жадал ўсиши мазкур соҳада замон талабларига жавоб берадиган ўқув-машғулотлар тизимини оптималлаштиришнинг замонавий восита ва усулларни излаб топиш талабини қўймоқда.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 10-12 ёшли болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган.

10-12 ёшда тезлик сифатининг жадал ривожланиши болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва методикаси соҳа мутахассислари томонидан таъкидлаб ўтилган (В.П.Волков, 2002). Мазкур ёшдаги бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи спортчиларнинг тезлик сифати ривожланишининг ёшга хос динамикасини аниқлаш юзасидан ўтказилган педагогик тестлаш натижалари қуйидагича бўлди. Унга кўра (Юқори стартдан 30 м.га югуриш) 10 ёшлиларда ўртача кўрсаткич мос равишда 8,9±0,2 с.ни, 11 ёшлиларда 8,7±0,4 с.ни, 12 ёшлиларда эса мос равишда ўртача 8,4±0,6 с.ни ташкил этди (p>0,05).

**10-12 ёшли енгил атлетикачи қиз болаларнинг жисмоний тайёргарлиги динамикаси [n=123]**

1-жадвал

| Т/р | Кўрсаткичлар | 10 ёш | 11 ёш | 12 ёш | 10-11 ёш | | 11-12 ёш | | 10-12 ёш | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | $\bar{x}\pm\sigma$ | $\bar{x}\pm\sigma$ | $\bar{x}\pm\sigma$ | t | p | t | p | t | p |
| 1 | Юқори стартдан 30 м.га югуриш, (с) | 8,9±0,2 | 8,7±0,4 | 8,4±0,6 | 0,45 | >0,05 | 0,02 | >0,05 | 0,31 | >0,05 |
| 2 | 3×10 м мокисимон югуриш, (с) | 10,5±0,5 | 9,8±0,4 | 9,5±0,6 | 0,48 | >0,05 | 1,29 | >0,05 | 1,84 | >0,05 |
| 3 | Юрган холатда 60 м.га югуриш, (с) | 10,2±0,3 | 9,5±0,5 | 9,0±0,8 | 0,48 | >0,05 | 1,29 | >0,05 | 0,87 | >0,05 |
| 4 | Тўлдирма тўпни улоқтириш (1 кг), (метр) | 4,2±0,5 | 4,9±0,4 | 5,4±0,7 | 1,94 | >0,05 | 1,80 | >0,05 | 2,21 | <0,05 |
| 5 | Турган жойдан узунликка сакраш, (см) | 150,5±4,2 | 159,4±3,8 | 165,2±4,8 | 1,41 | >0,05 | 1,50 | >0,05 | 2,50 | <0,05 |
| 6 | Турган жойда уч хатлаб сакраш | 521±25,4 | 540±23,1 | 558±11,4 | 1,41 | >0,05 | 1,50 | >0,05 | 1,50 | >0,05 |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | (см) | | | | | | | | | |
| 7 | Паст турникда тортилиш, (марта) | 2,5±0,6 | 2,8±0,9 | 3,4±1,2 | 1,15 | >0,05 | 1,21 | >0,05 | 2,19 | <0,05 |
| 8 | 6-дақиқали югуриш, (м) | 810,5±10,3 | 852,8±8,5 | 930,4±9,2 | 3,28 | <0,05 | 29,7 | <0,001 | 18,1 | <0,001 |

10-12 ёшли енгил атлетикачи қизларнинг чаққонлик сифатини ривожланишининг ёшга хос динамикасини аниқлаш юзасидан ўтказилган педагогик тестлаш натижалари қуйидагича бўлди. Унга кўра 10 ёшли енгил атлетикачилар 3×10 метрга мокисимон югуриш бўйича мос равишда ўртача 10,1±0,5 с.ни, 11 ёшлилар ўртача 9,8±0,4 с.ни, 12 ёшлилар эса мос равишда ўртача 9,5±0,6 с.ни ташкил этди. Кўрсаткичлар орсида статистик фарқлар ишончлилиги (р>0,05) ган тенг.

Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир ёшдаги қиз болалар ўртасида 1 кг.ли тўлдирма тўпни ирғитиш бўйича ўтказилган педагогик тестлаш натижалари қуйидагича бўлди: унга кўра 10, 11, 12 ёшлиларда ўртача натижа 4,2±0,5 м.ни, 4,9±0,4 м.ни 5,4±0,7 м.ни ташкил этди.

10-12 ёшли спортчи қизларнинг эгилувчанлик сифатининг ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган педагогик тестлаш натижалари қуйидаги маълумотларни берди. Унга кўра 10 ёшлиларда ўртача 6,4±1,2 см.ни, 11 ёшлиларда эса мос равишда ўртача 6,8±1,2 см.ни, 12 ёшлиларда эса ўртача 6,9±1,9 см.ни ташкил этди. 10-11-12 ёшлилар орасидаги статситик фарқлар ишончлилиги (р>0,05; р>0,05; р>0,05)га тенг.

Илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи енгил атлетикачиларнинг ўқув-машғулотлар жараёнида ўтказилган педагогик кузатишлар натижасида мазкур спорт тури билан шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятини инобатга олган ҳолда уларнинг жисмоний, техник-тактик ва психологик тайёргарлигида оптимал восита ва усулларни ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир енгил атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлигининг ёшга хос динамикасини аниқлаш юзасидан ўтказилган педагогик тестлаш натижаларига кўра тезлик, чаққонлик, тезкор-куч, куч, чидамлилик ва бошқа сифатларнинг ривожланиши қиёсий солиштирилганда кўрсаткичлар орасида статистик фарқлар ишончлилиги (р>0,05) га тенг.

Юқорида ўтказилган тажрибалардан олинган натижаларга таянган ҳолда бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир енгил атлетикачиларни ўқув-машғулотлар самарадорлигини оширишда ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган машғулот методларини ишлаб чиқиш талабини қўймоқда.

Илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи енгил атлетикачиларнинг ўқув-машғулотлар жараёнида ўтказилган педагогик кузатишлар натижасида мазкур спорт тури билан шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятини инобатга олган ҳолда уларнинг жисмоний, техник-тактик ва психологик тайёргарлигида оптимал восита ва усулларни ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

10 ёшлиларда ўртача кўрсаткич мос равишда 8,9±0,2 с.ни, 11 ёшлиларда 8,7±0,4 с.ни, 12 ёшлиларда эса мос равишда ўртача 8,4±0,6 с.ни ташкил этди. Мазкур ёшдаги спротчиларда тезлик сифатининг ривожланишининг қиёсий солиштирилганда кўрсаткичлар орасида статистик фарқлар ишончлилиги (р>0,05) га тенг.

**Хулоса**. Юқорида ўтказилган тажрибалардан олинган натижаларга таянган ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкин: бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир енгил атлетикачиларни ўқув-машғулотлар самарадорлигини оширишда ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган машғулот методларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш ҳақида”ги ПФ-2821-сон Фармони.

2. Абдуллаев М.Ж. Ёш енгил атлетикачиларнинг машғулот самарадорлигини оширишда ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини такомиллаштириш. п.ф.ф.д.(PhD) диссер... автореферати ,Т.: 2019, 72 бет.

3. Андрис Э.Р., Қудратов Р.Қ. Енгил атлетика. -Т., 1998 – 124 с.;

4. Балдаев К.В. Подвижные игры на этапе начальной спортивной специализации в вольной

борьбе. Автореф. дисс....кан.пед.наук. -М., 1986. - 22с.

5. Қудратов Р.Қ., Енгил атлетика / дарслик. – Тошкент. 2012. 367, б.;

6. Қурбонова М.А. Бошланғич тайёргарлик даврида ёш волейболчиларни танлаш ва машгулот жараёнида халқ ҳаракатли ўйинлридан фойдаланиш. Пед.фан.ном. дисс. -Тошкент. 2006. -127 бет.

7. Тажибаев С.С. Ёш боксчиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси. п.ф.ф.д.(PhD) диссер... автореферати. -Т., 2017. 52 бет.

8. Абдуллаев М.Ж., Олимов М.С., Тўхтабоев Н.Т. Енгил атлетика ва уни ўқитиш методикаси. Дарслик. –Тошкент: “Баркамол файз медиа” нашриёти, 2017 й. -620 бет

9. Абдуллаев М.Ж. Ёш енгил атлетикачиларнинг машғулот самарадорлигини оширишда ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини такомиллаштириш. п.ф.ф.д.(PhD) диссер... автореферати. -Т., 2019. - 72 бет.

10. Абдуллаев М.Ж. Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир енгил атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлиги динамикаси // “Фан-спортга” илмий назарий журнал. – Тошкен, 2018, №2. 13-15 б.

11. Абдуллаев М.Ж. О некоторых особенностях кинематики метания диска с места // Система менеджмента качества в вузе: здоровье, образованность, конкурентоспособность. Сб. науч. тр. VII Междунар. науч. - практ. конф., 2018, С. 7-10.

12. Абдуллаев М.Ж. Физкультурно-оздоровительные подходы в процессе физического воспитания студентов вузов // Система менеджмента качества в вузе: здоровье, образованность, конкурентоспособность. Сб. науч. тр. VII Междунар. науч. - практ. конф., 2018, С. 10-14.

13. Абдуллаев М.Ж. Swot-анализ в структуре информационных технологий физического воспитания //Система менеджмента качества в вузе: здоровье, образованность, конкурентоспособность. Сб. науч. тр. VII Междунар. науч. - практ. конф., 2018, С. 14-18.

14. Абдуллаев М.Ж. Взаимосвязь физическоо и психического развития детей в процессе физического воспитания. // Журнал. Вестник интегративной психологии. Ярославл, 2018. №17. 10-13 б. [13.00.00№23].

**Раҳим ШУКУРОВ**
Бухоро давлат университети доценти

# ТАЛАБА – ЁШЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУҲИМ ВОСИТА СИФАТИДА

*Мақола мазмунида талаба-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш, уларда соғлом турмуш маданияти тушунчаларини сингдириш ва ривожлантиришнинг педагогик шартлари, жисмоний тарбия ва спортнинг имкониятлари ва самарадорлик жиҳатлари ўрганилган, мақсадли педагогик жараённи ташкил этишнинг технологик шарт-шароитлари ҳавола этилган.*

***Калит сўзлар:*** *соғлом турмуш маданияти, педагогик восита, механизм, мотивация, технологик жараён.*

*В содержании статьи изучены педагогические условия привлечения студентов к занятиям физической культурой и спортом, усвоения и развития понятий культуры здорового образа жизни, возможности и эффективность физического воспитания и спорта, указаны технологические условия организации целенаправленного педагогического процесса.*

***Ключевые слова:*** *культура оздоровления, педагогический инструмент, биографические данные, мотивация, технологический процесс.*

*In the content of the article, the pedagogical conditions of attracting students to physical education and sports, absorbing and developing the concepts of the culture of healthy life, the possibilities and effectiveness of physical education and sports have been studied, the technological conditions of the organization of the targeted pedagogical process have been referred to.*

***Key words:*** *culture of wellness, pedagogical tool, curriculum vitae, motivation, technological process.*

**Кириш**. Замонавий таълим жараёнларининг дунё миқёсидаги бугунги тараққиёт унинг таркибидаги турли ижтимоий – педагогик йўналишлар ва ўзгаришлар, ислоҳотлар, ҳаракатларнинг кўплиги уларнинг ранг-барнглиги билан белгиланади. Ўзбекистон республикасида охирги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мамлакатда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш каби масалалар ўта муҳим ва долзарбдир [3].

**Асосий қисм.** Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида талаба–ёшларнинг соғлом турмуш тарзига эътибор қаратилмоқда, бу эса жамоатчиликни олий маълумотни тугатган мутахассисларнинг соғлиғи ва уларнинг касбий тайёргарлиги жараёнида касал бўлиб қолиш даражаси ошиши, кейинчалик иш қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ [5].

Талаба-ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш муаммоси ўз ечимини кутаётган муҳим масаладир. Ёшлар саломатлиги ҳолати миллат соғлом салоҳиятининг муҳим таркибий қисмидир, шунинг учун талабалар саломатлигини сақлаш ва ривожлантириш ва уларда соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш бугунги кунда устувор аҳамиятга эга. Ёшлар саломатлиги ҳозирги жамиятда ижобий ечимини топиши зарур бўлган энг долзарб ижтимоий аҳамиятли муаммолардан бўлиб, мазкур муаммога эътиборсиз бўлиш, келажак авлод истиқболини қўлдан бой беришга тенг келади.

Глобаллашув жараёнида жамиятни модернизациялашнинг асосий шартларидан бири аҳолининг турмуш маданиятини ривожлантириш ва ижтимоий муҳитни соғломлаштиришдан ибарат [4].

Талаба–ёшларни жисмоний тарбия ва спорт воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, имкониятлари ва самарадорлик жиҳатлари борасида имлий ишланмалар етарли деб бўлмайди. Мавжуд манбаларда муаммонинг умумий томонлари ўрганилиб, ўқувчи ёшлар, талабаларда соғлом турмуш тарзи муаммоларининг долзарблигини эътироф этиб, тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш зарурият эканлигини такидлаганлар.

Мавзуга оид мавжуд илмий манбааларни ўрганиш олий таълим “жисмоний маданият” таълим йўналишининг ўқув тарбиявий жараёнида ўтказилган кузатувлар асосида дарс ва дарсдан ташқари ўтказиладиган жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг педагогик, технологик жараёнини ташкил этиш шарт–шароитлари аниқланди:

1. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш ижтимоий, педагогик муаммо сифатида тавсифланиб, соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ва аҳамияти очиб берилади ҳамда олий таълим муассасаларида имкониятлари кўрсатиб берилади.

2. Ўқув жараёни, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари жараёнида талабалар хулқ-атвор, одатлар, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, соғлиғини сақлаш ва ривожлантиришга оид кўникмаларга асосланган билимларини такомиллаштириш.

3. Ўқув фаолиятига ўқув технологияларини жорий этиш, жисмоний тарбия назариясини ривожлантирувчи ва шахсга йўналтирилган таълимнинг педагогик назариялари билан уйғунлаштириш.

4. Талабаларни соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган ноанъанавий ўқитиш усулларини дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда жорий этиш.

5. Талаба–ёшларни жисмоний тарбия ва спорт воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг шакл, усул ва воситаларини қўллаш орқали самарадорликка эришиш.

6. Талабаларда жисмоний тарбия ва спорт воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи механизмларини амалда жорий этиш.

7. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш орқали талабаларнинг даражасини кўрсатувчи мезонлар, унинг самадорлик даражаларини амалиётда жорий этиш.

Жисмоний тарбия инсоннинг умумий маданиятининг бир қисмидир. Жисмоний маданиятда инсон нафақат ўзининг табиий борлиғини, балки ўзи, атрофдаги дунё, табиат ва жамият билан уйғунлашишга интилиб, инсоният маданиятини ҳам эгаллайди.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида шахс жисмоний маданиятининг шаклланиши асосан жисмоний тайёргарликдан жисмоний соғлиқни сақлаш дастурларини амалга оширишга, шахснинг жисмоний ўзини такомиллаштириш ва психофизик фазилатлар ва хусусиятларнинг ривожланиш даражасининг ўзгаришига йўналтирилган, кўп қиррали ва, шу билан бирга, ажралмас жараёндир [5].

Соғлом турмуш маданиятини шакллантириш, инсон соғлигини мустаҳкамлаш, унинг жисмоний ва функсионал имкониятларини оширишда жисмоний тарбия ва спорт муҳим аҳамият касб этади. Инсон турмуш тарзи таркибида жисмоний фаолликка қонуний ва мажбурий эҳтиёж сезиши лозим. Соғлом турмуш тарзи, саломатликни мустаҳкамлаш жисмоний тарбия ва спорт билан мунтаъзам шуғулланишни тақозо этади. Зеро, талабаларни соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларни жисмоний камолатга етишишида жисмоний тарбияга бўлган эҳтиёжини шакллантириш таълим муассасалари олдида турган муҳим вазифадир.

Шундай экан, оилий таълим муассасалари талабаларини жисмоний тарбия ва спорт воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг муаммоси бўйича чуқур илмий тадқиқотлар ва изланишлар олиб боришга эҳтиёж мавжуд, айнан шу ҳолат мазкур тадқиқот ишининг долзарблигигни белгилаб беради.

Олий таълим муассасаси талабаларида соғлом турмуш тарзи маданияти бўйича мавжуд амалий аҳволни илмий ўрганиш ва ўзига хос бир неча хусусият борлигини кўрсатади.

Бугунги кунда техника тараққиётининг ривожланиб бораётганлиги, инсон иш фаолиятида бажарадиган ишларнинг ўрнини техника воситалари эгаллаётгани киши саломатлигини мустаҳкамлашда салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунигдек, замонавий ўқув жараёни кўпинча талабалар саломатлигининг ёмонлашувига олиб келмоқда.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Талабаларда соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш масаласи жуда муҳимдир. Соғлом турмуш тарзи аввало оиладан бошланади. Ўқувчи–ёшлар ва талабаларда ёшлигидан бошлаб “Соғлом турмуш маданияти” тушунчасини “Соғлом ҳаёт кечириш” ғоясини сингдириш асосий ва муҳим масала ҳисобланади.

Ўқув юртларида талаба–ёшлар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келадиган бир қанча омиллар, сабабларлар мавжуд. Масалан:

- кун тартибига тўғри риоя қилинмаслиги;
- жисмоний машқлар билан шуғулланмаслик, гигеник талабалар;
- чекиш, алкогол моддаларнинг тарқалиши;
- дам олиш ва бўш вақтларини, компютер заллари, кафеларда ўтказишга боғлашади.

Юқорида коўрсатиб ўтилган ҳолатлар талаба-ёшларнинг ўз вақтларини турли хилдаги бекорчилилик ишлар билан бандлиги билан ўтказиб, саломатлик ҳақидаги маданиятининг пастлигидан, уларнинг соғлиғига бепарволик билан муносабатда бўлганлигидан далолат беради.

Шунинг учун бўлажак жисмоний маданият ўқувчиларини жисмоний тарбиялаш жараёнида, соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда, дам олиш ва бўш вақтни ташкил қилишда, таълим даргохларида дарсдан ташқари миллий ва оммавий спорт тўгараклари фаолиятини тизимли, самарали ташкил қилиш соғлом турмуш маданиятини шакллантириш, ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жисмоний тарбия ишига мотиватсион муносабатни шакллантириш талабаларга соғлиқни қадрият йўналиши сифатида эгаллашига қаратилиши зарур. Шунинг учун талаба-ёшларнинг соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спорт асосий мақсади бўлиб, унинг вазифалари тананинг функционал, мослашувчан қобилиятларини ошириш, шахснинг жисмоний маданиятини ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган шахсни тарбиялаш ва ривожлантиришдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жисмоний тарбия ва спорт нафақат ўқув интизоми, балки талаба ёшларнинг соғлом турмуш маданиятини шакллантиришнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб жисмоний ва маънавий бирликни уйғунлаштиришга ёрдам беради, талабаларнинг саломатлиги, жисмоний ва ақлий баркамоллиги каби умуминсоний қадриятларнинг шаклланишини таъминлайди.

**Хулоса**. Талаба–ёшларда жисмоний тарбия ва спорт орқали ақлий, ахлоқий ва жисмоний сифатларини ривожлантириш, спорт маҳоратини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, иш қобилиятларини яхшилаш, соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш ва ва соғлом муҳитни яратишнинг кўп қиррали жараёнида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари аҳамияти ошиб бормоқда. Чунки жисмоний тарбия ва спорт инсоннинг ақлий - ахлоқий, маънавий комилликка, жисмоний баркамол бўлишида, таълим–тарбия жараёнининг самарали воситасидир.

## Адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон қарори.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ -3306 – сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 24 январдаги ПФ -5924 – сонли фармони.

4.Жамолдинова О.Р. Соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш: п.ф.н......диссер.афтореферати. -Тошкент, 2015.

5.Мелешкова Н.А. Формирование здорового образа жизни студентов вуза в процессе физического воспитания: дис. … канд. пед. наук. -Кемерово, 2005.

6.Степанок И.А.Развитие мотивации студентов университета к здоровому образу жизни средствами физической: дис. … канд. пед. наук. -Магнитогорск, 2005.

7.Шукуров Р.С. Миллий кураш турлари ва уни ўқитиш методикаси (Турон кураши) ўқув – қўлланма. -Бухоро, 2016.

# “ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ” ЖУРНАЛИ УЧУН МАҚОЛАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ

1. Мақола бошланишида Универсал ўнлик кўрсаткич (ЎУК) берилади.

Қуйидагилар алоҳида қатордан бошлаб киритилади:

1) мақола сарлавҳаси (оддий ҳарфларда, масалан: Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш маҳорати);

2) муаллиф(лар)нинг фамилияси (тўлиқ), исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари;

3) мақоланинг аннотацияси (пробеллар билан бирга 500 белгидан иборат), аннотация курсив билан берилади ва бир қатор ташлаган ҳолда асосий матндан ажратилади;

4) калит сўзлар (5–10 та).

2. Мақола матни “Microsoft Word” дастурида тайёрланиб, “Times New Roman” 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир интервал, саҳифа четлари чапдан 3 см, юқоридан ва пастдан 2 см, ўнгдан 1,5 см, хатбоши 1,25 см қолдирган ҳолда терилади ва электрон варианти билан (флешка ёки CDда) топширилади.

Мақола матнида бошқа шрифтлардан фойдаланилган тақдирда бундай шрифтлар муаллиф томонидан электрон вариантда таҳририятга тақдим этилиши лозим.

3. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8 саҳифадан кам бўлмаслиги (аннотациялар, калит сўзлар ва адабиётлар рўйхати бу ҳисобга кирмайди) талаб қилинади. Журнал учун энг мақбул ҳажм 8-10 саҳифа оралиғида.

4. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, улар оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Мақолада матнида ранг воситасида маъно фарқлашга хизмат қиладиган расм, чизма ва диаграммаларнинг бўлиши мумкин эмас.

Формулалар матнга махсус компьютер дастурларида киритилиши керак.

Адабиётлар рўйхати лотин алифбосига транслитерация қилинади.

**Мақолага муаллифлар ҳақида маълумот илова қилинади.**

Муаллиф(лар) ҳақидаги маълумот қуйидагиларни ўз ичига олади:

– муаллиф(лар)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми (тўлиқ)

– илмий даражаси (агар бўлса)

– иш жойи, бўлим, вазифаси (қисқартирмаган ҳолда).

Муаллиф ҳақида инглиз тилидаги маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) муаллиф(лар)нинг фамилияси, исми ва отаси исмининг инглиз тилидаги варианти, мақола номи ва муаллиф иш жойининг инглиз тилига таржимаси, масалан: *Dilmurod H. Quronov*, Andijan State University (Andijan, Usbekistan). E-mail: kuronov@rambler.ru

**COMPOSITIONOF LYRICAL WORK**

2) калит сўзларнинг инглиз тилига таржимаси;

**Фойдаланилган адабиётларнинг инглиз тилидаги варианти (References) APA-2010 стандарти бўйича тайёрланиши зарур.**

**1. Китобларни бериш тартиби:**

Esin, A.B. (2000) *Printsipy i priyemy analiza literaturnogo proizvedeniya* [Principles and techniques of analyzing literary work]. Moscow: Flinta.

Rakhimzhonov, N. (2012) *Intellektual sheriyatning tabiati* [Nature of intellectual Poetry] In: *Istiqlol va bugungi adabiyot* [Independence and Modern Literature]. Toshkent: Teacher. pp. 145–155.

**2.Мақолаларни бериш тартиби:**

Suyarov, M. (2008) Peyzazh she’riyatida kompozitsiya [Composition in landscape poetry]. *O‘zbek tili va adabiyoti* [*Uzbek language and literature]*. 1. pp. 72–75 (In Uzb.).

**3. Интернет манбаларини бериш тартиби:**

Belova, E. A., Kilkeeva, Yu. A., & Trenogina, A. A. (2014). *Tendencies of the world market of transportation and logistics services development.* Retrieved from http://pnu.edu.ru/media/ejournal/articles-2014/TGU_5_336.pdf *(in Russ.)*




Buxoro davlat universiteti muassisligidagi
“PEDAGOGIK MAHORAT”
ilmiy-nazariy va metodik jurnali
barcha ta’lim muassasalarini
hamkorlikka chorlaydi.

Pedagoglarning sevimli nashriga aylanib ulgurgan “Pedagogik mahorat” jurnali maktab, kollej, institut va universitet pedagogik jamoasiga muhim qo‘llanma sifatida xizmat qilishi shubhasiz.

Mualliflar uchun eslatib o‘tamiz, maqola qo‘lyozmalari universitet tahririy-nashriyot bo‘limida qabul qilinadi.

Manzilimiz: Buxoro shahri, M.Iqbol ko‘chasi 11-uy
Buxoro davlat universiteti, 1-bino 2-qavat, 208-xona

**Tahririyat rekvizitlari:**
Moliya vazirligi g‘aznachiligi
23402000000100001010
MB BB XKKM Toshkent sh. MFO 00014 INN 201504275
**BuxDU 400110860064017950100079002**

***Pedagogik mahorat: rivojlanamiz va rivojlantiramiz!***

**PEDAGOGIK MAHORAT**

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**

**2021-yil 1-son (77)**

**2001-yil iyul oyidan chiqa boshlagan.**

**OBUNA INDEKSI: 3070**

**Buxoro davlat universiteti nashri**

Jurnal oliy o‘quv yurtlarining professor-o‘qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab o‘qituvchilari, shuningdek, keng ommaga mo‘ljallangan.

Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar, turli xabarlar chop etiladi.

**Nashr uchun mas’ul:**
**Alijon HAMROYEV.**
**Musahhih: Muhiddin BAFAYEV.**
**Muharrir: O‘g‘iljon Olloqova**

Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Chop etish sifati uchun bosmaxona javobgar.

Bosishga ruxsat etildi 05.04.2021
Bosmaxonaga topshirish vaqti 08.04.2021
Qog‘oz bichimi: 60x84. 1/8
Tezkor bosma usulda bosildi.
Shartli bosma tabog‘i – 20,6
Adadi – 100 nusxa
Buyurtma №90.
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Buxoro shahri M.Iqbol ko‘chasi 11-uy.